

УЗБЕК  
ХАЛҚ  
ИЖОДИ

---

КЎП ТОМЛИК



# ХОЛДОРХОН

---

ДОСТОН

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

82.3(2)  
Э 74

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

КОМИЛ ЯШИН, САРВАР АЗИМОВ, МАРАТ НУРМУҲАМЕ-  
ДОВ, МАТЕҚУБ ҚЎШЖОНОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, МУЗАЙЯНА  
АЛАВИЯ, ШОНАЗАР ШОАБДУРАҲМОНОВ, ТУРА МИРЗАЕВ,  
МУҲАММАД АЛИ, СОЛИҲ ҚОСИМОВ, БАҲОДИР САРИМ-  
СОҚОВ

Айтувчи: ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли  
Ёзиб олувчи: ҲОДИ ЗАРИФ ва шoirнинг ўзи  
Нашрга тайёрловчи: ҲОДИ ЗАРИФ

Эргаш Жуманбулбул ўғли.

Холдорхон: Достон / Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли; Ёзиб олувчи Ҳоди Зариф.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.— 440 б.— (Ўзбек халқ ижоди: Кўп томлик) Редкол.: К. Яшин ва бошқ.


Сарл. олинди: ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт ин-ти.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг қамраб олинган воқеа-ҳодисалар мўл-кўллиги ва ниҳоятда кенглиги, тасвирнинг ўта бойлиги жиҳатидан ўзига хос роман даражасига кўтарилган мазкур достонда афсонавий қаҳрамон Ғурўғли, унинг йигитлари она юртни ташқи ҳамда ички душманлардан баҳодирона ҳимоя қилиши тасвирланади. Шунингдек, асарда қадимги типик ўзбек аёлларининг образи ҳам моҳирона чизиб берилган.

Народное творчество. Холдорхон

82.3(2)

70700—3  
Н М352(04)—81 165—81 4702057020



Бурунги ўтган замонида, эли ўзбак омонинда, қибладан туманинда, Така-Евмитнинг элинда, Чамбилбелнинг белинда давронни суриб, қирқ йигитни йиғиб, олтин пиёлага майлар қўйиб, кунда эртан чулонинга қўй-сўқимлар сўйиб, юртни йиғдириб, очни тўйдириб, қирқ йигитга силовсин тўн кийдириб Гўрўғлибек ўтди. Гўрўғлибекнинг ўтирадиган ҳовлиси уч қават; қанча элни йиғса, ташқи ҳовлида зиёфат қилиб чиқариб юбора берар эди. Ўрта ҳовлисида бир меҳмонхонайи хос... ички ҳовлисини аёли, бола-чақа учун қилдирган эди. Қирқ йигити билан доим ўрта ҳовлида ўтирар эди.

Гўрўғлибек Оға Юнуспарини Кўҳи Қофидан, Эрам боғидан, Қора дев билан қон тўкишиб, Тўхтамиш девнинг кўзини кўр қилиб, эрлик-шерлиги билан зўрлик қилиб, кўп девларнинг жазосини бериб олиб келиб эди. Мисқол парини Боғи Эрамдан келтирди. Ҳасанхонни Ваянғандан олиб келди, Хунхордан Авазхонни олиб қочиб келди. Гўрўғлининг овозаси оламини тутди, донғи Доғистон кетди, ҳайбати шу замондаги подшоларни қўрқитди. Овозаси кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил оша берди. Баъзи валламилар, подшолар Гўрўғлибекнинг бу овозасини эшитиб қўрқиша берди. †

Қримнинг подшоси Холдорхон подшо Гўрўғлибекнинг ғайратини, журъатини эшитиб, ўзидан хавотир қилиб, элининг оқсоқол, арбоб, гапдон, доно, вазир умароларини йиғиб маслаҳат қилди: — Эй, фуқароларим, хизматкор умароларим, вазир-вузаро арим! Мен Гўрўғлибекнинг овозаларини турли-турли эшитаман, бир сав-



догар бундай дейди, бирови ундай дейди, бировининг сўзи бировига тўғри келмайди. Мен шу сўзнинг барини бекор, маломат, гап-сўз дейман. Бўлмаса, Гўрўғли Така-Евмитнинг каттаси, шу валлачиларнинг биттаси, қирқта йигити билан кўринган подшоларга тегиниб, уларни қандай қўрқитади?! Мен шу сўзларни ҳийла дейман. Ўзидан қўрққанидан мени бундай экан, ундай экан, деб айтсин деган бир фириб сўз дейман, менинг шу сўзимга сизлар нима дейсизлар?— деб маслаҳат сўради. Ана шу вақтда аркони давлат, аъёни мамлакат — ҳаммаси жойидан туриб, даст алиф лом қилиб, гарданини ҳам қилиб, катта донолар бари бирдан арз мақомига келиб, қўл қовуштириб айтди:— Э, подшойи олам, султони бокарам! Бизлардан маслаҳат сўрасангиз, бизлар ҳам шу гапнинг барини ёлғон деймиз, балки Гўрўғлининг қирқ одамидан зиёда одами ҳам йўқ деймиз. Тақсир, қирқ одамнинг қўлидан нима келади, ундан ким қўрқади. Уларнинг қиладиган иши бир қишлоқнинг ё бир овулнинг молини қувиб қочади, қирқ одамнинг қиладиган иши шу-да! Зўрлик қилса, бир овулга зўрлик қилади. Эндиги маслаҳат: бизларнинг катта бир тўйимиз бор, агар бизларнинг сўзимизни қабул қилсангиз, шу тўйга Гўрўғлини айтамыз, жамий Такани ҳам, Евмитни ҳам; лашқари, анжом-асбоби кўп бўлса, шу тўйга келгандан билиниб қолади. Одамлар айтгани рост бўлса, мурса, мадора қилиб, ошна бўлиб қоламиз ва агар ёлғон бўлса, шу тўйда сирини оламиз, Туркманга талон соламиз, Гўрўғлибекнинг кўрмаганларини кўзига кўрсатамыз.

Холдорхон айтди:— Бу маслаҳатни яхши айтдинглар, кўп яхши бўлди. Ундай бўлса биз ҳам ёрлашайик, тўйни жуда ўхшатишлар. Ўзбакдан, туркмандан қанча келса, қойил бўлиб, айта-айта кетсин. Сизлар яхши тараддуд-тахлика қилинг. Бизга, элимизга таъна бўладиган ишни қилманг!

Қримнинг эли иттифоқлашиб, шу тўйга даркор бўладиган асбоблардан мўл қилиб, неча бир яхши ҳовлиларни, меҳмонхоналарни янгиттан қилдириб, янги палосдан тўлдириб, одам ейдиган нозу неъматлардан ҳар туслисин жамлаб, йиғдира берди. Бошдан-оёқ тўй асбобин жам қилиб ҳеч ками-кўсти қолмади. Холдорхон подшога арз қилди:— Тақсир подшойим, бизлар тўй асбобини шундай ғамладикки, Гўрўғли тува ернинг юзин подшосин ҳаммасини айтсангиз ҳам, шошмаймиз, одам

ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ҳисобимиздан адашмаймиз.  
Гўрўғлибекни ойнинг тўлишига деб тўйга айта беринг:  
Ана Холдорхон подшо мирзани чақириб, Гўрўғли-  
бекни тўйга таклиф қилиб айтиб турибди:

Бир арза юбордим Туркман элига,  
Қулоқ солинг Холдорхоннинг тилига,  
Хатим борсин тўғри Чамбил белига,  
Бек Гўрўғли келсин Холдор тўйига.

Чопилса арғимоқ отда гуйи бор,  
Бизнинг элда давлатлининг суйи бор,  
Ёппа айтдим Така-Ёвмит элини,  
Холдорхоннинг катта-улкан тўйи бор.

Эшитиб онг<sup>1</sup> Холдорхоннинг зорини,  
Айтдим тўйга Ёвмит-Така барини,  
Катта тўйга ёппа келсин, қолмасин,  
Бошчи қилиб Гўрўғли тождорини.

Фуқароси, умароси қолмасин,  
Қолмасин шул: айтдим йигитларини,  
Оломон, отчопар сира қолмасин,  
Така-Ёвмит элни — ёшу қарини.

Уй бошига сира одам қолмасин,  
Тўйга айтдим шу элатнинг барини.  
Қўрғони, шаҳари, қишлоқ қолмасин.  
Қолмасдан<sup>2</sup> айтдим мен саҳроларини.

Мен барисин айтдим, элин билмайман,  
Ияртиб келсин фуқаросин барини.  
Тўйга айтдим Гўрўғлидай жўмардни,  
Келса олиб келсин икки парини.

Қирқ йигити ёппа тўйга, қолмасин,  
Уларнинг ҳам айтдим аёлларини.  
Така-Ёвмит, бошқа эл ҳам қолмасин,  
Тўйга айтдим ўзбак элнинг барини.

---

<sup>1</sup> Олинг.

<sup>2</sup> Қолдирмасдан.

Мабода кўнглига ҳеч сўз келмасин,  
Кўрғони, саҳроси дим ҳам қолмасин,  
Эли-юртин ёппа айтдим тўйимга,  
Улай-булай, хаёл-паёл бўмасин.

Энди ода бўлди айтган каломим,  
Арзамдан сўнг Гўрўғлига саломим.

Ана энди Холдорхон подшо тилла муҳрни босиб, арзани буклаб, қоғозга ўраб липопалаб, Қрим мамлакатининг қорувлисидан, новчасидан еттита одамни олиб, қўлига хатни бериб, Чамбил мамлакатига, Ёвмитнинг элатига, Таканинг валламатига элчи қилиб юборади.

Ана энди етти элчи неча кун, неча соат йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, неча тоғу чўл юриб, неча турли эл юриб Чамбил элатига келди. Шу вақтда Гўрўғлибек қўлига дурбинни олиб, атрофи жонибга қараб, юрту оламга назар солиб — қараб ўтириб эди. Қараса, етти одам келаётибди. Қийган кийими, минган оти, абзали ўрусси. Гўрўғлибек ўз ўйида: «Булар узоқдан келаётган элчи-ёв, бу элнинг одамига ўхшамайди», — деб пастга тушиб йигитларига қараб: — Меҳмонларни ўрдага олиб келинг, — деб фармон қилиб — буюриб айтган сўзи:

Қаторда юк тортган норча-лўклари,  
Нор туяга ортган оғир юклари,  
Ўрдага бошқаринг, меҳмон келибди,  
Гўрўғлининг наъра шердай беклари.

Ярашиққа кўрғон зарли чотири,  
Давлатлининг кўндир юзу хотири,  
Ўрдага бошқаринг, меҳмон келибди,  
Чамбил белнинг сайланишган ботири.

Гўрўғлининг кўнглинда йўқ черлари,  
Ғазо куни қўллаб комил пирлари.  
Ўрдага бошқаринг, меҳмон келибди,  
Чамбилнинг атанган ботир эрлари.

Қулоқ солинг турли-турли намога,  
Улим ҳақ буйруғи шоҳу гадога,  
Воллоҳ аълам элчи дейман, ботирлар,  
Меҳмон келди, чиқинг, беклар, далага.

Ярашмайди дал бедовнинг ёлсизи;  
Тенгидан кам бўлар марднинг молсизи,  
Меҳмон келди, чиқинг, беклар, далага,  
Ё элчидир, ё бир элнинг жонсизи.

Гўрўглибекнинг бу сўзи билан йигитлар далага чиқиб, элчиларни катта меҳмонхонага тушириб, сийлаб, остига палос ташлаб, зиёфат устига зиёфат, қанд устидан новвот, чойнинг устидан шарбат, паловнинг устидан қовурдоқ, шўрваннинг орқасидан барак, гўштдан сўнг кабоб қилиб, меҳмонларнинг қоринини тўйдириб, бир ҳафта сийлади. Зиёфатдан, меҳмондорликдан ками қолмади. Гўрўглибек келган элчиларга катта сарполар кийдириб, ҳафтадан сўнг хуш келдинг, деб жўнатди.

Ана меҳмонлар туриб кетди. Гўрўглибек аввал қирқ йигит билан маслаҳат қилди:— У, беклар, ботирлар! Қрим подшоси Холдорхон бизни, тамоми элимизнинг катта-кичиги қолмасдан тўйга айтибди. Шунга нима дейсизлар, қандай қилиб борамиз дейсизлар? Бунга дуруст кенгаш қилмоқ даркор.

Шунда қирқ йигит айтди:— Бунга кенгаш не даркор, бунинг тўйга битта одам ҳам бормади. Бизнинг расмимиз бошқа, уларнинг расми бошқа. Биз тўйдош бўлмасак, элдош бўлмасак. Бизни тўйга айтгани қани қандай қилар экан (дегани), бўлмаса, бормасимизни ўзи ҳам билади, бормаимиз.

Гўрўглибек айтди:— У, йигитлар, уят бўлмайдими, бормасанглар бўлмас, бу сўзларинг ярамайди.

Қирқ йигит айтди:— Яраса ҳам шу, ярамаса ҳам шу. Йўқ, бўлмайди десангиз, ўриснинг тилини Авазхон яхши билади, Авазхон бора қолсин. Сиз Ғиркўкни беринг, Ғиркўкнинг тилини Соқибулбул билади, ҳам от ушлари, ҳам сайиси,— Соқибулбул бора қолсин.

Гўрўглибек:— Тўйга боргандан сўнг ошхўри бўлмайдими?!— деди.

Қирқ йигит айтди:— Ундай бўлса Ҳасан Кўлбар бора қолсин, қанча оши бўлса еб беради.

Гўрўглибек:— Тўйга борган сўнг кўпқари — този бўлмайдими?!— деди.

Қирқ йигит:— Ундай бўлса Шодмон бора қолсин,— деди.

Ана энди тўйга шу тўртовини жўнатмоқчи бўлди.

Уч отлиқ, бир пиёда Қрим мамлакатига қараб тўйга

кетиб бораётибди. Шунда Гўрўглибек Авазхон ўглига  
қараб:— Сени душман элига юбораётирман, омон-эсон,  
соғ бориб, саломат келгайсан,— деб бир сўз деди:

Улуғ дедим, остонага бош урдим,  
Сирим айтмай ғанимимдан яширдим,  
Соғ бориб, саломат келгин, Авазхон,  
Боргин, Аваз, яратганга топширдим.

Майдон-майдон Ғиротингни елгайсан,  
Узоқ элда ўйнагайсан, кулгайсан,  
Боргин, Аваз, яратганга топширдим,  
Омон-эсон, соғ-саломат келгайсан.

Авазхон, олдинда душманнинг эли,  
Сенсиз шод бўлмасдир отанг кўнгили,  
Соғ бориб, саломат келгин, фарзандим,  
Сен билан ободдир Чамбилнинг бели.

Майдон-майдон минган отинг елдирма,  
Кеч қолиб ичимни ғамга тўлдирма,  
Бораяпсан ғайри элга, Авазхон,  
Баччалик қип зинҳор сиринг-ай билдирма.

Бек бўлиб мингайсан отинг толмасин,  
Бу зоҳирда ёмон кунинг-ай бўлмасин.  
Баччалик қип сиринг берма, фарзандим,  
Асли душман сенинг сиринг олмасин...

Сен бўлмасанг, менинг ғамим мўл бўлар,  
Оқа-оқа кўзим ёши кўл бўлар,  
Асли душман, болам, бўлгин хабардор,  
Жоним болам, насиҳатим шул бўлар.

Остингда ўйнайди Ғиркўкдай тулпор,  
Қалқоқинг карк тери, белингда ханжар,  
Соғ бориб, саломат келгин, фарзандим,  
Олло ёринг бўлсин, оллоҳу акбар!

Ана энди Авазхон ўғлон отасидан, икки пари энаси-  
дан, қирқ йигит ёри-жўрасидан фотиҳа олиб, Ғиркўкни  
миниб, йўлбарсдай бўлиб чирпиниб, дали-девона бўлиб,  
маст бўлиб, ақлидан бегона бўлиб, йўлга равона бўлиб  
кетиб бораётибди.

Мардни туққан энади (р),  
Энадан ягонади (р),  
Отасидан дуо олиб  
Полвон Аваз жўнади.

Кўлда суқсур, сўнади (р).  
Ақлидан бегонади (р),  
Энасидан дуо олиб  
Полвон Аваз жўнади.

Куйса юрак ёнади,  
Холин билган донади (р),  
Қирқ йигитдан дуо олиб,  
Кўринг, Аваз жўнади.

Алвон-алвон сўйлайди,  
Суқсурдай бўп бўйлайди,  
Бол Авазнинг Ғир оти  
Сувсиз чўлда ўйнайди.

Бачча минган отига,  
Етгай-да мақсадига,  
Сувсиз чўл гумбурлайди  
Марднинг сиёсатига.

Соқибулбул, Шодмонбек  
Баччанинг қабатига.

Чўллар ларзон — гумбурлар  
Ҳасаннинг ҳайбатига.

Талаб қипти тўртови  
Қрим вилоятига.

Қистагандан қистади,  
Йўл юрмоққа устади (р),  
Бошчи Соқи, Шодмонбек  
Қрим юртин истади.

Гоҳ созини созлайди,  
Гоҳ бўтадай бўзлайди,  
Аваз, Соқи, бек Шодмон  
Қрим юртин излайди.

Ҳайда, ҳайда, ҳайда деб,  
Крим юрти қайда деб,  
Бораётир тўртовга  
Мақеадимиз тўйда деб.

Паст-баландни билмайди,  
Йўлни кўзга илмайди,  
Ҳасан Қўлбар пиёда  
Отлилардан қолмайди.

Қўлбар қизиб кетган сўнг,  
Отлар ҳам етолмайди.

«Бизни тўйга юборди»,  
Гапга қулоқ солмайди.  
Ҳасан Қўлбар боради,  
Бирор чарчаб толмайди.

От қўяди эгилиб,  
От ёлига тигилиб,  
Шип-шип қамчи тортади,  
Қор-ёмғирдай тўкилиб.  
Сувсиз чўлда боради,  
Жониворлар ютиниб.

Текис-текис ерларда  
Фирқўк тўлпор қутилиб.

Сувсиз чўлда бедовлар,  
Ўқдай бўлиб отилиб.

Отга солди дирдикка,  
Қойил бўлинг эрликка,  
Сувсиз чўлда бедовлар  
Гоҳ чикка, гоҳ пукка.  
Қамчи урса ўйнайди  
Чўлларда диркка-диркка.

Ариқ тубинда андиз,  
Дарё тубинда қундуз,  
Қистаб кетиб боради,  
Кеча демайди қундуз.

Тўйни тўйлаб келсак деб,  
Элни қойил этсак деб,  
Бораётир тўртови  
Қрим элга етсак деб.

Қрим юртин кўрсак деб,  
Тўйни тўйлаб юрсак деб,  
Бораётир тўртови  
Тез Қримга борсак деб.

Саноси бор тилида,  
Ўткир олмас белида,  
Бораётир тўртови,  
Эр хизирнинг чўлида.

Аваз нодон болади (р),  
Отга қамчи чалади,  
Сувсиз чўлда ботирлар  
Отнинг жонин олади.

Ҳасан Қўлбар пиёда,  
Шамолдай бўп келади.  
Қрим эли қайда деб,  
Паст-баландга елади.

Етказмайин мард Қўлбар,  
Отдан зиёд келади.  
Ҳайданглар, деб мард Ҳасан  
Мазоқ қилиб кулади.

Ол-ол юрди, ол юрди,  
Озгина эмас, мўл юрди,  
Аваз ўғлон чўлларда  
Ўн беш кунча йўл юрди.

Қўринг Чамбил тўрасин,  
Минган отнинг еарасин,  
Ўн олти кун йўл юриб,  
Олди Қрим қорасин.

Асл тулпор қичовда,  
Шуйтиб йўлга ярасин.



Ана энди булар неча кунлар йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, қанча тоғу чўл юриб, ўн олти кун деганда Қрим вилоятига, Холдорхон шоҳнинг юртига кириб борди.

Қрим мамлакати неча юз катта ҳовлиларни тозалатиб, неча минг меҳмонхоналарни либос билан оро бериб, қизил гиламлар билан қизғалдоқдай яшнатиб-ясаб ўтириб эди. Бир палла қараса, уч отли, бир пиёда сумпайиб, чумрайиб етиб борди. Бу тўртовини Қрим эли кўриб:— Шу баччағар ўғри, бўйни йўғон, сувсиз чўлда подадай бўкириб, тегирмондай гулдираб, жавзонинг бир ёғин булутидай вағирлаб, ўзиникини ўзи маъқул қилиб юрган баччағар. Шунни одам деб, эл деб тўйга айтган бизларни арвоқ урган. Бўлмаса, етти одамни хабарга юбориб, тўрт одам келадими?! Бунни ҳов анови четдаги меҳмонхонага обборинг, туширинг. У, ёронлар, бу одамлар оз ҳам бўлса, бизни таъна, мазақ қилмоқчи-да. У, болалар, отини ушланглар, ичкари киргизинг, олдига дастурхон солинг. У, болакайлар, бу ёғинг ошхонага боринглар, минг бўз бола икки қўлларингга икки тобоқдан икки минг тобоқ ошни уйиб-уйиб солинг, бир чош тобоқ бўлсин. Тўрт меҳмонни меҳмонхонанинг ўртасига ўтқизинг, чир айлантриб тобоқни қабат-қабат қўйинг. Бизнинг юртнинг расми шул, барисидан оласан, тўйдим, деб турмайсан, тўйдим, деб турганингга қўймаймиз дедглар-да, ошни қўя беринг,— деди.

Ана Қримнинг бўз болалари икки минг тобоқ ошни уйиб-уйиб, кўтариб кела берди. Бунни Ҳасан Қўлбар кўриб эшикнинг олдини ола берди. «Шу тўйнинг ошхўра биз-да»,— деб билакни туриб олди, катта чангални бургутнинг чангалидай қилиб ёзиб олди. Қандай одам эшикнинг олдига ош кўтариб келса, тобоққа чангални солади, тобоқда бир гуруч ҳам қолмайди. Дим ичкарига ош киргизгани қўймайди. Болалар ош олиб келаётир, Ҳасан Қўлбар шипириб ураётир. Э, қўй-чи, Ҳасан бонгиз қовузланмаётир. Ош тез-тез кела бермаса, Ҳасан Қўлбар Авазхонга қараб:— Уй-бой, болам, мени бундай майдалаб қачон тўйғизасан, ошинг борми, бўлгани шуми?! Тўй деганинг шу ерми, ё бир ерга меҳмон бўлиб қўндикми, тўйхонанг қай ерда? Тўйхона шу ер бўладиган бўлса, мени нимага ҳалак қилдинг, тўйнинг оши шу бўладими,— деб қобоғини уйиб, Авазхонга ўдрайиб, тўй бор деб алдаб, ўтирик айтиб, мени мазақ

қилган экансан-да. Соқолим оқарганда ҳалак бўлдим-  
ми,— деб аразрангқираб Авазхонга бир сўз айта ётибди:

Хоним Аваз, тўйхонангдан тўйганим,  
Қорним тўйиб, бундан сарпо кийганим,  
Айтиб келиб тўйдирмаса Кўлбарни  
Лозим эди қозонини ўйганим.

Бек Гўрўғли мени ошхўр қип берди,  
Ошхўринг деб сенинг билан юборди,  
Олиб келиб берган ошинг шу бўлса,  
Сенинг билан келганлигим бекорди (р).

Бир ўзима катта қозон қурмаса,  
Қирқта-ўттиз ошпаз ош қип бермаса,  
Тўйхонанинг расми шундай бўларми,  
Келган одам қорни тўйиб юрмаса?!

Қримнинг тўйига келма, ошига,  
Ҳайрон қолдим Холдорхоннинг ишига,  
Тўйхонанинг оши шундай бўларми,  
Оғзим тўлмай гуручига, гўшига.

Таътилимга қирқта сўқим емасам,  
Бундай бўлса лозим экан кемасам.  
Тўйга об келиб берган ошинг шумиди,  
Бермайсизлар менга ўзим демасам.

Менинг хўрагимни ўзинг биласан,  
Еш боласан, мен гапирсам куласан.  
Тўйга об келиб берган ошинг шу бўлса,  
Бундай тўйга не бетингман келасан?!

Мард Кўлбарнинг келаётир қаҳари,  
Бу ошларинг менга бўлмас наҳори,  
Сенинг тўйинг бундай бўлса, Холдорхон,  
Агар келса эди Ҳасаннинг бари.

Билар эдинг Гўрўғлининг ишини,  
Тўрт Ҳасан ер эди юртнинг бошини,  
Элда боринг — барисини еб қўйиб,  
Сўнг ер эди ҳамма одамнинг гўшини.

Тўйхонангнинг расми шундай бўларми,  
Тўйга об келиб мазақ қилма кишини!

Бу ошларинг калакадай бўп кетди,  
Дуруст қип ке Ҳасан бобонг ошини.

Ҳар қозонга уч ботмондан гуруч сол,  
Ҳар қозонга сонг уч сўқимнинг гўшини.

Сен мўйини ярим солиб пиширсанг,  
Ундан кай<sup>1</sup> кўринг Ҳасан бобонг ейшини.

Ана энди Авазхон ўғлон шундай эшиқдан қараб, кримликларга:— Ў, тўйга айтган бебошлар, беақл, бе-кенгашлар, фаҳми йўқ қизил бошлар, доим бизнинг эл билан ғашлар, сизлар бизнинг элни хотин-халажи билан, қари-ёши билан, шаҳарли саҳройилиси билан — жавлик-қолмаси, деб тўйга айтган экансизлар. Подшонинг тўйи-да, деб ҳаммаси келиб қолганда, қандай қилар эдинглар?! Бир одамни тўйғиза олмайсизлар. Отамнинг тўрт Ҳасани бор, ҳар қайсининг катта ҳовлидай, ҳовлидай корсони бор, уларнинг ўлчови — корсони. Отамнинг Ҳасанлари: Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Якдаст, Ҳасан Чопсон, Ҳасан<sup>2</sup>... шу тўртлови келганда қандай қилар эдинг. Отам тўйга борган одамнинг ошхўри бўлмайдими, ошхўринг деб Ҳасан бобомни менга қўшган,— (деди).

Ана Авазхон Қримнинг катта арбобларига қараб, муртини бураб, бўлганларинг шуми, деб сўраб, тағи шу ҳолинг билан биз билан бўласанми тараф,— деб бир сўз айтаётир:

Тоғамга атаб юз сўқимни сўйдирилинг,  
Катта-катта чуқур ўчоқ ўйдирилинг,  
Тўйга айтган, Қрим элнинг бебоши,  
Ошхўрим шул шер тоғамни тўйдирилинг.

Бедовга тортганман олтин тўқамди,  
Ошхўр қилиб олиб келдим тоғамди,  
Тоғам турса душманлардан не ғамди (р),  
Тўй қилганлар, ошхўримни тўйдирилинг.

<sup>1</sup> Кейин.

<sup>2</sup> Қўлёзмада очиқ жой қолган. Бунда тўртинчи Ҳасан сифатида Ҳасанхон назарда тутилаётирми, ё бошқа? Аниқ эмас.

Тоғам еб беради қанча ошингни,  
Тўйдирмасанг барингнинг ер бошингни,  
Барингни кабобга тортар гўшингни,  
Тўйга айтганлар, ошхўримни тўйдиринг.

Отамнинг бор шундай тўртта Ҳасани,  
Тўртининг ҳовлидан қатта корсони,  
Шу тўртови Гўрўғлининг хўрони,  
Бирови шул, ошхўримни тўйдиринг.

Тўртови келганда нима этардинг,  
Хўрак топмай юртинг ташлаб кетардинг,  
Ҳасрат билан хунобалар ютардинг,  
Чимхўри шул, шер тоғамни тўйдиринг.

Тоғамнинг таътили юз қўйнинг гўши,  
Хўраги қирқ ботмон гуручнинг оши,  
Сенинг юртинг тоб беролмас бир киши,  
Тўй қилганлар, ошхўримни тўйдиринг.

Тоғамнинг ўзига қозон осарсан,  
Беш юз сўқимнинг бошин кесарсан,  
Бўлмаса, қримлик, қонлар қусарсан,  
Тўй қилганлар, ошхўримни тўйдиринг.

Сен тўйга айтибсан, бизлар келибмиз,  
Сенинг бебошлигинг бошдан билибмиз,  
Сен қизилбош, бошдан тараф бўлибмиз,  
Тараф бўлсанг, ошхўримни тўйдиринг.

Мен тоғамни олиб келдим ош учун,  
Наҳотки об келсам тўбалаш учун,  
Ҳалак бўп сизлардай қизилбош учун,  
Меҳмонингмиз, ошхўримни тўйдиринг.

Ошдан-нондан бизни қилсанг мот қилиб,  
Бўлмаса, кетарман қиёмат қилиб,  
Тўйингни бузарман қабоҳат қилиб,  
Тўй қилибсан, шер тоғамни тўйдиринг.

Тоғам тўйса, бизлар тўйдан тўйганмиз,  
Ош емакни шер тоғамга қўйганмиз,  
Ошхўр қип баримиз шунга ўйганмиз,

Ошбоннинг ихтиёри тоғамда —  
Ош емакни бизлар шунга қўйганмиз.

Ана энди қримликлар бу сўзни эшитиб, бир хил кам юракларининг анғи узилиб, юрак-бағри эзилиб, боши гувлаб, қўлоғи чувлаб — Қибладан довур турган экан, бизни худой урган экан, фалокат босиб юрган экан. Бизни арвоқ урмаса, Така билан Евмитнинг барини айтамизми. Асли ўзимиздан ўтди-да. Қумда шамол еб, гард босиб юрган баччағарларни тўйга айтиб, бизнинг қандай томиримиз эди?! Шў ҳали ҳам Холдорхон подшонинг давлати-да, бўлмаса Гўрўғлининг тўрт Ҳасани келганда, Холдорхон подшонинг қаторида норини, хазинада зарини, саҳрода юрган молларини, манглайдаги барини еб кетар экан. Бу одам эмас, Жангалимозондарондаги юҳоларнинг бировини олиб келибди. Энди ҳар бало бўлса бўлди. Масжиднинг катта қозонини олиб келинг, катта ўчоқни ўйинг, молни галаси билан сўйинг, ҳақ, деб остидан оловни қўйинг. Энди пода ҳам деманг, тана-шўлпи ҳам деманг, ҳўкиз-сигир ҳам деманг, эчки-қўй ҳам деманг, чўбир, чўптоқ, байтал-сайтал ҳам деманг, эшак ҳам бўлса сўйиб ташлаб юбора беринг, баччағарнинг олдига уйинг, жуда кўп қилиб қўйинг, шу тўйсин. Ў, оғайни, жулуниг узилиб кетса ҳам тур, ҳар гап бўлса бўлди, ҳар қандай бўлса, шуни тўйдирган ҳисоб, — деб қизилбошлар ўрдан қирга чопаётир. Семиз-ориқ демай топаётир, олиб келиб сўйиб, қозонга шипириб ташлаётир. Кўп ошпазлар ҳа деб ишлаётир. Ана Ҳасан Кўлбар:— Тез бўл-е, — деб қобоғини уйиб турибди. Қримнинг одамлари бир хили айтди:— Ў, ёронлар, ҳар қандай қилсанг, қанча ош қилсанг, шу баччағар еб беради. Тўйғизолмайсан ҳам, бундан ором ололмайсан ҳам. Энди кўпкарини чиқаринг. Саккиз-ўнга кирган така топинг, ичини ёринг, икки пут тошни ичига солиб тикинг, ўртага ташланг. Ҳеч ким олиб юролмайди. Ҳар қандай бўлса шунинг одами ҳам кўпкарига бир тушар. Тўй эмасми, беш-олти юз бўз бола ҳамманг узангини узун тақинг. Авазнинг одами ерга энкайса, отни уриб баринг ўмганлатиб, кўпкарига борган бўлиб, оёғим чиқиб кетди, деб узанги билан тепа беринг. Ишингиз ўзбакнинг боши бўлсин. Улай деб тепинг, булай деб тепинг, ноқулай деб тепинг, қулай деб тепинг, калласи бутун қолмасин, миясини янчиб юбо-

**ринг.** Шундай қилиб ўчимизни олмасак, ўлдирди-ку анов мечкай баччағар. Ошдан ул ўхшатса, бошдан сиз ўхшатиңг, гап шул, сўз шул,— деб маслаҳатни маҳкам қилиб, жарчи қўйиб қичқиртиб қўя берди. «Ўй, олис, яқиндан келган эл, борсангки, эшитмадим дема, билмай қолдим дема, бу катта тўйда катта такани ташлайди. Ҳалол чиқариб солсанг, ёлғиз чиқсанг, минг тангадан, ҳаром олиш қилсанг, беш юз танга-е, беш юз танга»,— деб қичқирта берди.

Буни эшитган одамлар, кўпқари қўлидан келадиган бўз болалар чалвар-шимини кия берди. Отларнинг айил-пуштанини қаттиқ-қаттиқ тортиб, чув деб кела берди.

Ана энди сўзни Шодмонбекдан эшитинг. Шодмонбек қобоғини уйиб, чалварини кийиб, Авазхондан фотиҳа олиб, назаркарда Фиротни миниб:— Авазжон, сиз Соқибулбул билан томнинг устига чиқиб томоша кўринг. Бизнинг ҳам ишимиз чиқиб қолди. Бу бебош қизилбошларга ҳунаримни кўрсатайин,— деб Фиркўкни ўйнатиб, сувлиғини чайнатиб, кўрган бўз боланинг зардасини қайнатиб келаётибди.

Ун яшар такани отиб ташлади,  
Ик қўллаб йигитлар маҳкам ушлади,  
Соф мардам деб юрган қримликнинг боласи,  
Бир хили кела соп оёқ ташлади.

Тақиминда оёқлари ошмаса,  
Ик қўллаб ушлай соп у ёнбошлади.

Бир талотўп катта тўда бўп қолди,  
Кўп бўз бола тўда-тўда кеп қолди,  
Яхши-ёмон ҳамма уриб отини,  
Бўшат, ҳайда! деган шовқин бўп қолди.

Назаркарда Фиркўк отни ўйнатиб,  
Шодмонбек ҳам шу тўдага кеп қолди.

Жонивор Фиркўк от оғзини очди,  
Фиркўк от отларнинг пайига тушди,  
Қулоғин жимийтиб, оғзини очиб,  
Ҳайвон-Фирот қабатлашиб тишлашди.

Гиротнинг зарбини кўрган тулпорлар,  
Туrolмай жониворлар тура соп қочди.

Жонивор Гиркўк от ҳайбат солади,  
Қабатлашса кеп ёлидан олади,  
Қочмай қайтсин қизилбошнинг отлари,  
Тишласа. Гиркўк от майиб қилади.

Гиркўк от жонивор оғзини очиб,  
Қўлтиғидан яшин қанотин сочиб,  
Ҳеч ким келмай Шодмонбекка ёнашиб,  
Гиркўк от жимийса, тура соп қочиb.

Жонивор Гиркўк зўрлигини билдирди,  
Қизилбошнинг отин йўртиб елдирди,  
Оғзи илинса, олиб уриб Гиркўк от,  
Нечовининг отин Гиркўк ўлдирди.

Шодмонбек улоққа энди энгишди,  
Ғайрат қилиб Шодмон тўдага тушди,  
Почадан ушлади, кўтариб олиб,  
Тиззасин устига қўйди-да қочди.

Одамдан эси кўп ҳайвон Гиркўк от,  
Қушдай учиb. яловига етишди.

Кўпкарини Шодмон берк қип ушлади,  
Қизилбошлар бармоғини тишлади,  
Ёлғиз ўзи қушдай бўлиб қутилиб,  
Такани яловга элтиб ташлади.

Кўп бўп қолди қизилбошнинг армони,  
Кўпининг кетган тандан дармони,  
Бо чортоқдан катта така ташлади,  
Ҳеч бир от Гиркўкка йўласа қани?!

Ҳуйт деб Шодмонбек босиб чиқади,  
Шодмонбекнинг кўнгли ўсиб чиқади,  
Тарафкашлик, улар кўн-да, бу битта,  
Қизилбош кўкайин кесиб чиқади.

Бари зориллайди, оти одамхўр,  
Тишламасин, у баччағар, нарроқ тур,

Йўлаб бўлмас жайрағирнинг қошига,  
Неча отнинг ажалига сабабдир.

Кўрмадингми Холдоршоҳнинг отини,  
Бир тишлади олиб қўйди ўтини,  
Бориб бўлмас жайрағирнинг қошига,  
Йигитларинг чайнасин-да кетини.

Ботир Шодмон зўрлигини билдирди,  
Фирқўк отни ҳар алвонга елдирди,  
Бу сафар ҳам танҳо ўзи энкайиб  
Сирт почадан узангига илдирди.

Ҳуйт деди Шодмонбек, отни жўнатди,  
Жонивор Фирқўк от ёйди қанотди,  
Шунингдай тўдадан яшиндай кетди,  
Қушдай жимийиб тағи яловга етди.

Шодмонбек солимга элтиб ташлади,  
Қизилбошлар манглайига муштлади,  
Борай деса, отдан қўрқиб бариси,  
Не зўрлари икки кўзин ёшлади.

Ол энди, ояганники, деди-да,  
Тағи бир катта такани ташлади,  
Фирқўк от энди ўйинни бошлади,  
Устида Шодмонбек кўп киш-кишлади,  
Бу сафар ҳам ёлғиз ўзи энкайиб,  
Совуб оп улоққа тақим ташлади.

Юлдуздай бўп оқиб кетди Фирқўк от,  
Одамдан эслидир жонивор хоназот,  
Қизилбошнинг бари бошин чайқайди:  
— Одамхўрнинг отига офаринбод.

Эшиткич эдик, кўрганямиз йўқ эди,  
Ўр ёғимиз берганямиз йўқ эди,  
Неча ҳисса зиёд экан айтгандан,  
Буйтиб билла юрганямиз йўқ эди.

Баччағарнинг оти одамдан эсли,  
Чопганига қарасанг-чи ҳар тусли,  
Таърифидан зиёд экан юз ҳисса,  
Йўқ экан оламда йилқидан мисли.



Ер юзининг тулпори экан, биз билдик,  
Гүрүғли ҳам шунқор экан, биз билдик,  
Баракалла сенинг минган отингга,  
Айтганича ҳам бор экан, биз билдик.

Бу сафар ҳам Гиркүк жүнади-кетди,  
Оғзин очиб ёлғиз яловга етди,  
От етмайин, ёлғиз бориб Гиркүк от  
Уч сафар ҳам тоза ҳалол қип ўтди.

Шуйтиб кечга давр бўлди кўпқари,  
Улоққа йўламай қизилбош бари,  
Шодмонбекнинг ўзи чопди-да юрди,  
Ияролмай Қрим элнинг боллари.

Шунда Шодмонбек юрагини босиб олиб:— Кўпқари  
бундай бўлмайди-да. Тортишмаса, талашмаса, қизиқ бў-  
ларми,— деб маст бўлиб бир ғазал айтиб турибди:

Тўй бўлган сўнг тортишмайма,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.  
Така-улоқ йиртишмайма,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Тўйнинг қизиги кўпқари,  
Тортиш бўлар нари-бери,  
Зўрман деган йигитлари,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Сен ҳам тортиб, мен ҳам тортиб,  
Гоҳ от чопиб, гоҳда йўртиб,  
Бир силтаб такани йиртиб,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Ол қўлингни келгин тортиб,  
Кет қувалаб чопиб, йўртиб,  
Гоҳ кейин қоп, гоҳда етиб,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Йигит бўлган норинг келгин,  
Соф бир билак зўринг келгин,  
Кўпқаритоз эринг келгин,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Сен ҳам олгин, мён ҳам олай,  
Келиб тортиш, тараф бўлай,  
Е энгилай, зўрлик қилай,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Бўлсин отлар тўда-тўда,  
Қизиқ бўлсин жуда-жуда,  
Тортсин улоқ уда-буда,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Қойил қип кетай элингни,  
Тараф бўлсанг, ол қўлингни,  
Келтиргин мард кўнгиллингни,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Ана майдон, мана майдон,  
Талабгоринг келинг ҳар қайдан,  
Ҳақингни об қол катта тўйдан,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Кўпкари деб тўйга кепсиз,  
Узларингни чопқир дебсиз,  
Мен биттаман, сизлар кўпсиз,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Кел-а-кел деб бақираман,  
Талабгор деб чақираман,  
Ўзим шердай ақираман,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Танҳо ўзим бориб солдим,  
Дастма-даст уч улоқ олдим,  
Мен сизларга ҳайрон қолдим,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Кўпкарига от қўй баринг,  
Менман деган йигитларинг,  
Шундай бўларми кўпкаринг,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

От қўйинг биринг қомаси,  
Келган одамнинг ҳамаси,  
Тараф бўлиб аямаси,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Зўрлик қилиб тортиб олинг,  
Яхши отни тўдага солинг,  
Менинг билан тараф бўлинг,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Мен Туркманинг чавандози,  
От кўтарган бир шоҳбози,  
Барингизга ёлғиз ўзи,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Сен ҳам чопгин, мен ҳам чопай,  
Қаҳринг келса жундай савай,  
Зўрлик қилиб обрў топай,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Сизлар бир ёқ, мен ҳам бир ёқ,  
Остимда тулпор тўбичоқ,  
Ҳариф бўп кел бўлсанг гўччоқ,  
Кел, Қримнинг бўз боласи.

Шодмонбек шунча бақириб-чақирди, Қрим элининг бўз бола, қорувли йигитларидан бирор одам тақимига қўл сола олмади, кўпкарини тортиб ололмади, балки Ғиркўк отнинг қабатига ҳеч қайсиси йўлай олмади. Асли хасм-тараф эмасми, ошдан унда синди, кўпкаридан бунда синди. Қизилбошнинг одамлари нима дерини билмай:— Шу ҳам гапми, шундай қилиб бу ишдан обрў оларми? Бизлар тўйга Гўрўглибекнинг озода, бекзода, бойзода, одамшаванда йигит оғасини айтиб эдик-да. Бир умрида ош кўрмаган, палов тугур мош кўрмаган, шўрва тугур гўшт кўрмаганни биз қачон айтиб эдик. Шу ҳам одамми, одам шундай бўларми, биз тўйга шуни айтибмидик, ўн ботмон гуручнинг ошини ебди, тўймадим деб юрибди. Бир одам ўн ботмон гуруч еган қайси тўйда бор экан. Буниси кўпкари тозман деди, остидаги оти одамхўр, қошига бориб бўлмаса, тақимига қўл солиб бўлмаса, яқинига борса тишлайди, ёмонлагур ёмон қилиқни бошлайди, ҳар қандай от бўлса тартип ташлайди. Гўрўглибек бундай қилади, ундай қилади дегувчи эди. Энди билдик, бариси ўларманлик экан, бўйин-йўғонлик экан, тантибозлик эмас экан. Бў ўларманлигидан обрў ололмайди, бу ишни ҳеч ким ҳам маъқул демайди,— деб гаплаша берди. Шунда Авазхон ўғлон,

сўйлайди алвон-алвон, яғрини ёзиқ полвон, қизилбошларнинг бу сўзини эшитиб (айтди):— У, қизилбошлар, гап билмаган бебошлар, бефаҳм, бекенгашлар! Ўларман деб кимни айтади?! Сизлар ўларманни билмайсизлар экан, мен ўргатай, ўларман шундай одам бўлади: Бир ишга кучи етмайди, шўни ололмайди, ололмагандан сўнг ёқалашибми, тўбалашибми, ана кучи етмай қолгани ўларман деймиз. Ҳали сен бизни қаерда мот қилдинг?! Тўй қилдим деб овозанг-донгрозанг оламини тутуди; шундай катта тўйингда битта оламини тўйғиза олмай ўтирганинг уятми, бизники уятми?! Бу бирми? Иккинчи, кўпкаритозларинг, чавандозларинг, отбозларинг, чиришбозларинг, гаровбастларинг, найзадастларинг йиғилиб тўйга келгансан. Туркманнинг йигитидан битта йигит — Шодмонбек кўпкари чопаяпти. Шунинг тақимидан тортиб ола қолсанг-чи, зўрлик қила қолсанг-чи. Улоқни тортиб олиб бизни мар қилсанг-чи. Битта оламининг тақимидан тортиб ололмайсан, бу тарафкашликда тенг бўлолмасанг, бу иккимми?! Ўзбек мар дер экан, бошқа эл аламини дер экан, энди ким ўларман бўлди?! Ошхўрни тўйғиза олмай, кўпкаритозга баробар келолмай, тирриқликдан гапиряпсан, ўларманлик сеники бўлди-да! Бўлмаса биттанг тортиб ола қолсанг-чи! Шодмонбекни аяманг, ҳали мен билмайманми, кўпкарида Шодмонбек ерга энкайса узанги билан калласини пачақ-пачақ қилмоқчи эдинглар. Шў ҳунарларинг қани?! Авазхон полвонга бир қизилбош ҳам гапира олмай қолди. Шунда Авазхон кўтарилиб ўзини, отасини, элини, йигитларини мақтаб бир сўз айтиб турибди:

Отамни сўрасанг Ёвмитнинг хони,  
Такаман Ёвмитнинг қутби замони,  
Ўларман деб камситмагин, қизилбош,  
Зоти тоза олам элнинг полвони.

Отам Така-Ёвмит валламатиدير,  
Олдинда қирқ йигит азаматиدير,  
Ўларман деб камситмагин, қизилбош,  
Ўзбакнинг, туркманнинг бадавлатиدير.

Кумуш бўлар тарлон қушнинг чегаси,  
Ғўла бўлар бедав отнинг тўғаси,

Ўларманлик сен хумсага ярашар,  
Менинг отам Така-Ёвмит эгаси.

Иигитларим бари кўнгили ўсиб,  
Майдонда силтаса ханжари кесиб,  
Ўларманлик сен хумсага ярашар,  
Сенинг қонинг хизматимга муносиб.

Нокас, золим борлаб сўзла тилингни,  
Чопарман, қизилбош, келиб элингни,  
Ўларманлик сен хумсага ярашар,  
Элман дейсан, сенинг ҳолинг маълумди (р).

Бек отам қўзғалса бўлар қиёмат,  
Қизилбошлар, ишинг бўлар қабоҳат,  
Ўларманлик сен хумсага ярашар,  
Менинг отам шоҳдан зиёд, валлаMAT.

Ўз элингда мақтай берма ўзингни,  
Қўтармайман сенинг айтган сўзингни,  
Ўларманлик сенда турар, қизилбош,  
Қайси ишдан сенинг тилинг узунди (р).

Қайси иш қилдинг, мени қандай мот қилдинг,  
Сен ўларман дединг, қабоҳат қилдинг,  
Ўларманлик сен хумсага ярашар,  
Бизни ҳам қип, ўзингни зиёд қилдинг.

Мен отлансам юртинг вайрон бўлмасми,  
Бошингга не қора кунни солмасми,  
Чин йўлбарсни ўларман деб сўйлайсан,  
Қаҳри келса юртинг яксон бўлмасми?!

Қизилбошлар, билмаганинг билдирар,  
От ҳукмида пиёда қип елдирар,  
Бу сўзларинг ботир эрлар эшитса,  
Оғзингдан, бурнингдан қонинг келтирар.

Оқизар кўзингдан қонли ёшингни,  
Қиёмат савдога қўяр ишингни,  
«Бўйни йўғон, ўларманлар» кеп қолса,  
Кесиб кетар, қизилбошлар, бошингни.

Қизилбошлар, тортиб сўзла тилингни,  
Туркман қамаб олар соғи-сўлингни,  
Азаматлар от ҳайдашиб кеп қолса,  
Дамга қўймай олар кетар элингни.

Сен ганимсан, юриб биз эл қасдига,  
От чоғиб юртингнинг баланд-пастига,  
Ботир беклар дамга қўймай оп қўяр,  
Қаҳрланиб минса отнинг устига.

Авазхон бу сўзни айтиб эди, ўзи қандай қиларини билмай турган қизилбошлар жуда тирра туриб эди, полвоннинг бу сўзи жуда қаттиқ тегди. Бари бирдан «о-ҳў, э-ҳа, бе-ҳа, ҳа-ҳа, во-ҳа» деб чувлаша берди. «Ҳали меҳмоннинг дами баланд экан. Эшитамиз, Гўр-ўғлибекнинг қирқта одами бор эмиш, шу қирқ одами бизнинг подшомизни олармикан, қирқ одамнинг қўлидан нима келар экан, қирқ одамдан ким қўрқар экан?! Бошқа ёқдан бир юз, икки юз одамни сотиб олиб келса, кела қолсин, бизни аямасин. Ҳали Гўрўғлибекдан қўрқоқ еримиз йўқ, Во-ҳа»,— деди. Тўй эмасми, бебош ҳам кўп, ҳовбош ҳам кўп, доно ҳам кўп, тана ҳам, кўп оғиз бир бўлса, бирови йўқ бўлади. Кўп эмасми, Авазхонни ўртага олди, ўз эли эмасми, жуда мазақ қилди:— У, меҳмонжон, бугун-эртан тўйда турасиз, бир, икки, уч кун юрасиз, тўйдан жўнагандан кейин келар вақтингизни айтиб кетинг, бизлар гуруч, мой, нон, ун, овқат чоқлаб қўяйлик. Сиз илкисдан келиб қолсангиз, мана бу тоғангизга ўхшаган чимхўрларингиз тағи оч қолиб юрмасин. Бизлар ўчоқни қазиб, қозонларни осиб, ғамимизни еб турсак. Сиз келганда, бу сафар тўймабсиз, тўйиб кетсангиз бўладигандай. Сизга юрт-элат не даркор, томоғингиз тўйса бўлади-да. Сиз, тақсир — меҳмон, ўйламай кела беринг. Бизнинг юртда овқат — ун, гуруч кўп; аввал биз сизни билмай қолдик, сизни ўзимиздай дегич эдик. Энди билдик, қирқта одамингиз бор экан, ҳар қайсиси ўнгина ботмон гуручдан ер экан, шундай қип полвонман дер экан. Полвонлиги хўракка зўр экан. Билдик бариси ўлгидай бўлиб куни ўтмай юрар экан. Бир хили: «Энди булар ҳам билди-ку, қорни оч қолса, сен айтмасанг ҳам келаверади. Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа»,— деб қўлади.

Авазхон ўғлоннинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб бир сўз айтиб турибди:

Майдон-майдон Фиротимни елмасам,  
Устингда кўр, қизилбошлар, ўлмасам  
Аваз отим бошқа бўлсин, қизилбош,  
Чамбил бориб отдан тушмай келмасам...

Йиға бергин лашкарингни, борингни,  
Ғамингни еб чоқла анжомларингни,  
Бол Авазни устингда кўр, қизилбош,  
Ундан кай қилгайсан мазақларингни.

Чопилса бедовдан чиққан тер бўлар,  
Бедовни койитган адр-ўр бўлар,  
Қайтган хотин, тойган тўқол, қизилбош,  
Мен туркманман, айтган сўзим бир бўлар.

Ана энди Авазхон араз уриб, ҳайт деб аччиқлаб жўнаб кета берди. Қизилбошларнинг асли муддаоси буларни синдирмоқчи эмасмиди, ана ўзи тирра бўлгандан кейин «кетсанг кўр бўл», — деб ҳеч кимнинг иши бўлмади. Авазхон кеча-кундуз демай, йўлни кўзига илмай, паст-баландни билмай, уч кунликни бир кунлик, тўрт кунликни бир кунлик қилиб уриб келаяпти.

Ғарқиллашиб учар кўлнинг сўнаси,  
Ошиқликни англар қизнинг донаси.  
Аччиқлаб Қримдан чиқди, ёронлар,  
Аччиқлаб шу тўйдан учовгинаси.

Қирғий деган қушлар ётар қиёда,  
Улимча ёмон иш борми дунёда,  
Араз уриб чиқди учовгинаси,  
Учи отлиқ, Ҳасан Кўлбар пиёда.

Ҳасан Кўлбар айтар-ай:— Аваз ётайик,  
Мен, бир-икки палахмонни отайик,  
Қуруқ кетсак уят бўлар, жияним,  
Қўрғоннинг бир ёгин бузиб кетайик.

Бир ўзим ҳам қизилбошга бўламан,  
Танҳо ўзим Қрим юртин оламан,

Шу бугунча қўниб тургин, жияним,  
Буларнинг тўйини аза қиламан.

Сен қараб тур ўзим қилай урушни,  
Қизилбошга бир қилайин хурушни,  
Томошани кўриб тургин, жияним,  
Қариганда қилиб кетай бир ишни.

Қизилбошга зўрлигимни билдирай,  
От ҳукмида пиёда қип елдирай,  
Мен қайрилиб шовқин солиб борайин,  
Холдорхонни банди қилиб берайин.

Баччағарни бойлаб келай қошингга,  
Дўст-душман қойил бўлсин ишингга,  
Мен қайрилиб тўйхонага борайин,  
Холдор банди бўлиб келсин қошингга.

Аваз айтди: — Тоға, бу иш бўлмайди,  
Отамга бу ишинг яхши келмайди,  
Тўй-тўйлаб кеп уруш қилсанг, тоғажон,  
Аввал бошдан ёв бўп кетсанг бўлмайди.

Биз борайик валлакатнинг қошига,  
Тўйга келиб уруш қилсанг, тоғажон,  
Яхши эмас бунини эшитган кишига.

Жоним тоға, Чамбилбелга борайик,  
Валлакатдан оқ фотиҳа олайик.  
Бу қизилбош ёмон кетди ўзидан,  
Қайтиб келиб ерман яксон қилайик.

Қайтма энди, юргин, тоға, йўлингга,  
Бек Гўрўғли қўймас ўзинг ҳолингга,  
Аввал бориб оқ фотиҳа олайик,  
Мен ҳам бунда қўймасман хаёлингга.

Қўймасин ҳеч кимнинг кулбахонаси,  
Ўртанмасин қизил гулдай танаси,  
Тўйдан қайтиб Чамбилга боради,  
Оти Аваз, Гўрўғлининг боласи.



Остида ўйнайди Ғиркўк тулпори,  
Жиловинда мард Кўлбар жиловдори,  
Доно мавлон, обрў бер деб боради,  
Оти Аваз, Чамбилбелнинг сардори.

Соқи, Шодмон қабатинда жўраси,  
Ўзи ёшир, йигитларнинг сараси,  
Сувсиз чўлда бораётир худо деб,  
Гўрўғлининг ўрли, Чамбил тўраси.

Остида ўйнайди Ғиркўкдай оти,  
Тоғча бордир Бол Авазнинг ғайрати,  
Обрў бер деб бораётир чўлларда,  
Оти Аваз, Чамбилбелнинг жаллоди.

Остида ўйнайди Ғиркўкдай ҳайвон,  
Эғнида карк тери, белда исфиҳон.  
Сувсиз чўлда бораётир худо деб,  
Оти Аваз, ўзи тарафсиз полвон.

Юзи очилган тоза гулнинг лоласи,  
Топиларми ўлмасликнинг ҳийласи,  
Обрў бер деб бораётир чўлларда,  
Оти Аваз, Гўрўғлининг боласи.

Бол Аваздир Гўрўғлининг дилбанди,  
Осойишта азиз жонин хурсанди,  
Чамбилбелга бораётир худо деб,  
Оти Аваз, Оға Юнус фарзанди.

Соғиниб кўзидан оққан жоласи,  
Кўкка чиқар гоҳда қилган ноласи,  
Сувсиз чўлда от ҳайдайди ёш бачча,  
Оти Аваз, Ой Мисқолнинг боласи.

Чув деди, Бол Аваз отин ҳайдайди,  
Жўраларин гидирмакка қўймайди.  
Маст бўп ўйнаб бораётир шаҳзода,  
Соқи булбулдай бўп сўйлайди.

Ол-ол юрди, ол-ол юрди, ол юрди,  
Озгина эмас, оралиқда мўл юрди,  
Ғайрат қилиб полвон Аваз чўлларда  
Қаттиқ қистаб, ўн икки кун йўл юрди.

Аваз минган чин бедовнинг сарасин,  
Асл тулпор узоқ йўлга ярасин,  
Ўн икки кун йўл юриб Авазхон,  
Олди энди Чамбилбелнинг қорасин.

Қулоқ сол Авазнинг овозасидан,  
Сенга айтай суханнинг тозасидан,  
Ўн икки кун йўл юриб Авазхон,  
Кириб борди Чамбил дарвозасидан.

Қурбон бўлсанг яхшиларнинг бўйига,  
Қўп гап келар суханварнинг ўйига,  
Кириб борди Чамбил дарвозасидан,  
Омон-эсон бориб тушди уйига...

Омон-эсон бориб жойига тушди,  
Отасини зиёрат қип ёш бачча,  
Хизматкори қирқ жаллодман кўришди.

Полвон Аваз етган ўн тўрт ёшига,  
Зарли дастор ўрагандир бошига,  
Йигитларман кўришиб оп Авазхон,  
Кириб борди париларнинг қошига.

Эшитинглар суханварнинг сўзини,  
Айтиб, энди, гапнинг кўпи-озини,  
Кириб борди париларнинг қошига,  
Бориб кўрди оға Юнус юзини.

Ана Авазхон омон-эсон, соғ-саломат шабгир тортиб, ойдай юзларини гарду ғуборлар босиб, ота-энаси билан топишиб, оғиз-бурнини ўпишиб, жамрашиб, қўй-ҳўкиздай маърашиб<sup>1</sup> сўрашиб қолди. Шу вақтда Гўрўғлибек Авазхон ўғлонга қараса, ранги сўлган, ичи ғамга тўлган, хаёлида бир гап бўлгандай. Гўрўғлибек яхши кўрар эди, Авазхон сал қабоғини уйса валламатда тоботоқат қолмас эди, ором-роҳат бўлмас эди, балки Авазхонсиз бир луқма таом ҳам эмас эди. Авазхон бўлмаса, ҳеч кимга шовқи келмас эди, ҳеч кимга Авазхондай меҳрибон эмас эди. Гўрўғлибек ўғлини хафароқ кў-

<sup>1</sup> Қўлэзмада манграшиб.

риб:— Эй фарзанди дилбанд ҳорманг! Қани еган-ичганингиз ўзингизники, кўрган-билганингиз, эшитганингиздан айтинг, қалай, қизилбошлар билан яхши чиқишдингизми, тўйни яхши тўйладингизми? Баччағар Холдорхон тўйдан ҳеч нима бермадимиз? Сизга сарпо-парпо ҳам бермабди, ё тўйи йўқмикан, жўртага айтганмикан, ё бўлмаса уришиб келдингизми? Менинг хаёлимда кўнглингиз хафадай, нимага кайфингиз учуқ, димоғингиз чоғ эмас, ё йўлда чарчадингизми, ё Шодмон билан Соқибулбул раъйингизга қарамадимиз, нимага хафа бўлдингиз?— деди.

Ана шунда Авазхон ўғлон дасти алиф-лом қилиб, гарданини ҳам қилиб, неча одаб билан отасининг олдида бир сўз деб турар:

Йиқилганда сурунсам, паноҳимсан,  
Ҳар ишда соғинган такягоҳимсан.  
Арзимга қулоқ сол юртнинг эгаси,  
Мақкамсан, мадинам — қиблагоҳимсан.

Кўп гаплар бор Холдорхоннинг ўйида,  
Бизлар юрдик қизилбошнинг тўйида,  
Арзимга қулоқ сол юртнинг эгаси,  
Қизилбошлар Ёвмит элнинг пайида.

Тўйга айтибди бизни синаб билмоққа,  
Тоза билса, устимизга келмоққа,  
Асли душман эл бўларми, валлакат,  
Ёвмитингни ебир-есир қилмоққа.

Бизлар бордик, душманлигин билдирди,  
Кўнглимизга кўп сўзларни келтирди,  
Асли душман эл бўларми, отажон,  
Тўйга оббориб жуда кўнглим қолдирди.

Ош важдан Ҳасан Қўлбар мот қилди,  
Шодмон кўпқарида қабоҳат қилди.  
Кўп қизилбош тирра бўлиб, отажон,  
Бари подшоҳига бориб дод қилди.

Менинг билан Холдорхони керишди,  
Кериша-кериша сўнг-сўнг уришди,  
Душманлиги бундан ортиқ бўларми,  
Меҳмон қилиб бизнинг билан сўқишди.

Сўкишдик-да, Холдорхонман ўрлашдик,  
Енгамиз деб ўр ёқни олиб зўрлашдик,  
Тўйга бериб мот қилмоқчи экан-да,  
Гоҳ қизидик, шу хонада терлашдик.

Айтилмаган бизларда гап қолмади,  
Улар кўп-да, бизга ҳомий бўлмади,  
Айтиб бериб мот қилмоқчи экан-да,  
Кўп сўкишдик, бизни меҳмон демади.

Савдогар матасин юклар қундуздан,  
Жоним ота, хабардор бўл бу сўздан,  
Шу сафароқ бир шекилли бўлардим,  
Валламат, мен жуда хавф этдим сиздан.

Валламатим, оқ фотиҳа берасан,  
Болам десанг, ўзинг бирга юрасан,  
Қиёматлик болам десанг сен мени,  
Шу лотимни ундан олиб берасан.

Қирғий деган қушлар бўлар қиёда,  
Жон ота, аламим бўлди зиёда.  
Жавоб берсанг, отли борай, отажон,  
Йўқса, хоним, хуш қол, кетдим пиёда.

Қулоқ сол, отажон, бу нолишима,  
Раҳм айлагин кўздан оққан ёшима,  
Ҳақиқатли ота бўлсанг сен менга,  
Қирқ йигит — йўлбарсни қўшгин қошима.

Агар шундан мен Қримга бормасам,  
Хотиннинг лачаги бўлсин бошима.

Ана энди Гўрўғлибек Авазхоннинг бу сўзларини  
айтиб, билиб, илондай заҳри келиб, аждарҳодай қаҳ-  
келиб, шердай ҳайқириб, йўлбарсдай чирпиниб, қоп-  
ндай чобиниб, кўзлари ўтдай ёниб:— Баракалла, ўг-  
м, яхши иш қилиб келибсан. Қизилбошларнинг турт-  
таадисини еб, шумрайиб индамай кела берганинда,  
нинг ўғлим бўлмас эдинг. Мен сендан хушвақт бўл-  
эдим; хўб қилибсан, ўғлим, баракалла,— (деди).  
Ана энди Гўрўғлибек дарқаҳар бўлиб, Ёвмит, Така  
нинг сатта йигитман, деб сайланиб юрган полвон,

баҳодирларини йиға берди. Узига қараган улапахўр амалдорларини йиғдириб, барисига ола сарпо кийдириб, карнай-сурнай қўйдириб, семиз сўқимлар сўйдириб, кунига чулон бериб, оч-ориқни тўйдириб, одам йиғдираётибди. Элдан Бўлакбой, сортдан Тўлакбой, мингдан Мингбой, даладан Дингбой, саройдан Сарақул, муйтандан Мўминбой, жалоғирдан Жомғирбой, наймандан Нармонбой, баҳриндан Барғумбой, арғиндан Арғинбой, туркмандан Тўрақул, жабтдан Жўрақул, оқсоқолдан Толғирбой, неча бўлган бой, шу бугун бўлган Яртибой оқсоқол ҳам бор эди.\* Барисининг маслаҳат-кенгаши, ўйи Қримга бормоққа. Кунда маслаҳат-кенгаш бўлаётир. Ёвмитнинг, Таканинг эли ҳар ёқдан келаётир, одам кўпаяётир. Қанча одам келса, лашкарбоши Ҳасанхон, Авазхон барини саришта қилиб, жой кўрсатиб, хотиржам қилаётир.

Ана энди қўшин жўнамоқчи бўлди. Партол юк ортанлар жўнаётир. Шунда Авазхон энамнинг олдига бориб оқ фотиҳасини олиб кетайин,— деб ичкарига кирди. Оға Юнус пари Авазхонни кўрса, чап-чаққон бўлган, ёв-яроқ шай, бир ёққа юриб бораётгандай. Оға Юнус пари айтди:— Эй фарзанд, ҳали кечаги йўлнинг ҳордиғи сиздан чиққани йўқ эди, тағи бир ёққа юрадигандай чап-чаққон бўлиб келибсиз, сизга йўл бўлсин?! Отангиз бунча одамни йиғиб нима қилиб ётир, бир ёққа овга ё ёвга бормоқчи бўлаётибдими?

Шунда Авазхон:— Эй меҳрибон энам, отам валламат Қрим мамдакатига — қизилбош юртига отланаяпти, мен сиздан фотиҳа оламан, деб келдим. Менга чин кўнглингиз билан оқ фотиҳа беринг,— деди. Шунда оға Юнус пари:— Ҳали болам, Қримга боряпсизларми, мен эшитганим йўқ, отанг ҳам ундай-бундай гапни бизларга айтмайди. Бизлар бир хил гапни эшитмай ҳам қола берамиз,— деб қалам-қоғозни олиб бир хат қилиб берди.— Шу хатимни Ҳасан Қўлбарга бергин,— деди. Авазхон энасидан фотиҳа олиб, далага чиқиб отланмоқчи бўлаётир, энасининг хатини Ҳасан Қўлбарга берди. Ҳасан Қўлбар хатини олиб кўриб, жойидан туриб, белини бўғиб, анжом-асбобини, йўл-яроғини бу ҳам чоқлай берди. Ҳалиги хатнинг маънисини шу экан, оға Юнус пари айтибди: «Ҳасан акам Авазхоннинг жиловиди билла борсин, йўлда, ёвда, урушда, боришда-келишда Авазхонга ҳозир бўлсин, бир ерда зар-заҳмат тегмасин».

Ҳасан Кўлбар чоппа-чоқ бўлаяпти. Гўрўғлибек Евмитда, Такада ҳеч одам қўймай жўнатаётир.

Гўрўғлибекнинг иккита қули бор эди, ёшликдан олиб ўзи ўқитиб, мулла қилиб, ўзининг боласидай бўлиб қолган эди. Бировининг оти Мирза Аскар, у биранинги оти Бердиёр деган эди. Шунда Гўрўғлибек ўз ўйида «ўрнимга шу икковини қўйиб кетай, ўзимнинг боламдай бўлиб қолган»,— деб Мирза Аскарни ўнта қобил йигит билан арким деб ҳовлисига қўйди. Қирқ йигитни Бердиёрга қўшди, тайинлади:— Сен Қорақўрғонда ҳозир бўласан, аркдан Мирза Аскар хабардор бўлади, то мен Қримдан қайтиб келганимча Чамбилнинг ихтиёри икковининг қўлингда, тағи болалик қилиб, беўйлик қилиб, сал нарсага олдириб қўйманглар, бўш бўлманглар, кундузи ҳам дарвозани очиқ қўйманглар, қоровул доим турсин, теваракка қараб ҳозир бўлиб туринглар. Бедушман одам бўлмайди, одам бор, душман бор, менинг душманим кўпроқ бўлса керак,— деб Гўрўғлибек Мирза Аскар билан Бердиёрга сўз айтиб турибди:

Бефарзандлик мени қилди саргардон,  
Қайтайин қолмади танимда дармон,  
Қорақўрғонимни бердим, Бердиёр,  
Аркимга хабардор бўлгин, Аскаржон.

Мен йиғлайман яратганга зор-зор,  
Ҳар на қилса ўзида-да ихтиёр,  
Аскарни юборгин аркка, шуники,  
Қорақўрғонимни бердим, Бердиёр.

Икковинг нодонсан, гофил бўлманглар,  
Тоза гулсиз, офтоб тегиб сўлманглар,  
Аркимга хабардор бўлгин, Аскаржон,  
Бердиёр эшит, болалик қилманглар.

Мен кетарман энди Қрим элига,  
Қулоқ солинг Гўрўғлининг тилига,  
Мен келганча хабардор бўл, Бердиёр,  
Зинҳор юрманг душманларнинг йўлига.

Беклар минар бедов отнинг толмасин,  
Менинг йўқлигимни ғаним билмасин,

Сен икковинг гофил бўлиб, Бердиёр,  
Сағал бир ёв келиб сендан олмасин.

Бу дунёда алвон-алвон юргайсиз.  
Улмайин дунёда даврон сургайсиз,  
Икковингга топшираман юртимни,  
Мен келганча ҳозир бўлиб тургайсиз.

Майдон-майдон минган отин елдирма,  
Нодонлик қип ичим ғамга тўлдирма.  
Икковингга бердим Чамбил юртимни,  
Мен келганча йўқлигимни билдирма.

Мирза Аскар, қулоқ солгин сўзима,  
Баччалик қип мункир келма тузима,  
Икковингга бердим Чамбил юртимни,  
Гофил қолиб ор келтирма юзима.

Теваракда кўпдир менинг душманим,  
Бузилмасин менинг манзил-маконим,  
Мен келганча омон сақла юртимни,  
Эшитгин, Бердиёр, Аскар ўғлоним.

Икковингга мунов Чамбил омонат,  
Омонатга қилмангизлар хиёнат,  
Мен Қрим юртига бориб келганча  
Сақлангизлар элатимни саломат.

Эшитинг сўзимни оқшом ётманглар,  
Ёш баччасиз, тағи ўйнаб кетманглар,  
Гофил қолиб бир гап бўлса сизларга,  
Гўрўғлининг тузин бекор ётманглар.

Ёш ҳам бўлсанг икковингни бош қилдим,  
Ёт бўлсанг ҳам ички қариндош қилдим,  
Мен келганча ҳозир бўлгин элима,  
Қирқ йигитни қошингга йўлдош қилдим.

Ун йигитман Аскар аркда турасан,  
Оқшом, кундуз эҳтиёт бўлиб юрасан,  
Тағи қўйманг бир душманга олдириб,  
Мен келсам, Аскар, не жавоб берасан.

Улуф дедим, остонага бош урдим,  
Икки хумор наркас кўзга ёш урдим,  
Смон-эсон сақлагайсиз Чамбилни,  
Чамбилимни икковингга топширдим.

Ана Гўрўглибек Ёвмит, Такада одам қўймай, ҳам-  
масини йиғиб, туғ-байроғини кўтариб, ёв-яроғини —  
урушда керагини олдига солиб, элнинг ёв юрагини,  
одамман деган, қўлидан иш келадиганнинг ҳаммасини  
олиб, Қрим қайдасан, деб паст-баландни билмай, сел-  
дай босиб, пилта, тўқайдай сасиб, найза қамишдай ир-  
ғалиб, Туркманнинг ёв юрак бўз боласи бир-бирига  
қилиб таассиб, кўрган душманнинг кўкайин кесиб,  
Гўрўглибекнинг кўнгли ўсиб, дашт, адир, жилғани лаш-  
кар босиб, ҳар кунига икки маҳал катта тўпни отиб,  
катта чўлни туманлатиб, дара-даштни гумбурлатиб,  
кўп лашкарнинг минган оти қора ерни сўлқиллатиб,  
катта карнай парпарлатиб, ботирларнинг қўлида оқ,  
қорабош туғ шарқираб, ботирларнинг устида оқ совут  
офтобда ярқираб, минган маст отлари бир-бирига ар-  
қираб, қамчи урса зирқираб, чопса қушдай пирқираб,  
сақолар сув кўтариб, мерганлар қув кўтариб, соп бўз  
бола ҳа-ҳалашиб, ҳайда-ҳайда дейди қирдан ошиб, йи-  
гит-йигит билан талашиб, кўрганларнинг ақли шошиб,  
сувсиз чўлда куйиб-пишиб, гоҳда ўрга, ўйга тушиб, бо-  
раётир неча текис қирдан ошиб. Ана энди Гўрўглибек-  
нинг шу бораётганини шоир байт билан юргизиб бо-  
раётир:

Кўзда ёши дурдонади,  
Го ўртаниб-ай, гоҳ ёнади,  
Бошчи бўп Така-Ёвмитга,  
Гўрўгли полвон жўнади.

Чамбилбелнинг валламатини,  
Ортида кўп азаматини,  
Така-Ёвмитнинг бекзодини,  
Ол-ҳа Қримга жўнади.

Соп партолга чодир ортиб,  
Чангги оламини ғуборлатиб,  
Ғазо деб бари йўл тортиб,  
Кўринг, ботирлар жўнади.



Паст-баландни селдай босиб,  
Оҳ деганда кўнгли ўсиб,  
Душман бўлса йўлин тўсиб,  
Кўринг, ботирлар жўнади.

Ариллаб минган отлари,  
Соп тулпор хоназотлари,  
Така-Ёвмит жаллодлари  
Кўринг, ғазога жўнади.

Бари менман деган ботир,  
Саф-саф бўлиб келаётир,  
Чангги оламини туманлатиб  
Ол-ҳа ботирлар жўнади..

Сатта ботир ҳа-ҳалашиб,  
Мавж уриб дарёдай тошиб,  
Бир-бирисиман от қувишиб,  
Чопиб ботирлар жўнади.

Сатта ботир гулдай жайнаб,  
Ғайрати қозондай қайнаб,  
Найза, қилич, гурзи ўйнаб,  
Кўринг, ботирлар жўнади.

Пўлат совутлар устида,  
От чопиб баланд-пастиди.  
Кўринг, Қримнинг қастиди  
Энди ботирлар жўнади.

Бек Гўрўғли гўччоқлари,  
Остида тўбичоқлари,  
Белда тилла пичоқлари,  
Ол-ҳа ботирлар жўнади.

Бари йнгитнинг сараси,  
Узоқ Қримнинг ораси,  
Така-Ёвмитнинг тўраси,  
Қримга қараб жўнади...

Соп бўз бала олдин чопиб,  
Чопганда бедовлар совуб,  
От чопишиб, оғиб-оғиб,  
От чопиб беклар жўнади.

Тушиб Хизирнинг чўлига,  
Тушди Қримнинг йўлига,  
Қизилбошларнинг элига,  
Ғазо деб беклар жўнади.

Минган оти ўқдай ғизлаб<sup>1</sup>.  
Бедовларин йўлда тезлаб,  
Боради Қримни излаб,  
От чопиб беклар жўнади.

Сатта ботир ҳа-ҳалашиб,  
Бариси қайнайди тошиб,  
Елиб-йўртиб қирдан ошиб,  
Чопишиб беклар жўнади.

Така-Евмитнинг сараси,  
Сайланишган беқ тўраси,  
Гўрўғлибекнинг жўраси  
Қирқ йигит — шерлар жўнади.

Аждарҳодай тўлғонишиб,  
Кўзлари ўтдай ёнишиб,  
Қримнинг йўлига тушиб,  
Ғазо деб беклар жўнади.

От чопади олдин олди,  
Юраги йўқ, кейин қолди,  
Юраклисин олдин солди,  
Шуйтиб ботирлар жўнади.

Қўшин борар қирдан ошиб,  
Бири-бирига ёнашиб,  
Қилган ишлари ярашиб,  
Шуйтиб ботирлар жўнади.

Така-Евмитнинг беклари,  
Партолга ортган юклари,  
Душманга кўпдир кеклари,  
Қаҳриман беклар жўнади.

Бари Евмитнинг ботири,  
Ғазо деб келаётири,

---

<sup>1</sup> Ғизиллаб.

Зарли оладан чотири,  
Ҳашамман беклар жўнади.

Чанг қип дала-дашини,  
Ияртган бек кўп кишини,  
Гўрўғлибекнинг қўшини,  
Шуйтиб ғазога жўнади.

Гўрўғлининг оломони,  
Санамоққа йўқдир сони,  
Евмит-Таканинг полвони,  
Ғазо деб беклар жўнади.

Қамчи уриб от сонига,  
Жабрлар қилиб жонига,  
Иш қип Гўрўғли хонига,  
Хизмат қип беклар жўнади.

Бек Гўрўғли шуйтиб кетди,  
Неча тоғу қирдан ўтди,  
Бир ҳафта беклар йўл тортди,  
Ғайратман беклар жўнади.

Ана энди Гўрўғлибек шабгир тортиб, бир ҳафта йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, қанча сувсиз чўл юриб, Така билан Евмитнинг юртидан чиқиб кетди. Қистаб қизилбош элининг четига етди. Кеч бўлди деб тушиб ётди, қилди овқатди, шу оқшом ўтди, тонг отди, бари туриб жўна-жўна деяётир эди, шу турган элнинг кўнглига бир гап келиб қолди. Қирқ йигит, Авазхон ўғлон, Ҳасанхон мард, қанча катта-кичик жамоат бариси туриб Гўрўғлибекка айтди:

— У, валламат, бизларнинг кўнглимизга катта бир хавотир келаётир, хаёлимиз тарлон, ҳар тусли бўлаётирмиз.

— Нимага?

— Сиз Такадан, Евмитдан қимирлаган одамни қўймай, барини олиб жўнадингиз. Уйлаб турсак қишлоқ-овулда, элда битта ҳам эркак қолмабди. Ҳаммани олиб жўнаганингизни мабодо бошқа элдаги ёв эшитса? Ҳаммадан ёмон қаттиқ душманимиз баччағар Райхон, у ҳам бир бало. Бу тарафимизда қизилбош, ҳазаро бу ҳам ёв. Қунини топса бир пасил қўймайди. Бизлар ўзи-

миз қўрқаётимиз. Бизларнинг йўғимизда салгина одам келса, у қолган хотин-халажнинг қўлидан нима келади? Барини тўплаб моли-манол билан, чўпон-чўлиқни ҳайдайди кетади-да. Шу пилла одамнинг бари бу ёқда юрганимизда ким қорув қилиб айириб олиб қолади? Бизларнинг шу ишимиз жуда чўнтоқ бўлибди экан-да. Қўйиб келган Мирза Аскарингиз билан Бердиёрингиз хотинлардан ҳам беқорувроқ. Шу икковига ишониб, бизлар ҳам бек билади дебмиз-да, ҳеч фикр қилмабмиз, валламат. Бизларнинг бу ишимиз чўртта ярамайди. Қаватимизда қизилбош яқин эди. Карвондан, сарвондан эшитса, бизнинг қаттиқ душманимиз қизилбош вақт-вақт шу вақт деб ёв бўлиб келиб, Ёвмит билан Таканинг элини жовлик чопиб кетса, хотин, бола-чақанинг қўлидан нима келади? Хотин, болаларни банди қилиб ҳайдаб кетса кетади-да. Барига шу сўз маъқул бўлди. Нақ чопиб кетгандай бўла берди. Бариси маслаҳатни бир қилиб, Гўрўғлибекнинг олдига келиб:— Тақсир подшоҳим, бизларга бир ваҳм-хавфи тарс пайдо бўлди. Бизлар элдан чиққанамизга ўн бир, ўн икки кун бўлди, аввал ҳеч нимани ўйламабмиз, кўнгилга ҳеч нарсани келтирмабмиз. Энди ўйласак, бизларга қаттиқ ёв — душман қизилбош биз билан доим ғаш. Бизлар бу ёқда юрганда қизилбош келиб элни чопиб, аёл, бола-чақани банди қилиб олиб кетмасин. Тақсир, «Аввал ёмонни айт, сўнг билан яхшини айт» деган экан. Юртни қизилбошга бериб қўйсақ, бу қандай бўлади?! Агар қизилбош сизни бу ёқда деб эшитса, албатта, эл авлоқ деб келари ҳам тайин-да,— деб ҳамма бирдан арз қилди.

Гўрўғлибек Ёвмит билан Таканинг элидан бу сўзларни эшитиб, ўзига ҳам ўй тушиб қолди. Шу вақт Гўрўғлибек Туркман элнинг оғаси, совут-тўннинг ёқаси, тоғаси Аҳмад Сардорни ўн минг одам билан қайтармоқчи бўлиб, эли-халқига айтди:— Эй ёрон, буни яхши айтдингизлар! эҳтиёт кўп яхши бўлади. Ундай бўлса, тоғам Аҳмад Сардорни ўн минг одам билан қайтарсам, бизлар Қримдан қайтиб келганча, элни қўриб турса, қандай бўлади?

Шунда лашқар бари жойидан туриб қўл қовуштириб:— Ҳай-ҳай, тақсир, жуда ҳам яхши бўлади,— деди. Гўрўғлибек ўн минг йигитни лашқаридан айириб, Аҳмад Сардор тоғасини бош қилиб, элга қайтарди. Тоғасига қараб:— Ў, Сардор, энди сизни мен ўрнимга ноийб

қилдим. Элга келган савдогарлардан бир хил жосуслар  
ҳозир бўлиб қолади, бепарво бўлманг, элни яхши тутиб  
туринг. Ҳар ерда, бандаргоҳ-бандаргоҳларга қоровул  
ҳам қўйинг, тағи бир аломат бўлмасин. Айтиб бўлмай-  
ди, бир гап бўлса бўлиб қолади, бундай гаплар шундай  
танг пиллада ноҳосдан бўлиб қолса ажаб эмас. Мен  
келганча шу эл сизники. Тоға, бир гап бўлиб менинг  
отимга бир ёмон от қолмасин, ҳар қандай бўлса бошқа-  
дан менга сиз яхши-да,— деб тоғасига бир сўз айтиб  
турибди:

Отим Гўрўғлидир, оламга дoston,  
Ҳайбатимдан титрар Хунҳор, Гуржистон,  
Мен келганча сизга бердим жойимни,  
Ҳам тоғамсан, ҳам отамсан, тоғажон.

Ёмон бўлиб дўст-душманим кулдирма,  
Менинг элда йўқлигимни билдирма,  
Келганча жойимни бердим, тоғажон,  
Ёмон бўлиб ичим ғамга тўлдирма.

Менинг йўқлигимни душман билмасин,  
Етар-етмас орқамиздан кулмасин,  
Ёвмитман Такани бердим келганча,  
Яхши сақла, бир қабоҳат бўлмасин.

Тоға, элга боринг, эҳтиёт айла,  
Ёмонни, яхшини фаросат айла.  
Бандаргоҳлар бўлса, қўйгин қоровул,  
Мен келганча, тоға, кўп хизмат айла.

Яхшилик қил элатимга, тоғажон,  
Сен шериксан давлатимга, тоғажон.  
Мен келганча яхши сақла юртимни,  
Қулоқ сол пандиётимга, тоғажон.

Жони-дилман сен эшитгин сўзимни,  
Хизмат қилиб ҳақла, тоға, тузимни,  
Бир аломат бўлса менинг сиртимда,  
Дўст-душманга туман қилма юзимни.

Қулоқ сол, тоғажон, айтган додима,  
Улуғ бўлгин Ёвмит мамлакатима,

Эҳтиёт қил, тоға, жонинг борича,  
Тағи бир гап бўп қолмасин юртим.

Жоним тоға, йўқлигимни билдирма,  
Қизилбошга эли-халқим олдирма,  
Жуда эҳтиёт қил, тоға, ҳозир бўп,  
Етарга, етмасга сириг билдирма.

Бир ҳодиса бўлса, тоға, кўп ёмон,  
Эли-юртим бўлгай келганча омон,  
Ёвмитман Такани сенга топширдим,  
Бор, сени топширдим ҳаққа, тоғажон.

Бек Сардор, Ёвмитга қайтиб боргайсан,  
Жони-дилман ҳозир бўлиб юргайсан,  
Мен келганча элатимни, тоғажон,  
Мендан яхши парва<sup>1</sup> қилиб тургайсан.

Мен ўрнимни бердим, тоға, ўзим деб,  
Нойиб бўлмоқ бек тоғамга лозим деб,  
Мендан яхши сақлагайсан элимни,  
Парва қил, бек тоға, ўғлим, қизим деб.

Жони-дилман эшитиб ол, бек Сардор,  
Ёвмитман Такадан бўлгин хабардор,  
Гўрўғли дер, юртим сенга, топширдим,  
Боргин, тоға, омон бўлгин, аллаёр!

Ана энди Гўрўғлибек Аҳмад Сардор тоғасини ўн минг йигит билан Ёвмит элига қайтарди. Бек Сардор Гўрўғлибекдан фотиҳа олиб, Чамбилбелига, Ёвмитнинг элига қараб қайта берди. Гўрўғлибек илғор бўлиб Қримга кета берди. Гўрўғли Қримга Холдоршоҳ устига кета берсин, энди сўзни бек Сардордан эшитинг.

Аҳмад Сардор неча кунлар йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, қаттиқ қичаб йўл тортиб Чамбилбелнинг қорасини олди. Шунда Аҳмад Сардор қошидаги ўн минг йигитга айтди: — У, йигитлар, сизларни Гўрўғлибек менга навқар қилиб, бизни сизларга бош қилиб юборди. Энди мен сизларга кўнглимдаги сиримни айтайин, сизлар эшитиб олинглар. Мен Аҳмад Сардор, асли шу

<sup>1</sup> Парвариш.

юртнинг эгаси менман. Менинг авлодим, зотим шу Туркманга подшо бўлиб ўтган. Гўрўғлининг қайси ота-бобоси бек бўлган экан. Асли шу Гўрўғли менинг қўлимда етим қолиб, мен боламдай қилиб ўстириб катта қилдим. Акам Буврахон подшо оламдан ўтди. Евмит билан Таканинг эли менга айтди:— «Энди акангнинг ўрнига сени подшо кўтарамиз. Сенга баримиз байъат қиламиз, сенинг фармонингдан асло чиқмаймиз». Халқ йиғилиб келди, барисининг сўзи шул. Шунда мен: «Ў, ёронлар, Гўрўғли менинг ҳам ўғлим ва ҳам жияним, менинг зотим. Мен сизларга шуни катта қиламан. Ўзим доим олдида, билмаганини билдираман, айтиб ўргатаман, сизлар шуни қабул қилинглар»,— деб кўп кўшишлар қилиб, кўндирган эдим. Бўлмаса, элнинг кўпи ёқтирмаб эди. Менинг сўзимни ташлай олмай, бир хили ноилож Гўрўғлини қабул қилган эди. Ана энди Гўрўғли юртига валлами бўлиб, эли-юртни сўраб, ҳукми равон бўлиб, айтгани — айтган, дегани — деган, ўлдиргани — ўрал, бўғизлагани — ҳалол бўлиб кета берди. Аввал-аввал Гўрўғли ёмон эмас эди, яхши эди, бир гап бўлса тоға деб сўраб турар эди. Бора-бора давлати катта бўлиб, энди ўзим биламан деб кетди. Ўзи билса яхши эди, бора-бора адолатдан ҳам қайтди. Шу вақтлар Гўрўғлининг маслаҳати — кенгаши қуллар билан бўлиб кетди. Энди нима сўзи бўлса бизларга айтмайди. Ҳар қандай иши бўлса, гапи бўлса, ё бир маслаҳат-кенгаш бўлса, тоға деб менга, ё қирқ йигитга, ё элнинг бийларига, оқсоқолларга айтмайди, бир оғиз сўз сўрамайди, нима сири бўлса маслаҳатни қуллар билан қилиб кетди. Ҳали ихтиёр, бахтиёр, юрт эгаси, давлат эгаси, мамлакат эгаси, балки Евмит билан Таканинг беклик, балки подшолиги Аваз қул билан Ҳасан қулники бўлиб бораёттири. Ҳали кечагина шу ёққа жўнаганда шу юртга ўзининг ўрнига Аскар қул билан Бердиёр қулни катта қилиб қўйганини кўрмайсизларми? Бизлар бориб, Гўрўғлибекининг ўрнига сиз ўтириб катта бўлган, деб Аскар қул билан Бердиёр қулга салом бериб таъзим қиламизми?! Мен Гўрўғлининг шу ишларига жуда дарқаҳр бўлиб, ўлайин-ўлайин дейман-да. Ў, йигитлар, сизлар ҳали ҳеч сўздан, гапдан хабарларинг йўқ, билмайсизлар. Бу Гўрўғли хумса, хотини туғмаган тумса баччағарнинг нима-нимасини айтасизлар. Бу мени жуда ўлдирган-ку. Ана энди мен Чамбилга бориб бу икки қулни ўлдирсам

керақ, оғзи-бурнидан қора қонини келтирсам керак, шу  
икки арманига қанча қасдим бўлса билдирсам керак.  
Гўрўғли шу ёқдан нима бўлиб келарди дейсизлар.  
«Қилганга қил» деган бир сўз бор. Ҳали менинг кўзим  
йилтираб туриб, элимга қулни катта қилиб, ўзим унга  
фуқаро бўлиб, олдида қўл бойлаб таъзим қилиб салом  
бериб турмайман, ўлиб қолсам ҳам сен каттасан, деб  
сира-сира айтмайман. Мен шу вақтгача шу аламни ҳеч  
кимга айта олмай ўлиб юриб эдим, хўб бўлди-да, Гўр-  
ўғли мени қайтарди, жуда яхши бўлди. Энди Гўрўғли  
шу ёқдан қайтиб келиб менинг қўлимдан шу бекликни  
қандай қилиб олар экан?! Мен ўлиб қолсам қоларман,  
беклигимни бермасман. У, йигитлар, сизларга менинг  
айтганим шул: Мен Гўрўғли бекдан қайтдим, энди сира  
бек демасман,— деб Аҳмад Сардор қошидаги ўн минг  
йигитларига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Аё, беклар, бир гапим бор қулоқ сол,  
Мен гапирай зеҳнингни қўй, билиб ол,  
Евмитнинг ботири, ўн минг оломон,  
Боргандан Чамбилни қуршаб ўртага ол.

Бек Гўрўғли адолатдан қайтди энди,  
Мен билмайман не сабабдан буйтди энди,  
Беклар қолди кенгашидан ташқари,  
Мудом-о сирини қулга айтди энди.

Гўрўғлининг дим беклиги қолмади,  
Адолатдан қайтди, яхши бўлмади.  
Қуллар бўлди Гўрўғлининг сирдоши,  
Бу хумса бекларнинг қадрин билмади.

Бек Гўрўғли ёмон бўлди, бекларим,  
Сири қуллар томон бўлди, бекларим,  
Бора-бора хумса ёмон айниди,  
Қуллар элга дархон бўлди, бекларим.

Аваз қул бек бўлди, Ҳасан қул тўра,  
Гўрўғлига бўлди нокаслар жўра,  
Бора-бора хумса ёмон айниди.  
Евмит, Така қулга бўлиб фуқара.

Жуда ёмон Гўрўғлининг ишлари,  
Зўр бўп бораётир қизилбошлари,



Туркман эли жавлик қайтса шу вақтда,  
Бек қиларми ғулом қариндошлари.

Шу ишлари менга ўтиб боради,  
Баданимга симдай ботиб боради,  
Беклар қолди ташқарида кенгашдан,  
Қуллар юртга зўр бўп кетиб боради.

Гўрўғлидан қайтдим энди, бекларим,  
Сизларга сир айтдим энди, бекларим,  
Улганимча шу қавлимдан, оломон,  
Мен қайтмаси кетдим энди, бекларим.

Туркманнинг юртини бориб оламан,  
Гўрўғлига ўзим душман бўламан,  
Қайтиб келса, бек Гўрўғли ғазодан,  
Қўринг, унга не кунларни соламан.

Гўрўғлининг қулларига мен душман,  
Аваз, Ҳасан улларига мен душман,  
Даркор эмас Гўрўғлидай камфаҳм,  
Яширинчи тилларига мен душман.

Гўрўғли бекми, у катта бало-ку.  
Қулга туркман кўзи доим ола-ку,  
Бегимизнинг сирдошлари қул бўлса,  
Қул деганнинг иши доим ҳийла-ку.

Бек бўлса, бекларман бўлсин Гўрўғли,  
Наинки қулларман бўлсин Гўрўғли,  
Авазман Ҳасанни элга тўғри қип,  
Шу ноасиллар билан бўлсин Гўрўғли.

Аваз, Ҳасан ҳаммадан ортиқмикан,  
Икковидай ул<sup>1</sup> Туркманда йўқмикан,  
Қуллар бўлса Гўрўғлига бўлди-да,  
Энди элнинг кераклиги йўқмикан.

Оломонлар, Туркманга бек бўлинглар,  
Сулув қизин сайлаб-сайлаб олинглар,

---

<sup>1</sup> Уғил.

Беш кун, тўрт кун — бу ҳам даврон, оломон,  
Беш-олти кун айшу ишрат қилинглар.

Сўйиб енг Туркманнинг семиз қўйини,  
Хўп билинглар бек Сардорнинг ўйини,  
Оломонлар, райрат қилиб ҳа, денглар,  
Аввал таланг Гўрўглининг уйини.

Эшитинглар бек Сардорнинг тилини,  
Ўлжа қинг, таланглар Ёвмит элини,  
Оломонлар, талай беринг Туркманни,  
Беклар, чопинг ёппа Ёвмит элини.

От қўй, олган олганники, бекларим,  
Отга давир солганники, бекларим,  
Бор, тала Ёвмитман Така элини,  
Ушлаб эга бўлганники, бекларим.

Қуллар кўрсин бек Сардорнинг ишини,  
Қуллар одам демай кетди кишини,  
От қўй, беклар, оломонлар, қайтмаси,  
Аввал кесинг Аскар қулнинг бошини.

Ҳар ёғидан кеп от қўйинг, бекларим,  
Бердиёрни топиб сўйинг, бекларим,  
Мен ҳам қанча ўчим бўлса олайиң,  
Танасига ўтлар қўйинг, бекларим.

Ана энди Аҳмад Сардор димоғи чоғ бўлиб, соқоли  
оқ бўлиб, мингани арғимоқ бўлиб, ушлагани байроқ бў-  
либ; ўн минг оломон қаватида йўлга тушиб, Чамбил-  
бели қайдасан, деб бораётири:

Қўлда суқсур-сўнади (р),  
Доим кўлга қўнади.  
Ловиллаб ўтдай ёнади,  
Юрган кунин санади,  
Ун минг одам ияртиб,  
Аҳмад Сардор жўнади.

Дунёнг оҳ-вой-да деб,  
Вой-войингни қўй-да деб,  
Қистаб ҳайда-ҳайда деб,

Бу жон энди фойда деб,  
Айш-ҳузур уйда деб,  
Бораётир бек Сардор,  
Чамбил эли қайда деб.  
Бердиёрман Аскарнинг  
Бурнига сонг буйда<sup>1</sup> деб.

Сири элга фош бўлиб,  
Қуллар билан ғаш бўлиб,  
Ғашлиги ёмон иш бўлиб,  
Аҳмад Сардор жўнади,  
Ун минг эрга бош бўлиб,  
Сардорнинг вақти хуш бўлиб.  
Чу, деб отин уради,  
Олди адир, ўради (р),  
Ун минг одам Аҳмадга,  
Сувсиз чўлда жўради (р),  
Узангига бек Сардор,  
Икки оёғин тиради,  
От устида Сардорбек  
Ён-ёғига қаради,  
Сипоҳлик қил бек Сардор,  
Шоҳ муртини буради,  
Бу ер не деб сўради,  
Ун минг эрга бош бўлиб  
Сардор кетиб боради.

Тушди чўлнинг дашига,  
Туғ кўтариб бошига,  
Ун минг йигит қошида,  
Доим шерик бек Сардор  
Гўрўғли кенгашига,  
Бораётир бек Сардор,  
Эр Хизирнинг дашида,  
Жабр юрган кишига.

Отга қамчи чалади,  
Отнинг жонин олади,  
Жўраси бўз бўлади (р),  
Ун минг йигит ияртиб,  
Сардор елиб келади,

---

<sup>1</sup> Ана шундай.

Кўп ишларни қилади.  
Туркман элнинг оғаси,  
Совут-тўннинг ёқаси,  
Ғўла отнинг тўқаси,  
Худо деб йўл тортади.  
Гўрўглининг тоғаси,  
Қочмайди бола-чақаси,  
Бораётир бек Сардор,  
Туркманнинг олтин соқаси  
Бўйни йўгон бўқаси,  
Омон бўлса бўлади деб  
Ёвмитнинг бола-чақаси.

Ун минг ботир қошида,  
Тилла жиға бошида,  
Эр Хизирнинг дашида,  
Кундуз юриб, кеч қўниб,  
Пар ёстиқ ён бошида,  
Нўхот солган ошида,  
Кенгашбоши Туркманнинг  
Гўрўгли кенгашида.  
Бир катта сирдоши-да,  
Шу бек Сардор Ёвмитда  
Жуда ҳам зўр киши-да,  
Кўрган кўрқар тушида.  
Аҳмад Сардор Туркманда  
Асилларнинг бошида.

Йўл тортади бек Сардор,  
Сувсиз чўлнинг дашида.  
Иш кўрсатар бек Сардор,  
Душманнинг савашиди.  
Така-Ёвмит элдори,  
Туркман элнинг сардори,  
Қабатида Сардорнинг  
Ун минг йигит лашкари,  
От чопади чўлларда  
Ёвмит-Така беклари.

Чамбилбелга етсам деб,  
Ишимни ўхшатсам деб,  
Бердиёрман Аскарга  
Ишимни кўрсатсам деб,

Гүрүғлининг қулларин  
Ерман яксон этсам деб.

Минган отин ўйнатиб,  
Қизил кийим жайнатиб,  
Кўрганларнинг юрагин  
Аҳмад Сардор қайнатиб.  
Ёвмит элни олай деб,  
Барин бирдан талай деб,  
Аҳмад Сардор боради,  
Бир ёмонлик қилай деб.  
Йўлдан қайтдим мен энди,  
Ишим бўлди қулай деб,  
Бердиёрман Аскарга  
Қора кунлар солай деб.

Кучим етган вақтида,  
Билганимдай қилай деб.  
Гүрүғли қайтиб келганча,  
Қулларнинг жонин олай деб.

Қўнгли тўлган кир бўлиб,  
Ўн минг йигит бир бўлиб,  
Йўлдан қайтган бек Сардор  
Келаётир шер бўлиб.  
Элнинг йўқдир эгаси,  
Аҳмад Сардор зўр бўлиб.  
Қистаб келаётири,  
Олди адир, ўр бўлиб.  
Тоширқаган бедовлар,  
Минган оти тер бўлиб.

Ҳа-ҳалашиб боради,  
Тўлиб-тошиб боради,  
Ўн минг одам қошида,  
Қуйиб-пишиб боради.  
Гоҳ чиқади баландга,  
Ўйга тушиб боради,  
Аҳмад Сардор гупиллаб,  
Қопдай шишиб боради,  
Ўн минг одам: «Сўзингиз  
Маъқул» дейишиб боради.  
Тоғдан ошиб боради,

Пастга тушиб боради,  
Чамбилга тез етсак деб  
Беклар шошиб боради,  
Аҳмад сардор ҳаддидан,  
Жуда ошиб боради.

Қистагандан қистади,  
Йўл юрмакка устади,  
Ун минг одам от чопиб,  
Гоҳ ўрда, гоҳ пастади.  
Жони-дилман бек Сардор,  
Чамбил юртин истади.

Паст-баландни билмайди,  
Йўлни кўзга илмайди,  
Етсам деди Чамбилга  
Бирор хаёл қилмайди.  
От қўй деди бекларга,  
Ҳеч кимнинг тилин олмайди.

Ун минг одам жайнаган,  
Оққан сувдай қайнаган,  
Шум баччағар бек Аҳмад,  
Бир қавлидан таймаган.  
Ҳар ким ҳам бўлса шу Сардор  
Ёмонлик қилмай қўймаган,  
Ёвмит элда қолмаган  
Шу Аҳмад заҳрин ёймаган.  
Гўрўғлининг хотири,  
Бунга ҳеч ким теймаган,  
Мен зўрман, деб баччағар  
Терисига сиғмаган.  
Гўрўғлининг нонига  
Шу Аҳмад сира тўймаган,  
Топганини шу еган,  
Ёмонлигин қўймаган.  
Шундай ҳам бўлса Гўрўғли  
Тоғам деб жуда сийлаган.

Гўрўғлининг шу Аҳмад  
Яхшилигин билмаган,  
Сира дўстлик қилмаган,

Ёмонликдан қолмаган,  
Яхши тилни олмаган,  
Ўзи яхши бўлмаган,  
Ўйлагани ёмонлик,  
Тўғрилиқни билмаган.  
Ҳар қабоғи муштдай бўп,  
Сира шод бўп кулмаган,  
Ҳасанхон билан Авазни  
Ўлгидай бўп кунлаган.

Қистаб кетиб боради,  
Минган отин уради,  
Ўн минг тулпор йўлларда  
Бир-биридан саради (р).  
Сувсиз чўлда бедовлар  
Шамолдай бўп боради.  
Сувсиз чўлда бедовлар  
Яшиндай бўп юради.  
Шундай ҳам бўлса отларни  
Чув деб қамчиман уради.

Отлар келар отилиб,  
Тупроққа терлар қотилиб,  
Чопганда бир-биридан  
Келаётир қутилиб.  
Ўн минг йигит келади  
Ширин жони сотилиб,  
Ўнг минг отнинг чангига  
Тўзон бўп офтоб тутилиб,  
Сувсиз чўлда бедовлар  
Келаётир ютиниб.

Чу деб урар отларни,  
Тулпор, хоназотларни,  
Чамбилга қайтиб келади,  
Томоша қинг мардларни,  
Ҳайданг деди бек Сардор,  
Тезлаб азаматларни.  
Отни ҳайдаб қистайди,  
Қилар сиёсатларни.

Ёвмитнинг бўз боласи,  
Кенг-да чўлнинг даласи,

Сувсиз чўлда келади,  
Иўлнинг йўқ деб ҳийласи.

Узоқ икки ораси,  
Оти отлар сараси,  
Иўл тортади қистайди,  
Кўринмас Элнинг қораси.  
Бораётир худо деб  
Такаман Евмит тўраси.

Юрган йўли чўл энди,  
Қайда Чамбилбел энди,  
Шундай қаттиқ қичовда  
Асил тулпор билинди.  
Кишнатиб минган ботирлар  
Хоназот тулпор қулунди.

Қичағандан қичади,  
Оти қушдай учади,  
Ҳа, деб юриб келади,  
Гоҳ кундуз, гоҳ кечади.  
Сувсиз чўлнинг чангини  
Туёғи билан чочади.  
Чув деб қамчи урганда,  
Бедовлар қушдай учади.  
Қалқиб уйқу зўрласа,  
Чопишса уйқу қочади.  
Чўлда чопиб отини,  
Бариси ёш баччади (р).  
Иигитнинг кўнглин шундай-да.  
Яхши от бўлса очади.  
Олди нишаб келганда,  
Бедовлар олиб қочади,  
Қўлтиқда яшин қанотин  
Салқинда отлар очади,  
Текис-текис ерларда  
Шириллаб қушдай учади.

Минган отнинг сарасин,  
Тулпор узоққа ярасин,  
Шуйтиб қистаб ботирлар,  
Олди Чамбилнинг қорасин.  
Ғайрат билан етди-да,



Узоқ билинг орасин.  
Қамчи уриб отига,  
Чидамай ғайратига,  
Неча кун тинмай йўл юриб  
Етди Ёвмитнинг юртига,  
Оралади бек Сардор  
Чамбил вилоятига.

Булбул ошна гулига,  
Сўна юзар кўлига,  
Неча кунлар йўл тортиб,  
Борди Чамбилнинг элига.  
Қулоқ солинг, ёронлар,  
Суханварнинг тилига.  
Шуйтиб қистаб бек Сардор,  
Борди Чамбилбелига.

Аҳмад Сардор бош энди,  
Кўнгли қаттиқ — тош энди,  
Борди Сардор Чамбилга  
Нима бўлар иш энди.  
Аҳмад Ёвмит элида  
Жуда баттол киши энди

Сардор элни оралаб,  
Бораётир моралаб,  
Чамбилбелнинг одами  
Қараётир қоралаб.

Ҳамма кўрди Аҳмадди:  
«Элга берар заҳмадди,  
Шу баччағар кеп қопти,  
Йўлдан бу қандай қайтди?  
Аҳмад сира тек келмас,  
Бир қабоҳат бўп қопти.  
Бу Аҳмаднинг келгани,  
Бизга сира эл эмас,  
Бу баччағар шум оёқ,  
Сира-да жўнг келмас.  
Бир шумликка келгандир.  
Бизга тинчлик кун бўлмас».

Ана энди Аҳмад Сардор Туркманнинг элини оралаб  
бора берди. Дарвозада турганлар — Бердиёрнинг хиз-

маткорлари Аҳмад Сардорни бу дабдабада кўриб, бир-бирови билан гаплашиб қолди: «Аҳмад Сардор нимага қайтди экан, бунга нима гап бўпти, йўлдан қайтибди?!» Улар: «Аҳмад Сардор бир тўп лашкар билан келаётини»,— деб Бердиёрга хабар берди. Бердиёр ҳам келиб дарвозанинг устида қарашиб турди. Шунда Сардорнинг оломон аскарлари чопқиллашиб келиб қолди.— Оч-а-оч, дарвозани оч, Сардор бек келаётини!— деб вағиллай берди. Шунда Бердиёр:— Аҳмад Сардор нега қайтди, бекдан нега айирилди?— деди. Йигитлар айтди:— Бек тоғасини, мабода қизилбошдан бир ҳодиса бўлмасин, элни кўриб тур, деб қайтарди. Бердиёр айтди:— Ундай бўлса яхши бўпти, сизларга далада кўри дебди бек, элни далада кўринг, дарвозани очмайман. У, беклар, баҳодирлар, Гўрўғлибек менга: «Ҳеч кимга дарвозани очма, тағи пайд билан биров алдаб (Чамбилни) сизлардан олиб қўймасин»,— деб эди. Мен то мўлжали бўлмагунча, Гўрўғлибекнинг ўзига ҳам очмасман. Сизлар қандай ҳаллофлаган одамсизлар? Бунча дабдаба менга даркор эмас! Аҳмад Сардор келган бўлса, яхши бўпти. Ана Ёвмитнинг эли, Такани оралаб юра берсин. Гўрўғлибек келмаса, дарвозани сира очмасман. Менга бекнинг ҳукми шу. Бор, йўлингдан қолма! Дарвозани очмайман. Элни далада кўриб юра бер,— деб жавоб берди.

Ана келганлар бу сўзни Аҳмадбекка етказди: «Мирза, Бердиёр дарвозани очмайман, сизлар элни далада кўриб юра беринг, қачон Гўрўғлибек келади, шунда дарвоза очилади, бўлмаса очилмайди, деди».

Аҳмад Сардор бу сўзларни эшитиб, ҳар кўзи шокосадай бўлиб, қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, ҳар урти қопдай, шоҳ мурти шопдай бўлиб, бақириб сўкиб:— Ана, беклар, кўрдинглари, бу бадраклар жуда катта бўлиб кетган, одамни кўзга илмайди, балки бизларни одам ўрнида кўрмайди; бўлмаса нокасларга гапни ким қўйибди, менга шундай дейдими?!<sup>1</sup> Беклар от қўй, ушлаганингни сўй, «урушда туруш йўқ». Оломон от қўй, найза, қилич, милтиқ дема, ҳар ким қўлидан келганича ишлари. Омин, беклар, «қайтган хотин, қолган тўқол»,— деб ўн минг оломонига буюриб бир сўз деди:

<sup>1</sup> Қўлэзмада *меган шу дейма*.

Кўрдингларми нокасларнинг ишини,  
Бу бадраклар кўзга илмайди кишини,  
Сардор билан бирга келган ботирлар,  
Беклар, қўя беринг отнинг бошини.

Бу ер асл Така-Ёвмит ерлари,  
Букун кетсин юракларнинг черлари,  
Ботирлар от қўйинг, қайтманг, бекларим,  
Янчмай қайтманг, Ёвмит элнинг шерлари.

Оқизинг кўзидан қонли ёшини,  
Кесиб олинг Бердиёрнинг бошини,  
Оломон от қўйинг, қайтманг, бекларим,  
Кўрдингларми Бердиёрнинг ишини.

Дарвозани бузиб киринг, бекларим,  
Тандирдай бўп қизиб киринг, бекларим,  
Бердиёрни, қирқта нокас қулларнинг  
Тандан бошин узиб киринг, бекларим.

Қонман бўянг дарвозанинг тошини,  
Раҳм этманг, кесинглар тандан бошини,  
От қўй, беклар, асло қайтманг, ботирлар,  
Одам деманг бу турган қирқ кишини.

Армон билан билмагани билдиринг,  
Зўрлик қилиб ичин ғамга тўлдиринг,  
Оллоҳ деб от қўйинг Ёвмит беклари,  
Аввал бошлаб Бердиёрни ўлдиринг.

Ол-ол, беклар, олганники, бекларим,  
Қайтмай килич солганники, бекларим,  
Жаллод бўлиб жондан кечинг, ботирлар,  
Давлат хизмат қилганники, бекларим.

Омин, от қўйинглар, Туркман ботири,  
Туркманга қул деган нони патири,  
Кўрдингларми нокасларни, ботирлар,  
Ичкаридан милтиқ отаётири.

Ана энди Аҳмад Сардор ўн минг оломонга бирдан  
от солинг, қайтмаси!— деб буюрди. Ўзи бош бўлиб қўр-  
ғонга от қўйди. Ўн минг йигит дарвозани қуршаб олди.

Ичкарида Бердиёр ҳайрон қолди.— Во ажабо, бу қандай бўлди?— деб (йигитлари) бир-бирига айтаётир. Шунда Бердиёр айтди.— У, йигитлар, бунга ҳайрон қолманг, душманга бўйин эгмак номарднинг иши, асло хавфи тарс қилманг. Агар Аҳмаднинг қўлига тушсанглар, ўлдиради. Бу ҳароми, кўрнамак Аҳмад Сардор Гўрўглининг тузини еб, доим душманлик қилиб ўлиб юради, баччағар. Энди, йигитлар, ажалимиз етган бўлса ҳаммамиз ўламиз, агар ажалимиз етмаган бўлса Аҳмад далада келиб (қўрғонни) олганини кўрамиз,— деб қирқ йигити билан қўлига ўқ-ёй олиб шинакка ўтириб ота берди. Қирқ йигит Сардорнинг одамини ўққа тутди, ким ёнашса отди, нечовларини сулатди, ўқ теккани қимирламай ётди. Аҳмад жонини сотди, ўзи жуда катта ғайрат этди. Булар ҳам ташқаридан ҳай-ҳайни солди, дарвозани ўртага олди, бир катта талотўп бўлди.

Қирқ одам ичкари, ўн минг ташқари,  
Ҳай-ҳай солиб борди Аҳмад беклари,  
Уруш бўлди дарвозанинг устида,  
Кушиш қилиб ҳа, дей берди ҳар бири.  
Шинакни олиб ота берди худо деб,

Бердиёрнинг қабатинда қирқ эри.  
Ўққа тутди бек Сардорни қирқ ўғлон,  
Ботир бўлсанг кел-ҳа!— деди ҳар бири.  
Даладан шовқин соп қўйма дейшади  
Аҳмад Сардор бекнинг баҳодирлари.  
Улар ҳам отади, булар ҳам отиб,  
Ўқ теккан гўзаллар тирп этмай ётиб,  
Уруш бўлди дарвозанинг устида,  
Бир-бирига энди ҳунар кўрсатиб.

Дўрмаб бориб неча марта қуршади,  
Ўн минг киши қирқ одамман уршади,  
Бари шовқин бериб ташқари қўшин  
Чувлайди бариси, қўйма дейшади.

Аҳмад Сардор бақиради, ур деди,  
Зўрлик қилиб ичкарига кир деди,  
Нима келар қирқ одамнинг қўлидан,  
Омон берма, бадракларни қир, деди.

Кўшин борса улар кўзлаб отади,  
Отган ўқи тегса тешиб ўтади,  
Милтиққа ботирлик бекор деди-да,  
Уқ тегмасин дейди, қочиб кетади.

Бердиёр қичқирар:— Қолма армонда,  
Ботир бўлсанг кела қолгин, майдон-да,  
Гўрўғлига душман бўлган ҳароми,  
Уйланглар ҳароми, не жон бор санда?!

Кўрдингларми ботир итлар майдонни,  
Қайтарарман сендай тўзғур душманни,  
Ботир бўлсанг кел, Алининг майдони,  
Зўрлик қилиб, тортиб олгин қўрғонни!

Ботир бўлсанг, эр бўп босиб келарсан,  
Келганинг кетмассан, хазон бўларсан,  
Сен Аҳмад, кўрнамак, энди ўларсан,  
Зўрлик қип қўрғонни тортиб оларсан. <

Гўрўғлининг отин, тўнин кийганлар,  
Гўрўғли йўқ бўлса душман бўларсан?!  
Кел-ҳа, кел-ҳа, ол Алининг майдони,  
Зўрлик қилсанг, менадан тортиб оларсан!

Бу ҳам ғайрат этади,  
У ҳам кўзлаб отади.  
Кимга ўқи кеп тегса,  
Қимирламай ётади.

Бўлди энди талотўп,  
Вағир-вуғур бўлди кўп,  
Ун минг одам от қўйди,  
Дарвозани олдик деб.

Ун минг одам кеп қолди,  
Остин-устун бўп қолди,  
Ҳайрон қолиб эл бари,  
Бу қандай гап, деб қолди.

Уруш бўлди кўп қатти (қ),  
Эли-халқни чувлатди,  
Қирқ йигитман Бердиёр,  
Аямай ўққа тутди.

Бердиёр ҳам уришди,  
Аямасдан суришди,  
Қаттиқ уруш бўп қолди,  
Бир-бирини қиришди.

Қаттиқ шовқин солибди,  
Қўшин қуршаб олибди,  
Қўйма, деди бек Сардор,  
Жуда ғайрат қилибди.

Милтиқ сонсиз отилди,  
Қон тупроққа қотилди,  
Аҳмадбекнинг лашкари  
Боғдай бўлиб ётилди.

Лашкар бўлди остин-устин,  
Бир-бирига қилиб қасдин,  
Ота болага боқмайди,  
Ҳар ким излаб ўз дўстин.

Одамлар ёқасин ушлаб,  
Қўрқоқ одам кўзин ёшлаб,  
Оламан, деб от қўяди  
Қўп қўшинни Сардор бошлаб.

Уруш бўлди ҳаддан оша,  
Қўп қўшин дарёдай тоша,  
Одам бўп кўрса томоша:  
«Ўлма ботир, узоқ яша».

Ҳар тарафдан одам келди,  
Ажали етганлар ўлди,  
Ҳай-ҳай солиб кечга давур  
Бир талотўп уруш бўлди.

Сардордан кўп одам ўлди,  
Қўп ўлик майдонда қолди,  
Ичкаридан милтиқ отди,  
Қўп ҳам одамлар йиқилди.

Бунга зўрлик қилдирмади,  
Озлигини билдирмади,  
Кечга давур уруш бўлди,  
Қўрғонини олдирмади.

Сардор зўрлик қилолмади,  
Дарвозани ололмади,  
Бердиёр ҳам сир бермади,  
Оз-кўпин билолмади.

Кеч бўлди чиқди далага,  
Бек Сардор қолди балога,  
Дарвозани ололмайин  
Бориб қўнди бўлак жога<sup>1</sup>.

Ана энди Аҳмад Сардор кечгача отишди, ичкаридан Бердиёр ҳам отишди. Бердиёр одами билан деворнинг панасида буларга кўринмай ота берди, уриб чиқа берди. Сардорнинг одамлари ташқарида ўқ отган билан девордан тешиб ўтолмади. Бориб деворни бузай деса, милтиқлаб йўлатмади. Аҳмад Сардорнинг кўп одами ўлди, бир хиллари ярадор бўлди. Ана Аҳмадбек дарвозани ололмай, моховдай бўлиб, хафа бўлиб қўшини билан бир далага кўнди. Оқшоми билан ўз оломонлари билан кенгашиб:— Ў, йигитлар, ғам еманглар, хафа бўлманглар. Бу қирқ одамнинг қўлидан нима келади. Эртанг тургандан сатта мергай, шакаманлар отни ташлаб қалъанинг теварагини олмоқ керак. Сизлар ҳам шинак қилиб, ўзларингизни кўрсатмай милтиққа тутинг. Бир бўлак одам отларни олиб далага бориб боқа берсин. Қирқ одамнинг нима жони бор, ана-мана деганча олиб қўймай. Бугун бизлар келгандан қўрғонга киримиз, қулларнинг жазосини берамиз, деб армонда қолдик, бўлмаса аввал эҳтиёт қилар эдик, бунча одам ўлмас эдик. Ана энди пишиқ бўлдик. Бир шапалтанг еб бўлдик. Аввалдан отларни ташлаб, пиёдалаб бормадик, ҳай аттанг. Мен буларни келгандан дарвозани очади, тўхтовсиз ичкарига киримиз, деб армонда қолдим. Бизларга ишонмади, булар шундай шум қуллар-да, ичидан пишган. Бўлмаса, булардан бошқа ҳар қандай одам бўлса, бизларга дарвозани очар эди, ҳеч улай-булай демас эди. Кўрмайсизларми, бизларга ишонмай, милтиқлаб, киргизмай ўтирганини,— деб кўп афсуслар еб ётди.

Бек Сардор чиқиб кетди. Бердиёр бориб Мирза Аскарга маслаҳат этди:— Ў, Мирза Аскар, бу нима деган

---

<sup>1</sup> Жойга.

гап бўлди, баччагар Аҳмаднинг бу иши нима қилгани, бунга нима маслаҳат берасиз?

Мирза Аскар айтди:—Бу Аҳмаднинг муддаоси сенинг билан мени ушлаб олса,—ўлдирмай қўймайди. Хотиринг жам бўлсин, Аҳмаднинг қасди икковимизда. Ҳар қандай қилиб қўлга туширса, тайин ўлдиради. Бу Аҳмаддан яхшилиқ умид қилма. Мабода мен урушмай қўрғонни берсам, мени кўяр дема, асло қўймайди. Энди ажалимиз етса ўлармиз, лекин биз ўзимиз ўлганча қўрғонни бермасмиз. Ўлгандан сўнг қандай қилса, шундай қилсин. Эй, Бердиёр, сен бўшама, белингни маҳкам бойла, жуда шердил бўл, асло бўшама. Агар қулайи келса Гўрўглининг тоғаси дема, шу Аҳмаднинг ўзини от, ўқ тегиб ўлсин. Шунда иш ўнг бўлади; бўлмаса, бу бузмакор баччагар бизларни сира қўймас,—деди.

Мирза Аскар билан Бердиёр таплашиб, ўзининг асбобини чоқлаб, милтиқни ўқлаб, чоқ бўлиб турди.

Оқшом ётди, эрта билан тонг отди. Аҳмад Сардор пар-парлатиб карнайни тортди, Чамбилдаги бола-чақани йиғлатди. Бердиёр бечора... белини икки ердан маҳкам бойлаб, марди-мардона турди. Йигитларнинг бешини бир, тўртини бир — ҳар ерга тайин қилди. Ўзи бир маҳкам ерни олиб, милтиқни қўлига олиб, ўқини олдига уйиб тўкиб қўйиб ота берди. Бу кун ҳам уруш бўлиб, ота болага, қиз энага қарамай, тоза қиёмат Чамбилда бўлиб турибди.

Аҳмад Сардор оқшом шу ерда ётди,  
Тўрғай чирлаб, тонг бўзариб тонг отди,  
Тура солиб Аҳмад Сардор лашкарман,  
Энди пар-парлатиб карнайни тортди.

Аҳмад Сардор энди вақтин хушлади,  
Гала туғни Сардор яланғочлади,  
Карнай, сурнай тортиб ётган оломон,  
Ўзи олдин тушиб йўлни бошлади.  
Бердиёр ҳам милтиқ олиб қўлига,  
Нечовни йўлатмай отиб ташлади.

Ўзи олдин йўл бошлади бек Сардор,  
Ҳай-ҳай шовқун юртни бузди баякбор,  
Кўча, йўллар тўлиб қолди ўликка,  
Борганини отаётир Бердиёр.



Бердиёрнинг йигитлари ҳа, деди,  
Эр бўлсанг кел, ана қўлингни ол-а, деди.  
Бари жондан кечган жаллод баччалар,  
Бир-бирига, ака, бўлдингма деди.

Остин-устун бўлиб Сардор қўшини,  
Томоша қинг қирқ йигитнинг ишини,  
Тўда-тўда қилиб уйиб ташлади,  
Бек-Сардорнинг қўшинининг дошини.

Бердиёр худо деб милтиқни отиб,  
Кулли халққа эрлигини кўрсатиб,  
Ота берди аямасдан Бердиёр,  
Ажаллини кўча-кўйда қулатиб.

Отмоқдан уларда армон қолмади,  
Қайтсин, оз-да, боз ҳам дармон қолмади.  
Кўплик қилди бек Сардорнинг қўшини,  
Кўп ўлса ҳам қўшин ода бўлмади.  
Ула-ўла олиб қўйди кўп ерни,  
Булар оз-да, баробарлик қилмади.

Чир атрофни қайсаб кўп қўшин олди,  
Қирқ йигит, Бердиёр ўртада қолди.  
Ҳар тарафдан ўқ ёғади осмондан,  
Бердиёр, йигитлар ёмон қамалди.

Улар ҳам отади, бу ҳам отади,  
Кимга ўқ теккани таппа ётади,  
Қуршаб олди тевааракни кўп лашкар,  
Энди Сардор бунга зўрлик этади.

Бек Сардорнинг вақти энди хуш бўлди,  
Кўп ўртага олди, ёмон иш бўлди.  
Эрта билан майдон бўлиб, отишиб,  
Кун ўртага келиб, роса туш бўлди.

Пешин вақти Сардор кўп ҳай-ҳай солди,  
Сардорнинг қўшини кўп қувват олди.  
Бердиёрнинг ўн йигитин шаҳид қип,  
Зўрлик қилиб Сардор жойини олди.

Ўттиз йигит Бердиёрнинг қошида,  
Кўп савдо бор йигитларнинг бошида,

Чиққанини отаётир кўп қўшин.  
Кўндик дейди, бу ҳам тақдир иши-да.

Уттиз йигит жуда қилди хуришди,  
Мардона бўп Сардор билан уришди.  
Кеч пешинда Бердиёрнинг йигити —  
Ун йигит, ёронлар, милтиққа учди.

Бердиёрда энди дармон қолмади,  
Ҳомий бўлар ҳеч мураббий бўлмади,  
«Энди қўрғон кетди» деди Бердиёр,  
Милтиқ отаётир, бачча толмади.

Эр Бердиёр қатордаги нор эди,  
Қанча десанг, бу ҳам шунча бор эди.  
Намоздигар — кун ўтирар вақтинда  
Бердиёрга бир жазойил дориди.

Бердиёрга заҳмат етди баякбор,  
Нозик тани бўлди энди ярадор,  
Ҳай аттанг, деб бошин чайқаб йиғлайди,  
Ярадор бўп, илож топмай Бердиёр.

Бердиёрнинг йигитлари суст бўлди,  
Аввал баланд эди, энди паст бўлди,  
Нозик тани бўлди энди ярадор,  
Милтиқни, эсиз мард отолмас бўлди.

Савдо тушди Бердиёрнинг бошига,  
Ким раҳм этар кўздан оққан ёшига,  
Эмчак бермай, эмик сути бердим деб  
Икки пари йиғлаб борди қошига.

Воҳ болам, деб пари бориб ушлади,  
Воҳ энам, деб бачча ўзин ташлади,  
Болам дейди, икки пари йиғлайди,  
Парилар болам, деб мотам бошлади:

— Туғмасам ҳам, туққандай бўп юрганман,  
Эммасанг ҳам, эмик сути берганман,  
Аяб ўстирганим, болам, Бердиёр,  
Ўзимнинг туққан болам деб юрганман.

Илоҳи Аҳмаднинг ўлсин боласи,  
Топилмасин дим дардининг давоси,  
Вой болам, деб зор йиғлайди парилар:  
— Қанча эди Бердиёрнинг гуноси.

Бердиёрнинг қадди ёйдай букилди,  
Ярасидан қўчқил қонлар тўкилди,  
Емон экан Бердиёрнинг-яраси,  
Воҳ эна, деб бачча энди йиқилди.

Болам, деб парилар қўлидан тутди,  
Золим Аҳмад париларни йиғлатди,  
Бу дунё ҳеч кимга вафо қилмади,  
Юлдуз чиқа, бачча оламдан ўтди.

Париларнинг зиёд бўлди мотами,  
Қайтсин, йўқдир сирин айтар одами.  
Воҳ болам, деб зор йиғлайди иккови,  
Париларнинг ошди, ёронлар, ғами.

Мирза Аскар у ҳам йиғлар зор-зор:  
— Ҳай аттанг-а, нобуд бўлдинг, Бердиёр,  
Мен ҳам энди кечдим, нетай, дунёдан,  
Сенсиз энди менга дунёнг не даркор.

Ана энди номозшомда Бердиёр оламдан ўтди, икки пари воҳ болам, деб мотам тутди. Мирза Аскар бечора ҳам ақлини унитди, воҳ иним, деб зор-зор йиғлаб бу ҳам Бердиёрга мотам тутди.

Ана энди булар бўложини топа олмай Бердиёрнинг йигирма йигити Мирза Аскарнинг қошига қочиб ўтди. Аҳмад Сардор Қорақўрғонни олиб, бу кун зўрлик қилиб, Қорақўрғонда оломон — лашкари билан ёта берсин. Мирза Аскар бу ҳам эҳтиёт билан ўзини маҳкам қилиб урушмоққа чоппа-чоқ бўла берди. Оқшоми билан Бердиёрнинг йигирма йигити билан барини бир ерга ўхшатиб кўмдирди, бошқа ишларни чоқлаб турди.

Оқшом ётди, эрта билан тонг отди. Сардор парпарлатиб карнай-сурнайни тортди, қулайлаб ҳар ёғидан милтиқ, жазойил, хитойча ота берди. Ана энди Мирза ўзининг йигитларини чоқлаб, ўзи ҳам белини икки ердан бойлаб, чоқ бўлиб, Чамбилнинг бечора одамларидан бир қари кишини топиб, бир хат қилиб қўлига бериб, бек Сардорга юборди. Аҳмад Сардор ўқитиб кўрса,

Мирза Аскар шундай хат битибди: «Биздан дуои салом, паёми бениҳоят, беҳисоб, бесанов, Туркман элининг оғаси, совут-тўннинг ёқаси, Туркман элнинг олтин соқаси, Гўрўглибекнинг тоғаси Аҳмад Сардорга! Бизлар билмадик, нима гап бўлса, ўзлари биләди. Гўрўглибек мен Қримдан қайтиб келганча сизлар далага чиқмай-сизлар, даладан келган одам бўлса, очмайсизлар, маҳкам бўласизлар, дер эди. Биз ҳали Гўрўглибекнинг шу сўзини маҳкам ушлаб турибмиз. Бек Гўрўгли тоғаларига нима деб айтган бўлса, уни бизлар билмаймиз. Биз бек Сардорга дўстмиз, душман эмасмиз, бек Сардорни сен бек эмассан демасмиз. Энди Сардор юртни қўрийман, деб келган бўлсалар, биз ҳам рози, хушвақт, хурсандмиз. Лекин Сардор Қорақўрғонни олдилар, энди бизга индамасин. Гўрўглибек келганча Қорақўрғонда элни қўриб юра берсин, даврини сура берсин. Биз энди Гўрўглибек келганча, далага чиқмаймиз. Бизга бек Сардор индамаса, биз Сардордан розимиз, миннатдормиз», — деб хат қилиб юборибди.

Ана энди Аҳмад Сардорнинг қаҳри келиб, илондай захри келиб, аждарҳодай тўлғониб, қоплондай чопиниб, шердай ҳайқириб, йўлбарсдай чирлиниб, айиқдай ақириб, подадай бақириб, эшакдай ҳанграб, новосдай манграб, итдай улиб, тентакдай кулиб, Мирза Аскарнинг кўрқанини билиб, Мирза Аскарни мазақ қилиб: «У, бадрак, ноасил кул, қизилбош, армани, сенинг баҳон бир байтал-да. Сен кул ўлганда қайси туркманнинг бити қора кияди. Сен қулгина мени алдайсанми, сен кучукни олмай, ер билан яксон қилмай (қўймасман), сенинг нима ҳолинг бор. Ҳали қанча урушлар бўлар. Менинг шунча йигитим ўлар, тағи ҳам сен алдаб омон қолмоқчимидинг, ҳали сенинг кўрмаганларингни кўрсатиб (қўяман), сеними-сени. Сен кучук қачон бундай хат битиб юборгич бўлдинг. Айниган Гўрўгли деган хумса, хотини туғмаган тумса, шу қурумсоқ катта қилди. Мен Туркманга катта бўлдим деган экансан-да, ҳали катта бўласан, кўрасан. У, нокас, сен мени алдаб қутила олмайсан, сенинг раҳбаринг Гўрўгли бўлса, нозингни ўшанга<sup>1</sup> қил. Мен Гўрўглидай аҳмоқ, беақл эмасман. Сени сира-сира одам демасман, панд-фирибингни емасман, сенга омон берадиган одам мен эмасман. «Тушдан кейин келар

<sup>1</sup> Қўлзмада шўган.

кулнинг ақили» деган бир нақл бор, энди эсинг келдими. Бунча дер экансан, кеча уруш бошланмай менга айтсанг (бўлар эди), у пилла эсинг қаёқда эди?! Энди бек Сардорнинг минг, икки минг одами ўлиб, тағи сени ўлдирмай қўяди, деб ким айтди»,— деб Сардор хатини йиртиб ташлаб, бошқа хатга кўп сафсата гаплардан битиб, сўкиб-сўкиб юборди.

Ана энди Мирза Аскар ўз жонидан умид узиб, белини икки ердан маҳкам бойлаб, таваккал айлаб, қошидаги йигитларига қараб:— Ў, йигитлар, туз ҳароми, кўрнамак, шайтон, баччағарнинг сўзини эшитдингларми? Бу Аҳмад шундай ёмон одам, шундай Гўрўғлибекнинг тузини ҳақламай кўрнамаклик қилиб ўтирибди. Шундай бекнинг яхшилигини билмаган одам кимни билди?! Ў, беклар, мард йигитлар, энди бундан сира яхшилик умид қилманг, охирги сўз шул: милтиқнинг қўндоғи, қиличнинг балдоғи қолганча, бунинг билан солишмоқ даркор. Ботирлар, жойни маҳкам қилиб олинг, қимирламай, бир ердан қўзғолмай, милтиқдан айрилмай, ҳа, деб ўққа тутинг. Агар ўнғайи келса шу туз ҳаромининг ўзини отинг, шу кўрнамак ўлса, жуда яхши бўлар эди, Гўрўғлибекнинг ҳам димоғи жуда чоғ бўлар эди. Ёмон ҳар ерда ёмон, яхши ҳар ерда яхши. Ў, ботирлар, агар шу баччағар ўлса, ана у турган йигитларининг бировгинаси ҳам оғзини очмай, йўқ бўлиб кетар эди, балки жуда яхши бўлди, дер эди, барини шу баччағар, баттол қилаётир, бошқанинг бизга иши ҳам йўқ,— деб туриб эди, Аҳмад Сардор парпарлатиб карнай-сурнай тортиб қўя берди. Оломонларини чоқлаб, милтиқни ўқлаб, Қорақўрғондан Мирза Аскарга қараб милтиқни патир-путир ота берди. Мирза Аскар худо, деб милтиқ отмоққа тушди, одамлари ҳам отаётир, ўқ теккан қимирламай ётаётир.

Аҳмад Сардор тағи уруш бошлади,  
Тура солиб туғни ялонғочлади,  
Тамоша қинг бек Сардорнинг ишини,  
Мирза Аскарнинг икки кўзин ёшлади.

Патир-путир энди милтиқ отилди,  
Не эрларнинг ширин жони сотилди,  
Ажал етган ағнаб қолди майдонда,  
Мурда арпа боғидай бўп ётилди.

Осмондан ўқ ёғиб, ердан тутаяди,  
Бир-бировин кўзлаб милтиқ отаяди,  
Аямаси отаётир-иккови,  
Кимга ўқ теккани писмай қотаяди.

Ана бўлди эр Алининг майдони,  
Урушда сабилдир ботирнинг жони,  
Бир талотўп уруш бўлди Чамбилда,  
Одам бўлса, тамоша кўрса қани?!

Мирза Аскар энди кечган жонидан,  
Қўзғолмайди бир маҳкам ватанидан,  
Ҳар ким бўлса отаётир Мирза Аскар  
Ким бўлса қутилмас шакаманидан.

Қирилди Аҳмаднинг кўпроқ одами,  
Сардорнинг кўпайди ўй билан ғами,  
Боролмайди аркка қараб оломон,  
Борса отилади милтиқ, камони.

Жазойил, хитойча гумбурлаб келар,  
Кимга тегса, гапга келмайин ўлар,  
Мирза Аскар кўзлаб отаётири,  
Киши билмас ахир қайси зўр бўлар.

Лекин бек Сардорнинг кўпдир одами,  
Одами кўпликдан сира йўқ ғами,  
Мирза Аскар-озлик қилиб турибди,  
Оз ҳам бўлса унинг кўпдир анжони.

Жойи маҳкам, ўзи баланд, тургани,  
Баланддан кўзловмаң, ўқман ургани,  
Мирза Аскар аркда туриб отаяди,  
Аркдан паст, албатта, Қорақўрғони.

Уруш қаттиқ бўлди, аломат бўлди,  
Гўё Чамбилбелга қиёмат бўлди.  
Тамоша қинг Мирза Аскарнинг ишига.  
Сардорнинг элига бир офат бўлди.

Сардорнинг одами биқиб боради,  
Бир хилининг жони чқиб боради,

Мирза Аскар баландда, қўлида милтиқ,  
Қимирласа уриб, йиқиб боради.

Ададсиз кўп милтиқ энди отилди,  
Мурда деган боғ буғдойдай ётилди,  
«Уруш бўлса туриш борми», ёронлар,  
Бўз тупроққа қизил қонлар қотилди.

Бек Сардорнинг оғзи-боши қон бўлиб,  
От деди элига кўп пўрхун бўлиб,  
Одамлари бари қопти тенгсалиб,  
Юраги йўқ бир хиллар бежон бўлиб.

Ҳар тарафдан мерган отар ўқини,  
Билиб бўлмас одам бори-йўқини,  
Мирза Аскар бир худо, деб отади,  
Бек Сардор билмади Аскар чоғини,

Кечгача отишди ўзин олдирмай,  
Одамнинг озин-кўпин билдирмай,  
Бек Сардор ололмай қайтди қўрғонга,  
Мирза Аскар қайтарди аркка кирдирмай.

Ана энди Мирза Аскар Аҳмад Сардор билан уч кун отишди, уч кунга давур Сардордан кўп одамлар отилди, ўлди, кўп кишилари ярадор бўлди. Бек Сардор кўп ғайратлар, шиддатлар қилди, қўшини (босиб) бора олмади, олди ўр бўлди. Рўй-рост борайин деса, баланддан Мирза Аскар ё бошқа йигити отиб ташлайди, бошқа ердан бориб бўлмайди. Шу тарз Аҳмад Сардор уришиб ололмай уч кун қамаб ётди, бир-бирига кўп ҳарбалар этди. Кунда кенгашди, бу жувонмаркни қандай қилиб оламиз,— деб маслаҳат қилади, неча тусли ҳийлаларни ўйлайди, бундай қиламиз, ундай қиламиз дейди, бўлмайди. Ололмай лол бўлиб, бу баччагарларнинг жойи жуда маҳкам экан, дейди. Унда бир хиллари: «У, Аҳмад Сардор, ҳали уч кун уришибсан, уч йилда ҳам ололмайсан»,— деган одам кўп-да, кўп оғиз-да, бир хили бундай деса, бир хили ундай деб, ҳар хили бир тоифа сўз деди. Аҳмад Сардор жуда диққат бўлди, оломонига айтди:— Эй, ёронлар, бу нима деган гап. Узоқ-яқиндаги одамлар

эшитса, бизга номус эмасми. Айналтирган йигирма одамни ололмасак, эшитган қулоққа ҳам ёмон. Бу нима деган насоқ, бу қалай номус. У, халқ, энди дурует иш қилинг, эли-халққа кўлги бўлмайик,— деб жамен оломонни тезлаб, қайраб қўйди. Оқшом ётди. Ана энди Аҳмад Сардорнинг оломонлари бир-бировидан милтиқни ким яхши отади, ким шакаман мерган, деб сўрашиб, бўз болалардан юракли, ботири ким, қайси, деб мерган, шакамандан ўн-ўн бешни топиб, ботир бўз боладан ҳам ўн-ўн беш топиб, оқшоми билан булар ҳам ғамини еб, ўз тарадудини қилиб ёта берсин. У ёқда Мирза Аскар бечора ҳам ўзига қараган одамлари билан маслаҳат қилиб оқшоми билан хавотирли ерга қоровул, чиндовул қўйиб, ўзини-ўзи эҳтиёт қилиб, ҳозир бўлиб оқшом ўтди, тонг отди, ёруғ бўлди. Аҳмад Сардорнинг лашкари ғуриллаб, хуруж қилиб, Мирза Аскар тарафга қараб юриш қила берди, уруш бўла берди, от-ҳа-от, ур-ҳа-ур бўлди.

Мирза Аскар полвон эди,  
Бир юракли арслон эди,  
Ҳозир ўзи иш кўрмаган,  
Ёши кичик ўғлон эди.

Кўп юракли ботир эди,  
Танҳо мингга татир эди,  
Ёши каму юраги кўп,  
Қўрқмас безавотир эди.

Гўрўғлига хизмат қилган,  
Уқиб ўзи мулла бўлган,  
Кўп адабли барно эди,  
Неча йиллар таҳсил қилган.

Бошига тушди бу савдо,  
Бир ёш бачча кўп бепарво,  
Кўп юракли барно эди,  
Ўзи зийрак, оқил, доно.

Мирза Аскар ғайрат қилди,  
Душманларга шиддат қилди,  
Мерганлик қип, милтиқ олиб,  
Сардорнинг элин мот қилди.



Милтиқ отди уст-устига,  
Хўп қараб баланд-пастига,  
Аҳмад Сардор бу ҳам ҳа дер,  
Мирза Аскарнинг қастига.

Бир хили жазойил отиб,  
Бир хили тўпни ўқлатиб,  
Ўртага олди кўп оломон,  
Аркка қараб тўплар отиб

Ҳар тўпни ўқлаб отганда,  
Аркнинг бурчларин қулатиб.  
Ҳар тўп келиб тегса энди,  
Арки билан сўлқиллатиб.  
Тошоша қинг бек Сардорни  
Мирза Аскарни тўпга тутиб.  
Мирза Аскарни ололмайин,  
Сардор ётир жонин сотиб.  
Уруш жуда қизигандир,  
Қўрқоқлари қочиб кетиб.  
Икки ёқ ҳам ҳа деётир,  
Бир-бирига ҳунар кўрсатиб.  
Мирза Аскарнинг одамлари,  
Чор атрофга милтиқ отиб,

Бек Сардор ҳам бора берди  
(Тўп билан аркни қулатиб).

Аввал эди бежавотир,  
Энди қўрқди Аскар ботир,  
Тўп деган бир ёмон ёвдир,  
Аркни бузиб келаётир.

Сардор ҳам билди ҳийласин:  
— Тўпланглар арки қуласин,  
Оломонлар, энди қайтманг,  
Олмай Гўрўғли боласин.

Тўпман ур, арки қуласин,  
Икки пари зор йиғласин  
От, оломон, ота беринг,  
Эшитмай Аскар ноласин.

Шуй<sup>1</sup> деб Сардор бақиради,  
Оломонин чақиради.  
Қайтма, деди Аҳмад Сардор,  
Поодай бўп бўкиради.

Бўлди уруш қатти-қатти,  
Икки ёқ ҳам кўп жон сотди.  
Ура-ура Аҳмад Сардор  
Аскар аркин яримлатди.

Мирза Аскар жуда шошди,  
Энди ақлидан адашди,  
Аскар одамлари билан  
Энди Аҳмаддан қўрқишди.

Аҳмад энди олди деди,  
Бизга зўрлик қилди деди.  
Бизни олар йўлни энди  
Бу баччағар билди деди.  
Тўп деган бир зўр бало-да  
Бизни абгор қилди деди.

Ҳеч не кўринмай Аскарнинг кўзига,  
Тақя қилди яратганнинг ўзига  
Усти-устига ота берди Аскарбек,  
Чопиб чиқди энди ҳовли юзига...

Мирза Аскар чиқиб кўп эрни отди,  
Бек Сардорнинг кўп одамин қийратди,  
Кўп одамни уриб йиқди Мирза Аскар,  
Кўнглидаги черин бачча тарқатди.

Пастдан туриб бир бачча милтиққа  
Баччани илдириб, нишона этди.  
Тақдирга ҳеч табдил бўлмас, ёронлар,  
Бохабар бўл деди, кўзлаб бўшатди.  
Кўзлаб урди, эсиз эрни қулатди.

Устодиман розилашди ғойибона,  
— Мен ҳақладим Гўрўглининг тузини,

---

<sup>1</sup> Шундай.

Улар чоқда бир кўрмадим юзини,  
Мен бегуноҳ ўлиб кетиб бораман,  
Босганим йўқ Сардорбекнинг қизини.

Энди Сардор жабр қилди жонима,  
Баданим бўялди қизил қонима...  
Янги тўлган ойдаи ботиб бораман,  
Еш эдим, армонман кетиб бораман,  
Менда ота-эна, хешу табар йўқ,  
Ҳасрат хунобасин ютиб бораман...

Еруғ дунё қора бўлди кўзима,  
Эсанкираб эси кетиб бораман.  
Мирза Аскар буни айтиб йиқилди,  
Еш баччанинг қадди ёйдаи букилди.  
Воҳ, болам, деб икки пари зор йиғлаб,  
Аскарнинг бошига чопқиллаб келди.  
Икки пари:— Кўзингни оч,— дер Аскарга,—  
Фарзандим, сўзлагин ҳолинг не бўлди?!  
Воҳ, болам, деб зор йиғлайди шўр пари:  
— Сен эдинг-ку мазлумларнинг раҳбари  
Мирза Аскар кўзингни оч!— деди-да,  
Воҳ, болам, деб зор қақшайди ҳар бири.  
— Сен бўлмасанг, бизлар қайда борамиз,  
Сенсиз бу Чамбилда қандай юрамиз,  
Бек Гўрўғли бир кун келса ғазодан  
Гўрўғлига нима жавоб берамиз.

Оч кўзингни бизга бу пилла, Аскаржон,  
Сенсиз париларга гўрдир<sup>1</sup> бу ватан.  
Сен бўлмасанг энди бизлар нетамиз,  
Аскаржон, энангни қилдинг саргардон.

Мен аёлман, юрдим сени улим деб,  
Мирза Аскар менинг жони-дилим деб,  
Не бўлди, Аскаржон, сўйла, фарзандим,  
Уруғим, қардошим ва ҳам элим деб.

Ҳай аттанг, Аскаржон, мени йиғлатдинг,  
Ғариб энанг, шўрни мусофир этдинг,  
Париларнинг мураббийси сен эдинг,  
Воҳ, болам, бизларни ташладинг-кетдинг.

---

<sup>1</sup> Шоир гўрнинг устига лаҳат сўзини ёзиб қўйган.

Ешлигингдан катта қилдим ўзингни,  
Эшитмадим ахир вақтда сўзингни,  
Сен кетсанг шўр энанг куяр ўтингга,  
Энанг тополмайди босган изингни.

Воҳ болам, тизда мадорим сен эдинг,  
Суянганим, ичкуярим сен эдинг,  
Мен айрилсам, сендай кўрпа қўзимдан  
Ғарибман, сабру қарорим сен эдинг.

Аскаржон, эшитгин қилган зоримни,  
Тарк айларман писандимда боримни,  
Аяб ўстирганим, кўнглим, қувватим,  
Олдирсам қўлимдаги қўчқоримни?!

Аҳмад Сардор менга қилди зулмни,  
Уқман отди икки бирдай улимни,  
Муштипарман, ҳеч иш келмас қўлимдан,  
Илоҳи Сардорга берсин ўлимни.

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,  
Тоға бўлмай, шу бек Сардор қурисин  
Сардорга ҳеч гуноҳ қилган эмасман,  
Тузим урсин, Сардор эриб, чирисин.

Тузим урсин, икки кўзи кўр бўлсин,  
Дунёда ҳаммадан ёмон хўр бўлсин,  
Бек Сардорни мен топширдим тузима,  
Уйма-уй тиланиб, дарбадар бўлсин.

Зор йиғлайди икки пари,  
Кўпайгандир дарди сари,  
Ўзин билмай қолди энди  
Боласи Мирза Аскари.

Мирза Аскардан умид узди,  
Кўтариб уйга киргизди,  
Во, болам, деб икки пари  
Мотам тутиб юртни бузди.

Энди арк бўлди бесойиб,  
Парилар йиғлайди койиб,  
Иккови қайтамиз деди.  
Аёл-да, бебахт муғойиб.

Бек Сардорнинг қилган иши  
 Бўлиб кетди жуда айиб.  
 Икки пари воҳ, болам, деб  
 Мотам тутди сочин ёйиб.  
 Аҳмад Сардорнинг ваҳмидан  
 Парилар ранги сарғайиб.  
 Ҳеч кимга сўз айтолмайди.  
 Кимга айтсин дардин ёйиб.  
 Душманлар қўлига тушса,  
 Уриб қилар тайин майиб.  
 Эланганман сира қўймас  
 Кулса бетига иржайиб...<sup>1</sup>  
 Икки пари йиғлаб турсин.  
 Мирза Аскарга чочин ёйиб.

Ана энди Мирза Аскар ҳам юлдуз чиқа оламдан ўтди. Икки пари — Гўрўгли бекнинг ёри ва ҳам қирқ йигитнинг аёллари — бариси зор-зор, абри навбахор йиғлаб, бир-бири билан сўзлашиб маслаҳат қилдилар: «Бир суянганимиз Мирза Аскар эди, бу ҳам ўлди. Бу кун, ё эртан Аҳмад Сардор (аркни) олади, баримизни ўлжа қилади. Биз Аҳмад Сардорнинг қўлига тушсак, бу нт одамни билса экан, бизларга раҳм қилмайди, балки бир таъна, маломатга йўлиқамиз. Ундан сўнг ёмон отли бўлиб, қора от кўтарсак, эли-халқнинг бетига қандай қараймиз, элда не бетимиз билан юрамиз, Гўрўглибекнинг бетини, қирқ йигитнинг бетини қандай қилиб кўрамиз. Бундай расво бўлганимиздан ўлганимиз яхши эмасми. Бу бети қора Аҳмад Сардорнинг қасди бизларни бир ёмон отли қилмоқ-да. Бу чиркин, баттол, ўйлагани ёмонлик, қилгани худо-бехабарлик, бундан яхшилик келарми?! Яхши бўлса Гўрўглибекка шундай қиладими, бунинг нимасини гап қилиб гапирасизлар, бу Аҳмад Сардорнинг юзи қурсин, илоҳи Гўрўглибекнинг тузи кўзини тутсин, шу Сардор кўр бўлсин, итдан баттар хўр бўлсин, ириб-чириб ўлсин шу бети қора!»

Хотинларнинг бари ер муштлаб қарғаётир. Шунда Юнус билан Мисқол пари айтди:— Энди иш бошқа бўлди, Мирза Аскар ўлмаганда эди, бизларга катта суён

<sup>1</sup> Шоирнинг ўзи ёзган ва ёздирган дostonлари ҳақида айтганлари тушириб қолдирилди. Улар «Булбул тароналари»нинг 5-томига киритилган.

катта ҳимоят эди, у ҳам бўлмади. Ана энди Мирза Аскарнинг ўлганини билса, бу ит бир фасл ҳам қўймайди, бостириб устимизга келади, баримизни ушлаб олади, бошимизга не қора кунларни солади, балодан балога гирифтор қилади. Бунинг қиладиган иши ёмонлик-да, бўлмаса Мирза Аскар билан Бердиёр нима гуноҳ қилиб эди. Қачон бунга ёмонлик қилган эди. Сардор бўлмай ўлсин, икки беғуноҳ, зулфдор ёш баччани ўлдирди. Бунинг қиладигани шу-да. Доим Гўрўғлибекнинг давлатини ҳаммадан қизганиб, итдай бўлиб, ким бўлса хириллаб, ҳамманинг орқасидан итдай ҳабалаб, Гўрўғлибекнинг давлатини кўра олмай ҳасаддан орқасидан гапириб ва ҳам кунлаб ўлайин-ўлайин деди. Доим шундай кўролмай ўлади-да, юради бу бети қора. Шунча ёмонлик қилса ҳам Гўрўғлибек шу итни тоғам, деб, катта қилиб қўя беради. Эримизнинг шу ишга шундай қилганига бизларга букун ҳам оз. Шу Аҳмад бир эмас, икки эмас, уч эмас, ўн эмас, доим ўлиб юради. Буни доим ёмонлик қилдириб юрганча ўлдириб ташласа, ҳамма шундан қутилади, юрт ҳам тинч бўлади. Бу нима деган гап, ҳафтадан бери Чамбилни қамаб, патир-путир милтиқ отиб, болачақанинг юрагини ёриб турибди. Бу бети қората Чамбилда ким ёмонлик қилган, ҳеч ким ёмонлик қилган эмас. Бунинг дарди-касали: одамлар Гўрўғлибекнинг оши-нонини сўйди, отини мишади, сарноини кийди, деб ўлади-да, юради. Бу итнинг ёмон кўрган душмани менинг икки ўғлим — Авазхон билан Ҳасанхон. Шу икковининг орқасидан ҳабалаб юрган ери: Гўрўғлига ўғил бўлди, шу иккови катта бўлди, — деб ўлайин-ўлайин деди, бунинг иши шу. Бу ит-да энди бунинг ҳеч иложи йўқ, буни қайтариб бўлмаса, — деб парилар йиғлаганини ҳам қўйди, сочини йиғди, икки пари эркак либосини кийди, қирқ йигитнинг хотинларига ҳам эркак либосини кийгизди. Юнус билан Мисқол — Гўрўғлининг ёри ва яна қирқ йигитнинг хотини, Чамбилбелнинг барнолари — ҳаммаси эр либосини кийиб, қўлларига милтиқни олиб шинакдан милтиқни ота берди, текканини йиқита берди, Аҳмад Сардорнинг қўшинини сиррайтиб қулата берди. Милтиқ довши қарс-курс, тарс-турс, патир-путир оламни бузди. Аҳмад Сардорнинг кўзи ўлганларни кўриб чақчирайиб қолди. Бердиёрнинг қолган одамлари, Мирза Аскарнинг ўлмай қолган одамлари — улар ҳам жон сотиб, ҳа, деб милтиқни отиб, ҳой-ҳой, вай-вай довуш оламни тутиб

отаётир. Парилар йигитларга айтди:— У, йигитлар, Аҳмад Сардор Бердиёрнинг ўлганини билиб эди, энди Мирза Аскарнинг ўлганини билмасин, балки гумон ҳам қилмасин. Ҳа деб отишиб тура беринг, қани, ишнинг охири қай ерга борар экан,— деб кечгача отишди.

Аҳмад Сардор бу кун ҳам бўлмади, деб кўп одами ўлиб, кетига қайтди. Парилар Бердиёр билан Мирза Аскарнинг ўлигини жаназа ўқитиб, бир маҳкам ерга одам билмасдай қилиб кўмдирди. Ундан сўнг шуларнинг ўлган йигитларини ҳам кўмдирди. Икки пари ишларини жо қилиб ўхшатиб қўйди.

Ана энди Аҳмадбек оқшом одамларига:— Азаматлар, бу кун ҳам бўлмади, энди оломон, эртан оламиз, барисини қиличдан ўтказиб, билганимиздай қиламиз. Мен бу кун олармизоқ деб эдим, бўлмади, жуда мазаси кетиб эди, баччағарлар тағи дадил бўлиб кетди. Эндику, дадил бўлиб ҳеч не қилолмас, баччағарларнинг жойи маҳкамлик қилаётир, бўлмаса келган кун олиб қўяр эдик,— дейишиб, улар ҳам бирови эр, бирови шер бўлиб ёта берсин.

Ана энди оқшом ўтди, тонг отди. Аҳмадбек шовқум солиб тўпни ота берди, лашкар — оломони ер тўғараклаб милтиққа тута берди. Баландда аёллар ҳам, ичкаридаги йигитлар ҳам ота берди... Парилар, аёллар, йигитлар ота-ота ўқи ода бўлиб қолди. Энди билди, Аҳмад Сардор олади, илож йўқ. Охири аёл бечоралар маслаҳат қилиб, бир-бири билан кенгашиб, бу кун ҳам кечгача милтиқлаб йўлатмади. Лекин Аҳмад Сардор ҳам тўпни усти-устига отиб, буларнинг кўп ерларини йиқиб, барисини чолдевор қилиб қўйди. Бу кун ҳам кеч бўлди, Аҳмад Сардор қайтди, Қорақўрғонга келиб тушди, оқшом дам олиб ёта берсин.

Ана энди парилар — Юнус билан Мисқол пари ўз ғамини еб, йўл яроғини чоқлаб, ўзини рост қилиб, аркнинг орқасидан тушиб, қирқ йигитнинг хотинларини ҳам бир-бир тушириб, қолган йигитларни тушириб олиб қочиб чиқди. Аҳмад Сардор бепарво қўрғонда ётиб қола берди. Аҳмад Сардорнинг кўнглига булар тағи қочиб кетмасин, деб сира келмас эди. Дала — теваракка қоровул қўйгани йўқ эди. Ана энди мазлум аёл бечоралар ҳар қайсиси шу оқшоми билан томири борми, тувғани борми, қирқ йигитнинг хотинлари — ҳар қайсиси ўзининг борадиган ерларига бориб ҳеч кимга билдирмай

яшириниб, беркинди. Юнус билан Мисқол пари ўзига қараган бола-чақа, келинлари — қанча бўлса барини олиб, яхши-яхши бедов отлардан миниб, ҳайт, деб қочиб қирғизга кетди.

Ўзбакларнинг аввалдан қолган бир расми бор: Ҳар ким хотинини уйига олиб келарди. Шу келинчакка бир кишини ота қилади, шу одамга қиз бўлади, уни одамлар вакил ота дейди. Шу қиз доим ота деб юради. Вакил ота ҳам доим қизим деб бориш-келиш қилиб юради.

Гўрўғлибек париларни олиб келганда қирғиз элида Хидирали деган бир катта бой бор эди, ҳаддидан ошган бой эди. Молининг, пулининг, чўлда юрган эчки-қўйининг, балки чўлда юрган йилқи билан туясининг сонини билмас эди. Гўрўғлибек, Юнус билан Мисқолга Хидирали бойни вакил ота қилиб қўйган эди. Парилар доим совға-салом, буюм, кийим, бир хил нарсаларни бериб юбориб, бориш-келиши жуда кўп эди Хидирали бой париларни қизим, деб Гўрўғлибекникига кўп борар эди, борса ичкарига кириб кета берар эди, парилар қочмас эди. Шу сабабдан парилар қочиб отаси Хидирали бойникига борди. Бой қизларим келиб қолди, деб шошиб қолди: «Гўрўғлибекнинг ёрлари, Чамбилнинг барно зулфдорлари келиб қолди», — деяётир. Шунда Хидирали бойнинг хотини Юнус билан Мисқолнинг энаси менинг кирригим, билан бормоғим даркор эмас, деб бўғчадан тоза кийимларидан олиб кийиб париларнинг олдига бораётир. Парилар билан кўришиб, катта ўтовга тушириб, қизларни меҳмон қила берди.

Аҳмад Сардор эртанг билан жойидан туриб, оломонини олиб, милтиқ ўқлаб, катта тўпларни ётқизиб отайин, деб чоқ бўлди. Сўнг кўрса, ҳеч ким йўқ. Бор одам қочиб кетибди. Париларнинг бу ишига оғзи очилиб, гўрдай бўлиб қолди. Ана энди нима қиларини билмай, итдай варқиллаб: «Бу баччағарлар Хидирали бойникига кетган, буними — буни, сира қўймасман. Осмонга учса оёғидан тортарман, ерга кирса қулоғидан тортарман, қани мендан қутулганини кўрарман», — деб Аҳмад Сардор Така билан Ёвмитни бир бошидан ўн минг оломон навқарига талатиб қўя берди. Ана Аҳмад Сардор Такада, Ёвмитда бор молнинг барисини йигиб олди, кўп элди, Сардор ўзи ҳам, оломонларгача (талаб) тўлиб қолди. Чамбилдан озиқ анжомини ғамлаб, ўн минг аскар



оломони билан париларни қувалаб қирғизга — Хидир-али бойниқига қувиб келиб қолди.

Ана энди Хидирали бой ҳам қизиб кетди:— У, баччағар Аҳмад, Гўрўғлининг өши-нони билан семирибсан, энди кутирибсан, айниган баччағар, менинг қизларимга нима дейсан, сеними-сени! Хидирали бой сендан қўрқарми, сен итни оломонларинг билан ўлдириб ташлайинми. Менинг қўлимдан иш келмасми, ё сендан менинг элим камми, молим камми, одамим камми, нима дейсан, кўнглингдагини айта қол, бемаза,— деб гуркираб тура келди. Шунда Аҳмад Сардор айтди:— У, Хидирали, қизишма, менинг сенга ишим йўқ, менга Чамбилдан қочиб келганларни берсанг бўлади. Сен қирғизингни қўриб юра бер, менинг нима ишим бор.

Хидирали бой уришиб қолди, жамий қирғизни йигди, тув биялардан, семиз туялардан сўйиб, керагадан қўрғон қилди, қозоннинг қоқмоғини қалқон қилди, қўйнинг қирғилигини ходаларнинг учига бойлаб найза қилди, ошпичоғини чархлатиб қилич қилиб, Аҳмад Сардор билан гурсиллаб уруша берди. Қирғиз ҳам кўп эл-да, Аҳмад Сардор уришиб ололмай ёта берсин, энди сўзни Гўрўғли валламадан эшитинг.

Гўрўғлибек тоғаси Аҳмад Сардорни ўн минг одам билан элга чиндовул, қоровул қилиб юбориб, кўнгли якдила бўлиб, оломонга отлан,— деб фармон қилди. Така-Евмитнинг сайланган ботирлари от-отига миниб, йўлга тушиб, Қрим эли қайда деб шабгир тортиб, кетиб бораётири.

Евмит-Така сардори,  
Қаватинда лашкари,  
Бораётир Гўрўғли,  
Така-Евмит шерлари.

Тилла жиға бошида,  
Сатта ботир қошида,  
Йўл тортади Гўрўғли  
Эр хизирнинг дашида.

Минган Фиркўк тулпорни,  
Ияртган ҳадсиз шунқорни,  
Томоша қинг, ёронлар,  
Гўрўғлидай сардорни.

Бек Гўрўғли эрдай бўп,  
Кўп лашкар бирдай бўп,  
Олло деб йўл тортади  
Бир ҳайбатли шердай бўп.

Бек Гўрўғли полвонди,  
Миниб Фиркўк ҳайвонди,  
Йўл тортади Гўрўғли  
Ияртиб сонсиз ўғлонди.

Туғ кўтариб бошига,  
Сонсиз йигит қошига,  
Дўст-душман қойилдир  
Гўрўғлининг ишига...

Қамчи уриб отини,  
Кўр эрнинг ғайратини,  
Ияртибди Гўрўғли  
Така-Ёвмит мардини.

Излагани саваш бўп,  
Душманни кўрса-ғаш бўп,  
Бораётир Гўрўғли,  
Така-Ёвмитга бош бўп.

Чамбилбелнинг тўраси,  
Ўзи марднинг сараси,  
Бораётир Гўрўғли,  
Сатта ботир жўраси.

Қаватида кўп ботир,  
Ҳа-ҳалаб келаётир,  
Йўл тортади Гўрўғли,  
Ҳар кўчганча тўп отир.

Юрган йўли йўл бўлиб,  
Огир лашкар қўл бўлиб,  
Бораётир Гўрўғли,  
Огир-вазмин эл бўлиб.

Минган оти ўйнайди,  
Сувлигини чайнайди,

Излаб Қрим элими,  
Қистаб етмай қўймайди.

Минган отнинг сарасин,  
Кўринг Чамбил тўрасин  
Худо деб йўл юради,  
Олис, билинг, орасин.

Отлар оғзин очади,  
Мардлар жондан кечади.  
Олди нишаб келганда,  
Бекларни олиб қочади.  
Қрим элга етсам деб  
Бек Гўрўғли қичади,  
Қамчи урса бедовлар  
Қушдай бўлиб учади.  
Ҳа деб кетиб боради,  
Гоҳ кундуз, гоҳ кечади (р).

Бек Гўрўғли эрдай бўп,  
Қирқ йигити шердай бўп,  
Сайланишган сап ботир,  
Бораётир бирдай бўп.  
Худо деб йўл тортади;  
Чилладаги нордай бўп.  
Бек Гўрўғли боради,  
Ҳар яғрини қирдай бўп.  
Ғазо деб йўл тортади,  
Душман қолар ердай бўп.

Ҳа-ҳалаб от қўяди,  
Душман кўрса сўяди.  
Қошидаги ботирлар  
Бирининг тияди.  
Гўрўғлининг савлатин,  
Кўрган кўзлар тўяди.  
Душман бўлса, ботирлар  
Босиб кўзин ўяди.  
Етсам деди Қримга,  
Уҳ деб ичи қуяди;  
Белидаги олмоси,  
Солса қилни қияди.

От чопади отдай бўп,  
Тоза азаматдай бўп,  
Уҳ деб ичи куяди,  
Юрак ёнар ўтдай бўп.  
Оғзин очиб оҳ деса,  
Дами чиқар дуддай бўп.  
Қобоғини уйибди,  
Чунгур кўз бургутдай бўп.  
Икки кўзи ёнади,  
Ловуллаб турган ўтдай бўп.  
Яшил кийиб жайнайди,  
Минган оти ўйнайди,  
Душман бўлса ўзига,  
Қойил қилмай қўймайди.  
Қўрса агар душманин,  
Қирмоқдан кўзи тўймайди.  
Душман бўйинсунмаса,  
Олдида тилин чайнайди.  
Гўрўглининг ғайрати  
Қозондай бўп қайнайди.  
Паст-баландни билмайди,  
Ҳа деб отин ҳайдайди,  
Гоҳ вақтларда от тортар,  
Довушлари найдайди (р).  
Ботирларнинг суврати  
Олғир қарчиғайдайди (р).  
Минган оти диркиллаб  
Ўйнаб турган тойдайди (р).

Элни босиб ҳайбати,  
Юртни бузиб ғайрати,  
Сулув сини-синбати,  
Остидаги кўк оти.  
Кўп қўшинни бошлабди  
Чамбилнинг бодавлати.  
Селдай босиб боради  
Така-Ёвмит жаллоди.

Яшиндай тур қўлида,  
Тўра Чамбил элида,  
От чопади ботирлар  
Қрим эли йўлида.

Душман элин излайди,  
Олмос қилич белида.  
Минган оти арқираб,  
Совут-тўни ярқираб,  
Булутдай бўп Гўрўгли,  
Бораётир гуркираб.  
Қамчи тегса, тўлпорлар  
Сувсиз чўлда пирқираб.  
Гоҳда тўп бўп ҳайдайди,  
Гоҳ от чопиб тирқираб.  
Гоҳ от қўшиб чопади,  
Қамчи тегса зирқираб.

Кўп ерларда чопибди,  
Нечовлари оғибди,  
Аввал-аввал хом отлар  
Қарсақдай бўп совубди.  
Ҳашам қилиб отларга  
Бахмал зуллар ёпибди,  
Қистагандан қистади,  
Узун йўлни топибди.

Отга солиб дирдикка,  
Қойил бўлинг эрликка,  
Сувсиз чўлда бедовлар  
Гоҳ чикка, гоҳ пукка.  
Қамчи урса, ўйнайди  
Йўлларда диркка-диркка.

От боради ариллаб,  
Отган ўқдай шариллаб,  
Ол алқими тонг шамол  
Мис карнайдай зариллаб.  
Қамчи урса, бедовлар  
Сувсиз чўлда париллаб.  
Бораётир сап бедов  
Шамолдай бўп шариллаб.  
Эғнида тилла қалқон  
Ларзон ейди зөриллаб.  
Гўрўглибек боради,  
Оч арслондай ариллаб.  
Душман қойил ўзига,  
Ғаним боқмас юзига. -

Ҳеч нима кўринмайди  
Гўрўглининг кўзига.  
Йўл тортади Гўрўгли  
Кечали-кундузига.  
Шабгир тортиб боради  
Эр Хизирнинг тузига...

Босган ери гулдираб,  
Аробаси ғилдираб,  
Қўлидаги яшил туғ  
Тилла туфак йилтираб,  
Бек Гўрўгли боради  
Булутдай бўп гулдираб.

Етакда бедов диркиллаб,  
Маст бўп ҳуркиб пирқиллаб,  
Пўлат қилич белида  
Узангида ширқиллаб.

Қамчи урди отига,  
Чидамай ғайратига,  
Сувсиз чўл гумбирлайди  
Марднинг сиёсатига.  
Талаб қипти Гўрўгли

Қрим вилоятига.  
Саҳар чулан беради  
Ёвмит азаматига.  
Тоғ чидамас, ёронлар,  
Гўрўгли шиддатига.

Отин уриб чув деди,  
Нега уйтади бу деди,  
Сувсиз чўлда Гўрўгли  
Ё, раббано, ҳув деди...

Отга берди шиддатни,  
Шиддатининг маънисини —  
Шип-шип қамчи тортди,  
Хом экан-де, бедовлар  
Оплоқ кўпикка ботди.  
Қам-қам ўзин тузатди,  
Гарданини узатди,

Сувлигин қотирлатди,  
Қулоғин қайчилатди,  
Чиргиликдан тер қотди,  
Остидаги бедовлар  
Совуб қарсақдай қотди,  
Чув деганда олади  
Очгазаман дарбандди.

Ур келса ўмганлатди,  
Нишаб келса тўхтатди,  
Ариқ келса ирғитди,  
Жилға келса жилпитди,  
Текис келса ўйнатди,  
Шуйтиб Гўрўғли ботир  
Қаттиқ қистаб йўл тортди.  
Шуйтиб қистаб Гўрўғли  
Жуда кўп кун йўл тортди.  
Ол-ол юрди, ол юрди,  
Озгина эмас, мўл юрди,  
Шабгир тортиб Гўрўғли  
Йигирма кун йўл юрди.  
Минган отнинг сарасин,  
Тулпор йўлга ярасин,  
Йигирма кун йўл юриб,  
Олди Қримнинг қорасин.

Бекнинг оти уринди,  
Семизликдан суринди,  
Йигирма кун деганда,  
Қрим эли кўринди.

Қамчи урди отига,  
Чидамай ғайратига,  
Талаб қилиб Қримга,  
Йигирма кун шабгир қип,  
Холдорхоннинг юртига,  
Борди музофотига,  
Кўрди Қрим элини,  
Етди вилоятига.

Гўрўғлининг лашкари,  
Евмитнинг шер-нори,  
Йўлбарсдай бўп боради,

Така элнинг аждари.  
Йўлбошчиси олдида —  
Бек Гўрўгли сардори.  
Борди Қрим юртига  
Евмитнинг йигитлари.

Олмос қилич белига,  
Булбул қўнар гулига,  
Қрим борди ботирлар,  
Оралади элига.

Қримга аралашди,  
Курганининг ақли шошди,  
Элибойи кўргандан  
Шаҳардан тура қочди.  
Қримнинг шаҳарига  
Катта талотўи тушди,  
Катта-кичик бариси  
Гўрўгли келди дейишди.  
Бари қўрқиб лашкардан,  
Қиёмат бўлди дейишди.  
Кўп гап бўлди юртида,  
Юрт ода бўлди дейишди.  
Кўп қўшинман Гўрўгли  
Бориб Қримга тушди.

...Холдорхон подшонинг эровул, қоровул, чиндовул-лари, дарвозаларнинг устида туриб ҳар ёққа қараб турирадиган дурбинчи-дийдабонлари, дарвозабонлари узоқдан Гўрўглибекнинг лашкари билан бу салтанат, ҳайбат, шавкати кўриб, Холдорхоннинг олдига бориб, дасти алиф лом қилиб, гарданини ҳам қилиб, арз мақомига ўтиб:— Эй, Султони олам, вой, шоҳи муаззам, султони бокарам, пушти паноҳи эрони замин, подшоҳим, арзим бор, қулоқ солинг. Бизлар дийдабон атрофи жонибга қараб кўз тутиб ўтирадиган қулларданмиз. Бизлар атрофи жонибга қараб ўтириб эдик, бугун боҳайбат, бошавкат бир лашкарни кўрдик. Қарнай, сурнай, ғижжак, болабон, губурга, жазойил, милтиқ, найза, қилич кўтарган, найза қамишдай ирғолган, пилта тумандай сасиб, лашкари оламни босиб, селдай бўлиб оламга ёйилиб, беадат кўп лашкар келиб юртга оралади. Бизлар билмадик, қандай одам экан. Аввал подшоҳимизга



айтайик, бу хабарни қулоқларига етказайик, деб жанобларига билдирдик. Энди ишни соҳибкор, соҳиби ихтиёр — ўзлари биладилар, — деб жамен дийдабон билдирди. Ана энди бу сўзни Холдорхон дурбинчилардан эшитди, гафлатда эди, уйқуси очилиб бедор бўлди, бепарво эди, ҳушёр бўлди, балки умридан безор бўлди, Холдорхон подшо Гўрўғлибекнинг келганини билиб, ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб, ҳар кўзи шокосадай, шоҳ мурти шопдай, урти кўҳна қопдай, ҳар чеккаси деҳқони икки чорак топдай, қорни қападай, калласи тепадай, икки қулоғи кўҳна ярти сурпадай бўлиб, подадай бақириб, ҳўкиздай бўкириб, айиқдай ақириб, оломонини чақириб, қанча мунши-мирзаси бўлеа патирдапутур ён-ёққа хат битиб, ясовулларни чоптириб, аркони давлатни йиғдириб, ола сарпо кийдириб, пар-парлатиб карнай қўйдириб, семиз қўйлар сўйдириб, оломонин тўйдириб, кўҳна хазиналарни очиб, тилла билан тангаларни сочиб, балки подшолигидан ҳам кечиб, жуда кайфи учиб, баданлари чўрчиб, ҳар нима деб бўрчиб, кўзи бўзариб, рангги сизариб, қаҳри келганидан бети пичи қизариб қолди. Орқаси қуришиб, яғрини тиришиб, оғзи буришиб, ўзидан ўзи керишиб, ияги шарқиллаб, довши варқиллаб, итдай ҳабалаб, ясовулларни тўбалаб қолди.

Ана энди бирдан добилни қоқди. Аввал партол чиқди, катта карнайни парпарлатиб, сурнайни зар-зарлатиб, жазойил, хитойча отиб, тўпларини судратиб, думалатиб, ўқини юмалатиб.

Холдорхон лашкарини даста-даста, тўда-тўда, тўптўп, байроқ-байроқ, туғ-туғ қилиб жўната берди. Лашкарнинг олди келиб, Гўрўғлибек лашкарининг олдини олиб туша берди. Чотир-чаманини қуриб жойини чоғлай берди, милтиқни ўқлай берди. Ана энди қўшин отлик, пиёда, кейингиси зиёда бўлиб ҳар тарафдан келаётир, келгани жойини олаётир, кўп қўшин саф-саф бўлаётир. У ёғи ҳар ерда элдори борми, қўрғон бегиси борми, қанча лашкари бўлса, ҳар на борини чақириб, «Қримга қараган ернинг одами бўлса, биттагинаси қолмасин», — деб Холдорхон подшо ёрлик қилган, қанча арбоб-оқсоқоллар овулма-овул, қишлоқма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла, қўрғонма-қўрғон, уйма-уй чопқилашиб, одам жамлашиб, бир уйда биров борми, икков борми, учов борми, балки ўн одами бўлса ҳам бирдан шипира-шип қиб, ҳайдаб жўнаётир. Ишим бор, эки-

ини бөр, пол кўтараман, кетман чопаман, деган деҳқонни бўлса ҳам қўймай ҳайдаётир. Ясовуллар қувалаб олиб келаётир. Қай ерда милтиқ кўтармакка кучи етган одам бўлса, қувиб келиб сафга тикиб, одамни кўпайтираётир...

Холдорхоннинг жонсипарлари, нонхўрлари саф тортиб, сафда туриб, ичи қизиб, Гўрўғлибекнинг қўшинига кўзи ола бўла берди, ўғри-ўғри қарай берди. Ҳали Холдорхон подшо келгани йўқ. Гўрўғлибекнинг ҳам одами сафга келгани йўқ, ўртада чиндовул, қоровул, соқчилар бир-бирига қараб, бирови эр, бирови шер бўлаётир:— Бу баччағар Гўрўғли тентак, эси йўқ одам экан, бўлмас мен бор, сен бор, бизнинг элда шунча баҳодир полвоңлар бор, бу баччағар айтмайдими, Алла ботир, Тилла ботир, Пилла ботир, Қаллабой, Чиллабой, Афсар занги, Урин оди, Думалоқ баҳодир, Тўмпоқ баҳодир, Бақай полвоңларни эшитиб юрган, билади ҳам. Энди бизлар подшомиз Холдорхон келганча бир иш кўрсатиб, бу туркманларнинг юрагин олиб қўяйик, балки қувалаб у ёққа чиқарсак, жуда яхши бўлади,— деди.

Шу куни қоровулларнинг устидан катта бўлиб турган Авазхон эди. Аввал шу ёққа юрарда Оға Юнус пари Ҳасан Кўлбарга бир хат қилиб бериб эди: «Ҳасан акам Авазхондан дим айрилмасин, ҳали болам ёш, доим ҳозир бўлсин. Тағи урушда ё юришда, боришда-келишда Авазхонга бир ҳодиса бўлмасин»,— деган хат эди. Шу сабабдан Ҳасан Кўлбар Авазхондан бир қарич айрилмас эди. «Бир ҳодиса бўлса мен Юнус парига шарманда, юзи қора бўламан»,— деб оқшомлари ухламай Авазхонни қўриб чиқар эди. Ана энди шу куни навбат Авазхонга етди, Авазхон қоровул бўлиб чиқиб кетди, Ҳасан Кўлбар Авазхоннинг жиловинда шотир бўлиб юрибди.

Икки подшоҳнинг қоровули бир-бирига бетма-бет бўлиб тиклашиб турибди. Ана шу пилла Афсар занги, Амлоқ, Самлоқ деган одилар Авазхоннинг қоровулларига, чокарларига қаратиб ўн ботмон, ўн беш ботмон тошни отади, қулочлаб отган тоши милтиқнинг ўқидай вариллаб келиб қоровул лашкарининг ўртасига туша берди, балки қоровулларнинг турган еридан оша берди, ҳали қўяр деса, тобора қизиша берди. Тош ҳаводан ўқдай бўлиб келаётири, тошпаррон бўлди, Авазхоннинг лашкари ҳайрон бўлди. Бу нима гап, бу баччағарлар

қандай қилади деб турди. Шунда Ҳасан Қўлбар Авазхонга қараб айтди:— У, жияним, бу ёмон бўлди-ку. Ҳали Холдорхон подшо келгани йўқ, қўшини тамом келиб бўлгани йўқ. Бу бебош баччағарлар мунча бесабрлик қилади. Улгиси келган баччағар, одам ҳам ўлимга бесабрлик қилиб ошиқармикан, нимага бундай қилади?! У, Аваз, жияним, сен ўзинга ҳозир бўлиб тур. Бир гап бўлиб мен парига шарманда бўлмайин. Сен ҳозир бўлиб қараб тур, мен ҳам бир-икки тош отайин,— деб Ҳасан Қўлбар жойидан турди, белини бўғди, этакни қайтарди, қўлини пўстиннинг енгидан чиқариб, катта-катта тошлардан ўпириб олиб, улар ўн ботмон, ўн беш ботмон, то йигирма ботмонгача тошни отаётир эди, Ҳасан Қўлбар қирқ ботмон, эллик ботмон, аччиғи келса юз ботмон тошларни бир қўлига олиб, қизилбош лашқарига ота берди. Ҳасан Қўлбарнинг отган тоши ерга тушиб ҳаккалаб, юмалаб кетгани ҳар кимга тегса, қирқ-эллик одам оти билан пачоқ-пачоқ бўлиб ёта берди. Энди Ҳасан бованг аста-аста қизиётир. Қизиганини шундан бил. Ҳар отган тошини аввалгисидан каттароқ қилиб отаётир. Отган тошининг осмондаги вориллагани, ерга тушиб гурсиллагани қизилбошларнинг юрагини ёраётир. Ана энди унинг полвонининг ҳам қаҳри келди, турмоққа номус қилди. Қанча полвони, одиси, зангиси бўлса, бари жам бўлиб, тўп-тўп бўлиб тошни ота берди. Ҳасан бованг бир ўзи ҳар тошни отганда уч одим, тўрт одим шу ёққа қараб бораётир. Қай ерда катта тош бўлса, ердан ўпириб олади-да, бир қўли билан қўтариб отади, шуларга қараб икки-уч қадам юради, икки кўзи Холдорхоннинг қоровулларида. Ҳасан Қўлбарнинг орқасидан Авазхоннинг оломони қичқиради:— Ҳасан бова, борманг, биттасиз, улар кўп, кейингизга қайтинг, қўшиннинг четидан тош отинг, узаб кетдингиз, бова. Бова қайтинг, бова қайтинг! Ҳасан Қўлбар қулоқ солмайди. Ҳар отганда аста-аста бир одим, икки одим бораётир. Ҳасан Қўлбар бовангнинг ҳар одими бу одамларга чиқмаганда икки юз одим, икки юз эллик одим чиқиб қолар. Ана энди Ҳасан Қўлбар тош ота-ота қизиди, бадани дириллади, жуда аччиғи келди, дарқаҳр бўлди. Энди Ҳасан Қўлбар бу егни ҳам пўстиндан чиқарди, икки егни белига бойлади. Қўлбарни егнига солди, жуда маҳкам қилиб олди. Эснаб-эснаб сўкиниб қўя берди. Ҳа бебош, бесабр, бевардошлар, урушсанг

илгари кел. Бу отган тошларинг нима қилади,— деб бу-  
лутдай гуркираб-гуркираб сўкаётир:

Мен гўштингни еб қўяйми, қорним оч,  
Сенинг отган тошинг бормас ўн қулоч,  
Меинг билан тош отишган, қизилбош,  
Жонингдан умидинг бўлса боргин, қоч!

Майда-майда кичкина тош отасан,  
Тош отиб кейнингга қочиб кетасан,  
Шу майда тош билан урсанг биттани,  
Бу тошман ургандан нима этасан.

Урушсанг, қизилбош, ана кела қол,  
Семиз бўлсанг менга хўрак бўла қол,  
Мениман бетма-бет бўлган, қўрқоқлар,  
Ана майдон, келиб қўлингни ола қол!...

Отган тошинг бир муштимча эмасдир,  
Бу тошингни Ҳасан ҳеч не демасдир,  
Кела қол-кела қол, барра кабоблар,  
Баринг менга бир вақт хўрак эмасдир.

Ҳали мен кичкина тошни отаман,  
Тош отмоққа қўлимни ўргатаман,  
Ботир бўлсанг, кела қолгин, қизилбош,  
Келмасанг бир тоғни олиб отаман.

Бир тоғни устингга жовлик ташласам,  
Бир бошингдан барингни қийратаман,  
Қўрқоқ, кам куч қизилбошлар, кел-ҳа, кел,  
Барингнинг бошингга ўзим етаман.

Қўрайн, қизилбош, сеними-сени,  
Сен ҳали танимай ётибсан мени,  
Менинг отган тошларимнинг бирини  
Менга қараб биринг от-чи, кел қани?!

Қизилбош, эшитгин айтган сўзимди,  
Ўзим тирик, душман босмас изимди,

---

<sup>1</sup> Қўлёмзада келагай, бўлагай, олагай.

**Тош отмоқни мендан ўрган, қизилбош,  
Барингизга ҳариф ёлғиз ўзимди (р).**

Ботир бўлсанг, кела қолгин илгари,  
Қрим элнинг ғуруллашган зўрлари,  
Майдон бўлса ботир кейин қайтмайди,  
Тош отиб, қизилбош, қочасан нари...

Қизилбошлар, отма майда тошингни,  
Мард бўлсанг, майдонда кўрсат ишингни,  
Кел-ҳа, кел-ҳа, Холдор шоҳнинг ботири,  
Келмасанг, Ҳасан мард ейди гўшингни.

Гулдираб, гулдираб Ҳасан бақирди,  
Талабқоринг кел-ҳа, кел деб чақирди,  
Тошин кўриб қўрқиб қолди Ҳасандан,  
Ҳариф келади деб майдонда турди.  
Қараб турди, қизилбошдан келмайди,  
Ҳасан Кўлбар раббано деб югурди.

Дарқаҳр бўп чопиб борди мард Кўлбар,  
Борди-да ўзини қўшинга урди.  
Буни кўриб қизилбошнинг лашкари —  
Бари чувлаб деди: «Кўлбар қутирди».  
Оралади Ҳасан Кўлбар лашкарга,  
Қалин ерин топиб ўртага кирди.

Қизилбош Ҳасаннинг келганин билди,  
Тўда бўлиб турган лашкар бузилди,  
Қулочини катта ёзиб мард Кўлбар  
Бир тўпини босиб бованг йиқилди.

Авазхон, деб тоғаси қичқиради,  
Тез кел деди, булутдай гулдиради,  
Бари чиқиб кетди, деди, остимдан,  
Қўлтиғим остидан кетиб боради,  
Тез кел! — деди Ҳасан Кўлбар гулдираб,  
Авазхон, деди-да, наъра уради.  
Кўп одам остида қолган Кўлбарнинг,  
Қимирлай олмайди, ўлиб боради.

Тошоша қинг эр Кўлбарнинг ишини,  
Бир ўзи босибди беш юз кишини.

Остида қолганлар типирлай деса,  
Ҳасан Қўлбар кўрсатади мушини.  
Баринг менга, барра кабоб бўлдинг, деб,  
Шақир-шуқур қайраётир тишини.  
Кел-ҳа кел, деб чақиради мард Қўлбар,  
Чопқиллаб келди Авазнинг қўшини.

Келган қўшин ҳар қалай деб сўйлади,  
Ҳасанга бариси таҳсин айлади.  
Биров, икков ола берди остидан,  
Беш юз одамни тортиб бойлади.

Ҳасан ўпкалайди: — Нега билмадинг,  
Аввал чақирганда чопиб келмадинг,  
Ураб мингни босиб эдим, жияним,  
Беш юзин қочирдинг, хабар олмадинг.

Чиқиб кетди қўлтиғимнинг остидан,  
Қизилбош йиғласин Қўлбар дастидан,  
Беш юз бандидан куйдинг, жияним,  
Тоғанг ташлаб эди мингнинг устидан.

Минг одамни босганимда келмадинг,  
Қўлтиғимман қисганимда келмадинг,  
Баракалла, сенга Аваз, жияним.  
Душман йўлин тўсганимда келмадинг.

Тез келганда ушлар эдим барини,  
Юбормасдим бу тўданинг бирини,  
Баракалла, сенга Аваз, жияним,  
Қўрмай қолдинг тоғангнинг ҳунарини...

Бир ўн кун, жияним, ухлаб олайин,  
Чилим чакиб, мен нашъамни қилайин,  
Сенга душман бўлса Қрим подшоси  
Мен бошига не кунларни солайин.

Ана энди Ҳасан Қўлбар тоғаси жиянидан ўпкалаб  
айтади:— Жияним, менинг эрлигимни, шерлигимни кўр-  
дингми? Сен ҳам бачча эдинг, билмас эдинг, балки шу  
ҳам одамми деб кўзга илмас эдинг; сен яқиндагина  
биладиган бўлдинг, жияним. Гўрўғлибекка бир одам,  
икки одам, уч одам, тўрт одам, ўн одам бўлса ҳам ни-

ма гап экан, унинг овқат-озиғи гап эканми... ўзи жўрт тага бермайди. Кунни ўн ботмон-ўн бир ботмон гўшт уч ботмон гуруч, бир пут кўкнори, икки пут тамаки чорак чой бир одамга овқат эканми, шунга ҳам одам кўнарми. Шундай қилиб ҳам одамнинг кунни ўтарми? Бўлмаса, топмай ўтирибдими, жияним,— деб турур Шунда Авазхон Ҳасан Кўлбар тоғасига:— Эй тоға, ғам ема, отамга қарамайман. Чамбилга борайин, яйловга қўйиб боқаман, топганимни сенинг ичингга тиқаман Илгариги сурсатингдан уч ҳисса зиёд қиламан, ўзим жуда қарашаман,— деди. Ҳасан Кўлбар:— Баракалла жиян, шундай қил!— деб турур.

Авазхон бандиларни олиб бориб, жойига тушиб, ди моғи чоғ (бўлиб):— Тоғамни кўрдингларми, энди тоғамнинг овқатини ўхшатинглар, қорнини тўйғазинглар яхши қаранглар, хизмат қилинглар, полвонликни тоғамдан кўринглар,— деб йигитларига айтган сўзи:

Сарпони яхши хил, тур шайланглар,  
Тил боринда турпа-турпа сўйланглар.  
Оломон йигитлар, Ёвмит беклари,  
Тоғамнинг овқатин тайёр айланглар.

Етим, ғариб кўнглин олмоқ савобди (р),  
Бўл сўзима, мардлар, беринг жавобди.  
Таътилга оп кенглар ўн қўй кабобди,  
Йигитлар, тоғамга тайёр айланглар.

Йигитлар, тоғамнинг ишин ғамланглар,  
Тайёр қилинг, ҳозир қилинг, жамланглар,  
Хушбўй чойдан минг чойнакка дамланглар,  
Тоғамнинг олдига тайёр айланглар.

Косагули хушрўй бўлсин бесоқол,  
Айтганимни тайёрланглар бемалол.  
Ходимичил бўлсин, ўзи сермақол.  
Тоғамнинг олдига тайёр айланглар.

Уруш кунни тоғам ўзи оловди (р),  
Бошига тикинглар яшил яловди,  
Опкел заъфар сепган уч қоп половди,  
Тоғамнинг олдига тайёр айланглар.

Жуда семиз ўттиз сўқим сўйинглар,  
Бир оғиз тотманглар, гўшин уйинглар,  
Сермой қип олдиға шўрба қўйинглар,  
Тоғамнинг олдиға тайёр айланглар.

Ҳали тоғам душманға серюракди (р),  
Юртим олис, Чамбил бизға йироқди (р),  
Тез келтир олти юз шиша арақди,  
Тоғамнинг олдиға тайёр айланглар.

Сўздан берса бандасиға ҳунарни,  
Тоғам билмас ёвдан қайтиб тинарни,  
Эзиб опке ўн тоғора кўнарни<sup>1</sup>,  
Тоғамнинг олдиға тайёр айланглар.

Ҳеч ким билмас тоғамдайин ботирди,  
Ботирлик бир катта юзи хотирди (р),  
Ўн бир ботмон ундан пишир патирди,  
Тоғамнинг олдиға тайёр айланглар.

Тоғам ухлаб тоза олсин дамани,  
Қўйманглар ҳеч ишида камини,  
Кўрпасин қалин қил, кўп қил жамини,  
Тоғамнинг айтганин тайёр айланглар.

Ана энди Авазхон тоғасини мақтаб, йигитларига ҳазил қилиб:— Сизлар тоғамни билмайсизлар, англамайсизлар, шундай қаттиқ кунларда даркор. Ў, йигитлар, тоғамдай баҳодир бу теваракда ҳеч подшонинг олдида йўқ. Агар шу подшоларнинг олдида тоғамнинг ярмидай адами бўлса ҳамма мамлакатни қўймай олар эди. Тоғам ҳам соҳибқирон, ҳам соҳиб хуруж, тоғам топилмайдиган одам,— деб кўп мақтаб юборди. Ҳасан Кўлбар жуда шишиб кетди. Шишгани ҳаддан ошиб кетди. Ана энди Авазхон мақтаб, Ҳасан Кўлбар шишиб ўтира берсин, сўзни Холдорхоннинг қоровулларидан эшитинг.

Ҳасан Кўлбардан қочган қоровуллар вой-вой солиб, подшосининг олдиға бориб, арз жойиға ўтиб:— Тақсир подшоҳим, дод, Ҳасан Кўлбардан дод. Гўрўғлининг туннов кун тўйиға келган Авазхон деган ўғли қоровулларга бош бўлиб чиққан экан. Бизлар бу қирда, улар у қирда

<sup>1</sup> Кўкнорини.



туриб эдик, хотиржам қараб ўтириб эдик. Баччағар, уйнинг куйгур, бузуқи Тўмпоқ билан Думалоқ иккови, буларга Афсар ҳам қўшилди, учови қоровулларга қараб тош ота берди. Бизлар, ҳа қўйсангчи, тағи бир балони қиларсан десак, бу уч бемаза, сен нимани биласан, бу қоровулларни тош билан сангфарранг қилиб, уриб ўлдириб қўймай, нима гапи бор экан, деб қулоқ солмади. Булар тош ота бериб эди, уларнинг ҳам бир Ҳасан Кўлбар дегани бор экан, у ҳам туриб тош ота берди. Булар у ёққа, беш ботмон, ўн ботмон тош отса, у бизларга қараб эллик ботмон, олтиш ботмон, юз ботмонгача ота берди. Отган тоши бизларнинг олдимизга келиб тушса, думалагани одамнинг барини қириб-жўйиб бораётир, ҳеч ким унга тоб беролмайди. Ана шундай қилиб отиб-отиб, бир пилла қизиб кетди-да, тўғри бизларга югурди. Ҳаммадан илгари қизиғар Афсар қочди, ундан сўн Тўмпоқ қочди, Думалоқ бу ҳам қочди. Ҳасан Кўлбар бир балодай бўп келди, тўлға хез қилди. Бирдан пийпабнинг одамни йиқиб остига босиб қолди. У доим одамни ер эмиш, қай ерда ёмон кўрган одами бўлса, ушлаб олиб сўйиб, кабоб қилиб ермиш, бизлар қўрққанимиздан қочдик. Орқамиздан довши келаётир: «Ҳеч кимга бермайман, ўзим ейман»,— дейди. Шунга қараганда, шу қўшинда одамнинг гўштини ейдиган кўп экан-да. Бўлмаса, ўзим ейман, ҳеч кимга бермайман, деди,— деб қочиб борган қоровулларнинг жағи қўрққанидан бири-бирига шарқ-шарқ этиб тегеди. Кўҳна иситмаси тутиб, дириллаб, бирови гапира олмайди.

Холдорхон подшо бу сўзларни эшитиб, ҳуши калламуш бўлди, жони бўғзига келди. Дарқаҳр бўлиб, аччиғи келиб:— Бу падари лаънатлар нима дейди, бари жинними, ажиба уриб кетибди. Қоровулдан қочдим дейди, менинг номусимни ерга кўмибди. Орқасида шунча лашкар туриб, қоровулгинадан қочиб келибди, жаллод!— деб қочиб борган қоровулларнинг барини ҳукмикушга — қатли ом қил, деб ўлимга буюрди.

Жаллодлар ушлаганини ўлдирди, қочгани қочиб кетди. Подшоҳнинг хавфи, қайғуси кўпайди, бошига ўй тушди, нима қиларини билмай ёта берсин, энди сўзни бошқа ердан эшитинг.

Авазхон ўғлон серғайрат, жуда юракли ўғил эди. Хусусан, шундай лашкар бўлса, уруш бўлса асло уйқуси ҳам келмас эди, сабр қилиб тўролмас эди. Гўрўғли-

бек шўл куни Авазхонни қоровулларга бош қилиб юборди... Авазхоннинг тоғаси зафар топди, беш юз кишини банди қилиб олди. Уэ кўнглида: «Отамга яхши ўлжа топдим, эртага шу беш юз одамни олдимга солиб ҳайдаб борсам, дўст бор, душман бор, барининг олдида яхши бўлди»,— (деб) димоғи чоғ бўлди.— Э тоға, мен оқшом ётмайман, қоровуллар ҳам ухламайди, бизнинг лашкар чарчаган. Бугун оқшом ухлаб қолса, буни қизилбошлар билиб шобахун урмасин, тағи ҳамманинг ишини бирдан териб қўймасин. Мен Фирқўк отни миниб тонг отгунча ўрталикда қидириб юраман, тоға. Сиз кўн иш қилдингиз, тағи чўлда пиёда чарчадингиз. Энди бугун оқшом жуда яхши бир ухлаб олинг, бизга жавоб беринг, сиз ётинг, тоға,— деди. Ҳасан Қўлбар кулди:— У, жияним, мен сен от қидираман десанг, ишона олмайман-да, сен ёш бола, жўн юрмайсан. Бир гап, бир ҳодиса бўлса, жияним, мен энангга шарманда бўламан. Бўлмаса, шу сафар келмас эдим. Нима қилайин, энангни қиёлмайман, шунини ташлаб кетолмайман. Мен кетсам энанг «ҳай аттанг, Ҳасан аканг ҳам менинг бир ўзимни одамларнинг ичига ташлаб кетди-я»,— деб айтади. Э, жияним, иложим йўғидан юраман-да,— деди.

Ана энди Авазхон отланди, Ҳасан Қўлбар жиловинда, Холдорхон подшонинг лашкарини теварақлаб четидан бир айланди. Икки лашкарнинг орасини хўб кўрди, билди ҳамма хотиржам, ҳеч гап йўқ. Авазхон айтди:— У, тоға, ҳаммани кўрдим. Икки лашкар ҳам жим-жит<sup>1</sup>. Шаҳарнинг ичида ҳам неча турли одам, ҳар ердан лашкар бўлиб келган. Бу кун нари тур, бери тур йўқ. Агар иложи бўлса шаҳарга кирсак, қизилбошларнинг шаҳрини ҳам бир кўрсак, томоша қилсак. Қани, Холдорхон не тараддудда ётган экан, бу ҳам бир гап-да, тоға,— деди. Шунда Ҳасан Қўлбар Авазхоннинг жиловинда шаҳарнинг дарвозасига келди. Кўрса, дарвоза қулф, шаҳар остин-устун, вағир-вуғур бўлаётир. Шаҳарнинг ўри билан айланди, кўрса, Қримнинг қаласи жуда баланд, жуда маҳкам, ҳеч ерида катик — қулаган ери ҳам йўқ экан. Ҳасан Қўлбар айтди:— Жияним, энди кетайик. Қизилбошнинг қаласи ёмон берк, маҳкам экан, бирор катиги ҳам йўқ, ўзинг ҳам кўрдинг-ку,— деб бораётир эди, бир пилла қараса, арkning орқасида бир

<sup>1</sup> Қўлёзмада *димжит*.

ердан бир пахса дуволи қулаган экан.— У, жияним, ма-на бу ерда гартак катик бор экан, кўрдингми?— деди. Авазхон:— Тоға, иложи бўлса бир кирайик,— деди. Шунда Ҳасан Қўлбар белини маҳкам бойлади. Унгури белига қаттиқ қистирди. Бир имтилиб катикдан ошди-дағи, бу ёққа тушди. Авазхонга:— Кўрдингми; жияним,— деди. Авазхон айтди:— Тоға, мени олиб кириңг. Шунда Авазхон жиянини бир қўйнига солди, Гиркўк отини бир қўйнига солди. Ана энди Ҳасан Қўлбар бир хез қилиб катикдан ирғиб ошди, кўчага тушди. Авазхонни отига миндириб, ўзи олдига тушиб, жиловиди кўчаларни кўп қидирди, кўп ерларни кўрсатди. Кўрса, ҳар тусли одам қўшинга келган, шаҳар тўлган, ҳамма ўз иши билан, урушнинг тараддуди, ёв-яроғини чоқлаб, бошлаб, ўлиб-тирилиб ётибди. Авазхон хўп юриб барисини кўрди. Ҳасан Қўлбар айтди:— Юр жияним, кетайик, энди томошамиз ҳам бўлди.

Ана энди иккови қайтди. Катта кўчада келаётиб эди, олдидан бир катта новвойхона чиқди. Ҳасан Қўлбарнинг бурнига иссиқ ноннинг иси келди, ҳаваси кетди. Авазхонга айтди:— У, жияним, менинг бурнимга ноннинг иси келаётир, шу ерда нон бор экан, сен шу ерда турсанг, мен ичкарига кириб, беш-олтита нон олиб чиқсам. Қорнимизни тўйдириб кетайик-да.

Ҳасан Қўлбар ўзини новвойхонага урди, эшикни очиб кирди, киргандан чироғни ўчирди. Шу новвойхонада ўн минг новвой подшоликка нон қилиб берар эди. Барисини ушлаб олиб Қўлбарга урди, қанча нони бўлса, Қўлбарга тиқди, ундан сўнг хамирини тиқди, бунинг орқасидан унини тиқди, унга ҳам кўнгли тўлмаб эди, борлиқ ўтинини ҳам тиқди, далага чиқди.— Юр, жияним, энди кетамиз,— деб иккови бояги катикдан ирғиб ошди, ўз лашкарига етишди. Оқшом ўтиб, тонг отди, ёруғ бўлди, номоздан фориг бўлди, кун чиқди, ернинг юзи мунаввар бўлди. Ана энди Ҳасан Қўлбар кўлбардаги новвойларни чиқариб ола берди, ўн минг одам чиқди. Ундан сўнг нонни тақсим қилиб Евмит бидай Таканинг элига — одам бошига тўрт нондан тегиб қолди. Буёғини ўзим ейман, деб бермади, ўн минг новвой банди бўлиб тура берди.

Ана энди Холдорхон подшо эрта билан кўрса, подшолик новвойхонани ҳам ҳарифлар ясаб кетибди. Подшонинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, карнайни

тортиб, гала тўпни ялонғочлаб, добилни қоқиб етиб келди. Қанча лашкари бўлса, аввал келган, бариси подшоҳнинг олдига чиқиб, таъзим қилиб, ўзини хос жойга тушириб, бошига тилла туғ кўтариб турди. Бу ёқда Така билан Евмитнинг одамлари саф тортиб, Гўрўглибекнинг бошига тилла туғни кўтариб турди.

Ана энди йкки ёқнинг бўз боласи от қизитиб, майдонда чопиб, бир-бирига тез-тез ёмон қараб, заҳричашми билан бир-бирига тенгсалишиб турибди. Бировидан бирови кўп, икки лашкар мисли икки дарёдай мавж уриб, тўлқин қилиб тошиб турибди. Икки лашкар икки тоғдай бировидан бирови баланд келаман,— деб ўзини ҳавога олаётир. Икки ёқни ноқиблар, оқсоқол — арбоблар сафларини қиёматнинг сафидай рост қилди. Шунда майдонни фаррошлар шипириб, сақолар суз сепиб ойнадай равшан, мусаффо қилиб қўйди. Икки ёқ ҳам урушга кўз тутишиб, иштиёқ бўлиб, ҳамманинг кўзи майдонда. Бугун майдонда кимнинг бахти баланд келади, кимнинг бошига тожи шоҳи қўйилади, кимнинг бошидан тожи қулоҳи кетади, деб қараб турур. Бу кун қандай ботир овозасини баланд қилади ва кимнинг оти майдондан беэга бўлиб чиқади,— деб турганда, Қрим мамлакатдан кўп йиллар, Холдорхон подшога хизмат қилган эр Қубод полвон Холдорхон подшодан дуо олиб майдонга мард талаб қилиб турибди:

Эр бўп бунда келган беклар,  
Кел, ботирлар, якка-якка.  
Бизга душман бўлган беклар,  
Кел-ҳа энди якка-якка.

Ботир бўлсанг, майдонга кел,  
Отим Қубод, полвонга кел,  
Бир тарафсиз арслонга кел,  
Кел, ботирлар, якка-якка.

Мен букун майдон этарман,  
Турли ҳунар кўрсатарман,  
Баринг бошингга етарман,  
Кел, ботирлар, якка-якка.

Эшитинглар айтган сўзим,  
Ҳар тарафга қарар кўзим,

Ҳаммангизга ёлғиз ўзим,  
Кел, ботирлар, битта-битта.

Сизлар Туркманнинг ботири,  
Мен ҳам Қрим баҳодири,  
Ботирнинг майдон-да ери,  
Кел-ҳа, ботир, якка-якка.

Гўрўглининг оломони,  
Ана майдон кел-чи қани,  
Мен Холдорнинг полвони,  
Кел, ботирлар, якка-якка.

Гўрўгли нонин еганлар,  
Мен ҳам ботирман деганлар,  
Бизга ёв бўлиб келганлар,  
Кел-ҳа, эрлар, якка-якка.

Ботир бўлсанг, майдонга кел,  
Мендай улуғ полвонга кел,  
Қонхўр соҳибқиронга кел,  
Кел, полвонинг, якка-якка.

Букун мен келдим майдонга,  
Ер юзин бўярман қонга,  
Қатта ажалман Туркманга,  
Кела беринг якка-якка.

Мен ҳақларман шоҳнинг тузин,  
Туман қип Гўрўгли юзин,  
Қўрқсанг, юбор шоҳнинг ўзин,  
Кел-ҳа, беклар якка-якка.

Букун қирарман барингди,  
Бўлса юборгин зўрингди,  
Барингнинг ўлар ерингди (р),  
Ажалли кел якка-якка.

Қиличинг қўлда қон қилай,  
Букун мен бир майдон қилай,  
Баринг ерман яксон қилай,  
Кел-ҳа, ботир, якка-якка.

Талаб қилдим, барингизга,  
От кўтарган зўрингизга,  
Ҳариф бўлсанг, келинг бизга,  
Кел, ботирлар, якка-якка.

Кимнинг баланддир давлати,  
Турган Туркман азамати,  
Менман Қримнинг жаллоди,  
Кел-ҳа, душман, якка-якка.

Мен келдим сенинг қасдингга,  
От чоптирарман устингга,  
Сомон тиқарман пўстингга.  
Кел-ҳа, ботир, якка-якка.

Майдон қилмоқ менинг ишим,  
Урушмоқ бўлди хоҳишим,  
Сизларга кўп менинг ишим,  
Кел-ҳа, тараф, якка-якка.

Менинг отимдир эр Қубод,  
Элим Қрим, юртим обод,  
Эрлигимга офаринбод,  
Ботир бўлсанг, якка-якка.

Ана энди эр Қубод майдонда эрлик қилиб, талабгор деб қичқириб, майдоннинг у бошидан бу бошига отни чоптириб, ботирман деб юрибди. Қрим мамлакатининг бирланчи полвони эди, ҳеч тарафи йўқ эди. Шунда Гўрўғлибек буни кўриб:— У, йигитлар, бу турган полвон марди-мардона кўринади, хийли баҳодирга ўхшайди, албатта ўзига ишоними бор бўлса керак. Майдонга қирмоқ осон иш эмас, ҳар кимнинг иши эмас, майдон қўрқоқнинг жойи эмас. Энди, йигитлар, майдонга дурустроғинг бор, иш билмаганинг борма, номусни қўлдан берма, тағи мен билмабман деб юрма, номардинг майдонга қирма. Бу майдонга иш кўрган, жаррор, жаллод бўлсанг бор, шу йигитга босим келсанг бор,— деб фармонлади.

Ана энди Гўрўғлибекнинг томонидан бир йигит, бу ҳам тарафсиз эр йигит, ундан ҳам зиёд шер йигит, жу-

да баҳодир йигит, Така солорининг ўгли, оти Холдорхон, ўзи ёш эди, ўн минг йигитга бош эди, тарафсиз баҳодир эди, юраги тошиб Гўрўғлибекнинг олдида отидан тушиб, эрлик талашиб, Гўрўғлибекка таъзим қилиб:— Тақсир подшоҳим, фотиҳа берсалар, шу эр билан майдон қилсам,— деб турди. Гўрўғлибек Холдорхоннинг ишига, ҳимматига қойил бўлиб, бор, деб жавоб берди. Ана энди Холдорхон ўғлон отини ўйнатиб, сувлигини чайнатиб, майдонга келиб эр Қубодга кел, деб бир сўз деди:

Мен ҳам сендан ночор эмас,  
Саваш этсанг, кел-кел бери,  
Майдонда лоф даркор эмас,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Мен бу сўздан ғам емасман,  
Мен сени одам демасман,  
Мен ҳам сендан кам эмасман,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Мен кўрайин сенинг ҳолинг,  
Кўп бўлди букун жанжалнинг,  
Эр Қубод, менман ажалинг,  
Уруш қилсанг, кел-кел бери.

Мен Таканнинг тўрасиман,  
Ботирларнинг сарасиман,  
Сендай марднинг жўрасиман,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Мард йигит қайтмас майдондан,  
Қиличини бўяр қондан,  
Эр Қубод, мен кам йўқ сендан  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Лоф урарсан, кўрсат ишинг,  
Жавоб берар келди кишинг,  
Бўлмайди сенинг хоҳишинг,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Эшит, ҳариф, мен ҳам ботир,  
Мард майдонда ҳунар этир,

Эр майдонда иш кўрсатир,  
Саваш десанг, кел-кел бери.

Мен ҳарифман, кўрсат ишинг;  
Қутилмас қўлимдан қўшин,  
Кесай Холдорхоннинг бошин,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Эр бўлсанг кел майдонима,  
Қўрқма наъра урганима,  
Банди қип элтай хонима,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Тўкарман ерга қонингни,  
Синаб кўр-да полвонингни,  
Олурман тандан жонингни,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Кўп лофни эшитдим сендан,  
Қон оқизай бу майдондан,  
Лашкаринг қутулмас мендан,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Эр бўлсанг, майдонда ишла,  
Бедов мин, отинг киш-кишла,  
Ҳариф келди, ҳунар бошла,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Марднинг иши майдон билан,  
Ўзи тенгги полвон билан,  
Завқи келар султон билан,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Сен зўр бўлсанг ҳамма қойил,  
Қизилбошга менман зойил,  
Барингга ўзим азройил,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.

Ботир бўлсанг, кел-а, кел-а,  
Ҳариф келди, қўлингни ола-а,  
Сен эр бўлсанг, қилма ҳийла,  
Саваш этсанг, кел-кел бери.



Ана энди бек Холдор майдонга бориб эр Қубодга кўндаланг бўлиб, иккови бир-бирига бетма-бет келиб ҳунар кўрсатиб, от ўйнатиб, қўлларига олмос қилич ушлаб, бир-бирига илондай чирмашиб, навбат бермай, ҳа-ҳа, дей берди. Иккови ҳам тарафсиз эр, жуда ҳунарманд, обдон баҳодир полвонлар. Қиличларининг дамидан ярқ-юрқ ўтлар чақиниб, сипарлардан вариллаб оловлар чиқиб, икки полвоннинг ўртасида саксон тиг ўтди, мақсад ҳосил бўлмади. Ана ботирлар найзаларини қўлларига олиб, найзалашиб, найзанинг учи билан совутларни бўлак-бўлак юлиб олди. Найзанинг учидан ернинг юзига тушган совутлар юлдуздай ялтираб, ярқиллаб ётири. Икки полвон бир-бирини найза билан санчиб, найза билан ҳам мурод ҳосил бўлмади. Мардлар майдонда иш кўрсатиб юрибди. Қрим полвони кўп сипоҳи, кўҳна солхўрда, иссиқ-совуқни кўп азмойиш қилган, жуда кўҳна сипоҳ эди. (Холдор) Эр Қубоддай ҳарифни кўрди; забардаст, зўркор, ҳар ваядан ўзидан неча даража баланда, лекин Холдорхон жуда ёш эди. Бепарво, зўрлиғига мағрур бўлиб, Қубодни назарига келтирмай юриб эди, эр Қубод отини қимтиб тезлаб, Холдорбекнинг қаватидан ҳайдаб отининг айили торгусини билдирмай кесиб ўтди. Холдорбек баччалик қилиб билмай қолди. Эр Қубод отнинг бошини қайтариб:— Ол, эр бўлсанг, бу ҳарбани ол!— деб бир тиг олмосни кўтариб Холдорбекка ҳавола қилди. Холдор бошига сипар кўтариб суяниб турди. Бир пилла қараса, отининг эгари бўш, айил-пуштан узилибди. Бачча ўзини беркитиб, икки оёғи билан отини қисиб, узангига оёқни тираб турди. Полвон Қубод балойи ногаҳондай шамолдан тез бўлиб етди. Холдорбекнинг бошига тиг-солди. Холдорбек шунча саъи қилди, бўлмади. Тиг қалқондан, дубулгадан ўтиб Холдорхоннинг бошига ўтирди. Бачча бўлди, ярадор бўлди. Қубоднинг қасди тигни паства тортмоқчи. Холдорхон эр Қубоднинг билагига бир мушт урди. Қубод полвоннинг қўли тенгсалиб, баландга чўрчиб тиги қўлидан ерга тушди, оти жавлон қилиб ўтиб кетди. Буни Ёвмит билан Таканинг лашкари кўриб шовқун солиб, ҳой-ҳой оламини бузди. Таканинг элида Юнусшоҳ деган (бор эди), бу ҳам солор Таканинг бекларидан эди, Холдорхон ўғлонга амаки эди. Юнусшоҳ буни кўриб юрагида дим тоқати қолмай, от чопиб келиб Холдорбекнинг жиловини олди. Маҳрамлар чопқилашиб

келиб қолди. Юнусшоҳ маҳрамларига топшириб, ўзи Қубодга кўндаланг бўлиб турди. Эр Қубод айтди:— Сен қандай ажали етган, жонидан тўйган (одамсан). Менинг овимни қўлимдан ажратиб, айириб юбординг. Ўзингни мендан қандай қутқарасан?

Юнусшоҳ айтди:— Эй лоппи-гуппи, бемаза, мард эмас экансан. Номард, қаллоб, фирибгар, найрангкор экансан, мард бу ишларни қилмайди. Сен Холдорбекка фириб қилдинг, бўлмаса Холдорбек сени бўлак-бўлак қилиб, каллангни кесиб, қонингни ичар эди. Мард ҳам майдонда ҳариф бўлса, фириб, найранг қиларми?! Сен мард эмас экансан. Эй номард, ишингга ҳозир бўл,— деб иккови марди майдон кичкина жанг қилди, бир-бирига ғолиб кела олмади. Кун кеч бўлди, икки ёққа қайтди.

Оқшом ётиб, эртан билан ёруғ бўлиб, майдонга отланди, икки лашкар икки ёқдан икки тоғдай бўлиб, бир-бирига ёндошиб, суяниб турди. Икки саф тортиб майдонни ораста қилди. Сақолар сув сепиб, фаррошлар супириб, майдонни тозалаб равшан қилиб турди. Шу вақтда кечаги эр Қубод отини ўйнатиб майдонга келиб мард талаб қилди. Ана бу ёқдан Ёвмит йигитларидан бир полвон келиб, Гўрўғлибекдан фотиҳа олиб, майдонга чиқди. Отини Қоработир дер эди, Ёвмитнинг элида атанган полвон ботири эди. Қоработир от ўйнатиб, эр Қубодга рўбарў бўлиб, майдонда биров-бировини олсам деб зўр бози кўрсағиб кўп саъи қилди. Икковининг ўртасида қирқ шамшир бекор ўтди, муроди ҳосил бўлмади. Ана Қоработир дарқаҳр бўлиб эр Қубодга:— Ол бу ҳамлани, бохабар бўл!— деб бир тиг солди. Эр Қубод бошига қалқонин олди, тиг қалқондан ўтиб, дубилгани кесиб, Қубоднинг бошига ўрнади. Эр Қубод майдондан ярадор бўлиб чиқди. Қримдан бир полвон от чопиб келиб, Қоработирга бетма-бет бўлди. Қоработир забардасти замон эди, бир тиг билан унинг ҳам ишини тамом қилиб чопиб ташлади. Кечгача Холдорхон подшоҳ ботирларидан саксон полвонни ўлдириб, ўттиз йигитни ярадор қилиб, икки ёқдан табл урилиб қайтди.

[Қоработир] келиб Гўрўғлибекка таъзим қилди. Гўрўғлибек инъом-эҳсонни ҳаддидан оширди, шундай сарпо берди, Қоработир бекнинг сарпосини кўтара олмади. Ҳамма бўз болалар буни кўриб, қизиганлари кўп бўлиб қолди.

Ана энди оқшом ётди, эрта тонг отди, кун чиқиб  
ёруғ бўлди, ҳамма жойидан туриб айланиб майдонга  
борди, икки ёқдан саф тортиб майдонда турди. Қизил-  
бош тарафда Думалоқ<sup>1</sup> полвон деган бор эди, ҳеч та-  
рафи йўқ эди. Холдорхон подшодан фотиҳа олиб, май-  
донга келиб Думалоқ ўзини таъриф-тавсифлар қилиб  
Гўрўғлибекка қичқирди:— У, Гўрўғли, менинг отимни  
Думалоқ полвон дейди, ўзимга лойиқ ҳарифимни топиб  
юбор, то анинг билан муносиби майдон бўлай, бўлмаса  
ўзинг чиқ, ҳаммангга ўзим бўламан!— деб туруп.

Бек Гўрўғли, эшитиб ол сўзимди,  
Қримда Думалоқ дейди ўзимди,  
Қолманглар, ботирлар, энди армонда.  
Менга тенг ҳарфинг келмак лозимди (р).

Думалоқ мард бу кун келди майдонга,  
Майдонни бўяйди қипқизил қонга,  
Бек Гўрўғли, билиб юбор тенгимни,  
Кўнглим тўлмас менинг ҳар хил полвонга.

Бир одамман, бир фасл сенга қарайман,  
Баробарим келсин дейман сўрайман,  
Қараб турсам, ўз тенггимдан келмаса,  
Ўзимни тўпингга бориб урайман.

Мендан кўр-да хунрезликни, Гўрўғли,  
Бир бошингдан баринг жавлик қирайман.

Келолмасанг майдонимга, қўрқоқлар,  
Жундай саваб, ҳаммангизни урайман.

Барингизга ёлғиз ўзим бўламан,  
Бошингизга не кунларни соламан.  
Баробар ҳарифни юбор ўзима,  
Гўрўғли, танингдан бошингни оламан.

Кела бер, кела бер полвонман десанг,  
Бир бошингдан баринг жонинг оламан.  
Думалоққа борми дейман талабгор,  
Барингни отман хўп майда қиламан.

Думалоққа талабгор борми? Мендай зўрабор  
Ҳамангизга бир ўзим келмайманми баробар,

<sup>1</sup> Қўлёзмада *Тумалоқ*.

Гўрўглибек Така-Ўвмит сардори  
Ўзинг кел, ё ҳариф юбор энағар.

Қримнинг элининг менман-да зўри,  
Сайланишиб юрган эрларнинг эри,  
Майдонда маътал бўп турмоқ не даркор,  
Кел-ҳа, эрман деган Ўвмит шерлари.

Уруш бўлсин, уруш бўлсин,  
Айтадиган бир иш бўлсин,  
От қолсин-да ботирлардан,  
Бир ҳам уруш-гириш бўлсин.

Чин ҳаддидан ошган келсин,  
Дарёдай бўп тошган келсин,  
Кел-ҳа, ботир, ана майдон,  
Кўп майдонга тушган келсин.

Келиб кўрсин ғайратимни,  
Кўрсатайин ҳайбатимни,  
Менга келсин, ҳариф ботир,  
Мен кўрсатай қувватимни.

Ким талабгор бўлса келсин,  
Менинган баробар бўлсин,  
Кел-ҳа, ботир, ҳариф бўлсанг,  
Келганинг қўлимда ўлсин.

Сенлар Туркман оломони  
Ботир бўлсанг кел-чи, қани,  
Ҳариф келди, ботир, кел-ҳа,  
Майдонда танитай сени.

Менман Қрим элининг эри,  
Қримда атанган шери,  
Кел-ҳа, кел-ҳа майдон бўлсин,  
Ўвмит, Така баҳодири.

Лашкар тортиб бўлсан қўшин,  
Олибсан Қримнинг дашин,  
Ҳариф бўлсанг менга кўрсат,  
Мард майдонда ўйнар бошин.

Ботир майдонда айрилар,  
Ор бериб беорлар кулар,  
Майдонда йўқ мардга армон,  
Мард деган майдонда ўлар.

Талабгор деб чақираман,  
Ҳариф, кел деб бақираман,  
Талабгоринг борми, борми,  
Мен қачонгача тураман?!

Келмасанглар, Чамбил эли,  
Узим тўпга югураман.

Хўп майда қип қўрғонингни,  
Қалин тўпингни ураман.  
Қолдим дема боз армонда,  
Ҳаммангни ўзим қайтараман.

Ана энди Думалоқ талабгор, деб майдонда турди. Гўрўглибек:— Ёронлар, мана бу турган оғир одам кўринади, оти Думалоқ полвон эмиш, хийла зўр кўринади. Бунинг майдонига жуда дуруст одам борсин, баччагарнинг жасади, пушти жуда гужур кўринади. Буни ундай-бундай одам йиқа олмас, бунга ҳар ким чиқолмас, жуда зўринг бор!— деб фармонлади. Ана энди Гўрўгли бу сўзни катта полвон, кўп атоқли полвонларга айтди-ку дейишиб, жуда катта полвонлардан шипир-шипир, гупур-гупур бўлиб қолди. Подшо подшога тенг эмасми, подшо деганда, бир хил одамлар, ҳар хил одамлари, ҳар хил фуқаролари бўлса керак (дейди). (Гўрўглининг) қозоқдан Олингир, Солингир, Жайсан ботир, Бўжман ботир, Ғўжман ботир, Шай ботир деган жуда катта ботирлари, полвонлари бор эди. Шунда Гўрўглининг бу сўзи билан қозоқ ботирларидан Бўжман ботир талаб қилиб тушди. Буни Думалоқ кўриб кулди:— Гўрўглининг эси кетибди, нимага ўзи кемайди, мен ўзимни танитиб қўяр эдим, сен майдонга келибсан, сенинг қўлингдан нима иш келади, бор кета бер, сен менинг ҳарифим эмассан,— деб кўзга илмади. Унда Бўжман қозоқ андирайиб:— Ҳали сен нимани қилдинг, кимни қўрқитдинг, бемаза, гуппи баччагар,— деб гурзи билан ошириб солди. Думалоқ кўп полвон эди, бунинг урганини писанд қилмай, кела Бўжман ботирнинг ёқа-

сидан олди, шундай кўтариб босди. Евмит билан Така-  
нинг эли шовқун кўтарди. Қизилбошлар келиб Бўжман  
полвонни банди қилиб олиб кетди. Буни кўриб Ғўжман  
ботир чолиб тушди, кела йккови ушлашди, бир-бирови-  
га тўғаноқ ташлашди. Баччағар Думалоқ бунга ҳам  
босим келиб, Ғўжман полвонни кўтариб урди, буни ҳам  
банди қилиб олиб кетди. Бу полвонлар кўп катта пол-  
вонлар эди, Гўрўғлибекнинг кайфи учиб, боринглар,  
деб фармон қилди. Алангир тура солиб майдонга кир-  
ди, Думалоққа айтди:— Эй Думалоқ, ҳозир бўл, ул  
икки полвоннинг ўчини олмасам, жонингга нималар  
қилмасам, сен баччағарними,— деб бориб олишиб қол-  
ди. Нима дейсиз, Думалоқ билан ўн соат олишди, буни  
ҳам олиб урди. Буни кўриб Салангир чолиб тушди. Бир  
кун олишиб, бу ҳам йиқилди. Шундай қилиб Гўрўғли-  
бекнинг номдор полвонидан жуда-оти чиққан, менман  
деган полвонининг юз саксонини Думалоқ бойлаб олди.  
Юзга етар йигитини ўлдирди, майдон банд бўлди, саф  
бойланди. Гўрўғлибекнинг лашкаридан Думалоққа одам  
чиқмай қолди. Думалоқ бир ҳафта — саккиз кун Гўр-  
ўғлибекнинг лашкарини тошдай қамади. Гўрўғлибек  
жуда хафа бўлди. Тўққизланчи кун Думалоқ полвон  
чолиб майдонга кирди, бу тарафдан ҳеч ким чиқмади.  
Шунда Думалоқ айтди:— У Гўрўғлибек, токайгача пи-  
сиб, қўрқиб ўтирасан, энди ўзинг чиқ, менинг ҳарифим  
ўзингсан, сендан бошқа менинг кўзимга кўринмайди,—  
деб лоф уриб туриб эди, Думалоқнинг сўзларига Аваз-  
хон ўғлоннинг ғайрати жўш уриб, баҳодирлик раклари  
ҳаракатга келиб, жойидан ирғиб туриб, отасининг ол-  
дида дасти алиф лом қилиб, гарданни ҳам қилиб, ота-  
сига адаб билан меинга фотиҳа беринг, деб бир сўз ай-  
тади:

Арила билмади-тоғларнинг қори,  
Тирама пишади боғнинг анори,  
Ота, сиздан бу кун рухсат тилайман,  
Омин, деб қўл кўтар, Чамбил сардори.

Кумуш бўлар тарлон қушнинг чегаси,  
Кировкадан совут тўннинг ёқаси,  
Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман,  
Омин, деб қўл кўтар, юртнинг эгаси,

Ота, Гиржук тулпорингни минайман,  
Жавоб бергин, майдон сари жунайман,  
Омин, деб қўл кўтар, юртнинг эгаси,  
Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман.

Ота, қулоқ солинг қилган дотима,  
Минай букун назаркарда отима,  
Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман,  
Букун чидай олмайман ғайратима.

Жавоб беринг, ота, майдон кирайин,  
Думалоғин мен ҳам бориб кўрайин,  
Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман,  
Баччағарнинг жазосини берайин.

Тўкайин кўзидан селоб ёшини,  
Кесиб келай Думалоқнинг бошини,  
Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман,  
Қарға-қузғунларга берай гўшини.

Валламатим, жавоб бергин бир соат,  
Қайтайин, қолмади танимда тоқат,  
Кесиб келай қизилбошнинг бошини,  
Оқ фотиҳа беринг, отам, валламат.

Мен ҳам бориб кўрсатайин кучимди,  
Бориб олай қизилбошдан ўчимди.  
Оқ фотиҳа беринг, каъбам, валламат,  
Бу ғайратим шу Думалоқ учундир (р).

Букун бориб билмаганин билдирай,  
Ғамгин қилиб, ичин ғамга тўлдирай,  
Имон этса, банди қилиб келтирай,  
Бўлмаса, майдонда тутиб ўлдирай.

Валламатим, мен майдонга бораман,  
Думалоқнинг букун додин бераман,  
Оқ фотиҳа беринг каъбам, валламат  
Жавоб бер, отажон, майдон кираман...

Валламатим, эшитиб ол сўзимни,  
Етти ёшда олиб келдинг ўзимни,  
Жавоб бер, отажон, кирай майдонга,  
Хизмат қилиб ҳақлаб келай тузингни.

Жавоб беринг, ота, майдон борайин,  
Толемни мен ҳам чоқлаб кўрайин.  
Давлатинг пойдор бўлса, отажон,  
Думалоқнинг жазосини берайин.

Отамсан, қиблагом, такагоҳимсан,  
Каъбамсан, меҳрибон, дуоғуйимсан,  
Хизмат қилиб ҳақлаб келай тузингни,  
Дуо қилинг, каъбам, улуғ шоҳимсан.

Авазхон ўғлон, бир турфа жонон, юзлари очилган  
гулдай, тиллари булбулдай, зулфлари сунбулдай, ота-  
сининг олдида майдонга — Думалоқ полвонга талаб  
қилди.

Ана энди Гўрўғлибек:— Хаҳ, фарзанди дилбанд, ун-  
дай бўлса, бор, кўп ҳам бепарво бўлма, полвонлигинга  
ишонма, ...баҳодирман, деб кўп ҳам ўзингдан кетма.  
Бор, болам, олло сринг бўлсин, пирлар мадакоринг  
бўлсин, қирқ чилтон жиловдоринг бўлсин. Фиркўк отни  
мин,— деб жавоб берди. Авазхон ўғлон, тарафсиз пол-  
вон маҳрамларига ёв-яроқ, совут, қалқонни олиб кел,  
деб буюрди. Маҳрамлари олиб кела берди, Авазхон ёв-  
яроғини кийиб, Фиркўк отни миниб жўнай берди. Бир  
пилла Ҳасан Кўлбар қараса, Авазхон йўлбарсдай бў-  
либ, шердай ҳайбат солиб, аждарҳодай қўзғалиб, май-  
донга кетиб боради, қарийб қўшиндан чиқиб бораётир.  
Шунда Кўлбар тура югурди, кела Фиркўк отнинг жилов-  
видан ола кетди:— Ҳа, жияним, қай ёққа бораётибсан,  
майдонда нима қиласан, тағи бир гап бўлиб мени шар-  
манда қилма, менга қара!— деяётир. Шунда Аваз  
айтди:

— У, тоға, сенинг хабаринг йўқ, бир ҳафтадан бери  
Думалоқ деган бир полвон менинг лашкаримдан кунда  
ўн полвон, йигирма полвонни бойлаб олдига солиб ҳай-  
даб, бир хилини ўлдириб олиб кетиб бораётири. Букун  
майдонга келибди, ҳеч ким унга чиқа олмай турибди.  
Қўя бер, жиловимни ушлама. Бориб уни ер билан яксон  
қилмасам...

Ҳасан Кўлбар:— ҳали шу баччағар Думалоқми, оббо  
баччағар-ей, ҳали ким-кимни йиқди, қанча кучи бор  
экан, шу Думалоқ шундай зўр бўлибдими, товба,— де-  
ётир. Шунда Аваз айтди:

— Товба демай ўл, сен тоғам бўлмай ўл, ҳали сен бе-



хабарман дейсан, сенга овқат бўлса, бўлади-да. Бу вақт овқат кўп, қорнинг тўйса бўпти, бўлмаса шу бугун саккиз кун бўлди, қанча полвон нобуд бўлди, қанчаси банди бўлди, тағи билмайман дейсан, энди шу қўшиндан бир одами қолмай қолганда биласанми?! Қўй, майдонга ўзим бораман.

Шунда Ҳасан Қўлбар эланиб:— У, жияним, қараб тур, менга сенинг айтмоғинг лозим-да, бошқа айтмайди,— деб бир сўз деди:

Баракалла, ҳимматингга, Авазим,  
Қарчиғай келбатли шунқор, шоҳбозим,  
Тоғаннинг сўзига қара, жияним,  
Мен сенинг олдингда қурбонман ўзим.

Энанг сени, Аваз, менга топширган,  
Неча бир сўзларни сен учун деган,  
Келмас эдим урушингга, жияним,  
Бу сафар, жияним, сен учун кеган.

Бир гап бўлса, энанг ўпкаламасми,  
Авазни нега юбординг демасми,  
Тағи бир ҳодиса бўлса, жияним,  
Энангга тоғанг шарманда бўлмасми<sup>1</sup>.

Оббераман Думалоқдан ўчингди,  
Билдирма, жияним, ҳар на кучингди,  
Сен энангга мени қилма шарманда,  
Менинг бу келганим сенинг учунди (р).

Бориб Думалоқни бойлаб келайин,  
Молдай қип олдингга ҳайдаб келайин,  
Баччағарни подадай қип бўкиртиб,  
Кўз ёшин тупроққа ёйлаб келайин.

Жияним, сен борма, ўзим борайин,  
Аввал хўп бир айлангириб урайин,  
Бир фаслга сабр қилгин, жияним,  
Думалоқнинг жазосини берайин.

Қараб тур, Авазжон, мен борай, тургин,  
Тоғангни буюр-да, ўзинг ўтиргин,

<sup>1</sup> Қўлёзмада *ўпкаламайма, демайма, бўмайма.*

Думалоқни ҳайдаб олиб келайин,  
Емой кўрсанг, ўзинг уриб ўлдиргин.

Қараб тур, жияним, ушлаб келамак  
Ошириб бошига муштлаб келамак,  
Думалоқнинг не кучи бор, жияним,  
Урмадан оғзима тишлаб келамак.

Жияним — Авазхон, қилгин томоша,  
Сўзимни, кўзим, ол; Аваз, кўп яша,  
Бир фасл қараб тур, ўзим борайин,  
Шу Думалоқмикан ҳаддидан оша.

Бориб олай баччагарнинг ўтини,  
Мен билан олишсин, кўрай кетини,  
Сен қараб тур, мен борайин, жияним,  
Қора қилма, Кўлбар тоғанг бетини.

Тоғангни энангга қилма шарманда,  
Жияним, бўлайин юзингга банда,  
Сен қараб тур, мен борайин, жияним,  
Кўрайин Думалоқ қандай чакин-да?!

Қулоқ сол, жияним, айтган сўзима,  
Сен қараб тур; жавоб бергин ўзима,  
Бир фаслга сабр қилгин, жияним,  
Эмас ерда сепкил солма юзима.

Қараб тургин, жияним, буни нестарман,  
Қаҳрим келса осмонга ушлаб отарман,  
Сен қараб тур, мен борайин, жияним,  
Таридан майдароқ тирқиратарман.

Жияним, қараб тур мен борай якка,  
Овозалар солай ердан фалакка,  
Бир фасл томоша қилгин, жияним,  
Қилайин лашкарин мен тикка-тикка.

Жияним, сен тур, мен саваш айлайин,  
Қизилбошнинг мурдасин чош айлайин,  
Бир фасл томоша қилгин, Авазхон,  
Сенман отанг вақтини хуш айлайин.

Ана энди Авазхон жиловлаб, лашкар-қўшиннинг чегига чиқди:— Эй, жияним, сен шу ерда томоша қилиб гургин,— деб майдонга қараб юра берди. Қўлбар майдонга боруви билан Думалоқ полвонга:— У, калта, кам бўрбай, дам қорин, яғрини дўмбоқ, майдонда нима қилиб турибсан, кўрими йўқ баччағар, эши йўқ, бекенгаш, сен ким, майдон ким, бу ерда нима қилиб турибсан, сени ким юборди?! Ҳали Холдорхон деган эси йўқ баччағар сенга нон берадими, сен ўлимсани одам деб юрган шу Холдорхон подшо, нима қилиб турибсан, тез гапир, ўласан сен калта,— деб булутдай гуркираб-гуркираб сўкаётир. Ана энди ҳамманинг икки кўзи майдонда, қараб турибди. Шу вақтда Қримнинг подшоси Холдорхон подшо айтди:— Ана энди Думалоқнинг ҳарифи жангга келди. Майдон энди қизийди, томошани энди қиламиз. Ҳамманинг кўзи майдонда. Шунда Думалоқ полвон Ҳасан Қўлбарга қараб айтди:— У, осмон шотиси, чўлкезар узун аҳмоқ, баччағар! Нимага ёғини йўқ булутга ўхшаган гулдирайсан?! У бемаъни, нима дейсан, ҳали хабаринг йўқми, мен саккиз кундан бери Гўрўғли деган хумсанинг, хотини туғмаган тумсанинг сендан ҳам зўр икки юз катта полвонларини майдонда курашиб йиқиб, бойлаб олдим. Юзча полвонини ўлдирдим. Бу сўзларни Ҳасан Қўлбар эшитиб:— Ҳали сен ҳам полвон бўлиб юрган экансан, дамнинг баланд экан-ку, ўзингни жуда зўр бўлдим, деб катта кучук бўлган экансан,— деб Қўлбарнинг жуда аччиғи келди. Шундайми, деб бир қўлини пўстиннинг енгидан суғириб олди, у бир егини ҳам пўстиндан чиқарди. Пўстиннинг икки егини белига маҳкам қайтариб ўзини чоқлай берди. Холдорхон подшонинг одамлари бари бир-бирига кулаётир. «Шуни ҳам Думалоқ тирик бойлаб олса эди, баччағарни хўп сандиратиб, калака қилиб кулиб ўтирар эдик»,— деб кулишаётир.

Ана энди Ҳасан Қўлбар:— Уҳ, ҳух, э-ҳа, во-ҳа, уҳ, сен ҳали шунча полвон бўлиб, менинг билмай юрганми, ҳаҳ, уҳ-уҳ, ҳе-ҳа, энди мендан ўпкалама. Ай-ҳай, Думалоқ эса менинг билан қандай майдон қиласан; курашасанми, қўяма-қўлтиқ оласанми, ё сарқакураш оласанми, ё муштлашасанми, ё бўлмаса калтак олиб калтаклашасанми, қайсиени қиласан, ҳу-ҳа?— деди. Думалоқ полвон айтди:— У, чўлкезар, аҳмоқ, сен ҳали ўзингни билмайсан, тентаксанми, қандай қилиб гапирасан? Аввал ўзингни ўйглаб ол, ҳали эсинг йўқ-ку.

Ҳасан Кўлбар:— Ҳали шундайми, ундай бўлса сени ўлдириб эсингни олсам, эсли бўлмайманми, ў, эси кўп,— деди. Тикка бориб Думалоқ полвоннинг ёқасидан ушлаб, чу! Емонлагур, ҳут!— деб шовқун солиб, пиёда майдоннинг у бошига қараб дурсса қўйди, ҳа деб чопиб бораётир. Думалоқни улоқ қилиб пиёда бу ёғига ошириб ташлайди. Ўзига ўзи: «Хў, ким эсли, кўзингга қара, кўзингга»,— деб гоҳ майдоннинг бу бошига чопиб боради, ундан бу ёққа ошириб ташлаб, ҳут, деб чопиб у бошига боради. Шундай қилиб Думалоқ полвонни майдонда улоқ қилиб икки бошига йигирма сафар чопиб борди-да, сўнг Думалоқни аввалги турган ерига астагина оёғи билан тикка қилиб қўйди. Думалоққа қараб айтади:— Думалоқ, айт, ҳалол бўлдимми, ҳаром бўлдимми, сенинг эсинг бор-ку, ҳалолми, ҳаромми менинг шу солганим, дарров айт!

Ана энди қизилбош Эрон лашкари дами ичига тушиб қолди, кўпи гапидан адашиб қолди. Биттасининг юраги жойида қолмади. Бир-бирига айтади: «У, бу не деган сир бўлди, бу қандай гап бўлди. Бунинг бу қилган ишини бу ерда йўқ одамга айтсак, ҳеч ким ишонмайди. Думалоқдай полвонни улоқ қилиб пиёда олиб қочса, тағи нима ками қолди. Энди бу одамга ер юзининг одами баробар бўлмас. У, ёронлар, бу одам эмас, бу балонинг хабари, одам ҳам шундай бўларми. Энди бунга ким боради? Холдорхон подшонинг олдида, Қрим элинда, қизилбош юртида, Эрон юртида шу Думалоқдай полвон йўқ. Уни бўлса кўпқари қилиб, улоқ қилиб икки ёққа ошириб ташлаб ўтурса, энди бунга ким дош беради, ким уришади. Энди уришмаса ҳам бўлади, биз енгдирдик, тан бериб, қойил бўлиб, Гўрўғлибекка фуқаро бўла бермак дуруст, бошқа ҳеч ким довлаша олмайди».

Ҳасан Кўлбар деган ерга ҳеч кимнинг ғайрат, ҳафсала, тараддуди<sup>1</sup> қолмай қолди. Ҳасан Кўлбар Думалоқ полвоннинг бет олдида турибди:— У, индамайсан, ҳалолми, ҳаромми? Ҳаром бўлса айт, тағи бундан яхши қилиб чиқарайин, отга қамчи бериб дуруст ҳайдайин. Ҳалол бўлса, ҳалол бўлди де-да! Олдимга туш, мен сени Гўрўғлининг олдида олиб бораман, сени шў ерда қуруқ қўймайман, бекнинг туғининг остини супирасан, йигитларининг отини боқасан, суғориб келасан, у ерда ҳам

<sup>1</sup> Қўлёмзада ҳавсала, тараддиси.

катта одам бўласан, эсинг кўп-ку,— деди. Думалоқ бечора нима дерини билмай, дир-дир этаётир, икки няги шарқ-шарқ этиб, бадани қалқиллаб, кўҳна иситмаси тутиб қўя берди. Рангги сизариб, кўзи бўзариб, оғзи бурилиб, киндиги ичига кириб, кетига тортиб кетди. Аста-аста ҳе-ҳа деб дам олади, ройиш дами ҳам чиқмай қолди, кам-кам ў ҳам йўқолди. Шуйтиб-шуйтиб қараб туриб юрагини босиб олди.

Думалоқ полвон кўп ҳийлагар, жуда кўҳнабош, олифта, кўп иш кўрган, жаррор, таррор, тўшининг жуни кетган, жуда сийқа баччагар эди. Ўзига ўзи ўйлади: «Энди бунга нима жавоб бераман»,— деб кўп фикрлар қилди. Охир ўзи шу маслаҳатни топди, кўнглида айтди: «Бу чўлкезар, аҳмоқ, баччагарга бўйинсунмоқдан бошқа гап бўлмас, кел-е, буни алдайин-сулдайин, мақтайин-да, қўлидан қутулайин. Бўлмаса, бунинг қўлидан қутуладиган имконим йўқ. Сеники дуруст деб алдасам, шунда пичи имкони келади»,— деб Думалоқ полвон айтди:— Ҳа, Қўлбар, сен мени бегона дема-да, мен сенга ғойибона дўстман. Узоқдан, яқиндан сенинг полвоцлигингни эшитиб жуда муштоқ бўлиб юрар эдим, букун майдонда кўрдим. Сен, жўра, кўп катта полвонсан, сенинг ҳарифинг асло йўқ. Кўҳи Қофида, Эрамнинг боғида, санамнинг чорбоғида сендай баҳодир йўқ. Одамдан қандай чиқади, сенга мен тенг эмас. Сен ҳали биласанми, билмайсанми, неча бир полвонларинг менинг қўлимга тушди, мен душман бўлсам, ўлдирар эдим. Сенинг хотирингдан бировини ҳам ўлдирмадим. Мабодо Қўлбарнинг кўнглига малол келар, деб сенинг шул полвонларингни яхши, осойишта қилиб боқиб турибман, у ҳам сенинг хотиринг; ҳар куни борсам, шулар билан гаплашаман, сенинг нима гапинг бўлса сўрайман. Оқшом овлоқ бўлганда, Қрим одамига билдирмай шипирлашиб айтаман: «Мен бир куни сизларнинг бир-икковингни бўшатиб юборсам, сизлар Қўлбарга менинг яхшилигимни айтсанглар. Қўлбар мени билса, мен Қўлбарга жуда мухлисанман. Ундан сўнг икковимизнинг гапимиз бир бўлса, мен ичдан бўлсам, Қўлбар тишдан бўлса, бу Қримни олуви осон бўлар эди. Гўрўғлибек Қримни ҳам ўзига қаратса, подшолиги ҳам жуда каттариб кетар эди»,— деб кечагина оқшом сизнинг одамларингиз билан гаплашиб қўйиб эдик, букун сизни кўрдим. Энди мени сиз бу туришимда Гўрўғлибекнинг олдига олиб борманг, мен

Холдорхон подшонинг олдига барайин, насиҳат қилайин, айтайин: «У, Холдорхон, сен Гўрўғлибекка бўйинсунмай уришаман деб қайси одамингга, қандай баҳодир полвонингга ишониб айтасан. Сенда лашкар бўлган билан, полвонинг бўлмаса, Гўрўғлининг ҳамма одамни қўй, бир Кўлбарнинг ўзини айт, ким баробар келади? Ер юзининг полвонини, жамий одини, жамий зангини, Кўҳи Қоф, нарра девларини олдириб келсанг ҳам, шу Ҳасан Кўлбарга баробар келолмайсан. Энди яхшиси шул, мен ҳам жонимнинг борича кўшиш қилайин, Ҳасан Кўлбарга айтайин, у ҳам, ҳа, деди. Гўрўғлибек билан яраш, бекка бўйинсун, элингга ҳам яхши, ўзингга ҳам яхши, жамий полвонларингга ҳам яхши. Бўлмаса ҳам чопила-сан, ўзинг ўласан, лашкаринг, юртинг — ҳаммаси қири-либ кетасан. Мен тўғрисини айтаман, эсинг бўлса ўйла, шу ишдан бошқа ишда сира суроби йўқ», — деб мен Холдорхон подшони кўндириб қўяй. Сиз ҳам Гўрўғли-бекка насиҳат қилиб кўндиринг, иккови ярашсин, уруш йўқ бўлсин. Бўлмаса, айтганимни қилмаса, мен букуи ё эртан оқшом бандиларнинг ҳаммасини бўшатиб, ўзим бирга бориб Гўрўғлибекка байъат қиламан. Ундан сўнг сизнинг хизматингизга бораман, доим сизнинг кўшиш бардорлигингизни қиламан. Энди сиз ҳам боринг-да, Гўрўғлибекка насиҳат қилинг, кўп ҳам қон тўккан яхши бўлмайди, — деб алдади.

Ана Ҳасан Кўлбар Думалоқнинг бу сўзига лақ этиб тушиб қолди. Узи кавак одам эмасми, паланглаб, шалдираб, гулдираб: — У, жўра, Думалоқ, мени ҳам эси йўқ дема, эсим бор, мен ҳам биламан, кўп гапларни биламан. Мен ёмон бўлсам, боя келган пилла уриб ўлдириб қўяр эдим-да, мен ишнинг охирини кўрайин, деб сабр қилиб юрибман. Ана энди яхши бўлди. Сени уриб ўлдириб қўйганимда иш чала қолар эди. Сен ўлгандан сўнг Холдорхон ҳам аччиғланиб биздан олган йигитларнинг барини ўлдираб эди. Ундан сўнг икки подшонинг ярашиб бир-бирови билан соз бўлиши ҳам қийин бўлиб қолар эди. У, Думалоқ, гап шу: энди уруш йўқ, сен Холдорхон подшони кўндирасан, мен ҳам насиҳат қилиб Гўрўғлибекни кўндираман, — деб кейнига қайтиб сола берди. Ана энди Думалоқ вақтни ғанимат топиб, шип этиб, ҳайт деб фириб билан ўз лашкарига чиқди-кетди. Ҳасан Кўлбар қуруқ қола берди.

Ана энди Аваз ўғлом олдига чиқиб: — У, тоға, сен

полвон бўлмай ўл. Мени қўйдирдинг, майдонга бординг, нимага Думалоқни қўйиб юбординг?— деди. Қўлбар:— У, жияним, сен боласан, ҳади тушунмайсан, юр, юр бекнинг олдига,— деб бораётир. Авазхон:— Ул арвоҳ урган қавак,— деб уришаётир. Унга Қўлбар ғарқиллаб кулаётир. Авазхон билан иккови Гўрўғлибекнинг олдига борди, таъзим қилди. Гўрўғлибек:— Ҳа, Ҳасан Қўлбар, сенга нима бало бўлди, душманни ушлаб қўйиб юбординг? Кишининг қўлидан ҳам (душман) соғ кетарми, сенга нима бало бўлди?! Менга Думалоқдан ёмон душман йўқ эди. Уни сен ушлаб, тоза ўзингни қилиб, тағи қўйиб юборганинг, сенинг бу ишинг нима иш, унинг ўрнига ўзингни ўлдираман. Нимага бундай қилдинг?!— деди. Қўлбарнинг айтган сўзи:

Омонат ўйласам одамнинг жони,  
Улмаса шунча халқ ҳаммаси қани,  
Мард Қўлбарнинг сизга арзи, валламат,  
Айтайин, қулоқ сол, Чамбилнинг хони.

Букун биз ҳам эр бўп майдонга тушдик,  
Майдонда полвон бўп пичи олишдик,  
Сўзимга қулоқ сол, Ёвмит тўраси,  
Думалоқман букун, хоним, ярашдик...

Валламат, қулоқ сол, айтай бир ишни,  
Бандасига худой солар ҳар ишни,  
Думалоқман Қўлбар келди ярашиб  
Валламатим, энди қўйинг урушни.

Думалоқ қўшинга букун боради,  
Холдорхонга насихат қип кўради,  
Холдоршоҳни кўндирмаса сўзига,  
Бизнинг бандиларни қўя беради.

Насиҳати Холдорхонга ёқмаса,  
Ўзи келиб сизга байъат беради.

Шуйтиб Думалоқман Қўлбар ярашди  
Ҳаммасини Думалоқ кўндиради.

Холдоршоҳга кўп насихат қилади,  
Думалоқнинг айтган тилин олади.

Қиличин бўйнига солиб Холдорхон,  
Бошин уриб хизматингга келади.

Шуйтиб келдим, валла матим, қулоқ сод,  
Қрим ҳам, хоним, сизники бўлади.

Бек Гўрўғли, менинг тилим оласан,  
Қримга ҳам энди беклик қиласан.  
Мард Қўлбарнинг қилган иши шу бўлди,  
Холдорхонман энди дўст бўп қоласан,  
Қиличингни энди қинга соласан.

Холдор келар хизматингга, валла мат,  
Ҳар ким қойил ҳимматингга, валла мат,  
Мард Қўлбарнинг ишин билгин, валла мат,  
Қўлбар шерик давлатингга, валла мат.

Менинг сўзим: Холдорхонман ярашгин,  
Энди дўст бўп ҳол-аҳволин сўрашгин,  
Валла матим, бек Гўрўғли, сўзим шул,  
Подшо келса, сен ҳам яхши қарашгин.

Букун эртан мард Думалоқ келади,  
Икки ёқ ҳам хотиржамлик бўлади,  
Қўндиради подшосини, элини,  
Закот, хирожини бўйнига олади.

Бош уриб Холдорхон келса валла мат,  
Сен ҳам ўтгин, ҳамма шодмон бўлади,  
Келса, хоним, нафъ шуники, кўп яхши,  
Қўнмаса қўлидан нима келади?!

Қрим ҳам ярашса, яхши эл бўлар,  
Ярашмаса, қайғу-войим мўл бўлар,  
Ярашгани Холдорхоннинг давлати,  
Мард Қўлбарнинг қилган иши шул бўлар.

Гўрўғлибек менинг тилимни оласан,  
Қаҳр этсанг, Қримни яксон қиласан,  
Яраш бўлса, у ҳам яхши бўлмасми,  
Бу ёғин, валла мат, ўзинг биласан.

Ана энди Гўрўғлибек бу сўзларни эшитиб, дарқаҳр  
қилиб, аччиғи келиб, Қўлбарнинг бемаза, аҳмоқлиғи



бека жуда алам қилиб:— У, оқсоқ бўлмай ўл, сен баччағар, аҳмоқ, пўкки, кавак баччағар, сендай эси йўқ, бемаъни, кам ўй, арвоҳ урган, шу Думалоқнинг фирибини еганинг менга жуда алам қилади. Тағи унинг устига бунинг қилган оқсоқоллиги, иш билган бўлгани одамга алам қилади. У, арвоҳ урган бемаъни, сени Думалоқ алдаб, бундай қиламан, ундай қиламан, деб сендан қутилмоққа айтган сўзини сен гап деб қўйиб юбориб келганинг?! Бўлмаса, Холдорхоннинг ихтиёри Думалоқдами?! У подшо бўлса, Думалоқдай кучук ошхўр, нонхўр, куни ўтмаган чандон-чандон думалаб ётгандир. Шунинг ёлғон сўзини гап деб бу ерда итдай варқиллаб гапирганингга қара! Э, майдондор бўлмай, полвон бўлмай ўл, тағи оқсоқол бўлмай ўла қол, гапдон бўлган. Варқ-варқ этиб, Жавзонинг ёмон ёғмас кунига ўхшаган бемаъни баччағар, уйинг куйгур, садқаи менинг номин бўл, тўйганини билмаган! Бу нима деган гап, менинг душманимни ушлаб қўя берасан?! Кучинг етмаса экан, қандай қилсин, зўрлик қилди-да десам. Уни майдонда улоқ қилиб, кўпқари қилиб чопиб тағи қўя берганинг! Э, кўпқаритоз бўлган, арвоҳ урган. Сен менинг душманимни ўлдирмай, ушлаб қўя берасан, сен ҳам душман бўлдинг, дўст бўлсанг, сир-сира қўймас эдинг. Сеники билан бизники бўлди, энди кет, қайси гўрга борсанг, шу гўрга бор, баччағар беўй, безс. Менга сендай тентак керак эмас, полвонлигингдан ҳам кечдим. Йўқол, кўзимга кўринма,— деб сўкиб-сўкиб, уриб-уриб чиқарди.

Ҳасан Қўлбар бобонг Гўрўғлибекдан кўп сўкиш эшитиб, бечора хафа бўлиб, ичи ғамга тўлиб, лаби осилиб, шалвираб, қулоғи чалвираб далага чиқди. Ўз жойига келиб, даркорлик нарсаларни олиб, Қўлбарга солиб, аччиқлаб, Гўрўғлибекдан аразлаб, энди бизники бўлди, деб араз уриб, лашкардан чиқиб, ҳайт деб йўлга чиқиб кетди.

Думалоқ полвон Ҳасан Қўлбардан фириб билан қутилиб, Холдорхон подшонинг олдига бориб, дуо қилиб айтди:— Э, султони олам, подшоҳи бокарам, бу қандай гап бўлди. Ҳасан Қўлбар деган киши, тақсир балодан ўтиб кетган бало экан. Бунинг ҳеч иложи йўқ, бунга тақсир, бу лашкар билан тоб бериб бўлмайти, ҳеч нарса туриш бермайти,— деб Ҳасан Қўлбарнинг эрлигини жуда ошириб мақтай берди. Ҳамма ҳайрон қолиб: «Бу

одам эмас, бундан алҳазар, бундан кўрқмоқ даркор. Бунинг қошига одам бориб бўлмайди»,— деб кўрқишиб қолди.

Ана энди Гўрўглибек ҳам, Холдорхон ҳам қайтди, ўз оромгоҳларига бориб тушди. Икки ёқ ҳам ўз кайвонилари билан кенгашиб, маслаҳат қилди. Гўрўглибек қошидаги полвонларга қараб:— Ў, ёронлар, полвонлар, уруш бундай бўлса, кунига икки одамни сайилнинг полвонидай қилиб ўртага қўйиб, бунинг қайсиси йиқади, деб шунга қараб ўтирса, уруш бўларми?! Агар бундай қилиб бир одамдан юбориб ётсак, ёта берамиз-да. Бу иш бўлмайди. Тараддуднинг каттаси биздай бўлмоғи лозим. Биз тараддуд қилмасак, Холдорхон ётади кўяди-да. Энди, йигитлар, ишни дуруст-дуруст қилинг, урушни ҳар ёқдан, ҳар тарафдан ўн-ўндан, беш-бешдан қамаб, қистаб қамсаб урушсанглар, бир гап бўлади-да. Бўлмаса, бундай қараб ётсанг, кўшин қочарми. Энди, йигитлар, бўлса, дуруст бўлсин, эрта урушни мағлуба қилинг. Жамий бўз болани бир бўлак қўйинг, милтиқ бир бўлак, қилич чопар бир бўлак, камон-андоз бир бўлак — ҳар ким ўз хили билан ўз хилига югурсин, уруш ё ари бўлсин, ё бери бўлсин,— деб бек Гўрўгли жуда қобоғини уйиб гапирди. Оқшоми билан ҳар ким ўз ғамини еб уруш анжомини созлайди, найзаларини эговлаб, қиличларини қайраб, милтиқларнинг зангларини артиб, мойлаб, ҳар ким ўз ишини чоқлаётир.

Гўрўглибек дарқаҳр бўлиб буюрди. Табболлар оқшоми билан табл уриб, карнайларни пар-нарлатиб, буғ губурга, кўс, вағир-вуғир, қатир-қутир, қарс-қурс тонг отгунча оламни бузди.

Оқшом ётди, эрта туриб тонг отиб, ёруғ бўлди. Ана энди Гўрўглибек оғир лашкари билан отланиб майдонга юз келтирди. У ёқдан Холдорхон подшо ҳам валвала, замзама, шаън-шавкат, ҳайбат билан вағур-буғур юртни бузиб майдонга юз келтирди. Икки лашкар бир-бирига юзма-юз бўлиб, табл уриб, букун майдонга Гўрўглибекнинг қирқ йигитидан бир йигит кириб, ҳайбат солиб:— Э, қизилбошлар, майдонни дуруст-дуруст қизитмоқ даркор. Эшитмадим дема, ўнинг кел, юзинг, миңг бўп кел, армонда қолдим дема. Келмасанг, устингга от ҳайдарман, бирингни бирингга қўшмайман, армонда қолдим дема!— деб от ўйнатиб талаб қилиб турди. Холдорхоннинг лашкаридан ҳам бир хил йигитлар рўбарў

бўламан, деб чиқса, келаётган йигитни сафдан чиққандан ўқ билан уриб, тўрт-беш кишини ағнатиб ташлади. Бир соатда Холдорхоннинг лашкаридан эллик-олтмиш полвонини бежон қилди. Буни кўриб қизилбошнинг лашкари маслаҳат қилиб бирдан от қўйди. Гўрўғлибек лашкари ҳам қараб турмай селдай босиб, тоғдай қўзғолиб бирдан югурди. Ана бу лашкарнинг ҳайбатига ер ларзон еб, осмон айланиб, олам бесаришта бўлди. Икки ёқ ҳам қўйма-қўйма, дейди. Икки тарафдан ур-а-ур деб товуш чиқади. Талотўп, шовқум ҳаддидан ошиб, ота боладан адашиб, оловдай ёниб, булутдай ёйилиб, тумандай сасиб, чангиб, қоронғилик тушиб, қулоқ битиб, ҳеч ким ҳеч кимни билмай, ҳар ким олдидан чиққанни уриб, ошна ким, беғона ким билмай, ҳамманинг бошига қаттиқ кун тушиб остин-устин бўлиб қолди.

Бирдан югурди Холдорнинг қўшини,  
Холдоршоҳ буюрди-да кўп кишини,  
Кўп қўшиннинг ҳайбатига, ёронлар,  
Ҳар ким бўлса, олди ақл-ҳушини.

Бек Гўрўғли бу ҳам фармон айлади,  
Лашкари от чошиб жавлон айлади,  
Томоша қинг икки катта қўшинни,  
Ғайрат қип бир катта майдон айлади.

Икки ёқ ҳам бирдан айтар ур-а-ур,  
Бариси ҳам кейин қайтмас баҳодир,  
Тоғдай бўп тўқишди иккови энди,  
Киши билмас, чиқар экан қайси зўр.

Уруш бўлди, олам тўлди шовқумга,  
Урушда ким қарар, ёронлар, кимга,  
От чошиб аралаш бўлди кўп лашкар,  
Қирғин тушди одамзоддай мардумга.

Ана бўлди тоза майдон, талотўп,  
Ҳар тарафдан шовқум чиқар ургин деб,  
Икки қўшин энди бўлди аралаш,  
Икки ёқ ҳам ғайрат қилар қўйсак деб.

Аямасдан у ҳам, бу ҳам уради,  
Бир-бирини қарамасдан қиради,

Томоша қинг икки лашкар — икки тоғ,  
Зарбига қора ер ларзон беради.

Одам бўлеа, кўрса энди урушди,  
Не бир билак эрлар ўртага тушди,  
У ҳам, бу ҳам жон сотади, ёронлар,  
Бир-бировин ҳа деб жуда қувишди.

Ағдарилиб қўшин босиб келади,  
Нечовларнинг кўнгли ўсиб келади,  
Икки ёқ ҳам қилич қўлда, ёронлар,  
Зўрлик қилса, бошин кесиб келади.

Ҳой-ҳой! шовқум чиқиб кетди осмонга,  
Икки қўшин ғайратман кирди майдонга,  
Бир талотўп бўлаётир савашда,  
Ким кўрса қойил шу кунги полвонга.

Неча бир бедовлар оғзини очиб,  
Устидаги баҳодирни оп қочиб,  
Кўлида қиличи ботир-баҳодир,  
Икки ёқли сермаб юрур қон сочиб.

Бир хиллар қамалиб олдин очолмай,  
Баҳодирлар қамаб, бермай йўл очиб.

Чин ботирни душман қайтиб қамайди,  
Кўзи тушса, душман тура соп қочиб.

Бир талотўп майдон бўлди, ёронлар,  
Чопган бедов чачасидан қон кечиб.

Не отлар югурди майдон ичинда,  
Қамчи урса тулпорлар қушдай бўп учиб.

Шу куни айрилди йигитнинг марди,  
Қон билан бўялди Қримнинг юрти,  
Бир талотўп бўлаётир майдонда,  
Икковининг иши қувмоқлик дарди.

Ур-а, ур, сур-а, сур оламини бузди,  
Нечовлар ўзидан умидин узди.  
Майдон бўлди ҳаддан ошиб, ёронлар,  
Не ботирлар қилич силтаб саф бузди.

Ана бўлди айтганингдан зиёда,  
Не бир ишлар бўлиб ўтган дунёда,  
Отлиқлари қиличлашиб, чопишиб,  
Найзалашиб, тош отишиб пиёда.

Катта ботир ўз тенгига душ бўлди,  
Икки шоҳ қўзғолди, ёмон иш бўлди,  
Иккови ҳам жуда толиб савашга,  
Жуда ёмон уруш, кушо-куш бўлди.

Сардорга сардорлар, ботирга ботир,  
Хунрезга хунрез кеп ўлдириш бўлди,  
Катта уруш бўлди Қрим элинда,  
Икки лашкар энди жуда гаш бўлди.

Қиши билмас қайсисининг енгарин,  
Тупроқман сув энди аралаш бўлди.

Аввал икковининг ҳоли билинмай,  
Шоҳларнинг сирлари энди фош бўлди.

Ботирлар қўзғолиб, аждардай бўлиб,  
Қўрқоқларнинг икки кўзи ёш бўлди.

Бир-бирини аямасдан урушар,  
Қон билан бўялган қоратош бўлди.

Энди фарқ қилмади, ур-ҳа, ур деди,  
Тошдай юмалаган ерда бош бўлди.

У ёқ қўйма дейди, бу ёқ ҳам қўйма,  
Бир-бирин уршади югурсанг бўйма<sup>1</sup>,  
Қоронғида ураётир бир-бирин,  
Бирови бақирар: ановга тийма.

Ҳар ким бўлса дуч келганни солади,  
Ёмон тегса отдан оғиб қолади,  
Икки ёқдан шовқун билан қўйма дер  
Билмайман қаёғи зўрлик қилади.

У ёқ ҳам от чопар, бу ёқ ҳам чопиб,  
Не бир тулпор отлар майдонда совиб,

---

<sup>1</sup> Бўлмайдимин.

Майдон бўлди жуда қизиқ, ёронлар,  
Ҳар кимса ўзининг ҳарифин топиб.

Ботирлар юрибди тўда йиғинда,  
Гурзи, ханжар қордай бошига ёғиб.

Бир хил зўрлар иш кўрсатиб майдонда,  
Бир урса қолади отидан оғиб.

Пиёда тинмасдан милтиқ отади,  
Отли борса, ҳақ деб ўққа тутади,

Ўқ деган бир тилсиз ёв-да, ёронлар,  
Қимга тегса қимирламай ётади.

Пиёдага ҳариф бўлиб пиёда,  
Отлик ўқдан нароқ қочиб кетади.

Икки ёқ ҳам бир-бирини, ёронлар,  
Қувсак деб жуда ҳам жонин сотади.

Икки шоҳнинг иши бўлди кўч ёмон,  
Билмайман қай ёғи зўрлик этади.

Ағдарилиб, қўшин тўп бўп қелганда,  
Осмоннинг юзини чанги тутади.

Икки ёқ ҳам орға бериб бошини,  
Қувсак деб, ҳа деди, жонин сотади.

Оти илдам, ўзи эпчил йигитлар,  
Ўзи ўзиб дарров қочиб кетади.

Оти илдам, чаққон йигит ҳақ берди,  
Биттаси бир сафга зўрлик этади.

Чивин қанот, бўйни узун туркман от  
Қочиб қутулади, қувса етади.

Бўрбойи бир тутам, ёлдор чўбирлар,  
Югурганман ёби нима этади.

От бўлади эр йигитнинг қаноти,  
Югрук минса кимнинг кучи етади.

Йигит эпчил бўлса мингани югрук,  
Бир йигит ҳам элга зўрлик этади.

Оғзин очиб ирғиб юрур тулпорлар,  
Қамчиласа шамолдан ҳам ўтади.

Не бир билак уллар чопиб майдонда,  
Нечовни отидан ушлаб отади.

Бек Гўрўғли йигитлари урушда  
Қўп ҳунарни майдонда кўрсатади.

Қрим эли, Евмит элнинг барига,  
Ҳаммаси ҳам хўб офарин этади.

Қойил бўлмай қайтсин ўзи отига,  
Олдидан шамолдай бўп ўтади.

Қувса етолмайди, кетар қутулиб,  
Бу қочса, у дамга қўймай этади.

Шу зайилда уруш бўлаётири,  
Билмам охир қайси зўрлик этади.

Кўрар кўзга босимроқ-да Гўрўғли,  
Кел-ҳа деди, отини ўйнатади.

Довши баланд чиқар Евмит боласин,  
Қизилбошнинг довшин босиб кетади.

Шундай бўлиб саваш бўлди Қримда,  
Ҳар ерда ботирлар саваш этади.

Саваш деган ботирники, ёронлар,  
Қўрқоқ уруш бўлмай қочиб кетади.

Учоқнинг бошида кўр-да қўрқоқни,  
Қўрқоқ ботирликни уйда этади.

Қўрқоқман урушда, ўчоқ бошида —  
Ҳар қандай зўр бўлса ушлаб отади.

Қўрқоқни кўр хотинининг қошида,  
Бир шаҳарни ўзи вайрон этади,

Қўрқоқ ботир бўлса-бўлсин уйида,  
Урушда қўрқоқнинг иши қотади.

Шуйтиб майдон бўлаётир, ёронлар,  
Не гўзаллар майдонда қон ютади.

Гоҳ ул қувар, гоҳ бул қувар,  
Минганлари тулпор чопар.

Отаси тулпор бўлса-да,  
Ёмон отдан бўлса сувор,  
Човқар байтал тулпор туғар.

От ярайди ёмон кунда,  
Яхши от минган обрў топар.

Бари чувлаб урушади,  
Тинмай бари отин чопар.

Утдай бўлиб гуриллайди,  
Энтикишиб тириллайди,  
Қамчи урса илдам отлар  
Қушдай бўлиб пириллайди.

Одам тўлган, майдон қалин,  
Улган сира билинмайди.

Қўрқоқ шўрлар кўп тўдага  
Боргин деса, чириллайди.

Жазойиллар, катта уруш,  
Отса ўқи шириллайди.  
Икки ёқ ҳам тинмай сўкиб,  
Итдай бўлиб ириллайди.  
Ағдарилиб от қўяди,  
Кучи етганин сўяди,  
Уруш бўлса икки душман  
Майдонда кимни аяди.

Майдон кетди жуда қизиб,  
Аралашганлар куяди.

Одам келар ўнлаб, юзлаб,  
Эпчил йнгит юрур хезлаб,



Ҳар ким бўлса ҳозир бўлиб,  
Минган отин юрур тезлаб.

Шундай қаттиқ тўда бўлган,  
Тополмас жўрасин излаб.

Ботир ҳа деб қўйма, деди,  
Қўрқоқ йиғлаб юрур бўзлаб.  
Не ботирлар от чопади,  
Майдонда душманни излаб.

Ботир ўчин олаётир  
Ғаним бўлса бағрин тузлаб.  
Мерган ҳа деб отаётир  
Душманини биқиб кўзлаб.

Шундай талотўп бўлиб қолди,  
Бир-бирини сўкиб сўзлаб.

Жуда ботир ҳақ беради,  
Урушда бил мард туради.

Душман билан дуч бўп қолса,  
Ғанимни мард уради.

Мард билади номус-орди,  
Номардга ор не даркорди,  
Ёмон кунга мард ярайди,  
Номардга умид бекорди.

Номард билан юрган киши,  
Барор қилмас қилган иши,  
Ҳар иш қилсанг мардман қил-да,  
Номардингнинг миннат иши.

Мард бошини орға берар,  
Номард пулдор, борга берар,  
Ҳар иш бўлса марддан чиқар,  
Мард чин харидорга берар.

Номард бошин пули кўп деб,  
Дунёни мурдорга берар.

Мард бўп боз ҳам ишқи бўлса,  
Бошин ол деб ёрга берар.

Уруш бўлди жуда қатти (қ).  
Милтиқ, ёйни тинмай отди,  
Ботир уллар жонин сотди,  
Қирғин десанг қабоҳатди(р).

Туркман минган хоназотди,  
Ботир минган тулпор отди,  
Майдонда отин ўйнатди.  
Яхши от ёвни қийратди.

Қийратганин сенга айтай,  
Қочса ўзди, қувса етди.

Яхши минган майдон кирса,  
Тарафига зўрлик этди.

«Тулпор ўлимдан қутқарар»,  
Бурунгилар шуй<sup>1</sup> деб кетди.

Шуйтиб уруш қилди энди,  
Кечгача талотўп этди.

Уруш бўлди ҳаддан ошиб,  
Ботир ботирман талашиб,  
Ҳа деб юрур куйиб-пишиб,  
Бир-бирининг кўйига тушиб.

Қўрқоқлари қочиб, шошиб,  
Ботир уллар қувалашиб,  
Ота боладан адашиб,  
Эр йигит бўлса савашиб.

Чин ботир дарёдай тошиб,  
Тўплаб-тўплаб қувиб келса,  
Олдин ол, деб, қўйма, дейишиб,  
Кам куч шўрли ўлдик дейишиб.

Кун туғиб одам бошига,  
Қон бўяб сойнинг тошига,

---

<sup>1</sup> Шундай.

Дўст, душман қойил бўлди,  
Ботирларнинг савашига.

Қўлда қилич ботир бўлса,  
Ҳеч ким боролмас қошига.

Иккови ҳам тўп туришди,  
Баракалла, бардошига.

Қувиб, уриб, чопиб ўтар,  
Қулоқ солмас нолишига.

Эланса ҳам қарамайди,  
Раҳм этмай кўзин ёшига.

Қатта тўда тўп бўп ётир,  
Йўл бермас борган кишига.

Қулоқлари қар бўп қолди  
От, туянинг нолишига.

Ҳамма маст бўлгандай кўрсанг,  
Келган йўқ дейсан ҳушига.

Аввал мен қочади дедим,  
Қрим эли бош-бошига.

Бек Гўрўғли қувар дедим,  
Барин қувиб тўш-тўшига.

Йўқ, у ҳам жуда туришди,  
Қойил бўлдик урушига.

Ҳали улар тан бермади  
Гўрўғлининг қиришига.

Гўрўғлибек бардош билан  
Сабр қилар ҳар ишига.

Уруш бўлди, уруш бўлди,  
Аямаси қириш бўлди,  
Ҳунари ўлдириш бўлди,  
Варқираган гириш бўлди.

Қочмай танти туриш бўлди,  
Охирини кўриш бўлди.

Бир қаттиқ итариш бўлди,  
Ишини биткариш бўлди.

Уруш бўлди дўна-дўна,  
Қора тош бўяб гулгуна,  
Қизил бўяб тошни қона,  
Ажал топиб кўб баҳона.

Уруш бўлди, жуда уруш,  
Туришдилар жуда туриш,  
Сап бўз бола қилди хуруш,  
Аямаси бўлди қириш.

Ёмон қаттиқ уруш бўлди,  
Бўлиб қолди шундай бир иш.

Шу кун маълум бўлди эрга,  
Ҳай-ҳайлаб майдонга кириш.

Ундай, бундай иш бўлмади,  
Билганга бўлди кўп зўр иш.

Майдонга ҳар ким киролмас,  
Ботирга ҳунар-да қириш.

Жуда қизиқ бўлиб эди,  
Қани бир томоша қилиш.

Номардга ҳад йўқ, боролмас,  
Осон йўқ илжайиб туриш.

Қирган ҳа деб қириб юрур,  
Дуч келганин уриб юрур,

Иккови ҳам тенг тарози,  
Баббаробар бўлиб турур.

Не бўлганин билолмади,  
Кўп ҳа дейди, йўл олмади,

Тенг тарози бўлиб турур,  
Бири босим бўлолмади.

Бири биридан қочмайин,  
Майдонда заҳрин сочмайин,  
Баробар бўлиб турибди, -  
Кўп ҳам устини очмайин.

Қайси зўрдир, нослигини билмади,  
Намози шом бўпти ҳам айрилмади,  
Тенг тарози бўлиб турди иккови,  
Бировига бири зўрлик қилмади.

Урушди йигитларда армон қолмади,  
Қайси зўрдир тобин ул кун билмади,  
Уруш ҳаддан ошди шў кун, ёронлар,  
Қоронғи бўлибди, эр айрилмади.

Катта бир талотўп бўлди шўл куни,  
Ажали етганлар ўлди шўл куни,  
Икки шоҳнинг иши бўлди кўп қийин,  
Икки қўшин тарози келди шўл куни.

Кўрган офарин деб қойил бўлдилар,  
Чин ботирлар минга отин елдилар,  
Бир-бирини енга олмайин шўл куни,  
Икки қўшин тенг тарози бўлдилар.

Йигитлар кўп ғайрат қилди шўл куни,  
Жуда қаттиқ хизмат қилди шўл куни,  
Армонсиз солишди душман элиман,  
Эрдай бўлиб ҳиммат қилди шўл куни.

Икки қўшин қилди бир-катта ишди,  
Кўп қўшин-да, тортди катта ташвишди,  
Намози шом қўшин энди айрилди,  
Ҳар қайси бориб ўз қўшига тушди.

Бекор бўлсанг томошага кел энди,  
Томошада не сўзлар бор бил энди,  
Кечгача сўғишди беклар аёвсиз,  
Кун кеч бўлди икки ёққа бўлинди.

Күн тап келар бир жыллариниң үйига,  
Садройини күйиб бұлмас райига,  
Кун кеч бұлди, икки ёққа айрилди,  
Келиб тушди лашкар ётоқ жойига.

Эртан билан уруш қилган бегумон,  
Ботир, кўрқоқ айрилгандир шул замон,  
Беклар келиб тушди ётар жойига,  
Жой-жойига кўна берди оломон.

Лашкар келиб жой-жойига тушиб, ош-обларини қилиб ейишиб, отларнинг ем-овқатларини беришиб, ўз гамларини ейиша берди. Баковуллар, ясовулбошилар, арбоб, оқсоқол, Гүрўглибекнинг катта кайвонилари — ҳаммаси хизматда бел бойлаб, чоқ бўлиб турибди. Гүрўглибек хазиналарини очиб, тилла-тангани сочиб, хизмат қилган — урушда иш кўрсатган ботирларга инъом-эҳсон қила берди, катта сарполар ёна берди, кўнглини топа берди. Йигитларини инъом-эҳсондан фаровон қилиб, барининг кўнглини овлаб, шодмон қилиб, димоғини чоғ қилиб вақтини хуш қилди. Ана энди Гүрўгли шу кунни майдондаги шаҳидларни олиб бориб, ўз қаъдарусуми билан кўмдириб, ўз ишининг сариштасини ола берди. У ёқда Холдорхон подшо ҳам жамъи лашкарини зиёфат қилиб, арбоб, оқсоқол, баковуллари жамъ бўлиб, подшоси кўли ишга теккан полвон, забардасти замонларга инъом-эҳсон қилиб, оломонга сарпо ёпиб, у ҳам лашкарининг кўнглини топиб, хазиналарни очиб, устида душман бор учун ўзидай кечиб, у ҳам кўзига қарамай ҳа, деб тилла билан тангани соча берди.

Гүрўглибек лашкаридан, бекларидан димоғи чоғ бўлиб, оқшом маслаҳат қилиб: — У, беклар, агар икки сафар уруш — жангги мағлуб бўлса, Холдорхоннинг ҳоли маълум бўлиб қолар эди. Шундай урушсанлар, учга бормайди. Аввали шу бугуноқ қочади деб (эдим), баракалла, туришди. Қизилбошлар жуда юракли ботир экан, урушга журъат, ғайратни жуда кўп қилди. Бўлмаса, мен бир фасл ҳам уруша олмайдим, деб эдим. Энди баҳодирлар, полвонлар, оломон, биз Чамбилдан Холдорхонга талаб қилиб келибмиз, албатта биз урушга улардан роғиб бўлсак керак-да. Биз агар тараддуд-тахлика қилмасак керак-да. Биз агар тараддуд-тахлика қилмасак, Холдорхон ётади-қўяди-да. Энди, йигитлар.

майдонни бир тусли қилманг, бировинг бу ёғидан, икковинг у ёғидан, ҳар қайсинг ҳар тарафдан, тўш-тўшидан, ён-ёғидан от қўя беринг. Кўзини алтоқ-жалтоқ қилиб қўймай, нима гапи бор экан,— деб лашкарига шиддат бериб, сўз билан қувват бериб, бир хилига ғайрат бериб, йигитларни жуда қайраб бажариб қўйди.

Қримнинг эли ҳам оқшоми билан ҳангамалашиб, кенгашиб, бир-бирига неча сўзлардан сўзлашиб, аста-аста сўзни Гўрўғлибекнинг устига олиб келиб бир-бировига айтади: «Ў, ёронлар, устимиздаги келган ёв, жуда қаттиқ иш-да. Бидмайман охиригимиз қандай бўлар экан»,— деб гапларини чўзиб қўяди. Шунда оқсоқол, арбоблари айтади: «Ў, ёронлар, ҳар нима тақдирдаги бўлади, одамнинг айтгани бўлмайди. Гўрўғлибек бизнинг юртимизни оламан, деб устимизга ёв бўлиб келган, унинг кўнгли шу ерни ўзига қаратиб биздан бож, хирож, закот олмоқчи-да, кўрамиз-да, ола оларми, ола олмасми, худой билади-да. Гўрўғлининг ўз кўнглига солса ер юзининг барини олғуси келади-ку,— дейиша берди, Бизнинг тақдиримизда не бўлса, шуни кўрамиз, Гўрўғли деган кишига бўйинсунмаймиз. Қиличимизнинг балдоғи қолганча, милтиғимизнинг қўндоғи қолганча отишамиз,— деб бариси яқдила бўлиб, қасди Гўрўғлибекнинг гапига тушиб, бирови шер, бирови эр бўлишиб туради.

Ана энди оқшом ўтди, эртан тонг отди. Икки лашкар ҳаммаси жойидан туриб майдонгоҳга келиб, саф тортиб, бир-бирига бетма-бет бўлиб турди. Ана энди бўз болалар от қизитиб, жавлон қилиб, майдонни ораста қилиб, фаррошлар супириб, сақолар сув сепиб, ойнадай равшан қилиб турибди.

Холдорхон подшонинг Афсар занги деган бир полвони бор эди, жуда баҳодир эди. Қрим мамлакатида унга баробар келадиган йўқ эди. Подшонинг олдида биринчи полвони эди. Ана энди Афсар зангининг ғайрати жўш уриб, жавлон қилиб, подшонинг олдига келиб, таъзим қилиб:— Э, шоҳи олам, султони бокарам, букун майдонга мен бориб ажали етган саҳройиларнинг, неча полвонман деганларнинг бошини кесиб олиб келай,— деб қараб турди. Холдорхон хазиначига қараб: «Инъом қил!»— деб фармон қилди. Шунда жойидан туриб, подшоҳ амрини барпо қилиб, Афсар зангини тилла билан кумушга чўмириб — ғарқ қилиб ташлади. Афсар

зангига подшоси оқ фотиҳа бериб юборди. Ана занги шоҳидан мурахҳас бўлиб, наъралар тортиб, майдонга бир ҳайбат билан, бир шон-шавкат билан келиб турган икки лашкарнинг ўртасига кириб, оғзини лофга очиб:— У, ёрон, менинг майдонимга ҳар нечук ланг-лаванд келмасин, мени унча-мунча билмасин; ўзига ишонган келсин,— деб майдонда лоф-қоф уриб, ҳеч нарса кўзига кўринмай гурсиллаб бир сўз деди:

Турган лашкар англамадим деманглар,  
Беқувватинг қабатимга қеманглар,  
Ўзига ишонган келсин майдонга,  
Мени сизлар унча-мунча деманглар.

Менинг етти пуштим соҳибқиронди (р),  
Мен келдим, сизларга охирзамонди (р),  
Талабкоринг бўлса келсин майдонга,  
Гўрўғли, юбор ўзимдай полвонди.

Эшитинг, аччиғим менинг кўп ёмон,  
Бировингга энди бермасман омон,  
Талабкоринг борми, келсанг майдонга,  
Келсанг кел, ўзимдай тарафсиз полвон.

Бек Гўрўғли ўзинг келгин, нетарман,  
Бир қўлман осмонга силтаб отарман,  
Келиб кўргин менинг зарби дастимни,  
Тариқдан майдароқ тирқиратарман.

Келган қўшин, энди қолдинг балага,  
Энди ўлдинг, қоча беринг далага.  
Мен тирик қўймайман энди барингни,  
Мен қулоқ солмайман қилган нолага.

Турган лашкар, биринг қолмай ўлдинглар,  
Баринг бирдан ерман яксон бўлдинглар,  
Буқун менинг жуда қаҳрим келгандир,  
Қутилмасдай бир балага қолдинглар.

Сизлар йўлиқдинглар менинг қаҳрима,  
Энди қайсинг чидайсан солган заҳрима,  
Барингнинг бошингга ўзим етарман,  
Сенларми ёв бўлган менинг шаҳрима?!



Мендан кўринг, турган ланкаар, зўрликни,  
Барингга қиларман ўзим эрликни,  
Ҳамманг ўлдинг, қолдинг менинг қаҳрима,  
Мендан кўр, Гўрўгли, баҳодирликни!

Мен турсам қўзгалар ваҳшатли тўфон,  
Борсам, баринг бежон бўлдинг шу замон,  
Афсар занги агар кетса қўзағолиб  
Ернинг юзин чанг қип олмасми туман.

Сизлар душман, мен келганман қасдингга,  
Келмасанг борарман ўзим устингга,  
Ҳаммангизга ёлғиз ўзим бўларман,  
Ўлдириб сомон тикарман пўстингга.

Аё, Чамбилбелдан келган полвонлар,  
Эшитгин сўзимни, қўрқоқ подонлар,  
Кела бер, кела бер, ҳариф, майдон-да,  
Қримга ажали етиб келганлар.

Эсинг боринг хизматимга келасан,  
Келмасанг ажалдан бурун ўласан,  
Талабқоринг кела бергин майдонга,  
Келганинг ер билан яксон бўласан.

Эшитмадим деманг, айтдим сўзимни,  
Сизларга мен танитайин ўзимни,  
Баринг ўлдинг, Чамбилбелнинг одами,  
Ўзим ўлмай душман босмас изимни.

Чамбилнинг элидан келган, кам кучлар,  
Мен борсам бўласан барингиз пучлар,  
Қолдим деманг, қўрқоқ Чамбил, армонда,  
Бир ўзимга бўлдинг лашкаринг ҳечлар.

Ёв бўлиб, бизларга кепсан Чамбилдан,  
Ажал етган учун чиққансан элдан,  
Қолдим дема тағи, душман, армонда,  
Ўзингни қутқара олмассан мушкулдан.

Қалтакнинг остида қолдинг чамбиллик,  
Азроил қасдида қолдинг чамбиллик,  
Қолдим дема, ажаллилар, армонда,  
Афсарнинг дастида қолдинг чамбиллик.

Майдон иши осон дема, қийинди (1).  
Бу кун менинг қош-қобогим уюнди,  
Ҳаммангизни ажал ҳайдаб келмаса,  
Сизқон кеп-пишакка ўзи тийинди<sup>1</sup>!

Ана энди Афсар зангининг бу сўзларини Чамбил-белнинг одамлари, ҳамма лашкари, баҳодирлари эшитиб қўрқди. Қараса, Афсар зангининг бўйи минордай, қўли минг панжали шоҳчинордай, оғизлари ўзи қулаб қолган гордай, каллалари тепадай, қулоқлари сурпадай, қорни мол қамаб қўядиган қападай, өгинлари бешолти одам чой ичиб ўтирадиган супадай, бурни тегирмоннинг ноидай, чаккалари деҳқоннинг катта тобидай, лаби ариқнинг рошидай, тишлари омочнинг тишидай, кўзлари новвойнинг тандиридай, блага синган ҳаридай баччағар экан. Буни бу ҳайбатда кўриб: «Бу одам эмас, бало-ку, бунга ким боради. Бу ҳар кимни ушласа, ўлдирмай қўймайди, беш-ўн одамга қорни ҳам тўймайди, бунинг тенгги бизнинг лашкарда йўқ», — деб Евмит билан Таканинг одами банд бўлиб тура берди.

Шунда Гўрўғлибек оломон, арбоб, қаватидаги ботир полвонлар, тарафсиз соҳибқиронларга қараб: — У, йигитлар, мана бу лоппи, гуппи, кавак баччағар нима деди, бу узун аҳмоқ, осмоннинг шотиси, чўлкезар қувватли — кучлидай кўринади. Бориб буни молдай қилиб ҳайдаб, икки қўлини бойлаб олиб келадиган ўғил борми? — деб ён-ёнига қаради. Нима дейсиз, ҳеч бир одам тирп этмайди, бари ерга қараб тура берди, ҳеч қайси си пишилламайди, дам-забардам бўлиб қолди. Гўрўғли айтди: — У, барингга бир гап бўлибди, дарров шу баччағар узун юракларингни олдим, шў лашкарнинг ичиде шу кавакка баробар келгудай полвон йўқми, нимага бундай қиласизлар?!

Бу сафар ҳам ҳамма дим бўлиб қолди. Ана энди Гўрўғли дарқаҳр бўлиб, оташинлиги келиб, сўкиниб: — Барингни арвоҳ урган экан, Гўрўғли билмай юрган экан. Ҳа, Евмит билан Таканинг ботирлари, нима бало бўлди?!

Шунда Гўрўғлибек олдида Авазхон ўғлон, сўйлайди алвон-алвон, яғрини ёзиқ полвон, юзлари олмадай пишган, заркокил чўлрашиб гарданга тушган, кўрган-

<sup>1</sup> Тегинди.

лини' ақли шошган. Авазхон жойидан туриб, қўл қовуш-  
тириб, ота, жавоб беринг, деб бир сўз деди:

Арила билмаган тоғларнинг қори,  
Тирама пишади боғнинг анори,  
Маккамсан, Мадинам — қиблагоҳимсан,  
Арзима қулоқ сол, Чамбил сардори.

Арила билмаган тоғнинг тумани,  
Адолатли юртимизнинг замони,  
Маккамсан, Мадинам — қиблагоҳимсан,  
Арзима қулоқ сол, Чамбилнинг хони.

Улуғ дейман остонани тунайман,  
Ота, сизнинг мард-номардинг синайман,  
Оқ фотиҳа беринг, отам, валлакат,  
Талабим, майдонга рухсат тилайман.

Эшитгин отажон, айтган сўзимни,  
Хизмат қилиб ҳақлаб келай тузингни,  
Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман,  
Жавоб бер, қайтарма Аваз қўзингни.

Жавоб беринг, мен майдонга бораман,  
Шу зангининг жазосини бераман,  
Оқ фотиҳа беринг, отам, валлакат,  
Жавоб беринг, шу майдонга кираман.

Оқизай кўзидан қонли ёшини,  
Қузғунларга емтик қилай лошини,  
Жавоб беринг, шу майдонга кираман,  
Кесиб келай шу зангининг бошини.

Зангининг бошига солай қиёмат,  
Бориб қилай унинг ишин қабоҳат,  
Кесиб келай чўлкезарнинг бошини,  
Оқ фотиҳа беринг, отам, валлакат.

Армон билан билмаганин билдирай,  
Ханжар солиб қора бағрин тилдирай,  
Оқ фотиҳа берсанг бўлар, отажон,  
Шу майдонда барзангини ўлдирай.

Отажон, қолмади танимда тоқат,  
Барзангиман майдон қилай бир соат,  
Жавоб беринг, ота, майдон қиламан,  
Холис дуо қилинг, отам, валламат.

Мунов занги жуда тошди, отажон,  
Баччағар урпайиб ишди, отажон,  
Жавоб беринг, кесиб келай бошини,  
Мардман деб майдонга тушди, отажон.

Мен бориб умрини хазон айлайн,  
Мен зангиман марди майдон айлайн,  
Жавоб беринг, валламағим, майдонга,  
Зангини ер билан яксон айлайн.

Валламатим, мен майдонга кетаман,  
Бориб барзангиман майдон этаман,  
Дуо қилинг, ота, холислиллоҳий,  
Қараб туринг, баччағарни нетаман.

Отажон, қулоқ сол айтган тилима,  
Улмасам тўраман Чамбил элима,  
Жавоб беринг, ота, майдон бораман,  
Худо раҳм айласин, ота ҳолима.

Менинг ишим, таваккалга ташладим,  
Алам тортиб банди-бўғним бўшладим,  
Талаб қилдим, ота, букун майдонга,  
Шу зангиман олишмоқни хушладим.

Валламатим, рози бўлинг келмасам,  
Мен бориб зангини яксон қилмасам,  
Оқ фотиҳа беринг, отам, валламат,  
Армон қолар зангини мен олмасам...

Шу майдонга бормоқ бўлдим, отажон,  
Ишим ҳақдан кўрмоқ бўлдим, отажон,  
Жавоб беринг, валламатим, подшоҳим,  
Мард бўп майдон кирмоқ бўлдим, отажон.

Ерга уриб майда-майда қилайин,  
Итдан баттар қилиб жонин олайин,  
Жавоб беринг, қиблагоҳим, валламат,  
Бошига мен қора кунлар солайин.

Шу зангининг қилай танин юз қора;  
Полвоинман олишар бу бети қора,  
Жон ота, жавоб бер, майдон қиламан,  
Уриб қилай баччағарни овора.

Жавоб бергин зангини мен тутаман,  
Бир тўлғаб осмонга қараб отаман,  
Итдай хўр қип, чўчқадан ҳам баттар қип,  
Поодадай бўкиртиб, буни нетаман.

Жоңим ота; бўтадай бўп бўзлайман,  
Узим пастда, баланд ерни кўзлайман,  
Занги гуппи йўлбарс бўлиб турибди,  
Аслим шерман, доим йўлбарс излайман.

Шунқордай душманга кўзим тутаман,  
Лочин қушман қувилганга етаман,  
Бир душман майдонда турур, отажон,  
Душман бўлса шерман, силтаб отаман.

Шу душманнинг гапи ўтиб боради,  
Айтган сўзи симдай ботиб боради,  
Қараб турсам Така-Евмит элини,  
Ҳайбати билан қўрқитиб боради:

Аҳмоқ занги гурғурайди майдонда,  
У ўзидан жуда-кетиб боради.

Ҳеч ишини ҳали ҳеч ким кўрган йўқ,  
Оғзи билан зўрлик этиб боради.  
Туриб-туриб кетаётир ўзидан,  
Қўрқди деб у шишиб кетиб боради.

Қараб турсам лашкарингга, ваяламат,  
Элатинг мазаси кетиб боради.

«Энди менга қўшинда бир тенгги йўқ»,—  
Деб барзанги ўсиб кетиб боради.

Ота, бориб майда-майда қиламан,  
Зангининг ажали етиб боради.

Шу зангига элдан биров чиқмади,  
Шу иш менга жуда ботиб боради.

Жавоб бер, отажон, бораи майдонга,  
Ору номус қўлдан кетиб боради.

Қанча бордир чўлказарнинг қуввати,  
Олишмасдан зўриқ этиб боради.

Дуо қилинг, каъбам, холислиллоҳий,  
Бол Аваз майдонга кетиб боради.

Авазхон ўғлон айни ўн уч ёшида, тилла жира бошида, Гўрўғлининг қошида, қирқ йигит ёнбошида, адаб билан қўл қовуштириб, отасига арз қилиб турибди. Ҳамма одамнинг кўзи Авазхон ўғлонда, жуда ёш, қадди қомаги. Бир-бирига қараб қулиб, аста-астагина шипирлашиб, Гўрўғлига билдирмай, бирови бировига айтади: «Индама, борса борсин, қани Авазини кўрайик. Ҳали бу Гўрўғлининг мойлик талови, ё седана сенган иссиққина қоқ пагири, деб юрганدير. Уҳ-ҳо, уни майдон дебди, ўҳ-ҳо, эй-ҳа, зангига қара, зангига, бўйига қара!» Хўҳ-хў, зангининг туришига қара, юришига қара, ғурғураган довушига қара, қўлини кўтарганда, муштирага қара, оғзини очиб гап берганда, тишига қара! Шунча суврат, бўй, қомаги бўлгандан кейин қилган ишига қара! Ҳой, сенга айтаман, жўра, бу қизиқ бўлиб қолди. Авазхон жуда фириббар-да. Мен туриб, Гўрўғлибекдан жавоб тиласам, Гўрўғлибек ҳеч вақтда менга жавоб бермайди қўй дейди, юбормайди, деб айтаётир. Бўлмаса, ўзи ҳам боролмайди, қўрқади, юраги йўқ», — деб писиб-писиб аста-астагина гаплашиб турибди. «Қани қандай қилар экан?! Гўрўғлибек жавоб берса, шундан кейин Авазни кўрсак эди, бунинг қасди қирқ йигитда. Мен шундай қилсам, отамнинг аччиги келади, жавоб бермайди, ундан сўнг қирқ йигитни сўқади, йигитларга ботади. Кейин йигитлар бадани қизиб чиқади, бари ўлса ҳам битта-битта боради, дейди-да, бунинг шумлиги шу!» Шунда Гўрўғли бошини кўтариб, Авазхонга қараб: — Баракалла, шерим баракалла! «Ҳиммат эрдан, арвоҳ гўрдан», деб айтаётган ку илгариги ўтганлар, баракалла. Маъна бу қирқ йигит деган арвоҳ урганларнинг юраги ёрилиб, зангининг бўйини кўргандан силласи қотиб ўлиб қолди. Бу қирқ йигитнинг жони аллақачон чиқиб кетди, қўлови чиппа битди. Буларга Чамбилбеда Гўрўғлининг катта меҳмонхонасида, ўчоқнинг бошида қарнини мойли па-

ловга тўйғизиб, араққа маст қилиб, қалин кўрпачанинг устида ёнбошига уч-тўртта пар ёстиқни қўйиб полвонлик қилдирсанг, ундай ерда кимни бўлса, шуни ушлаб ота беради. Меҳмонхонанинг ичида бўлса, булар дев бўлса ҳам, занги бўлса ҳам, оди бўлса ҳам йиқмай қўймайди, ҳар қайсисининг кучи ер билан осмонга сиймайди. Меҳмонхонада, ўчоқнинг бошида буларга фил ҳам, шер ҳам, йўлбарс билан арслон бўлса ҳам, буларнинг қабатига кела олармикан, сира йўлатмайди, ушлай сончангаллаб отмоқни шу ерда кўр-да. Бу ер майдон бўлса, олдида кўндаланг бўлиб турган душман бўлса, у душман барзанги жуда узун бир ҳайвондай полвон бўлса, бу ерга борса ўлади-да, буларнинг жони тостепасига чиқиб кетди-ку, ҳай аттанг,— (деди).

Гўрўғлибекнинг димоғи чоғ бўлиб:— ундай бўлса, Авазхон, арвоҳ ёр бўлсин, пирлар мададор бўлсин, чилтон жиловдор бўлсин, эса бор зангига, зафар топгайсан,— деб фотиҳа бериб, Соқибулбулга қараб айтди:— Назаркарда Фиркўкни эгарлаб олиб кел!— Маҳрами хосларига буюрди:— Менинг аслаҳа-анжомларимни Авазхон ўғлонга кийгизинглар!..

Ана энди Авазхон ўғлон, сўйлайди алвон-алвон, яғрини ёзиқ (полвон), юзлари бир моҳитобон, мингани Фиркўкдай назари ҳайвон, эғнида карк тери қалқон, белида кескир исфиҳон, пўлат совут, фарқи оҳан бўлиб, ой-офтобдай ярқираб, Фиркўк ўйнаб, пирқираб, лашкардан айрилиб чиққан пилла эди, бир довуш келди варқираб. Ана энди гапни, сўзни бошқа ердан эшитинг.

Бек Гўрўғли Ҳасан Кўлбарни койиб, сўкиб юбориб эди. Ҳасан Кўлбар аччиғлаб, кайфи учиб, араз уриб кетиб эди. Чўлга чиқиб кийик, қулон-онг отиб, овқат қилиб, кунни ўтиб юрар эди. Далага чиққандан кейин ўзига-ўзи айтди: «Мен Гўрўғлибекдан жуда қаттиқ араз урдим, лашкардан чиқдим. Шу араз билан Чамбилга борсам, Оға Юнус парига, Гўрўғли мени ўришиб, сўкиб юборди, сени хотира қилмади десам, Оға Юнус пари «Мен сени нимага юбориб эдим, сенга нима деб эдим, Гўрўғлинг билан қачон ишим бор, сени урарми, сўкарми, қандай қилса, шундай қилсин! Мен Авазхонни ташлаб кел деб айтибмидим?! Э, ўл»,— деб бу ҳам уришса, ҳамма ёқдан уриш-сўкишни эшитиб, ундан кейин, Ҳасан Кўлбар, қандай қилиб юрасан, қаёққа борасан, Оға Юнус пари бўлмаса кунинг қандай ўтади»,—

деб мард Қўлбар кета олмай, нима қиларини билмай, тоғнинг устида писиб, лашқарга қараб ётиб эди, тоғнинг устидан қараса, Авазхон гулдай жайнаб, Ғиркўк остида суқсурдай бўйлаб, ўзини шайлаб, барзангига талаб айлаб, майдонга чиқиб бораётир. Буни кўриб Ҳасан Қўлбар жойидан туриб, жонининг борича ҳайқириб, бир наъра уриб, подадай бўкириб:— Тура бор-чи, тура бор!— деб югуриб тоғдан чопиб келаётир.

Авазхон ўғлон майдонга юзланиб, лашқардан айрилган пилла баҳайбат бир товуш — осмон гулдирагандай, ер ларзон егандай бир зўр товуш келди. Икки ёқнинг одами ҳам жуда идирайиб кўрқиб қолди. Бундай товушни сира-сира эшитмаган. Ҳамма ялтанглаб тевааракка қараб қолди. Қараса, Ҳасан Қўлбар бобонг: «Тура бор, Аваз, тура бор!»— деб бақириб, соқоли тирқираб, довши варқираб, оғзини очиб арқираб келаётир. Буни кўриб бек Гўрўғлининг димоғи чоғ бўлиб қолди. Қўлбарни кўриб Афсар зангининг ҳам нафаси чиқар-чиқмас бўлиб қолди. Холдорхоннинг лашқари бари мисли ажални кўргандай бўлди. Бир-бирига бу баччағар қайси гўрдан келди, деб жуда кайфи учиб, уйқуси қочиб қолди.

Ҳасан Қўлбар бор уни билан:— Ҳў, жияним, ҳў-ҳў, жияним, йўл бўлсин? Гўрўғлибекнинг сендан бошқа одами йўқ экан-да, полвонлари қуриган экан-да. Шундай баҳайбат зангига сендай ёшгина баччани юборибди. Мен ундай, мен бундай полвонман, деб Гўрўғлининг ошини еб, тўнни кийиб, пулини олиб харжлаб, отини минган сан, Гўрўғли чуланининг палови, мойи камроқ бўлса, букун оши ёмон бўпти, мойли бўлмапти, деб бурнингни жийириб, менга ундай қилмайди, бундай қилмайди, дейсан. Яхши от, яхши тўн инъом қилганда, оз бўлди, деб олмай, кўп пулига талашасан. Меники оз деб назрқаб турасан. Энди тарафи келганда, иш чиққанда, биқиб ётасан. Шундай душманга бир ёш болани юборганча, ўл баринг, бемаза баччағарлар,— деб сўкиб, Авазхонга қараб бир сўз айтаётир:

Жияним, тура бор, Аваз, боласан,  
Мавж уриб дарёдай тошиб-тўласан,

Қулоқ сол, Бол Аваз, тоғанг сўзига,  
Мен турганда, майдонда не қиласан,



Турга, Аваз, Гиркүк отинг еласан,  
Уз тенгитман, болам, ўйнаб-куласан,  
Тура бор, тура бор, тоғанг келади,  
Бу майдон меники, нега келасан.

У жияним, сенинг кўнглинг тўқмиди,  
Бу лашкарда ичачиринг йўқмиди,  
Тоғанг туриб, майдонда не қиласан,  
Заңгининг навбати сенга ҳақмиди.

Евмитман Таканинг бари ўлдими,  
Бари ўлиб навбат сенга келдимиз,  
Ҳали ёшсан, сенга майдон не даркор,  
Лашкарнинг полвои ода бўлдимиз?!

Полвои ман деб бари ейди тузингни,  
Чамбилда қўлингдан кўпи-озингни,  
Катта-катта полвоилари писиб қоп,  
Шу заңгига юбордимиз ўзингни?!

Ҳай аттанг, жияним, душман кўн экан,  
Сенинг берган ош-нонинг муфт экан,  
Шундай кунда сенга хизмат қилмаса,  
Ош-нонинг нима учун еб экан?!

Полвоиларинг, Аваз, экан еб қочар,  
Ош-нонинг кўрса оғзини очар,  
Шу заңгига юборибди ўзингни,  
Уялмайин тағи шарабат, бөл ичар.

Полвоиларинг, Аваз, экан кўрнамак,  
Теккиш гўштан шалов кўрса урнамоқ,  
Ҳай аттанг, жияним, дўстинг йўқ экан,  
Шу эрларининг марғий берсин эртароқ.

Чамбилбелда сенинг-нонинг еганлар,  
Аваз, сенга жоңшпормиз деганлар,  
Ҳаммаси, жияним, экан душманинг,  
Ҳар кун сенинг чуланингга кеганлар.

Сенинг тузинг душман бўпти ўзингга,  
Еб-еб букун мункир кепти тузингга,  
Чамбилбелда дўст бўп сени еганлар,  
Мунов ерда душман бўпти ўзингга.

Ана бузун мункир жетти новингга,  
Улим келсин бу, нонхур полвонингга,  
Шундай ерда юборибди ўзингни,  
Нон берибсан, жияним, душманингга.

Йигитларинг душман экан, жияним,  
Булар муфтхур полвон экан, жияним,  
Улим келсин умаронгга, каттангга,  
Бунинг бари ёмон экан, жияним.

Инъом бердинг, кўтарар деб юкингни,  
Мақтадинг қирқ йигит полвон бегингни,  
Шундай кунда ярамаса кунингга,  
. . . . .

Паловни еганча, есин заҳарни,  
Ёвмитман Такага қилдим қаҳарни,  
Сенинг оши-нонинг еган ботирлар,  
Сени ўтқизиб, олиб берсин шаҳарни.

Мен Кўлбарман, тўғричини айтаман.  
Чамбилбелга сенинг билан қайтаман,  
Мен ҳам келган одамнингнинг бириман,  
Қараб тургин шу зангини қайтаман<sup>1</sup>.

Шу йигитлар ашигимни келтирар,  
Бу зангини Кўлбар отдай елдиар,  
Қараб тургин мен зангига борайин,  
Итдай баттар қилиб тоғанг ўлдиар.

Сенинг тоғанг ботирларнинг ботири,  
Ғам ема, эр тоғанг келаётирн,  
Шуларингдай мен ҳам кетиб қолардим,  
Отанг эмас, Юнус эманг хотири.

Авазжон, қараб тур майдон меники,  
Айшу ишрат, базму даврон сеники,  
Тоғанг келди, қараб тургин, фарзандим,  
Кўрайин эрмикан зангн, қаники?!

Мен Ҳасанман, зангисиман баробар,  
Мен борайин, шодон Аваз, тура бор,

<sup>1</sup> Қандай қиламан.

Зангининг ҳарифи меъман, жияним,  
Қримда йўқ бу зангидай диловар.

Думалоқни унга қўшиб олайин,  
Бошларига не кунларни солайин.  
Шу майдонни менга бергин, жияним,  
Баччағарман бир бетма-бет бўлайин...

Мен эканман, Аваз, сенинг раҳбаринг,  
Шу лашкарда бир қиймасинг, ғамхўринг,  
Сендай ёшни қандай майдон юборди,  
Арвоҳ урсин эрман деган лашкаринг.

Жияним, зотинг шер, катта ҳимматинг,  
Шерга бўйин бермай, авлодинг, зотинг,  
Сендай боллар ҳали билмас майдонни,  
Ор учун келибди, болам, ғайратинг.

От-анжоминг хўп муносиб, жияним,  
Уйнаса ярашар остингда отинг.

Баракалла ҳимматингга, жияним,  
Юрагингга қойил бўлдим, бекзодим.

Сенинг энанг париларнинг султони,  
Қандай деб кеп қилмас эқан хизматинг.

Шул зангига талаб қипсан, йўлбарсим,  
Баракалла юрагингга, жаллодим.

Қараб тур, жияним, олгин сўзимди,  
Ғамхўр қилиб келдим сенга ўзимди,  
Мен турганда сенга майдон недаркор,  
Томоша қил майдон менга лозимди.

Сенинг энанг париларнинг тождори,  
Шу энангга туман қилма юзимди.

Тоғанг қилсин занги билан урушни,  
Бўйнингга олибсан, Аваз, зўр ишни,  
Шу майдонни, эр жияним, тиладим,  
Барзангига кириб солай бир ишни.

Қўлбар қилсин бу майдоннинг кўпини,  
Лашкаринг мендан ўргансин қиришни.

Ана энди Ҳасан Қўлбар бобонг катта-катта гапирди. Турган лашкар, баҳодир йигитлар, шу лашкарнинг олди — қирқ йигит бариси ранги ўчиб ўлиб қолди. Қўлбарнинг гапи барига найзадай ўтаётир, қиличдан тез қирқиб кетаётир, ҳар сўзи симдай ботаётир. Ботирман, полвонман деган Қўлбарнинг сўзини эшитмамиш бўлиб ётир. Қўлбар ҳам варқиллаб, сўкиш билан бемаза гапни кўп айтаётир. Бир хил-бир хил эти оғир, гап ўтмасларнинг қулоғини тикрайтаётир. Қўлбарнинг бу сўзларига Гўрўғлибек ҳам ичида: «Хўп бўлди, яхши айтди-да, айтса-айтсин, бу баччағарларнинг барисига ўтсин», — деб индамай турур. Ҳасан Қўлбар айтадиганини айтиб-айтиб, оғзининг борганинча, кўнглига келганинча, нима билганини сўкиниб, майдонга тушиб, куйиб-пишиб, Авазхоннинг олдига тушиб (бораётир). Туркманнинг йигитлари: «Авазхоннинг толеига баракалла, қойил бўлдик. Мартабаси баланд, даражаси улуг, бахт толеи кўп баланд йигит-да. Бизлар қани энди шу занги билан қандай қилади, деб эдик. Кўрмайсанми, ўзидан зўрга йўлиқар пилла Қўлбарнинг етиб келганига қара. Ана энди беобрў бўлмайди, Авазхон синмайди, нима бўлса, шу Қўлбар қилади, ўлганча Авазни кўриб ўлади. Бўлмаса, шу зангининг қўлида Аваз ботиринг нима бўлар эди, балки ўлар эди, дим бўлмаганда майиб бўлиб қолар эди, бундан булай одамларга аралаша олмай юрар эди. Бунинг бахтига Қўлбарнинг келиб қолганига қара-да», — дейишаётир. Кўра олмай, ҳасад қилиб, доим ўзидан баланднинг оёғидан олиб юрмак, орқасидан тап қилиб, яхши ишини ёмон деб, ўзи қилолмай, қилган кишининг ишини кўролмай, унга ҳеч вақтда тенг бўлолмай, оёғидан олиб юрмак одам боласининг ичида доим бор.

Ҳасан Қўлбар, гупиллаб майдонга кира берди. Авазхон ўғлон шердай бўлиб, йўлбарсдай чирпиниб, қопландай юракланиб, арслондай ҳайқириб, кўзлари ёниб, ўтдай тутаниб айтди: — У, тоға, сиз эрсиз, ҳам улугсиз, тоғам бўласиз, яхши қилдингиз. Энди сиз менга қараб турунг, менинг ишимни кўринг, қаранг қани, менинг ҳам қўлимдан ҳеч иш келар эканми, ё келмас эканми.

Бир майдон төмөшә қилиб туринг, тоға. Мен бу зангини ерларға уриб, суягини майда-майда қилиб юборайин.

Шунда Ҳасан Күлбар Аваз жиянининг мардлигига, еш ҳам бұлса юрагига, шундай зангидан кўрқмай келганига офарин деб айтди:—У, жияним, баракашла, баракалла, баракалла! Авазхон жияним, сенга офарин-бод! Ҳали жуда ешсан, тағи сен майдон кўрган эмассан. Шу зангига талаб қилиб отангиздан фотиҳа олиб ишқдингиз, тамом, асло камингиз йўқ. Талаб қилдингиз да, бўлди. Сиздай эрни душман кам дейди, сизни кўролмай кунлаб ўлиб юрган баччаарлар кам дейди, сивнинг босган изингизга баробар бўлөлматан итлар кам дейди. Энди жияним, бўлди шу зангини йиққандан зиёд бўлди. Ҳали қирқ йигит шунча иш кўрсатгани йўқ-ку! Отангизнинг олтин жиловни бўлиб, у кишилар Қримга келгандан бери нима қилди?! Энди бўлди, майдонни бизга беринг, баракалла, жияним,—деб Авазхоннинг мардоналигига қойил бўлиб, кўнгил бериб:—Жияним, жудо хоҳласа, сен бир ўғил бўлгин, Чамбилнинг эпаси сен бўласан,—деб майдонга кириб бир сўз деди:

Утам занги, бўғам занги,  
Сувратларинг бир хом занги,  
Күлбар кейди сенга ҳариф,  
Қрим тутар мотам, занги.

Майдонга ҳеч кирганмидинг,  
Сен урушни кўрганмидинг,  
Күлбар келди, ўлдинг, занги,  
Полвон бўлиб юрганмидинг?!

Сен ўзингни зўр дедингми,  
Эрлигимни кўр дедингми,

Қим олиб кеп қўйди сени,  
Ё бировга жур дедингми?!

Бунда қандай кўрқмай келдинг,  
Сен қайвақтда полвон бўлдинг,  
Эсинг кетди сенинг, занги,  
Мақсадингга етмай ўлдинг!

Келгин, занги, олишайик,  
Бир тўғоноқ солишайик,

Сени мен кет тугаб олдим,  
Кел, бир едди бўлишайик.

Барзанги етди ажалинг,  
Курашмоққа йўқ мажолинг,  
Занги дачон полвон бўлдинг,  
Барзанги нима жалажалинг.

Ганимат бил юрганишни,  
Сенинг қўрқмай кирганингни,  
Энди уриб ўлдираман,  
Тайёрлагин кафанингни.

Занги ботир, қўлингни олгин,  
Қўлбар келди, ҳариф бўлгин,  
Етмай кетдинг муродингга  
Сен занги, қўлимда ўлгин.

Занги, чиқарма дамингни,  
Ияртиб кел одамингни,  
Ажал бўлиб келди Қўлбар,  
Барзанги егин гамингни.

Келгин, бизман ола қолгин  
Бир белма-бел бўла қолгин,  
Боз типирлаб қойиб юрма,  
Типирламай ўла қолгин<sup>1</sup>.

Занги эшит айтган сўзим,  
Полвонман, деб ейсан узум,  
Ияртиб кел лашқарингни,  
Ҳаммангизга ёлғиз ўзим.

Қрим элининг барин оп кел,  
Шоҳ деган Холдоринг оп кел,  
Сенинг кучинг менга етмас,  
Юракли ёлдоринг оп кел!

Майдонга кел, майдонга кел,  
Мендай соҳибқиронга кел,  
Ана келди Ҳасан Қўлбар,  
Мендай ботир полвонга кел!

---

<sup>1</sup> Қўлзмада олағойгин, бўлағойгин, ўлағайгин.

Бориб ош кел элатингни,  
Ушла, кўрай ғайратингни,  
Ҳариф бўлиб полвон келди,  
Занги, кўрсат қувватингни.

Уруш бўлса, ол-ҳа, ол-ҳа,  
Ҳариф бўлсанг, кел-ҳа, кел-ҳа,  
Эшитмадим дема, Холдор,  
Лашкарингман ўл-ҳа, ўл-ҳа.

Холдорхон, кўргин Кўлбарни,  
Соҳибқирон аждаҳорни,  
Муновни нега юбординг,  
Мунчоқ таққан муштипарни.

Холдорхон шоҳ, баринг келгин,  
Қим атоқли зўринг келгин,  
Катта-катта полвон юбор,  
Не деб аялларинг келган.

Ҳасан Кўлбар менинг отим,  
Тоғни босар сиёсатим,  
Мунов занги не деб келди,  
Бунингман битмас ҳожатим.

Майдон ичин кўрдим холи,  
Бу кампирнинг нима ҳоли,  
Холдор, менинг тенгим юбор,  
Бу хотиннинг йўқ мажоли.

Холдорхон шоҳ, ўзинг келгин,  
Эллик, олтмиш, юзинг келгин,  
Ўзим тенгги полвон юбор,  
Бу ёв, нега қизинг келган.

Қолмасин, Холдор, армонинг,  
Кетар танингдан дармонинг,  
Мунов хотин не қип турур,  
Иўқмиди, Холдор, полвонинг?!

Холдор, қўйгин кирдорингни,  
Жовлик юбор лашкарингни,  
Уруш бўлса, дуруст бўлсин,  
Қўйгин бу хотинларингни.

Ана энди Ҳасан Кўлбар лоф-қофларини айтиб, ўзини таъриф-тавсифлар қилиб, турган зангини манзури назар қилмай, ўзига ҳариф билмай, балки уни кўзига илмай қараб турди.

Афсар занги Кўлбарни кўрди, ўзига-ўзи айтди: «Ана энди зангини лот-манот урди, балки тана худой ҳам ёмон кўрди. Офтоб худой билан ой худой ҳам бетини қайтарди, юлдуз худой ҳам қобоғини уйиб, муштини кўтарди. Бу баччағар Ҳасан-Кўлбар қайси гўрдан чиқиб қолди».

Аввал қоровулликка келганда, шў оқшом тош отишганда, тошни қоровулларга аввал отган шў Афсар занги эди. Шунда Ҳасан Кўлбар ҳам тош отди. Афсар занги Ҳасан Кўлбарнинг отган тошини, қилган ишини, катта гурзидан каттароқ мушини кўриб билган эди. Ичида айтди: «Шу Кўлбар бизнинг элнинг худойларига ҳам зўрлик қилади, бизнинг элнинг шиша пайғамбарларига, нуқра чорёрларига, қалайи авлиёларига, биричдан бўлган шайх, машойих, зоҳид, сўфиларига ҳам бу баччағар Кўлбар зўрлик қилади. Менга аввал шу баччағар Ҳасан Кўлбар келмай, бошқа бир полвон келганда, уни олишиб, солишиб майдонлашганимда беармон бўлар эдим. Аввал шунга йўлиққаним лот билан манотнинг ургани шу-да. Энди бунинг билан олишиб, солишиб, қочиб курашсам, ўзимга жуда эҳтиёт бўлсам, бир нав қилиб, амаллаб, ҳийла қилиб, баҳона қилиб кечгача судрашиб юрсам, ундан сўнг кун кеч бўлди, деб яхши сўз билан қутулсам, сира бунга келмас эдим, майдонга тушмас эдим. Агар шу бугун шундай қилиб қутулсам ўт худойнинг бизга жуда қарашгани,— деб бечора Афсар занги дами чиқар-чиқмас, довши паст-паст бўлиб, мулойим-мулойим бўлиб Ҳасан Кўлбарга айтди:— Илгари ҳар ким айтгувчи эди, бизлар биламиз: «Ҳасан Кўлбар жуда яхши полвон, ҳеч айби ҳам йўқ, айби шул: жуда мақтанчоқ, ўзини ўзи бежай мақтайди-да, ўтиради. Агар ўзини мақтаб кетса, бир кун-икки кун — бир ҳафтада ҳам ода қилмайди»,— дегич эди. Шуларнинг айтгани рост экан, бекор эмас экан, энди кўрдим, сизни билдим. У, Ҳасан Кўлбар, мард мардни хўрлайдими, мард ёмон бўларми, мард киши ҳар ерда одамсиз, хизматкорсиз қолмайди. Ҳар ерда подшоларнинг зеб-ярашиғи мард бўлади. Қўшиннинг юрағи мард бўлади. Қайси подшо йигитининг ичида мард-полвони кўп бўлса, шу подшо албатта зўр



Бўлади. Ана билдик, Гўрўгли ўзи зўрми, сиздай полвон мард мардона, шери фарзона олдиға тушиб юрибсиз. Ҳар ерда, ҳар мамлакатда, ҳар дийрда подшоҳнинг полвони, мард йигити бўлса, подшо ривождорда! Бўлмаса, подшо ҳам бир одам-да. Бизлар эшитамиз, шу подшоларнинг ичида Гўрўглибекнинг овозаси, салятанати, шавкати, ҳайбати бари подшодан зўр. Шу вақтларда ҳар юртда подшоларнинг олдида Гўрўглибекнинг зўрлиги, шерлиги, ўрлиги, жаҳонгирлиги гапишу гап ҳамма подшоларнинг гапидан Гўрўглибекнинг гапи шундатули, овозади. Бари подшолар шу Гўрўглибекдан жуда кўрқади, кўп ёллаб гапирди, жуда-жуда мақтади. Шунинг бари сизнинг орқангиздан. Бўлмаса, Гўрўгли бўлса ҳам шу зўр одамлардай бир одам-да. Ҳар қандай зўр бўлган билан бир одам зўр бўлиб нима қилади. Подшо деган нима қилса, полвонлар билан қилади-да, — деб Афсар занги Ҳасан Кўлбарни жуда мақтаётир.

Думалоқ полвондан ҳам хўп эшитган, хўп эшитган эди, шуйтиб мақтаётир, авраётир<sup>1</sup>. Кун кеч бўлса, улайбулай деб Кўлбарнинг қўлидан қутулиб кетсам, деб илтондай тил чиқариб авраб ётиб эди. Ҳасан Кўлбар қараса, Афсар занги жуда мулойим-мулойим гапирди, урушмоққа кўп тоби йўқ. Шунда Кўлбар: — Эй, ҳароми, ёлгончи, кеча Думалоқ кучук сенга байват қиламан, деб алдаган экан, қочиб қутулганини кўраман-ку. Сен ҳам менга шундай фириб қилиб кетаман дегандирсан. Энди ўлиб қутулмасанг, менинг қўлимдан тирик қутулмайсан, ё бориб Гўрўглибекка байват қилсан-да, қутуласан, бўлмаса, сенинг маргинг шу майдон! — деб мард Кўлбар бориб Афсар зангининг ёқасидан ушлади. Афсар занги ҳам жонидан умид узиб Кўлбарнинг ёқасидан ушлади. Икки полвон олишаётир.

Ҳасан Кўлбар энди ўйин бошлади,  
Майдонда маст бўлиб вақтни хушлади,  
Давр уриб айланиб Ҳасандай Кўлбар,  
Афсар занги ёқасидан ушлади.

Афсар занги экан у ҳам зўрабор,  
Бир силкиб қўлини қоқиб ташлади.

<sup>1</sup> Қўлёмзада арбаётир.

Афсар занги уйнаб уйнаб Кўлбарнинг,  
Узатилиб ёқасидан ушлади.

Кўлбар ҳам ушлатмай, ботир тўлғониб,  
Зангининг қўлини қайириб ташлади.  
Икки полвон энди ўйин бошлади,  
Бир-бирининг ёқасидан ушлади.

Бирини силтаса бири, полвонлар —  
Салмоғини солиб лаггар ташлади.

Занги олди ёқасидан Кўлбарнинг,  
Бобонг Кўлбар бир тарафсиз шунқорди (р).

Бу ҳам ушлаб шу зангининг белидан,  
Раббано деб қаттиқ силтаб юборди.

Занги бардош қилди, у ҳам зўр экан,  
Қримда тарафсиз баҳодир экан,  
У ҳам энди мард Кўлбарни қайирди,  
Қрим элда бир атоқли эр экан.

Икки полвон иккови ҳам номдорди (р),  
Ҳасан Кўлбар тоза ўтган шунқорди (р),  
Занги ҳам тарафсиз экан, ёронлар,  
Майдон айиради ҳар пилла зўрди.

Бир-бирини икки полвон силтайди,  
Итариб бирини бири тўлғайди,  
Салмоғига майдон ларзон беради,  
Иккови ҳам ҳеч ками йўқ, бежайди.

Олишгани Саҳроб билан Рустамдай,  
Туриши Навшод, Бўлғори Баҳромдай,  
Икки полвон ўрталикда ўлади,  
Фаридун зуреди Жамшиди Жомдай.

Бирови фил бўлса, бирови шердай,  
Бирови наҳангдай, бири аждардай,  
Томоша қинг икки зўрнинг ишини,  
Иккови ҳам ҳаддан ошган қайбардай.

Бирови қоплондай, бирови бўри,  
Икковини кўрсанг шерларнинг шер,

Икковининг оёғининг зарбига  
Шудгор-шудгор бўпти майдоннинг ери.

Бирови ҳоқондир, бирови кишвар,  
Бирови Фағфурдир, бирови Қайсар,  
Икки лайшкар томошага қарайди,  
Ўртада олишар иккита аждар.

Бир-бирига жуда кўшиш қилади,  
Ҳунарлар кўрсатиб икки диловар.

Майдон ери адир-будир бўп қолди.  
Бир-бирин енголмай икки диловар..  
Ҳамма қойил, икковига қарайди,  
Қайсиси зўр чиқар дейди турганлар.

Йўлбарсдай бўп гоҳ вақтда чапланиб,  
Арслондай оҳ дейди, шердай гўнграниб,  
Икки полвон олишади ўртада,  
Кўзлари қизариб, ўтдайин ёниб.

Танаси бир тоғдай, қўллари чинор,  
Энгкайса қирдайдир, тик бўлса минор  
Икки полвон олишади ўртада,  
Бир-бирин ололмай икки-аждаҳор.

Икки полвон тоғча ғайрат этади,  
Бир-бирини силтаб-силтаб отади,  
Бир-бирини силтаб-силтаб отганда,  
Тиззасидан ерга кириб кетади.

Икки полвон бир-бирини тиради,  
Итаришиб кейин қараб суради,  
Бир-бирига салмоқ солса полвонлар,  
Тиззасидан қаттиқ ерга киради.

Иккови ҳам жонин сотиб ҳа дейди,  
Билмайман қайсиси олиб уради.

Бири девдир, бири занги урувли,  
Икковининг-этак боши турувли,  
Олишади ўрталикда иккови,  
Иккови ҳам юртдан ўзган қорувли.

Олди икки полвон, олди онг бўлди,  
Зарбига шу икки лашкар чанг бўлди,  
Икковининг ҳайқиргани, ёронлар,  
Шунча лашкар қулоқлари ганг бўлди.

Ҳасан Кўлбар дим ҳарифи йўқ эди,  
Бул аждарҳо бўлса, ул наҳанг бўлди.

Ҳеч ким кўрган эмас бундай савашни,  
Пиёда кўп қизиқ қатт... жанг бўлди.

Ҳасан Кўлбар ишқиради майдонда,  
Хаёлимда Афсар занги танг бўлди.

Афсар занги кеп тўғаноқ солади,  
У тўғаноқ солса, Кўлбар чалади.

Олдига тортиб қайирса мард Кўлбар,  
Золим занги йиқилгудай бўлади...

Икки дарё тўлқиндай бўп тўлади,  
Икки тоғ суйканиб ҳаво қилади,  
Ҳасаннинг зарбига зангидан бошқа  
Тош ҳам бўлса, майда-майда қилади.

Зангининг зарбига Ҳасандан бошқа  
Тоғ бўлса, ўпириб занги олади.

Икковининг ишин кўрса, ким бўлса,  
Ҳайрон қолиб офаринлар қилади.

Бундай кураш кўрмас ҳеч кимнинг кўзи,  
Шудгор-шудгор бўлган майдоннинг юзи,  
Иккита зўр олишади майдонда  
Дам олмасдан ҳа деб кеча-кундузи.

Икки тоғ тўқишса, шундай бўлар-да,  
Булут гуркираса, довшин қилар-да,  
Бошқа нарса қилолмайди суратин,  
Айтиб бўлмас бунинг бири толар-да.

Қаҳрланиб силтай берди эр Кўлбар,  
Барзанги ҳам энди бўлди дарқаҳар,

Ҳеч ким бундай олишолмас шўл вақтда,  
Не фил бўлсин, не шер бўлсин, аждаҳор.

Иккман деб чалим солса бирига,  
Ул чалимни солдирмайди, хабардор.

Тоғдай гурсиллайди, булутдай гурқараб,  
Ҳеч ерда йўқ икковидай зўрабор.

Икки лашкар ҳайрон қолиб турибди,  
Хаёлимда босим келгандай Қўлбар.

Крим халқи безовта (бўп), типирлаб,  
Бек Гўрўғли бевахимдай, ёронлар.

Мард Қўлбардан хотирлари жамдай-да,  
Зангидан хавотир айлар шўҳ Холдор.

Икки полвон майдон қилаётири,  
Минг офарин дейди қараб турганлар.

Икки зўр филдай бўлиб олишади,  
Иккови ҳам дарёдай бўп тошади,  
Уч кун кураш бўлди дамни олмасдан,  
Уч кундан сўнг энди занги шошади.

Икки ёқнинг қараб турган лашкари,  
Бари бирдан изиллаб чувлашади.

Занги ҳам олишди, жуда зўр экан,  
Уч кундан сўнг золим занги бўшади.

Қрим эли чувлаб Афсар, дейди-да,  
Ҳозир бўл Афсар, йиқилдинг дейишади.

Бу сўзларман қартаяди мард занги,  
Ҳар қандай қилса ҳам кўп юк тушади.

Қрим эли бошин чайқаб ҳаммаси,  
Эсиз Афсар, мард йиқилди дейишади.

Ана келди эр Қўлбарнинг қаҳари,  
Юзидан билинди шундай заҳари.

Усти-устига снлаётир мард Кўлбар,  
Кам-кам кетаётир занги мадори.

Гана вақтда ўзин ўнглаб олади,  
Кўлбарга у ҳам тўғаноқ солади,  
Занги кеп тўғаноқ солса Кўлбарга,  
Шунда ўзи йиқилгудай бўлади.

Тағи Кўлбар мени йиқиб қўяр деб,  
Занги кўп ўзига ҳозир бўлади.

Ҳасан Кўлбар юлқинади шердай бўп,  
Аввал-аввал занги юрди бирдай бўп,  
Ана энди зангининг йўқ мажоли,  
Барзангининг ранги кетди ердай бўп.

Кўлбар босим келди, занги паст бўлди,  
Барзангига Ҳасан Кўлбар қасд бўлди.  
Кам-кам кетди барзангининг мажоли,  
Бобонг Кўлбар наъра тортиб маст бўлди.

Барзанги товуши чиқмай, ёронлар,  
Энди занги асло индамас бўлди.

Не қиларин билмай қолди қримлик,  
Не қилсин зангиси энди паст бўлди.  
Шундай хафа бўлди Қрим лашқари,  
Индай олмай жуда кўп маънос бўлди.

Ҳасан Кўлбар Гўрўглини шод қилди,  
Аввал ўтган полвонларни ёд қилди.

Бир сиятади долбойга олиб эр Кўлбар  
Зангини қайирди, энди мот қилди.

Занги энди ўзин ўнглаб ололмай,  
Олиб урди Кўлбар, қабоҳат қилди.

Баракалма, уч кун олишиб юрди,  
Занги ҳам эр экан шунча дош берди.  
Ҳасан Кўлбар тарафи йўқ, чин шунқор,  
Афсарни майдонда кўтариб урди.

Ҳамма қойил бўлди Ҳасан Қўлбарга,  
Бўлдими, деб Ҳасан жойидан турди.

Бек Гўрўғли мард Қўлбарни шайлади,  
Қўп сарполар ёпиб хушвақт айлади.  
Беш юз одам келиб Ёвмит элидан  
Чирсиллатиб барзангини бойлади.

Қўп сарполар ёпиб, энди шайлади,  
Полвонлар кеп бардор-бардор ийлади.  
Бек Гўрўғли жуда вақти хуш бўлди,  
Қўлбарни ҳам жуда хушвақт айлади,  
Лашкаримнинг олди шу деб сўйлади,  
Жаҳоннинг полвони деди Қўлбарни,  
Амалдан жаҳон полвони айлади.

Амал берди полвонларнинг боши деб,  
Лашкаримнинг олди Қўлбар киши деб,  
Амал берди, бўлди жаҳон полвони,  
Ҳасан Қўлбар энди лашкарбоши деб.

Ёвмитдан инъом қип ўттиз дийирман<sup>1</sup>,  
Беш юз ҳўкиз берди уч юз сийирман<sup>2</sup>,  
Қўп бўп кетди мард Қўлбарнинг, ёронлар,  
Паловман шўрвани есин ийирман.

Ҳасан Қўлбар жуда катта бўп кетди,  
Бек Гўрўғли жуда қўп инъом этди,  
Аччиғи ёзилди полвон Қўлбарнинг,  
Асл полвон қўп ҳунарлар кўрсатди.

Ана Ҳасан Қўлбар эътибор бўлди,  
Гўрўғлига энди арвоҳ ёр бўлди,  
Қайтар бўлди Холдорхоннинг давлати,  
Қрим эли Қўлбардан музтар бўлди.

Томоша қинг эр Қўлбарнинг ишини,  
Танҳо шу лашкарга баробар бўлди.

Томоша қинг эр Қўлбарнинг ишини,  
Бир ўзи банд қилди шунча кишини,

<sup>1</sup> Тегирмон.

<sup>2</sup> Сигир билан.

Қанча мақтов эр Қўлбарга муносиб,  
Кўзига кўрсатар Қўлбар мушини.

Холдорхон ҳам катта элнинг подшоҳи,  
Топсин-чи Қўлбарга лойиқ кишини,  
Энди кетди Холдорхоннинг мазаси,  
Танҳо еб боради бариң бошини.

Қрим эли эр Қўлбардан қўрққандан,  
Ҳамма унитибди ақл-ҳушини.

Зор йиғлайди Қрим эли Қўлбардан,  
Кўрмадик дер бундай кучлик кишини.

Ҳамма қойил бўлмай қайтсин, ёронлар,  
Кўриб турир эр Қўлбарнинг ишини.

Ҳасан Қўлбар майдондан обрўни олди. Афсар зангини йиқитиб, жаҳон полвони бўлди. Гўрўғли Қўлбарга жаҳон полвони амал бериб, чодир-жой, чаққон хизматкор маҳрамлардан, уқалайдигаң ходимчилар ҳам, яшил туғ, ола баргоҳ, асбоб-анжом жуда кўп берди. Қўлбарнинг камлиги қолмади. Вақти хуш бўлсин, деб ўзининг олдидаги катталарига, улуғ умароларига, ар-соб-оқсоқоллар, кайвонилар, баковуллар, тўқсабо, бийлар, эшик оғаси, додхоҳ, шундай катта амалдорларга қараб:— У, умароларим, энди сизлар бориб Ҳасан Қўлбарнинг амалларини, манзилларини қутли бўлсин қилиб келинглар, тағи сизлардан ўпкалаб юрмасин,— деб айтиб қўйди!

Ана энди Гўрўғлибекнинг лашкари, катаконлари битта-битта, ўнта-ўнта, тўп-тўп, эл-эл, ҳар қайсиси жапси билан гуруҳ-гуруҳ, тўда-тўда бўлиб қутли бўлсинга кела берди, муборакбодлик қила берди; бари шодмон, хандон кулиб-ўйнаб, яшил кийиб жайнаб бориш-келиш қилаётир. Ҳасан Қўлбар келганларга зиёфат устига зиёфат (бераётир). Ширин устидан шарбат, асалнинг устидан қанд-наввот, майизнинг устидан маска узум, қорамайиз, сояки; данакнинг устидан бодом, парварданинг устидан руста, ёнғоқнинг устидан писта; гўштнинг устидан кулчатой, шўрваннинг устидан тўғрама, паловнинг усти-



дан шулла<sup>1</sup>, борсанг тайёр ҳар пилла, хоҳ кундуз бор, хоҳ тулла, унинг устидан ширбиринч, кунига кетади уч ботмон биринч, товукнинг тухуми билан сариф мой, эрта билан аччиқ чой, унинг устига ширчой, берган нони ширдоғ, э шу кунлар Ҳасан Қўлбар бўлди. Ҳотамтой, бир хилига ёмаётир катта-катта сарпой. Ҳасан Қўлбар деган ерга Қрим қолди йўламай. Ҳасан Қўлбар жуда ўзидан кетган бўлиб ўтирибди, янги эр етган новвосдай. Гўрўглибек, Шодмон базм қуриб оломонга инъом бериб ётибди.

Ана энди Холдорхон подшо кўп хафа бўлиб, ичи ғамга тўлиб, қандай қилишини билмай, ҳеч кимнинг бетига кулмай, ўтирди уйин-кулги қилмай. Катта одамлари, маслаҳатдон кишиларни олиб келиб: — У, ёронлар ва эй вазирларим, кенгашдонларим, бизларнинг ишимиз кўп ўхшамайдиганга ўхшайди. Бир баҳодир одамимиз — олдимизга солганимиз Афсар эди, бу ҳам банди бўлиб соп бўлди. Энди бу ёқда ишонадиган ҳам йўқ, сизлар нима маслаҳат кўрсатасиз, — деб кенгаш ташлади. Шунда умаролари, амалдорлар бариси айтди: — Э шоҳи олам, султони боқарам, асло ғам еманг, Гўрўглидан ваҳм қилманг, бизнинг элимизнинг осойиши, кун кўргузувчи бир Афсар занги эмас, Афсар занги сиздай улуғ подшонинг бир нонхўри, хизматкори эди-да. У банди бўлса, бу ёқда ҳали Амлоқ бор, Самлоқ бор, Тўмбоқ бор, Қаллабой билан Чалабой, Маллабой бор, тақсир подшоҳим, асло ғам еманг. Уруш деган, жанг деганнинг расми шундай. Бир кун унинг қўли устун бўлади, бир кун бунинг қўли устун бўлади, доим бир ёқ бўлиб турмайди. Бизлар ҳали асло ваҳм емаймиз, бу ишларни иш ҳам демаймиз. Ҳали сизнинг қобирғангизда<sup>2</sup> шунча лашкар одамнингиз бор, нимага ваҳмлайсиз, кўнгилни у ёқ-бу ёққа юборманг, маҳкам бўлинг, ғайрат қила беринг, — деб подшони дадил қилдилар. Ана Холдорхон хазиналарини очиб, полвоиларини шайлаб, оломонни тўйдириб, у ҳам лашкарни боқа берди.

Энди оқшом ётди, эрта билан тонг отди, ернинг юзи мунаввар-равшан бўлди. Икки лашкар икки тоғдай бўлиб келиб, майдонда саф тортиб турди. Маҳкам бўлиб икки ёқ ҳам бир-бирига қараб ўз расми-русуми билан

<sup>1</sup> Шавла.

<sup>2</sup> Биқинингизда деган маънода.

таппа-тахт бўлиб турибди. Шу пилла Ҳасан Кўлбар югуриб майдонга келди, ўртага тушиб полвон талаб қилиб айтади:— У, уялмаган Холдорхон, энди сенинг нима ҳолинг қолди, қандай мажолинг бор, қани менга ҳариф юбор, сени кўрайин,— деб гулдираб турди. Гўрўғли бекларга қараб кулди, энди эр Кўлбарнинг эрлигини кўрасизлар, деб шод бўлиб турди. Унда оқсоқол, арбоблар: «Тақсир, у ҳам давлатингиз»,— деб туриб эди, Қримнинг лашкаридан ҳеч ким чиқмай, ширп этмай тура борди. Шунда Кўлбар маст бўлиб айтди:

Майдон деб келдинг албатта,  
Бунда келган кўп сап сатта,  
Ботир бўлиб келган, эрлар,  
Майдонга кел битта-битта.

Сен ҳам ботир, мен ҳам ботир,  
Майдонни эр гурсуллатир,  
Баринг менга нони патир  
Кел-ҳа, ботир, битта-битта.

Эрлигимни билдирайин,  
Келганингни ўлдирайин,  
Қора бағринг тилдирайин,  
Ажалли, кел битта-битта.

Тез-тез келинг майдон бўлсин,  
Ўзим тенгги полвон бўлсин,  
Майдоннинг юзи қон бўлсин,  
Полвонинг, кел битта-битта.

Саф тортиб бунда келганлар,  
Номдор баҳодир бўлганлар,  
Шоҳнинг инъомин олганлар,  
Умаронг, кел битта-битта.

Битта бўп кел, ўнта бўп кел,  
Юзта бўп кел, мингта бўп кел,  
Майдонни қизит-да, кўп кел,  
Баринг келинг битта-битта.

Тез-тез келинг, тез-тез келинг,  
Чин баҳодир хунрез келинг,

Құрқсангиз, барингиз келинг,  
Ҳамманг кел-қа битта-битта.

Құлбар бақириб, чақириб турибди, ҳеч ким келмай-ди. Шунда Ҳасан Құлбар:— У, учангдан ўлгур қримлик, нимага келдинг, не қилиб турибсан, майдонга урушаман деб келдингларми, ё қимирламай қараб тураман-да қўяман деб келдинглар?! Эса кўнгилларингни айтинглар, мен эшитайин,— деб гурсиллаб ўйнаб турибди. Энди Қрим лашкари айтди:— Нима маслаҳат қиламиз, бу баччағар бизга бало бўлди, буни қандай қиламиз. Ё ҳаммамиз бирдан от қўямизми?

Шунда бириси айтди:— Тўмбоқ одини киргизайик, қани кўрайик буни ҳам йиқармикан, зўрлик қиларми? Бир хили:— Тўмбоққа ҳам зўрлик қилади, ҳеч вақтда Тўмбоқ Афсарча эмас,— деб Қримнинг ҳамма каттаси Тўмбоқ полвонга эланди:— Энди сен кир, шу баччағарни бир кўр. Агар сени бостириб, зўрлик қилиб, сенга босим кела берса, бирдан югурсак, бир гап бўлар-да. Шу баччағар бизларга жуда-жуда таржиун бўла қолди. Ҳо, Тўмбоқ, сен ҳийла қилсанг, фириб-найранг қилсанг ҳам, бир нав қилиб шу баччағарни бир қулайлаб, бир бор солсанг, ҳаммамиз қутулиб қолар эдик. Бошқасидан ўчимизни жуда ўхшатиб олар эдик, буларнинг бошига не кунларни солар эдик,— деб Тўмбоққа ҳаммаси эланди. Тўмбоқ оди катта полвон эди, ноилож Ҳасан Құлбарга чиқмоқчи бўлиб, ўзига лойиқ асбобларни тайёрлаб, Ҳасан Құлбарнинг майдонига етиб келди. Буни Құлбар кўриб, майдонни полвона айланиб юриб, бир-бирига ёмон-ёмон қараб, иккови икки ёқдан фотиҳа олиб, (иккови тоза полвоннинг бориб тургани эмасми): «Бизларнинг ярашиғимиз кураш-да, бизлар милтиқ, қилич, найза, ханжар ишлатсак, полвонлик бекор кетади»,— деб икки полвон олишмоқни ўнғай кўрди. Иккови шу қулай, деб ўртада олишаётир.

Энди Тўмбоқ полвон майдонга кирди,  
Құлбар ҳам талаб қип жойидан турди,  
Иккови ҳам ҳаддан ошган полвонлар,  
Бир-бирини йўлбарсдай бўп гирд урди.

Емғир ёғса ҳалқоб ерлар лойланди,  
Савашда қўрқоқнинг қўли бойланди,

Майдонда иккови полвон забардаст,  
Бир-бирини йўлбарсдай бўп айланди.

Иккови ҳам тоза эрнинг эриди (р),  
Бир атоқли зўр подшонинг шериди (р),  
Бир-бирини йўлбарсдай бўп гирд уриб,  
Иккови ҳам ҳадсиз баҳодир эди.

Эр Кўлбар сиғинган яратган ҳаққа,  
Иккови ҳам эр бўп тушган ўртага,  
Айланишиб, чапланишиб полвонлар,  
Охиринда бўлди ёқама-ёқа.

Иккови ҳам тоғча ғайрат этади,  
Бир-бирини силтаб-силтаб отади,  
Ғайрат билан ҳа деб силтаб отганда  
Қаттиқ ерга тиззасидан ботади.

Силтамай киришиб салмоқ солганда,  
Тиззасидан ерга кириб кетади.

Икки ёқда икки лашкар, кўп одам,  
Икковига бари таҳсин этади.

Жангилмай эр Кўлбар айтган сўзидан,  
Обру тилаб яратганининг ўзидан,  
Полвонлар чираниб солмоқ солганда,  
Иккови ҳам кириб кетар тизидан.

У майдон қийиндир, осон деманглар,  
Йиқилгани умиди йўқ ўзидан.

Икки полвон ҳа деб жонин сотади,  
Кейнига минг одим суриб кетади,  
Бировини бири ҳа деб силтаса,  
Майдоннинг ерини ларзон этади.

Майдон деган ҳазил эмас, ёронлар,  
Қайсиси йиқилса, боши кетади.

Жуда ғайрат қилаётир полвонлар,  
Суришса майдонни тўзанг тутади.

Гана вақт итаришиб қувниша,  
Узлари чайгда кўринмай кетади.

Икки полвон дарёдай бўп тошади,  
Икки зўр майдонда инқиллашади,  
Бирови бирини силтаб отганда,  
Ун, ўн беш одимга бориб тушади.

Икки шохнинг қараб турган лашкари  
Икковига офаринбод дейшади.  
Икковининг зарби жуда ҳам ёмон,  
Полвонларнинг суяклари шовшади.

Ҳасан Кўлбар силтаб отса Тўмбоқни,  
Қримлик бари, ё пирим дейшади.

Иккови ҳам аждарҳодай, ёронлар,  
Шу майдонда бир-бириман жўшади.

Юрагин олдирди Қрим Ҳасандан,  
Силтай деса қримлик титрашади.

Ҳамма одамнинг икки кўзи майдонда,  
Кўлбарга Тўмбоқ зиёдроқ дейшади.

Ёвмит эли писанд қилмай бу сўзни  
Мазақ қилиб Тўмбоқни кулишади.

Майдон шудгор-шудгор бўлди,  
Иккита зўр дучор бўлди,  
Майдон қизиқ бозор бўлди,  
Полвонн эътибор бўлди.

Тўмбоқ ҳам жуда зўр экан,  
Кўлбарман баробар бўлди.

Иккови ҳам ҳаддан ошган,  
Наҳангман аждаҳор бўлди.

Тўмбоқ Қримнинг полвони,  
Унга ҳариф Кўлбар бўлди.

Иккови ҳам чин эр бўлди,  
Тарафсиз баҳодир бўлди,

Бир-бирини ушлаб отиб  
Олишган икки шер бўлди.

Иккови ҳам кўп олишди,  
Бадани фарққа тер бўлди.

Кўп олишди иккита зўр,  
Энди Ҳасан дилгир бўлди.

Сирин олди Кўлбар энди,  
Тўмбоқ иши тадбир бўлди.

Танги олишмоқ Ҳасанники,  
Тўмбоқники тазбир бўлди.

Ҳамма қойил мард Кўлбарга,  
Ҳасан Кўлбар чин эр бўлди.

Ҳасан Кўлбар чалим солди,  
Эр Тўмбоқни тортиб олди,  
Энди ҳийла қилолмади,  
Эр Тўмбоқ қисилиб қолди.

Қрим эли бари бирдан,  
Хушёр бўл!— деб шовқум солди.  
Чолиб келиб ушлагани,  
Бир хили шунда уялди.

Хўп, деди Ҳасан кўтарди,  
Тўмбоқни отиб юборди.

Ҳе, ҳе, ҳе деб Тўмбоқ йиқилди,  
Кўринг Ҳасан шер норди.

Турай деди, туролмади,  
Эр Кўлбар ҳам босиб турди.

Тўмбоқ у ёқ, бу ёғига,  
Турсам деб ҳийла қип кўрди

Устида Кўлбар турибди,  
Солмоғи тоғдан оғирди(р).

Бахти қайтди эр Тўмбоқнинг,  
Йиқилди-да, худой урди.

Мард Қўлбарнинг маҳрамлари,  
Эр Тўмбоқни бойлай берди.

Энди турғизиб жойидан  
Бекка қараб ҳайдай берди.

Мард Қўлбарни кийинтириб,  
Бек Гўрўғли шайлай берди.

Евмит-Таканинг беклари,  
Ма, деб сарпо тайлай берди.

Берган тўннинг барин Қўлбар  
Бир бўғчага жойлай берди.

Кўтарилиб Ҳасан Қўлбар  
Бақириб ҳай-ҳайлай берди.

Эр Ҳасандан қўрқиб Қрим  
Зор йиғлаб, вой-войлай берди.

Тағи тушди Ҳасан Қўлбар,  
Кел! деб талаб айлай берди.

Ҳеч ким Ҳасанга келмади,  
Сафни маҳкам бойлай берди.

Тез-тез кел деб Ҳасан Қўлбар,  
Ҳар нима деб сўйлай берди.

Қай полвонга чиққин деса,  
Ерга қараб ўйлай берди.

Бошин чайқаб ерга қараб,  
Бари таҳсин айлай берди.

Ана энди Ҳасан Қўлбар майдонда гурсиллаб, вағир-  
лаб, булутдай гулдираб, гуркираб:— Ҳў, қримликлар,  
нимага ундай қиласизлар, илгари кўҳналарингдан эшит-  
ганларинг йўқмиди, билганларинг йўқми: «урушда ту-

риш йўқ»; бундай қилиб ўтирсанглар, нимага келдинглар?! Ҳали нима бўлибди, ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ, ҳали ботирларнинг кўпига навбат ҳам келгани йўқ. Ҳали Гўрўғлибекнинг катта баҳодир, атоқли полвонлари, соҳибқиронлари, жаҳонгирлик даъво қилиб юрган шермардларининг навбати келган йўқ. Ул шерлар, йўлбарслар, юрт олгувчи жаҳонгирлар ҳали қараб турибди, у полвон шерлар, жаҳонгирлар майдонга келган сўнг бизлардай майдага майдон қайда?! Улар урушга келган сўнг бизлар шуларнинг молларини боқиб юрамиз сойда, ҳозир гап бизларники, ў қримликлар, менинг ишларимни уруш деманглар, булар тўй-да! Ҳали хурушни, урушни, мардумларингни қиришни, ор талашиб юришни у ёқда кўрасизлар. Ишнинг зўри ҳали кейинда турур. Улар келганча, менга ўхшаган чет ёқда юрганлар иш қилиб юри, агар улар қўзғолса, эшитмадим дема, қримлик, бировинг ҳам қолмайсан тири(к), ҳали бу майдонга келган йўқ-да эрларнинг эри. У, Қримнинг лашкари, полвонлари, бўз бола, юракли, серкуч, одамсиғанлари, нимага бундай қиласизлар. Шугинага шундай қилсанглар, уларига қандай қиласизлар. Уруш шундай бўларми, шундай қилиб урушганга ҳам одам полвон бўлса, кўнгли тўларми?! Ҳали иккитагина одамнинг кетибди, бунга бунча лабларинг шалвираб, қабоғларинг уюқ, бунинг несини ҳисобга ўтказасиз. Сизларга айтаман, тез-тез, қичаб-қичаб, чаққон-чаққон, эпчил бўлиб кела беринг, бекор турганча, эрмак-да. Майда-чуйдани улай-булай қўзғаб турамиз. Агарда биздан дурустроқ қорувли одамларинг келса, ундан сўнг биз ҳам у ёқдаги полвонларга навбат берамиз, ҳар кимнинг ҳоли етганча. Эшитмадим дема, менга ҳариф эмасинг келма, тез-тез кел,— деб Ҳасан Қўлбар гурсиллаб, ларсиллаб, бақириб, чақириб кел-ҳа, кел-ҳа деб турур. Ҳасан Қўлбарнинг бу сўзларини Қрим одамлари эшитиб, бир хили айтади: «Мана бунинг гапига қара, мен Гўрўғлибекнинг чапағларидан, четлаб-петлаб майдон қиладиган, катта полвонлар, шерлар, жаҳонгирлар ҳали кетинда деди, бу қандай сўз. Худой уриб чапағи Ҳасан Қўлбар бўлса, улар бўлмаган ерда майдон қилса, уларни келганда, бу шуларнинг молини боқиб юргувчи бўлса, ҳали шу пилла Ҳасан Қўлбарига жавоб беролмай ётирмиз, улари келса, қандай қиламиз...». Унга бир хили: «Бу Ҳасан Қўлбар бизларни қўрқсин, деб дўқ-вахшат қилаётир.



Бўлмаса, шу Хасан Қўлбардай полвон шу турган Чам-бил лашқари, Така-Евмитинг элида йўқ, бу одам эмас, бир бало-ку. Бунинг ишини ҳадди бор қилади. Бу яроқ олмаса, бунга яроғ тегса, кор қилмаса, бунга ўн одам, юз одам, худой билади, минг одамнинг кучи етмайди. Агар аччиғи келса, шу одамларни тезак тергандай этаклаб олиб кетади, бунинг нимасини айтасан, бу бизларга катта бало, бир офат, бундай балони ҳеч ким айтмас, ҳеч ким билмас ҳам. Энди бунинг иложини нима қиламиз. У, ёронлар, тавакқал-да, баримиз иттифоқ бўлиб, Хасан Қўлбарга бирдан жовлик ҳаммамиз бир от қўяйик. Бурунгилар айтган эмасми, шу масалага қаранглар:

Мўрчалар қилса иттифоқ  
Шери чиёнларнинг терисин сўяр.

Шул сўзга амал қилайлик, ҳайқир солиб, ҳаммамиз Қўлбарни ўртага олайлик, ё ўдайлик, ё олайлик. Шунга нима дейсизлар, оғайин», — деб маслаҳат қилдилар. Ҳаммага шу сўз маъқул бўлиб, бундай қилиб ўтирганча, ё нари бўлинг, ё бери бўлинг, деб Холдорхоннинг лашқари бирдан кема чўпгандай, ер тебрангандай, тоғ учгандай бўлиб, бирдан туғни кўтариб, карнайни тортиб, ноғора қоқиб, добилни туйиб, қош-қабогини уйиб, бари бирдан от қўйиб, шовқум солиб югурди.

Ана энди ҳай-ҳой, вой-вой, ур-ҳа, ур, ол-ҳа, ол, сур-ҳа, сур, жур-ҳа, жур, кир-ҳа, кир бир тало-тўп бўлиб, ер ларзонга келди, осмон айланиб, бу шовқумга жаҳон қулоғи кар бўлди. Ажал осмондан ёғиб, олтмиш яшар билан олти яшарнинг жони бир баҳо бўлиб, ажалнинг бозори қизиди. Қазо осмондан қараб, оғзига енгини тугтиб кулар эди. Ол энди куш-о, куш, ур-ҳа, ур, қир-ҳа, қир, ҳой-ҳой шовқумга жаҳон тўлди. Ҳеч ким ҳеч кимга қарамай, ота боланинг ҳолин сўрамай, ўз бошига уруш бўлаётир.

Етган лашқар катта селдай қўзғолиб,  
Бирдан от қўйдилар ҳайқирни солиб,  
Тоғ учгандай бирдан келди кўп лашқар.  
Қўйма деб Қўлбарни ўртага олиб.

Холдорхон қўзғолди, қўшини чопти,  
Қўйма деб ҳаммаси шовқумни сопти,

Бари бирдан дап қилибди Кўлбарга,  
Шунча кўшин келиб ўртага опти,

Бирдан чалган катта карнай пар-парлаб,  
Сурнайлар, рижжаклар — булар зар-зарлаб,  
Бирдан келди қизилбошининг кўшини,  
Жазойил, хитойча ўқи шар-шарлаб.

Қанғиллаган катта зумрад добиллар.  
Интилиб-келади не гўзал уллар,  
Бирдан келиб ўртага олди Кўлбарни,  
Не катта полвонлар маҳмудий филлар.

Жамъи лашкар бирдан энди югуриб,  
Гулдиратиб ернинг бағрин қувириб,  
Ур-ҳа, ур-деб, сур-ҳа, сур-деб кўп лашкар,  
Кўлбарнинг бошига ханжар сувириб<sup>1</sup>.

Бир қилич олган, бири найзадор,  
Ҳаммаси атоқли полвон аждаҳор,  
Бирдан чопди Ходдорхоннинг лашкари,  
Лашкар ўртасида қолди эр Кўлбар.

Бирини ўйдан, бирини қирдан дап қилди,  
Олсак деб жонини сотар кўп лашкар.

Бари билан олғи-бери қип турар,  
Узини олдирмай мард Ҳасан шунқор.

Бир одамнинг иши шунча, ёронлар,  
Кўп кўшин, танҳо кимдир баробар.

Кўйма дейди, шовқун солар тинмасдан,  
«Тайсаллама, ушла!» — деди шоҳ Холдор.

Ҳали кўли қизимайди Кўлбарнинг,  
Уҳ-ў, деб кулиб юрибди баччағар.

Шунча элга бирор ваҳм емайди,  
Димоғи чоғ бўлиб кулар, ёронлар.

<sup>1</sup> Суғуриб.

Ошиқмайин аста-аста қўзғолиб,  
Ҳали Кўлбар бир-бирига ҳазиллар.

Қизилбош (қўшини) ҳужум қилади.  
Ҳасан Кўлбар ҳали ундан беҳабар.

Уртага олиб шовқум чиқди осмонга,  
Кўтарса, ярқиллаб қиличман ханжар.

Олсак дейди, жон сотади, ҳа дейди,  
Кўлбарга ёнашиб бир неча эрлар.

Қўйма дейди, бари шовқум солади,  
Катта-кичик ҳарба қилар баробар.

Кўп қўшинга танҳо тушди мард Ҳасан,  
Энди аччиғланди, бўлди дарқаҳар.

Пўстиндан бир қўлни энди чиқарди,  
«Бир қўл бўлади-да, икки қўл не даркор».

Қараб турса, келган одам жуда кўп.  
Бу қўлни ҳам суғириб олди, ёронлар.

Икки енгни белга маҳкам бойлади,  
Инграниб бир фасил Кўлбар ўйлади,  
Энди Кўлбар икки қўлни кўтариб,  
Полвона қўшинга талаб айлади.

Энди Кўлбар дуруст тушди урушга,  
Ер тербаниб<sup>1</sup>, осмон қолди хурушга,  
Ҳали ҳам қўшинни ҳей деб кулади,  
«Мунов лашкар тайёр дейман бир ишга».

Ҳасан Кўлбар қовоғини уйди энди,  
Урушга лозимликларин кийди энди,  
Энди, энди аччиғи кеп Кўлбарнинг  
Қўл узатиб, мард қўшинга тийди энди.

Қирон қушдай чангал ёзди эр Кўлбар,  
Қизилбошнинг энди уйи куйди энди.

---

<sup>1</sup> Тебраниб.

Мушти билан аввал-аввал оралаб,  
Не эрларнинг миясини ўйди энди.

Ул уруши ҳазил экан аввали,  
Энди Кўлбар ҳазилини қўйди энди.

Ҳасан Кўлбар энди майдон этади,  
Ким тушса қўлига ушлаб отади,  
Кимни силтаб отса Кўлбар, ёронлар,  
Эҳ-ҳе дейди, типирламай этади.

Лочин қушдай жалтанглайди ён-ёққа,  
Олғир қушдай тикилганга этади.

Бир полвонни кўзлаб қувса эр Кўлбар,  
Етганча нечавни тегиб кетади.  
Тепгани ҳам кам-кам одам бўлмаса,  
Ўлмаса шуни майиб этади.

Ушлаб олса агар, қўли илинса,  
Ҳаялламай силтаб кўкка отади.

Катта -катта полвонлардан отади,  
Осмонда кўпи кўринмай кетади.

Қизилбошнинг ўз-ўзлари мақтайди,  
«Кўлбар отса, шу осмонга этади».

Йиригини<sup>1</sup> ушлаб олиб отмаса,  
Майдасин пийпалаб поймол этади.

Шуйтиб юрив кўп одамни қувалаб,  
Жуда зўрни кўп бўлса ҳам нетади.

Қаёққа қараса, Кўлбарнинг бети,  
Туролмайди олди-қочиб кетади.

Энди Кўлбар қизиб, қизиб боради,  
Бир имтилиб, сафни бузиб боради.  
Ҳар тарафга қўл узатиб эр Кўлбар,  
Ушлаганнинг бўйнин узиб боради.

<sup>1</sup> Қўлэзмада *ирисини*.

Кўп қўшинман Кўлбар ишлаб турибди,  
Қизилбош соб бўлиб, тўзиб боради.

Чопишиб, қувишиб, ҳа деб пишнашиб,  
Югурса, эр Кўлбар ўзиб боради.

Каттақонин ушлаб отар осмонга,  
Қичкинасин ниқтаб, эзиб боради.

Шунча қўшин ололмайди, ҳа дейди,  
Бир Кўлбароқ юртни бузиб боради.

Шунча ҳа деб ололмайди Кўлбарни,  
Қизилбошлар ҳориб, озиб боради.

Ўртага олса, олдирса экан бу Кўлбар,  
Ҳа-ҳалаб қулочин ёзиб боради.

Олғир қўшдай Кўлбар полвон қуйилиб,  
Мард Кўлбарнинг қобоқлари уйилиб,  
Бир Кўлбарни ололмади шоҳ Холдор,  
Қўшйниман ҳамма ҳа деб жийилиб<sup>1</sup>.

Қизилбошлар бари дод деб йиглайди,  
Ўзин асл тирларига сийиниб<sup>2</sup>.

Шунча қўшин бир ёқ, Кўлбар бир ўзи,  
Шуйтиб-юрур кўп қўшинга тийиниб<sup>3</sup>.

Холдор подшо кўрди Кўлбар ишини,  
Ололмади олиб келган қўшини,  
Шунча қўшин бари ҳа деб от қўйса,  
Ҳеч нима қилолмай битта кишини.

Ҳасан Кўлбар шу кун соҳибқирон бўп,  
Қизил қип бўяди тоғнинг бошини.

Ҳаммасига бошин чайқаб айтади,  
Қолдирмасдан ёйман деди қўшиниги.

<sup>1</sup> Йигилиб.

<sup>2</sup> Сийиниб.

<sup>3</sup> Тегиниб.

Бир хилини сўкиб айтар эр Кўлбар,  
«Эр бўлсанг, кўрсат-да менга-ишингни».

Баринг келиб мени олдинг, қизилбош,  
Хўп билибсан бойлаб олар кишингни».

Бақриб: «Холдорхон! — деди мард Кўлбар, —  
Узим кесаман», — деб сенинг бошингни.

«Энди, Холдор, тоза фаҳм қинг билдингми,  
Уйла ўзингга йиғиб олиб хушингни.

Бари келиб бир Кўлбарни не қилди,  
Кўрдингми, Холдорхон, шунча кишингни.

Менинг ҳам ишимни, подшоҳ, кўрдингми,  
Бўядимми қизил қонга-дашингни?!

Сизлар кўпсиз, мен бир одам, Холдорхон,  
Жуда қизиқ қилдингми, савашингни.

Шуларми эр деб, шер деб ҳақ бердинг,  
Танти бўлсанг, мардга-бер-да-ошингни.

Ана энди қолдим дема армонда,  
Қочмаси деб қила бер савашингни».

Ана энди шунча ишлар бўлиб юрур, шунча лашкар  
Кўлбарнинг қасдига келиб юрур, бу кавак баччағар  
ҳазилнинг курсин, деб юрур, бир хилини урсам, ўлиб қо-  
лади, деб юрур, бўлмаса, Кўлбарнинг жуда аччиғи кеп  
юрур. Лекин эр Кўлбарнинг айтгани бўл юрур. Қўшин  
кўп эмасми, олди-ортининг ҳисоби йўқ, кўп лашкар, кўп  
маҳкам. Ҳасан Кўлбар чиқаман деб ҳар ёққа қараб ки-  
риб юрса ҳам, бир кунда чиқа олмайди. Шундай қалин-  
да қолган, тўрт тарафни ҳам қизилбош қуршаб олган.  
Кўлбарнинг теварағи жуда-жуда маҳкам бўлган. Лекин  
Кўлбар эр-да, эрдан ўтиб кетган шер-да. Бўлмаса,  
одам шунча кўп бўлган сўнг, кўнда хосият ҳам кўп.  
Кўшнинг бир неча хислатлари бор. Барининг кўзи Ҳа-  
сан Кўлбарга ола-ола бўлса ҳам, қандай қилсин, бир  
ола бермайдиган бало. Агар бунга ҳийла қилмаса, эр-  
лик қилиб ололмайди. Ҳасаннинг асли дев, бу одам

эмас, бунга ҳеч одам тенг келмас, ҳеч вақтда одамзод  
деври банди қилиб олмас. Бари қизилбошларнинг қас-  
ди шу Ҳасан Кўлбарни банди қилиб олса, ё ўлдирса,  
икковининг бири бўлса; Ҳасан Кўлбар бўйин бермаётир.  
Ана шундай қилиб, тенг тарози бўлиб турибди:

Уруш бўлди кўп қатти (қ),  
Ҳар тарафдан ўқ отди,  
Теваракни қуршаб оп  
Мард Кўлбарни тўхтатди.

Энди ўртага олади,  
Гурзи, ханжар солади,  
Эр Кўлбарни олсак деб,  
Кўп тадбирлар қилади.

Сонсиз қўшин ҳа деди,  
Имтил ўлдингми деди,  
Ўртага олиб Ҳасанни,  
Энди чиқарма деди.

Ҳасан уриб бузади,  
Босиб пийпаб эзади,  
Ушлагагин эр Кўлбар,  
У ҳам бўйинин узади.

Кўлбар қилди хурушди,  
Шуйтаб мард бун урушди,  
Шунча элга мард Кўлбар,  
Баракалла, турушди.

Кўп қизилбош Ҳасаннинг  
Қасдин олиб юришди,  
Қизилбошлар Ҳасанга  
Қилсак дейди бир ишди.

Эр Кўлбарни олсак деб,  
Қилич билан чопсак деб,  
Бир хиллари ўнгғайлаб,  
Бирор чалим солсак деб.

Бари бирдан ҳа деди,  
Бир йиқитиб олсак деб.

Сардор ўзин бермайди.  
Айтганига юрмайди.  
Бир хилини мард Кўлбар  
Қўли билан сермайди.

Ушлаганин отади,  
Тушган ерда ётади.

Тепиб кетса эр Кўлбар,  
Аңча юмалатади.

Майдаларин босиб оп  
Пийпаб, лийпаб кетади.

Лочин қушдай эр Кўлбар  
Тингилганга етади.

Мардин кўзлаб қувади  
Ушлагандан отади.

Ҳисоби йўқ қўшин-да,  
Шуйтиб қирғин этади.

Шовқум солиб кўп лашкар,  
Улар ҳам жон сотади.

Ушлаб олсак дейди-да,  
Қилич, милтиқ отади.

Қайтсин кучи етмаса,  
Тоза зўрни нетади?!  
Шуйтиб Кўлбар қўшинда  
Тоза зўрлик этади.

Кўлбар вақти хуш бўлди,  
Кўп қўшинга дуч бўлди,  
Қўшин келди Кўлбарга,  
Бу ҳам аралаш бўлди.

Қизилбошлар қирилди,  
Ўлик десанг чош бўлди.  
Юмалаган ерларда  
Тошдай бўлган бош бўлди.



Шу қирғинни кўрганга  
Жуда қизиқ иш бўлди.

Кўлбар юрар аралаб,  
Яхшисини саралаб,  
Ҳа деб қириб боради,  
Емонини яралаб.

Ҳа деб қочар қизилбош,  
Эр Кўлбардан моралаб.

Кўлбар кел-ҳа, кел деди,  
Келиб кўлинг ол деди,  
Ҳариф бўлсанг, Холдорхон,  
Бир бетма-бет бўл деди.

Бу кўшинга ишонма,  
Энди ўзинг кел деди.

Ҳа сеними, -сени деб,  
Билмайсанми мени деб,  
Не деб келдинг бу ерга,  
Олишганинг қани деб.

Кўлбар кўлин солади,  
Етса ушлаб олади,  
Ерга урар қайтариб,  
Талқон, талқон қилади.

Ҳар ким тушса кўлига  
Омон йўқ, тайини ўлади.

Кўп кўшиннинг ичида  
Кўлбар отдай елади.

Ботир Кўлбар юрибди,  
Қизилбошни қирибди,  
Кўп кўйни бир оч бўри  
Қиргандай бўп турибди.

Энди Кўлбар маст бўбди,  
Тоза худой урибди.

Қизилбошлар ўйлайди,  
Қилсак деб бир фирибди.

Кўп одамлар қирилган,  
Қизилбош энди жирибди.

Нима бўлса эр Қўлбар,  
Худойдан кўрибди.

Қўлбар юрур маст бўлиб,  
Кўп душманга қасд бўлиб,  
Баланд келди эр Қўлбар,  
Қизилбошлар паст бўлиб.

Кимни урса эр Қўлбар,  
Қолар индамас бўлиб.  
Етса ўтар ўлдириб,  
Қолар ерман дўст бўлиб.

Ботирлари кўп кўрди,  
Энди йўламас бўлиб.

Ҳар ёрига юради,  
Етганини қиради,  
Шунча сонсиз қўшинни  
Қириб-ютиб боради.

Улар гурзи оп келса,  
Бул муштиман уради.

Мушти тегса ҳар кимга,  
Теккан ерин ёради.

Маст бўлиб эр Қўлбар,  
Қўшиннинг додин беради.

Қизилбош ҳам ҳайқир соп,  
Уртага олиб кўради.

Олди ҳуркиб бормайди,  
Ортидан итаради.

Сира ўзи бормайди,  
Итариб еткиради.

Қайтсак дейди қизилбош,  
Бариси оҳ уради.

Неча шумлик ўйлайди,  
Кўп ҳийла қип кўради.

Сира айтгани бўлмайди,  
Тақдирга тан беради.

Тақдирига қойил бўп,  
Қайтсин қарашиб туради.

Қаёққа Кўлбар қараса,  
Олди қоча беради.

Қочмаса-чи, бу борса,  
Нақ манақ<sup>1</sup> уни қиради.

Қизилбошлар бўп қойил,  
Отди милтиқ, жазойил,  
Қор қилмади Кўлбарга  
Доим иши бир зайил.

Бизга Кўлбар бўлди дер,  
Баримизга азройил.

Кўлбар ҳар ёқ чопади,  
Чопиб душман топади,  
Кўп қўшинни эр Кўлбар,  
Жундай қилиб савади.

Холдорхоннинг кўп эли  
Шуйтиб қирғин топади.

Кимни урса мард Кўлбар,  
Бориб ерни қопади.

Шуйтиб қўшин Кўлбардан  
Жуда қирғин топади.

Остин-устун бўп қолди,  
Аввал бирдан кеп қолди.

---

<sup>1</sup> Нақд-банақд.

Келганига қизилбош  
Кўп пушаймон еб қолди.

Чет-четроқда юргани,  
Эр Кўлбардан муфт қолди.

Аввал-аввал келгани,  
Қонга ботиб бўп қолди.

Қонга ботмай найласин,  
Устига Кўлбар кеп қолди.

Кўлбар юрур нордай бўп,  
Ҳар яғрини қирдай бўп,  
Қаёққа юрса эр Кўлбар,  
Қалин-суюқ бирдай бўп.

Холдорхоннинг лашкари  
Қолди қора ердай бўп.

Кўрса қўшиннинг кўпини,  
От қўяди шердай бўп.

Иркилиб тўхтаб қолади,  
Қўшин-да, олди ўрдай бўп.

Баб-баробар Кўлбарга  
Ҳамма ери бирдай бўп.

Майдон ҳаддидан ошиб,  
Кўлбар дарёдай тошиб,  
Қизиқ қирғин бўп қолди,  
Ул отадан адашиб.

Ҳамма қойил Кўлбарга,  
Урушига қарашиб.

Сап қизилбош ўлдим деб  
Юрибди зор йиғлашиб.

Энди буни қайтсак деб  
Бир-бирига мунглашиб.

Кўриб барни қирганин,  
Ақилидан адашиб.

Бундай қирғини бўлди деб,  
Кўп ҳам одам ўлди деб,  
Бундай бало бизларга  
Қайси ёқдан келди деб.

Қандай офат, ёронлар,  
Қушин ода бўлди деб.

Соп бўлди-ку шунча одам,  
Энди нима қолди деб.

Зор йиғлайди қизилбаш,  
Қрим эл соп бўлди деб.

Баримизни бир одам  
Ерман яксон қилди деб.

Сонсиз одам қирилди,  
Ботир Кўлбар бурилди,  
Кўлбар сира қўрқмайди,  
Кўп ёғига урияди.

Эр Кўлбарнинг кўзига,  
Кўп одам оз кўринди.

Ҳасан Кўлбар бир одам,  
Узинг обрў бер энди.

Бақиради шовқум соп:  
«Кўлбарни энди кўр энди.

Гўрўглига Қримни  
Холдорхон шох, бер энди.

Гўрўглига сен берсанг,  
Омон-эсон юр энди.

Бермасанг тартиб оламан,  
Зўрлигимни кўр энди.

Менинг отим Кўлбарлар,  
Холдорхон таний бер энди.

Қани менга келсанг-чи  
Бўлиб баробар энди.

Ҳасан Кўлбар мен ўзим  
Чилладаги нор энди.

Кўшинингга, элнигга  
Ўзим баробар энди».

Уруш, қирғин ҳаддан ошиб,  
Холдорхоннинг ақли шошиб,  
Мард Кўлбарни ололмади,  
Шунча лашкар қамоқлашиб.

Жуда ёмон уруш бўлди,  
Ота боладан адашиб.

Уруш бўлди бўлак-бўлак,  
Холдор бўлди бекор ҳалак,  
Эр Кўлбарни ололмади,  
Кеч бўлди ҳам саван талаб.

Сен қилдинг деб, сен қилдинг деб,  
Бир-бировидан ўпкалаб.  
Бир хиллари қочаётир,  
Кўрмасин дейишиб чеккалаб.

Шунча қўшин ололмади,  
Ҳасан Кўлбарни яккалаб.

Файрат қилди кўп жадал қип,  
Бўлгандай дарё лаббалаб.

Холдорхон кўп хафа бўлди,  
Вазирларин койини қилди:  
— Баринг бирдан от қўйгин деб,  
Шу маслаҳат сиздан бўлди.

Ана эйди ололмадинг,  
Ҳам дўсту душман билди.

Бир одамни не қилди деб,  
Бек Гўрўғли мазмун қилди.

Энди баринг ўлинг энди,  
Ерман яксон бўлинг энди,

Ё ўлинг, ё қолинг деган  
Ваъдангизни қилинг энди.

Биринг қолмай, баринг ўлинг,  
Шу букун бир ёқли-бўлинг,  
Ё ўлинг, ё қолинг энди,  
Шу Кўлбарни ушлаб олинг.

Кетди менинг номус-орим,  
Қолмади сабру қарорим,  
Шунча қўшин, бир одамга,  
Тенг келмаса шу лашкарим.

Ҳасан Кўлбар битта бўлса,  
Менинг шунча полвонларим.

Гўрўғли жўрттага қилиб  
Келмай турур, ёронларим.

Қани шулар қайтади деб,  
Билмакчи-да ҳар на борин.

Менинг ҳолим маълум бўлди,  
Ҳолим билди душманларим.

Бир одамни ололмадик,  
Қани менинг шоҳликларим.

Энди беклар, ўлган яхши,  
Ерман яксон бўлган яхши,  
Буйтиб шоҳ бўп лашкар қилиб  
Юргандан подабон яхши.

Подшоларга хизмат қилса,  
Ҳақиқатли полвон яхши.  
Холдорхон энди соп бўлди,  
Бу лашкардан карвон яхши.

Қаттиқ кун туғди бошима,  
Шум паймана тўлган яхши.

Лашкар қилиб бу урушдан,  
Аввал бўйинсунган яхши.

Подшо шоҳман уруш қилса,  
Қочмай уни енгган яхши.

Энди мени қўйинг, беклар,  
Гўрўғлини суйинг, беклар,  
Гўрўғлига хушомад қип,  
Сарпойини кийинг, беклар.

Гўрўғлибек кўп зўр бўлди,  
Йигитлари ҳам эр бўлди,  
Холдорхондан умид узинг,  
Холдорхон қора ер бўлди.

Бек Гўрўғли шоҳдан бўлди,  
Холдоршоҳ кампир бўлди.

Беклари хотиндан ёмон,  
Ярамас дардисар бўлди.

Полвонлари етим каби  
Уйма-уй дарбадар бўлди.

Ҳеч гап энди даркор эмас,  
Холдорхон чиппа кар бўлди.

Бу шоҳликдан ўлган яхши,  
Бизга ўлим даркор бўлди.

Орга берган мард бошини,  
Холдор бошдан безор бўлди.

Бизнинг лашкар, беклар, полвон  
Бугун итдан батар бўлди.

Ҳасан Қўлбар ёлғиз ўзи  
Барин қириб кетар бўлди.



Молдай ҳайдаб, барин энди  
Гўрўғлига элгар бўлди.

Бу лашкар энди йўқолсин,  
Холдорхон қаландар бўлди.

Шунча элга Ҳасан Қўлбар,  
Бир ёлғиз шеру нор бўлди.

Мендан бахт қайтди, ёронлар,  
Гўрўғлига ёвар бўлди.

Мен энди шоҳликни қўйдим,  
Қаландар бўп кулоҳ кийдим,  
Подшоликни талоқ қилдим,  
Энди гадойликни суйдим.

Менга жон ҳам керак эмас,  
Ширин жондан бутун тўйдим.

Ор-номус кетди қўлдан,  
Мен орнинг ўтига қўйдим.

Қўйдим энди кирдоримни,  
Бердим душманга боримни,  
Энди мен кечдим баридан,  
Синаб кўрдим лашкаримни.

Холдорхон дер бўлдим энди,  
Орга куйиб ўлдим энди,

Йигит, лашкар бўлди энди,  
Юртга (маълум) бўлдим энди.

Ана энди Холдорхон подшо бу сўзларни айтиб, жамий умаросидан, вuzаросидан, уламосидан, фузалосидан, жамий амалдорлари: ҳудайчи, саркарда, лашкарбоши, туғбеги, қўрчибеги, хазиначи, эшикоғаси, дотхо, бий, тўқсабо, мирохўр, жевачи, қоровулбеги, мирзабоши, чўроғаси — баридан юз қайтариб, жамий катта полвонлари, саркарда, вазирларига итоб қилиб:— Менинг сиримни жамий оламга билдирдинг, боя<sup>1</sup> баринг кел-

<sup>1</sup> Қўлэзмада *богана*.

май, беш минг, үн минг бўлиб келиб уришиб, қочиб борсанлар ҳам айб эмас эди. Нимага? Уруш-да, гоҳ қувади, гоҳ қочади, унга сипоҳилар амал қилмайди. Сизлар баримиз бирдан югурамыз, дединлар, менинг ҳам туғимни олиб юрдинлар; энди яқиндаги, узоқдаги дўст бор, душман бор, улар эшитиб, Холдорхон подшо катта лашкари билан, шундай кишвари билан, жамий оломон навқари билан, доим элнинг олдига тушган полвонлари билан бир кун ҳа, деб бир одамни ололмабди деса, бизнинг подшоҳ, улуғлигимиз, мунча лашкар воғир-вуғир, шаън-шавкат, ҳайбат, сиёсат — бари бир пул бўлди, балки унга ҳам ярамай, арзимас бўлди. Гўр-ўғлибекка қарамайсизларми, бир одамни ҳам юбормай турур. Қўлбарни ёмон кўрарми, йўқ ундай эмас. Гўрўлибек қани кўрайин, Қрим элинда мард бормикан, ё йўқмикан деб турибди-да. Бўлмаса, Ҳасан Қўлбарга салғинга зўр ошса, дарров лашкар юборади. Қараб турибди. Ҳасан бизларга боғлиқ бўлиб, зўрлик қилиб юрибди. Шуйтиб бизни, жамий лашкаримизни мазақ қилиб кулиб турибди-да,— деб Холдорхон жуда-жуда хафа бўлди. Кўп элдорларини койиш қилиб бекор қилди. Кўп полвонларини жуда кўп сўқди.

Ана энди Холдорхон подшонинг катта кайвонилари, маслаҳатдонлари, улуғлари — бариси кўп панд-насиҳатлар қилиб айтди:— Тақсир подшоҳим, валлакатим, сиздан бу оломонга бу койиш ҳам даркор эмас; бу бечоралар сизни деб бош бериб, қон сочиб, жон бериб юрибди. Асло ками йўқ. Бу одамларнинг, лашкарнинг, умаро, амалдорнинг бариси жон сотаётир, ҳа деб урнайди, биттаси қараб турибми?! Узингиз кўриб турибсиз, қандай қилсин, бўлмаса, у баччагар девга кучи етмаса. Тақсир подшоҳим, одам ҳам эмас, дев ҳам эмас, бу бизларга келган жон олғувчи азроил, бунинг ҳеч иложи йўқ, бу бир пўлатми, ҳафтжўшми, ё чўянми<sup>1</sup>, шундай бир бало. Бўлмаса, харба кор қилмаса, қилич ўтмаса, ўқнинг кучи етмаса, рўйин-танми?! Шундай бир балоси бўлмаса, шунча лашкар билан, шунча полвон билан бир кун узунга майдон қилиб, қаттиқ талотўп бўлди, бирор мункаймайди, ё ҳоримайди. Бунинг нимасини айтасиз, бу бир офат ё ажалнинг ўзи, буни ҳеч кимнинг кўзи кўрган эмас, балки эшитиб билган ҳам

<sup>1</sup> Қўлёмзада *чўйинма*.

эмас. Ҳеч ким айтмайди, фалон вақтинда шундай бир одам бир лашкарга бир ўзи зўрлик қилибди деб, ҳеч эшитасизми?! Кўра-била шунча кўп лашкарга бир ўзи зўрлик қилиб ўтирибди. Шунча одам ҳа деб зўр беради, тўп бўлиб ўртага олади; тош демай, табар демай, қилич, ханжар демай, ойболта, пичоқ демай, гурзи, калтак демай. Бунга ҳеч нарса ўтмаса, олишса кучи етмаса, ё булар кўп деб қочмаса, одамни ўлдирмоқдан зерикмаса, ё чарчадим деб бир фасл дамани олмаса, бун қандай қилади?! Энди унинг ҳеч иложи йўқ. Бизлар аввал айтиб эдик:— Баримиз борсак, бир минг, икки минг бир қўлига тармашсак, бир минг, икки минг бир қўлига тармашсак, бир минг, уч минг белидан, беш юз, олти юз бир оёғидан, беш юз, минг ё кўп, ё оз бў оёғидан олсак, ҳар қандай бўлса кўп эмасми, кўплаб ҳаммамиз уйтиб-буйтиб бир йиқсак деб эдик-да. Ана энди ўзингиз кўриб турибсиз. Ҳеч кимнинг кучи етмаса, қанча бор одам оёғининг остида пачоқ-пачоқ. Бу икки тусли қирғин қилади: қўли билан силтаб отади, оёғи билан пийпаб ўлдириб кетади; баччағарнинг қўлидан оёғи ёмон, оёғи билан жуда кўп одамни нобуд этади. Армонсиз қўшин ҳа дейди, кучи етмаса нетади? Бўлмаса Ҳасан Кўлбарни бу ерда ким аяб турибди, ўлдирсам деб жонининг борича саъи этади, кучи етмаса, урган ҳарбаси ўтмаса, ўқ жазойил бир ерин яра этмаса, бунинг чарчаб қойиб дармони кетмаса, қандай қилади,— деб подшоҳнинг ўтини паст қилдилар.

Ана майдон ҳаддидан ошди, жуда кўп одамлар отидан учди, Ҳасан Кўлбар куни билан қип-қизил қон кечди, бир қўшин билан ҳе олишди, жуда солишди.

Кўлбар қилди ғайратди,  
 Кўринг Кўлбар жаллотди,  
 Танҳо ўзи урушда  
 Кўп одамни қийратди.

Ҳасан Кўлбар кулади,  
 Одамларни бўлади,  
 Ҳар ким тушса қўлига  
 Ҳаёлламай ўлади.

Наъра тортар гурсиллаб,  
 Тўлган майдон чарсиллаб,

Танҳо ўзи ўртада  
Кўк ғунондай арсиллаб.

Шу майдонда тепинса,  
Ерга оёғи тарсиллаб.

Қўлман солса ошириб,  
Мушти тегар тарсиллаб.

Эр бўп Ҳасан юради,  
Аямасдан қиради,

Кўп қўшинни бир ўзи,  
Зўрлик қилиб уради.

Не ботирман деганнинг  
Ҳасан додин беради.

Сира кейин қайтмайди,  
Илгарилаб юради.

Кўп қўшинни кўзга илмай,  
Қириб-жўйиб боради.

Қўлбар энди маст бўбди,  
Булутдай наъра уради.

Қошида йўқ жўраси,  
Якка-танҳо юради.

Кўп қўшинни бир ўзи,  
Зўрлик қилиб уради.

Ўзи маст бўп кетибди,  
Қириб-жўйиб юрибди.

Шунча элдир, кўп лашкар,  
Зўрлик қилиб юрибди.

Шунча элни бир ўзи  
Кўзга илмай турибди.

Адади йўқ кўп элдир,  
Учдан бирин қирибди.

Қирғин ҳаддидан ошди,  
Ловуллаб ўтдай туташди.

Танҳо ўзи эр Қўлбар,  
Ҳақ деб қирмоққа тушди.

Ҳасан қаёққа югурса,  
Олди бузила қочди.

Қочмай қайтсин бебахтлар  
Қирғин ҳаддидан ошди.

Қизиб Ҳасан ҳа деди,  
Енар ўтга туташди.

Армони йўқ, кўп элман  
Танҳо ўзи савашди.

Ҳасан юрур гурқираб,  
Саф-басафга фирқираб,  
Муштман урса ҳар кимни  
Майда қилар тирқираб.

Кимни ушласа эр Қўлбар,  
Вой-войлайди чирқираб.

Полвон Ҳасан имтилса,  
Олди қочар зирқираб.

Бир ниқтаса эр Қўлбар,  
Миясн қолар бирқираб.

Ботир бўлсанг кел дейди,  
Ҳайқиради варқираб.

Кўп қўшиннинг ичинда  
Елғиз ўзи ярқираб.

Бир Ҳасаннинг ваҳмидан  
Холдорхон қопти қалтираб.

Ҳасан қайтмас йўлидан,  
Қўрқмай душман элидан.

Етиб кимни ушласа,  
Қутула олмас қўлидан.

Бир хилини ушлайди,  
Чопиб бориб белидан.

Бирор ҳариф чиқмади  
Шундай Қрим элидан.

Оққан қон зиёд бўлди  
Қўклам сойнинг селидан.

Ҳлик қолди айқашиб,  
Қирғин ҳаддидан ошиб,  
Кўп қўшинман эр Қўлбар  
Танҳо ўзи жой босиб.

Пиёда уруш бўлди,  
Ҳай кекирдак сийпашиб.

Қўл кўтариб мушлашиб,  
Не полвоилар ушлашиб,  
Сиқиб олиб белидан,  
Сиртидан чалиб ташлашиб.

Кўп қўшинман бир ўзи  
Юрур жуда тишлашиб.

Қўлбар ёнган ўт бўлди,  
Чиққан дами дуд бўлди,  
Не бир менман деганлар  
Келиб бетма-бет бўлди.

Юлиб олди қўлини,  
Танида қолган бут бўлди.

Ҳасанга тўғри боролмай,  
Қиялаб қабат бўлди.

Киролмайин тўдага,  
Юрган ери чет бўлди.

Ҳасан мечкай хўкиз бўп,  
Қримлик эранг ўт бўлди.

Кўлбар ошди ҳаддидан,  
Иши қабоҳат бўлди.

Қизилбошнинг шўл куни  
Ўз томири ёт бўлди.

Ҳасан бўлди тарафсиз,  
Жуда азамат бўлди.

Холдорхоннинг шўл куни,  
Ичи тўлган дард бўлди.

Қримнинг ҳамма полвони,  
Дам бўлиб фирт-фирт бўлди.

Ҳасан Кўлбар шер ўзи,  
Қўймоқлиги шарт бўлди.

Қримнинг шунча одами,  
Ҳаммаси номард бўлди.

Шунча лашкар, ёронлар,  
Шўл куни гард-гард бўлди.

Ҳасан омон юрибди,  
Қирилган Қрим юрт бўлди.

Қувиб юрир эр Кўлбар,  
Жуда баҳайбат бўлди.

Уруш бўлди кўп қатти (қ),  
Жуда эрлик кўрсатди.

(Кўп) қўшинни бир ўзи  
Ҳасан танҳо қўрқитди.

Бўлишмади Гўрўғли,  
Танҳо ўзини этди.

Шунча элга эр Кўлбар,  
Эрлигини кўрсатди.

Шунча эрлик қилмаса,  
Гўрўғли бермас суръатти.

Ҳасан олдин очди энди,  
Дарёдай бўп тошди энди,  
Тайсалламай кўп элга,  
Аканг деб Кўлбар тушди энди.

Бу қирғинни ким кўрса,  
Қўрқиб юраги ишди энди.

Олди-олди бузилиб,  
Кўринг Ҳасандан қочди энди.

Ҳасаннинг келган ғайрати,  
Кейнидан қувиб тушди энди.

Ҳаммаси ҳам қочмоқчи,  
Номус-ордан кечди энди.

Энди қочмаса бўлмади,  
Улар ҳам қўрқишди энди.

Кўрди ўлик ҳисобсиз,  
Юраклари ишди энди.

Қайтарини билмайин  
Қизилбош ақли шошди энди.

Холдорнинг анғи узилди,  
Саҳролари қизилди (р),  
Кун ботганча солишди,  
Тарқаб, қўшин бузилди.

Не бир манман деганнинг  
Калласи тандан узилди.

Бир Ҳасаннинг ўзига,  
Холдорхон шоҳ эзилди.

Кўрққанидан гап ҳам йўқ,  
Шоҳнинг кўзи сузилди.

Туролмайин қизилбош,  
Ен-ёққа қўшин бузилди.  
Бир-бирининг ортидан  
Қизилбош қочиб тизилди.



Кўлбар энди эр бўлди,  
Эрдан ошган шер бўлди,  
Бар подшонинг элига  
Танҳо баробар бўлди.

Холдорхон улуг подшоҳ,  
Жуда ҳам абгор бўлди.

Холдорхондай бир подшоҳ,  
Ерман баробар бўлди.

Сира ками қолмади,  
Ҳасан Кўлбар зўр бўлди.

Ҳасандай (мард) қайдади (р)  
Қизилбош войвайлади,  
Адади йўқ қўшинни  
Ҳасан қувиб ҳайдади.

Эр Кўлбарнинг ишига,  
Холдорхон кўп ўйдади (р).

Ҳа деб Ҳасан суришди,  
Кўлбар қилди хурушди,  
Чоштгоҳ эди боргани,  
Куи ботганча урушди.

Шунча қўшин, кеч бўлди,  
Қилмади бар ишди.

Кун кеч бўлди, кеч бўлди,  
Кўлбар жуда ўч бўлди,  
Шунча қўшин ҳа деди,  
Барин қилгани ҳеч бўлди.

Катта-кичик бариси  
Бирдан қоч-а-қоч бўлди.

Кўп иш қилди урушда,  
Ҳасаннинг қорни оч бўлди.

Қўшин қочди дуркираб,  
Қувиб юрир гуркираб,

Қимни Ҳасан ушласа,  
Зор йиғлайди чирқираб.

Қойил қилди ҳаммани,  
Чой деб ичди шаммани,  
Кеч бўлди деб қочади,  
Майдондан энди бемаъни.

Қочса қўшин кеч қилиб,  
Кундуз қочса, ёронлар,  
Иккови ҳам бир маъни.

Қочган қўшин беордир,  
Элга номус даркордир,  
Зўр келмаса қочарми,  
Қизилбошнинг қочгани.  
Шунда бир бало бордир.

Шу балоси Ҳасан-да,  
Бало Ҳасан Кўлбардир.

Қайтсин, қочиб қутулсин  
Кўпини қириб юборди.  
Бир Ҳасан кўпга бўларми,  
У ёққа ҳам даркордир.

У ёқда ҳам ботир кўп,  
Айтармиз ҳам эрларди.

Кўлбардан улар зиёда,  
Қирқ азамат аждарди.

Кўлбарни мазақ қилади,  
Сен қавакда не борди.

Ақли бўлса Холдорхон,  
Берган хабари Кўлбарди (р).

Бу ёғи ундан зиёд деб,  
Гўрўғлибек шунқорди (р).

Фаҳм билан ўзи билар деб,  
Аввал шуйтиб юборди.

Фаросатман билсин деб,  
Хўп тажриба қилсин деб,  
Гўрўғлиман ўзини  
Қани баробар қилсин деб.

Менинг битта одамим,  
Унинг жамий одами,  
Уришиб-о ул қочди,  
Шуни фикр қилсин деб.

Майдон бўлди топ-тоза,  
Боёилди ҳай-ҳай овоза,  
Ҳамма қойил бўп қолди,  
Ҳасан Қўлбар шоҳбоза.

Майдонда эр қолмади,  
Бўлмаса Ҳасан толмади,  
Қайтсин Ҳасан қайтди энди,  
Урушар одам бўлмади.

Полвон Ҳасан келади,  
Жуда тошиб-тўлади,  
Келаётир чайқалиб,  
Бек Гўрўғли кулади.

Евмит-Така одами,  
Жовлик чиқди олдига,  
Муборак деб Ҳасанга,  
Бари шодлик қилади.

Ҳорманг деди сўйлади,  
Мард Ҳасанни сийлади,  
Эр Қўлбарнинг остига,  
Ипак гилам тайлади.

Оқшомиман Қўлбарни,  
Кўп зиёфат айлади.

Ҳасан Қўлбар соғ-саломат, бообрў, беаҳмат, беофат  
кўп лашкар билан отишиб, чопишиб, олишиб, солишиб,  
уришиб, қиришиб қайтиб келди. Гўрўғлибек одамлари-  
ни Ҳасан Қўлбарнинг олдига пешвоз чиқариб, иззат-ик-  
ромлар билан олиб келиб, ҳамма бирдан Қўлбарга

ҳорманг, деб ҳордиқ сўраб, шодмонликлар қилиб, шодиёналарни қўйиб, бари хурсандлик қила берди. Гўрўғлибек шўл куни қанча одамларини, маҳрамларини, базмга оро берадиган хушрўй сулувларининг барисини Ҳасан Қўлбарнинг олдига буюрди:— Бугун баринг Ҳасанга хизмат қиласан, ҳордиғини жуда чиқарасан, қанча бол-шарбат ичса, қайтарма, айтганини тайёрлайсан. Бугун бир базми подшоҳона очасан, вақтини жуда хуш қиласан,— деб барини буюрган... Ана энди базм шундай қизиди, келган маҳрам баччалар бири қўйиб, бири коса бериб, бири наъма қилиб, бири ўртага тушиб ўйнаб, қизгалдоқдай жайнаб, тараққос бойлаб, ҳар алвонда сўйлаб, ҳар тусли сурудлар қилиб, шундай қизиди. Ҳасан Қўлбар асло бундай ўтиришни кўрмаган. Шанғай қизиб кетди, қулоғи чиппа битди, кўзи қосадай, нима бўлганини билмай қолди... Мастлик ҳар кўйга солаётибди, одамлар Ҳасанга кулади, Ҳасан ҳам шуларга қўшилиб кулаётири, қизиб бораётири.

Холдорхон подшоҳ сломон, аскар, лашкари билан, қанча умароси билан, вузароси, уламоси билан, фуқароси билан, кулли лашкари, салтанати-барини олиб, ўзи-ўзидан уялиб, ҳайт деб тўхтамай шаҳрига кирди-да-кетди, бориб ўз тахтига тушди. Ана энди Холдорхон Қримнинг подшоҳи, қизилбошларнинг пушти паноҳи, эли-халқининг доноси, жамий аркони давлат ва аъени салтанат-барисини ҳозир қилиб айтди:— У, ёрон, энди мен сизларга пушти паноҳ бўлмайдиган бўлдим, энди сизларга менинг соям ҳеч етмайди. Мен ўзимдан ўзим умидимни уздим, балки жамеъи лашкаримдан, полвонларимдан ва ҳамма умаро, фузало, фуқаро ва амалдорлар, иш кўрган, иш биладиган кордонлардан — барисидан қўлимни (ювдим), умидимни уздим. Энди мен соп бўлдим, мени одам ҳам демайди, балки одам тугир мол ҳам демайди. Биров билан уришсанг, уни билсанг, кучқувватини фаҳмласанг, ўзингни ҳам билсанг, шундай қилиб йиқаман деса, ана буники дуруст десак. Биз, ёронлар, аввал билмай Қрим элнинг, бир катта шаҳарнинг подшосимиз, деб бурнимиздан катта-катта эшак қурти бир қарич, икки қарич тушиб юрар эди. У вақтда Гўрўғлибек бир ўғри-да, дегич эдик. Унда биз нодонлигимиздан, ўзимизнинг нима эканлигимизни билмай бекорга шанқайиб юрар эканмиз. Гўрўғлибек бир юрган ўғри, қизилоёқ, элма-эл, юртма-юрт вориллаб, одамлар-

нинг молини тортиб олиб, ўзиникини маъқул қилиб юрган одам-да, чет юртларда, подшоси йўқ элларда, овлоқ-овлоқ ерларда зўрлик қилади-да деб юрибмиз. Гўрўглибекнинг қирқ йигити бор эмиш, шу билан подшоларга, шаҳаншоҳларга узанги талаштириб юради деб айтар эдик. Қирқ одамнинг қўлидан нима келади, қирқ одам нима иш қилади, бу ишларга одамнинг кўнгли ишонмайди дер эдик. Кўрмасак, ана энди кўрдик, билдик, ишондик. Қанча эшитган бўлсак, ундан ўн ҳисса зиёд экан. Ана энди Гўрўгли бизга келди, биз билан ҳарби зарб қилди, ҳали қирқ одами у ёқда турсин, бир одами бизнинг жамий лашкаримиз, қанча полвонларимиз, шунча подшолик, шаън-шавкатимизни; аркони давлатимизни бир пул қилди. Ана энди бизнинг нодонлигимиз, бефаҳмлигимиз ўзимизга янгигина маълум бўлди. Биз нодонлигимиздан, мунча лашкарим бор, мунча умаром бор, мунча полвоним бор, деймиз экан, бариси бир одамга арзимаслигини билмас эканмиз. Ана энди янги билдик, Гўрўглибекка қойил бўлдик. Танҳо-ёлғиз бир одамдан ҳаммамиз қочиб келдик. Агар Гўрўглибекнинг ул қирқ йигити келса, билмаймиз, бизларнинг ҳолимиз, аҳволимиз нима бўлади,— деб Холдорхон кўп хафа бўлиб, жамий катта арбобларига койиш қилиб, полвонларига итоб қилиб:— Ана энди подшолиқни қўйдим, энди сизлар кимни подшо қилсанглар, қила беринглар, бизники бўлди,— деб жуда хафа қилди. Шунда Холдорхон подшонинг қанча умаро, фузало, катта амалдорлар, вазирлари — бариси далага чиқиб, бир-бири билан подшони кўндириш маслаҳатини қилаётир...

Маслаҳат қилиб жамеъ каттакон подшосининг олди-га бориб, ҳурматини бажо қилиб, иттифоқ бўлиб подшога арз қилди:— Сизнинг кўнглингиз қанча қора бўлса, фуқароларингизнинг кўнгли юз ҳисса қора. Подшо бош бўлса, фуқаро тани, сиз хафа бўлсангиз, фуқаро нимага шод бўлади. Шу урушларингизда не чоғлик одам ўлди, сизнинг душманларингиз билан уришиб ўлди, уларнинг бахти биздан босим келди. Унинг шамоли ўнгарилди, бизларга меҳнат юзланди. Сиз жамеъ лашкарга итоб қиласиз, лашкар қандай қилсин. Шунча қилаётир, бўлмаётир, шунча ўлди. Хотиринг жам бўлсин, булар ҳам ўлади, шунчаки беш-олти кун сўнг ўлади-да. Гўрўглибек устимизга келибди, у оламан деди, олмай кетмайди, бу одамлар ҳам тирик бермайди. Фу-

қаронинг айби йўқ, биздан ўлганнинг адади йўқ, унинг устига сиз уриша берасиз, койий берасиз. Уларнинг алами олти бўлиб турганда, сиз қўшимча қиласиз. Уларнинг кўнгли жуда чўкиб кетади. Сиздан бу лозим эмас, уларнинг кўнглини кўтаринг, яхши гап яхши. Хусусан сиздай подшога лозим-да. Қанча лашкарингиз бор, қанча жонсипарингиз — баригинасининг жони ҳам йўқ, ҳуши ҳам йўқ. Шу пилла бари ёниб турган ўт. Бурунгилар айтган эмасми: «Куйганнинг оғзига қарама», шундай ёниб турганда, сиздан яхши гап эшитмаса, оз-кўп эҳсон, инъом тегмаса, ўзи хафа бўлиб ўтирганда, сиз тағи сўка берсангиз?! Уларнинг бировининг боласи ўлган, бировининг акаси ўлган, бировининг томири ўлган. Сиз уришганда: «Менинг ўғлим ўлди, сен нима яхшилиқ қилиб эдинг, ўзимнинг ўтим ўзимга кўплик қилиб ўтирибди, унинг устига меники нима. Сен подшо бўлиб менинг янги эр етган (боламдан) айирдинг-да. Менга қилган яхшилигинг, менга теккан нафинг шуми?! Энди мен зўрман, кучим етади, ўзингни ўлдираман демасанг, сенинг бошқа нафингни мен сира кўрганим йўқ», — деб айта солса, унда қандай бўлади. Тақсир подшоҳим, сиз ҳам бир одамсиз-да, энди бизларнинг маслаҳатимиз сизга шул: сиз бундай хафа бўлиб ўтирманг. Лашкарингизнинг дармонини ҳаммадан илгари ўзингиз қурииб қўймай-да! Сиз энди лашкарингизни кўриб, ҳол-аҳволни сўраб, ўлганларига фотиҳа қилиб, қолганига дилдорлик бериб, лашкарни кунда ўзингиз кўринг, одамларингиз дадил бўлади. Яна бир сўзимиз шулки, Гўрўғлибекдан беш кун, ўн кун муҳлат тиланг. Менинг элатим, узоқ-яқиндаги одамларим йиғилсин, ҳамма одамларим жам бўлсин денг. Агар Гўрўғлибек хайр деб жавоб бера қолса, тақсир подшоҳим, бизлар ҳам ўрға чопармиз, қирға чопармиз, чор тарафни излармиз, ҳар ерда, ҳар диёрда, ҳар мамлакатда забардаст полвон бўлса, олиб келармиз. Бизлар ҳам Ҳасан Кўлбардай одам топиб олармиз. Эл эмасми, подшоҳим, ғам еманг, хафа бўлманг. Сиз ўзингизни, элингизни бекор хафа қилаётибсиз, — деб маъқул қилдилар.

Илгариги масал: «Мақтаган еткизар, чаққон ўлдирар». Шоҳ деганни вазири доно ҳар кўйга солади, айтганини қилдиради, албатта. Ана энди Холдорхон подшо вазирларидан бу сўзларни эшитиб, кўнглининг қири кетиб, қанча лашкарни, полвонларни, умаро, амалдорлар-

ни чақириб, сарпо берадиганига сарпо, пул берадиганига тилла билан тангани, овқат, асбоб, ҳар нима лозимликларини бера берди. Энди подшо одамларига дилдорлик бериб: — Эй фуқаролар, таваккални маҳкам қилинг, кўнгилни дадил қилинг, зафар ҳамиша Гўрўғлига бўлар турарми. Бизларга ҳам зафар вақти келиб қолар, бу навбатда, — деб кўп яхши гаплардан гапириб, тахтига чиқиб, ўзининг ишонимли одамлари билан маслаҳат қилиб, Гўрўғлибекка бир ариза битиб юбормоқчи, ўн-ўн беш кун муҳлат тиламоқчи бўлиб, мирзани чақириб, бир хатни битиб, липопалаб маҳкам қилиб, унинг устига Холдорхон подшо тилла муҳурни босиб, бир донишманд, боҳуш, жуда серфаҳм кишини элчи қилиб юбора берди.

Ана энди элчи Қримнинг шаҳридан чиқиб, Гўрўғлибекнинг лашкарига Борди, Гўрўғлибекнинг қулоғига тегди. Қоровуллар айтди:— Элчига ўхшайди, бир отлик, танҳо одам беибо келаётир. Шунда Гўрўғлибек Ҳасан Кўлбарни чақирди. Гўрўғли айтди:— Ў, Ҳасан, бизга бир элчи келаётган эмиш. Ҳали Қримнинг элига сиздан бошқа полвонлар танимли бўлгани йўқ, бариси сизни жуда танийди, сиздан юраги олинган, сиздан жуда қўрқади. Шу элчининг олдига чиқинг, бу ерга олиб келинг, то элчи кетганча хизмат қилиб туринг. Холдорхоннинг олдига борганда, кечаги бизларни қирган полвон ул айтган полвон эмас экан, Гўрўғлибекнинг ўзига, полвонларига хизмат қилиб юрган кичкина полвони экан, деб айтсин, баччағарларнинг юраги ёрилиб юрсин, — деб неча гапларни ўргатиб қўйди.

Ана энди элчи яқинлаб келиб қолди. Бир пилла қўшинига етар-етмасдан Ҳасан Кўлбар элчининг олдидан чиқиб қолди. Элчининг жони тос тепасига чиқиб кетди. «Мени лот билан манот урди, тана худой бу ҳам урди, ўт худойга ишим ёқмаган экан-да. Юлдуз билан офтоб худойга нима бало бўлди, ой худойнинг аввалдан мендан сози йўқ эди — буларга нима бало бўлди. Мен одам гўштин еб юрган Кўлбарга дучор келганим», — деб элчининг эси кетди, икки қулоғи чиппа битди, ҳисоби йитди, баданини иситма тутди, киндиги орқасига қараб тортди, тоза юраги ёрилиб кетди, кўзи олариб, ияги қалтираб, икки жағи шалқиллаб, тиш-тишларига шарқ-шарқ этди. Ана элчи бечора довдираб, сапдираб, қўрққани ҳам шул, шошгани ҳам шул:— Ў, Ҳасан бобо, мен

элчман, мен элчман, урушга келганим йўқ, мен элчман,— деяётир. Бошқа гап чўртта эсига келмайди, ўзга сўзни демайди, мен элчман, деб турир. Ҳасан Қўлбар кулиб, унинг қўрққанини билиб, жиловидан етаклаб, лашкарнинг ичидан олиб ўтди. Ҳали ҳам элчи ўзига келмай бораётир. «Бу мени ўлдирмоққа етаклаб боради»,— деб қўрққанидан ҳали ҳам элчман, дейди. Гўрўғлибекнинг маҳрамларининг олдига борди. Энди элчи отидан тушди. Маҳрамлар иззатлаб, яхши жойга ўтқизди. Ундан сўнг элчининг пича жони кирди. Энди гарттак одам шакилли бўлди.

Ҳасан Қўлбар келиб, юр деб эргаштириб борди. Элчи бек Гўрўғлини кўргандан тўққиз таъзим, боз устига ўттиз таъзим қилиб турди. Ҳасан Қўлбар бир ерни кўрсатди, шу ерда ўтир, деб элчига курси қўйиб берди. Элчи қараса, Гўрўғлибекнинг икки ёғида Ёвмит билан Таканинг беклари, улуғлари, ҳар қайсиси ўзининг амалига яраша ўтирибди. Ўрталикда не бир суханварлар, гапдонлар Гўрўғлибекка у ёқдан, бу ёқдан ҳикоятлар қилиб, ширин-ширин сўзлар билан гап уриб турибди. Гўрўғлибекнинг қирқ йигити барининг бошида тилладан жиға, тилладан қарқара қилиб, намойишга шаън-шавкатни бир хил подшолардан баланд қилиб ўтирибди. Гўрўғлибекнинг иккита ўғли — Ҳасанхон билан Авазхон бир шаъну шавкатда ўтирибди. Иккови ҳам жаҳон тахтига лойиқ. Ана элчи кўрса, Ҳасан Қўлбар қўл қовуштириб, қирқ йигитнинг, бошқа умароларнинг катта-кичигига хизматда, доим пойгада, қўли кўксиди. Бир пилла элчи арза хатини чиқариб берди. Уни Ҳасан Қўлбар бек Гўрўғлининг қўлларига адаб билан олиб бориб берди. Гўрўғли хат муҳрини кўрди, ўқигил, деб муншига берди. Шунда мунши хатни липопадан олиб, хатини ўқиса, шундай битибди: «Ёвмит билан Таканинг сардори, балки жамеъи ўзбакнинг тождори, доим олдида хизмат қилади қирқта аждаҳори, ҳама подшолар, шаҳаншоҳларнинг олдида эътибори ва жамий полвонлар-жаҳонгирларнинг ичида зўри, эрларнинг эри, шерларнинг шери, шу жаҳонда, шу вақтда ер юзининг баҳодири, Юнус билан Мисқол парининг ёри, Ёвмит билан Таканинг тождори бек Гўрўғли номдорга. Мен Холдорхонман, сиз тождорга шундай билдираман. Сиз жаҳон полвони, ҳеч ерда тенгингиз йўқ, оламда танҳо полвонсиз. Энди сиз бизнинг устимизга келибсиз,



биз гофил, сиздан беҳабар қолдик. Бизнинг узоқдаги, олисдаги одамларимиз келолмай қолди. Энди сиздан ўн беш кун муҳлат сўрайман. Менинг одамларимнинг бари йиғилсин. Мен ҳам полвонларимни, зўрларимни йиғсам, беармон бўлсам,— деб ўзимнинг орзумни билдирдим. Гўрўғли султон асли мард-да, бизга албатта қарар, деб сиз тождордан сўрайман, урушни қўйиб турсалар»,— дебди.

Гўрўғли:— Яхши, бўпти. Холдорхон подшонинг ҳам армони қолмасин, беармон бўлсин. Ўн беш кун эмас, ўн кун муҳлат бердик. Шу ўн куннинг ичида ҳар қаерда қанча одами бўлса; жамласин,— деб элчига катта сарпо ёпиб, зиёфатни катта қилиб, ўн кун муҳлат бериб, элчини жўнатди. Ана элчи димоғи чоғ бўлиб, жуда хушвақт, хуррам бўлиб, тирик қутулганига муфт қутулдим, деб уриб Холдорхон подшонинг олдига бориб, Гўрўғлининг муҳлати ўн кун, деб Гўрўғлибекни бир мақтади, бир ҳам мақтади:— Э, Холдорхон, Гўрўғлининг шаъну шавкати бу юрган подшоларнинг ҳеч қайсисида йўқ. Мен ҳали ернинг юзида бундай зўр йўқ деб келдим. Бизларга офат бўлиб юрган, ҳаммамизнинг додин берган, бизнинг Қримда унга шундай оди билан барзанги чиқмаган, ҳали уйинг куйгур Қўлбар бор-ку, Гўрўғлибекнинг олдидан жой тегмай, пойгада чой тегмай, доим далада қолиб, ичкаридан кулчатоё тегмай, чуланга қаймоқ билан мой тегмай, доим йиртиқ кўҳна чопон кийиб, унга бир чиройли сарпо тегмай, яланглаб, чопиб, югуриб юрибди, жуда ўсал. Гўрўғлибекнинг теварагида қирқ йигит, сайланишган зўр йигит ўтирир. Бошида тилла тож, қарқараси ярашган, томошага ҳар ким қарашган, ҳайбати, кучи, ғайрати ҳаммадан ошган, ҳеч қўй! У, Холдорхон, Гўрўғлибекнинг шаъну шавкатини кўрсанг, йигитларининг ғайратини кўрсанг, шунда подшо бундай бўлади экан, деб айтасан. У қирқ йигитни кўрсанг эди, полвон бундай бўлади экан, дер эдинг. Шўл пилла мен шундай чоқладим. Шу Гўрўғлибекнинг қирқ ёғидан қирқ подшо келса, шу қирқ йигит қирқининг олдига чиқиб ҳеч нимани ўйламай уруша беради, барини қувади ҳам. Бу ёқ-бу ёғига қарамай, барига жавоб беради. У, Холдорхон, ҳали ҳам Гўрўғлига инсоф берган экан, бўлмаса, қайси подшога талаб қилса олади, шундай бахти чопган экан. Бурунчилар айтган: «Бахт қараса, эл қарар». Шу пилла Гўрўғлибекнинг

ҳеч важдан минини тополмайсан, ҳар бобдан ҳам ҳам-  
ма подшоҳлардан ортиқ. Ҳалоли бўлсин, шундай тартиб-  
га олибди, ана подшоҳлик, ана беклик, ана лашкарни  
ўхшатмоқ. Шундай қилса юрт олади-да. Ҳали бизларда  
Гўрўғли йўруғидан битта йўқ, биз қандай қилиб унга  
ҳариф бўламиз, баробар келамиз,— деб Гўрўғлибекни  
бир мақтади.

Холдорхон подшонинг олдида турган жамеъ сипоҳи-  
лари оризларининг суви қуриди, ҳаммаси тан берди,  
жамеъ қизилбош Гўрўғлибекдан жуда кўрқди. Энди  
Холдорхон подшо вазирларни, аҳли тадбирларни жам-  
лаб:— Ана энди бизга ўн кун муҳлат берибди, элчи кўп  
сир-савдоларни кўрибди. Гўрўғлибекнинг сиёсатини,  
ҳайбатини сира-сира йиртиқ қопга сиғизмайди, таърифни,  
васфини жуда ҳаддан ошириб гапиради, ҳар нима  
бўлса бўлар, сизлар нима маслаҳат қиласиз? Ўн куни  
ўтса, бу турган одамдан бир одам чиқмайди, ме-  
нинг кўзимга кўринмайди. Ўн куни ўтса, Гўрўғли от-  
ланса, қарнай тортиб, гидирмасдангина келиб шаҳарни  
олади-қўяди. Бир одам олдига чиқмайди. Ана шунда  
қизилбошлар ари ўйлади, бери ўйлади, охири бир мас-  
лаҳат топди. Маслаҳати шу: Борса келмас шоҳига биз  
ўзимизни билдирайик, ҳар қандай бўлса Гўрўғли дастидан  
дод деб йиғласак, албатта аччиғи келар, бизларга  
раҳм қилар. Агар келиб қолсалар, шу Гўрўғлининг  
иши тамом бўлади. Борса келмас бир саркардасини  
юборса, шу Ҳасан Кўлбарнинг (жазосини) берса, у ёғи  
осон эди.

Бари гапни шу ерга қўйди, бориб подшоҳига айт-  
ди:— Бизлар шу маслаҳатни топдик. Борса келмаснинг  
шоҳи— Қайсар шоҳга бир элчи юборамиз. Шунда Хол-  
дорхон подшо буни менинг эсимга яхши солдинглар, у  
менинг дўстим эди. Мен шундай бўлдим десам, ўзи ке-  
лади. «Энди танг бўлдим, ақлим кетиб гунг бўлдим, гап  
шу»,— деб бир элчини етти хачир зар билан дод-фарёд,  
Гўрўғлининг дастидан дод,— деб жўната берди. Элчи  
жўнай берсин, Гўрўғлибек ҳам ёта берсин, энди гап-  
сўзни бошқа жойдан эшитинг.

Ана Аҳмад Сардор париларни қувалаб Хидирали  
бойга бориб айтди:— Мен сенинг элинг билан ҳам ишим  
йўқ, юртинг билан ҳам ишим йўқ. Менинг душманларим  
сеникига қочиб келибди, шуни менга берсанг бўлади,  
бўлмаса нима дейман.

Унда Хидирали бой:— Э бемаза,— деб сўкиб тура келди.— У уйинг куйгур, бу ёққа қара. Менинг душманним дейсан, айт-чи, парилар душманми, Гўрўғли душманми, ким душман?! Мен билмайманми доим Гўрўғлининг орқасидан итдай бўлиб, ёмонликдан бошқа ишинг йўқ. Гўрўғли душман бўлса, ё бултур, аввалги йил, ўн йилдан (нари-берида) фалондай ёмонлик қилди, деб айт-чи, қани?! Сен баччағар бир эмас, ўн эмас, доим шунинг орқасидан ўлиб юрганинг юрган. Уни худой катта қилган, кучук. Агар Гўрўғлининг ихтиёри сенда бўлса, ҳамма катта қилса, сен қилмассан, сен лаънати ёмон одамсан. Бўлмаса, париларнинг орқасидан қувибгина тургани не ситам қилди, э, ҳароми баччағар, энасини билмаган, туз ҳароми. Соқолинг оқарганда Гўрўғлининг тузи урган. Шундай қилиб, тентак бўлган аҳмоқ. Ҳали мен сендан кўрқсам, сенга мен хушомад қилгич эмас-ку! Ҳали бирма-бир койиб ўлдираман. Сенинг лашкарингдан кўрқаманми.

Сен ҳароми имонингни ялмадинг,  
Доим ўзинг ёмонликдан қолмадинг,  
Соқолинг оқарди, яхши бўлмадинг,  
Гўрўғлининг қадрини билмадинг.

Сен, баччағар Аҳмад, қачон бек эдинг,  
Доим сенинг кўнглинг тўлган кек эдинг,  
Шў вақтларда ...ларни еб эдинг,  
Гўрўғлининг қадрини билмадинг.

Юрмовмидинг айри туя еталаб,  
Лойда юролмай увотда тўталаб,  
Бу вақтларда айри туянг бўталаб,  
Ҳай аттанг-а, эрнинг қадрин билмадинг.

Асл бошдан бошқасан, сен ҳароми,  
Аввал-охир ўғриларнинг ҳамдами,  
Тани аслинг ёмонларнинг ёмони,  
Эсиз, эрнинг қадрини билмадинг.

Сенга кўп қарашди, қилди яхшилик,  
Сен қилдинг бирига мўнгдадан қилиқ,  
Шуйтсанг ҳам у қилди Туркманга улуғ,  
Туз ҳароми, марднинг қадрин билмадинг.

Баччагар, ҳароми, бўлмадинг тўғри,  
Бошдан бошқа эдинг, сен ёмон ўғри,  
Сени шундай катта қилди Гўрўғли,  
Э, ҳароми, эрнинг қадрин билмадинг.

Сен, ҳароми, сенда ибрат бўлмаса,  
Яхшиликдан асло ният бўлмаса,  
Сен беимонда диёнат бўлмаса,  
Сен ҳароми, элнинг қадрин билмадинг.

Сен ҳароми, қулоқ солгин сўзима,  
Қани кўрай бор-чи, уйда қизима,  
Қизим тува, йўла менинг изима,  
Ҳароми, эрларнинг қадрин билмадинг.

Ана кепсан, айта бергин сўзингни,  
Гўрўғлибек сўкибмиди қизингни,  
Минг балога йўлиқтирай ўзингни,  
Э, ҳароми, эрнинг қадрин билмадинг.

Мунов дунёнг ҳамма қулдан ўтади,  
Билмайман сени кимлар айнитади,  
Бу гапларинг, Аҳмад, улуғ хатодир,  
Аҳмад-о, йўлбарснинг қадрин билмадинг.

Бу ёмонлик, Аҳмад, сенга ярашмас,  
Сен билан уришсам, менга зўр ошмас,  
Ҳеч ким сенинг ҳолинг бундай сўрашмас,  
Ҳай аттанг-а, эрнинг қадрин билмадинг.

Қачон эдинг, Аҳмад, сен элга сардор,  
Сени Сардор қилган Гўрўғли шунқор.  
Гўрўғлига доим бўлдинг жафокор,  
Ҳароми, йўлбарснинг қадрин билмадинг.

Гўрўғли бўлмаса сени нетарлар,  
Сендай ҳаромини сангсор этарлар,  
Бетингга қарони куя суртарлар,  
Ҳароми, полвоннинг қадрин билмадинг.

Гўрўғлининг сенда ҳақи кўп эди,  
Сен кучукни полвон Аҳмад деб эди,  
Сен итга Гўрўғли қандай бўп эди,  
Ҳай аттанг-а, эрнинг қадрин билмадинг.

Сен ҳароми ит, ёмон ит, ўл-а,  
Сенга ким айтади қизимни қувла,  
Лашкар қип дедими аёлга йўла,  
Туз ҳароми, эрнинг қадрин билмадинг.

Асл сенинг бу ишларинг кўп ёмон,  
Бир кун кеп қолар Гўрўғли султон,  
Қаҳр этса қилади гавдангни талқон,  
Ҳароми, мардларнинг қадрин билмадинг.

Эсиз, Гўрўғлининг берган нонлари,  
Бунча қилмас чин тараф — душманлари,  
Нимага ёв бўлсин мусулмонлари,  
Сен ҳароми, Гўрўғлини билмадинг.

Аё, Аҳмад, сўзларимга қулоқ сол,  
Сен ҳароми, итдан ёмон оқсоқол,  
Кўринмай кўзимга эртароқ йўқол,  
Гўрўғлидай шернинг қадрин билмадинг.

Бек Гўрўғли полвонларнинг полвони,  
Ҳали Ёвмит-Така элнинг султони,  
Сен суяги бузуқ, зотинг мўлтони,  
Ҳароми, шерларнинг қадрин билмадинг.

Э, ҳароми, э, ҳароми, ҳароми,  
Сатта битган элибойнинг фирроми,  
Имони йўқ сенга иярганнинг тамоми,  
Ҳароми, элларнинг қадрин билмадинг.

Ҳай аттанг-а, сендан шу иш лозимми,  
Тўғри сўзим шудир, кўпи-озимми,  
Айтганим қилмасанг сенга ўзимми,  
Сен ҳароми, Гўрўғлини билмадинг.

Бек Гўрўғли сенга эди соябон,  
Такаман Ёвмитга сардор бўлдинг — хон,  
Гўрўғлига не деб бўлдинг сен душман,  
Гўрўғлининг қадрини билмадинг.

Ҳали ҳам сен, Аҳмад, қайтгин, буйтмагин,  
Кўп ҳам сен ўзингдан жуда кетмагин,  
Менинг билан, Аҳмад, ҳазил этмагин,  
Сен ҳароми, Гўрўғлини билмадинг.

Сен бу ердан қайтма қани, нетарман,  
Мен сенинг бошингга, Аҳмад, етарман,  
Эшакдай қип мен сени ҳангратарман,  
Сен ҳароми, Гўрўғлини билмадинг.

Ана энди бу сўзларни Аҳмад Сардор баччағар, бе-  
маза, беор Хидирали бойдан эшитиб, дарқаҳр бўлиб:—  
Ў, Хидирали! Кўзингга қара, менга қара, қара тағи,  
ўзингга қара! Сен ҳали менга варқ-варқ этасан, нима  
деясан, кимга айтаяпсан?! Бу сўзларинг менинг қуло-  
ғимга кирмайди. Биламан, сен бойсан, бой бўлган би-  
лан сира бек бўлолмассан. Сенда қўр-қўрхона бўлмаса,  
тўп-тўпхона бўлмаса, сенда лашкар бўлмаса, ёв-яроқ,  
ханжар бўлмаса, сенинг йнгирма таноб — пидананг би-  
лан ўнта туянг, бир қўтон эчки билан қўйингми?! Се-  
нинг у қўйларингни мен бир ҳафтада сўйиб еб қўяман,  
ҳали сен менинг билан баробар бўласанми, тағи ортиқ-  
лик ҳам қиласанми, ҳали шундайми?! Агар шу тапимни  
олмасанг, ўзингни ўлдириб, мол, бола-чақангни ўлжа  
қилиб, Чамбилга ҳайдаб кетсам керак. Ана номаъқул  
қилибсан!— деди.

Шунда Хидирали бой гулдираб сўкиб қўя берди:—  
Сен ўғри, баччағар, ҳароми, сен жуда катта кучук бў-  
либ кетгансан. Бор, қўлингдан келганин қилгин, аяма,  
арвоҳ урган бемаъни баччағар, сувдай сангқи бачча-  
ғар, ўғри, ҳароми, кўрнамак — туз ҳароми. Сенда имон  
бўлмаса, уят бўлмаса, обрў бўлмаса, ор бўлмаса, сен  
нимани бўлса, ейман деб турган оч итдай сен, уйинг  
куйгур. Сенинг ажалинг етиб келибди, сени ўзим ўлди-  
риб қўймасам!— деб гулдираб Хидирали бой сўкича  
ётибди. Шунда Аҳмад Сардор (айтди):— Ў, Хидирали,  
кўзингга қара, кўп вағирлаб, итдай тайсаллай берма.  
Мен хизматкор қирғизларингдан эмасман. Ҳали сенинг  
уйингни куйдираман, сен аҳмоқнинг ажалинг менинг  
қўлимда, сенинг нима жонинг бор, энди сени ўлдира-  
ман, бола-чақангни ўлжа қилиб бойлаб, Чамбилга ҳай-  
даб кетаман. Сен баччағар, бемаънининг ажали етмаса,  
мен билан тарафлашиб ўтирмас эдинг. Унда Хидирали  
бой:— Бемаза, арабнинг бўридан чиқиб қолган катта  
кучугига ўхшаган кавак баччағар! Ана, эса уриша қол,  
мен сендан қўрқиб турганим йўқ-ку, ана кела қол,—  
деб бой оташин бўлиб, сўкиниб туриб кетди.

Бой туя, биялардан, семиз туялардан, қўйлардан олиб

келтира берди. Ана қаерда қирғиз бўлса, Хидирали бой йиғиб ола берди. Узининг қирғизига туя, бия, пода, қўй сўйиб бериб қорнини тўйғазиб (турди), у ҳам бир лашкар бўлди. Ана энди қирғизлар уйнинг керагасини айириб қўрган қилди, қўйни қирқадиган қирғилигини узун ходаларнинг учига бойлаб мажкам қилиб найза қилди. Қозоннинг қоқмоғини икки ердан тешиб ип тақиб қалқон қилди, ош пичоғин чархлаб, қайраб ўткир қилич қилиб белига тақиб олди. Ана энди қирғиз гуркираб, бир лашкар бўлиб, Сардорнинг олдига кўндаланг бўлиб тушиб, саф тортиб, бетма-бет бўлиб тураётир, у ёғи келаётир, Хидиралибой олло, деб қирғиз боласини йиғаётир.

Аҳмад Сардор айтди:— Ў, йигитлар, мана Хидирали бойни худо урди, арвоҳ ҳам урди; энди ёв-яроқ, совут қалқонни кия беринг, урушга чоқ бўлинг. Булар ёмон ғайрат қилиб кетди, биз индамай қолсак, қўрқди дейди. Энди бир майдонлик қилиб беш-олти қирғиз чопилса, ундан сўнг кўзи қўрқар, ўзи ҳам эланиб-ёлбориб қолар,— деб одамлари билан у ҳам чоқ бўлиб қолди.

Икки ёқ ҳам таппа-тайёр бўлди, урушса, урушиб қоладигандай. Шунда қирғизнинг катта бойлари, йигит оғаси, бообрў йигитлари келиб Аҳмад Сардорга айтди:— Ў, Сардор, бу қандай гап, бизнинг устимизга ўн минг одам олиб келиб чопаман десанг?! Бизлар бегона бўлмасак, бошқа эл эмасмиз, биз ҳам Гўрўғлига топин, ёв эмасмиз, бу қандай бўлади, Сардор ҳали ҳам ўйланг, бу ишни қўйинг, яхши иш бўлмайди, мақсадингиз бундан ҳосил бўла қолмас. Энди шу аччиғингизни биз тилаймиз, Сардор, қўйинг. Қирғиз ҳам катта эл-да. Илгаригилар айтган-да: «Қирғиз кўпми, юлдуз кўп». Агар вағир-вуғур бўлиб кетса, буларнинг орқаси жуда кутарилиб кетса, ундан сўнг бир кўнгил қоралик, низо, икки элнинг ўртасида қолиб кетмасин дейишиб турди.

Аҳмад Сардор айтди:— Менинг қирғиз билан ишим йўқ. Мендан йигирма-ўттиз эркак, йигирма-ўттиз хотин қочиб келган, мен шуларни қувиб келганман. Менинг ишим шулар билан. Шуларимни берсанглар, шу пилла тураман-да, кетаман, ҳеч ким билан ишим йўқ. Бўлмаса, ё шу ерда енгиб зўр бўламан, ё енгилиб нос бўламан, икковининг бири бўламан; биров айтган экан «Еўламан, ё қоламан». Шундай, ё оламан, ё ўламан,— деб жавоб берди.

Қирғизлар Аҳмад Сардорнинг бу сўзини эшитиб, бариси қайтиб кетди, бориб бойга айтди. Бой ҳам чоппа-чоқ бўлиб олди. Ортиғи тоза йиғнаб, жамбул-жам бўлиб, урушмоққа тайёр бўлиб турди.

Хидирали бой қирғизларга айтди:— Ў, оға-инилар, бу баччағар санғининг гапининг тузи борми; бу бир ит-да. Бўлмаса, жиянининг хотинини оламан, деб элма-эл қувалаб юрарми?! Ҳали ўзининг туққан жияни кўзи тирик турганда, қандай одам жиянининг хотинини олади?! Еронлар, шу сўз қандай сўз. Ҳеч гапга ўхшайдими, бунинг нимасини айтасизлар. Гўрўғли тоғам деб шу итни сардор қилиб, айтгани ўрол, бўғизлагани ҳалол, деб қўйибди. Унинг иши ул, бунинг иши жиянининг хотинини оламан деб юрур.

Хидирали бой урушга белини маҳкам бойлади, қирғизнинг катта-кичиги, таёқ кўтараётгани қолмасдан уруш майдонига келди, саф тортди, урушга талаб қилиб турди. Ана энди Аҳмад Сардор ҳам билди урушади, зўрлик қилиб тортиб олмаса, париларни бермайди. Оломон-аскарига қараб:— Ў йигитлар, бу қирғизнинг нима жони бўларди, арвоҳ урган, энди қирғизнинг уволи ўзининг бўйнига. Ол, йигитлар, чопинг энди,— деб ўн минг одам от-отига миниб, саф тортиб чоғ бўлди. Аҳмаднинг сўзи:

Баҳорда очилган боғнинг гуллари,  
Олдимизда турган қирғиз эллари,  
Садаға қурбонинг бўлай, оломон,  
Сизга тақдир қилди қирғиз моллари.

Отингни мин қирғизларнинг қасдига,  
Ўткир қилич чин ботирнинг дастига,  
Садаға қурбонинг бўлай, жаллодлар,  
От қўй, беклар, қирғизларнинг устига

Евмит ҳам Таканинг ботир беклари,  
Қаторда юк тортган норча луклари,  
Садаға, қурбонинг бўлай, йигитлар,  
Бизга кўп экан-ку қирғиз кеклари.

Ўзининг бўйнига бўлди уволи,  
Бизга ўлжа бўлди қирғизнинг моли,



От қўй, беклар, оломонлар, қайтмаси,  
Қанча экан ит қирғизнинг мажоли.

Отни мининг қирғизларнинг қасдига,  
Дўнинг, беклар, тўп-тўпининг устига,  
От қўй энди, баҳодирлар, қайтмаси,  
Уртага онг, қочирманг баланд-настига.

Ботирлар, от чөшинг майдон бетига,  
Найза тегар ул ботирнинг этига,  
Оломон от қўйинг қирғиз қирилсин,  
Солинг қирғин қирғиз вилоятига.

Майдонда ўйнатинг, асби тозини,  
Ҳомий бўлса, чопинг қирқман юзини,  
От қўй, беклар, қирғизларнинг устига,  
Улжа қинг буй ётган сулув қизини.

Майдон-майдон бедов отни елдилинг,  
Бу қирғизга эрлигингни билдилинг,  
Бу турганинг нима келар қўлидан,  
Аяманг, ботирлар, уриб ўлдилинг.

От қўй беклар, турмоқликка замон йўқ,  
Энди менинг қирмоғимга гумон йўқ,  
Қирғиз бўлса, олинг қилич остига,  
Энди қирғиз боласига омон йўқ.

Қулоқ солинг бек Сардорнинг додига,  
Қирғиз ўлди балонинг касофатига,  
Мол-ҳолин, пул-пучин бўлганини,  
Оп кетинг Евмитнинг музофотига.

Мунов қирғиз жуда тошган эканди,  
Қутириб ҳаддидан ошган эканди,  
Ҳали булар не эканин билмайди,  
Менинг билан ҳазиллашган эканди.

Отга мининг, қайтган хотин, бекларим,  
Қиринг қирғиз музофотин, бекларим,  
Ҳали булар юрган экан беваҳм,  
Кўрсин Евмитнинг жаллодин, бекларим.

Добул уриб ён-ёғидан тегинглар,  
Аяманглар, ушлагандан сўйинглар,  
Ол энди, йигитлар, омин, қайтмаси,  
Қирғизнинг қалласи, беклар, уйинглар.

Қирғизнинг қалласи бўлсин минора,  
Биз деб эдик бу қирғизни бечора,  
Бу қирғиз ҳаддидан ошган экандир,  
Аямай қиринглар, бўлсин овора.

Ёвмитман Таканинг ботир шерлари,  
Қон билан бўялсин қирғиз ерлари,  
От қўй, беклар, ана қирғиз устига,  
Аямаси уринг Туркман эрлари.

Қиличланглар, қирғиз ўлсин, бекларим,  
Майдон қизил қон, бўясин, бекларим,  
От қўй энди қирғизларнинг устига,  
Санглоқлар мурдага тўлсин, бекларим.

Ол энди, йигитлар, майдон қурилди,  
Хидирали бойдин арвоҳ узилди,  
Ўз уволи ўз бўйнига, бекларим,  
Ҳама қирғизнинг жазоси берилди.

Қирғиз бўлса қолди қилич остига,  
Беклар минса чин бедовнинг устига,  
Энди аямаси уруш бошланди,  
Сомон тиқай шу қирғизнинг пўстига.

Кесиб Хидирали бурни-қулоғин,  
Ўлжа қип ҳайданг қўй, эчки, улоғин,  
Шуйтмай қайтманг, беклар, энди майдонга,  
Баччағарнинг йиртиб ташлай тумоғин.

Ҳамир шабоб мой-қуяйин бошига,  
Ҳузур қилсин ўзи қилган ишига,  
Бурнин тешиб, етакка олиб ҳайдайн,  
Олиб борай Гўрўғлининг қошига.

Аямаси қиринг, беклар, қирғизни,  
Ғажирларни тўйғизайин гўшига,  
Мунов қирғиз кетган экан ўзидан,  
Қиёматнинг кунин солай бошига.

Аҳмад Сардор бу сўзларни бақриб, вақирлаб ай-  
тиб эди, Бунинг ҳаммасини Хидирали бой эшитди. Ана  
энди Хидирали бойнинг жуда аччиғи келиб кетди. Бе-  
жоғ дарғаҳр бўлиб, шовқум солиб, гулдираб, шалди-  
раб ҳа, деб Аҳмад Сардорни сўкиб қўя берди:— У,  
айнимали ҳароми, ўғри, қароқчи, беимон, касофат, тура-  
тур ҳароми, кучук, ҳали сен, Аҳмад Сардор, мени бой-  
лаб бошимга хамир шабоб мой қуясан, айниган, қизи-  
ғар, ҳар нима деб бўрчиб юриб, сандираб, айниб  
юрганга қара. Сен келиб мени бойлаб оласан, бурнимни  
тешасан, шунда мен қараб тураманми. Сенинг хаёлинг-  
да мен пода-ҳўкиз бўлсам, сен кела солиб ушлаб олиб,  
ип солиб етаклаб кета берсанг-да. У хаёлот, аҳмоқ. Ана  
кел қани, нима қиламан экан. Сен шундай зўр бўлдинг,  
мен сенга кучим етмайдиган нос бўлиб қолдимми, ҳали  
сен хаёлга тўлиб тентак бўлибсан, энди ўласан санди-  
раб, кел икковимиз олиша қолайлик, кел, ерларга май-  
да-майда қилайин сен итни. У, кучук, сен қаёқда зўр,  
менга катталик қилиб юргансан, айт-чи?! Қани, мен  
сендан қўрққан еримни айт. Ҳе, балли сенга зўрлик  
қилган. Мен ҳали ҳам зўрман, ўлдираман. Ана кела  
қол, шунча бегуноҳ одамни ўлдириб қонига зомин бў-  
либ юрганча, кел, ё сен ўл, бўлмаса мени ўлдир, зўрлик  
қилган баччағар майдонга келади. Кел, зўр, тағи Сар-  
дор эмиш, деб бир сўз деди:

Қирғизнинг элисан турган қариндош,  
Бизга ёв бўп кепти ўғри Аҳмад бебош,  
Қўрдинларми ҳаромини, халойиқ,  
Ҳамманг жам бўп ўтирибсан, қариндош.

Баринг бирдан эшитасан сўзини,  
Ўлжа қип олармиш қирғиз қизини,  
Уруғлашса, сизга агар бўлишса,  
Қўшиб чопар эмиш қирқман юзини.

Ҳали кучи етдимикан ўзима,  
Қулоқ солинг қирғиз бўлсанг сўзима,  
Баринг жам бўп эшитдинглар сўзини,  
Мунов ўғри йўлай олмас изима.

Шу Аҳмадми менга итдай ҳабалаб,  
Аямай уринглар, саваб, тўбалаб,

Шу ҳароми қандай қирар қирғизни,  
Ултидай қип жуда уринг қувалаб.

Қараманглар Гўрўглининг бетига  
Уриб-йиқиб хода суқинг кетига.  
Мунов ўғри, касофати келибди,  
Улари ҳам ўлсин касофатига.

Барисини ушлаб-ушлаб олинглар,  
Йиқитиб, ўхшатиб муштлаб олинглар,  
Ўғриларнинг биттасини қўйманглар,  
Мингай отин сайлаб, хушлаб олинглар.

Ўғриларнинг жазосини беринглар,  
Таёқ деманг, тош ҳам деманг уринглар,  
Шу Аҳмад ҳароми менга зўр бўпми,  
Келганнинг бировини қўймай қиринглар.

Энди аяманглар, уриб ўлдиринг,  
Оғзидан, бурнидан қонин келтиринг,  
Қирғиз элнинг бўз боласи, йигитлар,  
Зўрмисан, носмисан, кучинг билдиринг.

Шу Аҳмадни менга ушлаб беринглар,  
Мен уни нетарман, сизлар кўринглар,  
Мен эгарлаб миниб юрай эшак қип,  
Қочмасин ҳароми ангиб юринглар.

Менга ушлаб беринг унга тийишим кўп,  
Унинг билан қиладиган ишим кўп,  
Шу ҳароми ўзи тағи қочмасин,  
Ўхшатиб боқаман, сассиқ гўшим кўп.

Қафасга соп осиб қўяй Сардорди,  
Йиғинда минаман шу энағарди,  
Қандай зўрлик қилади экан оғайин,  
Кўрдик унинг ўн минг йигити борди (р).

Йигитларни қириб ташланг, оғайин,  
Бутидан айяриб ташланг, оғайин,  
Буларнинг ҳаммасин арвоҳ ургандир,  
Жазосини бериб ташланг, оғайин.

Барин бойлаб келтиринглар, қирғизлар,  
Ўғриларни ўлдириглар, қирғизлар,  
Зўрман деб келибди Аҳмад қароқчи,  
Зўрлигингни билдириглар, қирғизлар!

Келганнинг барининг олинг жонини,  
Ерга тўкинг қизил-қўчқил қонини,  
Эшитиб ол, қирғиз бўлсанг тур энди,  
Қулоққа олманглар эланганини.

Тошпаррон қилинглар, ўртага олинглар,  
Бошларига қора кунни солинглар,  
Эшитдингни энди, қирғиз боласи,  
Жондан кечиб, букун жаллод бўлинглар.

Ўғриларнинг қони тошиб келганди,  
Шуйтиб ул менга ёнашиб келганди,  
Мунов Аҳмад кетган экан ўзидан,  
Ажали олдиға тушиб келганди.

Қирғизнинг ботири, турган бўз бола,  
Ўғрида кўп бўлар фирибман ҳийла,  
Энди қолма, эшитмадим деманглар,  
Олгин дедим, қирғиз, олганинг ол-а.

Ана энди икки ёқ ҳам тапур-тупур, патир-путур, ур-а,  
ур, сур-а, сур, кир-а, кир, юр-а, юр бўлиб қолди. Қўшин  
остин-устин, вақир-шақир бўлиб гувиллаб икки ёқ бир-  
дан от қўйди. Бир қаттиқ тало-тўп бўлди, ҳеч ким ҳеч  
кимни билмайди, катта чанг тумандай бўлиб, эл ким,  
ёв ким англамай, четдагилар бўйнин чўзиб қараб юрур,  
қаёқ зўрлик қилди, деб сўраб юрур. Не бир ўғиллар,  
полвонлар, не бир билак гўзаллар ўртада яраб юрур.  
Ҳар нима бўлса тўдада — ўрталикда бўлаётир, ажали  
етган ўлаётир, не гўзаллар теракдай қулаётир. Бу ёғи  
белма-бел, ёқама-ёқа, қўлма-қўл, сарт кураш олаётир,  
бирига бири зўрлик қилаётир, зўрлик қилгани калла  
олаётир. Тағи шу курашдай, сайилдаги полвонлардай  
чой пули, чопон олди демаглар, ул кураш бошқа ку-  
раш бўлаётир. Майдон ҳали тўлаётир, қўйма-чи, қўйма  
деб келаётир, келганини ошириб солаётир, не бир билак  
гўзаллар бетма-бет бўлаётир. Шу кунги қизиқ ҳаддидан  
ошиб қизиб, алангаси оламини олаётир. Қирғиз каттаси

Хидирали бой-да, кўйма дейман, кўйма, ур дейман, ур, деб бақириб катта шовқумни солаётир. Ана энди не ботирлар, юракли баҳодирлар мард бўлсанг, кел-ҳа, кел, деб талаб қилаётир. Бу ёқдан ҳам бир билак эр йигитлар, эрдан ўзган шер йигитлар келсанг, кел, келсанг кел, деб ҳарифга кўндаланг бўлаётир, бир-биридан ўчини олаётир. Шундай бир қаттиқ, базарб, энтикма, ҳоликлаган, бир керма-серма, кекирдак сийпашмоқ, бир вағирлаган уруш-майдон қирғизда бўлаётир. Шундай бир солишма бўлди, бир ҳам яхши, ўзбакларнинг солим-сиз, жўн чопадиган кўпкарисидай, ҳе қизиқ бир саваш бўлди-да, жуда қизиқ. Сатта ёш бўз болалар жуда аччиғи тез болалар, ўзи қонхўр хунрез болалар, қувалашиб, бир-бирови билан узунига от чопиб солишди. Майдон ери ҳам текис, ҳе қувалашадиган тахт ер эди. Узи адир-будир эмас, тевараги дўнгтоб, ўрталиги майдон, даладаги одамлар жой, томоша қурадиган, пастга қараб барини кўрадиган ер эди. Сув билан турпоқни қоргандай бўп, кўпкарининг тўдасидай тало-тўп бўлди қолди. Не бир ўғил оти қизиб, шипириб чиққан, зангиллаб устидаги одамни олиб қочиб чиқиб кетаётибди. Устидаги полвон жilовини олиб, отни қайтариб ўртага ҳайдаётир. Неча бедов отлар беэга, икки ёққа чиқиб кетиб бораётир. Қирғиз ақли кўп эмасми, уни ушлаб олиб бир-бирига, сен мин, дейишиб қизиқ бўлиб ётир. Шў вақт майдонда Аҳмад Сардор бацчағар товуши варқираб, ўз лашкарига чирқираб, соқоли тирқираб, булутдай гуркираб, от қўй деб турур:

От миниб ғаним қасдига,  
Чопинг баланд-пастига,  
Ғайрат қилиб, жондан кечинг,  
От қўй қирғизнинг устига.

От қўй, беклар, тўплаб-тўплаб,  
Силта қилич ўнглаб-чоплаб,  
Ғайрат қилинг, чиқинг соплаб,  
От қўй қирғизнинг устига.

От қўй, беклар, олдин олиб,  
Ўткир қилич қия солиб,  
Қирилсин қирғиз қамалиб,  
От қўй қирғизнинг устига.

Кел-ҳа, беклар, от солинглар,  
Душманнинг жонин олинглар,  
Қирмиз қонга бўялинглар,  
От қўйинг майдон устига.

Кел, йигитлар, кечинг жондан,  
Асло қўрқманг бу душмандан,  
Юз бир ёндан, минг бир ёндан,  
От қўйинг майдон устига.

Ҳа-ҳалашиб от қўйинглар,  
Дучор келганин сўйинглар,  
Қирғиз қонига тўйинглар,  
От қўйинг майдон устига.

Йигитлар, от қўй майдон деб,  
Турган қирғиз, сен душман деб,  
Юрибсан сен ҳам полвон деб,  
От қўй ғанимнинг устига.

Бу кун чопинг бедов отни,  
Қирғизга сонг қиёматни,  
Улдир кўрсанг азаматни,  
От қўй ғанимнинг устига.

Қирғиз билан уруш қилинг,  
Эрлардай бўп хуруш қилинг,  
Ботирларим, бир иш қилинг,  
От қўй ғанимнинг устига.

Сизлар Евмит жаллодисиз,  
Таканинг азаматисиз,  
Қирғиз элнинг офатисиз,  
От қўй ғанимнинг устига.

От қўй, беклар, бўлиб зойил,  
Қирғизга бўлинг азройил,  
Қирғиз бўлсин сизга қойил,  
От қўй ғанимнинг устига.

От чопинг, беклар, ҳа дейишиб  
Қирғиз қолсин энди шошиб,  
Майдон қилинг ор талашиб,  
От қўй ғанимнинг устига.

Олмос қилич олинг қўлра,  
Силтанг, беқлар, ўнги-сўлга,  
Раҳм қилманг қирғиз қулга,  
От қўй ғанимнинг устига.

Ана беклар, ана беклар,  
Оловдай бўп ён-а, беклар,  
Улдирганинг сана, беклар,  
От қўй ғанимнинг устига.

Мингни чопмай қайтманг энди,  
Қўрқоқларин қилинг банди,  
Ҳамманг полвон ботир син-да  
От қўй ғанимнинг устига.

Сўзим қулоққа олинглар,  
Ҳар ёғидан от солинглар,  
Қирғизнинг жонин олинглар,  
От қўй ғанимнинг устига.

Билсин қирғиз ўз ҳолини,  
Ўз бўйнига уволини,  
Паст қинг қирғиз-иқболини,  
От қўй ғанимнинг устига.

Қўшин келар бўлак-бўлак,  
Ҳар бирига бўлманг ҳалак,  
Қирғизларни урсин фалак,  
От қўй ғанимнинг устига.

Қирғиз қолсин ҳар балага,  
Қочсин вой-войлаб далага,  
Даштда туролмайин товга,  
От қўй ғанимнинг устига.

Қочсин қирғиз тоғдан ошиб,  
Ўлигини қолсин ташиб,  
Қолсин энди ақли шошиб,  
От қўй ғанимнинг устига.

Қирғиз қолсин ердай бўлиб,  
От қўйинглар бирдай бўлиб,  
Баринг йўлбарс, шердай бўлиб,  
От қўй ғанимнинг устига.



От қўйинг мурда чош бўлсин,  
Қирғизнинг жўзи ёш бўлсин,  
Ҳеч қўрмаган савош бўлсин,  
От қўй ғанимнинг устига.

Сизларсиз Аҳмад қуввати,  
Евмит-Така азамати,  
Бўлинг қирғизнинг жаллоти,  
От қўй ғанимнинг устига.

Қирғиз қолсин мотам тутиб,  
Эр бўп букун иш қўрсатиб,  
Барининг бошига егиб,  
От қўй ғанимнинг устига.

Бўшат бедовнинг бошини,  
Тўкинг кўзидан ёшини,  
Тирик қўйманг бир кишини,  
От қўй ғанимнинг устига.

Така-Евмит ботирлари,  
Қирғизни йўқотирлари,  
Букун бўлинг эрнинг эри,  
От қўй ғанимнинг устига.

Ана энди қўшин аралашиб, дарёдай тошиб, бир-бири билан қувалашиб, бир хиллари отдан өгиб тушиб, бири қочиб, бири қувиб, бири писиб қолди. Шунда Аҳмаднинг ўз қўшинига қувват берганини Хидирали бой эшитиб, кўнглига бир сўз келиб, ўзига-ўзи: «Бу бацчағарлар доим уруш қўрган, булар доим шундай қилиб юрган, бизнинг бу қирғиз болалари мол боқиб, ўтин олиб келиб, ҳеч нарса билан иши йўқ, уруш билан ҳуши йўқ, булар чўлда ўсган, урушни билмайди. Шу сафар қандай бўлар экан», — деб бойга хийла ўй тушиб, ўзига-ўзи тасалли бериб айтди: «Бу Аҳмаднинг ўн минг одами бор экан, қирғизнинг сони-саноғи йўқ, ҳадди-адади йўқ. Мен Туркман билан урушсам, унда ўйласам дуруст-да. Бу ўзи ўша Аҳмад, шу одами, бошқа одами йўқ, шу туриши-да, унга менинг ваҳмим қандай. Агар шуни шу сафар қириб юборсам, худой билади, Гўрўглибекнинг димоғи чоғ бўлар, бошқа туркманлар ўхшатибсиз дер, ҳеч қайсиси нега бундай қилдингиз демай-

ди-ку, меники қизик», — деб бечора кўнглини босиб олди.  
Қараса, Аҳмад от қўй дегетир, бу ҳам қирғизлар, ҳа  
зўр бер, деб бир сўз деди:

Қирғиз элнинг бўз боласи,  
Кўп аччиғи тез боласи,  
От қўйинглар ғайрат қилиб,  
Қон тўккич хунрез боласи.

Тайсаллама бу душмандан,  
Ҳадик олманг бу тургандан.  
Ғайрат қилиб қон тўкинглар,  
Тирик қўйманг бу Туркмандан

Юрагини олинг бориб,  
Ургин калтакман кўтариб,  
Уруш қил қирғиз боласи,  
Қонини тупроққа қориб.

Уртага олинг ҳайқир солиб,  
Тўплаб ол, қолсин қамалиб,  
Қирғиз элнинг ботирлари,  
Бошига қора кун солиб.

Олдини ол қўйма-қўйма,  
Баччағар, ушласанг бўйма<sup>1</sup>,  
Аямайин ура бергин,  
Бу уруш-ку, сенга тўйма<sup>2</sup>...

Биттасини тирик қўйма,  
Унинг олдин олсанг бўйма,  
Бир ошириб солсанг бўйма,  
Бир талотўп қилсанг бўйма.

Қирғиз эли, туш майдонга,  
Кўндаланг бўл бу душманга,  
Қойил бўлиб кетсин энди,  
Таърифи қирғиз полвонга.

Омон берма, омон берма,  
Қирғиз, бундай бўшаб юрма,

<sup>1</sup> Бўлмасми.

<sup>2</sup> Тўйми.

Ғайрат қилиб маҳкам бўп ол,  
Анқайиб сен буйтиб турма.

Уруш қилгин, уруш қилгин,  
Уннга қараб юриш қилгин,  
Қараб тургин ўғриларга,  
Сен улардан зўр иш қилгин.

Қочса қўйма, олдин олгин,  
Рост келса ошириб солгин,  
Улар душман, қира беринг,  
Ановга кўндаланг бўлгин.

Сайлаб ушла каттасини,  
Тирик қўйманг биттасини,  
Қирғиз бўлсанг қиргин энди,  
Ўғриларнинг шаттасини.

Йигитлар, қилингла ғайрат,  
Бошин кесиб ўзин яйрат,  
Ҳа де қирғиз, ҳа де қирғиз,  
Уриб ўлдир, барин қийрат.

Буларнинг ажали етган,  
Икки кўзини қон тутган,  
Аямай кесинг бошини,  
Улим ҳайдаб келаётган.

Қирингла, ўғри соп бўлсин,  
Таърифларинг бир гап бўлсин,  
Аямаси, аямаси —  
Туркманлар бартараф бўлсин.

Ура беринг, ура беринг,  
Бир бошидан қира беринг,  
Ўғриларнинг жазосини,  
Аямасдан бера беринг.

Бўлди энди аямаси,  
Бир-бирини суямаси,  
Шундай тараф бўлди (бизлар),  
Улса ҳам вой-войламаси...

Келган ўғри бизга душман,  
Ўғри билан доим ғашман,  
Барин ўлдир оломонин,  
Келганига бўлсин пушмон.

Ана энди икки ёқ ҳа деди, бир-бирови билан жон  
сотиб уришиб, бир-бировини суришиб, жонининг борича  
курашиб, жафо чекиб ётибди. У ёқ ҳам ҳа деб, бу ёқ ҳам  
ҳа деб, уруш қизиб, полвонлар сафни бузиб, бедовлар  
чопганда бир-биридан ўзиб, майдоннинг чанги бурқил-  
лаб баландга тўзиб уришаётир, биров-бирови билан су-  
ришаётир, бир-бировини ҳа деб қиришаётир.

Икки лашкар от қўйди,  
Кучи етганин сўйди,  
Бир талотўп бўлди энди,  
Нечовнинг ичи куйди.

Ҳа-ҳалайди ботири,  
Қўрқоқ қочаётири,  
Аралашди иккови,  
Овлоқ қолди чотири.

Иккови ҳам бўз бола,  
Кўп аччиғи тез бола,  
Олмос қилич қўлинда,  
Қон тўққич хунрез бола.

От қўяди тўп-тўп бўп,  
Ҳар тўдаси ҳам кўп бўп,  
Ҳа деб саваш қилади,  
Икки мусулмон чап бўп.

Иккови от қўяди,  
Ушлаганин сўяди,  
Икки душман дуч бўлса,  
Кими кимни аяди.

Ҳар тарафга от чопиб,  
Отни азамат чопиб,  
Иккови ҳам ҳа деди,  
Қилич осмондан жовиб<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Еғиб.

Иккови ҳам ботирди,  
Ҳар ёққа ўқ отирди,  
Икки қўшин майдонда,  
Ҳа деб келаётири.

Қўшин года тирқираб,  
Бедовлари пирқираб,  
Ур-ҳа, ур бўп ётибди,  
Қўрқоқлари чирқираб.

Ҳа дегандан ҳа деди,  
Ҳа сеними, ма деди,  
Бир-бирини аямай,  
Энди аяма деди.

Қўринг икки қўшинди,  
Урушга энди тушинди,  
Ботири юрир оралаб,  
Қўрқоғи энди яшинди<sup>1</sup>.

Қўрқоқлари қочди деб,  
Ботири энди ишинди,  
Катта уруш бўп қолди,  
Юмалаган бош энди.

Оти отга қоқилди,  
Эрларга эр тўқилди,  
Не эрларнинг қадди бил,  
Қадди ёйдай букилди.

Қип-қизил қон майдонда  
Сувдай бўлиб тўкилди.  
Не эрларнинг суяги  
Эмраниб шунда сўкилди.

Қўшин бўлди аралаш,  
Бариси ҳам хунрез ёш,  
Уруш бўлди кўп қаттиқ,  
Бир-бирига бўлиб ғаш.

Икки ёқ ҳам эрдай бўп,  
Йиситлари шердай бўп,

---

<sup>1</sup> Яширинди.

Икки қўшин майдонда,  
Урушади бирдай бўп.

Зўрлик қилса қай бири,  
Қочгани қолар ердай бўп,  
Не бир уллар шўл кунни,  
Эгнилари қирдай бўп...

Иккови ҳам кўп элди,  
Энди кўндаланг бўлди,  
Энди уруш бўлган сўнг,  
Қайси<sup>1</sup> қўрқиб енгилди.

Ҳали юрур баробар,  
Иккови ҳам диловар,  
Баббаробар урушда  
Бари ботир диловар.

Паст-баландга от чопиб,  
Ҳар ким ўз ерин топиб,  
Яра еган йигитлар,  
Қирилар отдан оғиб.

Майдон бўлаётири,  
Қор-ёмғирдай тош ёғиб,  
Ажаллилар йиқилиб  
Ётир жазосин тортиб.

Бир-бирига аралаш,  
Қари эмас, бари ёш,  
Майдон эрнинг иши-да,  
Ёш бола, бир қаламқош.

Айрилади ботири,  
Ботир келаётири,  
Бир хил, бир хил ботирлар  
Бир уруққа татири.

Ажал шундай, ёронлар,  
Нечовлар ағнаб ётири.

<sup>1</sup> Қайси.

«Уруш бўлса туруш йўқ»,  
У ёқ уришаётири.

Қўшин келар гала бўп,  
Аҳмад Сардор бало бўп,  
Қирғин бўлди шўл элда,  
Қилган иши ҳийла бўп.

Аралашиб, чувлашиб,  
Юраксизлари шошиб,  
Бир талотўп бўлди энди,  
Ул отадан адашиб.

Қизиқ бўлди уруши,  
Ёмон бўлди қириши,  
Ёмон қирғин бўлган сўнг  
Гумон-да ундан қолиши.

Чирқираган бир хилнинг  
Осмонга етди нолиши.

Ҳамма ҳа деб юрибди,  
Бекор эмас бир киши.

Иккови ҳам уришар,  
Бир-бирини қиришар,  
Гоҳда ўрда, гоҳ қирда  
Ағдарилиб юришар.

Жуда бўлди тенг саваш,  
Бир-бириман бўлди ғаш.  
Аямаси ҳа деди,  
Юмалади тошдай бош.

Майдон эрнинг ишиди,  
Эрдир полвон кишидир,  
Майдонлашди иккови,  
Булар ҳам зўр кишидир.

От-қўяди бўри бўп,  
Бўриларнинг зўри бўп,  
Қирғин солиб майдонга,  
Қирғинларнинг шери бўп.

От қўяди арслон бўп,  
Бир билакли полвон бўп,  
Олишади майдонда,  
Бир-бирига душман бўп.

От қўяди шердай бўп,  
Шердан ўтган эрдай бўп,  
Икки лашкар майдонда  
Олишади бирдай бўп.

От қўяди отдай бўп,  
Отли азаматдай бўп,  
Ҳа, деб юрур кўп лашкар  
Ўз томири ётдай бўп.

От қўяди қирон бўп,  
Улганлари паррон бўп,  
Осмондан тош ёғади,  
Шу майдон тошпаррон бўп.

От қўяди тойдай бўп,  
Олғир қарчиғайдай бўп,  
Ботирлари бўридай,  
Қўрқоқлари қўйдай бўп.

От қўяди нордай бўп,  
Паст-баланди бирдай бўп.  
Барин бирдан шипириб  
Кетадиган эрдай бўп.

От қўяди аждардай,  
Ҳар бир йигит ҳайбардай,  
Бир талотўп бўп турур,  
Кўрсанг мисли маҳшардай.

Кўринг энди мовқими,  
Қилган ҳузур зовқими,  
Ҳай-ҳайлайди бек Сардор  
Берибди аччиқ шовқими.

От қўяди чаппа бўп,  
Учди ўлик гуппа бўп,  
Қат-қат бўлиб ётибди,  
Ўлик таппа-таппа бўп.



От қўяди жовлик бўп,  
Гоҳ пастлик, гоҳ товлик бўп,  
Ботирлари қўчқор бўп,  
Қўрқоқ қолди совлиқ бўп.

Қўшин келди ён-ёқдан,  
Одам тўлди ҳар ёқдан,  
Шундай майдон бўп турур,  
Қутулмас одам ўлмоқдан.

Уруш бўлди эрлардай,  
Эрдан ўзган шерлардай,  
Ҳа деб майдон қилади,  
Иккови ҳам бўп бирдай.

От қўяди ол-ол деб,  
Ол-да, ошириб сол-сол деб,  
Вағирлашиб юрибди,  
Қелиб қўлингни ол деб.

От қўяди марддай бўп,  
Ранги сариқ зардай бўп,  
Қўрққанидан бир хиллар,  
Ичи тўлган дарддай бўп.

Остин-устин бўп юрур,  
Қувалашиб кеп юрур,  
Бир-бирига бариси,  
Ҳа деб, кел-ҳа, деб юрур.

Қўшин юрур оралаб,  
Излашади саралаб,  
Қўрқоқлари юрибди,  
Қўрмасин деб моралаб.

Икки ёқ ҳам ҳай-ҳайлаб,  
Ярадори вой-войлаб,  
Ҳа деб уруш бўлади,  
Мардлар отини шайлаб.

Аралашиб юрибди,  
Эрлар майдон кирибди,  
Ҳа деб ётир кўп лашкар,  
Бир-бирини қирибди.

Қўшин бўлди кўп қатти (қ).  
Ҳар тарафдан ўқ отди.  
Қатта уруш бўп ётир,  
Кўп кишини қийратди.

Қўшин бўлди кўп қирон,  
Ўзини тўпга урган,  
Аҳмад Сардор лашқари  
Бундай уруш кўп кўрган.

Қўшин ётир туман бўп,  
Айрилмоғи гумон бўп,  
Улганларнинг бошига  
Ётир охир замон бўп.

Қўшин ётир олиш бўп,  
Бир ошириб солиш бўп,  
Бир хил ночор қўрқоқлар,  
Вой деб иши нолиш бўп.

Қўшин ётир қийрашиб,  
Яра ишиб, жайрашиб,  
Қатталари — сардорлар  
Юрур йигитни қайрашиб.

Қўшин юрур шошилиб,  
Икки ғаним қўшилиб,  
Оққан қони майдонда  
Ариқда сувдай жўшилиб.

Қўшин юрур шов-шув бўп,  
Икки эл қаттиқ ёв бўп.  
Икки эл ҳам оғир эл,  
Гумон чиқиши сов<sup>1</sup> бўп.

Қўшин юрур толиб бўп,  
Бир-бирига ғолиб бўп,  
Иккови ҳам ўйламай,  
Кўрганда уялиб бўп.

Майдон бўлди майдондай,  
Полвон бўлди полвондай,

---

<sup>1</sup> Сов.

Икки лашкар урушда  
Бари соҳибқирондай.

Уруш бўлди кўп ёмон,  
Улганга охир замон,  
Яхшилик йўқ майдонда,  
Дим демас омон-омон.

Қўшиннинг кўп уруши,  
Ҳа деб тинмай қириши,  
Бари бирдан урнайди,  
Қараб турмас бир киши.

Шуйтиб уришаётибди,  
Бир-бирин қийратибди,  
Майдонлашиб икки эл  
Баробар бўп ётибди.

Иккови ҳам зўравор,  
Бир-бириман баробар,  
Олишади майдонда,  
Икки элат, ёронлар.

Уруш бўлди, кўп бўлди,  
Жуда талотўп бўлди,  
Иккови ҳам баробар,  
Бир-бирига жуп бўлди.

Шундай майдон бўлибди.  
Баҳодир кўп келибди.  
Сатта ботир — бўз бола,  
Майдон лиққа тўлибди.

Бўлаётир бир майдон,  
Одам чиқиб ҳар сойдан,  
Қулоқ чиппа битади,  
Пар-парлаган карнайдан.

Қарсиллаган милтиқлар,  
Юролмайдилар шилтиқлар,  
Юраги бор ёш боллар,  
Бир кўрсак деб интиқлар.

Қўшин тўлган жазойил,  
Ҳар ким тақдирга қойил,  
Қам юракка бўп юрур  
Ботирлари азройил.

Аямаси бўлганди (р),  
Майдон тоза тўлганди (р),  
Отиш, чопиш бўп ётир,  
Ажаллиси ўлганди (р).

Майдон шундай бўлади,  
Чопишган ер далади (р).  
Шамшир, ханжар ишлатиб,  
Ажаллиси ўлади.

Қўрқоқ қочар урушдан,  
Ботир қайтмас қиришдан,  
Бекардалар, ёронлар,  
Уҳда чиқмас, бир ишдан.

Юрак бўлса орли ул,  
Уҳда чиқар ҳар ишдан,  
Адаби бор, бохабар,  
Ҳам ўтириш-туришдан.

Аччиғи кеп уришса,  
Нима топар урушдан.

Ағдарилиб от қўйди,  
Қучи етганин сўйди.  
Қатта уруш, кенг дала,  
Чопиб дўнг билан сойди.

Бир хиллари солади  
Қирил деб вой-войди.

Ҳар ким қўлдан келганча,  
Бу ҳам урган талайди.

Узунига уришса,  
Ўзидан не қолайди.  
Бешта, тўртта ўлган бор,  
Шу ёғи ҳам бежойди.

Саф-саф бўлган икки ёқ  
Бир-бирин қувалайди.

Ул қувса, бул қочади,  
Қочиб йўлни очади,  
Тоза ўтган ботири  
Қувиб келиб санчади.

Найзага етиб илдирса,  
Сувдай қонин сочади.

Эл бўлган сўнг чиқад-да,  
Шундай-шундай нечади.

Бу ҳам қочиб қайтади,  
Уни қувиб кетади,  
Илдам отли эл бўлса,  
Бу ҳам қувиб етади.

Найза солиб сиртидан  
Ағдариб ташлаб кетади.

Барини юракли қилади,  
Қўрқоқ тулпорни нечади.

Гоҳ ул қувиб, гоҳ қочиб,  
Ботир уллар қон сочиб,  
Не бир тулпор бедовлар  
Юрур оғзини очиб.

Қамчи урса тулпор от,  
Устидагин оп қочиб,  
Шундайда от ярайди,  
Жонивор қушдай учиб.

У ҳам, бу ҳам ўради,  
Ботир майдон киради,  
Ундай уруш бўп қолса  
Қандай қараб туради.

Икки қўшин тиклашса,  
Зўри носин қиради.

Чин жонидан ўтказса,  
Носи қочиб юради.

Ноилождан қочад-да,  
Қочмаса худой уради.

Жони чиқса ҳам бир хил ул,  
Ор учун қайтиб туради.

Ундай уллар топилмас,  
У зотлар бир тўради (р).

Уларнинг тенгги шў бўлар,  
Тўраларга жўради (р).

Ана уруш кўп бўлди,  
Жуда талотўп бўлди,  
Сир бермайин иккови,  
Қочмади бири хўп бўлди.

Иккови ҳам мусулмон,  
Уруши қурсин кўн ёмон,  
Баробар келиб турибди,  
Бир-бирига демас омон.

Юрагини олдирмай,  
Тулпор отин елдирмай,  
Сипоҳилик қип турур,  
Икки ёқ ҳам билдирмай.

Иккови ҳам баробар,  
Сағта йигит диловар,  
Тенг тарози иккови,  
Олис эмас, биродар.

Тенг, бирови зўр эмас,  
Бир ёғи жовлик эр эмас,  
Ботири ҳам баробар,  
Бир ёғи оғир эмас.

Иккови нега ўч бўлди,  
Уруши ҳеч-а, ҳеч бўлди,  
Уруш қилди иккови,  
Эрта кун энди кеч бўлди.

Урушган икки сардорди,  
Иккови ҳам бир норди (р),  
Баробар турди иккови,  
Ботар ерига кун борди.

Букун зўрлик қилолмай,  
Бир-бирин сирин ололмай,  
Кеч бўп қолди, эрта кун  
Бирови босим бўло тмай.

Нечовлар тойиб тойрилди,  
Қаватидаги қайрилди,  
Кеч бўлган сўнг иккови,  
Икки ёққа айрилди.

Ана энди кун кеч бўлди, икки қўшин икки ёққа айрилди. Аҳмад Сардор бориб қўшига тушди. Гўрўғлининг асбобларини жайнатиб чодир-чаман тикиб, ҳар гапида Гўрўғли валламати сўкиб, баччағар қолин устида туядай чўкиб (ўтирди). Йигитлар оши-нон, овқат, озиқ еб, ичадиган озиқларини пишириб, тушириб, куйдириб уринаётир. Ошпазлар ошига урнаб, сайислар отига қараб, ҳар ким тарадуд-таҳликасини қилиб ётибди.

Хидирали бой у ҳам одамлари билан чарчаб-ҳориб ўз жойига, манзил-маконига бориб тушаётир. Лашкар бола-чақадан бир бўлак бир ёқли бўлсин, деб кўп уйни бир даланга чиқариб тиктирди. Қанча хизматкорларни чақириб ишга буюрди. Туғмаган тув биялардан, семиз ёш туялардан олиб келиб, ҳа деб қирғизларга сўйиб бераётир. Ҳамма қирғизнинг димоғини чоғ қилиб, кайфини ростлаб, барининг вақтини хуш қилиб:— Ана энди оғайинлар, шундай бир гап бўлди, бу итни балоларга дучор қилиб, моховларга ошна қилмасам бўлмас, буни худоё урган экан. У, оғайин, қариндош, ол, олиб келиб сўйиб ейбер. У, халойиқ, менга мол тағи битар-кетар. Қанча молим, йилқимни, туям, биямни, подамни, қўйимни, эчкимни — барисини Гўрўғлибекнинг шул ишига бой тикдим. Майли, давлатимнинг бариси соб бўлиб кетса ҳам майли. У, оғайин, ёронлар, шу икки пари, бир неча келин, набира, бола-чақаси қочиб келибди. Энди мен Аҳмадга сенинг билан уdda чиқолмайман, баробар келолмайман, деб шуларни бериб юборсам дуруст бўларми?! Шуларга мен паноҳ бўлолмасам, менинг нима одамгар-

чилигим<sup>1</sup> қолади. У, қирғизнинг одамлари, бу иш катта иш, бу сўз жуда улуғ сўз, бу бир меники эмас, баримиз оғайинмиз, баримизнинг оримиз бир, номусимиз ҳам бир. Менинг беобрў бўлганим сизларнинг беобрў бўлганларинг. Шу келган парилар менинг меҳмоним эмас, билсанглар, ҳаммангизнинг меҳмонинг. У, оғайинлар, энди дуруст иш қилинг. Бу баттол Аҳмад Сардор жуда ёмон одам. Бундай ёмон одам шу замонда йўқ,— деб элга гапириб, қирғизга кўп ялтанглаб турур.

Шунда қирғизларнинг ичидан бешта, ўнта одам: йигит оғалари, катта-катта мўйсафид, қишлоқ катталари:— У, бой, асло ғам еманг, бу баччағар Аҳмад Сардордан хавотир ҳам қилманг. Бунинг учун сира-сира хафа бўлманг. Бир замонинда, бир вақтинда шундай ишлар бўлиб қолади. Сизни отам деб, отамнинг эли-халқи, қариндош-туғони бор, қирғизга қариндош, уруғдош, элдош, эл-элат, ҳам уруғ, деб парилар сизникига келибди. Сизникига келибди, бизларникига ҳам келибди. Ана энди бу баччағар ярамас қувиб келибди. Аҳмад Сардорнинг ўн минг одами бор экан, бизлар сира қўрқиб ийманмаймиз, қўрқмаймиз. Улар ўн минг одам бўлса, бизлар ҳали юз мингдан кўп бўламиз. Сиз ундан сира ғам еманг, бизларнинг сизга айтган сўзимиз шул, узоқдан, олисдан келган қирғиз оғайинлар қаерга борамиз, деб юрмасин, оч қолиб турмасин. Сиз бойлик қилиб, шу келган оғайин, урушадиган йигитларни хафа қилмай, қарашсангиз бўлади. Аҳмад Сардор ўн минг одам билан келибди, агар бунга қўшилиб туркманнинг бари, Така-Ёвмит сариси келса ҳам урушамиз,— деб қирғизлар бойнинг кўнглини якдила қилди.

Хидирали бой димоғи чоғ бўлиб:— Оғайинлар, мен боғона шу давлатимни бой тикдим, деб айтдим-ку. Агар давлатим етмаса, қирғизнинг бойларидан қарз олиб бераман. Гўрўғлибекнинг давлати ҳам етмасми. Энди сизлар дунёдан ўйламай, узоқ-яқиндаги бор қирғизни хат қилиб, одам йиғинглар. Уткир, қўлидан иш келадиган, баҳодир-ботир йигитлар жам бўлиб йиғилсин. Ишқилиб шу Аҳмад Сардорни йўқотиш фикринг қилинг,— деб сўзи шу бўлди.

Энди қирғизлар ҳам жойидан туриб, аввал бориб майдонда ўлган одамларини олиб келиб, кафан-тажҳиз

<sup>1</sup> Қўлөзмада *одамгарлигим*.



қилиб кўмиб олди. Ундан сўнг бари иттифоқ қилиб, ўз-ли-ўзи қаерда, бошқа уруғнинг ичидаги қирғизларни ҳисоблаб билиб, бир хилига одам юборди. Ўзининг олай қирғиз билан зилай қирғизига жовлик уй бошига бор одам қолмай келсин, деб хабар қилди. Қирғиз саришта-син олиб, тараддуд-таҳликасини қила берсин.

Аҳмад Сардор, ҳам одамлари қовузланиб, овқат-өзиқларини еб-ичиб, қорни тўйган сўнг, майдонда ўлган одамларини олиб келиб, кафан қилиб кўмдирди. Икки ёқ ҳам майдонни тозалаб, ўхшатиб қўйди. Иккови ҳам чоқ бўлиб, йигитлари билан кенгашиб ётди. Аҳмад Сардорнинг одамлари қирғизга қараганда урушни кўп кўрган, жуда жаррор, урушда қирғизга ҳунармандлик қилади. Буларга қирғиз жовлик от қўйиб кўплик қилиб енгмаса. Агар бирма-бирга, битта-битта келиб урушса, Аҳмаднинг одамлари қирғизнинг юзтасига ҳам олдирмайди. Агар битта-битта келиб урушса, найзадастлик ҳам қилади, қиличбозликда ҳам баландлик қилади, тиррандозликда ҳам мерганлик қилади, сари ёйга шакаманлик қилади. Шу сабабдан Аҳмад Сардор ҳам, йигитлари ҳам айтади: «Ҳали қирғиз беваҳм, тарс хавф йўқ, бир-икки уруш бўлса, анча одами ўлса, ҳар урушда одами ўла бергандан кейин одамнинг юраги ишади, сўнг қўрқади. Агар бундай қила берса, бизларнинг баримизни қириб кетади экан, бизлар бекордан бекор. Гўрўғлининг хотини, Ҳасанхоннинг хотини деб ўлиб кетганимиз қандай?! Бу туркманлар қўймайди экан, бермасак шу хотинлар учун ўламузми, дейди-да, ундан сўнг беради, бўлмаса ҳали бермайди»,— деб ҳаммасининг кенгаши шул. «Оз бўлсак ҳам ҳар қандай қилсак, қирғизга босим келамиз»,— деб кўнгли тўқ. Аҳмад Сардорнинг димоғи чоғ, ўн минг одам қошида, нима деса фармонида. Илгари бўршанглаб ҳеч кимни буза олмай, айтганига ҳеч ким юрмай, гапи ўрин олмай, ҳеч ким айтганини қилмай, Гўрўғлибекка не қиларини билмай, ўлиб юрар эди. Ана энди бу вақт катта ҳукмронлик, ўзига ўзи айтар эди: «Эй Аҳмад Сардор, илгари сардормидинг, илгари абгор эдинг, энди Сардор бўлдинг. Агар Гўрўғли келганча шу париларни қўлимга бир туширсам бўлар эди». Аҳмад Сардор неча шумликларни ўйлаб, йигитларга бир нима деб сўйлаб, ёмонликни пойлаб оқшом ётди, эрта туриб тонг отди, муллалар қайқайиб азонни айтди,

кун чиқиб ёруғ бўлди, намоздан фориғ бўлди, Аҳмад Сардор лашкари билан отланиб, майдонга келди.

У ёқдан Хидирали бой ҳам бөр салтанати билан пўш-пўш қилиб, Аҳмад Сардорга кўз қилиб, бир замзама билан келди. Хидирали бой ҳам оқшоми билан ясовул, арбоб, оқсоқол, лашкарбоши барини от-оти билан ҳар қайсисига ўзининг ишини тайинлаб қўйиб эди. Келгандан рақиблар чопқилашиб, сафни бойлаб, ўртага тушиб, сен бундай тур, сен ундай тур, деб ясаб қўйди. Ана энди саф бойлаб бир-бирига қараб турди. Шу вақтда Аҳмад Сардор тарафдан бир бек, ани Фарҳодбек дер эди, Ёвмитда неча марта Гўрўғлибекка қирқ йигитнинг бировининг ўрнига ўтаман, деб жанжал қилган эди, жуда иш кўрган, жаррор, ниҳоятда баҳодир, ботир эди, Аҳмад Сардордан фотиҳа олиб, от ўйнатиб майдонга кирди, мард талаб қилди. Ана шунда Фарҳодбек (айтди):— У, Хидирали бой, сенга урушни ким қўйди, менинг бир ўзимга жамеъ қирғизнинг кучи етмайди, бир ўзим барингга бўламан. Сен ким, Аҳмад Сардор билан урушмоқ ким, молингни боқиб юра бер-да. Сипоҳлик сенга нимаси. Эса юбор полвонни.

Отим Фарҳод, ўзим бекзод,  
Ана майдон келгин, қирғиз,  
Мен ҳам билсанг эрнинг эри,  
Сен менга тенг бўлгин, қирғиз.

Юбор энди одамингни,  
Мен келдим, егин гамингни,  
Тайёрлай бер анжомингни,  
Энди тайёр бўлгин, қирғиз.

Сенлар кимсан, урушмоқ ким,  
Сипоҳларман сурушмоқ ким,  
Баробар бўп юрушмоқ ким,  
Ол баробар бўлгин, қирғиз.

Сенлар юрган чўпон одам,  
Аҳмад Сардор полвон одам,  
У бир Соҳибқирон одам,  
Сен ўзингни билгин, қирғиз.

Аҳмад Сардор соҳибқирон,  
Узи бир Рустами дoston,

Сени у сақламас чўпон,  
Буни англаб олгин, қирғиз.

Туркман эли жуда зўрди,  
Шўйтиб у майдонда юрди,  
Қирғизни қай худо урди,  
Тентак бўлиб қолдинг, қирғиз.

Мен Аҳмаднинг хизматкори,  
Йигитларнинг аждаҳори,  
Борми қирғизнинг мадори,  
Мен кўрайин келгин, қирғиз.

Уриб қилай майда-майда,  
Сизларга-яхши кун қайда,  
Мол боқиб юра бер сойда,  
Молдан айрилмагин қирғиз.

Сенинг ҳақинг мол боқмоқлик,  
Наинки майдон чиқмоқлик,  
Бу ишинг кўп ул аҳмоқлик,  
Энди ҳушёр бўлгин, қирғиз.

Сен майдонга кирсанг энди,  
Менинг зарбим кўрсанг энди,  
Мард бўлсанг тан берсанг энди,  
Сўнгман қойил бўлгин, қирғиз.

Мен келдим майдон қилмоққа,  
Майдон юзини қон қилмоққа,  
Сизларни яксон қилмоққа,  
Келиб яксон бўлгин, қирғиз.

Майдон, уруш менинг ҳақим,  
Аввал бошдан касми воқим,  
Сенинг касбинг мол боқмоғинг,  
Ўз касбингни олгин, қирғиз.

Мен қиламан майдон бугун,  
Ун, ўттизинг, юзинг кегин,  
Ўлдирай офарин дегин,  
Келиб яксон бўлгин, қирғиз.

Майдон кирай талабкор деб,  
Менга ҳариф қайсинг бор деб -  
Сайлаб юбор аждаҳор деб,  
Сўзларимни олгин, қирғиз.

Ҳариф бўлсанг кел-чи қани,  
Не ишлар қиларман сани,  
Шунда танирсан сен мани,  
Мени билиб олгин, қирғиз.

Энди тез-тез полвон юбор,  
Чин баҳодир, арслон юбор,  
Кўп серюрак ўғлон юбор,  
Мардни тайёр қилгин, қирғиз.

Қачон майдон кўргансилар,  
Тоғда, жарда юргансилар,  
Қай майдонда тургансилар,  
Энди майдон киргин, қирғиз.

Танҳо қирарман барингни,  
Турган жумла лашкарингни,  
Юбор тезроқ ҳайбарингни,  
Томошани қилгин, қирғиз.

Қирғиз, эшит айтган сўзим,  
Ҳар ёққа қарайди кўзим,  
Ҳаммангизга ёлғиз ўзим,  
Менга ҳариф бўлгин, қирғиз.

Мен ҳам бир эрман номдорди (р),  
Улуғим Аҳмад Сардорди (р),  
Сен, қирғиз, ишинг бекорди (р),  
Сен ишингни билгин, қирғиз.

Майдон излаб энди келдим,  
Сизларга бетма-бет бўлдим,  
Сиздан ҳариф талаб қилдим,  
Полвон тайёрлагин, қирғиз.

Сизга кўрсатай кучимни,  
Олайн энди ўчимни,  
Бугун қонлаб қиличимни,  
Сен томоша қилгин, қирғиз.

Ўзим солай сенга қирғин,  
Қилганимни кўриб тургин,  
Турмагин қирғиз, ўтиргин,  
Отга поймол бўлгин, қирғиз.

Фарҳодбек қирғизларга ваҳшат қилиб, ўзига бино қўйиб, лоф-қоф уриб турди. Шунда қирғизларнинг ичида бир йигит, ўзи полвон эр йигит, жуда ҳам ошган зўр йигит, отини Синдор қирғиз дер эди, қирғизларнинг жуда эътиборлиларидан эди. Ғайрати гирибонгир бўлиб, жойидан туриб, отига жавлон бериб, Хидирали бойдан, бошқа катталаридан фотиҳа олиб, от ўйнатиб майдонга келиб, Фарҳодбекка кўндаланг бўлиб, ана ҳариф келди, ишингни кўрсат, деб бир сўз деди:

Кеп майдонда турган йигит,  
Кўп лоф-қоф урган йигит,  
Ҳариф келди кўрсат ишинг,  
Бизни жовлик урган йигит.

Қараб турма, қилгин ишинг,  
Наф қилмайди мақтанишинг,  
Келди жавоб берар кишинг,  
Кел, навбатинг олгин, йигит.

Мен бу сўздан ғам емасман,  
Мен сени одам демасман,  
Мен ҳам сендан кам эмасман,  
Келдим, қўлинг олгин, йигит.

Қани кўрай ғайратингни,  
Кўп қилдинг таърифотингни,  
Баён қилдинг сифатингни,  
Хунарингни қилгин, йигит.

Ҳариф бўлиб сенга келдим,  
Келдим-да рўбарў бўлдим,  
Полвонлигинг қачон билдим,  
Ишинг баён қилгин, йигит.

Сен Аҳмаднинг сардорисан,  
Йигитларнинг шунқорисан,  
Ва лекин марднинг бирисан,  
Келдим, ҳариф бўлгин, йигит.

Полвон бўлсанг ҳунар кўрсат,  
Куч билдириб ўйин кўрсат,  
Эр бўлсанг хизматлар кўрсат,  
Мен кўрсатай, кўргин, йигит.

Менга кўрсат ишларингни,  
Қўп қилдинг зебишларингни,  
Билдир менга ёшларингни,  
Сўрдим, баён қилгин, йигит.

Майдон деган ишнинг жойи,  
На мақтов, нозишнинг жойи,  
Турмоқ осойишнинг жойи,  
Роҳат уйда олгин, йигит.

Мен ҳам йигит, сен ҳам йигит,  
Полвон бўлсанг мени йиқит,  
Йиқилсанг майдондан чиқиб,  
Менга қойил бўлгин, йигит.

Билдим сен туркман полвони,  
Ночор дема, англа мени,  
Майдонда йиқарман сени,  
Йиқсанг қойил бўлгин, йигит.

Сенинг ишинг кўп ноҳақдир,  
Ноҳақ ишга ривож йўқдир,  
Йўлим тўғри, кўнглим тўқдир,  
Сўзим англаб олгин, йигит.

Полвон, эшит йўлинг ёмон,  
Ҳақ қилсин сизлардан омон,  
Сизларда йўқ нури имон,  
Бу сўзларни билгин, йигит.

Йигит эшит айтганларим,  
Тўғри йўлдан қайтганларим,  
Ҳайф-насиҳат айтганларим,  
Ўз йўлингни билгин, йигит.

Аҳмад Сардор баттол одам,  
Ёмон бўлар унга ҳамдам,  
Сен бўлибсан яхши маҳрам,  
Шундан ибрат олгин, йигит.

Эшит йигит айтган тилим,  
Қирғиз менинг ўсган элим,  
Эгри эмас тилим, кўнглим,  
Емон йўлдан қолгин, йигит.

Ҳариф бўп кўндаланг бўлдим,  
Жавоб берайин деб келдим,  
Қаҳр этма, насиҳат қилдим,  
Ҳариф бўлиб келдим, йигит.

Кўрсат менга ҳунарингни,  
Билдир энди кирдорингни,  
Қўй, жўра, кир виқорингни,  
Сенга ҳайрон қолдим, йигит.

Майдонга кирмак ор эмас,  
Майдонда лоф даркор эмас,  
Эгрига оллоҳ ёр эмас,  
Келдим, ишинг қилгин, йигит.

Ана энди Фарҳодбек бу сўзларни Синдорбекдан эшитиб:— Қирғизда яхши одамлари бўлар экан, сен бизга яхши сўзларни айтдинг, ҳали сени мен ҳариф билмайман, балки жамеъ қирғизингни кўзга илмайман. Мен сипоҳ бўлсам, бу қирғиз тоғда мол боқиб юрган, ундай бўлса, сен келибсан,— деб иккови юзма-юз бўлиб, жаҳд-жадал қилдилар. Фарҳодбек ҳаддан зиёд баҳодир эди, ҳеч мисоли йўқ йигит эди. Урушга, майдонга ўзган ҳунарманд эди. Шу сабабдан Синдор қирғизни назарига келтирмай юриб эди. Синдор қирғиз ҳам тарафсиз полвон эди, Фарҳодбекдан кам эмас эди, ундай уста эмас эди. Бўлмаса эрликдан ниҳоят мумтоз, шаҳбоз эди. Ана энди полвон майдонда ҳунар кўрсатиб, тигбозлик, қалқонбозлик, найзадастлик, гаровбастлик, забардастлик қила берди. Иккови бир-бирига эрлик кўрсатиб, етмиш тиг радди бадал бўлди. Найзалашиди, эрлик найза рад бўлди. Булар тигдан мурод бўлмай, камонлашдилар. Ундан ҳам мақсуд ҳосил бўлмади. Шу вақтда Фарҳодбек ўзига ўзи: «Бу нима деган гап бўлди, шунча лоф уриб, аввалги қирғизга шунча ҳалак бўлсам. Эртадан кеч бўлаёзиб бир одамни ола олмасам, нобуд қила олмасам»,— деб бир тигни кўтариб ҳавола қилди. Қирғиз эҳтиёт бўлмади, бир яра зарб еди. Фарҳодбек Синдор

қирғизни майдондан чиқарди. Қирғизнинг маҳрамлари келиб, Синдорнинг отини етаклаб олиб кетди. Фарҳодбек майдонда ҳариф тилаб турди. Қирғиздан не бир атоқли полвонлар Фарҳодбекка туша берди, Фарҳодбек бир уриб нобуд қила берди. Кун кеч бўлгунча қирғиздан саксон кишини нобуд қилди. Кун кеч бўлди, икки лашкар икки ёққа қараб кетди. Фарҳодбек Аҳмад Сардорга таъзим қилиб турди. Аҳмад Сардор Фарҳодбекни қўлидан ушлаб, ўзининг қошидан жой бериб, кўп инъом-эҳсонлар қилиб, лашкарига сипоҳсолар лашкарбоши қилди. Қирғизлар бариси кўп маълул, ғамгин бўлиб, Фарҳодбекнинг таърифини қилиб ётди. Эртан туриб майдон бўлди. Фарҳодбек чиқди, бу кун олтмиш полвонни нобуд қилди. Фарҳодбек бир ҳафта, саккиз кун майдондорлик қилди, қирғиздан ҳеч бир одам баробар келмади, қирғиз танг бўлди, неча мартаба маслаҳат қилди, иложини қилолмади. Ана шунда қирғизларнинг у ёқдан бораётган одамлари ҳам йўлда, тузда Фарҳодбекнинг таърифини эшитиб, йўлдан қайтиб бормадилар. Фалон-фалонлар йўлдан қайтган эмиш, кўрмай Фарҳодбекдан, Аҳмад Сардордан, туркмандан қўрқиб қочиб кетган эмиш, деб Хидиралибой эшитиб, кўп хафа бўлиб, ноилож париларга маслаҳат солди:— У қизларим, бизнинг қирғиз деган бир чўпон халқ бўлади, сипоҳиликдан хабари йўқ. Энди, қизим, Аҳмад Сардор ўн минг одам билаш келиб ётир, буларнинг ичида бир Фарҳодбек деган полвони ҳафтадан бери ҳар кунда қирғиздан юз одам, икки юз одамни ўлдиради. Шунча қирғиз бир Фарҳодбекка жавоб айтолмай, шу элдан бир ҳариф чиқмай қолди. Энди, қизим, мен ҳам ҳайронман. Аслида мен ҳам бир одамман-да. Борсаю қирғизлар бизлар Аҳмад Сардор билан урушмаймиз, ўзинг қандай қилсанг, шундай қил, десаларми, деб кўп ўйлайман. Бир хил узоқдан келаётган қирғизлар йўлда Фарҳодбекнинг овозасини эшитиб, қайтиб кетган эмиш, энди булар ҳам шундай қайтиб кетарми, деб кўп хавотир қиламан. Энди, қизларим, гап нима бўлади, қандай қилиб бу Аҳмад Сардорга жавоб берамиз, сизлардан сўрасак яхши бўлади.

Бу сўзларни парилар эшитиб, димоғи куйиб, кўп хафа бўлиб, париларнинг ўзлари маслаҳат қилиб, кенгашиб, Оға Юнус пари ноилож Мисқол парини Гўрўғлибекка юборди. Бир хат қилиб, аввалдан охирини шу хатга ёзиб, бўлган ҳангомаларни, ундан қочиб Хидир-



алибойга келгани, Аҳмад Сардор париларни қувалаб қирғизга келгани, қирғиз уришиб Фарҳодбекка муқобил бўлолмайд қирилгани — барисини хатга солиб, Мисқол парини равон қилди. Мисқол пари оға Юнус парининг хатини олиб, Қрим мамлакатига борди. Гўрўғлибек Қримнинг подшоҳи Холдорхонга ўн кун муҳлат бериб, хотиржам ётган экан, Мисқол пари етиб борди. Гўрўғлибекнинг ҳар кўзи шокосадай бўлиб, баданидаги туклари найзадай санчилиб, дарқаҳр бўлиб парига:— Нимага менинг орқамдан келасан,— деб ғазаб қилди. Ана шунда Мисқол пари Гўрўғлибекка таъзим қилиб, полвоннинг иззатларини бажо келтириб, Оға Юнуснинг хатини бекка берди. Гўрўғли хатни ўқитиб, ҳамма гапни мулоҳаза қилиб, билиб олди, шу сўз одамларнинг қулогига борди: «Во ажабо, бу нима деган гап, худой уриб, Аҳмад Сардор Гўрўғлининг ўн минг одами билан бориб, Чамбилга душман бўлган эмиш»,— деб ҳамма дўст-душман ҳайронлар қолиб, таажжубларга ғарқ бўлди.

Гўрўғлибекка Аҳмад Сардор душман бўлибди деса, ҳеч ким ишонмайди. Гўрўғлибек лол бўлди, нима қиларини билмади. Уйлаб-уйлаб, кейинига қайтай деса бунинг ҳам ҳисоби йўқ ва яна одам юборай деса, бу одам борганча қирғизни Аҳмад Сардор олиб қўяди. Гўрўғли кўп фикрларга борди. Туриб-туриб Мисқол парига:— Ҳасан Чопсон на ерда экан, биласанми, энди сен қирғизга бор, опанг оға Юнус паридан бир хат қилдириб, сен ўзинг Ҳасан Чопсонни олиб бор,— деб Гўрўғлибек аввал-охир бўлган ишни, душманга зафар топишни,— бари гапни хатга солиб, оға Юнус парига юборди. Бир бўлак хатни Гўрўғлибек Ҳасан Чопсонга қилиб, муҳрларини босиб, кўп сўзларни Мисқол парига тайинлаб:— Ҳеч ким билмасин, ҳеч душман англамасин, Гўрўғлибекнинг орқасидан хотини келибди демасин,— деб парини пинҳон жўнатиб юборди. Ана Мисқол пари шундан оға Юнус парининг олдига келиб зиёрат қилди, Гўрўғлибекнинг хатини берди. Ҳамма гапни билиб, пари ҳам хурсанд бўлди. Ана энди Юнус пари бир хат қилиб, муҳрлаб Мисқол парига берди. Мисқол пари Ҳасан Чопсонни излаб чўлга чиқиб кетди. Ҳасан Чопсон деган девлардан, бир наҳанг катта девлардан, атоқли баҳодирлардан, оға Юнус пари билан келган девлар — булар одам эмас. Буларга одам тува дев ҳам баробар келмас, буларга ҳеч нарса тенг бўлмас, ана шу Ҳасан

Чопсонга Гўрўглибекнинг вазифалари, сурсатлари кифоя қилмай, уларга қаноат қилмай, чўлларда катта онгдардан қувалаб ушлаб олар эди, овқат қилиб кунини ўтказар эди. Шу Ҳасан Чопсон Ҳасан Қўлбардан, Ҳасан Яқдастдан ҳам зўр эди. Доим чўлда, катта онг қаерда кўп бўлса, Ҳасан Чопсон шу ерда эди.

Ана Мисқол пари жуда кўп ерларни излаб, жуда кўп ахтариб, бир чўлдан топди. Ҳасан Чопсон Мисқол парини кўриб, кўзи олариб, ранги ўчиб, қаттиқ идиррайиб қолди. Шунда парига далбанглаб:— У, Мисқолжон болам, опанг омонми, тани-жони соғми, ошқуяри омонми, юраги бутунми, вақти хушми, тани соғми,— деб жавраб қолди. Шунда Мисқол пари:— Опам омон-эсон, вақти хуш, сизни соғиндим, нимага бундай қилди экан, акам келмади, ё бир гап бўлдими, ё бир жойда ухлаб қолганда бир ҳодиса бўлдими, дим хабари йўқ, нимага бундай қилди экан дейди,— деб Ҳасан Чопсоннинг кўнглини якдила қилди. Ана энди паризод Гўрўглининг Қримга кетганини, Аҳмад Сардорни ўн минг одами билан йўлдан қайтарганини, Аҳмад Сардор ўн минг одам билан келиб Чамбилни қамаб, неча кун отишиб, Бердиёр билан Мирза Аскар ўлганини бир-бир баён қилиб, ундан парилар қочиб қирғизга — Хидирали бойниқига бориб, ортидан Аҳмад Сардорнинг бориб майдондорлик қилиб, неча кун урушиб, охири Фарҳодбек чиқиб, қирғизга зўрлик қилиб, сафни бойлаб, ҳамманинг юрагини олиб, ҳеч ким чиқмай қолганини бир бошидан баён қилиб, ундан пари Қримга бориб, Гўрўглибекни кўриб, қайтиб келганини айтиб, Гўрўглибек берган хатни берди, ундан кейин Оға Юнус парининг хатини берди. Ана Ҳасан Чопсон бу сўзларни бир-бир эшитиб, дарқаҳр бўлиб:— Ҳа худой урмас, менинг кўзим йилтираб туриб, шу ҳароми Аҳмад Сардорни менинг Оға Юнусимга озор бериб, ортидан қувалаб юрарми. Чамбилга келгандан нимага кабар бермайсизлар. Мен унинг жазосини бермайманми, унинг гўштини парча-парча қилмайманми. Шу баччағар туз ҳаромига менинг кучим етмайми, ё менинг қаҳрим келади демайми. Ундай бўлса юр қани, шўл туз ҳаромини кўрайин, оға Юнус парида нимаси бор экан сўрайин. Хў-хў, хў-хў, мен шу ерда туриб, мендан ийманмай-а, бу қандай гап, бу нима деган сўз, ў баччағар-ай, уйинг куйгур, ҳароми, сен Аҳмадними, сен Аҳмадни, қани борайин,— деб туриб, йўлга кифоя қила-

диган овқатини қилиб, париларга, оға Юнус парига қуруқ бормайин, деб кийикнинг ёш-ёшидан ўнчани ушлаб олди. Ҳайт деб йўлга тушиб, чангитиб уриб келаётибди. Мисқол паризод бир парвоз билан оға Юнус парининг олдига келди, зиёрат қилди, бўлган воқеани бир-бир баён бериб ўтирди.

Энди булар бу сўзда ўтира берсин, Ҳасан Чопсон ҳам кела берсин, Фарҳодбек тошдай қамади, неча кун майдондорлик қилди, майдон экан, ҳеч ким чиқмади, Хидирали танг бўлди. Фарҳодбек бир-икки тўпига ҳам от қўйди. Шунча юрагини олган, сафга ҳам кириб қараса, ҳеч одам бора олмайди, тура қочади. Фарҳодбек майдонда, қирғизлар ғамда, Аҳмад Сардор бир одамни юборди: «Ў, қирғизлар, сизлар қандай аҳмоқ одам эдинглар, Гўрўғли нима, энди ҳамманг ўлар ерга келдинглар, энди париларни бериб қутулганларинг, ё баринг ўлиб йўқ бўлганларинг. Мен ҳали сизларни эси киради, «аҳмоқнинг ақлига қара, тентакнинг маъқулига қара», деб турибман. Сенлар бермасанглар, тортиб ҳам оламан, кучим етмасмикан, шунга нима дейсизлар». Шунда ҳамма қирғиз Хидирали бойга қараб:— Ў, бой, бизлар шунча қилдик, қанча одамимиз ўлди, кучимиз етмаса, Гўрўғлибек биздан нима деб ўпкалайди, сиздан нима деб ўпкалайди. Биз энди жонимизнинг барини кўшиш қилдик, париларни бермаймиз, деб қирғиз элининг ярми ўлди, бу ёғимиз ҳам кунимизни топсак, бермаймиз деймиз, бизга чўртта зўрлик қилди-да, биздан тортиб олаётир, қайтайик кучимиз етмаса, ноилож ўлганимиздан берамиз-да. Бўлмаса биз берсак, Аҳмад Сардор аввал талаб қилганда берар эдик, ноилож берамиз-да. Аҳмад Сардорнинг қўлида бола-чақа, хотин-қиз — ҳаммамиз ўламизми, бу баччағар сира раҳм қиларми, баримизни қиличдан ўткаради, бизларнинг ўйимиз жуда кўп, ҳар ўйларни қиламиз-да, дим суробини топмаймиз, нима қиларимизни билмаймиз,— деб ҳамма қирғиз боласи Хидирали бойни ўртага олди. Ана энди Хидирали бойнинг бошига осмон йиқилди, ёр танг бўлди, ҳеч нима дея олмади.

Бой бечора ниҳоят танг бўлиб туриб эди, бир чанг чиқа берди, катта лашкарнинг чангидай бўлиб келади, ҳаммаининг кўзи шу чангда. Аҳмад Сардорнинг жони тос тепасига чиқиб кетди. Шу баттол, баччағар Аҳмад айтди:— Ғамларингни (ей беринглар), мен неча марта-

балар кўрдим, сира менинг иқболим Гўрўғли иқболини боса олмади. Шу сафар Гўрўғлини ўхшатдим деб эдим, бу ҳам бўлмади, бу сафар ҳам Гўрўғли зўрлик қилди. Ў, йигитлар, дарров тайёр бўлинглар, мана бу чангнинг авзойи ёмон, шу чанг Ҳасан Чопсон бўлмасин. У чўлкезар келиб қолса, иш қабоҳат бўлади, ундан сўнг бизларга сира кун йўқ. Дарров анжомларингни чоқланглар. Шу чанг Ҳасан Чопсоннинг чанги,— деб Аҳмад Сардор жуда хавотир қилиб қолди. Бир пилла чангнинг ичидан бир одам чиқди. Чамбилнинг ҳамма одамлари — бариси таниди: Ҳасан Чопсон, Ҳасан Чопсон келгандан майдоннинг ўртасига келди.

Ана энди булўтдай гулдираб, вағирлаб, гуркираб, довши варқираб, соқоли тирқираб, подадай бўкириб, товушининг борича Аҳмад Сардорни сўкиб қўя берди:— Ў, туз ҳароми, сен Аҳмадми, сен қачондан бери одам йиғиб катта бўлиб, жаҳонгирликни қачон қилдинг?! Сен Гўрўғлининг элига каттадан биттаси бўлиб, келиб-келиб қилган ишинг шуми?! Нима қиласан, кела қол, сен кучук биласанми, Гўрўғлининг ювиндиси билан семирибсан, «эшак семирса, эгасини тепар» деган бўлибсан. Оға Юнус парининг ортидан қувалаб нима қиласан, айт, қани, ҳақинг борми, қарзинг борми. Мунча қўшинни бузиб, йўлдан чиқарибсан, айнимали. Сен ҳароми қанча ишинг борми, тегишинг борми, олиш-беришинг борми, бор бўлса Гўрўғлига бор-да. Сен туз урган, айниган, бенмон, ит, париларни қувалаб, оға Юнус парида ниманг бор. Ў, арабнинг бўридан қочган эринчак баттол кучигидай бўлган суратларингга, ўн минг лашкар қилиб замзама қилган шавкатларингга! Сен кучук қаерда ўғри борми, ҳароми борми, ота безор, она безор, қизилоёқларни йиғиб олиб, қўшин қилиб, менинг қўлимдан кетчи, кўрайин, зўр бўлган кучларингни мен кўрай. Сизлар менинг қўлимда қандай жон сақлар экансизлар. Ажалинг етмаса, эсинг кетмаса, кунинг битмаса, оға Юнус парига тегинасанми. Ў, ўв-воҳ, ҳароми, ит, сен нима кучуксан, қандай итсан, не суратли кўппаксан, қани, бу ерга келиб қилган ишларингни айт, мен эшитайин. Ў, айнама, эси кетган, сангров, санқи. Аҳмад, ў, Аҳмад, мана шу ўн минг одам сенга эргашиб юрибди, булар ҳам Гўрўғлининг давлати, асбоби, бу лашкар шунинг сўзи билан бўлган, сенга бир кучук эргашмайди-ку, ҳароми. Эгасини танимай дод солган кўппакдай, қорани кўрмай, ҳабалай.

диган итдай бўлган сен. Уятни билмасанг, қабоҳатни билмасанг, диёнатни билмасанг, сен дайди баччағар эгангни танимасанг, эл куларин билмаган, ордан, номусдан сенда нишон йўқ! Қани нима десанг айт, оға Юнус париға нима дейсан. Ана кел, қўшининг келарми, ўзинг келасанми, Фарҳодинг келарми — барингнинг ўлгиси келган, ажали етган, кел-кел, ана мен келдим! Қани кўрайин, ҳолинг нечук, — деб бир сўз деб турур:

Ҳасан Чопсон бу кун келди,  
Ёмонлигинг янги билди,  
Сен ҳароми Аҳмад, эшит,  
Оломонинг жовлик ўлди.

Сен ҳароми нима қилдинг,  
Сонсиз катта гуноҳ қилдинг,  
Эшит, Аҳмад, келгин энди,  
Ёмонлигинг менга қилдинг.

Мен кўрқмайман паст-пусингдан,  
Ёмонлик чиқиб дўстингдан,  
Бир иш қилай сен кучукка,  
Сира чиқмасин эсингдан.

Сен ҳароми ишинг шул-да,  
Сен доим ёмон кўнгил-да,  
Мен кўрайин, келгин қани,  
Лашкарингман қўлимда ўл-да!

Менинг ҳолим сенга маълум,  
Бундан сенга яхши ўлим,  
Юриб-юриб сен ҳароми,  
Охир менга солдинг чалим.

Гўрўглининг нонин ебсан,  
Семирибсан, катта бўпсан,  
Аслинг эшак, семирган сўнг,  
Эшак эгасини тепар,  
Эгангни энди тепибсан.

Сен кучукда диёнат йўқ,  
Ҳароми ёмон айнибсан.

Жиянингнинг хотинларин  
Уялмайин қувиб кепсан.

Ана келгин, ҳариф келди,  
Кўрайин, қачон зўр бўпсан.

Ҳасан Чопсон сенга ҳариф,  
Арвоҳингни қилай ғариб...

Барингни ушлаб отаман,  
Неча ишлар кўрсатаман,  
Сен ҳароми лашкарингман  
Баринг бошингга етаман.

Одаминг жуда оз экан,  
Бир бошингдан қийратаман;  
Сен кучукни ушлаб олиб  
Энди осмонга отаман.

Қани мен сени кўрайин,  
Одамларингман қирайин,  
Ўз қўлимман сен ўгрини  
Жаҳаннамга юборайин.

Аҳмад ўғри, Аҳмад ўғри,  
Ўласанми юрсанг тўғри,  
Қараб турма, келгин энди,  
Сизлар қўйсиз, менман бўри.

Сенинг нима ҳолинг бордир,  
Мен йўқда жанжалинг бордир,  
Сен кучукда хосият йўқ,  
Бир боғ оқ соқолинг бордир.

Сен билан мен Чопсонман,  
Қўлимда ажалинг бордир,  
Сен ҳеч кимга тўғри йўқсан,  
Доим шумликларинг бордир.

Энди қўлимда ўласан,  
Сен майда-майда бўласан,  
Мен биламан, ит, қочасан,  
Қочиб қайда қутуласан.

Сенинг ишинг доим фириб,  
Не қиларсан буйтиб юриб,  
Айнимали сен беимон  
Сандирабсан худоё уриб.

Сендай ёмон элда йўқдир,  
Шумлигинг юртдан ортиқдир,  
Сенда сира яхшилик йўқ,  
Мен йўқ учун кўнглинг тўқдир.

Мен келдим, сен қочмасмисан,  
Кўп қасамлар ичмасмисан,  
Ёмонлигинг қўлингни ушлар,  
Ёнган ўтдай ўчмасмисан.

Юрасанда итдай бўлиб,  
Нима қилдинг қувиб келиб,  
Улганингча ерга қараб,  
Юрт-оламга ёмон бўлиб.

Гўрўғлибек давлатига,  
Сен шериксан иззатига,  
Бек Гўрўғли келса бир кун  
Қандай қарайсан бетига.

Юрасанда кунда ўлиб,  
Юрт-оламга ёмон бўлиб,  
Сенинг ишинг охир шул-да,  
Нима қилдинг қувиб келиб.

Бек Гўрўғли эр бўп чиқди,  
Тоғам деди, сени боқди,  
Сен единг-ку давлатини,  
Топганин ичингга тиқди.

Сени элга катта қилди,  
Катталарга битта қилди,  
Сен кучукни тоғам деди,  
Иззатман ҳурматда қилди.

Сен кучукдан шу келад-да,  
Гўрўғлининг куни қолса  
Шундай элнинг сардорини  
Қора ерман битта қилди.

Асл бўлсанг, билар эдинг,  
Эрни ҳурмат қилар эдинг,  
У йўқ вақтда болаларин  
Тарбият қил тулар эдинг.

Юртин яхши сақлар эдинг,  
Унинг тузин ҳақлар эдинг,  
Сендан лозим ундай эди,  
Шуйтар деб ул сақлар эди.

Гўрўғлига азизлар ёр,  
Сендай кучук ҳар ерда хор,  
Ўлгудай бўп кунласанг-да  
Бўлолмайсан ҳеч баробар.

Сенга қилса бир яхшилик,  
Унга қилдинг минг ёмонлик,  
Сени у чин кўзим деса,  
Сен қилиб унга душманлик.

Гўрўғли сени бек қилган,  
Сенинг касбинг подабонлик.  
Сенга элат мол боқтирмас,  
Молни уриб ўлдирар деб.  
Ҳеч ким пулин қарзга бермас,  
Берарда мункир келар деб.

Бек Гўрўғли беўлчов мард,  
Кунлаганман кам бўларми,  
Оёғидан олганингман  
У эрга ҳеч ғам бўларми?

Сен Гўрўғли бўласанми,  
Зўрлик қилиб оласанми,  
Ёмоннинг кўнгли бўлмасми,  
Сен ҳам беклик қиласанми.

Сенинг ишинг ёмонликди,  
Шумлигинг беимонликди,  
Сенга худой раво кўрмас  
Кўнгил овлаб хурсандликни.

Яхшилик бир катта ишди,  
Ул иш яхшиларга тушди,



Итга худой раво кўрмас,  
Жаннат, гулзор, беҳишди.

Сен дўзахининг бошисан,  
Аслинг жаҳаннам тошисан,  
Сен ҳароми тахтинг сенинг  
Азозилнинг йўлдошисан.

Имоннинг йўқ тухми сенда,  
Сенинг ишинг йўқ имонда,  
Сен ҳароми, сен ҳароми,  
Сен эмассан ҳаққа банда.

Ана энди Ҳасан Чопсон энтикиб, ҳолиқлаб, бақириб-чақириб, товши варқираб, шарқираб, соқоли тирқираб, ҳа сени, деб чирқираб, довуши бўғилса ғирқираб, оғзидан кўпиги сачраб, чакчирайиб, аччиғи келганидан оғзига келганини айтиб галжираб, ҳе-ҳе деб энтикиб, Аҳмад томон ёққа ёмон-ёмон қараб, аввал нимага келмайсизлар, деб сўраб, ҳе сўкиб, олдида (сёқни) тираб, шу қўшиннинг олдини ўраб, муртини бураб, бир ўзи ўн минг лашкар билан бўлиб тараф, нордай ғулдираб, бултудай гулдираб, осмондай гуркираб, арслондай ақириб, айиқдай ҳайқириб, шердай инграниб, подадай бўкириб, йўлбарсдай жимийиб, аждарҳолдай қўзғолиб, тоғдай ҳайбат солиб, қўшиннинг олдини олиб, жуда удрайиб-удрайиб қараб турди. Ҳеч ким келмайди.

Ҳасан Чопсонни кўргандан Аҳмад Сардорнинг ўн минг оломон лашкари билан барининг жони чиқиб кетди, ҳисоби йитди, эси кетди, барисининг қулоғи чиппа битди, нима қиларини билмади, кўнглига ҳеч (гап) келмади, барининг жони чиқиб, энди қайтамиз деб биқиб, мени кўрмасин деб бир хили бошини пастга тикиб, баригинаси дам-забардам бўлиб тура борди. Қирғизлар бариси бошини кўтариб, ўл, ҳароми дейишиб, ҳаммасининг тили чиқиб, ҳар ёқдан бирови ундай, бирови бундай вағир-вағир гап айтиб, Аҳмад баччағар, бемаза, беинсоф қароқчининг нимасини айтасан, деб сўкаётир. Шу вақт Ҳасан Чопсоннинг товуши гулдираб-гулдираб чиқаётганини парилар эшитиб, қувониб, майдон тарафга қараб турибди. «Ҳасан келибди, энди бизлар бу ёмон душман Аҳмад Сардордан қутулдик, бу чиркин ўлди, итдай бўлиб қолди»,— деб қувонишиб қолди. Ҳасан

Чопсон Аҳмад Сардорнинг қўшинига қараб кўп чақирди, ҳеч бир садо келмайди, полвон ҳам келмайди, бунга ҳариф бўлмайди. Ана энди Чопсон гирибонгир бўлиб, аччиғи келиб, дарёдай тўлиб, белини маҳкам бўғиб, чориқларининг ипларини маҳкам-маҳкам тортиб, чаққон бўлиб, ўзини жуда чоқлай берди. Унгурни қайтарди, жуда эпчил бўлди. Ўзини ростлаб, (тўдага) ўзини урмоқчи. Ҳамманинг кўзи Ҳасан Чопсонда, Ҳасан Чопсоннинг кўзи лашкарда. Ана Ҳасан хез қилди, бора аралашиб сола берди.

Кел-е, деб Ҳасан Чопсон дедирди,  
Дамини олди-да анча вақт турди,  
Шунча турди ҳариф энди келмади,  
Чоқланди қўшинга, энди югурди.

Чопсон Ҳасан дарёдай, бўп тошади,  
Қўшин шовқун солатда, чувлашади,  
Келмади, югурди Чопсон, ёронлар,  
Борувман қўшинга аралашади.

Жуда келган эр Чопсоннинг қаҳари,  
Кўзидан билиниб қаҳри заҳари,  
Оралади Аҳмад Сардор элига,  
Дам тортиб девларнинг аждаҳори.

Борувман кўп қўшинни ўради,  
Ётган элни қўйдаи қилиб суради,  
Жуда келган эр Чопсоннинг қаҳари,  
Ол-ҳа деди, ётган элни қиради.

Ҳасан қилди бир талотўп урушни,  
Мендан таълим олинг деди хурушни,  
Оралади Ҳасан Туркман элига,  
Мендан ўрган деди Ҳасан қиришни.

Кўзидан тўкади энди ёшини,  
Мунов Ҳасан кўзга илмайди кишини,  
Раббано деб қира берди мард Ҳасан,  
Олиб ўтар етганининг бошини.

Энди Ҳасан белини маҳкам бойлади,  
Ҳар нима деб қаҳри келиб сўйлади.

Жуда қаҳри билан Ҳасан қўзғолиб,  
Бир ўзи кўп элга талаб айлади...

Эр Чопсон дам-бадам наъра тортади,  
Булар отлиқ, у пиёда йўртади,  
Не тулпор отларни, югрук бедовни,  
Қувса Ҳасан дамга қўймай етади.

Узалиб қўл солиб ким бўлса шуни,  
Дедирмасдан бошин юлиб ўтади.

Бир талотўп қилиб юрир майдонда,  
Неча алвонда ҳунарлар кўрсатади.

Жуда келган эр Чопсоннинг қаҳари,  
Қарамай қўшинни яксон этади.

Бир одамнинг майдонига чидамай,  
Чётлаб нечовлари қочиб кетади.

Неча менман деган кўп зўр полвонни  
Ушлагандан силтаб отиб ўтади.

Кимни ушлаб отса Чопсон, ёронлар,  
Тушган ерда қимирламай этади.

Хай-ҳайлаб шовқумни солиб боради,  
Кимга етса бошин олиб боради,  
Ҳеч ким чидай олмас бундай қиришга,  
Патир-путир одам ўлиб боради.

Қўрққанидан Аҳмад Сардор Чопсондан  
Гулдай бўлиб юзи сўлиб боради.

Қараб турса шу Сардорнинг лашкари,  
Тоб бермайди ода бўлиб боради.

Қирилгани шундай унинг мисоли,  
Қамишга кеп ўтлар ёқиб боради.

Қўрққанидан бек Сардорнинг одами,  
Зор йиғлаб даштга улоқиб боради.

Бари зириллайди Чопсон дастидан,  
Қўрқиб ёши сувдай оқиб боради.

Қўрқиб қопти Аҳмад Сардор Ҳасандан  
Ғалжирайди, жони чиқиб боради.

Ҳасан гуркирайди, шовқум солади,  
Ҳар ёқдан тўп-тўп қип қувиб келади,  
Ҳар хез қилиб тўплаб қувиб кетганда,  
Қайтиб-ким келади, бари ўлади.

Катта тўдасига кирса эр Чопсон,  
Лочин қушдай уни неча бўлади.

Госини муштлайди, госин отади,  
Бургутдай бир хилга чангал солади.

Ҳеч ким чидай олмас қайтсин, ёронлар,  
Бундай эрга қандай ҳариф бўлади?!

Ҳасан юрур кўп лашкарда шердай бўп,  
Аҳмад Сардор қолди қора ердай бўп,  
Бир бошидан қириб келаётири,  
Эр Чопсонга зўрман носи бирдай бўп.

Ҳеч ким келиб тўхтатолмас Чопсонни,  
Қани биров чиқса баҳодирдай бўп.

Бировни кўтариб, бирни уради,  
Иккови ҳам майдаланиб туради,  
Ерга урса суяги ҳам қолмайди,  
Қирғизлар жуда томоша кўради.

Қувонгандан қирғиз бари чувлайди,  
Ўлдир деб Ҳасанга шиддат беради.

Ҳой-ҳой, вой-вой етди шў кун осмонга,  
Ўлдик, деб ётган қўшин чинқиради.

Улар шовқум солиб бари йиғласа,  
Шердай бўлиб эр Ҳасан ҳайқиради.

Ҳасан шовқум солса кетар бир тошга,  
Юраги ёрилиб қўрқиб боради.

Ана майдон шундай бўлди талотўп,  
Ҳар ким ўз бошига кетиб боради.

Қочган билан қутулмайди Ҳасандан,  
Бўлмаса бариси қочиб кўради.

Ҳар ким қочса, олдин олиб югурса,  
Ҳасан ундан илгарироқ боради.

Ҳасанга ҳеч киши кетмас баробар,  
Қўшиннинг баридан Чопсон саради (р).

Шундай бўлди Сардорбекнинг охири,  
Кўзига қарамай Ҳасан қиради.

Улай-булай деган сўзни билмайди,  
Кўп қўшинни Ҳасан ёлғиз ўради.

Ҳасан танҳо, улар кўп,  
Шуйтиб қилди талотўп,  
Сардор энди қутулмас,  
Қилса ҳар хил ҳийла кўп.

Сардор ҳам ҳе ўйлайди,  
Ҳар фикрлар айлайди,  
Ҳасан Чопсон дарқаҳр,  
Ода қилмай қўймайди.

Не дерини билмайди,  
Айтса тилин олмайди,  
Ҳар қандай деб эланса,  
Сардорники бўлмайди.

Сардор элга бошдай бўп,  
Ҳар қобоғи мушдай бўп,  
Жуда ўйда бек Сардор,  
Учадиган қушдай бўп.

Илож кетди қўлидан,  
Умид узди элидан,  
Ҳеч кимнинг йўқ хабари,  
Бир-бирининг ҳолидан.

Чопсон қилди қабоҳат,  
Сардорга қип қиёмат,  
Энди сира наф қилмас,  
Аттанг деган надомат.

Пушаймоннинг нафи йўқ,  
Сўйлайдиган гапи йўқ,  
Эсман ақл йўқолди,  
Аввалгидай лофи йўқ.

Бўлди шундай бечора,  
Чопсон қилди овора,  
Ёмон бўлди бек Сардор  
Тополмади ҳеч чора.

Сардор жуда танг бўлди,  
Қайтсин, боши ганг бўлди,  
Чопсоннинг бу уруши  
Қаттиқ ёмон жанг бўлди.

Сардор қамиш бўлса-да,  
Чопсон оловдай бўлди.  
Чопсон бўлса бир оч эр,  
Сардор паловдай бўлди.

Қутулмоқнинг жўни йўқ,  
Ҳеч яхшилик куни йўқ,  
Сардор қанча эланса,  
Бари ёлғон, чини йўқ.

Чопсон эрнинг эридай,  
Тўқайларнинг шеридай,  
Қириб-жўйиб боради,  
Қўйга чопган бўридай.

Қирганининг сони йўқ,  
Адади-имкони йўқ,  
Бек Сардорнинг лашкарин  
Қимирларга жони йўқ.

Бари қўрқиб қолибди,  
Ақл-эсдан толибди,  
Ҳеч ердан даво топмай,  
Бир худойга қолибди.

Қочай деса йўли йўқ,  
Олдин Чопсон олибди,  
Бек Сардорнинг бошига  
Қора кунлар солибди.

Қирғин ҳаддан ошибди  
Дарёдай бўп тошибди,  
Бир-бирига шул лашкар  
Дим қолмаймиз дейишибди.

Кўтарилиб эр Чопсон  
Шу кун жуда ошибди,  
Кўзига ҳеч ким кўринмай,  
Мард қирмоққа тушибди.

Қўшинга бўп бир офат,  
Кўрсатибди зарофат,  
Қутулолмас балога  
Йўлиқибди фалокат.

Ҳасан қирар айланиб,  
Ҳар нима деб сўйланиб,  
Қирғин жуда кўп бўлди,  
Сардор қолди ўйланиб.

Қўшин ода бўлгидай,  
Бари фидо бўлгидай,  
Ҳасан Чопсон дастидан  
Кўп бенаво бўлгидай.

Чиқди Ҳасан хумори,  
Хўп қизиди бозори,  
Ода бўлар дегандай,  
Олдидаги лашкари.

Энди қилсам вайрон деб,  
Душман бўлсин ҳайрон деб,  
Ҳай-ҳайлайди эр Чопсон.  
Қирмоқни биздан уйран<sup>1</sup> деб.

Кўп бўп бизга қирон деб,  
Офат бўлди бўрон деб,

---

<sup>1</sup> Урган.

Аҳволимиз бизларнинг  
Бундай бўлди ёмон деб.

Тоза бўлди бизларга,  
Энди охир замон деб.

Қутулмоғим муновдан,  
Жуда бўлди гумон деб.

Анов бўлди, онг бўлди,  
Майдон юзи чанг бўлди,  
Шунча қўшин қолмасдан  
Барин боши ганг бўлди.

Ҳасан Чопсон иқмади,  
Иқмақ тугил биқмади,  
Шунча ётган қўшиндан  
Ҳасанга ҳариф чиқмади.

Қирилгандан қирилди,  
Ҳасан ёмон бурилди,  
Ётган ўн минг қўшинга,  
Ҳасан ёлғиз уринди.

Ётган қўшин барига  
Азройилдай кўринди.

Ҳасандан кўрққанидан  
Нечовлар қочиб суринди.

Ҳасан асли бир ўзи,  
Худой обрў бер энди.

Агар кўрсанг томоша,  
Шўл майдонга юр энди.

Ҳасан мунча қирасан,  
Энди қараб тур энди.

Ёмон кўрсин қилигин,  
Жазосини бер энди.

Вағир-вуғир кўп бўлди,  
Жуда талотўп бўлди,



Шул Сардорнинг қўшини  
Бўлганича бўп бўлди.

Ишгир экан эр Чопсон,  
Гўёки қўшин соп бўлди.

Чини билан мард экан,  
Айтганини қип бўлди.

Ҳасан жуда дарқаҳр,  
Кўнгилдагин қип бўлди.

Бундай уруш, ёронлар,  
Жуда катта гап бўлди.

Қанча одам ўлди деб,  
Сардор ҳисоблаб бўлди.

Қириб-жўйиб боради,  
Ана шиппа-шип бўлди.

Ҳасан бўлди кўп ботир,  
Ҳар ёқдан эл кеп ётир,

Қирғиз эли қувониб,  
Кулиб қувонаётир:

— Ҳасан бизга ёр бўлди,  
Золим Аҳмад хор бўлди,

Аҳмад Сардор шу ерда  
Итдан ҳам баттар бўлди.

Бизни Сардор не қилди,  
Элимиз абгор қилди,  
Ҳасан Чопсон келди-да,  
Андай дарбадар қилди.

Агар Ҳасан келмаса,  
Бизга раҳбар бўлмаса,  
Шу баччага бек Сардор,  
Не ништарни қилмас-а!

Хўп қилди-да Сардорни,  
Ерман яксон бўп қолди.

Сардорга шу ярашар,  
Улжага эл талашар,  
Бизга нелар қилди деб  
Бари кулиб қарашар.

Биз ҳам кўрдик энди деб,  
Сардор андай синди деб,  
Ҳасан Чопсон тўпига  
Бургутдай бўп қўнди деб.

Емон бўлса ҳар киши,  
Шу бўлар охир иши,  
Олдига келмай қўймас  
Бировга қилган иши.

Келмади деб айтмасин,  
Келмай қўймас қилмиши.

Қасос ҳақдир, ёронлар,  
Қолмас қасоснинг иши.

Ҳасан Чопсон ҳа деди,  
Уруш шундайми деди.  
Қани келгин (мард) бўлсанг,  
Ҳариф келмайми деди.

Ҳасан Чопсон чопади,  
Сардор қирғин топади,  
Қўп қўшинни эр Чопсон  
Жундай қилиб савади.

Қўшин келар қияда,  
У отлиқ, бу пиёда,  
Йўртиб уруш қилади,  
Отлиқлардан зиёда.

Қирганининг сони йўқ,  
Улганининг поёни йўқ,  
Ҳеч бир қўшин ҳеч жойда  
Бундай қирилгани йўқ.

Аҳмад Сардор қараса,  
Шундай қўшин тани йўқ.

Ҳайрон қолди бек Сардор,  
Жуда кўп полвони йўқ.

Тоза қирғин бўлибди,  
Майдон ўлик бўлибди,  
Қараб турса бек Сардор,  
Учдан бир эл қолибди.

Қўшиннинг икки ҳиссаси,  
Шу кун бежон бўлибди.

Кетди Сардорнинг ҳуши,  
Шунча қириб бир киши,  
Қўшиндан йўқ икки ҳисса,  
Туради тўрт минг киши<sup>1</sup>.

Аҳмад Сардор оҳ урди,  
Жойидан ирғиб турди,  
Айёр; баттол, баччагар  
Париларга югурди.

Чопиб келиб йиғлайди,  
Улим ўтин тилайди:  
— Мен сизларга ёмонлик,  
Сирагина қилмайман,  
Совуқ шамол сизларга  
Сира (раво) кўрмайман.

Аҳмад Сардор Чопсон билан бир фасл суришди. Чопсоннинг қаҳри келган экан, оташин бўлган экан, Аҳмад Сардорнинг қўшинига дориди. Олло деб қиради, ҳа деб чопиб юради, шовқум беради. Шундай уруш қилди. Бунга ҳеч кимнинг кучи етмаса, урган ҳарбаси ўтмаса, отини қистаб қочса, қутула олмаса, ҳарба билан, тер-табар билан урса, бунга коргар бўлмайди. Шундай қилиб, қира берди, хўп майдалаб сола берди. Ана-мана деганча олти минг одамни нобуд қипти, тўрт

<sup>1</sup> Ҳисоб тўғри эмас. Умуман эпосда сонларни жамлаб, яхлитлаб айтиш хос.

минг одам қопти. Аҳмад Сардорнинг кўзи етди, тўрт минг одамни ҳам бир фаслда қиради, омон бермайди. Ана шум баччағар бундай ўйлади, ундай ўйлади, ҳеч бобдан йўл — омонлик йўқ. Охири шу фикрни қилди: «Оға Юнус парига борайин, бу гап билмаган қирғизларнинг қўлида ўлганимча шўнинг қўлида ўлсам бўлмасми», — деб баттол айёр баччағар тура югурди. Чопиб бориб:— Ҳа, оға Юнусжон, бу ёққа (қара), мен сенга қачон ёмонлик қилиб эдим, мен ҳеч ерда ёмонлик қилганим (йўқ), мени ёмонлик қилди, деб ёмонлик қилган сримни айт-да. Мен ўзимнинг катталигим ўзимга алам қилиб, парилар нега мени бундай ёмон қилиб (юрибди). Мен ҳеч ерда ёмонлик қилмадим, нимага бундай қочади, ё биров мени чақдими, ё бир одам бир ёмон гап гапирдими, шуни сўрайман. Ундай гап эшитган бўлса, душманликдан айтса, уни билай, йўқ бўлмаса, гумондон-гумондор бўлса, кўнглидан чиқарай деб келдим. Бўлмаса, мен уйтаман-буйтаман деб нега айтай. Мен ҳам беэс одам эмасман. Энди у-бу бўлди, мени шу қирғизларга талон қилиб, шуларга хор қилиб (қўйма). Ҳар қандай ёмон бўлсам, (Гўрўглининг) ўз суягиман, ўз зотиман, мени шу қирғизга хор қиларми, деб келдим. Энди ўлдирсанг ўзинг ўлдир, қўйсанг ўзинг қўй. Мен ёмон бўлсам ҳам Гўрўгли зотиман. Энди бу кун нима бўлсам, ўзингнинг қўлингда бўлайин, энди ҳар қандай бўлса ҳам шу одамлар туркман, қирғизларга ўлжа бўлмасин, туркманни қирғиз талаб олмасин. Ҳасан Чопсонга айтгин, энди қўйсин. Нима қилса, улар учун мени қилсин, мен тураман. Майли Гўрўглибек ўлдирса, розиман. Менинг бўйнимда ҳақи кўп, мен хунимни олганман, майли, ўлсам ҳам ўлдим демайман,— деб баччағар бўйнига қиличини солиб оға Юнус парига элана берди, ёлвора берди.

Ана энди оға Юнус пари айтди: «Ҳар қандай бўлса ҳам бу отангга лаънат тоғаси эмасми, мен ўлдирсам бирда бўлмаса, бирда кўнгли келиб, меҳри тортиб, менинг тоғамни сен ўлдирдинг, деб ҳам юрмасин. Кел-е, ўлдирса ҳам ўзи ўлдирсин. Энди бунинг нимасини айттайин, қайси дафтарин ёяйин», — деб.— Бор, бор, ҳар палла сенинг ишинг шу, шу бўлса ҳам қандай қилайин, бор, бор, одамларинг билан Чамбилга кет, бу ерда турма!— деб жавоб берди. Бир одамни: «Ҳасан Чопсон акамга айтинг, энди бўлади, лашкарни қирмасин, акам-

нинг сира kami қолмади, ҳамма қойил бўлди, энди қўйсин, бу ёққа келсин»,— деб юборди. Парининг айтган одами келди, Ҳасан Чопсонга таъзим қилиб, тавозелар билан арз қилди, айтди:— Эй, полвони жаҳон, париларнинг подшоҳи оға Юнус пари акам энди қўйсин, баракалла, баракалла. Дўст ҳам, душман ҳам қойил бўлди. Энди акамнинг шерлигидан, эрлигидан, баҳодирлигидан асло kami қолмади. Энди бўлади, лашкарнинг қолганини қўйсин, деди.

Ана энди Ҳасан Чопсон майдондан чиқиб келиб, Хидирали бойни зиёрат қилиб, ундан кейин қирғизлар билан кўришиб, хўб сўрашиб, ундан парилар билан кўришиб, сўрашиб (ўтирди). Оға Юнус пари Ҳасан Чопсонга кўп меҳрибонликлар қилиб, кўп нарсалар бериб, вақтини жуда хуш қилди. Ана энди Хидирали бой ҳам Ҳасан Чопсонга жуда кўп нарсалар берди. Ҳасан Чопсон бой бўлиб қолди. Энди Ҳасан Чопсон бобонгиз жуда димоғи чоғ бўлиб ўтира берсин, парилар ҳам базм суҳбатини, айш-ишратини қила берсин.

Хидирали бойнинг қирғизлари, оғайинлари ўлган туркманларнинг от-анжомини олиб, ўлжа жуда кўп бўлди. Туркманлардан қолган асбоб, қилич, милтиқ, найза, чодир-чаман, ҳар тусли силоҳлар, ҳар хил яхши кийимлар, тилла, кумуш камарлар, тилла пичоқлар, тилла давур, тилла юган, кумуш давур, кумуш юганлар, ҳашамлаган узангилар, ҳар хил бошқа-бошқа асбоб, бир-бировига ўхшамайдиган буюмларнинг баридан қирғизлар олиб, жуда асбобдор бўлиб қолди. Жуда яхши араби дутор бўйин отлар, ўзининг қирғизиси нима от у, у отларнинг биттасига эллик қирғизи бераман деса, бермайди. Унинг зоти бўлак-да. Ўзининг элида йўқ, шундай яхши нарсалардан кўп нарса олиб қолди. Жуда буюмли, асбобли бўлиб қолди. Ҳасан Чопсон бўлмаса, (Аҳмад Сардор) буларга қора кунларни солар эди. Ана энди бечоралар қувониб, кулиб-ўйнаб, шодмон-хурсанд бўлиб, йиғлагани шодликка, мотами хурсандликка қайтиб, бариси париларни дуо қилиб, париларни, аёл ҳамроҳларини қирғиз аёллар ҳар қайсиси бир кун зиёфатга олиб бориб сийлай берди, вақти хушлик, суҳбат, айш-ишратда ўтира берди.

Ана энди Аҳмад Сардор арвоҳ урган, беор маховлардай бўлиб, ичи ғамга тўлиб, олти минг одами ўлиб, ранги гулдай сўлиб, бор буди.— баридан айрилиб, тўрт

минг одами билан Така, Евмитга кетди. Неча кун йўл юриб, юртига етди, уйига тушиб ёта берсин. Хидирала бой парилардан димоғи чоғ бўлиб:— Оқ қизим, жуда яхши бўлди, яхши гап бўлди. Эй қизим ўсал бўлиб эди,— деб париларга жуда мухлис бўлиб, оқ юзли бўлиб қолганига жуда шод-шодмон бўлиб, оғайинларига ўзини талатиб, борини, сўйиб бериб, юртга ҳа деб тўз қилиб бериб:— Уй, ёрон, мен сизлардан миннатдорман, менинг бошимга жуда ёмон гап тушиб эди, сизлар яхши оғайинлик қилдинглар. Энди Гўрўғлига шарманда бўлдим деб жуда-жуда қўрқиб эдим. Худога шукур, мени шарманда қилмади. Париларнинг ўзи ишни ечди. Шуларнинг маслаҳати жуда ўнг тушди. Энди менинг димоғим чоғ бўлди. Париларга нигоҳбон бўлолмай, Аҳмадга баробар келолмай, бежой қўрққан эдим,— деб бой бечора ҳар бир қувонади, ҳар бир қувонади, дам-бадам париларга: «Эй қизим, жуда яхши бўлди»,— деб шошиб, суриниб ётибди. Унга парилар кулиб, бариси шодмон бўлиб, даврон суриб ўтира берсин, энди сўзни Қримнинг подшоси Холдорхон подшодан эшитинг.

Холдорхон подшо Гўрўғлибекдан ўн кун муҳлат олди. Жамеъ вазирлар, маслаҳатдонлар, донолар ўтириб:— Энди бизларнинг ишимизнинг оёғи қандай бўлади экан. Бизлар ақл-ҳушни бой бердик, ўзимиздан тоза умид уздик, бизда ҳеч жон йўқ экан. Бекорга биз подшомиз, лашкаримиз бор, анжомимиз бор, деб юрар эканмиз. Бари бекор бўлиб кетди. Бир одамга кучимиз етмади. Бизнинг бекор экандигимизни ўзимиз билдик. Энди сизлар нима маслаҳат кўрсатасиз,— деб улардан кенгаш сўради. Улар бари айтди:— Эй, подшоҳим, бундай ишлар илгаридан, сиздай подшолардан аввалдан қолган. Бери қочган, бирови қувган. Бир шу замонда бўлса экан, ҳамма вақт бор. Ўн кун муҳлат олдингиз, кўп яхши бўлди. Борса келмас юртига борган карвонлар, сорбонлар, кўрганлар беш-олти полвонларини алоҳида мақтайди. Энди бизлар ҳол-аҳволимизни, нима бўлганимизни, кўп одамлар қирилиб, биз шунча уқубат кўрганимизни хатга солиб, кўп таваллолар қилиб, агар Борса келмас хони шоҳ Қайсар келса, ишимиз ўнг бўлади. Ундан сўнг Гўрўғлига не уқубатларни берсин.

Холдорхон подшо бу сўзларни эшитиб, димоғи жуда чоғ бўлиб айтди:— Буни сизлар менга жуда яхши айтдинглар. Шоҳ Қайсар менинг дўстим бўлади. Агар мени

шундай қилганини эшитса, жуда дарқаҳр бўлади, аччиғи келади, ўзи келади. Менинг билан жуда соз дўстмиз-да. Мени Гўрўғлига сира турткилатиб қўймайди.

Бир хат қилиб, муҳрлаб, ўн бўғча сарпо, ўн яхши бедов от, ўн хачир зар-тилла, ўн канизак: барно, қаламқош, ингичка бел, нозпарвар, сунбулмўй, фариштахўй барнодан, ўн киши элининг доносидан элчи қилиб юборди. Элчилар неча кун, неча соат йўл юриб, озгина эмас мўл юриб, неча тоғу чўл юриб. Борса келмас хонининг олдига бориб, шоҳ Қайсарга кўриниш қилди. Қайсар шоҳ лашкарбоши, вазир, кайвони, умаро, улуғ кишиларни жамлаб, элчиларга кўриниш берди. Салтанат устида элчи шоҳининг хатини берди. Шоҳ Қайсар муҳрини кўрди, ўқиғил, деб уни мирзага берди. Мирза Холдорхон подшонинг ариза хатини ўқий бошлади. Арзада шундай битибди: «Мендан, ожизликда қолган, қисилган, кўп ранжи сўққилар кўриб тадбир тополмай, иложини билолмай турган Холдорхон подшодан шоҳ Қайсарга. Аввал лот-манотга, икиланчи ном ўт худога, учинчи ном ой худога, тўртинчи юлдуз худога, бешинчи тана худога, олтинчи салом айтаман шиша пайғамбарларга, тилла чорёрларга, кумуш авлиёларга, қалайи машойихларга, биринж мужтаҳидларга, булардан сўнг зўрларнинг зўри, полвонларнинг полвони, кучларнинг кучлиси, катталарнинг каттаси, эрларнинг эри, шерларнинг шери, баҳодирларнинг баҳодири, ғаюрларнинг ғаюри, юраклиларнинг юраклиси, эътиборлиларнинг эътибори, забардастларнинг забардасти, ҳайбатлиларнинг ҳайбатлиси, қисилган, йиқилганларнинг раҳбари, Холдорхон подшонинг умидвори шоҳ Қайсар баҳодир, диловар, полвон машҳурга! Маълум бўлсинким, менинг устимга Ёвмитдан, Такадан азим лашкар келиб урушиб, ётибман. Лашкарнинг улуғи Гўрўғли кўп одами билан урушиб, мени кўп овора, абгор қилди. Кўп кунлар урушдим, ўртада ундан ҳам, биздан ҳам кўп одамлар ўлди. Унинг одамлари кўп уруш кўрган жаррор экан. Яна унинг лашкаридан бир Ҳасан Кўлбар деган нарса, одамми, девми, билмаймиз, менинг ҳолимни жуда танг қилди. Менинг одиларим, зангиларим, полвонларим бирортаси ҳариф бўлиб, баробар бўлолмади. Келиб-келиб мени шундай қилдики, қалъага қамалдим. Далага чиқа олмай, душманга бетма-бет бўлолмай, икки кўзим сиз полвон шоҳнинг йўлида. Агар сиз олий ҳиммат мени шу

балодан халос қилмасангиз, тангла менинг қўлим ўт худойнинг олдида, лот-манотнинг қошида, сиз полвоннинг ёқасида. Шаҳарда қамалган, қисилган, йиқилган, янчилган бечоралар, аёллар, кичик-сағир гўдакларнинг тирноғи жамеъ паҳлавонларнинг, Борса келмас лашкарининг ёқаларида бўлади. Ўт худойнинг олдида сўзим тамом. Салом»,— дебди.

Бу сўзларни Борса келмас подшоҳи шоҳ Қайсар эшитиб, қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, подадай бўкириб, итдай ҳуриб, эшакдай ҳанграб, ҳўкиздай мўнграб, ҳайқириб, довши варқираб, арқираб қўяберди.— Ҳаҳ, мен билмай юрган эканман, оламни бу ўғри Гўрўғли бузган экан. Бу жуда тошган, ҳаддидан ошган экан. Бўлмаса, шў ўғрими, Холдорхондай катта подшо билан сани-ман бўла олғай. Мен у ўғрини бундай қиллолмайди<sup>1</sup> деб юрибман. Ундай бўлса, вой умаролар, кайвонилар, катта ишбошилар! Энди Холдорхон шоҳга бормоқ керак, уни ўғриларнинг қўлидан айириб олмоқ керак. Ул ўғри мен билан бир бетма-бет бўлиб, бир шекилли бўлмоғи керак. Ўғриларнинг жазосини бермоқ керак. Сизлар нима маслаҳат берасизлар,— деди. Шунда Қайсар шоҳнинг одамлари: кайвонилари, хазиначи, дотхоҳ, ҳудайчилари:— Тақсир подшоҳим, сиз шоҳи азим, мўътабар олий шоҳ, ҳамма элга пушти паҳоҳ сиздан фармон, бизлардан хизмат. Ўзлари биладилар, ғайратлари жўш уриб борсалар, жуда яхши бўлади, Холдорхон подшоҳ ҳам ўлганча унутмай юради,— деб маслаҳат берди. Унда шоҳ Қайсар айтди:— Борганимиз яхши бўлса, ўғриларнинг берган ўн кун муҳлати бўлиб қолар, Холдорхон подшога кўп зўр келиб қолар, бизларни нимага келмади, деб қолар. Энди мирзаларга хат биттиринг, атроф-жонибга ясовул чоптиринг. Кеча демай, кундуз демай, лашкар йиғилсин, қўшин жамъ бўлсин, жуда тез бўлсин,— деб шоҳ Қайсар диққат қилиб, жуда катта ғайрат қилди. Ана полвонлар, вазир донолар, маслаҳатдонлар, катта умаролар ҳадеб от чоптириб, қаерда номдор полвон, забардаст бўлса, олиб келтириб, ясовуллар кеча-кундуз демай от чопиб, қаерда одам бор, юзлаб, минглаб келтириб, ҳамма амалдорлар жамъ бўлди. Шоҳ Қайсарнинг элатида одам қўймай, қанча қора оломон, навкар, хотин қолмаси, жамеъ фуқарони

<sup>1</sup> Қўлэзмада *уррини буйтолмайди*.



жамъ қилиб тўплади. Шоҳ Қайсар ўзи лашкари гаррон — ҳадсиз қўшин билан, чўп-хасда сон бор, у лашкарда сон йўқ, жўнади. Туғ-туғ, байроқ-байроқ, тўда-тўда, бўлак-бўлак, ғуж-ғуж йўлга сирмай, селдай оламини босиб, тоғни қўзғатиб, дарёдай мавж уриб, чанги оламини тутиб, ҳеч ерга сирмай, шоҳ Қайсар бирор ерда ором олмай, катта замзама билан, валвала, вағир-вуғур, тақир-туқур, шатир-шутур, қатир-кутур, шаън-шавкат билан, ҳайбати оламини тутиб, ерин ларзон бериб, пилта тўқайдай сасиб, найза қамишдай иргалиб, туғ туққа суяниб кела берди. Қайсар шоҳ Борса келмасдан жўнаб замзамаси, валваласи, вағир, тақир-туқури юртни бузиб, олам ерини чанг босиб, туғи туғига суяниб, байроқ байроққа қоқишиб, найза қамишдай иргалиб, юриши ерин ларзон бериб, селдай кела берсин. Энди сўзни бу ёқдан эшитинг.

Холдорхон шоҳ мўлақай-сўлақай, қолган-қутган одамларини йиғнаб, қанча одами бўлса кунига бир санаб, муҳлат яқинлагандан, муҳлат битса, Гўрўглибек лашкари билан келса, унда бизлар қандай қиламиз, деб қўрққанидан лол-саргардон бўлиб, юрак-бағри қон бўлиб, умридан пушаймон бўлиб, нима қиларини билмай, егани юрагига ботмай, уйқуси келиб ётмай, уйқу тугил пинак отмай<sup>1</sup>, ғам ваҳми булайроқ кетмай, бир ерда ўтира олмайди. Оёғи куйган товукдай типир-типир этиб, ақли-ҳуши кетиб, нима қиларини билмай, кунига неча маслаҳат этиб, ўйлашиб, гап шул бўлсин, деб гапи эсидан чиқиб кетиб юрибди. Шундай қўрққан, тоб-тоқат йўқ, нима қиларини билмайди, кеча-кундуз тентак бўлиб юрибди. Ҳар кунда неча марта, балки дам-бадам одамларига айтади. «У, оломон, сардор-саркардалар кечаги (элчи) одамлар келмади. Нимага ундай қилди экан, келиб-қолса керак. У, ёронлар шу сафар Борса келмас шоҳи келармикан, келмасмикан? Агар келса, ишимиз жуда-жуда ўнг бўлар эди. Келмаса, қандай қиламиз. Бу дардимиз — касалимизни кимга айтамыз?!» Унда одамлари, олдидаги маҳрамлари, хизматкорлари бетига айтолмайди, орқасидан бир-бирига айтади: «Подшо нега бундай қилади. Бизлар шу гапларга ҳайрон қоламиз, нега ундай қилади-я».

Унда бирови: «Эй, жўра, сенинг ажаб-ажаб гапла-

<sup>1</sup> Қўлёзмада *финак этмай*.

ринг бор. Сенинг шундай сўзларинг жуда қизиқ-да. О, дўстим, сенда, менда нима ҳам бор, нима ваҳм бор. Шу ҳам, ваҳмнинг бари шу подшоҳда. Нимага? Устида шундай ёв ётибди, унинг ваҳмининг несини сўрайсан, сенга, менга нима. Қани қўй-чи, ҳали бунинг бошидаги гапини айта берса, эл иложини тополмас. Бу подшога тушган ваҳми, жўра, ҳеч қўй, тоғ кўтара олмас. Подшолик қандай иш, бугун, эртан қўзғолиб кетса, ҳеч нима бўладими»,— дейишиб аста-аста гаплашади, кулишади.

Ана энди муҳлат яқин қолди. Гўрўғлибекнинг оломонлари майдонни тозалаб, супириб ўхшата берди. Гўрўғлибек (одамлари) пар-парлатиб карнай тортиб, зар-зарлатиб сурнай тортиб, ганқиллатиб добилни қоқиб, патир-путир, галдир-шалдир, тақир-туқир, ҳеч (қўйинг) оламини бўзди. Ана Холдорхон шоҳ ўзидан умид узди, ҳаммаси ҳам ғалжираб қолди, балки тириклай ўлди, чўртта соб бўлди, ҳуши қолмади. Қўрққани шунча: улар карнай тортмоқ, сурнай тортмоқ, добил урмоқ, жамеъ сипоҳлик ишларига оро бера берди. Бу ёқдан не карнай чалар, не сурнайни чалар, не добил урар; ҳеч нимани билмагандай, эшитмагандай хотиржам. Лекин ҳар карнай-сурнай эшитган сайин юраги ёрилиб, кўзи олариб бораётир, ранги ўчиб қўрқаётир.

Гўрўғлибек йигитларига қараб айтди:— Ў, йигитлар, биз орқамиздан беҳабар, Холдорхон подшога муҳлат берибмиз, билмабмиз, ҳар гап бўлса бўлди. Энди ботирлар муҳлат тўлса, урушни дуруст қилинглар, бундай ётмайик солиниб. «Урушда туруш йўқ» дебди. Бизнинг ишимиз жуда узун, арқон кенг, бўшов бўлиб кетди. Энди асло суст бўлманг, қараб турманг. Агар суроби бўлса, кунига жангги мағлуб, қачон битта-иккита бўлиб юрамиз?! Бўлса, дуруст бўлсин, бўлмаса, ари бўлмай, ё бўлиб, ё бўлар-бўлмас бўлиб ётгандан хотиржамлик яхши эмасми. Ў, йигитлар, энди ишни дуруст қилинг. Агар Холдорхоннинг аввалги одами бўлса, ўзи ҳам не-давр бўлиб қолган. Уларга бир Ҳасан Кўлбар кифоя қилмабмиди. Агар бошқа ёқдан серюрак лашкар келиб қолмаса, қизилбошлар ўзи ҳам тип этиб чиқолмас,— дейишиб ўтириб эди.

Ана энди оқшом ётди, эртан туриб тонг отди, кун чиқиб ёп-ёруғ бўлди, ҳамма ер равшан бўлди. Холдорхон подшо ҳали ҳам чиқмай ўтирур, сира-сира уриша-

диган авзойи йўқ. Гўрўғлибекнинг оломон лашкари, полвонлари тўда-тўда, тўп-тўп, байроқ-байроқ, туғ-туғ, эл-эл майдонга бориб, саф тортиб, чоқ бўла берди, ово-заси вағир-вуғир бўла берди. Унда Холдорхон шоҳнинг кўзи алтоғ-ялтоғ<sup>1</sup> бўлиб туриб эди.

Ана энди нима дейсиз, Борса келмас тарафидан бурқиллаб-бурсиллаб чанг-тўзанг фалакка бош тортиб кела берди. Ана буни Холдорхон шоҳ ва жамеъ умаролари, фузало, фуқаролари — ҳамма одамлари (кўриб), шод-шодмон бўлиб, қувониб подшоҳига хабар бериб, суюниб, бирдан дарвозаларни очиб, майдонга чиқиб сола берди, от чопиб йўртиб кела берди, келгани саф-дарсаф бўла берди. Ана шунда Холдорхон подшо олдига катта одамларни йиғиб, келаётган лашкарнинг олдига пешвоз чиқариб, кўп иззат-икромлар билан йўлларига пойандоз солиб, бир шаръ-шавкат билан олиб келди. Ана энди Борса келмас лашкари бир сиёсат билан майдонга келиб туша берди. Гўрўғлибекнинг лашкари ҳаммаси Борса келмас лашкарини томоша қилиб турди. Ана шу кун Холдорхон подшо майдон қилмади, меҳмонлар билан бўлиб, Гўрўғлининг майдонига шундай келиб, шундай кетди. Шоҳ Қайсарга йиғлаб:— Эй, биродар, вой, биродар, шоҳларга, ўзидан пастларга оёқ ости бўлиб, дўст-душманга беобрў бўлиб ҳеч нима дея олмай қолгани равоми, дурустми. Ана менинг ҳолим, аҳволим шул. Агар сиз келмасангиз, бугун мен чиқа олмас эдим. Сизнинг лашкарингизнинг чангини кўриб, пичи жонимиз эниб дарвозани очдик, суюниб чиқдик, биз тоза қамалиб қолдик, зор йиғлаб, подадай мўнграб чиқдик,— деди. Ана шунда шоҳ Қайсар:— Эй, биродар, йиғлама, шундай-шундайлар бўлади-да. Бизлар эшигмабмиз, бўлмаса, аввалдан сенга ҳомий бўлар эдик. Ана энди шу Гўрўғли сенга нима қилган бўлса, эртан тонг отсин, унинг жонига нималар қилар эканман,— деб лоф-қоф уриб ётди. Эрта туриб жамеъ лашкар майдонда саф тортиб бир-бирига қараб турур. Тоғдай суюниб, дарёдай мавж уриб, Борса келмасдан келган лашкардан бир полвон баҳайбат келиб, шоҳ Қайсар билан Холдорхон подшодан жавоб олиб, майдонда от ўнатиб, мард талаб қилиб, варақ-шарақ этиб, лашкарга:— Қани, менга полвонларинг борми, бўлсанг, кел, биринг

<sup>1</sup> Қўлэзмада *жалтағ*.

қўрқсанг, ўнинг кел, ўнинг қўрқсанг, юзинг кел, юзинг  
қўрқсанг, мингинг кел!— деб лоф уриб, қани, деб ўзини  
мақтаб айтгани:

Майдон излаб турган лашкар,  
Кел майдонга, кел майдонга,  
Сатта фалак урган лашкар,  
Кел майдонга, кел майдонга!

Букун мен майдон айларман,  
Ернинг юзин қон айларман,  
Барингни яксон айларман,  
Кел майдонга, кел майдонга!

Кел, кўрсатай зарби дастим,  
Сизларга кўп менинг қасдим,  
Сенларни қирмоқ ҳавасдим,  
Кел майдонга, кел майдонга!

Мен эрурман соҳибқирон,  
Ҳеч кимсага бермам омон,  
Баринг қилай ерман яксон,  
Кел майдонга, кел майдонга!

Баҳодирман, паҳлавонман,  
Уруш кўрган кордонман,  
Ким келса, қилайин бежонман,  
Кел майдонга, кел майдонга!

Мен қиларман ишим тамом,  
Овозам кетгудай жаҳон,  
Қора кун солиб шул замон,  
Кел майдонга, кел майдонга!

Мен ҳам бир шоҳлар, зўри,  
Майдонда эрларнинг эри,  
Ер юзининг манман шери,  
Кел майдонга, кел майдонга!

Холдорхонга мен ҳимоят,  
Элим обод, ҳаёт-ҳаёт,  
Қиларман ишин кифоят,  
Майдонга кел, майдонга кел,  
Бир тарафсиз арслонга кел!

Сизга келдим, юртим йироқ,  
Кўнглингизга соларман дор,  
Холдорхон бўпти бедимор,  
Майдонга кел, майдонга кел,  
Мендай улуғ арслонга кел!

Мен ботирман, ўзим полвон,  
Савашларим алвон-алвон,  
Таълим олинг майдон-майдон,  
Майдонга кел, майдонга кел,  
Мендай улуғ арслонга кел!

Кел, энди қилай саваш,  
Майдон қилиб айлай талаш,  
Кела беринг сатта бебош,  
Кел майдонга, майдонга кел!

Ҳариф бўлиб баробар кел,  
Ўзим янглиғ диловар кел,  
Менинг билан баробар кел,  
Майдонга кел, майдонга кел,  
Мендай улуғ арслонга кел!

Мен келдим майдон эткали,  
Ернинг юзин қон эткали,  
Сизларни қирон эткали,  
Майдонга кел, майдонга кел,  
Мендай номдор арслонга кел!

Ботир бўлсанг кел-чи қани,  
Нималар айларман сени,  
Қани бўл, келиб кўргин мени,  
Майдонга кел, майдонга кел!

Эшитинглар, турган лашкар,  
Ҳаммангга ўзим баробар,  
Баринг кўргин мендан ҳунар,  
Майдонга кел, майдонга кел!

Мен келдим сизни қирғали,  
Бариңни ясаб урғали,  
Холдор шоҳни қутқарғали,  
Майдонга кел, майдонга кел!

Майдон бўлар эрнинг иши,  
Киролмайди номард киши,  
Номарднинг кесилар боши,  
Майдонга кел, майдонга кел!

Ана энди майдонда турган полвон лоф-қоф айтиб, ўзининг нима эканини билмай катта-катта сўзлаб, полвон мендай бўлади-да, деб гурсиллаб, ларсиллаб (турибди). Гўрўглибек айтди:— Мана бу мендай полвон ҳеч ерда йўқ, деб юрган экан. У полвонлар, ҳали у келган лашкар ўзларини нима хаёл қилибди; ўз кўнглида бизларни кўрган одамлар қоча беради, деб юрганми?! Ҳали кўнгли жуда катта, энди бунга дуруст полвон, қўлидан иш келадиган борсин, улай-булай бўлганинг борма, жуда улуғ зўр полвон борсин,— деб эди, Гўрўглибекнинг лашкаридан бир полвони жаҳон Гўрўглига таъзим қилиб, дуо олиб, от ўйнатиб майдонга кирди.

Майдонга кирган йигитнинг отини Бексара дер эди, кўп полвон, забардасти замон эди. От ўйнатиб бориб, кўндаланг бўлиб:— Ҳали сенинг якка йигинликка қанча ҳунаринг бор, кўрсат, сен бурун ҳам майдон кўрибмидинг,— деб у полвонга ваҳшат қилиб бир сўз деди:

Бурун майдон кўрганмидинг,  
Сира майдон кирганмидинг.  
Лоф этасан полвонман деб,  
Ўзинг полвон бўлганмидинг?!

Лоф этасан ўзингда йўқ,  
Бир оғиз чин сўзингда йўқ,  
Чин ботирлик тарзингда йўқ,  
Сен полвонни кўрганмидинг?!

Сенинг ишинг лопилламоқ,  
Кулоқ солса гуппилламоқ,  
Полвон кўрсанг тапилламоқ,  
Полвон билан юрганмидинг?!

Айтган сўзинг бари ёлғон,  
Зўрлик қандай тушиб қолган,  
Сен уни қандай қип олган,  
Марддан тилаб сўрганмидинг?!

Сенинг ишинг бекор ишди (р),  
Зўрлик сенга қайдан тушди,  
Эшитган зўрлар кулишди,  
Меросхўр бўп олганмидинг?!

Ҳали сенинг кўпди хоминг,  
Утирикдан полвон номинг,  
Мардга ўхшамас анжоминг,  
Ё тилаб келтирганмидинг?!

Элдан бурун майдон келдинг,  
Келдинг-да бундай мақтандинг,  
Гуппиликни кимдан олдинг,  
Ўзинг мардни кўрибмидинг?!

Уриб қилай майда-майда,  
Бу ишингни қилгин уйда,  
Мақтанма майдон, ҳар жойда,  
Сира майдон кўрибмидинг?!

Мен келдим сени кўрай деб,  
Бунинг жазосин берай деб,  
Ёки уриб ўлдирай деб,  
Сен ўлмакка келибмидинг?!

Сен майдонни ўйин дебсан,  
Улим жойни уйим дебсан,  
Сен ўзинг ўлмакка кепсан,  
Ўлмайман деб юрганмидинг?!

Ўлдинг, энди бохабар бўл,  
Дўзах бориб мўътабар бўл,  
Жаҳаннамда боҳунар бўл,  
Сен эшитиб кўрибмидинг?!

Полвонлик менга ярашар,  
Ҳамма одамлар қарашар,  
Ёлғонинг бўйнингга тушар,  
Ёлғондан наф кўрибмидинг?!

Майдон қилар мендай йигит,  
Мол боқади сендай йигит,  
Савай сеңи жундай, йигит,  
Савагани кўрибмидинг?!

Ана энди Бексара бу сўзларни айтиб эди, мақтаниб турган полвон Бексаранинг сувратини кўриб, юраги қизиб, ичига ўт тушди. Узи оч қолгандай бўлиб кетди, бадани ҳам қалчиллаб, ияги шарқиллаб, кўзи олариб, бирдан ичи оғриб, орқаси қатир-қутир этаётир. Бексара айтади:— Полвон пахтабанд бўшатди, ундан мен қўрққанам йўқ.

Бирдан қиличини суғириб, тикка от қўйди, кела қилич солди. Бексара кўп уриш кўрган, жаррор, кўҳна сипоҳ эди. Ана энди ҳариф тигини рад қилиб турди. Бексара қўлига тиг ушлаб, полвонни қия қилиб бир урди, қаламлаб ташлади. Буни кўриб Холдорхон подшо шоҳ Қайсарга айтди:— Эй биродар, бу ўғрилар савашга жуда олим, ҳунарманд келди, ҳар важдан бизнинг элдан зиёд келади: қиличга ҳам, найзадастликка ҳам, тирандозликка ҳам — ҳамма ишга жуда уста бўлган экан. Ана кўрдингиз-ку, (биз томондан чиққан) баҳодирни отидан ағдариб ташлади. Бир ҳарбага тоб беролмади. Шунда шоҳ Қайсар дарқаҳр бўлиб айтди:— У, йигитлар, майдонни ҳазил билманглар, хомкоринг бориб, элга номус-ор келтирманг. Булар элга босим келиб, зўр бўлди, деб ошиб турган экан. Энди майда, ночор, иш билмаганинг бориб, уларни шердил қилманглар. Марди рост, майдон кўрган баҳодиринг бориб, ўғриларнинг юрагига ваҳм солиб, барининг ўтини олиб келадиган эр борсин. Шунда бир полвон, номдор, от кўтарган, зўрликка от чопиб майдонга тушди. Келиб Бексарага бетма-бет бўлиб ҳарба солишди. Бир-бирига тиг-табар, зубин, ханжар, тир — ҳар асбобдан ишлатиб, ўртада саксон тиг бекор ўтди. Ана Бексара: «Бу ит мени кўп айналтирди», — деб бир тигни кўтариб бохабар бўл, деб солди, бошини чопиб ён бошига туширди. Икки ёқ ҳам ҳой-ҳой, вой-вой; шовқум оламни тутди. Шоҳ Қайсар жуда дарқаҳр бўлиб наъра тортиб, добилнинг устига қамчини тортиб, қошидаги полвонларнинг барисига ғазаб қилиб:— Бу нима деган ор-номус бўлди, бундай ишнинг бизга ҳеч муносиблиги йўқ эди, бу қандай гап бўлди, биз қандай юз билан юрамиз, — деб илондай тўлғонди. (Бексара) шу кунни шоҳ Қайсарнинг номдорларидан, от кўтарган саксон полвонини ўлдирди. Кун кеч бўлди, икки лашкар икки ёққа айрилди. Шоҳ Қайсар минг ғусса, алам, ваҳм билан бориб ётди. Баччағар хўрақ ҳам емади, чой ҳам ичмади, ҳеч кимга гапирмай, қобо-



рини уйиб, жуда бедимоғ бўлиб, полвонлар, ботирлар, атанган баҳодирлар, от кўтарган, овозаси кўп ерга кетган кишилари қошига келолмай лол бўлиб қолди. Ана Қайсар шоҳ ғамгин бўлиб ёта берсин.

Гўрўғлибек валлакат, Бексарани тилла-кумушга чўмириб ташлади, шундай инъом қилди, ўзига берган сарпони ўзи кўтара олмади, отига берган асбобни оти кўтара олмади. Турганлар ва кўрганлар ҳамма офаринлар қилдилар. Гўрўғлибек қўшинига айтди:— У, ёронлар! Қайсар шоҳ кеча Бексарадан андак зарби дастни кўрди, энди бугун томоғидан ош-нон ҳам ўтмайди, бугун ҳам уйку элитмайди. Бугун оқшоми билан илонлар, чиёнлар чақиб чиқса керак. Энди эртан шоҳ Қайсар жангги мағлуб қилади. Эй, йигитлар, майдонни шундай қиласиз, асло айрилманг. Қизилбош тарафи таблни гашт урса, сира қайтманглар, бир майдон қилинглари. Эй, ёрон, бу дунёдан от кўтариб, эрлардан бўлиб ўтсанглари. Эртан майдони коризорда иш кўрсатиб, яхши от чиқаринглари. Энди сизлардан то дуруст зарб кўрмаса (қайтмайди). Ҳали Қайсар жуда оташин, серюрак-да. Эртан жангги мағлуб бўлса, эргаштириб келган одамларининг ярмидан кўпи ўлса, атанган қанча полвонлари нобуд бўлса, ундан сўнг сатта номард хизматкорлар, ҳеч нимага ярамайдирганлар қолса, шунда Қайсарнинг эси келади. Ҳали бизларни бир ҳарбада қувиб юбормоқчи-ку. Энди, йигитлар, белни икки ердан бойланглари. Эрта жондан кечиб, жавлон қилиб, бу душманлар билан майдон қилиб, майдоннинг юзини қипқизил қон қилиб, балки шоҳ Қайсарни ер билан яксон қилиб, жуда катта иш қилинглари. Эшитган дўст ҳам қойил бўлсин. Жуда шишиб келган шоҳ Қайсар эрта сичқон уясини қирқ тангага тона олмай қолсин. Эртан эшак калласи юз танга деган сўз қилиб ташланг. Қизилбошлар киргани гўр топмасин. У, йигитлар, полвонлар, зарбардастлар, баҳодирлар, меним айтганим шу. Энди сизларга худой қувват берсин, зафар берсин-да,— деб Гўрўғлибек дуога қўл очиб, омин, деб жамеъ йигитларининг кўнглини якдила қилиб, ўз-ўзлари маслаҳатларини қилиб, думоғи чоғ бўлиб, кўнгли оқ бўлиб, тонг отгунча тазарруъ дуо қилиб ётди.

Оқшом ўтди, тонг отди, ёруғ бўлди, офтоб чиқиб, бекларга чўлонини бериб, йигитларнинг об-озуқасини едириб, қоринни тўйгазиб, майдони ҳаяжонга юришди.

Ушдан шоҳ Қайсар ва Холдорхон, икки подшоҳ номдор, улар ҳам лашкарини жамлаб, об-озуқасини гамлаб, одамларининг хўрд-хўрагини, бериб, оломонни тўйдириб, катта карнайлар қўйдириб, сарбозларини лиёдалаб олдига солиб, унинг орқасидан отли баҳодирлар кўзғолиб, лашкарбошилар, тўпбошилар, катта вазирлар, баҳодир, жаҳонгирлар — ҳаммаси майдонга юз келтириб, нақиблар сафларини қиёматдек маҳкам бойлади. Ана энди икки ёқ ҳам бир-бирига бетма-бет саф тортиб турур. Бўз бола, баҳодирлар бир-бирига тез-тез қарашиб, бир-бирини егудай бўлиб турибди. Шу вақтда шоҳ Қайсардан бир полвон, баҳайбат, сиёсат билан майдонга келиб, от ўйнатиб баҳодирликни бажо қилиб, ҳар бобдан ҳунар кўрсатиб, қиличбозлик, найзадастлик, тирандозлик — ўттиз ўйин сипоҳигарликни ўйнаб ўтказди.

Кечаги ҳамманийг кўзига тушган Бексара Гўрўғлибекдан фотиҳа олиб, от ўйнатиб, сувлиғини чайнатиб, душманнинг зардасини қайнатиб, қиличини сўйлатиб, майдонда турган йигитнинг олдига етиб келди. Майдондаги айтди:— На яхши келдинг, мен сени истар эдим, кўнглимдаги бўлди. Сен кеча биздан кўп полвонларни бежон қилиб кетиб эдинг, бугун менинг қўлимга тушдинг, сендан наҳоримни олиб, бугун сенга не ишларни қиларман! Шунда Бексара:— Э, эшак, кечагилар сендан кам эмас, майдон сўзнинг жойи эмас, ишнинг жойи. Мен сени кечагиларга ҳамроҳ қиламан, деб келдим,— деб иккови тигма-тиғ, найзама-найза, тирма-тир бўлиб қолди. Иккови ҳам кўп баҳодир экан. Икки полвон забардаст орасида саксон радди бадал бўлиб, охир Бексара бир тиғи олмосни кўтариб:— Полвон, ҳозир бўл!— деб қаламлаб ташлади. Буни лашкар кўриб, шовқумни осмонга чиқарди. Ана энди шоҳ Қайсар бирдан лашкарини буюрди, кўп лашкар ер тебрангандай, осмон элангандай бўлиб, селдай босиб Бексаранинг устига тўкилди. Гўрўғлибек бу ҳолни кўргандан олтин дастали қамчини бошидан айлантириб:— От қўй, уринглар бу қизилбошларни!— деб фармон қилиб, аввал ўзи туғи билан бирдан тўкилди. Ота болага, қиз энага қарамай, ҳар ким ўз боши билан ур-ҳа, ур; сур-ҳа, сур; жур-ҳа, жур; қир-ҳа, қир, ҳой-ҳой шовқун садоси фалакнинг қулоғин кар қилди. Бир жанги азим, бир талотўп, қаттиқ бир гавғо, ҳеч суроғи йўқ. Қазо осмондан қордай ёғиб, не баҳодирлар от чоғиб, майдонда бедовлар кийикдай

сапчиб, такадай ўйнаб; жамеъ пиёда тирбарон ўққа ту-  
тиб, отлига отли, пиёдага пиёда, тўпга тўп, жазоилга  
жазоил, ҳар ким ўз тенги, ўз баробари билан, ҳар ким  
ўзи излаганини топиб, ҳар тарафга от чопиб, қон қизил  
сувдай оқиб, бошлар юмалаб, ўлган ўлиб, ярадорлар-  
нинг вой-вой, ҳой-ҳойи оламни бузиб, чанги оламга тў-  
зиб, ким зўр, ким нос, чанг-гард билан билинмайди.  
Жамеъ лашкар вағир-вуғир билан табллар қанқиллаб,  
карнайлар парпарлаб, сурнайлар зар-зарлаб, милтиқ-  
лар қарсиллаб, жазойиллар пишиллаб, не бир полвон-  
лар бир-бири билан бетма-бет гурсиллашиб, арслондай  
ҳайқириб арсиллашиб, ларсиллашиб, нечовлар муштла-  
шиб, нечовлар ушлашиб, нечовлар тўғонок ташлашиб,  
нечовлар қувиб, қочиб, нечовлар қилич билан қон со-  
чиб, ҳар бир бедовлар қушдай учиб, бўлак-бўлак, тўда-  
тўда, тур туққа тўқишиб, байроқ байроққа тегишиб,  
отлар ўликка қоқилиб, ҳар ёқдан қонлар оқилиб, қўр-  
қоқларнинг онги кетиб, қулоғи битиб, ҳисоб кетиб, ни-  
ма бўлганини билмай, ҳа деб итаришиб, қўйма дейди  
ҳаммаси бақириб.

Шоҳлар фармон қилди ур, деб,  
Тўкилди майдон ичинда.  
Икки ёқ ҳам шовқум солиб,  
Югурди майдон ичинда.

Ул ҳам қўшин, бул ҳам қўшин,  
Адади йўқ келган кишин,  
Бир-бирининг кўзлаб бошин,  
Урушди майдон ичинда.

От қўй деди, эл югурди,  
Ернинг бағрини қовурди,  
Чангни осмонга совурди,  
Талотўп майдон ичинда.

У ҳам кўпдан, бу ҳам кўпдан,  
Билмас ҳеч ким талотўпдан,  
Қамаб-қамсаб ўнгман чапдан,  
Даф қилди майдон ичинда.

У ҳам лашкар, бу ҳам лашкар,  
Олдин тушибди ҳар эрлар,

Ҳайқиришиб ошган шерлар,  
Ур наъра майдон ичинда.

Югуради гувлаб-гувлаб,  
Югрук отлар қушдай шувлаб<sup>1</sup>,  
Ботири кўрқоқни қувлаб,  
Қувала майдон ичинда.

У ҳам йиғин, бу ҳам йиғин,  
Ботир олдин, кўрқоқ кейин,  
Бир-бирига эгмай бўйин,  
Урлашди майдон ичинда.

Кеб йигитнинг сатта шери,  
Бариси ҳам эрнинг эри,  
Икки шоҳнинг йигитлари,  
Олишди майдон ичинда.

У ҳам ҳа деб, бу ҳам ҳа деб,  
Сен эр бўлсанг қўлингди ол<sup>2</sup> деб,  
Ҳариф бўлсанг, келсанг ма деб,  
Талаб қип майдон ичинда.

Майдон турди тўда-тўда,  
Жуда ҳам кўп уда-буда,  
Қизик бўлди жуда-жуда  
Томоша майдон ичинда.

Келди қўшин селдай босиб,  
Пилта ўт оп, майдон сасиб,  
Бир-бирига қилиб таассиб,  
Қарашди майдон ичинда.

Сатта менман деган ботир,  
Шовқун солиб келаётир,  
Қўлда милтиқ патир-патир,  
Отилди майдон ичинда.

Икки шоҳнинг кўп қўшини,  
Майдонга соп кўп кишини,

---

<sup>1</sup> Шувуллаб.

<sup>2</sup> Қўлингни, яъни навбатингни ол.

Икки ёқнинг олишини,  
Кел-ҳа, кўр майдон ичинда.

Икки ёқ ҳам шовқум солиб,  
Бир-бирининг олдин олиб,  
Кенг майдон қолди қамалиб,  
Суришмак майдон ичинда.

Йигитлар кириб майдонга,  
Бўялгандир қизил қонга,  
Дуч бўлди душман душманга,  
Солишди майдон ичинда.

Босиб келди сонсиз қўшин,  
Одам тутди майдон дашин,  
Шоҳлар оп кеп сонсиз кишин,  
Олишди майдон ичинда.

От қўйди, ерларзон бўлди,  
Кўз кўрмаган майдон бўлди,  
Оқиб қонлар тўфон бўлди,  
Шарқираб майдон ичинда.

Сонсиз одам майдон тушди,  
Ким кўрса юраги ишди,  
Бир билак уллар силкишди,  
Тортишмоқ майдон ичинда.

Менман деган ботир бари,  
Қарасанг чилланинг нори,  
Икки шоҳнинг йигитлари,  
Ҳақ берди майдон ичинда.

От қўйди лашкар тўш-тўшдан,  
Қулоқ кар бўлди куш-кушдан,  
Майдон тўлган тиқилишдан,  
Итариш майдон ичинда.

Бариси ботир бўз бола,  
Ғарққа тўлди майдон-дала,  
Шовқум солиб сол-а, сол-а,  
Бақирмоқ майдон ичинда.

Бари йигитнинг ҳайбари,  
Йигитларнинг аждаҳари,  
Бетма-бет бўл ҳарифлари,  
Олишди майдон ичинда.

Тоза ботир сафни бузиб,  
Дуч келганнинг бошин узиб,  
Майдон кетди жуда қизиб,  
Чопишди майдон ичинда.

Не гўзаллар отин чопиб,  
Излаб ўз ҳарфин топиб,  
Солса қилич ерни қопиб,  
Силташди майдон ичинда.

Ботир, полвон шунда ярар,  
Биттаси ҳам мингни қирар,  
Шундай эр майдонда турар  
Алжайиб майдон ичинда.

Эр йигит бўл бўлса ботир,  
Бир ўзи ҳам мингга татир,  
Ҳа деб майдон бўлаётир,  
Куш-а, куш майдон ичинда.

Сонсиз одам — йўқдир сони,  
Ичинда ҳам кўп полвони,  
Томошани кўрсанг қани,  
Шундай-да майдон ичинда.

Ундайда асл эр керак,  
Юраги катта шер керак,  
Не бир арслонлар гуркираб  
Юрибди майдон ичинда.

Ботирлар юраги тошиб,  
Ҳа деб юрур аралашиб,  
Полвонман полвой айқашиб,  
Солишмоқ майдон ичинда.

От-туянинг бўзлагани,  
Бедовларнинг хезлагани,  
Ботир улнинг излагани  
Топилди майдон ичинда.

Йигитнинг келган сараси,  
Бари йигитлар тўраси,  
Топилди эрлар жўраси,  
Чайпашди майдон ичинда.

Чиқди эрларнинг хумори,  
Қурилди зўрнинг бозори,  
Икки шоҳнинг ботирлари  
Билинди майдон ичинда.

Майдон бўлди жуда қатти (қ),  
Шу кун чопди бедов отди,  
Не гўзаллар жонин сотди  
Ор учун майдон ичинда.

Иккови ҳам катта қўшин,  
Уртага солган қўп кишин,  
Кўрса эрларнинг савашин,  
Шўл кун майдон ичинда.

Йигитлари гўччоқ-гўччоқ,  
Уйнайди тулпор тўбичоқ,  
Иккови ҳам бўп чоппа-чоқ,  
Олишди майдон ичинда.

Шоҳлар марддан майдон солиб,  
Иккови ҳам майдон толиб,  
Бир-бирининг олдин олиб,  
Ушлашди майдон ичинда.

У ҳам чопар, бу ҳам чопар,  
Ҳар ким ўз тенгини топар,  
Бари бўз бола от чопар,  
Дуркираб майдон ичинда.

Ҳар тўдада бир ботири,  
Олдида келаётири,  
Қувалашиб нари-бери,  
Қувишди майдон ичинда.

У ҳам қочмай, бу ҳам қочмай,  
Чиқмас майдондан қон чочмай,  
Ор ололмас жондан кечмай,  
Орлашиб майдон ичинда.

Икки шоҳнинг оломони,  
Эр бўлсанг, иш кўрсат қани,  
Қурилиб зўрнинг майдони,  
Тўқишди майдон ичинда.

От қўйди эл чоппа-чоппа,  
Учди одам таппа-таппа,  
Ботирга майдон ҳам гаппа<sup>1</sup>,  
Арқираб майдон ичинда.

Ботирга ботир тезланиб,  
Қаҳр-ғазабман сўзланиб,  
Номдор номдорни изланиб,  
Ахтариб майдон ичинда.

Шоҳлар кўриб полвонларни,  
Ишин кўриб арслонларни,  
Тахмин қип оломонларни,  
Санашиб майдон ичинда.

Майдон бўлса ботир кирар,  
Шундайда арслон гуркирар,  
Ўртада алжайиб турар,  
Тоза шер майдон ичинда.

Ер ларзон еб ағдарилар,  
Бирини бирови сурар,  
Жалтанглаб не уллар юрар,  
Чопганда майдон ичинда.

Бундай майдон кам-кам бўлар,  
Майдонда эр одам бўлар,  
Шундайда ботир айрилар,  
Эр бўлса майдон ичинда.

Майдон деган эрнинг иши,  
Боролмайди қўрқоқ киши,  
Эрларнинг отиш-чопиши  
Бир бўлак майдон ичинда.

Асл ботир майдон кирар,  
Майдонда эрлар оҳ урар,

---

<sup>1</sup> Гаппи.



Қўрқоқ четда ҳунар кўрар,  
Ҳадди бор майдон ичинда!

Ботир борса майдон қизир,  
Асл хунхўр қонни жузир<sup>1</sup>.  
Қимнинг иши сафни бузир<sup>2</sup>,  
Шер-нар майдон ичинда.

Майдонга, дўстлар, эр кирар,  
Юраги тошган шер кирар,  
Қўрқоқ киши четда юрар,  
Томоша майдон ичинда.

Тўда бўлган кўп одамлар,  
Неча бир яхши анжомлар,  
Ев-яроғин ботир ғамлар,  
Ишлатар майдон ичинда.

Одам билмас қўшин сонин,  
Қизитди шоҳлар майдонин,  
Билинтирмайин ўлганин,  
Шиддат бир майдон ичинда.

Ҳар ёқдан қўйма деб келар,  
У келса бул кейин бўлар,  
Майдонда ажалли ўлар,  
Кун битса майдон ичинда.

Сипоҳликда майдон қийин,  
Яккаликда ўлган қийин,  
Бири олдин, бири кейин  
Бўп ётир майдон ичинда.

Киши билмас қайси голиб,  
Билиб бўлмас ҳисоб олиб,  
Эрларни ўртага солиб,  
Кўришди майдон ичинда.

У ҳам қувар, бу ҳам қувар,  
Қилични қон билан ювар,

---

<sup>1</sup> Жузар (юзар, сузар).

<sup>2</sup> Бузар. Булар шоирнинг ўз изоҳи.

Кўрсатқонига кун тувар,  
Шўл куни майдон ичинда.

Бир-биридан тайсалламай,  
От қўйган биттаси қомай,  
Думаламай, юмаламай  
Бўп ётир майдон ичинда.

Кўп қўшин майдон этади,  
Кувсам дейди жон сотади,  
Бири бирни қийратади,  
Аямас майдон ичинда.

Ҳар ким кўрса ақли шошар,  
Ота боладан адашар,  
Кўрганнинг юраги ишар,  
Юракли майдон ичинда.

Ботирлар от чопиб юрар,  
Ҳар ким олдидагин урар,  
Бир-бирин қаҳрамон қирар  
Шўл куни майдон ичинда.

Бундай зўр иш шоҳлар иши,  
Одам тўлган дала-даши,  
Ҳисобин билолмас киши,  
Шўл куни майдон ичинда.

Майдон чангиб тутаб ётир,  
Катта дала ўт оп ётир,  
Ҳадсиз одам ютаб ётир,  
Иссиқ кун майдон ичинда.

Эр йигитлар чаққон-чаққон,  
Ғанғиллатиб добил қоққан,  
Сувдай шарқираб қон оққан,  
Шикаста майдон ичинда.

Сонсиз одам бўлган майиб,  
Лашкар ҳадеб ётир койиб,  
Икки подшоҳ захрин ёйиб  
Қиришиб майдон ичинда.

Шундай бўл талотўп,  
Ҳар ёғи ҳам бир-бирдан кўп,  
Шовқум келар ур-ҳа, ур деб,  
Шовқум соп майдон ичинда.

Бурқуллаб чанг, бари ғубор,  
Ҳар тарафга тулпор чопар,  
Бир-бирвин жундай савар,  
Ушласа майдон ичинда.

Шундай уруш бўлди жуда,  
Ҳа деб юрур уда-буда,  
Бирови зўр бўлса шуда,  
Ҳали тенг майдон ичинда.

Икки лашкарнинг қилган иши, бир-бирвини қириши ҳаддидан ошган, кўп лашкар, кўп эл чувлашган, не ботирлар олишган-солишган, лекин жуда ёмон тенг-лашган. Ҳа деб бир-бирвини қиради, ҳар ким олди-дагин уради, икки ёқ ҳам қиради, қириб-жўйиб боради. Шўл қирғин жуда ёмон бўлди. Гўрўғлибек майдонда иш кўрсатиб юрибди. Кўп ерда майдон қилиб, остида Ғиркўк оти, қўлида шамшир-олмос исфиҳон пўлати, ҳар бир сафларни бузиб, шўл куни кўп ишлар кўрсатди, не бир ботирман деганларни ағнатди. Ана Гўрўғлибекнинг қирқ йигити аждарҳодай дамига тортиб, ҳар қайсиси минг одамга ўрнаб иш кўрсатиб, олдига солиб қувалаб юрур; ҳар қандай атоқли полвон бўлса, шу қирқ йигитнинг бировига дуч келса, уриб-ўлдириб юрур. Қирқи ҳам тўплаб қизилбош лашкарини, бир тўп чумчуқни бир қирғий қувиб юргандай, тўп-тўпини қувалаб юрибди. Ана энди Така билан Ёвмитнинг бекалари ҳа деб бари ҳам қиради, душманнинг додини беради; ҳар қайсиси юз одамга даф қилиб, жавоб бериб, олдига солиб қувиб юрур. Лекин шунча бўлса ҳам Холдорхон билан шоҳ Қайсарнинг қўшини жуда кўплик қилаётир. Қанча қирган билан кўплигидан билинмайди. Бари жуда ғазабланиб сира қочайин демайди. Гўрўғлибек қўлида кескир исфиҳон, лашкарнинг у бошидан бу бошига, бу бошидан у бошига Ғиркўк отни чолиб кўриб юрур; қаерда Ёвмит-Таканинг одамидан бешта, ўнта, озроқ, анов қўшин зарбидан бўлинган бўлса, уларнинг олдини очиб, тўпга қўшиб, айрилманг тўдадан,

ўзингни олдиманг, ғайрат қилинг, деб шиддат бериб,  
ўзи ҳар ёқни кўриб, билиб, кўп қўшин қайси полвонни  
ўртага олиб шошдирса, қамаса, Ғиротни уриб ўстига  
бориб, шўл полвонига ҳимоят бўлиб, олдини очиб, олиб  
чиқиб юрур. Гўрўғлининг шўл ишини, эрлик-шерликла-  
рини шоҳ Қайсар билан Холдорхон подшо кўриб, Гўр-  
ўғлига қойил бўлиб, офаринлар қилиб, таҳсин қилиб,  
баракалла эр экан, деб тан бериб юрур. Ана Гўрўғли-  
бек, ўзига маълум қирқ йигит, кўп уруш кўрган, ҳар  
қайси тарафи йўқ эр йигит; Гўрўғли қирқ йигитга кўнг-  
лим жой, деб бошқа бир полвонлардан хабар олиб  
юрар эди. Шунда Гўрўғлибек душманнинг қирилгани,  
сони беадат, бо яна тайсалламай урушганига хавотир  
олди, «Баччағарларнинг кўнгил тўқи борми, шунча  
қирғинга қочмайди. Мабода хабар юборган лашкари  
бўлса, шундай шахриёрлардан келаётгани бўлса, агар  
шундай бўлиб тағи кўп лашкар келиб қолса, бизнинг  
одамимиз оз, ундан сўнг бизга иш зўр ошмаса»,— деб  
кўнгли паришон бўлиб, ўз ҳолига-аҳволига, лашкарла-  
рининг барига қувват тилаб, азизларга кўз тутиб, бир  
сўз айтиб турур:

Бир қаттиқ кун тушди менинг бошим,  
Қудратингдан, эгам, осон бўлмаса,  
Азизлар арвоҳи келса қошим,  
Авлиёлар менга ҳамдам бўлмаса...

Бу урушда озлик қилар лашкарим,  
Шу сабабдан чиқар оҳ билан зорим,  
Йўқдан бор айлаган парвардигорим,  
Катта қувват менга сендан бўлмаса..

Бу кун қолдим ўтга ёна,  
Ғамнинг ўтига ўртана,  
Мадад қилиб раҳбар бўлинг,  
Занги ота, Анбар она.

Гўрўғлибекнинг кўнгли жўш уриб, тошиб, азизларга  
мойил, пирларига юз тутиб, мардони ғойибларни ёд  
қилиб, майдоннинг ўртасида... жавлон қилиб уришиб  
турур:

Гўрўғли тушди майдонга,  
Майдонни бўяди қонга,

Қирғин солиб кўп душманга,  
Урушди майдон ичинда.

Ботирлар қилди майдонни,  
Қўринг Гўрўгли полвонни,  
Қабатида қирқ арслонни  
Ишлатди майдон ичинда.

Бетма-бет бўп катта қўшин,  
Ҳар ким қўриди ўз бошин,  
Ботирлар битқариб ишин,  
Савашди майдон ичинда.

Оқ, қорабош туғ сўлқиллаб,  
Тикилди майдон ичинда.  
Умировли не ботирлар  
Йиқилди майдон ичинда.

Оқ баданга пўлат найза  
Чекилди майдон ичинда.

Оқ бадандан қўчқил қонлар  
Тўкилди майдон ичинда.

Найза тегиб пўлат совут  
Сўкилди майдон ичинда.

Не гўзаллар қадди ёйдай  
Букилди майдон ичинда.

Бўз тупроққа қирмизи қон  
Тўкилди майдон ичинда.

Не ботирлар шўл майдонда,  
Бўғилди майдон ичинда.

Бедов отлар мурдаларга  
Қоқилди майдон ичинда.

Дутор бўйин араби отлар  
Чопилди майдон ичинда.

Хомлик қилса хоса бедов  
Совилди майдон ичинда.

Бедовларга қоли эилдар  
Епилди майдон ичинда.

Излаганга кўп хангама  
Топилди майдон ичинда.

Не йўлбарслар ичи ўтдай  
Қопинди майдон ичинда.

Қанқиллатиб зумрад добил  
Қоқилди майдон ичинда.

Эр калласи от остинда  
Чақилди майдон ичинда.  
Ҳар бедовлар шовиллашиб,  
Узангилар ширқиллашиб,  
Ўлик ўликка айқашиб,  
Ҳар бир ўлик қопдай ишиб,  
Қоп не эмиш, қанордай шишиб,  
Ҳар ўликка қузғун тушиб,  
Ғажир қўниб тортқилашиб,  
Тортишди майдон ичинда.

Гоҳ ул қувиб, гоҳ бул қувиб,  
Майдонда бедовлар сувиб,  
Қиличин қон билан ювиб,  
Душман бошига кун тувиб,  
Қилич теккан ордан оғиб,  
Йиқилганлар ерни қобиб,  
Душман шуйтиб қирғин топиб,  
Қилич, гурзи қордай ёғиб,  
Ҳар ким ўз тенггини топиб,  
От қўяди оғиб-оғиб,  
Кенг майдонда тулпор чопиб,  
Чопишди майдон ичинда.

Оғзи катта ашрапилар  
Отилди майдон ичинда.

Мард йигитнинг ширин жони  
Сотилди майдон ичинда.

Мард қўлида пўлат ханжар  
Катилди майдон ичинда.

Найза тегиб кировкалар  
Сўтилди майдон ичинда.

Дутор бўйин не бедовлар  
Кутулди майдон ичинда.

Мўнтанглагаң қозоқилар  
Тутилди майдон ичинда.

Бағри тортиқ сариқ ёйлар  
Тортилди майдон ичинда.

Бўз тўрпоққа қирмизи қон  
Қотилди майдон ичинда.

Қалла шў кун шолғомдай бўп  
Отилди майдон ичинда.

Душман душманга боқилди,  
Зумрад добиллар қоқилди,  
Устихонга ўт ёқилди,  
Қизил қон сувдай оқилди,  
Чақмоққа ўтлар чақилди,  
Ажалли қуллар йиқилди,  
Орғига қумлар тиқилди,  
Қонлар бадандан сепилди,  
(Сепилди майдон ичинда).

Қилич келар алаб-ялаб,  
Ғариб кўнгил истар талаб,  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилди майдон ичинда,  
Ажаллининг кафан, тўни  
Бичилди майдон ичинда.

Қўшин келди ўнги-чаплар,  
Вайрон-вайрон бўлди сафлар,  
Аждарҳодай катта тўплар  
Ишқирди майдон ичинда.

Қўшин келди даста-даста,  
Ясов тортди баланд-пастда,  
Уруш бўлди аста-аста,

Сўнг бўп қолди чапараста,  
Ким ўлди, ким бўлди хаста,

Қирмоққа ўзбак-де уста,  
Қирилди майдон ичинда

Қирди беклар ўнгги-чапдан,  
Сурди беклар тобдан-тобдан,  
Ботир топилар ҳар бобдан,  
Чопишди майдон ичинда.

Майдон бўлди тўда-тўда,  
Қирғин бўлди жуда-жуда,  
Ҳаҳ! деб юрур уда-буда,  
Ишонимли ул ўртада,  
Албатта қўрқоқ четда-да,  
Улмай чиқса унга шу-да,  
Кўришди майдон ичинда.

Майдон бўлди остин-устин,  
Излайди ҳар ким ўз дўстин,  
Шоҳлар тузаб баланд-пастин,  
Бир-бирига қилиб қастин,  
Эр кўрсатиб зарби дастин,  
Солишди майдон ичинда.

Пар-парлатиб карнай тортиб,  
Ҳар тарафга милтиқ отиб,  
Қўрқоқ ақлни йўқотиб,  
Улар ботир ўйда ётиб,  
Ботир уллар жонин сотиб,  
Илдам от бир-бирдан ўтиб,  
Қочса узаб, қувса етиб,  
Қўлда қилич ботир шоҳбоз,  
Юрур отин ўмганлатиб.  
Ўзи ҳарбни излаб юрур,  
Кўрган ерда майдон этиб.  
Ботир бари ўрталикда,



Қўрқоқ бойқуш қочиб кетиб,  
Қўшин келди аймоқ-аймоқ,  
Хунхор уст-устига сўймоқ,  
Талаб бўлса заҳрин ёймоқ,  
Чақишди майдон ичинда.

Келди шоҳларнинг қўшини,  
Ҳеч ким қилолмас ишини,  
Бежон қилди кўп кишини,  
Қамаб олди тўш-тўшини,  
Аямай кесиб бошини,  
Ташиб бўлмайди лошини,  
Бўяб тоғларнинг бошини,  
Ҳеч ким кўрган эмас шундай  
Ботирларнинг савашини,  
Кўп ҳам ёмон қирғин бўлди,  
Қирилди Холдор қўшини,  
Холдор, Қайсар қойил бўлди  
Кўриб Гўрўғли ишини.

Юмалашган бош бўлиб,  
Икки лашкар ғаш бўлиб,  
Бир қаттиқ саваш бўлиб,  
Шоҳлар кўзи ёш бўлиб,  
Жуда ёмон иш бўлиб,  
Кучли ғаним дуч бўлиб,  
Ботир кўнгли хуш бўлиб,  
Қўрқоқ кўзи ёш бўлиб,  
Калла мисли тош бўлиб;  
Икки шоҳнинг лашкари  
Уртада талаш бўлиб;  
Уруш қилди Гўрўғли  
Евмит элга бош бўлиб;  
Така-Евмит урушди  
Ҳар кун аралаш бўлиб;  
Уруш бўлди кўп қаттиқ,  
Калла қолди чош бўлиб;  
Қўрқмай шундай солишди  
Юрак пўлат тош бўлиб;  
Эрсиз қолган шаҳар-да,  
Эрсиз қалам қош бўлиб;  
Холдорхонман Қайсарнинг  
Сири элга фош бўлиб.

Отнинг боши бурилди,  
Ажаб мажлис қурилди,  
Арвоҳ урди Холдорни,  
Қайсарнинг ҳам одами  
Умма бўлиб қирилди;  
Қирилганин кўрган сўнг  
Қайсар билан Холдорхон  
Юраклари сидрилди;  
Така-Евмит йигити  
Биринингга уринди,  
Қизилбошнинг кўзига  
Бир одам минг кўринди.  
Гўрўғлига худойим  
Узинг обрў бер энди;  
Майдон бўлиб кўп қирон  
Томошани кўр эди.

Юлдуз учгандай бўлди,  
Қундуз кўчгандай бўлди,

Остидаги отлари  
Қонни кечгандай бўлди.  
Қизиб қўли ботирлар,  
Қизни қўчгандай бўлди,  
Кечга томон бўлганда,  
Кўп қўшинда, ёронлар,  
Холдор қочгандай бўлди.  
Гўрўғлининг одами,  
Суриб санчгандай бўлди;  
Қайсар, ору номусдан  
Шу дам кечгандай бўлди.  
Гўрўғлининг одами  
Қонни сочгандай бўлди;  
Қоронғулик<sup>1</sup> бўп қолди,  
Чироғ ўчгандай бўлди,

Терак бутагандай бўлди,  
Лайлак ютагандай бўлди,  
Дала ўтагандай бўлди,  
Лашкардан ўлган мурдасин  
Молни матагандай бўлди.

---

<sup>1</sup> Қўлзмада қарангалиқ.

Мурда қолди айқашиб,  
Ботир юрур чайпашиб,  
Хе бўғишма<sup>1</sup> бўлди-да,  
Хўп кекирдак сийпашиб.

Қоча берди кўп лашкар  
Қолди ақили шошиб.

Ақли кетди шоҳларнинг,  
Ақилидан адашиб.

Ана қоч-а, қоч бўлди,  
Қочади тўмпанглашиб.

Гуркираб қўшин қочди,  
Ҳақ ўнглади бу ишди,

Чидаёлмай қирғинга  
Душман бузила қочди.

«Қочган ёвда қорув йўқ»,  
Улганин сайлаб санчди.

Ўткир қилич қўлида  
Бек Гўрўғли қон сочди.

Эрларнинг минган оти  
Чачасидан қон кечди.

Қўшин қочди гуркираб,  
Қувиб кейинидан тушди.

Нечовлар ўлдик дейишди,  
Нечовлар қолдик дейишди.

Қочди қўшин қарамай,  
Ҳа, бизлар қолдик дейишди.

Етолмайин қолганлар,  
Поймол бўлдик дейишди.

---

<sup>1</sup> Қўлёзмада *бувишмай*.

Эрта кирди майдонга,  
Гўрўғлидай полвонга,  
Икки шоҳнинг лашкарин  
Қувиб тикди қўрғонга.  
Қойил бўлди Холдорхон,  
Шоҳ Қайсар — номдор шоҳ —  
Гўрўғлидай арслонга.

Қўрғонига қамалиб,  
Ета берсин дам олиб;  
Энди қайтди Гўрўғли,  
Эрларни ҳамдам олиб.

Ана энди Гўрўғлибек лашкари билан, қирқ йигит беклари билан Така-Евмитнинг йигитлари — полвонлари билан, Холдорхон подшонинг лашкари, Қайсар шоҳнинг лашкари билан эртадан кун ботганча тахт туриб тайсалламай солишди, тайлоқдай, бўлиб олишди, тоза бир ёқли бўлишди, жуда ҳам қаттиқ уришди, ғайрат қилиб қилди жуда зўр ишди. Икки подшонинг лашкарининг поёни йўқ, кўп лашкар эди. Гўрўғлибекнинг одами бировининг лашкари ярмининг ярмича йўқ эди. Майдонда тахт турди, кечгача ҳе, майдон қилди, майдоннинг бетини қон қилди. Энди лашкарлар ҳаммаси майдондан чиқиб, ўз жойларига бориб, бари отидан тушиб, қонли либосларини ешиб, базм либосини кийишиб, ботирлар талқон, туршак, овқат-озиқларини ейишиб, Гўрўғлибек димоғи чоғ бўлиб, кўнгиллар жуда-жуда шод-шодмон бўлиб (турибди). Баковул, оқсоқоллар, арбоб, кайвонилар, ошпазлар, нонпазлар — нонвойлар, ҳамма хизматкорлар ўз ишига урнаб, ўзига тааллуқ ишларни ишлаб, пишириб-тушириб, ҳаммаси шод-хандон. Беклар, ботирлар, полвонлар, тифбозлар, найзадастлар, катта полвонлар айш-ишрат, ўйин-кулгисиди. Об-ош, хурд-хўрақларини еб, ичиб димоғини чоқлаб (турур).

Ана энди Гўрўғли ботирларига, полвонларига, соҳибқирон жаҳонгир эр йигитларига қараб:— Баракалла полвонлар, шерлар, бугун хўп иш қилдинглар. Ана энди шоҳ Қайсари инга тикилган тулкидай бўлиб қолди. Кечаги вағир-вуғурлари паст бўлди. Ана энди ўзининг кучи, полвони маълум бўлиб, сизларнинг ишларингизга қойил бўлди. Мен сизлардан миннатдорман, энди майлиларинг, деб шод бўлди. Энди ботирлар зўр-

ликларингга кўп ҳам эътиמוד қилиб, катта кетманглар. Энди хўрак қилиб қоринни тўйғизсанглар, бориб ўлганларни олиб келиб такфин, тажҳиз қилинглар,— деб буюрди. Ана энди лашкари шодмон ва хурсанд бўлиб, майдонга келиб, шаҳид бўлганларни олиб, шартшароитлари билан кўмди, ярадорларни табибга юборди. Ана Гўрўгли ўз ишининг сариштасин олиб ёта берсин, энди сўзни Холдорхон шоҳ, Қайсар шоҳдан эшитинг.

Икки шоҳнинг қўшини қочиб, инига кирган тулкидай бўлиб қўрғонда қолди. Шоҳ Қайсарнинг ҳуши бошидан кетди, ҳеч нима дерини билмади. Аввали оқшом оломонларига, оқсоқолларига итоб қилиб, хўрак емай, бир кишини қошига келтирмай, ҳаммага ғазаб қилиб чиқиб эди. Бу кун шоҳ Қайсар айтди:— Эй умароларим, вой фуқароларим, кеча бизнинг хабаримиз йўқ. Бизларнинг уришиб юрганимиз бекор, туркман ҳаддан зиёда баҳодир полвон экан, унинг йигитларига баракалла, эрнинг эрлигини билмак керак, қойил бўлмоқ керак. Энди уларга ҳали бу юрган подшоларнинг баҳодирлари, ҳеч қайсиси тенг келолмас, инсоф қилмоқ даркор, ҳали менинг лашкарим у ёқда турсин, Холдорхоннинг лашкарин ярмича келади. Агар шўлар шу лашкаргача бўлса, буларга ҳеч не тоб тутмайди, офарин йигитларига. Биров билан урушсанг, шундай йигитларинг бўлса уруш-да, баракалла,— деб Қайсар қойил бўлди. Холдорхон бу ҳам сад офарин қилаётир. Лекин бу мағлубда ўлганнинг кўпи Қайсарнинг одами эди. Нимага? Аввал улар кўрган эди, шуйтиб четлаб асло бетма-бет келмади. Шоҳ Қайсарнинг одами ёв юрак эди, бурун кўрмаган, ҳа дегандан ёқама-ёқа бўлиб биз ҳам оламиз, деб жуда кўп қирилди. Қайсарнинг одамига қримлик бешдан бир ҳам эмас. Шоҳ Қайсарнинг кечаги эргаштириб келган қўшини нисф бўлди. Бари сайланган, ботир, эрман деган ўғиллар ўлган, энди юраксизи қолган. Қайсар подшо кўрса не бир менман деган йигитлари бор эди, биттаси кўзга кўринмайди. У ёқ-бу ёғини дуруст йиғиб, ҳисоблаб, ўлганларни дафтарга битиб кўрди, ҳисоби йўқ. Қайсар шоҳ лол бўлиб, нима дерини билмай қолди. Узининг кўзи етади, бу ёғининг урушга иши йўқ, баҳодир полвон қолмабди. Ана Қайсар оҳ, деб ҳеч кимга бу дардини айтолмай, ҳеч нима деёлмай қолди. Кўп фикрларга борди, ахири ўзига-ўзи айтди: «Энди менинг ҳаққим, шунча лашкарим, баҳодирларим,

полвонларим — ҳаммаси нобуд бўлиб, менинг Борса келмас элига боришим қандай?! Лозими шулки, Гўрўғлибекнинг ўзини майдонга чарлайин. Агар келса, Гўрўғлини майдонда, жамеъ одамларнинг ичида, душмандўст — ҳамманинг кўзининг олдида эрлигимни билдириб, ҳаммани қойил қилиб майдоннинг ўртасида ўлдирсам, ё бўлмаса банди қилиб бойлаб олсам, Холдорхон подшога тутиб берсам, жамеъ одамга эрлигим машҳур бўлиб, эшитганларнинг бари қойил бўлар эди. Жамеъ одам тан бериб юртга машҳур бўлар эдим. Холдорхонга шу Гўрўғлининг ўхдасидан чиққан бўлсам дуруст-да, бўлмаса нимага келиб эдим. Бу урушдан мурод топмадим. Бу лашкар жуда иш кўрган, менинг лашкаримни қириб, ўзимни овора қилди. Энди бирма-бирга ўзини кўрмоғим даркор. Ё ари бўлай, ё нари, ё бери бўлмоқ, — деб ўзининг кўнглида, — Гўрўғлибекнинг ўзи билан майдон қилиб, бир ёқли бўлиб кетмасам бўлмади», — деб шу сўзни маъқул қилиб қўйди.

Ана энди подшолар иккови ҳам оломонларини йиғиб, ҳаммасини жамлаб, ўлмай қолганларни ҳозир қилиб юрди. Хўрагини бериб, қорнини тўйғазиб — тўқлаб ётди. Эрта билан тонг отди, мусулмонлар туриб қилди таратти<sup>1</sup>, ўқиди намоз бомдотди, ўқиб фарз-суннатди, омин деб фотиҳани бетига тортди. Гўрўғлибек ошпаз, баковулларни, маҳрам бачча, хизматкорларни буюриб, чулан ошини тортди. Полвонларнинг, оломоннинг, ҳамма лашкарнинг қорнини тўйғазиб, энди майдонга юриш қилдилар. Ана энди майдон ҳижога саф тортиб тура борди. У ёқдан Холдорхон билан шоҳ Қайсар ноилож майдонга борди. Лекин икковининг ҳам лашкари бурнидан ип ўтгазиб етаклаб боргандай ноилож — чорасиз борди. Қандай қилсин, бечоралар майдонда Гўрўғлибекдан қўрқадди, келса ҳам жалтанглаб нима қиларини билмай, биров қаттиқроқ бақириб юборса чўрчиб тушади, саал шовқум бўлса тура солиб қочгудай. Ана шунда Борса келмас подшоси шоҳ Қайсар майдонга бормоқни тараддуд қилиб, асбобларин чоқлаб, милтиқларин ўқлаб, ўзини чаққон қила берди. Энди Холдорхон подшога қараб айтди: — У, биродар, бизларнинг иқболимиз Гўрўғлининг иқболидан пастлик қилдимиз, бизларнинг

<sup>1</sup> Таҳоратни.

шунча лашкардан, бир одамнинг қўлидан ҳеч иш келмади. Бизни ё сизни душман билан майдонда зор қилиб, полвонликни кўрсатиб, душманга ғолиб келиб, сизнинг, бизнинг кўнглимизни шод қилмай, қайта бизларни хафа қилди. (Полвонларимиз) душманнинг одамларига муқобил бўлиб тенг бўлолмай, душманнинг қўлида ўлди. Энди менинг кўзимга қўлидан иш келадиган одам кўринмайди. У одамлар ўтди, бу одамлар майдонга кирмайди, кирган билан бир иш билмаган, кучга энмаган, эр етмаган, балога ҳам кучи етмайди, баробар бўлолмайди. Энди буларнинг полвонлиги уйда, ё сизнинг, бизнинг меҳмонхонада, мойли, гўшти кўп, жуда лаззатли полов бўлса, шунга жуда полвонлик қилади. Уни ҳар қанча кўп бўлса ҳам қўрқмай ясайди, тайсалламайди. У едда булардан сира камлик тополмайсизлар. Ундайда дим камми йўқ. Энди, э биродар, ҳар гап бўлса бўлди. Бизнинг қўлидан иш келадиган шерамардлар ўлди. Улардан бизнинг кўнглимиз тўла эди. Ҳар қандай ишни ўҳда қилар эди. Нима қилайик, тарафшах келди, биздан зўр бўлди. Бари ор учун кетди. Энди биз нима дейик, бизга олдимизда бош ўйнаган йигитнинг асло камми йўқ, энди улар соб бўлди, энди кунимиз сатта половга, кулчатоёга; нонга, ошга, полвонларга қолди. Буларнинг полвонликлари шу, бу полвонларнинг у ёқ-бу ёққа иши ҳам йўқ. Энди, Холдорхон биродар, мен бугун майдондорлик қиламан. Энди сиз туғнинг остида қараб туринг, кўрайик, бахт кимга ёрлик қилди экан. Энди сизга айтган сўзим шу,— деб ўзининг одамларининг ёши-қари, мўйсафидларига кўп насиҳатлар қилиб, ўзининг уйда, ҳовлисидаги одамларига айтадиган гапларни айтиб, насиҳат, васиятларини тайинлаб айтиб майдонга жўнади.

Шоҳ Қайсарнинг катта ёшли, оқсоқоллилари Қайсар шоҳнинг майдонга кирарини билиб, бари йиғлаб, инграб: «Ҳай аттанг, шунча полвонлар ўлиб ўзи майдонга кирди»,— деб кўп афсуслар еб, зор-зор йиғлашиб, подшоси билан розилашиб қола берди.

Ана энди шоҳ Қайсар майдонга келиб, ўртада жавлон қилиб, неча алвон сипоҳилар ўйинини қилиб, қалқонбозлик, найзабозлик, қиличбозликлар қилиб, шўл замонда эрлар қиладиган расм-руемларини бекаму кўст тамом қилди. Икки лашкар муайян кўрди. Энди майдонда туриб айтди:— Эй, ёронлар! Мени ҳар ким бил-

са, билсин, билмаса, энди танисин. Мен шоҳ Қайсар, Борса келмаснинг подшоҳи бўламан. Менинг майдонимга бек Гўрўғлидан бошқа ҳеч ким келмасин,— деб майдонда ўзини баён қилиб талаб қилди.

Ана энди турган лашкар, Така-Евмитнинг одами, катта-кичиги бари билди, кўрди, Борса келмас подшоҳи шоҳ Қайсар майдонга келибди. Агар полвонларидан қолса эди, сира ўзи келмас эди. Энди подшо ноиложликдан ўзи майдонга келган, кеча жангги мағлубда жамеъ полвонлари ўлиб кетган-да,— деб лашкар гаплаша берди. Гўрўғлибек шоҳ Қайсардан сўзни эшитиб, бу ҳам майдонга кирмоқчи бўлиб, тараддуд қилиб жўнамоқчи. Шунда қирқ йигит бирдан туриб қўл қовуштириб арз қилди:— ВаллаMAT, ҳали сизга йўл бўлсин? Гўрўғлибек айтди:— Ҳариф майдонда, бизни чақиради. Мен бориб жавобини бериб келайин.

Қирқ йигит айтди:— Эй Туркманнинг тождори, сизга майдон дуруст, ҳали бизлар турганда, сизга нима, сиз лашкарнинг бошисиз, бизлар қирқмиз, қайси биримиз борсак, Қайсарга жавоб берамиз. Унинг майдонга кирадиган одами, полвони қолмай, ўзи келган, бўлмаса, келмас эди. Худога шукур бизлар ҳали майдонга сизни юборар эканмиз-а,— деб Гўрўғлибекни маҳкам ушлади. Ана энди уларга танимол бўлиб қолган Бексара от ўйнатиб, сувлиғини чайнатиб, кўрганнинг зардасини қайнатиб, ҳайбати билан душманларни ўйлатиб етиб борди.

Шоҳ Қайсар кўрди, таниди: якка йиғинликда, полвонларини, от кўтарган бирланчи менман деганларни ўлдирган Бексара. Шунда Қайсар шоҳ айтди:— Нимага Гўрўғли келмади, қўрқдими? Менинг ҳарифим, тенгим Гўрўғлибекнинг ўзи. Мен Гўрўғлибекнинг ўзи билан майдон қиламан. Мен ҳеч кимга новкар эмасман, мен новкарлар билан майдон қилмасман. Сен қайт, Гўрўғлибекнинг ўзи келсин,— деди.

Шунда Бексара кулиб айтди:— Эй, Қайсар, сен сандираб энди миянг қолмабди, эсинг кетибди, тентак бўлибсан. У, Қайсар, сен катта лашкар қилиб келдинг; қанча полвонларинг, бир билак баҳодирларинг, атанган баҳодирларинг бор эди. Сен кўнглингда айтар эдинг: «Менинг шу лашкарим ботир, полвон, шу ҳайбат билан, шу салтанат билан борсам, Гўрўғлибекнинг одалари, полвонлари — бариси кўргандан қўрқиб, тура со-



либ қоча беради»,— деб келиб эдинг. Шўнда келган куни ўзинг шундай қилиб кела қолсанг бўлмасмиди<sup>1</sup>. Унда айтар эдик, подшо баҳодир экан, полвонларига ҳам қарамади, (майдонга) ўзи тушди. Гўрўғлибек ҳам кирса кирсин, бизлар у ёқдаги полвонларга тушамиз дер эдик, энди, Қайсар, полвонларингни қирдик, энди урушдан ўҳда чиқар одаминг қолмай, ўзинг келибсан. Ҳали Гўрўғлибекнинг олдида ҳар бир полвонлари бор, биттаси сенга, Холдорхонга ўхшаган бесабр, эси йўқ подшодан юзта, икки юзта шоҳга жавоб айтади. Нимага Гўрўғлибекни майдонга юборсин. Улар айтмайдими, аввал бизларга жавоб айтсин, бизларга голиб келса, бизлар тенг бўла олмасак, кучимиз етмаса, қўрқсак, майдонга бормасак, ундан сўнг сиз боринг; бўлмаса, чақирса чақириб юрибди-да. Не қиларини билмайин, оғзига келганини айтиб, ҳар нима дей-беради-да; лашкари соб бўлиб, тентак бўлиб қолган, сандирайди, унинг гапининг мазаси, тузи йўқ, деб (Гўрўғлини) нимага юборсин. Қани, сенинг эрлигингни кўрайин, менга жавоб бер! Ҳали қирқ йигитнинг кичкинагинаси менман. Энди сен ҳар нима дей берасан-да, «ўлар ҳўкиз болтадан тоймас». Энди сен билан Холдорхон икковингни бир зўр азайимхон фақиҳ муллага ўқитсанглар ҳам, ёзилар-ёзилмасликларинг гумон бўлиб қолган. Энди сизларнинг алжу-балжу, деб сандираганларинг-сандираган. Энди сизлардан эс-ақл деган нарса топилмайди, энди кўкарта олмайсизлар. Ў, Қайсар, сенга, у Холдорхонингга подшолик ярашмайди. Подшолар сизлардай бўлмайди. Подшоларда бир хил хислатлар, хосиятлар бўлади. Уларни сояйи худо дейди. Қрим эли шу Холдорхонни подшо қилган, Борса келмас эли сени подшо қилгани шўл элларнинг арвоҳ ургани экан. Подшо қилса бошқа дурустроқ одам йўқмикан, наинки бир вадирлаган, шалдираган, балдираган тентакни подшо қилса! Ў, Қайсар, бек Гўрўғли кўн яхши подшоб, ҳеч ваядан, ҳар хил синдан, ҳар қандай гапдан, ишдан ҳеч ким Гўрўғлибекдан ми — камлик тополмайди, подшолик Гўрўғлибекка ярашади. Кўп яхши шаҳриёр бўлади-да. Ана бизлар Гўрўғлибекнинг йигитлари бўламиз, олдида қирқ йигити бор, қирқ минг полвон забардастга жавоб айтади. Бизлар Гўрўғлибекни Қрим

<sup>1</sup> Қўғезмада бўлмаймиди.

билан Борса келмасга ҳам подшо қиламиз, деб қўймай олиб келдик, эшитдингми?! Агар сенинг эсинг бўлса, Гўрўглибек билан урушаман демас эдинг; бўйинингга қилич, садоғингни солиб, бекнинг олдига бориб, оёғига йиқилар эдинг. Агар шундай қилганингда, Гўрўглибек жуда олий ҳиммат, юртингни ўзингга бериб кетса ҳам ажаб эмас. Ана энди сен урушаман, деб келибсан, Гўрўглибек бир хизматкорига анов галдираган тентакни бошини кесиб олиб кел, деб буюради. Бир хизматкори чопиб келади-да, сени бир уриб ўлдиради, бошингни кесиб, бекнинг олдига олиб боради. Гўрўглибек шундай бек, бошингни тарозига солиб, сени ўлдирган йигитга бошинг билан баробар тилла тортиб беради. Сенинг бошингни аввали ўзим кесиб кетаман. Лекин менга бошини кесиб кел, деб айтганлари йўқ. Сен вағир-лаб, бекни чақириб сандирай бердинг, мен жавоб бераман, деб келдим. Ана энди гапни қўяйик, майдонни курайик. Энди, Қайсар, сен бўлсанг, ўлмакка чоқ бўла бер, сенинг ажалинг менинг қўлимда. Сен тентак бўлмасанг, ана сен эр экансан, Гўрўглини чақиргунча, қирқ йигитини бир бошидан ҳаммасини енгсанг, пойласанг, сендан қўрқиб ҳеч ким кела олмаса, майдонда ҳариф топмасанг, ундан сен айтмоғинг даркор: «У, Гўрўгли, полвонларинг соб бўлдими, нимага келмайди, агар полвонларинг соб бўлса, ўзинг кел»,— деб шунда чақир-да. Ҳали Гўрўгли сендай майдонга киргали одам топмай қолдимми?! Шунинг учун мен айтаман, сен тентак, эшитдингми, тағи Гўрўгли мендан қўрқдими, келмайди, дейсан, тентак, бу сўзи нимаси! Гўрўглибекдан қўрққанингдан ҳали Холдорхон икковинг инга қамалган тулкидай бўлиб, маховдай бўлиб қамалиб ётасанда, Гўрўглибек қўрқади деганинг жуда қизиқ! Ул бек нимангни кўрди, нимангдан қўрқади, қандай қилиб қўрқитдинг, ё кечаги сенинг қирилганингдан қўрқадими... Ҳали Гўрўглибек сени одам ўрнида кўрадими, ўзингни одам қаторига киргиз! Қўрқмасанг, одам экан десин. Сенинг қўрқдими деганингга нега қўрқсин, ў, тентак,— деб Бексара<sup>1</sup> дим гапиртмади, Қайсарга асло сўз бермади. Бу сўзларга икки лашкар ҳам кулаётири.

---

<sup>1</sup> Юсуф, Аҳмад Мисрни олгани бораётганда, Гўзалшоҳнинг устига бориб қолади. Гўзал қочади. Уч саркарда навбатма-навбат боради. Охирида Чаққонбек Сафобек ўғли, ёши юз йилга кирган,

Шоҳман дейсан, шоҳга ўшамас келбатинг,  
Эрман дейсан носларча йўқ қувватинг,  
Шаҳаншоҳ бўп чўпонча йўқ ҳимматинг,  
Подшоҳ бўлиб, қани шону шавкатинг?!

Шоҳ деганнинг зиёд бўлар ақили,  
Айтган сўзларининг кўпдир маъқули,  
Бул туришинг, бул юришинг, сўзларинг  
Кўрган айтар: телба-тентак шекили.

Подшолар билинар шакли-сиёҳдан,  
Полвонлар билинар асбоб-яроқдан,  
Иккови ҳам сенда йўқдир биттаси,  
Сенга шоҳлик тегиб қолди қаёқдан.

Подшоларнинг иши битар кенгашман,  
Сен жўра бўп юргудайсан бебошман,  
Шоҳлик сенга қандай тегди Қайсар шоҳ,  
Мен урайн шу шоҳликни бир тошман.

Сендан бошқа дуруст одам топмабма,  
Одам излаб ўйга, қирга чопмабма,  
Шу шоҳликни сотиб юбор бировга,  
Бозорларда сотиб юргин қоп-попма.

Гапирасан сўзларингнинг тузи йўқ,  
Подшоликнинг сенда, Қайсар, изи йўқ,  
Сени шоҳ қип, сўнгман, бўлган  
Шоҳликнинг

Сўнмо, иуқ Оўлди,  
Сен сен хўр қилдинг, сийин қилмадинг.

---

аввалги икки саркардадан бандини, ўлжани кўп олади. Шунда Така-Евмит беклари қойил бўлиб:— Бобо сиз ҳунарни кимдан ўргандингиз,— деганда, Чаққонбек Сафобек ўғли айтади:— Гўрўғлибекдан, Бол Авазхондан, Ҳасанхондан, Холдорхондан ўргандим,— деб Гўрўғлининг қирқ йигитининг барини айтади. Бир байти шул:

Чордарада Асқар тоғни жойлаган,  
Ғазо куни от-анжомини шайлаган,  
Тўққиз манзил душман йўлини бойлаган,  
Чаман ўғли Бексарадан ўргандим.

Бексара шўл йигит, Гўрўғлибекнинг қирқ йигитининг бири. Эргаш шоирнинг ўз изоҳи.

Әсиз шоҳлик абгор бўлди, Қайсар шоҳ,  
Келиб сендан безор бўлди, Қайсар шоҳ,  
Сенга келиб улуғ шоҳлик не бўлди,  
Чўпондан ҳам батар бўлди, Қайсар шоҳ.

Подшоларнинг бўлар неча нишони,  
Сендан авло чўпонларнинг чўпони,  
Сенга келганига бўлган пушаймон,  
Шоҳлик келиб сендан кўрмай вафони.

Сени билмай келиб қолган, Қайсар шоҳ,  
Англамай бир бўлиб қолган, Қайсар шоҳ,  
Сўнгман билиб шўл подшолик ўзингни  
Уялгандан ўлиб қолган, Қайсар шоҳ.

Сендан бошқа одам топса ўлама,  
Сендай тентак ҳеч вақтда шоҳ бўлама,  
Сен шоҳликни, Қайсар, қилдинг овора,  
Эсинг бўлса энди қайтиб йўлама.

Подшоликка бек Гўрўғли ярашар,  
Қанча оқил, доноликка ярашар,  
Шоҳлик лойиқ Гўрўғлидай арслонга,  
Оламга шаҳаншоҳликка ярашар.

Энди бориб подшолигинг бера бер,  
Олдида хизматин қил-да, юра бер,  
Бу подшолик Гўрўғлига ярашар,  
Не буюрса чопқилла-да қила бер.

Бек Гўрўғли бир тарафсиз шаҳриёр,  
Хизматига ярамайсан, сен Қайсар,  
Подшоман деб тентирайсан вағирлаб,  
Подшолик, улуғлик шунга ярашар.

Гўрўғлига юрт, олам қойилди,  
Шоҳлардан зиёдлар хизматин қилди,  
Бек Гўрўғли улуғликка ярашган,  
Сендай шоҳлар оёғига йиқилди.

Сенинг подшолигинг шул-да: мақтанмоқ,  
Бир бечоранг келса, сўкиб ўқталмоқ,  
Урмоқ, сўкмоқ подшолик деб юрибсан,  
Сизларда йўқ ғамгин кўнглини олмоқ.

Подшо бўлар етим-есир отаси,  
Етар-етмасларнинг бўлар хатоси,  
Мураббийи бўлар шоҳлар шуларнинг,  
Фуқаролар подшоларнинг миноси.

Сенда йўқдир фуқарони юпатмоқ,  
Балки сенга ҳунар элни йиғлатмоқ,  
Сендан яхши иш келмайди, Қайсар шоҳ,  
Сенинг ҳақинг уриб сени йўқотмоқ.

Қайсар, сенга энди майдон не даркор,  
Бўлолмайсан Гўрўғлиман баробар,  
Гўрўғлининг узангисин тавоб эт,  
Энди бориб узурни айт, Қайсар шоҳ.

Бормаганинг бекнинг қаҳрин келтирар,  
Бир одами келиб уриб ўлдирар,  
Сира ҳам тенг бўлолмайсан, шоҳ Қайсар,  
Сенинг беэслигинг шўнда билдирар.

Қайсар, эшит, менинг отим Бексара,  
Мен гапирдим, энди мағзига қара,  
Сенга айтган насиҳатим шу бўлар,  
Нодонлик қип бўлма дейман овора.

Ана энди шоҳ Қайсар Бексарадан бу гапларни эшитиб, ўз кўнглида ўзи айтди: «Менга бу сўзлар ҳам кўп, бўлмаса Гўрўғли мени устимга борган бўлмаса, ё менинг билан сени-мени бўлган бўлмаса, Холдорхон билан урушибди, суришибди, бу билан уришибди, мен билан урушгани йўқ. Ё аввалдан, ҳа сени, дегани борми, ё бошқа гапи борми?! Шу Бексаранинг айтгани рост. Мен тентак бўлмасам, ўйласам бўлмасми-ди. Менинг нима бор эди Холдорхон хат юборса, тура солиб сола бериб. Шундай Холдорхонни қўрқитса, бир балоси бордир демайманми, ё бўлмаса одам юборсам ҳам, бир саркарда юбориб ўзим ётсам бўлмайми, асли тентаклигимдан шу гаплар бўлган. Бўлмаса, Холдорхон менинг нима эди, томиримми, ё бошқа яқинимми, нима менинг?! Хат қилиб юборса, юртимни, халқимни — ҳаммасини йиғиб, элда одам қўймай олиб келдим, ана энди бари қирилди. Холдорхон менинг учун, мени душмандан айриб оламан, деб бечоралар ўлиб кетди демайди,

менинг тентаклигим таппа тайин, рост айтади, шу йигит хўп айтди-да»,— деб шоҳ Қайсар қўлидаги тиғини жилава бериб, ҳозир бўл деб Бексарага солди. Бексара ҳам марди мардона рад бериб, Қайсарнинг бошига тиг солди. Қайсар шоҳ ҳам эрлик билан қайтарди. Икки лашкар қараб турибди. Уртада икки полвон майдон қилиб, шундай урушдики, мисли икки фил, ё икки аждарҳо, ё икки фаланг, ё икки йўлбарс, ё икки наҳанг. Икки ёқда қараб турганлар икковига ҳам офаринлар қилди. Икки полвон забардаст бир-бирига навбат бериб, майдондорлик қилиб, мисли об-оташ, бир-бирига шиддат қилиб зарб қилди, монанди икки тоғ тўқишгандай. Шунда Холдорхон бечора айтади: «Баракалла, Гўрўғлибек бундай йигитларни қандай топиб олибди, бундай зўрлар Гўрўғлига қандай таслим бўлибди, ҳеч ками йўқ. Бўлмаса, шоҳ Қайсарнинг тенги йўқ. Шундай полвонга тоб-тоқат қилган эрга офарин, юз офарин.

Дер эрди бу икки арслонга таҳсин,  
Хусусан у йигит меҳмонга таҳсин,  
Шунингдай аждаҳоларни йигит қилган,  
Гўрўғлидай улуғ султонга таҳсин.

Қилурлар офарин бу икки лашкар,  
Мунингдай жанг бўлган майдонга таҳсин.

Шулар билан урушмоқ орзусида  
Оти Қайсар, қўрқмай борганга таҳсин.

Начук тоқат қилар ул шерларга,  
Шунга тоқат қилиб юрганга таҳсин.

Қўриб келган кишилардан зиёда,  
Қилиб зиёд гап урганларга таҳсин.

Ҳама айтган билан гап бўлса бўлмас,  
Гапин жойига келтирганга таҳсин.

Сухан осон эмас, душвор эрур, бас,  
Суханварлик қилиб юрганга таҳсин.

Гўрўғли даврида бўлган бу сўзлар,  
Қизилбош душманин қирганга таҳсин».

Ана энди икки ёқнинг одами икки кўзи майдонда турибди. Шоҳ Қайсар шундай баҳодири замон эди, ҳеч тенги йўқ эди, баракалла, полвонликда мумтоз эди. Лекин майдонда Бексара ғолибдай. Тобора Бексаранинг қўли қизиётир. Шоҳ Қайсар инсоф юзасидан қойиллик бериб, офаринлар қилиб юрибди.

Икковининг ўртасинда икки юз, уч юз тиф бекор кетди. Эллик найза тагин бекор ўтди. Алҳол булар шў замонда полвонлар майдонда қилган ҳунарларнинг барини ишлатди, муродлари, мақсуд ҳосил бўлмади. Кун кеч бўлди, икки забардаст полвон икки ёққа кетди. Шоҳ Қайсар Бексаранинг эрлигига офаринлар қилди. Шунда Холдорхон подшога айтади:— Эй биродар, баракалла Бекеарага! Агар Бексарага урган ҳарбимни тоққа солсам гард-гард қилар эдим, юз офарин шунга, омон қолди, рад қилди. Балки парво қилмай, назарга келтирмади. Шундай полвон шунда бўлса, Гўрўғлининг давлати авж қилмай, қандай қилсин. Шу Бексаранинг бир ўзи бир лашкарга бўлади, ҳар қандай лашкарни бир ўзи олади, баракалла, ҳалоли бўлсин,— деб Қайсаршоҳ Бексарани мақтаб чиқди.

Ана Гўрўғлибек Бексарани тилла билан чўмириб ташлади. Оқшом ётди, эртан тонг отди. Икки лашкар майдонга келди, саф тортди. Ана бу кун қирқ йигитнинг бирови чиқди, Қайсар шоҳ билан майдон қилди. Кечгача зафар ҳам бўлмади, хатар ҳам бўлмади, икки ёққа айрилди. Бу куни (тарафлар) отланиб майдонга келди. Бу кун қирқ йигитнинг яна бирови чиқди, Қайсар шоҳ билан майдон қилди, кечгача икки ёққа айрилди. Шунингдай Гўрўғлибекнинг атанган қирқ полвони билан қирқ кун майдонлашди; қирқ йигитнинг ҳар бири бир кундан шоҳ Қайсар билан майдонлашди, ҳеч бириси шоҳ Қайсарни ололмади, ғолиб ҳам келолмади, баробарга юрди. Шуйтиб илгариги улуғлар айтиб экан, кўҳна масал шул: «Хоннинг бошин хон олар, қорнинг бошин қор олар».

Гўрўғлибекнинг йигитлари қирқ кун майдон қилди. Шоҳ Қайсарнинг эрлигига Гўрўғлибек ҳам қойил бўлди: «Баракалла, эр экан»,— деб Гўрўғлибек ҳам кун яхши кўриб мақтаб [юрди]. Полвон полвонни албатта яхши кўрса керак, ҳар ким ўз жинсига муҳаббат қўяди. Ғойибона Қайсар шоҳни гапиради. Ана энди қирқ йигити бари ҳам бир-бир кундан майдонлашиб бўлди. Оқ-

шом ётди, эртан турди. Бу кун Гўрўғлибекнинг майдони. «Қани бу кун қайси шоҳнинг бахти баланд келар экан»,— деб ҳамманинг сўзи шул. Шул вақт Авазхон, жуда кичкина бола, отасига навбат меники, деб талаша кетди. Шунда Гўрўғлибек Авазхонга:— Эй, ўғлим, ҳали сен кўп кичик, ҳали сени майдонга юбормайман, ҳали сен майдонга кирмасанг ҳам, сендан кўнглим тўла, сен қўй,— деб қайтарди. Ҳасан Кўлбар:— Мен ҳам Авазхонни майдонга юбормайман!— деб вағир-вуғур этиб, булутдай гулдираб, осмондай гуркираётир. Шунда Аваз ўтдай ёниб, тутаниб, Ҳасан Кўлбар тоғасига қараб:— Сен индама, бу сафар менинг навбатим! Нимага? Шу қирқ йигит бари олишмай, ярмими, озими қолганда эди, мен сизларнинг айтганларингни қилар эдим. Бари қирқ кун майдон қилди, энди навбат меники. Хоҳ ҳам бораман, нохоҳ ҳам бораман,— деб Ҳасаннинг ҳам, отасининг ҳам гапини асло олмади. Ана қирқ йигит бариси ичида: «Бинойи бўлди, борса борсин, Авазни кўрайик, хўп бўлди»,— деб турур. Шунда Аваз отасига қараб:— Шу майдонни менга бермасангиз, пиёда бораман, шу душманни бир кўрмасам бўлмас,— деб бир сўз деди:

Арила билмаган тоғларнинг қори,  
Тирамада пишар боғнинг анори,  
Маккамсан, Мадинам, қиблагоҳимсан,  
Сўзимга қулоқ сол, Чамбил сардори.

Арила билмаган тоғнинг тумани,  
Адолатли юртимизнинг замони,  
Маккамсан, Мадинам, қиблагоҳимсан,  
Арзима қулоқ сол, Ёвмитнинг хони.

Сўзимни эшитинг сиз валлакатим,  
Ёвмитман Такада соҳиб давлатим,  
Валлакатим қулоқ солинг сўзима,  
Жавоб беринг, бу кун менинг навбатим.

Ўзим эсон, Чамбилбелга тўраман,  
Тўралик давринда даврон сураман,  
Жавоб беринг букун навбат меники,  
Оқ фотиҳа беринг, майдон бораман.

Ёвмитга сардор дер, ота, ўзингни,  
Кўлингдан кўп едим ошу тузингни,



Жавоб беринг, ота, майдон бораман,  
Хизмат қилиб, ҳақлаб келай тузингни.

Менга навбат келди, ота, турабор,  
Майдондорлик қилиб<sup>1</sup> Қайсар зўрабор,  
Жавоб бер, отажон, майдон бораман,  
Бориб бўлай Қайсар билан баробар.

Дев-париға подшо бўлган Сулаймон,  
Куйган қулман, гапни гапга улайман,  
Жавоб бер, отажон, менинг навбатим,  
Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман.

Коса даврон мардга икки кemasми,  
Мард ўлса ҳақини душман емасми,  
Билмамиш бўп [қолсам] бормай майдонда,  
Дўст-душман Аваз шундай демасми.

Қирқ йигитнинг навбатидан қолмайман,  
Бормаганим, ота, ўлим эмасми,  
Бормай қолсам ўлимдан ул кўп ёмон,  
Валламатим, қўлимдан иш кemasми.

Бу ерларда бўтадай бўп бўзлайман,  
Ўзим пастда баланд ерни кўзлайман,  
Оқ фотиҳа беринг, отам, валлакат,  
Аслим шерман, доим йўлбарс излайман!

Жавоб берсанг, бермасанг ҳам кетаман,  
Бориб шу душманман майдон этаман,  
Аслим шер, душманни тўлғаб отаман,  
Энди бориб Қайсар шоҳни тутаман.

Қайсарни ер билан яксон этаман,  
Валламатим, навбатимга жавоб бер!  
Томоша қил мен Қайсарни нетаман.  
Омин де, отажон, майдон кетаман,  
Томоша қил, не ҳунар кўрсатаман.

Ана энди Гўрўғли валлакат қараса, Авазхон ўғлон  
кўзи яшанқираб, жуда оташин. Шунда сен қўй, деб  
бир сўз деди.

<sup>1</sup> Қилибди маъносида.

Чор ҳоқим эмасман, Чамбилгадир хон,  
Азаматга бердим карк тери қалқон,  
Ҳар сўзингдан танда жоним айналсин,  
Сен майдонни талаб қилма, Авазжон.

Узоқдан чопилар отнинг сараси,  
Йигитни ингрантар найза яраси,  
Сен майдонни менга бергин, фарзандим  
Авазжон, кўзимнинг оқи-қораси.

Йиғлатиб чашмимни гирён айлама,  
Кўзимнинг ёшини тўфон айлама,  
Фарзандим, кўзимнинг оқи қораси,  
Ёшсан, Аваз, қасди майдон айлама.

Аваз, ёшсан, сенсан менинг зовқимди,  
Майдон борсанг, энанг солар шовқумди,  
Аваз, қилма менинг кўнглим алағда,  
Ёшсан, бориб зиёд қилма хавфимди.

Қуйган қулман, гапни гапга уладим,  
Навбатингни менга бергин, тиладим,  
Ҳали ёшсан, Аваз кўзим, шунқорим,  
Шу сафарга бир катталик айладим.

Ҳали ёшсан, менга бергин майдонди,  
Энангни йиғлатма, болам, ёмонди (р),  
Отангман энангни қўйма ғаш қилиб,  
Ҳазил билма, болам, турган душманди.

Ҳали ёшсан, Қайсар сенга тенг эмас,  
Сени майдон юборгучи мен эмас,  
Бу навбатда, Аваз, ишинг бўлмасин,  
Навбатига майдон юргич сен эмас.

Авазжон, бормагин, душман забардаст,  
Ҳар ким бориб қилолмайди уни паст,  
Қайсар ҳам ёш экан, ўлиб кетмасин,  
Ўлдирмайин банди қилсам уни бас.

Жоним Аваз, сен бормагин, мен борай,  
Қайсарни ўлдирмай бойлаб келтирай,

Ешсан, болам, менга бергин майдонни,  
Утиргин, Авазжон, беваҳм юрай.

Сен борсанг, отангнинг қолмайди жони,  
Сен бўлмасанг, йўқ отангнинг дармони,  
Борма болам, шу майдонни менга бер,  
Майдоннинг забардаст, болам, душмани.

Аваз, сенга айтган сўзим шул бўлар,  
Сен борсанг, отангга қайғу мўл бўлар,  
Ешсан, Аваз, майдонингни менга бер,  
Отага қараган яхши ул бўлар.

Ана энди Авазжон ўғлон бир боғ қуруқ қамишга ўт  
қуйгандай гувлаб ёниб кетди. Авазжон сўзи:

Чамбил дейди униб-ўсган жойимни,  
Ёд этиб йиғлайман бир худойимни,  
Омин де, қўлингни кўтар, отажон,  
Еш ўғлонман, қайтармагин раъйимни.

Қўкрагимга солмагайда войимни,  
Шод айласам сиздай қиблагойимни,  
Омин де, қўлингни кўтар, валлакат,  
Еш боламан, қайтармагин раъйимни.

Бандадирман, оллони ёд этарман,  
Ёлбориб ҳаққа муножат этарман,  
Еш ўғлонман, қайтармагин раъйимни,  
Жавоб берсанг, бермасанг ҳам кетарман.

Қирғий деган қушлар бўлар қияда,  
Ўлимча ёмон иш борми дунёда,  
Жавоб берсанг, отли борай, отажон,  
Йўқса, ота, хуш қол, кетдим пиёда.

Жавоб берсанг, отни миниб кетаман,  
Жавоб бермасангиз, отни нетаман,  
Юбормасанг, ота, кетдим майдонга,  
Яёв бориб шу полвонни тутаман.

Жоним ота, қулоқ солгин сўзима,  
Эмас ерда табоҳ солма юзима,

Ана жавоб бермасанг ҳам бораман,  
Хафа қилмай жавоб беринг ўзима.

Оҳ уреа, тўкилар кўзларнинг ёши,  
(Оллоҳ дейди хонақонинг дарвешини),  
Талаб қилиб қайтармикан мард киши,  
Талабдан қайтмоқлик хотиннинг иши.

Отларни койитар тоғларнинг тоши,  
Оллоҳнинг тўпидир одамнинг боши.  
Талабдан қайтарми, ота, мард киши,  
Талаб қип қайтмоқлик хотиннинг иши.

Мард йигит номардга сирин айтарма,  
Бир гапни айтиб юрагимни мойтарма,  
Жавоб бер, отажон, ғамгин қилмагин,  
Эр йигит ҳам тилагидан қайтарма?

Ота, қулоқ солинг бу нолишима,  
Дўст-душман қойил бўлсин [ишима],  
Шу сафарга мен майдонга бормасам,  
Хотинлар лачаги бўлсин бошима.

Ҳеч ким йўламасин менинг қошима,  
Томоша қил, отажон, савашима,  
Шу бугун майдонга, ота, бормасам,  
Хотинлар лачаги бўлсин бошима.

Отажон, қайтарма, кўнглим ўчмасин,  
Кўнглима беқувват хаёл кечмасин,  
Жон ота, сен қайтармагин ўзимни,  
Саҳал ерда менинг кайфим учмасин.

Қўлиңдан иш келмас экан демайин,  
Хаёлинг кам куч деб, ота, қочмасин!

Ана энди Гўрўглибек кўрди, Авазхон ўғлон бир парча ўт, ловиллаб ёниб бораётир. Шунда Гўрўглибек айтди:— У, ўғлим, сен ҳам ўз тенггинг, ўзингдай болага борсанг экан, мен ҳам айтсам: ўзидай ёш бола экан, иккови баробарда, десам. Кўрасанми, майдонда турган забардаст диловарингга ҳеч ҳариф муқобил бўлиб ўқдасидан чиқа олмас. Сендай гўдаклар [унга] ўйин иши, сен унга ҳариф эмассан. Шуйтиб қўй дейман.

Ҳасан Қўлбар эланаётир:— У, Авазхон, болам, агар сенинг навбатинг бўлса, энангнинг ҳаққи мен борай, мени юбор, сен ўтир, томоша кўр, ҳали ёш боласан, унинг тенги эмассан.

Шунда Авазхон полвон Ҳасан Қўлбарга қараб:— Дам ўтир, болдирайма. Бир уриб ўлдириб қўярман. Илгари зангига бординг, полвонларга бординг, уларга қирқ йигит боргани йўқ эди. Мен борсанг бора қол, деб эдим. Ана қирқ йигит навбати билан бир-бир борди, энди менинг навбатим келди, имкон йўқ, бораман. Йўқ, агар бормасам, сизлар юбормасангизлар, энди қўшиндан чиқаман, бир ёққа улоқиб кетаман-да, пода, қўйми, эчкими боқаман. Сипоҳиларнинг ичига кирмайман, ўтирмайман, буларнинг қошида ўтирмайман! Менинг қабатимдаги одамлар майдон қилар, менинг навбатим келар, бормай қоларман, сўнг нима мардлигим қолди?! Ундан сўнг менинг ҳаққим — мол боқмоқлик лозим.

Шунда Гўрўглибек қаради, бўлмайди. Ахир ноилож, чорасини тополмай, нима қиларини билмай, шошиб, энди бўлмайди экан, деб Соқибулбулга айтди:— У, Соқибулбул, Ғиротни эгарлаб олиб кел. Авазхонга менинг асбобларимни олиб келиб кийгизинглар. Авазхон майдонга бормаса, биздан қаттиқ араз уриб кетар экан, бормаса бўлмайди экан,— деб ноилож жавоб бериб юбормоқчи бўлди. Авазхонга айтди:— Баракалла, ўғлон, ботир полвон, мард сира қайтарми, қайтмайди. Биз сендан бир майдонни тиладик, бермадинг, бермасанг ҳам майли, эса бор, ҳозир бўл, бор энди. Омон-эсон боргайсан, омон келгайсан. Энди, Авазхон, чилтан берган отимни мин, чилтан берган яроқларимни кийгин, иншоолло, зафар топарсан, бор энди оллоҳ ёринг бўлсин, пирларга, мардонул ғайбларга, Хизр Наби, Илёс пайғамбарга топширдим.

Бол Аваз, олмадинг, қайтай, тилимди,  
Менинг ҳолим яратганга маълумди,  
Барҳаққа, ҳудоё, сенга топширдим,  
Даргоҳингда омон сақла улимди.

Қўкрагимга солма қайғиман войим,  
Узоқда қолгандир манзилим — жойим,

Омонатни омон сақла сен ўзинг,  
Ўзингга топширдим, қодир худойим.

Барҳаққа, фарзандим, сенга омонат,  
Омонатга қилмагайсан хиёнат,  
Ўзингга топширдим нодон боламни,  
Сақлагайсан, эгам, соғу саломат.

Қайтайин, ёш бачча тилимни олмади,  
Айтганимни, найлай, қабул қилмади,  
Ўзингга топширдим, эгам, омонат,  
Омон сақла, юбормасам бўлмади.

Яратганим, сен сақласанг, бало йўқ,  
Сен қарғасанг, ҳеч дардига даво йўқ,  
Мен боламни, эгам, сенга топширдим,  
Бундан бошқа менда кичик бола йўқ.

Безфарзандлик мени қилди саргардон,  
Омонат топширдим, қудратли мавлон,  
Даргоҳингда омон сақла боламни,  
Ўзинг раҳбар бўлсанг, ҳар мушкул осон.

Раҳм этсанг, қиласан оламни бўстон,  
Қаҳр этсанг, қиласан оламни яксон,  
Даргоҳингда менинг болам омонат,  
Ҳамманинг муроди, мақсади сенсан...

Аваз ўғлон шод бўлди,  
Мингани Фирот бўлди,  
Бугун майдонга кирган,  
Аваз азамат бўлди.

Ўйнатди Фиротини,  
Кўр энди ғайратини,  
Томоша қинг майдонда  
Чамбилнинг жаллодини.

Урди Аваз Фиротди,  
Бу отлардан зўр отди,  
Энди отнинг бошини  
Аваз майдон қаратди,

Икки шоҳнинг одамин  
Томошага қаратди.

Ҳали Аваз боладир,  
Боғда очилган лоладир,  
Бир даста гул бўлгандай  
Аваз жайнаб келади.  
Ҳар ким кўрса шу куни,  
Ҳўп томоша қилади.

Гиркўк тулпор ўйнайди,  
Аваз гулдай жайнайди,  
Ҳар ким кўрса Авазди,  
Майдонга кўзи қиймайди.  
Бир даста гул Бол Аваз  
Бир сўзидан тоймайди.  
Талаб қипти Қайсарга,  
Бир ушлашмай қўймайди.

Бориб тушди майдонга,  
Дучор келди полвонга,  
Ҳамма қойил бўп қолди  
Бол Аваздай ўғлонга.

Тоғча экан юраги,  
Зиёд экан идроки,  
Баракалла болага,  
Майдоннинг йўқ кераги.

Етиб борди Қайсарга,  
Қатта полвон ҳайбарга,  
Ҳамма қойил бўп қолди,  
Бол Аваздай аждарга.  
Элнинг кўзи Авазда,  
Бол Аваздай шаҳбозда,  
Икки қўшин: «Аттанг, — деб, —  
Майдон не лозим сизга» .

Шоҳ Қайсар сўйлади,  
Ҳўп томоша айлади,  
Ёш бола деб Авазни  
Қайсар тўриб ўйлади.

— Сен ёш бола, нимага  
Тушдинг бундай майдонга,  
Ўзинг ёш, талаб қилдинг  
Мендай қонхўр полвонга?!  
Менинг феълим кўп ёмон,  
Қулоқ сол, айтай сенга,  
Сенга раҳми келмабди,  
Ўз элингда, ў бачча.  
Менинг раҳмим келади,  
Қетгин, келмагин менга.

Майдон сенга ўйинми,  
Ўйнайман деб келдингми,  
Менга ҳариф сен йўқсан,  
Боргин, бола, отангга.

Сени майдон юбориб,  
Қандай кўзи қийдикан,  
Қандай кўнгли бўлибди,  
Ҳайрон қолдим шу бугун  
Гўрўғлидай султонга.

Бор, кета бер, ёш бола,  
Сенман майдон қилмайман,  
Ўзимдайин эр келсин,  
Ишим йўқ сен ўғлонга.

Полвон Аваз сўйлади,  
Жуда қаҳр айлади.  
Қиндан қилич суғириб  
Бачча талаб айлади.

— Аё, Қайсар, кам юрак,  
Мақтанмоқлик не керак,  
Энди келган ажалинг,  
Ғамингни е эртарак.

Мен ҳам эрнинг эриман,  
Қирқ йигитнинг бириман,  
Қирқ йигитнинг ичида  
Бир атоқли зўриман.  
Энди келди навбатим,  
Мен олдингда туриман.



Аё, Қайсар, аяма,  
Сен қўйсан, мен бўрмаи,  
Мен қасдингда туриман.

Мен кесарман бошингни,  
Кўздан тўкиб ёшингни,  
Қайсар, мендан аяма,  
Қўлингдан келган ишингни.

Менга ўзинг бўлмайсан,  
Олиб кел эрткан<sup>1</sup> кишингни.  
Қарға билан қузғунга  
Едирарман гўшингни.

Аҳмоқ Қайсар, не дейсан,  
Билибсан қайтар кишингни.  
Сенинг зўрлигинг қанча бор  
Кўрсат менга ишингни!

Шўнда Қайсар бечора:  
— Бўлма, бола, овора,  
Эр экансан ёш бачча,  
Ҳали ўзингга қара.

Қайтгин, бола, ўласан,  
Тоза гулдай сўласан,  
Шу гурзиман бир урсам,  
Майда-майда бўласан.

Менинг тенгим сен эмас,  
Талаб қип не қиласан.

Кета бергин, ёш бачча,  
Сен мени не биласан.

Жавоб бердим, кет энди,  
Еш экансан, ўласан.

Аваз айтди.. ебсан,  
...есанг ҳам кўп ебсан,  
Ҳариф бўлиб мен келдим,  
Эр бўлсанг иш кўрсат сан:

---

<sup>1</sup> Ияртган.

Эрлигингни кўрайин,  
Сенинг жазонг берайин,  
Шу гурзингман ур энди,  
Менам сўнгман урайин.

Қайтар кишинг мен эмас,  
Қаллангни олиб борайин.

Мен ўзингни ўлдириб,  
Лашкарингни қирайин.

Қанча бўлса лашкаринг  
Барини ўзим урайин.

Аё, Қайсар, қўлинггни ол,  
Эр экансан ҳарба сол,  
Майдон эрнинг ишидир,  
Ана, бу ҳарбани ол!

Аваз ўғлон ёнашиб,  
Енган ўтга туташиб,  
Ханжар солди Қайсарга,  
Полвон Аваз ёндашиб.

Қайсар кўрди полвонди,  
Хўп бир билак арслонди,  
Бол Авазнинг зарбига  
Илондай бўп тўлғанди.

Неча қават карк тери,  
Қалқон Қайсар қўлида,  
Икки бўлди қиличи  
Бошидаги қолқонди.

Қайсар бошин қочириб,  
Усталикман қолди-да,  
Отнинг боши кесилиб  
Йиқитди Қайсар арслонди.

Ўлик отнинг остида  
Қайсар қолди йиқилиб,  
Аваз қайтиб урмади:  
— Қайсар, туриб отдан, деб.

Ҳамма қойил бўп қолди,  
Қандай бало деб қолди.  
Бир қалқонман бир тулпор  
Шоҳ Қайсарга кеп қолди.

Қайсар бошин қочириб,  
Усталикман қолди-да,  
Бўлмаса ўлар эди,  
Шу қиличдан муфт қолди.

Отин миниб шоҳ Қайсар,  
Қалқон олиб қўлига,  
Аваз яқинлаб қолди.

Қайсар энди билди энди,  
Эрга қойил бўлди энди,  
Бол Авазга кўп лашкар —  
Ҳамма қойил бўлди энди.

Қайсар айтди:— Офарин  
Сендай нозик болага,  
Минг офарин, офарин  
Сени туққан энага.

Эр экансан, ёш бачча,  
Шернинг бўлмас ёшлиги,  
Аслинг шерзод экансан,  
Шерлар сендан садага.

Аваз шердай инграниб,  
Енган ўтдай тутаниб,  
Бо бир кеп ҳарба солди,  
Қайсар турур суяниб.

Бу ҳарба ҳам ўтди энди,  
Аваз ўтиб кетди энди,  
Икки ёқда лашкарга,  
Кўп ўйин кўрсатди энди.

Учланчига шер Аваз  
Солди қилич худо деб,  
Бу ҳам уни ўткарди,  
Унга навбат етди энди.

Қилич олиб шоҳ Қайсар  
Келди Аваз қошига.  
Навбат бериб Бол Аваз  
Қалқон тутди бошига.

Қараб турган икки эл  
Қойил бўлди, ёронлар,  
Қайсардайин эр билан  
Аваз қилган ишига.

Қайсар солди қилични,  
Бежавотир ўткарди,  
Иккиланчи ҳарбага  
Қайсар келди қошига.

Полвон Аваз ургин деб  
Навбат берди уч марта.  
Юрт-олам қойил бўп  
Баччанинг бардошига.

Подшо Қайсар ўйлади,  
Шу баччани олай деб.  
Яра бермай танига,  
Соғ бир банди қилай деб.

Майдонлашди иккови,  
Қўп қўшиннинг ичида,  
Жон сотади шоҳ Қайсар,  
Бунга босим келай деб.

Қиличлашди, бўлмади,  
Эрларга кор қилмади,  
Баробар бўп иккови,  
Қайсин зўрин билмади.

Қўп ҳунарлар кўрсатди  
Қайсар полвон Авазга,  
От устидан олсам деб,  
Кўтариб ололмади.

Майдон бўлди кўп қатти (қ),  
Аваз отин ўйнатди.  
Бол Авазга шу Қайсар  
Ҳеч зўрлик қилолмади.

Қайта Аваз Қайсарга  
Босим келаётири:  
Ҳар ҳарбада Бол Аваз  
Сира камлик қилмади,

Қулоқ солинг, ёронлар,  
Суханварнинг сўзига,  
Қайсар ҳариф бўп қолди,  
Бол Аваздай кўзига.

Кўрди Қайсар ҳарифни  
Энди ўзидан зиёда.  
Бўлмайин деб шарманда,  
Ҳозир бўлди ўзига.

Кўзга илмай бола деб  
Писанд қилмай юргани,  
Энди буни қайтсам дер,  
Кўринмай ҳеч не кўзига.

Қайсардай шоҳ шошди энди,  
Ақлидан адашди энди,  
Бир хил, бир хил ишларда,  
Бол Аваздан қочди энди.

Бол Авазни қайтсам, деб  
Қайсарга ваҳм тушди энди.

Икки полвон майдонда  
Қарсиллашиб етишди энди.

Икки ёқдан офарин  
Бол Авазга дейишди энди.

Қизилбошга кўп ваҳм  
Авазхондан тушди энди.

Бол Авазнинг эрлигин,  
Ҳамма кўрди баробар,  
Кўп эҳтиёт қип қолди,  
Энди кўрқиб шоҳ Қайсар,  
Икки ёқдан Авазга  
Қилдилар офаринлар.

Кеч бўлган сайин Қайсарга  
Босим келди бу аждар,  
Ҳамма зўрлик қилди деб,  
Айта берди ёронлар

Ақли ҳушни бой бериб,  
Жуда қўрқди шоҳ Холдор.  
Холдор қўрқмай, найласин,  
Ожиз келди-да Қайсар.

Енгмадим деб Қайсарни  
Аваз бўлган дарқаҳар.  
Аччиғи кеп Авазни  
Қилай дер зер-забар.

Қаттиқ қўрқди шоҳ Қайсар,  
Ҳарифи келди аждаҳар.  
Кўп ҳам кўрди, саъй этди,  
Бўлолмади баробар.

«Ҳеч кўрганим йўқ,— деди,—  
Бундай полвон диловар,  
Еш ҳам бўлса бу эрга  
Ҳеч ким бўлмас баробар.

Баракалла, ул экан,  
Қандай эрга қул экан,  
Шу лашкарнинг обдони,  
Еш ҳам бўлса шул экан.

Бундай ўғлон кам бўлар,  
Ҳусни очилган гул экан.

Бу ўғлонни олмоқлик,  
Эрларга мушкул экан.

Узи экан баҳодир,  
Жанг ишга омил экан.

Душман буни ололмас,  
Кучи обдон мўл экан».

Қайсар бўлди кўп қойил,  
Жони-дил билан мойил,

Эрлигига кўнди энди,  
Аввал эди-да зойил.  
Қайсар жуда тан берди,  
Ана тарзи шамойил.

Қайсар кўп хавф этганди,  
Кўп ўзин беркитганди,  
Аваз жуда қизиган,  
Офтоб ботиб кетганди.

Бек Гўрўғли типирлаб,  
Авазга кўз тутганди.

Эр майдондан чиқарми,  
Аваз қизиб кетганди.

Қайсардайин полвоннинг  
Икки кўзин бол Аваз,  
Алтақ-жалтақ этганди.

Бек Гўрўғли чидамай,  
Бол Авазни кўрганча,  
Бор деб Ҳасан Кўлбарга,  
Энди фармон этганди.

Кўлбар келди майдонга,  
Таъзим қилди эр Кўлбар  
Бол Аваздай полвонга:  
— Отангизнинг амри шул,  
Келсин деди, жияним.  
Олди Ғирни еталаб:  
Буни кўриб шоҳ Қайсар  
Қолди энди ҳайронга.

Бол Аваздай валлават  
Борди сиҳат-саломат,  
Така-Евмит элати  
Офарин деб полвонга.

Бек Гўрўғли Авазга  
Инъом қилди беҳисоб,  
Ҳеч ким кўзи тушмагай  
Ундай катта эҳсонга.

Ана энди шоҳ Қайсар ўз лашкарига кетди. Холдорхон билан бир бўлиб Қримнинг қалъасига кириб кетди. Оқшоми билан шоҳ Қайсар Авазхоннинг таърифини, тавсифини килиб, оғзидан туширмай мақтайди. «Баракалла, шу кунги ёш баччага, ҳали жуда ёш. Агар камолига етса, бир полвони жаҳон, паҳлавони оламга баробарлик қиладиган, тенги йўқ ўғил бўлади. Баракалла, ўғил бўлганинга! Мен аввал буни урмайин, бир ерини яра қилмайин, астагина ушлаб олиб, от устидан кўтариб лашкарга олиб борайин, деб аяб юрибман. Сўнг қарасам, уни беш одам, ўн одам от устидан ололмайди, қайта ўзимга босим келиб, мени олиб кетгудай, баракалла»,— деб Холдорхон ҳам, Қайсар шоҳ ҳам Авазхонни мақтаб, эрлик, шерлик, танги баҳодирлик ишларини тонг отганча гап қилиб [чиқди]. Бу ёқда қирқ йигит бирдан жойидан туриб ҳаммаси Авазхонни бардор-бардор қилиб тўрга ўтқазиб, ҳорманг полвон, деб ҳордиқ сўрадилар.— Баракалла, Авазхон, бизлар энди қойил бўлдик, бизлар айтар эдик, Авазхон ҳали кучга энган йўқ, ҳали ёш, шоҳ Қайсарга баробарлик қилолмайди, ул кабири тақсир, жуда баҳодир, забардасти замон, асло ҳарифи йўқ, мумтоз полвон. Сизни бизлар Қайсар шоҳга дим тенглик қилолмайди, ёш бачча боргандан Қайсар ушлаб кўтаради, бизлар ҳам жавлик от қўямиз, деб туриб эдик; Қайсар шунча қилди, кўтариб ололмади. Ундан сўнг пичи жонимиз энди, бўлмаса, жуда хавотирда эдик. Қайта сиз уни жуда шоштириб ташладингиз, сўнг-сўнг қизиб Қайсарнинг алба-далбасини чиқариб, жуда кўрим қилдингиз. Ҳали Қайсар сира шу бугунгидай шошгани йўқ, бугун жуда хавотир қилди-да! Бўлмаса, қирқ йигитлар билан урушда назарига келтирмай, бизларнинг баримизни ўзига ҳариф билмай юрди. У бизлардай қиламан, деб кўрди, бўлмади. Бўлмаса, отдан узиб оламан, деб ҳам кўрди, бир пилла ўзи отнинг устидан тушиб қолгудай бўлди, тоза жони чиқиб қолди. Бизлар ана Қайсарнинг мазаси энди кетди. Бол Аваз сирини олди, деб жуда қувониб қолдик. Булар тонг отгунча Авазхон ўғлоннинг таъриф-тавсифини қилиб мақтаб ётди.

Ана Гўрўғлибек шў куни Авазхонга қилгани тўққиз-тўққиздан бўлди: тўққиз от, тўққиз туя, тўққиз чодир, тўққиз маҳрам баччаи зулфдор, тўққиз канизи моҳруй, тўққиз қилич, тўққиз милтиқ, тўққиз найза, тўққиз



бугча сарпой. Авазхоннинг ҳам димоғи чоғ бўлиб, кўнгли жойига тушди. Ҳасан Кўлбар тоғаси гулдираб:— Жияним, биз ҳам шерик, ё шерик қилмайсизми,— деди. Авазхон:— У, тоға, ишингиз бўлмасин, барисин сизга бераман, ҳали сизни ўхшатаман, ҳам еманг,— деб тоғасининг димоғини чоқ қилиб оқшом ётди. Эрта туриб тонг отди, муаззинлар қайқайиб азонни айтди, мусулмон тақлид қилди бомдодди, ўқиди фарз-суннатди, омин деб фотиҳани бетиға тортди. Ана энди нима дейсиз, Така-Евмитнинг лашкарида қанча карнай, сурнай, гижжак, балабон, кўс, ноғора, губурга, най, кўбиз, жамеъ наъмасуруд бор эди, бирдан қўя берди, садо оламни бузди. Жанггир-жунггур, қатир-қутур, шатир-шутур, қасир-қусур, вағир-шағир — бирдан жамеъ наъма-суруд бор қўя берди. Қримда Холдор шоҳ билан Қайсар шоҳнинг одамларига давур кайфи учиб кетди, барининг юраги зир ётди, кўзи олариб қолди. Нима қиларини билмай, шошиб, суриниб, қилаётирган ишларигача унитди. Барисининг эси кетди, қулоғи чиппа битди. От эгарлагани бораётган мирохўрлар шошиб, қўрққанидан отни унутиб, далага чиқиб кетди. Сувга борганлар кўзасини қўйиб, қуруқ тенгсалиб нари-бери бўлиб юрур. Ҳаммаси қилаётган ишини унутиб, бошқа ишга қараб қолди.

Гўрўғлибек жамеъ оломон, навкар, амалдорларнинг чулон ошини бериб, қорнини тўйғазиб майдонга жўнади. Бу ёқдан шоҳ Қайсар, Холдорхон Қрим билан Борса келмас лашкарининг ошларини, хўраklarини бериб, қорнини тўйғазиб, майдонга келиб саф тортиб турди. Икки ёқнинг одамлари саф бойлаб, бу кун қандай одам майдонга кирар экан, деб барининг кўзи майдонда. Шоҳ Қайсар аввал майдонга кирар-да! Бексаранинг майдонида ўзига тенг каттасини, мўйсафид, ёши улуғларни чорлаб, розилашиб, васиятларини айтиб эди. Бугун ҳам шундай ҳаммасини чақириб, айтадиган гапларини айтиб, васиятларини, насиҳатларини, гапининг барисини айтиб, эл-халқи билан розилашиб, ундан Қрим эли билан розилашиб, ундан сўнг Холдорхон билан розилашиб, йиғлашиб, иккови ҳам биров-бирови билан сирлашиб, аҳд-омонлашиб, шоҳ Қайсар майдонга кирди. Энди подшоҳ Қайсар айтди:— Эй, Гўрўғли полвон, ана майдон, кел энди, кўрайлик, қайсимизнинг бахтимиз баланд келади, қайсида давлат кўтарилиб тож кимнинг бошига қўйилади, энди кел, бахтимизни

кўрайик,— деб майдонда турди. Гўрўғлибек иродан майдон қилди. Қирқ йигит кўп хафа бўлди. Гўрўғлибек:— У, йигитлар, хафа бўлманглар. Сизлар менинг иззатимни қилиб, қирқ кундан бери қўйдирдинглар. Ана энди бизнинг иззатимизни битирдинглар. Сизлардан кўтоҳлик қолмади. Бу бадбахт Қайсар сизларга ожиз келмади, балки босим келди. Сизлар қараб туринглар, энди бизнинг навбатимиз,— деб совутни кийиб, қиличини эгарнинг қошига бойлаб, қалқонни орқасига ташлаб, найзани қўлига ушлаб, Фиркўк отни неча алвонда ўйнатиб, сувлиғини чайнатиб майдонга юз келтирди. Гўрўғлибекнинг ҳайбатига замину замон, макину макон ларзага келиб турди. Қайсар шоҳ қараса, майдонга бир киши келади. Карк тери қалқонни орқага ташлаган, бир найзайи олмосни қўлига ушлаган бир одам келаётибди, ҳайбатига тоғлар чидай олмайди, ер зилзилада, осмон чарх уриб айланади. Буни кўриб Қайсарнинг ҳуши кетди. «Шундай бўлмаса, шунча мамлакатга сурушлар солиб, оламни қўпориб, Холдор шоҳдай улуг подшони зор ингратиб, йиғлатиб қўярми»,— деб ичида офарин ўқиди.

Гўрўғли полвон майдонга келиб Қайсар шоҳга айтди:— Эй шоҳ Қайсар, сен марди мардона, фарзи фарзона экансан. Мен сени унча номард кишилардан кўрмадим. Мард марднинг қадрига етади. Бурунгилар айтибди: «Ё эр бўл, бўлмаса, эрнинг хизматида бўл»,— дебди. Энди мен сени яхши кўрдим, боз яна ёш экансан. Неча кундан бери сени кўраман, эсиз йигит, деб сенга ҳайфим келади. Ке, энди сен аввалги юрган, қилган ишларингга пушаймон бўлсанг, аз таҳтидил мусулмон бўлсанг, ёмон йўлдан қайтсанг, менга биродар бўлсанг, мен сени аввалгидай Борса келмас диёрингни ўзингга бериб, юртингга подшо қилиб кетай. Бўлмаса, бу майдондан жон элтмагинг кўп қийин, машаққатдир.

Шунда Қайсар шоҳ айтди:— Айтдим, нимага Гўрўғлибек ўзи чиқмайди. Менга майда-майда одамларни чиқаради, шу ишининг охирини кўрайин, деб юрар эдим. Ана бугун ўзинг келдинг, энди мен билдим қўрқиб ётган экансан. Ана энди менга кучларинг етмай, макр билан алдаб, насиҳат қиламан, деб неча фириб тазвирларни ўқиб ётган экансан. Сен эр бўлсанг, мени майдонда мағлуб қилсанг, шунда Гўрўғлибек эр экан, деб айтаман. Холо, сенинг ваҳшатларингдан, сиёсатларингдан мен қўрқсам, ёки ҳийла тазвирларингга мен тушсам, [ўшан-

да айт]. Э, Гүрүғли, менинг орзум шу: бугун сени ўлдириб, ундан сўнг қирқ йигитларингни, ундан сўнг лашкарингни қирсам керак. Жаҳон айвонини сенинг шаррингдан пок қилсам керак. Ҳали сен мени ўзингнинг динингга солиб, ҳийла билан мени ҳам чокар қилмоқчи экансан, сенинг ул айтганлардан сенинг фирибларингга тушар юраги йўқ одам мен эмасман.

Гүрүғлибек айтди:— У, нодон, беақл, жаҳлга кетган, кам фаҳм, бу ёққа қара! Холдорхон подшо сендан жуда зўр, одами ҳам сендан кўп, сардори, полвони, иш биладигани жуда кўп. Сиздан неча ҳисса зиёда подшо бу. Шундай Холдорхонни оғир лашкари билан кеча майдонга келган баччанинг отининг жиловини олиб етаклаб кетган жиловбардорининг ўзи тамом қилди, Ҳасан Кўлбар бир ўзи ғолиб келди. Сенинг лашкарингга ҳам буюрсам бир ўзи ғолиб келар эди. Ҳали сен полвонман дейсан, мен Ҳасан Кўлбарни буюрсам, келиб сени улайбулай қилгали қўймай, бедана деган бир кичкина қуш бўлади, кичик болалар қўйнига солиб юради, баайни шундай, чумчуқдай қилиб қўйнига солиб кетади. Ҳали сен менинг қирқ йигитимни, лашкаримни қирар эмишсан. Сенинг айтганинг Холдорхоннинг бир товоқ ошидир, ана-мана деганча еб қўяман дейдиган. Ана энди ўз увонинг ўзингнинг бўйинингга. Еш экансан, раҳмим келиб айтганим эди, ана энди ўлдинг, ишингга ҳозир бўл, эй аблаҳ,— деб Гүрүғлибек дарқаҳр бўлиб тигига қўл солди. Ана шоҳ Қайсар ҳам Гүрүғлибекка баробар ёндошиб, баробар ҳамла қилиб турди. Ана энди подшоҳи номдор, комкор, босиёсат, майдони ҳижода майдон қилиб, бир-бировига шижоат кўрсатиб, зўр бозу қилаётир.

Бек Гүрүғли қаҳри келди шул замон,  
Қасд этди дим бермай Қайсарга омон.  
Дарқаҳр бўп Така-Евмит сардори,  
Ғазабман қўлига олди исфиҳон.

Қайсар ҳам тарафсиз полвон забардаст,  
Гүрүғлибек келди, тутди ул қалқон.

Урди бориб қалқонига бегумон,  
Кўзига қоронғу бўлди шул жаҳон.

Қайсар кўрди эрнинг зарби дастини,  
Ичида офарин деди шўл замон.

Қайсар ҳам кўтариб шамширин солди,  
Гўрўғлибек у ҳам қалқонга олди.  
Қалқоннинг садоси, эрлар зарбига,  
Довушига, кўринг, фалак кар бўлди.

Ол бетма-бет бўлди иккита арслон,  
Бирови Алпомиш, бири Кўкаман.

Бир-бирига навбат бериб уради,  
Бири Саҳроб, бири Рустами дoston.

Ана келган Гўрўғлининг қаҳари,  
Солади Қайсарга қаҳрин заҳари,  
Икки полвон майдон қилаётири,  
Бири Жамшид, бири Заҳхоки мори.

Ҳали турур иккови ҳам торозу,  
Кўрсатиб подшолар зўр ила бозу,  
Томошага қаратгандир ҳаммани,  
Бири пўлат манди Од, бирови Барзу.

Ана майдон қилди иккита полвон,  
Қараганлар қўрқиб турур Ҳаросон,  
Шамширбоз, найзабоз, ханжарбоз уста,  
Бири Баҳром гўр, бирови Ҳоқон.

Бек Гўрўғли бўлди энди дарқаҳар,  
Майдонда қаҳрамон юрибди Қайсар,  
Майдонини ҳар ким кўрса шоҳларнинг,  
Бири Баҳром, бири Нушоди Булғор.

Иккови ҳам шўл замоннинг номдори,  
От кўтарган номдорларнинг аждари,  
Бирови дев бўлса, бирови пари,  
Иккови ҳам ер юзининг ҳайбари.  
Майдонда юрибди шер билан фаланг,  
Иккови ҳам икки юртнинг тождори.

Иккови ҳам полвонларнинг устоди,  
Бири занги бўлса, бирови оди.  
Бири Баҳром бўлса, бири Беҳзоди,  
Қайсисига худой иқбол беради,  
Жон сотади элнинг икки шаҳзоди,

Бирови шер бўлса, бирови арслон,  
Майдонда ҳайқириб иккита қоплон,  
Йўлбарсдай чирпиниб, шердай инграниб,  
Уртада — майдонда иккита полвон.

Икки полвон дарёдай бўп тошади,  
Урталикда шоҳлар майдонлашади.  
Иккови ҳам икки юртнинг номдори,  
Иккови ҳам жон сотиб уришади...

Пирлар кеп, Гўрўғли пирни ушлади,  
Азизлар кеп Гўрўғлини хушлади,  
Уткир олмос Гўрўғлининг қўлида,  
Қайсарни майдонда чопиб ташлади.

Ана бўлди энди ишлар қабоҳат,  
Борса келмас юрти кўзин ёшлади.  
Қанча одами бўлса бирдан қўшинди,  
Ҳайкир солиб, бари уруш бошлади.

Ана энди бўлди майдон қиёмат,  
Шоҳ Қайсарни неча бўлди валламат,  
Қайсарнинг лашкари бирдан югурди,  
От зарбидан бу ер бўлди олти қат.

Саккиз бўлди осмон чангнинг вазидан,  
Ер қимирлаб, осмон бўлди бетоқат.  
Бек Гўрўғли ханжар олди қўлига,  
Ҳа деб тушди шоҳ Қайсарнинг элига,  
Така-Евмит у ҳам бирдан от қўйди,  
Узин урди қизилбошнинг элига.

Кўз кўрмаган уруш бўлди шул замон,  
Еронлар, бир-бирига бермади омон.  
Икки ёқ ҳам жондан кечиб солишди,  
Одамзод бошига бўп охир замон.

Бир талотўп майдон бўлди кўп қатти,  
Билмайди ким ўлган, ким қопти омон.

Уз бошига ҳар ким қирғин солади,  
Соғ одам йўқ, юрган одам қизил қон.

Бирови улай дер, бирови булай,  
Саваш ҳар хил бўлиб ётир ҳар қалай.  
Ҳой-ҳой, вой-вой чиқиб кетди осмонга,  
Ёмон уруш бўлди, жуда ноқулай.

Ана энди жондан кечган ҳаммаси,  
Одам тиқилишган баланд-наси,  
Куша-кушлик бўлди майдон, ёронлар,  
Кўрганнинг қолмади ақили, эси.

Уруш бўлди энди ҳаддидан оша,  
Икки лашқар бирдай кирди саваша,  
Майдон бўлди жуда қаттиқ, ёронлар,  
Одам бўлса, агар қилса томоша.

Ҳа дейди икки ёқ отни чопади,  
Ҳар гўшадан тўп-тўп одам топади,  
Ҳар ким ўзи ҳоли етганича  
Тил билмасни жундай қилиб савади.

От чопилди қизилбошлар қасдига,  
Уткир қилич чин ботирнинг дастига,  
Бир талотўп майдон бўлди шул куни,  
Қон тўкилди шоҳ Қайсарнинг устига.

Қўшин келиб тўп-тўп бўлиб,  
Ҳар тўпи жуда кўп бўлиб,

Ботирлар ўртада қолиб,  
Қўрқоқ шўр қолди қамалиб.

Исрофил сурин тортмоққа  
Шў кун турибди уялиб.

Қатта қирғин бўлаётир,  
Кўп қўшин хўп-майда солиб.

Жондан кечган қаҳрликлар  
Улимни бўйнига олиб.

Гўрўглибекнинг одами  
Қон тўкмакка жуда толиб.

Уруш бўлди андай-мундай,  
Воғир-вуғур бўлди шундай,  
Ҳеч бир киши билинмайди,  
Майдонда бўп юрур қандай.

Шунча билар шовқумни,  
Босмай, санчмай зовқумни,  
Босилди деб мавқумни,  
Билиб бўлмас ҳар кимни.

Қирғий ётар уяда,  
Ким отли, ким пиёда,  
Уруш бўлди кўп қаттиқ  
Аввалгидан зиёда.

Сатта ботир саф бўлди,  
Уруш катта гап бўлди,  
Тўп бўп ётир бариси,  
Энди бир тараф бўлди,  
Жовлик қириб боради,  
Одам таппа-тап бўлди.

Қилич, найза зарбига  
Одам тутдай учади.  
Қизил қонин сочади,  
Тутдай бўлиб учса ҳам,  
Тағи ундан қичади.

Не бир отлар пишиллаб,  
Қушдай бўлиб учади.  
Югурук отлар майдонда  
Қизил қонни кечади.

Ҳалқоб-ҳалқоб ерларда,  
Ҳовуз бўлиб қизил қон,  
Тўхтаб олди ўрларда.

Ранги бўлиб сомондай,  
Қирғин жуда ёмондай,  
Одам учди ёронлар,  
Мисли барги хазондай.

Қон далага тўлгандай,  
Бир катта сел келгандай,

Одам шундай тўкилди,  
Барги хазон бўлгандай.  
Тегиб хазон шамоли,  
Сариқ барг тўкилгандай.

Ҳеч ким билмас, ёронлар,  
Қайси зўрлик қилгандай.

Шунча бўлиб ётири,  
Сонсиз одам ўлгандай.

Ҳеч ким билмас ҳеч кимни,  
Кун қиёмат бўлгандай.

Бундай уруш бўлган йўқ,  
Одам бундай ўлган йўқ,  
Ҳеч биёбон мурдага,  
Ҳеч вақт бундай тўлган йўқ.

Итиқилганнинг сони йўқ,  
Кўп одамнинг жони йўқ,  
Ҳеч вақт бундай бўлган йўқ,  
Санарнинг имкони йўқ.

Қириб, жўйиб боради,  
Охирин поёни йўқ.

Қирғин ҳаддан ошибди,  
Қўймоқнинг нишони йўқ.

Уруш шундай кўп қаттиқ,  
Қирганнинг армони йўқ.

Бундай ҳеч вақт бўлган йўқ,  
У лашкарнинг хони йўқ.

Улди деб ўйламайди,  
Улганнинг товони йўқ.

Шуйтиб қириб боради,  
Унинг сўрагани йўқ.

Шундай бўлиб ётарми,  
Е қўярми тини йўқ.



Ярадорман нимжоннинг,  
Ҳисобласанг, сони йўқ.

Ҳар ким уриб йиққани,  
Ўтди йигит чаққони,  
Шуйтиб уруш бўп ётир,  
Шу-да гапнинг ҳаққони.

Зўрми, носин билмайди,  
Мардни кўзга илмайди,  
Аралашиб нечовлар,  
Не бўлганин билмайди.

Ботир юрур зўр бўлиб,  
Ночор юрур хўр бўлиб,  
Шуйтиб ётир ўртада,  
Кўп қўшин абгор бўлиб.

Уч подшоининг қўшини,  
Еб бир-бирин гўшини,  
Баён айлаб бўлмайди  
Уларнинг қилган ишини.

Отлар янниб тошдай қиб,  
Одамзоднинг бошини.

Қонга бўяб ташлади,  
Шу майдоннинг дашини.

Қизил қилди шў кунни,  
Майдоннинг қора тошини.

Шундай бўлиб қирилди,  
Борса келмас қўшини.

Ташиб ода қилолмас  
Улганларнинг лошини.

Қани қилса томоша  
Эрларнинг савашини.

Шуйтиб тўкди, ёронлар,  
Қизилбошнинг ёшини.

Қириб, жўйиб боради,  
Душман қизилбошани;

Бир бошидан қиради,  
Қарисини, ёшини.

Энди лашкар маст бўлди,  
Бир-бириман қасд бўлди,  
Не бир эрлар шў кунни,  
Қора ерман дўст бўлди.

Ҳа деб уруш бўлади,  
Айтмайди биров паст бўлади.

Борса келмас лашкари —  
Бари нобуд-нест бўлди.

Қўрқоқ шўрлар зор йиғлаб,  
Ҳеч кимга, индамас бўлди.

Кўп ҳам бўлса ботирга,  
Шунда йўламас бўлди.

Утди отнинг илдами,  
Яраб марднинг анжоми,

Орқасини оп юрур,  
Не эрларнинг одами.

Олди билан савашиб,  
Орқасидан йўқ ғами,  
Орқасини қуврийди,  
Шў қоровул одами.

Ботир юрур арқираб,  
Довуши чиқар варқираб,  
Қўрқоқ шўрли йиғлайди,  
Улдик дейди чирқираб.

Холдорхоннинг одами.  
Қочаётир тирқираб.

Пиёдаси сойларда  
Бораётир зирқираб.

Не ботирлар гуркираб,  
Қонлар оқиб шарқираб,  
Ажаб майдон бўп ётир,  
Чала жонлар сирқираб.

Ана бўлди урушлар,  
Эрлар қилди хурушлар,  
Талотўпда чайқалиб,  
Шуйтиб танти юришлар.

Кўп одамлар ўлди энди,  
Ўлик сойга тўлди энди,  
Чўртта деса бўлмайди,  
Гўё ода бўлди энди.

Қўшин шуйтиб қирилди,  
Ботир тўпга уринди,  
Ундай катта майдон йўқ,  
Томошани кўр энди.

Шўл қирғинди охири  
Гўрўғли бўлиб зўр энди.

Гўрўғлининг беқлари  
Қирғин солиб юр<sup>1</sup> энди.

Холдорхоннинг одами  
Қайтамиз деб тур<sup>2</sup> энди.

Борса келмас одами,  
Соб бўлдик деб тур энди.

Ана бўлди кўп саваш,  
Юмалади сонсиз бош,  
Тул бўп қолди шаҳарда  
Не бир барно қаламқош.

Майдон бўлди қабоҳат,  
Қирғин топди жамоат,  
Борса келмас лашкарин  
Иши оҳу надомат.

---

<sup>1</sup> Юрур.

<sup>2</sup> Қандай қиламиз деб турур.

Юрган экан Гүрүғли  
Лашкариман саломат...

Уруш ҳаддан ошгандир,  
Қизилбошлар шошгандир,

Холдорхонман лашкари,  
Ақлдан адашгандир.  
Ҳамма тушиб отидан,  
Садоғин соп бўйнига,  
Икки қўлини кўтариб  
Омон-омон дейишгандир.

Уруш бўлди кўп ёмон,  
Тоғларни чалган туман,  
Икки қўли тос тепада,  
Айтади омон-омон!

Бизга бўп охир замон,  
Тириклик бўлди гумон,  
Зор йиғлайди қизилбош,  
Валламат, омон-омон.

Раҳм қилинг шул замон,  
Раҳм айланг бизлар томон,  
Қатта-кичик зор йиғлар,  
Ботирлар, омон-омон.

Бек Гүрүғли жаҳонгир,—  
Омон бергин бизларга,  
Валламат раҳм қилинг  
Биздай бетамизларга.

Бизлар ёзган гуноҳқор,  
Ҳар нарсага сабаб бор,  
Пушаймон бўп Холдорхон,  
Қулоқ солинг валламат,  
Энди айтган сўзларга.

Ҳар ёмонлик қилибмиз,  
Биз ўзимиз қилганмиз,  
Сизга ҳеч гап бўлган йўқ,  
Зарар қилмас сизларга.

Холдор шоҳи бош бўлиб,  
Товба қилдик валламат,  
Товбамизни қабул қил  
Қаҳр қилманг бизларга.

Бизлар [асли] шундаймиз,  
Йўлдан озиб ёзганмиз,  
Жондан умид узганмиз,  
Раҳм эт ўғил-қизларга.

Бек Гўрўғли, валламат,  
Ўзингга офаринбод!  
Бизларга шафқат кўрсат,  
Ёш олдирма кўзларга.

Сендан шафқат умидвор  
Юзи қора қуллармиз,  
Бизга қирон солмагин  
Шу кеча-кундузларга.

Омон беринг, валламат,  
Омон-омон деяпмиз,  
Тағи қочиб кетмасин  
Сувсиз куло тузларга.

Сен валламат полвонсан,  
Шафқатинг кўп арслонсан,  
Йўл кўрсатинг раҳм айлаб,  
Биздай бетамизларга.

Ана энди Гўрўғлибек Қрим элининг омон тилаганига омон берди. Жамеъ полвонлар, оломонлар, баҳодирлар, қанча бўз бола, жуда аччиғи тез, қон тўккич — хунрез бола, Така-Евмитнинг урушда юрган йигитлари — ҳаммаси Гўрўғлибекнинг қошига келиб турди... Гўрўғлибек шукурни беадад, беҳисоб қилиб, кўнгиллари жуда очиқлиб, димоғлари чоқ бўлди. Ана энди урушдан хотиржам бўлди. Бориб жойларига тушиб, кўп молларни сўйдириб, шоду хуррам, шодиёналар қўйиб, жамеъ оломон, лашкари хурсандлик қилиб, Евмитнинг, Таканинг одами бари хушвақт, хуррам, шод, беғам. Шўл куни жамеъ одам баайни идин кунидай шод бўлди. Гўрўғлибек ҳам кўп молларни сўйдириб, лашкарини тўйдириб, шодиёна

қўйдириб барисига тоза сарпой кийдирди. Улган шаҳидларга худойи бериб, хатми қуръон қилдириб, бу ерда фароғатда шод-хуррам ўтира берсин.

Ана энди Холдорхон подшо майдондан чиқиб, шаҳрига бориб, шаҳарда мўйсафид — ёши катта кишилардан неча минг одамни олиб, шоҳ Қайсар олиб келган хазинасини, ўзининг хазинасидан тилла-кумуш неча юз туяга ортиб, палос, гилам, қуш, қарчиғай, бедов отлар, чодир-чаман, неча юз минг қимматбаҳо сарпо, қанча қилич, милтиқ подшоликда бўладиган асбобдан беадад-беҳисоб кўп нарсаларни бекка пешкаш қилиб юборди. Қрим шаҳрининг катталари, мўйсафидлари, амалдорлари, вазирлари, гапонлари, уламолари, подшолик билан олиқ-солиқ, савдо-сотик қиладиган бойлари, Қрим элининг эътиборли кишилари — бариси Холдорхон подшонинг амри билан пешкашларни кўтариб, неча юз туяларга<sup>1</sup> хазина ортилган, минг туянинг<sup>2</sup> устига атласдан чотир-соябон қуриб, чунон соҳибжамол, хушрўй, хушхўй, хушбўй, хушмўй канизак, моҳрўй барно нозиклар туяларнинг устида. Ҳар тарафга ўзини ташлаб, муқом устига муқом қилиб, кўрганларнинг кўнглига бир ўт солиб, ошиқларнинг ўтини зиёд қилиб, юз минг нози карашмалар қилиб, қаттиқ ноз-ишвалар қилиб, юз тусли муқом кўрсатиб, туянинг устида қўлида коса байт айтишиб, ўз шавқи-завқи билан бир замзама, воғир-вуғир, жангир-жунгур-ғинггур. Улар ҳар алвонда, туяларга атлас-ким-хоблар ёпган, қип-қизил қизғалдоқдай жайнаб, Гўрўғлибекнинг лашкарига келиб қолди. Гўрўғлибек келган меҳмонларни яхши чодирларга тушириб, покиза кийимларнинг<sup>3</sup> устига ўтқазиб, косаларга арақ сузиб, кўкнориларини эзиб, бўзаларни хосадан сузиб, суҳбат — ўтириш тандирдай қизиб, неча турли ноз-неъмат, алвон-алвон таомлар, хушбўй чойлар, қирмизи чини чойнаклар, катта-катта биринж<sup>4</sup> самоварлар.

Гўрўғлибек меҳмондорликни жамеъ оламдан ўтказиб сийлаётир. Хонсоларлар адрас, кимхоб дастурхонларни ёзиб, кумуш дастшўйлар, ипак сочиқларни [олиб келаётир]. Чинни товоқларга хушбўй паловлар [уйил-

<sup>1</sup> Қўлэзмада *тева*.

<sup>2</sup> Қўлэзмада *туя*.

<sup>3</sup> Бу ерда *тўшанчи маънос*ида.

<sup>4</sup> Бу ерда *нис маънос*ида.

ган], қўй гўшти, қўйруқ ёғи, сер сабзи, тўғралган пиёз, арчиган... карам<sup>1</sup>, беҳи ингичка-майда қирилган турп товоқларнинг устида келтирган. Чуқур катта товоқларга қўй гўштининг, сўқим гўштининг семиз гўштарининг шўрвасини қўйиб келтирган, сермой, серпиёз. Текис товоқларда кулчатоёлоқ (уни тошкентлик норин дейди), чопган гўштан аралаштирган кесган-ошлар, бетига мой қўйган (уни қирқ билан юз қайла дейди), бир хил товоқларда кўзи гўшти, қовурдоқ, юзи сариғ ёқ, сер пиёз, сер мурч, жовлик-жовлик тандири қўй гўшлари, тандири жовлик қўй гўшtidан кабоблар (уни чўпонлар шоха-боб дейди), барисининг олдига етмиш тусли таомлардан ҳозирлаб, тайёр қилиб турибди. Тақсимларда<sup>2</sup> қора майиз, сояки майиз, офтоби майиз, писта, руста, ёнғоқ, бодом, бодомча, шўртанг, чақилган мағизтанг, яхши ҳолвалар, ҳар ранг жамеъ таомлар, ранго-ранг, мазалари ҳар хил, тусли-тусли, бўлак-бўлак. Гўрўғлибек келган меҳмонларни ҳей тўйдирди, семиртиб сўядигандай.

Ана энди Гўрўғлибек меҳмонларнинг зиёфатидан фориг бўлиб, хонсоларлар дастирхонларни йиғиб олиб, келган меҳмонларнинг қўлларини ювдириб, таом бир ёқли бўлди. Ана энди таом бир ёқли бўлгандан сўнг Қримнинг одами бари жойидан туриб, пешкашларни Гўрўғлибекнинг олдидан ўтказа берди. Етти юз туя хазина, жамеъ туяларнинг устидаги жиҳазнинг устидан солғаё ёлпўшлари қипқизил тиллабахмал, банот айвондан, қизғалдақдай жайнаб ўтди. Ана унинг [ортидан] беш юз бедов от бари олтин жабдуқ ҳашамланган, кумуш, тилла қошли эгар, кумуш узанги, кумуш қуюшқонлар, ола қайиш, кашталик асбоблар, унинг орқасидан минг бўғча сарполар, ичи тўлган ҳар алвон, ҳар тусли, ҳар рангли қимматбаҳо матолар, бунинг орқасидан беш юз маҳрам: чаққон, эпчил, бари тилла камарли, зулфдор, барно, ҳусни сухан, хушгўй, серфаҳм, доно, гўё, унинг ёнида беш юз моҳрўй канизлар, бариси ботамизлар, жуда ҳам ошиб кетган сулув қизлар, лаблари қирмизлар, бари шаҳло кўзлар, ширин сўзлар, агар бировини бир йигит кўриб қолса, орқасидан нимкалача ўлганча ҳа деб излар, шундай жоду кўзлар. Бариси оқ юзли, дўлана қобоқ, қора кўз, қора қош, узун гарданли,

<sup>1</sup> Ҳали қотмаган ток барги ва унга ўраб пиширилган қийма.

<sup>2</sup> Тақсимча.

очиқ юзли, кулча бет, кичик оғизли, дур тишли, ўрта бўйли, тор биқин, ингичка бел, гўштдор, тўла, тўла ба-дани бўш, пўла-пўла, қўш анорли, кўкраги кенг, сағриси дўнг нози қаттиқ, синли, синбатли, жуда яхши келбатли, ҳур сифатли, малойик сувратли, ҳаёли, индамай йигитларни тентак қйлиб ташлайдиган қизлар ўтди. Унинг орқасидан тўқсон қарчиғай, тўқсон туйғун, тўқсон баҳрин, тўқсон лочинни миришкорлари кўтариб ўтди. Унинг орқасидан беш юз този, бариси қирон тозилар, агар юғурса шамолдан ўтади, улардан ҳеч нарса қутила олмас. Ана подшолик-да, подшоликнинг нимаси бўлмайди, дунёда бор жамеъ нарсадан уларда топилар. Катта давлат, ҳеч нимага муҳтож бўлмас. От, туядан, қўйдан, мол билан мато, зар-тилла, кумуш; озиқ-овқат-гуруч, буғдой, арпа-дондан ҳеч адади, сони йўқ. Гўрўғлибек ҳам шоҳлик синсила билан, ўзига лойиқ нарсалар билан уларни тузади.

Ана энди қримликлар Гўрўғлибекни лашкари билан битта одам қолмаси шаҳарга таклиф қилиб, юрсинлар, деб бариси қўли кўкрагида қўл қовуштириб, хизматга чоқ бўлиб турди. Гўрўғлибек Така-Ўвмитнинг йигитлари, қанча беклари, шерсавлат полвонлари, баҳодирлари, Ҳотамдай сахий ва инъомдор беклари, турган жамеъ лашкари билан, бир салтанати замзама билан вағир-вуғур, ол-ҳа, ол-ҳа, қарс-қурс, тарс-турс, шатир-шутир, шовур-шувур, тақир-туқур бир ҳайбат билан, сиёсат билан, аркони давлат билан айланди. Қримнинг одамлари, бечоралар югургилашиб, чопқилашиб, шошиб, суриниб, йиқилиб, ағнаб, чопиб Гўрўғлибекнинг жиловинда, қирқ йигитнинг жиловинда, полвонларнинг жиловинда, Така-Ўвмит одамларининг олдида, жиловида югургилаб, чопқиллаб олиб келаётир. Ана энди шаҳарнинг жамеъ эркак, катта-кичик юргидай одами қолмай, Гўрўғлибекнинг олдида пешвоз чиқиб келаётири. Қанча аёллар, ёш баччалар, қизлар, келинчаклар, шаҳарда, ҳовлида ҳеч ким қолган эмас, томларнинг устига, баланд минораларга, дарахтларга чиққан. Гўрўғлибекнинг лашкарини, бекларини, йигитларини, полвонларини, Така-Ўвмитнинг эрларини, шерларини, от-анжомларини кўрамиз, томоша қиламиз, деб ҳамма томларнинг устида қараб турибди. Холдорхон подшо кўчаларга поёндозлар, гиламлар тўшаган, деворларга бахмал-банот ёпган, дарвозаларга қизил бахмал қоплаган, қизил либослар зебо



қилиб, шаҳарга ойин бойлаб, шундай оро берган. Кўчалар очилган қизил гулдай чаманзор, лозазор, гулдай жайнаб турган. Хушнама қушлар сайраб турибди.

Ана Гўрўғлибек шаҳарга кирди, Қрим эли отли, пиёда кўшиннинг кўнглидан лиққа тўлди. Холдорхон подшо катта амалдорлари, вазири донолари, маслаҳатдош, кенгашбоши, гапдон, арбоб-оқсоқоллари, қўрғон сўраган катта амалдорлари, лашкарбошилар, саркардалар — шундай шаҳарнинг улуғ катталари ташқари чиқиб, Гўрўғли билан, қирқ йигит билан ва жамеъ беклар билан кўришиб, ҳоли-аҳвол сўрашиб, отларди жиловинда юришиб. Холдорхон шоҳ ўзи Гўрўғлибекнинг жиловинда етаклаб, ўз хос жойига — пойтахтига олиб борди. Холдорхон Гўрўғлибекни бардор-бардор қилиб, ўзининг тилла тахтига чиқарди. Бояқити шалвираб-шалпираб пойгага ўтиб, Гўрўғлибекка муборакбодлик қилиб:— Гўрўғлибек, тахт-бахтингиз муборак! Ана Қрим шаҳри сизники бўлди. Энди Гўрўғлибек, олган юртингиз, минган тахтингиз, ўтирган жойингиз қутли бўлсин! Муборак, муборак, — деб Холдорхон подшо муборакбодлик қилиб, қўл қовуштириб турди. Гўрўғлибекнинг бошидан Холдорхон подшо табақ-табақ, қалқон-қалқон, коса-коса тиллаларни чочаётир. Ана энди шу куни чочилган тиллаларни, зарларни, тангаларни камбағаллар, йўқ-йўқа, муҳтожлар, очлар териб олиб, жуда бой бўлиб, пули кўп бўлиб қолди.

Икки подшо тождор, иккови ҳам номдор, Гўрўғлибек Холдорхон подшони қошига чақириб, иккови тахт устинда гаплашиб, бир-бири билан сўзлашиб ўтирди. Шунда Гўрўғлибек Холдорхонга насиҳат қилиб [айтди]:— У, Холдорхон, биздан илгариги кишилар шаҳаншоҳлик, сардорлик талашиб, бир-бири билан қиришиб, юришиб, тўғри йўлдан адашиб, ўлим чангалига гирифтор бўлгандан сўнг ҳазор-ҳазор пушаймон еб, ҳай аттанг, деганлари наф қилмаган. Эй, биродар, бу дунёда неча шаҳаншоҳлар, катта подшолар кун чиқардай кун ботарга давур ўзимники, ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, ким экан менга тенг бўладиган, деб беш кунлик давлатга қувониб, ҳаммаси ўзимники, деб бир кун ажалнинг шарбатини ичиб, уч газ ерга қаноат қилиб қолган. Оқил кишилар бунинг макр-фирибини қабул қилмай, ўзининг гўшасини чоқлаган, оқиллар ўзини дунёга алдамай, бунинг макр-фирибларини англаб, аввали ўтганлардан ибрат олиб, ўзини тўғ-

ри йўлга солиб, ўз ишини биткариб кетган... Нафс деган бало, шайтон, малъун, ҳама вақт одамнинг душмани. Одамни гофил қилиб, ўзимдай малъун қилсам, деб иш қилиб йўлдан озғириб чиқармоққа одамни англаб<sup>1</sup> сира қўймайди. Эй, Холдорхон, эр одам бўлса ҳиммат даркор. У малъуннинг сўзини эр қилмайди-да...

Гўрўғлибек Холдорхондан хушнуд бўлиб, ўзининг элини қайтариб ўзига берди... Ана энди Холдорхон подшо жуда ҳиммати келиб, Қрим элининг ҳаммасини йиғиб, шоҳона бир тўй қилди, элига ўзини талатиб; кўрганлар фароғ, кўрмаган одамлар доғ-доғ. Қирқ кун талотўп: Карнай, сурнай, балабон, ғижжак, ноғора, шодиёна, жамеъ ер юзидаги нағмакор, дутор, дўмбира, сетор, қўбиз — ҳар нарса Холдорхон подшонинг шул тўйида бор эди. Наҳоят хушрўй, хушхўй баччалар неча алвонда ўйнаб, ҳар неча оҳангдор шоирлар неча алвонда, неча мақомда тараф бўлиб, овоз чиқариб айтишиб ётган. Дорбоз ўйинчилар дорларини баланд қурган, бирдан бири баланд бўламан, деб ҳар тусли ўйинларни қилиб ошиб-тошиб ётибди. Даладаги сахронишин халқ — бодиянйишинлар подшонинг тўйига бориб кўпкарисини чопамиз, деб уруғлашиб-элатлашиб — тараф бўп тортишиб, кўпкари чопиб, далани чанг-ғуборлатиб, торт-а, торт, деб, бос-а, бос, деб оғзи-бурни қонаб, бетига қамчи тегиб, нима бўлганини билмай, ўлган-тирилганини билмай юрган сахро-даштликлар буйтиб юрибди. Бир ёқда катта полвонлар улуғ йиғин қилиб, ўртага зўр йигитлар тушиб, ўзидай полвонлар билан олишиб, чалим солишиб, ҳа деб ётибди. Бировини бирови йиқса, катта сарполар ёпган, шундай қилиб элнинг кўнглини топган. Шундай талотўп тўй қирқ кун бўлди. Кеча-кундуз вағир-вуғур, оқшомлар ўйин, тонг отгунча бўз болалар — ёш йигитлар ичкилик ичган, маст бўлган, ҳеч нарсани билмай, оғзига нима келса айтиб, сандираб, вағирлаб ётибди. Тўй-да, ҳеч кимнинг иши йўқ, нимага буйтади, деган киши йўқ. У ичкилик суҳбатига бир хил қари одамларнинг ҳуши йўқ. Қарилар чойхонада, йигитлар майхонада, қари чол кишилар кунига сергўшт қилиб, уч-тўрт мойли паловни ясаб ётибди. Шоҳнинг катта давлати-да, деб бечоралар ўйнаб, қорнини силаб ётибди. Шу зайил-

<sup>1</sup> Овлаб.

да тўйни жуда ўхшатди, бажарди. Ниҳоят ўзини талатди, неча каттакон хазиналарни бўшатди, тўйни ўхшатди.

Ана энди Гўрўғлибек Қримнинг элидан ҳам, Холдорхон подшонинг ўзидан ҳам кўп шодмон бўлиб... Холдорхонга кўп лутфи эҳсонлар кўргизиб, жуда яхши сўзлар билан кўнгилни овлаб, амалдорларнинг ёрлиқларини олиб, миризоларга буюрди, барисини қайтадан битиб, Гўрўғлибек тилла муҳр босиб, барининг амалини янгилаб, барига сарпо бериб, юртига қози, раис, иқтисодқунанда, қанча болаларни ўқитиб, илм-таълим бермоққа уламолардан мударрис сақлаб, қанча амалдор, сипо-ларга, ёрлиғидаги нарсаларга бир хилини қўшиб, бир хилини баробар буюриб, барини чоқлаб, ундан кейин элнинг барини йиғиб, Гўрўғлибек ҳам бир кун элга ош бериб, жамеъ халқи билан розилашиб, насиҳатлар қилиб, энди Евмитга қайтмоқчи бўлиб, йўлнинг лозиматлигини тайёрлаб, сафарга чоқ бўлиб, йўл яроғини қила берди.

Ана энди Гўрўғлибек Қрим эли билан видолашиб жўнамоқчи бўлди. Қримнинг жамеъ эли, бечоралар Гўрўғлибек билан розилашиб, видо қилиб, бекни жўнатди. Холдорхон подшо неча юз туяларга тилла-кумуш ортиб, адатсиз гиламлар, ҳадсиз буюмларни юклаб, Гўрўғлибек билан неча кунлар бирга келди... Шунда Холдорхон бечора зор йиғлаб, Гўрўғлига бир сўз деди:

Кетар бўлсанг Така-Евмит элингга,  
Ҳақ юборган улуғ шоҳим хўш энди,  
Холдор куя айролиқ ўтнинг ҳилига,  
Равшанлигим, тўлан ойим, хўш энди.

Сен кетарсан неча тоғлардан ошиб,  
Йўлларда от чопиб дарёдай тошиб,  
Холдор қолса ёнган ўтга туташиб,  
Мурувватли каж кулоҳим, хўш энди.

Давлат билан келдинг менинг элима,  
Валламатим қулоқ солгин тилима,  
Булбул бўп сайрадинг тоза гулима,  
Чин булбулим, хуш алхоним, хўш энди.

Худойим юборган азиз меҳмоним,  
Сенга фидо бўлсин тандаги жоним,

Карамликда мурувватли султоним,  
Найлайин арз-армоним, хўш энди.

Валламатим, хизматингни қилолмай,  
Сенинг билан неча кунлар бўлолмай,  
Хизмат қилиб сенинг кўнглинг ололмай,  
Жўнаган азиз меҳмоним, хўш энди.

Аломатлар бўлиб айролик қатти (қ),  
Шум айролик нечовларни йиғлатди,  
Бу ўтга, ёронлар, ким тоқат этди,  
Қўлимдан кетди давроним, хўш энди.

Сени деб чиқади оҳ билан зорим,  
Қайтайин, чидамас сабру қарорим,  
Қўлимда туйғуним, олғир шунқорим,  
Қийғирим, лочиним — бозим, хўш энди.

Узоқда қолади, найлай, диёрим,  
Қайтай йўқ турмоққа сабру қарорим,  
Карамлик султоним, улуғ тождорим,  
Файзи футуҳ баҳор-ёзим, хўш энди.

Айролик ўқига мен бўлдим нишон,  
Найлайин, жудолик ўтигапишан,  
Сенинг ширин сўзинг ёдима тушан,  
Қон йиғлатар кўпи-озим, хўш энди.

Сен бўлмасанг оқар кўзимдан ёшим,  
Қошимда бўлмаса сендай мунгдошим,  
Нимага оқмайди кўзимдан ёшим,  
Сухандон, маърифат қоним, хўш энди.

Сабаб билан бўлдинг менинг раҳбарим,  
Йўлбошчим, улуғим, шоҳим, тождорим,  
Шаҳаншоҳим, суханварим, бехтарим,  
Кўнглимнинг хуши, қарорим, хўш энди.

Элимга қут бўлган, юртимга посбон,  
Улуғим, мақбулим, ҳамдамим, дархон,  
Машҳур-давроним, эр сифат султон,  
Амирим, хоним, тождорим, хўш энди.

Гулистони Ирам, сўзинг йўқ ёлғон,  
Кўҳикоф зарбингда, қаҳрингда талқон,  
Эр сифат шаҳаншоҳ, ҳаммага улкан,  
Машҳури давроним, жоним, хўш энди.

Валлакатим, бор, ҳар ерда омон бўл,  
Бадавлат юртингда комрон бўл,  
Машҳури даврон, улуғ султон бўл  
Кўнгилнинг тахтига, хоним, хўш энди.

Омон бўлсин элинг, бирга бекларинг,  
Юк тортсин мудоман норча-лўкларинг,  
Бўлмасин оламда қайғу-кекларинг  
Тар очилган гулистоним, хўш энди.

Худоё, элатинг бўлсин омонлик,  
Кўрмасин элатинг зарра ёмонлик,  
Авлодинг жаҳонда айласин хонлик,  
Элдан ошган улуғ шоҳим, хўш энди.

Умрингнинг бўстони кўрмасин хазон,  
Сенга толиб бўлсин мудоман жаҳон,  
Ҳукмингда бўлсин эл замону замон,  
Мулк соҳиби, сарви равон, хўш энди.

Сенинг билан эл ярашар элдори,  
Ҳукмингга муносиб жаҳоннинг бари,  
Ҳимоятинг бўлсин барҳақ даври,  
Сурурим, сарварим, хоним, хўш энди.

Эга бўлгин молинг билан мулкиннга,  
Ҳақ, етказсин ода бўлмас кулкиннга,  
Омон-эсон боргин, хоним, юртингга,  
Кетар бўлсанг энди, хоним, хўш энди.

Қайтайин, қоларман, найлай, ноилож,  
Қилмасин худойим ҳеч кимга муҳтож,  
Оламга бўлгайсан мудоман меърож,  
Улуғ карвон, хўб равоним, хўш энди.

Кетарсан, қоларман йўдингга боқиб,  
Айролиқ ўтига бағримни ёқиб,

Еш ўринга кўзларимдан қон оқиб,  
Йиғлаб қолдим кетдинг, хоним, хўш энди.

Айролиғи курсин жуда ҳам ёмон,  
Худоё, сақласин ўзингни омон,  
Йўлинг омон, ўзинг омон бегумон,  
Кетарсан давлатли хоним, хўш энди.

Кетар бўлдинг давлат билан дўланиб,  
Холдор қолар ёнар ўтга ўртаниб,  
Ғам ўтига гоҳ ўртаниб, тутаниб,  
Муруватли улуғ хоним, хўш энди.

Айрилмоқ тоқати йўқдир шоҳ Холдор,  
Бу жудолик йиғлатади зор-зор,  
Бор, валламат, пирлар бўлсин мададор,  
Ун икки имом, чилтан бўлсин жиловдор,

Ўзинг тирик, душман бўлсин санг-хор,  
Доим мадад қилсин кулли азизлар,  
Мудоман бўлгайсан жаҳонга сарвар,  
Жамий машойих бўлгайда раҳбар.  
Доим-бирга бўлсин ғойиб эранлар,  
Бор, валламат, қайтай, оллоху акбар.

Ана энди Гўрўғлибек отидан тушиб, бечора Холдор-хон подшо ҳам отидан тушиб, жамеъ катта амалдорлар, улуғлар — бариси отидан тушиб, биров-бирови билан видолашиб, Холдорхон зор-зор, абри навбаҳор, йиғлаб, бўтадай бўзлаб, Гўрўғлибек билан кўришиб:— Хайр, Гўрўғлибек, омон-эсон, соғ-саломат боргайсан, эли-юртинг, Ёвмит мамлакатингга, ўйнаб-ўсган ерларингга бехатар еткизгай. Мен энди қариганман, қайтиб сизни кўраманми-кўрмайманми. Жонга ишоним йўқ, одам дунёга меҳмон. Ҳар қандай бўлса, Гўрўғли валламат, бизларни унутмагайсиз, албатта албатта. Шў ёқда бир мухлисим бор эди, деб йўқлагайсиз. У, валламат, энди бизларнинг сиздан умидимиз кўп, албатта. Сиз бизларнинг пушти-паноҳимиз ҳам тақягоҳимизсиз. Энди бизлар сиздай улуғимиз, валлакатимизни холисанлилоҳ орқангиздан дуо қиламиз, албатта, албатта, сиз унутманг. Бизларга айрилмоқ жуда мушкул бўлаётир.

ноилож, қайтамыз,— деб ҳамма йиғлашиб, кўз ёши қилиб айрилди.

Ана Гўрўғлибек Холдорхон подшога умаро, амалдорлари билан жавоб бериб, ўзлари Фирқўк тўлпорга миниб, Така-Ёвмит лашкарининг чанги оламни босиб, элга борамиз, деб шод-шодмон ҳа, деб йўл тортиб, от ўйнатиб, сувлиғини чайнатиб келаётир. Жамеъ партоллар илгари хазиначарини, чодирларни, юкларни, овқат-озиқ, гурунч, ёғларни, қозон-товоқларни, шоҳқоса, тош-товоқ, мис чилимларни ортиб, тўпни судратиб, туғни кўтариб лопиллаб келаётир.

Остида Фир тулпори,  
Белида кескир ханжари,  
Йўлга тушди худо деб,  
Така-Ёвмит сардори.

Бари йигит ҳайбари,  
От чопади ҳар сари,  
Бек Гўрўғли боради,  
Қабатинда лашкари.

Тушди энди чўлларга,  
Узун, катта йўлларга,  
Бек Гўрўғли боради  
Бошлаб Чамбил элларга.

Минган оти саради,  
Сара ўзиб боради,  
Қабатида лашкари,  
Ҳа, деб йўлга киради.

Ҳадсиз лашкар жўраси,  
Ўзи марднинг сараси,  
Бораётир йўлларда  
Така-Ёвмит тўраси.

Така-Ёвмит полвони,  
Полвонларнинг йўқ сони,  
Илғор тортиб боради  
Така-Ёвмит султони.

Чамбилбелнинг тождори,  
Қошида кўп аждари,

Бораётир худо деб  
Чамбилбелнинг сардори.

Бедов отнинг тўқаси,  
Совут тўннинг ёқаси,  
Илғор тортиб боради  
Евмит элнинг эгаси.

Кўздан оққан ёш бўлиб,  
Энди вақти хуш бўлиб,  
Бораётир Гўрўғли  
Лашкарига бош бўлиб.

Уриб чув деб отини,  
Излаб Чамбил юртини,  
Сувсиз чўлда боради,  
Кўринг Чамбил мардини.

Йўлга тушди жур-ҳа деб,  
Ҳайда, ур-ҳа, ур-ҳа деб,  
Иргал тортиб боради,  
Ҳайданг бизман бирга деб.

Бек Гўрўғли чу деди,  
Нега уйтади бу деди,  
Бош бўп сонсиз лашкарга,  
Йўлбошчи бўп хув деди.

Йўлга юрган от деди,  
Бу от хоназот деди,  
Кўп лашкарман Гўрўғли,  
«Қича-да, номард», деди.

Така-Евмит чериги,  
Бари кўнгил тириги,  
Келаётир чўлларда,  
Бари йигит ириги.

Сайланишган эр йигит,  
Ҳар на деса дер йигит,  
Сувсиз чўлда келади  
Тоғдан ошган шер йигит.



Бедов оти остида,  
Кескир пулат дастида,  
Сувсиз чўлда келади  
Пулат совут устида.

Гўрўғлига жўра бўл,  
Евмит элга тўра бўл,  
Ҳа деб қистаб чўлларда  
Ҳайда ур-а, ур-а бўл.

Олдин солиб бегини,  
Қип душманга кекини,  
Азаматлар келади  
Ортиб Қрим юкини.

Олган Қрим ўлжасин,  
Кўрган йўлнинг бўлжасин,  
Ҳа деб қистаб боради,  
Соғинибди ўрдасин.

Азаматлар от қўйиб,  
Бахмал, банотлар кийиб,  
Чўғдай жайнаб боради,  
Беклар қобоғин уйиб.

Бари ботир, бариси,  
Бари ёш, йўқ қариси,  
Йўл тортади худо деб  
Така-Евмит бўриси.

Йўл бошлайди олдида,  
Гўрўғли кўнгил тириси.

Бир-биридан баҳодир,  
Йигитларнинг ириси.

Сатта ботир сайланган,  
Олмос қилич бойланган,  
Бари ботир, юракли,  
Ҳар нима деб сўйланган.

Қалимаси бор тилида,  
Така-Евмит гули-да,

Сувсиз йўлда боради  
Эр Хизрнинг чўлида.

Минган-оти кийикдай,  
Йўли тўғри ийикдай,  
Сувсиз йўлда йўл қаттиқ,  
Чаккасига тегибдай.

Текис ерда салқинда  
Отларнинг бошин қўйибдай.  
Бари тўлпор отининг,  
Узганини суйибдай.

Бари қизил қизғалдоқ,  
Қизил-яшил кийибдай,  
Ҳар ким кўрса бекларни  
Қараган кўз тўйибдай.

Қўйган отнинг бошини,  
Эртиб сонсиз кишини,  
Сувсиз йўлда қистайди,  
Кўринг бекнинг ишини.

Селдай босиб боради,  
Гўрўғлининг қўшини.

Қўшин сиғмай боради  
Босиб дала-дашини.

Қримликка кўрсатди  
Ботирлар савашини.

Бари ҳам шундай ботир  
Кўзга илмайди кишини.

Агар кўрса душманни  
Дарров ейди гўшини.

Хаёллатмай ғанимнинг  
Кесиби олар бошини.

Бари йигит шувқордай,  
Минган асл тулпордай,

Бораётир отлари  
Анғишлаб бари олқордай.

Сувсиз чўлни босибди,  
Эрларнинг кўнгли ўсибди,  
Ҳамма йигит йўлбарсдай,  
Душманнинг йўлин тўсибди.

Гўрўғлибекнинг лашкари  
Селдай бўлиб босибди.

Тўзон ерни қора қип,  
Чанг тумандай сасибди.

Минган оти кийикдай,  
Юрган йўли буюкдай,  
Бари отин чопади  
Кейин қолса ғойибдай.

Сал қолса тўлпори,  
Ўз кўнглида майибдай.  
Етсак деб полвон Гўрўғли  
Йўлда шуйтиб койибдай.

Минган оти тойдайди (р),  
Отилган ўқ ёйдайди (р),  
Устида бари бўз бола  
Юрган сай қаттиқ ҳайдайди.

Устидаги йигитлар  
Олғир қарчиғайдайди.

Йўлбошчиси Гўрўғли  
Хусни тўлган ойдади.

Чўлда қўшиқ айтади,  
Довушлари найдайди.

Майин беклар қилиғи,  
Кўрсанг саримойдайди.

Минган оти ўйнайди,  
Ўйнаганини қўймайди,

Устидаги йигитлар  
Қизил гулдай жайнайди.

Бир-бирига гап қотиб  
Ҳар алвонда сўйлайди.  
Суханварлар сўйласа  
Юртни қойил айлайди.

Паст-баландни билмайди,  
Йўлни кўзга илмайди.  
Шундай қаттиқ сафарни  
Ботирлар писанд қилмайди.

Шундай югрук отларга  
Эрларнинг кўнгли тўлмайди.

Шунча йўлни олса ҳам  
Кўнглидаги бўлмайди.

Оти отнинг сараси,  
Мардлар эрлар тўраси,  
Шуйтиб йўлни кезади  
Гўрўғлибекнинг жўраси.

Шундай қичаб юрса ҳам  
Кўринмас Чамбил қораси.  
От чопади ботирлар,  
Олис экан ораси.

Беклар қилди ғайратди,  
Урушга ўзин уйратди.  
Уруш-саваш кунлари  
Ғанимни қўйдай қийратди.

Ғайрат билан ботирлар  
Ҳа деб қистаб йўл тортди.  
Йўлга тулпор ярайди,  
Қистайди тулпор отди.

Бек Гўрўғли валламат,  
Енида кўп азамат,  
Йўл тортади чўлларда,  
Душманни қип тоза мот.

Гүрүғлибек полвонди,  
Узи соҳибқиронди,  
Уз замони, шўл вақтда,  
Бир атоқли арслонди.

Эрлик қилди эрларга,  
Шерлик қилди шерларга,  
Ҳар ким қойил шўл вақтда,  
Шундай баҳодирларга.

Така-Евмит элати,  
Торни босиб ҳайбати,  
Бораётир худо, деб  
Чамбилнинг валламатини.

Сафарини биткариб,  
Зўрлигини ўткариб,  
Қайтиб кетиб боради,  
Донггин элга кеткариб.

Юртга солиб овоза,  
Мот бўп душман бемаза,  
Ҳамма қойил шўл вақтда  
Гүрүғлидай шаҳбоза.

Овозасин ошириб,  
Душманини шошириб,  
Холдорхондай подшолар  
Оёғига бош уриб.

Қойил қилиб элларни,  
Текис қилиб йўлларни,  
Бек Гүрүғли боради  
Кезиб сувсиз чўлларни.

Олди Қрим юртини,  
Кўринг Чамбил мардини,  
Ғайрат қилиб Гүрүғли,  
Кўнайтиб йўлнинг гардини.

Излагани шоввоз бўп,  
Майдонда ғаним ғаш бўп,

Бораётир Гўрўгли  
Така-Евмитга бош бўп.

Элнинг тутиб хумори,  
Уйнаб минган тулпори.  
Бораётир Гўрўгли  
Чамбилбелнинг сардори.

Селдай босиб боради,  
Йўлга сизмай лашкари,  
Худо деб йўл тортади,  
Така-Евмит беклари.

Сайлаб олган элидан,  
Бари йигитнинг нори,  
Бари ботир, эр йигит,  
Мингга етар ҳар бири.

Бари йигит сайланган,  
Гўрўглининг навкари,  
Бари эрнинг эри-да,  
Евмитнинг арслонлари.

Катта лашкар боради,  
Таканинг полвонлари,  
Бари бирдай мард йигит,  
Таканинг сайланганлари.

Бари бирдай эрдай бўп,  
Душман қолар ердай бўп,  
Ҳа-ҳалашиб боради,  
Сатта ботир бирдай бўп.

Шайланишган ул бари,  
Арқирайди шердай бўп,  
Димоғлари чоғ бўлган,  
Чилладаги нордай бўп.

Душман қойил ўзига,  
Қарай олмас юзига,  
Асло душман юролмас,  
Гўрўглининг изига.

Худо деб йўл тортади,  
Эр Хизрнинг тузига.  
Ҳа деб қистаб боради  
Йўл кўринмай кўзига.

Бек Гўрўғли нор эди,  
Чамбилга сардор эди,  
Шўл замонда, шўл вақтда  
Қанча десанг бор эди.

Отлансалар Гўрўғли,  
Чилтон жиловдор эди.  
Ҳар иш қилса Гўрўғли  
Ғойиб эран ёр эди.

Кеча-кундуз ул бекдан,  
Пирлар миннатдор эди,  
Қабатинда қирқ йигит,  
Қирқта аждаҳор эди.

Шўл вақтда булардан  
Ҳар подшо қўрқар эди.  
Қирқ йигит савашда  
Мингга баробар эди.

Ойдаи бўлиб ярқиллаб,  
Минган оти пирқиллаб,  
Бек Гўрўғли лашкари  
От баҳриндай чирқиллаб.

Белидағи исфиҳон  
Узангида чарқиллаб,  
Эгнида тилла қалқон  
Ларзан ейди шарқиллаб.

Қамчи урса бедовлар  
Сувсиз чўлда дирқиллаб.  
Чўлни босиб лашкари,  
Кўлмак сувдай иққиллаб.

Отлар борар арқираб,  
Оққан сувдай шарқираб.  
Қамчи тегса бедовлар,  
Сувсиз чўлда зирқираб.

Гоҳ чопишиб йўлларда  
Бўз болалар тирқираб.  
Жайин қанот бедовлар  
Чув деганда пирқираб.

Кийикдай бўп сакириб,  
Чув деб отга жежириб,  
Ботирлар арқирашиб,  
Булутдай бўп бўкириб.

Туғ кўтариб туғдори,  
Юк ортган партоллари.  
Араваларга босилган —  
Бекларнинг ўлжалари.

Сонсиз туялар ортилган  
Сардорнинг хазиналари.  
Олдин кетиб боради  
Лашкарнинг хизматкорлари.

Уч тош юриб, бир ётиб,  
Ҳар кўчганда тўп отиб,  
Салтанатман боради  
Ҳўкизга тўп суйратиб.

Араваси ғилдираб,  
Оташкурак йилтираб,  
Шуйтиб кетиб боради  
Узоқ йўлни мўлдираб.

Қора уйтиб кўринар  
Олис ердан булдираб.  
Қўшиннинг добир-дубирига  
Ерлар ларзон еб гулдираб.

Бек Гўрўғли азизларман ёр эди,  
Ҳар иш бўлса эр Хизр айтар эди.  
Буйруқ бўлса чиқар эди Гўрўғли,  
Ортида улар ҳам хабардор эди.

Бек Гўрўғли чилтонларнинг пири эди,  
Ғойиб эран, азизларнинг зўри эди,  
Хосияти кўп эди Гўрўғли марднинг,  
Бек Гўрўғли асл эрнинг эри эди.



Гўрўғлида хосяятлар кўп эди,  
Ҳар иш қилса, уни пирлар деб эди...  
Билмаганлар ҳар тусли қип айтади,  
Пирдан амр бўп Гўрўғли кеб эди...

Қирқ чилтонга сардор эди Гўрўғли,  
Ҳар ишдан хабардор эди Гўрўғли...  
Ер юзида қанча бўлса эрман шер,  
Мақтовга шунча бор эди Гўрўғли...

Емон ишға, эгриларнинг йўлига,  
Билсанг ундан безор эди Гўрўғли,

Ҳар ерда етимга, ночор элларга  
Жон билан харидор эди Гўрўғли.

Туркманда, Такаман Евмит элинда  
Юрт эгаси, сардор эди Гўрўғли.

Тўғрини суяди, эрига душман,  
Золимларга хунхор эди Гўрўғли.

Доим қўриб Така-Евмит элини,  
Эли кўп миннатдор эди, Гўрўғли.

Ўз вақтида Евмит элга, ёронлар,  
Жуда ҳам жонсипор эди Гўрўғли.

Шул сабабдан Евмит, Така элати,  
Жону дилда кўрар эди Гўрўғли.

Элини қўрийди ғайри эллардан,  
Ев бўп келса, тайёр эди Гўрўғли.

Шў вақтда не жиғадор шоҳларни,  
Ҳа, деса қўрқитар эди Гўрўғли.

Аввал бошдан қизилбошди душмани,  
Буларни қийратар эди Гўрўғли.

Ўз вақтида манман деган эрларни  
Ушлагандан отар эди Гўрўғли.

Хоҳи занги, хоҳи дев бўлсин, шу вақтда  
Тайсалламай тутар эди Гўрўғли.

Хоҳи оди, хоҳи занги, девларни  
Қўрқитиб йиғлатар эди Гўрўғли.

Ҳар ким манман бўлса — юртга жафокор,  
Уни яксон этар эди Гўрўғли.

Хоҳи шоҳ бўлсин, хоҳи полвон йўласа,  
Ҳаммасини қийратар эди Гўрўғли.

Доим қилди полвон диннинг талошин,  
Мўминга жуда ёр эди Гўрўғли.

Чамбилда давлати шунингдай шунқор,  
Ажаб яхши тождор эди Гўрўғли.

Така-Евмит тўраси,  
Йигитларнинг сараси,  
Сонсиз лашкар жўраси,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Юрган йўли чанг бўлиб,  
Катта йўллар танг бўлиб,  
Еган гўшти анг бўлиб,  
Бек Гўрўғли жўнади,

Сири элга фош<sup>1</sup> бўлиб,  
Афсонаси чош бўлиб,  
Лашкарига бош бўлиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Чамбилбелнинг жаллоди,  
Туркман элнинг бекзоди,  
Така-Евмит хонзоди,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Олган йигит сарасин,  
Кўринг Чамбил тўрасин,

---

<sup>1</sup> Овоза маъносида.

Чанг қип чўлнинг дарасин,  
Гўрўғлибек жўнади.

Йигитлари шиддатли,  
Бари Хайбар ғайратли,  
Душманига ҳайбатли,  
Гўрўғлибек жўнади.

Душмандан оп лотини,  
Ияртиб азаматини,  
Энди излайди юртини,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Бек Гўрўғли сардорди,  
Ияртиб кўп лашкарди,  
Уйнатарди тулпорди,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Шаҳаншоҳдай савлати,  
Қайсарча бор давлати,

Юртни босиб ҳайбати,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Сардорларнинг сардори,  
Қабатида лашкари,  
Ортида бор кўп эри,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Адолатли шоҳдай бўп,  
Юзи меҳри моҳдай бўп,  
Лашкари дарёдай бўп,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Лашкарининг сони йўқ,  
Ночор йигит тани<sup>1</sup> йўқ,  
Қўшиннинг озгани йўқ,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Димоғлари чоғ бўлиб,  
Йўли гоҳ чўл, тоғ бўлиб,

---

<sup>1</sup> Мутлақо.

Элига иштиёқ бўлиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Бек Гўрўғли шод бўлиб,  
Душманлари мот бўлиб,  
Йўл ҳаддан зиёд бўлиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Бекнинг вақти хуш бўлиб,  
Кўп душманга дуч бўлиб,  
Кўп қўшинга бош бўлиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Юрган йўли чўл бўлиб,  
Чулан оши мўл бўлиб,  
Қўшин мисли сел бўлиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Қўшиниман кўп бўлиб,  
Ёзилмайин тўп бўлиб,  
Душман билан жуп бўлиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Бек Гўрўғли эрдай бўп,  
Эр не эмиш, шердай бўп,  
Лашкар бари бирдай бўп,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Турли кийиб шайланган,  
Олмос қилич бойланган,  
Душман кўрса ўйланган,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Беклар келар олмосдай,  
Минган оти толмасдай,  
Сирин ҳеч ким билмасдай,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Йигитлари йўлбарсдай,  
Душманга йўл бермасдай,  
Ароққа тўйган масдай,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Румда кишвар Қайсардай,  
Ҳайбар элда Антардай,  
Бўлиб деви ҳафтсардай,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Узоқ йиллар яқиндай,  
Йўл юрмак бир ваҳмдай,  
Йўли ўйилиб лаҳмдай,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Қўп лашкарни бор қилиб,  
Мардни эътибор қилиб,  
Юрган йўлин жар қилиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Урни, ерни йўл қилиб,  
Озиқ-овқат мўл қилиб,  
Суйри чўлни сел қилиб,  
Гўрўғлибек жўнади.

Мишган отин от қилиб,  
Душманларни мот қилиб,  
Оломонин шод қилиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Йўлни кўзга илмайин,  
Паст-баландни билмайин,  
От чопади елмайин,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Бек Гўрўғли сардори,  
Така-Евмит раҳбари,  
Чамбилнинг аждаҳори  
Бек Гўрўғли жўнади.

От чопади далага,  
Бош бўп сонсиз болага,  
Отлар қолиб нолага,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Чамбилбелга етсам деб,  
Хатарлардан ўтсам деб,  
Ишимни ўхшатсам деб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Сатта ботир бўз бола,  
Юрган ери туз, дала  
Ҳа деб қистаб йўл ол-а,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Қўшиқ келар-тўп бўлиб,  
Ҳар тўпи ҳам кўп бўлиб,  
Йўлда эрмак гап бўлиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Келган Чамбил сардори,  
Ботирларнинг тождори,  
Тутган элнинг хумори,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Қўйиб ўтдай қобинган,  
Азизларга тобинган,  
Уз юртини соғинган,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Бек Гўрўғли бош бўлган,  
Вақти жуда хуш бўлган,  
Кўп лашкар йўлдош бўлган,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Бек Гўрўғли тождорди,  
Тождорларга сардорди,  
Миниб Ғиркўк тулпорди,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Йўлга тушиб боради,  
Қўйиб-пишиб боради,  
Тордан ошиб боради,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Юрган йўлин ундириб,  
Отни йўлга кўндириб,  
Югрук<sup>1</sup> тулпор миндириб  
Бек Гўрўғли жўнади.

Тилла жиға бошида,  
Сонсиз лашкар қошида,

<sup>1</sup> Қўлэзмада *жугрук*.

Эр Хизирнинг дашида,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Йўлни кезиб чанглатиб,  
Тулпорларни занглатиб,  
Мол-озиғин ғамлатиб,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Бек Гўрўғли жўнаб ётир  
Йўлларда келаётир,  
Бир-бирига сўз қотир,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Йўл юради, тинмайди,  
Сира сафин қўймайди,  
Йўлга бўйинсунмайди,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Кеча қистаб юради,  
Иссиқ бўлса туради,  
Салқинда қидиради,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Олис билинг орасин,  
Минган отнинг сарасин,  
Олсам деди қорасин,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Ол-ол юрди, ол юрди,  
Озгина эмас, мўл юрди,  
Йигирма кун йўл юрди,  
Бек Гўрўғли жўнади.

Беклар дарёдай тошди,  
Етдик деди чувлашди,  
Тағи беш кун йўл юриб,  
Туркманга аралашди.

Булбул сайрар гулига,  
Калимаси бор тилига,  
Бир ой юриб ботирлар,  
Борди Чамбил элига.

Шуйтиб беклар йўл тортди,  
Сафар қилди [кўп] қатти,  
Жуда қистаб бир ойда  
Беклар Чамбилга етди.

Йўлдошлари ҳақ бўлиб,  
Димоғлари чоқ бўлиб,  
Пешвоз чиқди туркманлар  
Жуда бедимоғ бўлиб.

Пешвоз чиқди элати,  
Чамбилнинг азамати,  
Пешвоз чиқиб олдига  
Қанча қолган элати.

Йиғлаб чиқди Гўрўғлининг элати,  
Қатта-кичик ҳам аркон давлати,  
Жами одамлари, Чамбилнинг юрти.

Бек Гўрўғли кўрса арklar қулаган,  
Оғайинлар, ҳамсоялар йиғлаган.  
Ҳовлилар вайрондир, бўлган чолдевор,  
На буюмдан, на одамдан қолмаган.

Зор йиғлайди Чамбилбелнинг одами,  
Бекнинг ошди энди кўрди-да ғами,  
Энди кўрди тоғасининг ишини.  
Қайтиб келиб элини, қўрғонини.

Сардорни қайтарди, элни қўри деб,  
Бек Гўрўғли тоғам қўриб юри деб,  
Келиб кўрди тоғасининг ишини,  
Гўрўғлини ким айтади тири деб.

«Ўлди бек Гўрўғли Қрим элида,  
Ўлди деган сўз бор тоғанг тилида,  
Эсон келдинг, бизга бўлар, валлакат,  
Мол-минол тоғангизнинг қўлида.

Аҳмад Сардор келди, бизларни чопди,  
Иш кўрсатиб қўрғон, арklarни опти,  
Узинг эсон [келдинг], бизга бўлади,  
Ёвмитни ўн минг одамман қуршабди.



Уртага олди сатта бола-чақани,  
Уйи куйсин шундай раҳбар тоғани,  
Сени кўрдик, биздан кетди ғам энди,  
Сизларни алдаб баччағарнинг қолгани.

Сардор бошимизга солди қиёмат,  
Минг шукур, ўзингни кўрдик саломат,  
Илоҳи қурисин Сардор бек Аҳмад,  
Сизлар бўлмадинглар, бўлди қабоҳат.

Мол-минол бизда сира қўймади,  
Дунё молин олиб кўзи тўймади,  
Улсин тоғанг, бизни чопти зўр бўлиб,  
Ухшатдим деб терисига сиғмади.

Валламатим, тоғанг маълум ўзингга,  
Аввалгидай бўп доим тушди изингга,  
Омон-эсон келдинг, бизга бўлади,  
Доим мункир келар-берган тузингга.

Ана Гўрўғлибек Аҳмад Сардор тоғасини элни кўри-син, деб ўн минг жаррор йигитдан қўшиб шуларга бош қилиб юбориб эди. Сардор юртни кўриймикан?! Сардор аввал кела Чамбилни чопди, ундан сўнг Туркман элини бир бошидан талаб юра берди. Ҳамма элнинг бор молини тортиб олди, Евмит билан Такага кўп зулмни қилди. Аҳмад Сардор ўз элига катта ёв бўлди. Гўрўғлибек ҳовлисини, ҳар нима бор асбобни талатиб юборди. Биз хон бўлдик, деб бозорларга жарчи қўйди-риб, қичқиртиб: «Замон кимнинг замони — Аҳмад Сардор подшоҳ — катта султоннинг замони», — деб. Туркман семиз қўйдан ўлжа қилиб олиб борган, ҳа деб сўйди, ўн минг оломонга ҳа деб бера берди, Чамбилни дабдала қилиб талаб, париларни қувиб Қирғизга борди. Қирғиз билан қанча урушди, қирғизга зўрлик қилди. Шундай қилиб, зўр бўлиб турганда, парилар илож топмай Ҳасан Чопсонни олиб келди. Ана Сардор Ҳасан Чопсондан яхши шапалтанг еб индамайгина Чамбилга келди. Шундай қилиб, Чамбилда зўр бўлиб, бек бўлиб, ҳар ким келса, қутли бўлсин олиб ўтириб эди. «Энди мен Гўрўғлига бекликни бермайман, илгари яхши кўриб бериб эдим, энди ёмон кўрдим, бермайман, балки Чамбилга келтирмайман. Ўзи ҳам Қримдан маховдай

бўлиб, ололмай, одамларнинг бетига қарай олмай келар. Келаётганда мен ҳам қўшин қилиб олдига чиқаман. Гўрўгли, ҳайда кет энди, бўлмаса ўласан, Ҳасаннинг юртига, Авазнинг юртига борасанми, қайсисини яхши кўрсанг, шунинг юртига бор. Энди сени бу юртда қўймайман дейман. Агар кетса, кетади, кетмаса, ўлдираман, зўрлигимни билдираман»,— деб Евмитда туркманларнинг ичида Аҳмад Сардор гупдай ишиб, соқоли белбуғарга тушиб, қорнини қашиб, беклиги жуда ҳадидан ошиб ўтирар эди.

Бир кун овоза бўлди: «Нима дейсан, Гўрўглибек Қримни олган эмиш, Холдорхонга зўрлик қилган эмиш, унга кўнмасанг, яқинлашиб қолган эмиш, фалон ерга келиб кўнган эмиш»,— деб эшитиб эди, Сардорбекдай «катта» подшонинг мазаси кетди, кўҳна иситмалари тутди. Яна энди қошидаги оломон, навкар, ботирларга қаёққа қараб қочамиз, деб маслаҳат этди. Аҳмад Сардорнинг тоза эси кетди, ҳисоби йитди, қулоғи чиппя битди. Ана Сардорни [биров] бойлаб қўймаса, қоча берадиган тентак бўлиб қолди. Ўзидан-ўзи ўтирган ерида: «Ол, йигитлар, ана Гўрўгли бек келди, ана қирқ йигит келди»,— деб барининг юрагини ёра берди. Аввал-аввал йигитлари: «Сардор бир гапни билади»,— деб қўрқди. Сўнг қараса, Гўрўгли ҳам йўқ, қирқ йигит ҳам йўқ. Сўнг-сўнг беклар: «Бу қўрққанидан тентак бўлаётир»,— деб билиб қолди. Бўлмаса, аввал-аввал Аҳмад Сардор тура солиб қочса, йигитлари ҳам қочди. Сўнг бир қирга, ё бир дўнга чиқиб қараса, ҳеч гап йўқ. Йигитларининг кўпи Таканинг йигитлари эди. Йигитлар «буни арвоҳ урди, қўрққанидан бу баччағар тентак бўлди, энди нима қиламиз»,— деб Аҳмад Сардорни олиб Такага қочиб кетди.

Ана энди Гўрўглибек султон лашкарлари билан, Евмит-Така беклари билан от ўйнатиб келиб қолдилар. Келиб қараса, Чамбил вайрон, тахтдан девол қулаган, болори, хариси кўндаланг тушиб сулаган. Ана Гўрўглибекининг қўрғони вайрон-вайрон. Гўрўглибекнинг ҳам ички ҳовлиси, ҳам арки... шундай баланд жой эди, қандай қулатибди?! Гўрўглибекнинг ўзи ўлтирадиган хос томлари, париларининг уйларининг дарағи йўқ. Асбоблар, буюмлар, тўшанчилар, палос, асбоб-анжом — бундай нарсалардан ҳеч нима йўқ. Қозон-товоқ, қошиқ дегандай. Гўрўглибекнинг ҳовлиси дабдала бўлгандан

сўнг бошқаларга гап ҳожати йўқ. Чамбилда бузилмаган бир ҳовли қолган йўқ. Шунда Гўрўғлибек далага тушди, ҳамма одам ҳайрон қолди. Бу нима деган гап бўлди, деб бир-бирига айтаётир. Гўрўғлибек айтди:— У, ёронлар, буларнинг тақдирида шул ишлар бор экан, бўлма-са, менинг кўнглим якдила эди, ҳеч хавфи тарс йўқ эди. Сизларнинг барингнинг кўнглингга худо бир ваҳм солди, баринг бирдан хавф қилиб қўрқиб қолдинглар. Мен ҳам ундан сўнг ўйланиб қолдим. Бўлмаса, менинг хаёлимда ҳеч не йўқ эди. Сизлар жуда қаттиқ хавотир қилдинглар. Мен ноилож бу ит Аҳмадни ўзимники деб қайтариб, бунинг [қилган иши] бул. Ҳай аттанг. Биз энди устимизга ўзимиз ёв юбориб ўтирсак, тағи нима энди?! Энди беклар, бўлинманг, анжомларингни олишинг, баринг бирдан лойга тушинг, ҳа деб хас билан лойга тушинглар. Аркни кўтариб, ундан сўнг қора қўрғонни қилинг. Агар шу йиғин бузилиб кетса, ё одам жам бўлганча вақт ўтади. Ундан сўнг кейинга тутиб кетади,— деб Гўрўғлибек фармон қилди. Шу турган одамлар — катта-кичик демай, қари-ёш демай, бирдан ҳа деб, лой деб, фишт, кесақ, деб лойга от қўйди. Кўпга нима гап экан, бир фаслда Гўрўғлибекнинг аввалги жойидан неча ҳисса зиёда қилиб, жуда ўхшати.

Ана энди Гўрўғлибек жойларини ўхшатиб, ками қолмай бажариб бўлди, жами элга овоза солди. Қримни олиб, лашкарининг омон-эсон келишига қирқ кун, қирқ тун подшоҳона тўй қилиб, элга ўзимни талатаман, деб жами сардор, баковул, арбоб, оқсоқоллар, иш кўрган кенгашдон одамлари билан, ақли кўп расо кишилар билан кунда кенгашиб, ишнинг сариштасини олаётир. Бу ёқдан, у ёқдан одам келаётир, келгани меҳмон бўлаётир.

Ана энди Гўрўғлибекнинг келганини эшитиб, Хидирали бой отаси қанча қирғизлар билан келиб қолди. Гўрўғлибек Хидирали бойнинг олдига Туркманнинг одамман деганини чиқариб, пешвозга беш тош йўл олдига чиқиб, чечан абжил маҳрамлар, барнолар, бойларнинг жиловиде етаклаб келаётири. Хидирали бой шундай иззат-икромлар кўриб, Гўрўғлибекнинг ўрдасига келиб тушди. Бек билан кучоқлашиб кўришди, ҳорманг деб ҳол-аҳвол сўрашди. Гўрўғлибек ичкари кириб Хидирали бойнинг бойбичаси — энаси билан кўришди. Ундан сўнг парилар билан сўрашди, келин, бола-чақа-

ларини кўрди. Шунда Оға Юнус пари: Гўрўглибекнинг ёри, жамъи париларнинг сардори Гўрўглибекнинг қошида кўзига ёш олиб, ичи ғамга тўлиб, жуда хафа бўлиб, келиб бекни зиёрат қилди. Жуда қобоғини уйиб, жуда малоли бўлиб, ҳорманг тўрам, деб ҳол сўради. Шунда Гўрўглибек ёрини бундай хафа кўриб, димоғи куйиб, кўнгиллари ўзга бўлиб:— Эй, париларнинг шоҳи, сиз асло хафа бўлманг. Нимага қобоғингиз уюк. Мен тирик бўлсам, сизни ҳеч ким хафа қилолмайди. Одамзоднинг ичида шундай гаплар бўлади. Аҳмаддан сизнинг димоғингиз куйибди. Хайр, Аҳмад нима бўлар, уни мен нима қиламан десам, қилолмайман. У менинг бир итим-да. Ҳар кимга менинг йўғимни билдирмай деб ириллаб юрган. Сиз энди Аҳмадни сира кўнгилга олманг, ҳеч нима кўрмаган одамдай бўлиб, кулиб-ўйнаб тўйни ўтказа беринг,— деб парига кўп тасаллийи дил берди. Шунда Оға Юнус пари:

Азал кунда тақдир аввал бўлганда,  
Азалдан тўқишли келган тўрамсан.  
Мисоқ куни яхши-ёмон бўлганда,  
Шунда элга сардор бўлган тўрамсан.

Пайдо бўлган икки гавҳар дондан,  
Парвоз қилиб учиб манзилхонадан,  
Сен гўрда таваллуд топиб энадан,  
Азизлардан рутба топган тўрамсан.

Гўрда кўргансан улуғ авлиёни,  
Улуғларнинг сенга тегмай зиёни,  
Эр Хизр эна қип берган бияни,  
Бия эмиб овқат қилган тўрамсан.

Қулоқ солгин оға Юнус тилига,  
Улмасанг тўрасан Чамбил элига,  
Тўрт ёшингда келиб Рустам қўлига,  
Одамзод ичига келган тўрамсан.

Шўл вақтларда зўрлиғингни билдириб,  
Душман бўлса ичин ғамга тўлдириб,  
Олти ёшда сен Бадкирни ўлдириб,  
Олти ёшда хуруж қилган тўрамсан.

Узинг тирик душман юрмас сиртингга,  
Ҳеч ким тушунмайди ички дардингга,  
Ун ёшда келгансан ота юртингга,  
Ёвмитнинг элига келган тўрамсан.

Куйган қулсан гапни-гапга улатиб,  
Ғаним бўлса зор ингратиб жилашиб,<sup>1</sup>  
Ун иккида Ғиротингни тулатиб,  
Райхонга янғасин берган тўрамсан.

Шакаман бўп ҳар тарафга ўқ отиб,  
Ёвмитга валлами бўлиб тўп отиб,  
Ун олтида Ғиркўкингни йўқотиб,  
Оламини сайр этиб кезган тўрамсан.

Қулоқ солгин оға Юнус зорига,  
Хабар солиб ер юзининг барига,  
Отингни излаб бориб чилтон ғорига,  
Пирларман ҳамнишин бўлган тўрамсан.

Пиринг айтди марди худо бўл деди,  
Худонинг амрига бўйинсун деди;  
Мақсадингни энди тилаб ол деди,  
Пирлардан кўп шафқат кўрган тўрамсан.

Ё пирим деб тура келдинг ерингдан,  
Ҳеч ким хабардор йўқ сенинг сирингдан,  
Зот тиламай от тиладинг пирингдан,  
Тақдири қисматга кўнган тўрамсан.

Пиринг айтди мингин отнинг толмасин,  
Бу зоҳирда ёмон кунинг бўлмасин,  
Эса отинг қолсин, зотинг қолмасин,  
Шўнда пирдан дуо олган тўрамсан.

Пиринг айтди шўнда гапнинг аввалин,  
Отлансанг бергин душманнинг заволин,  
Чилтон қўйсин деди Чамбил деволин,  
Шуйтиб аҳди паймон қилган тўрамсан.

Ғорда миниб Ғиркўк аеби тозини,  
Ёд қип олиб пирларингнинг сўзини,

---

<sup>1</sup> Инглашиб.

Райхоннинг ой Зайдин деган қизини,  
Олиб келиб оринг олган тўрамсан.

Қирқ йигитни Чамбилбелга йиғдириб,  
Олтин пиелага майлар қуйдириб,  
Йигитларга силовсин тўн кийдириб,  
Оламга шўр ишлар солган тўрамсан...

Ўзинг эрсан эрлигингдан мининг йўқ,  
Зор йиғлайсан, бир жиянар кунинг йўқ,  
Е бир аканг, ё бир ининг, улинг йўқ,  
Бир уядан ёлғиз учган тўрамсан.

Ҳар ким бўлса ўғли борнинг ўрни бор,  
Кўҳна масал, қизи борнинг нози бор,  
Ҳозир замон зари борнинг қадри бор,  
Ўғил-қиздан холи келган тўрамсан.

Уй бўлган сўнг ёш бола-да ҳавоси,  
Фарзанд бўлар одамзоднинг меваси,  
Улдир, қиздир баробардир ҳаммаси,  
Сен булардан қуруқ қолган тўрамсан.

Икки пари олдинг Эрам боғидан,  
Келтирдинг бизларни Кўҳи Қофидан,  
Неча марта ошдинг Бало тоғидан,  
Қора девман қон тўкишган тўрамсан.

Эшитиб ол оға Юнус сўзини,  
Ўйнатдинг бедовнинг олмакўзини,  
Қўр қип Тўхтамишдай зўрнинг кўзини,  
Девларни ҳасратли қилган тўрамсан.

Ҳазо бўлса доим кирдинг от қўйиб,  
Тил билмасни қирдинг қўйдайн сўйиб,  
Чамбилбелга йигит мардини жийиб,  
Чамбилбелда даврон сурган тўрамсан,

Доим танҳо кирдинг мард бўп савашга,  
Ҳеч ким сендай меҳрибон йўқ йўлдошга,  
Савашда ўн тўрт дуч келдинг Бектошга,  
Ширвонга талотўп солган тўрамсан.

Ғазо куни доим миндинг отингни,  
Душманга кўрсатдинг сиёсатингни,  
Обод қилдинг Чамбилбелдай юртингни,  
Евмиг элнинг қути бўлган тўрамсан.

Сен отландинг, душман бўлди бетоқат,  
Ҳеч ерда тенги йўқ тулпор Ғиркўк от,  
Ўзинг тирик, душман қилмас сени мот,  
Толениг азиз бўп келган тўрамсан.

Ғорга кириб суҳбат қилдинг пирларман,  
Ғазода савашдинг бирга шерларман,  
Дунёда бош қўшиб улуг эрларман,  
Юрт соҳибин бири бўлган тўрамсан.

Аслим паризодман, аёлман, ночор,  
Сен бўлмасанг, йиғлаб аҳволим кечар,  
Ўзинг ўлган куни чироғинг ўчар,  
Дунёдан бенишон бўлган тўрамсан.

Қайтайин, валламат, энди қайтайин,  
Энди сенга қайси дардим айтайин,  
Мендан сенда ўғлинг, қизинг бўлмаса,  
Пари бўлмай, аёл бўлмай кетайин.

Сендай йўлбарс, шернинг ўрни бўлмаса,  
Валламатим, хафа бўлмай нетайин.  
Азал кун тақдирим менинг шул бўлса,  
Тақдирга кўнмасам, не иш этайин?!

Пари бўлдим, сулув бўлдим, не бўлдим,  
Синим йўқ, синбатим йўқдир, қайтайин,  
Ўзинг ўлган куни юртинг бесоҳиб,  
Бу дардимни, тўрам, кимга айтайин?!

Сен қидириб кетдинг, йўлинг бузилди,  
Бу қисматлар манглайимга ёзилди,  
Ўлган куни ўрнинг ўчар, полвоним,  
Менинг ғамгин кўнглим шуйтиб бузилди.

Болам бўлса, буйтмас эдим, валламат,  
Шу ҳасратдан менинг бағрим эзилди.

Сардор, келдик, томир-тувғон жойларга,  
Мураббим йўқ, мен борарман қайларга,  
Ғариб бўлсам, хел-хешим бўлмаса,  
Ғариблар кўйида қолдим ўйларга.

Болам бўлса, мен ҳам томир бўлардим,  
Қизга кув, ўғлимга қиз олардим.  
Менда ундай томир-тувғон бўлмаса?!

Мен шод бўлар ўғил-қизим бўлмаса,  
Эли халққа қарар юзим бўлмаса,  
Сен бўлмасанг, менинг ҳолим қийиндир,  
Не дейман элатга нозим бўлмаса.

Юзи-хотир мендан кетган, валлаMAT,  
Халққа ўтар менинг сўзим бўлмаса.

Ким бўлса еб, ичиб кетар ошимни,  
Бу элга ҳурматли тузим бўлмаса.

Болам бўлса қарар эди юзимга,  
Ул тува, қайтайин, қизим бўлмаса,

Узинг тирик, сенинг кўпдир хотиринг,  
Олдингда хизматкор гала ботиринг,  
Мең аёлман, менда ҳурмат бўлмаса,  
Сенда йўқ ич ачир, яқинлотиринг.

Сен кетдинг, валлаMAT, менга ғам солди,  
Бундай ғамни менга бурун ким солди,  
Хафалигим ҳаддан ошди, валлаMAT,  
Билмайман, кўнглима менинг не бўлди?!

Сен кетдинг, валлаMAT ғам бўп кулмадим,  
Бу ғам қайдан келганини билмадим,  
Хафалигим ошиб кетди, валлаMAT,  
Недан бўлди билмам, хурсанд бўлмадим.

Пари қайтсин, хафа бўлмай ғам бўлмаса,  
Сенда бир жон ачир одам бўлмаса.

Сен йўқ вақтда уй-ҳовлига қарашса,  
Сендан бир туғишган маҳрам бўлмаса.



Одамларинг бари бирдан ёб қочар,  
Олдинда юрад-да неча ўлиб ночор,  
Сенинг дўст бўп юрган ҳамма одаминг,  
Сен йўқда кун топса айбингни очар.  
Икки хотиндан бошқа дўстинг бўлмаса,  
Аёлларинг йиғлаб аҳволи кечар.

Сенинг йўқ бу ерда хеш-таборинг,  
Бир ич ачир йўқ, ё бир ич куяринг,  
Сен йўқда қарашса, дўстинг бўлмаса.  
Ёвмитда йўқ қўйгин деган ғамхўринг.

Сендай эрнинг лотин олар киши йўқ,  
Йиғламайин қайтсин икки шўр ёринг,

Бир деб кетдинг париларни йиғлатиб,  
Сен юурсан бедов мишиб тулатиб,  
Сенинг ортинг бўлса эди, валлакат,  
Буйтмас эди манзилларинг қулатиб.

Сен юурсан яхши кийиб, сайланиб,  
Бизлар ўтирибмиз шуйтиб таланиб,  
Валлакат бўп юрт эгаси юрт олган,  
Хотинларинг овқат учун тиланиб.

Билсанг экан париларнинг кунини,  
Ўзидан пастларга йиғлаб, эланиб.

Сен эр бўлсанг, бизга хўрлик не даркор,  
Йиғлай-йиғлай ода бўлган парилар,  
Ҳасрат билан, армон билан зор йиғлаб,  
Ҳадсиз салом айтди Аскар, Бердиёр.

Сен кетдинг, бизларга бўлди қиёмат,  
Ўзинг кепсан, тўрам, соғу саломат,  
Биласан-да париларнинг кунини,  
Шундан бери куни қаттиқ, қабоҳат.

Сенга айтмай парилар кимга айтади,  
Яхшилигинг, тўрам, кимдан қайтади,  
Нега ғамсан демак сендан не даркор,  
Шул-да, пари хафа бўлмай нетади?!

Ана энди Юнус пари бу сўзларни айтди, бари айтган сўзлари Гурўглибекка симдан баттарроқ ботди. Ана бекни илондай тўлғонтириб, ога Юнус пари ҳам жуда хафъ этди. Ана энди валлакат уйларни ўйлаб жуда фикрга кетди, ўтириб-ўтириб бошларини кўтариб:— У, пари, ҳа, вафоли ёрим; бу дунё кимларга [жафо] қилмаган, бу кимларни йиғлатмаган?! Ҳамма вақт яхшилар бу зоҳир дунёни бевафодан зор-зор йиғлаб, бирор кўнгиллари очилмай, ҳам устига ҳам, мотам устига мотам [кўриб], бирор соат шод бўлиб ўтмаган. У, суйдигим, менинг ҳам кирдорим; кўрганим шул-да. Менинг армоним, афеусим бир фарзандда. Бу дунёдан камийўқ нарса сира йўқ. Э, паризод, аввалдан охир Ямандан Ясар, Машриқдан Мағрибгача ҳар нарса бор, мен беайб, бекам нарса кўрмадим, беармон одам кўрмадим. Мен дунёда нима бор, барининг армони қават-қават. Мен бундайман деб айтса, унча эмас. Сўрасанг фалон нарсдан бундайман дейди. Унинг айтган армони ҳам бизларникидан кам эмас, балки зиёда... Э, вафоли ёрим, мунисим; ҳамдамим, ғамим кеткизгич суйдигим, маҳбубим, кўнглимни овлаган дилнавозим, эй ғамгузор чароғу рўзгорим, кўнглим хоҳиши дилбарим; эй маҳвашим, таннозим; гаплари шакарим, лаблари кавсарим, кўзлари хуморим, юзлари гули рухсорим, ислари мушки татирим, зулфлари анбар афшоним, эй маҳбуби дилнавозим, қошлари камоним, киприклари синоним, эй тишлари гавҳарим, эй, қадди санобарим, эй, моҳи пайкарим, қора кўзлари жодугарим, нозлари ханжарим, қилиқлари шаҳду шакарим, товус суратим, қарчиғай келбатим, уйимнинг тўласи, тож-давлатим, эй, қўй-чи, сенга сандираб ўтирайнми, Евмит элатим, ҳар на бор ҳолатим, кўнгил тўқим, бори-йўғим, сенсан-да! Сенинг хушлигинг билан хушман-да. Шул уйда сен хуш бўлмасанг, менинг хурсанд-хушвақтлигим нима?! Мен сен билан хушвақтман-да! Гурўглибекнинг сўзи:

Ширин жондан ширин ҳар бир сўзларинг,  
Тан лаззатни найлар, жондан айрилса.  
Менга қараб ёш олади кўзларинг,  
Жон ғамгиндир, жонондан айрилса.

Эр йигитнинг бўлар суйдиги, ёри,  
Ўзига муносиб чин вафодори,

Начук бўлар унинг сабру қарори,  
Жондан зиёд жононидан айрилса.

Йигитга айролиқ ўти кўп ёмон,  
Ҳар кимни сақласин шул ўтдан омон,  
Чин маҳбуб сўзлари бир моҳитобон,  
Жони дилман суйганидан айрилса.

Ҳар йигитнинг бўлса маҳлиқо ёри,  
Хусни тўлган ойдаё хур, пари,  
Ҳасратман айрилса биридан бири,  
Уйда равшан тобонидан айрилса.

Дунёда йигитга машаққат қийин  
Дилбар кетса, қолса ҳасратман кейин  
Куймаги ортади кўҳнарған сайин,  
Дим кўнггили қамғонидан айрилса.

Худо берса мардга дилбар муносиб,  
Уйнаб, кулиб юрса, айлаб таассиб,  
Шундай суйганидан бўлса бенасиб,  
Фалак зулм қип ватанидан айрилса.

Йигит бўлса дил олгидай ёри йўқ,  
У йигитнинг савдоли бозори йўқ,  
Дунёнинг ишида эътибори йўқ,  
Жон ҳузури жавлонидан айрилса.

Ҳар йигитни фалак урса бегумон,  
Қўлидан кетади ҳаққатли жонон,  
Жонон кетса роҳат топмас танда жон,  
Жон ғарибдир, жононидан айрилса.

Йигитларга ширин сўзли ёр бўлсин,  
Шунга муносиб сўнг бошқалар бўлсин,  
Ёрсиз йигит у албатта хор бўлсин,  
Найлар иззат-икромидан айрилса.

Йигит бўлсин, суйдик ёрсиз бўлмасин,  
Ёри бўлса сўнг айрилиб қолмасин,  
Бу ўтга ҳеч кимни дучор қилмасин,  
Давоси йўқдил-жонидан айрилса.

Ҳар нечук нозанин ҳаққон ер оулмас,  
Асли ёмон эрга вафодор бўлмас,  
Ундай ёр ҳар пилла эътибор бўлмас,  
Суйдук саллонганидан айрилса.

Жонон бўлса, оқил, бир моҳипайкар,  
Тишлари дур бўлса, сўзлари шакар,  
Маҳбуби жон бўлса, қошлари ханжар,  
Шундай моҳитабонидан айрилса.

Эр йигитнинг табъи-хоҳиши, ёри-  
Давлати, шавкати, кўнгил суяри,  
Ўзи маҳбуб, ҳусни эрнинг гулзори,  
Тар очилган бўстонидан айрилса.

Эр йигитнинг бахти бўлса — давлати,  
Муносиб ёр бўлса — ширин ишрати,  
Ундай марднинг бўлмас қайғу-кулфати,  
Кулфат шул: ёр, жонидан айрилса.

Эр йигитга ундай дилбар кам битар,  
Кўп йигит умри куюкман ўтар,  
Йигитнинг чин ёри бўлса кам етар,  
Боб бўлган сўнг бўстонидан айрилса.

Худойим айролиқ ўтиғ солмасин,  
Ҳеч кимса ёридан жудо бўлмасин,  
Ҳеч ким ёридан айрилиб қолмасин,  
У на мушки суйганидан айрилса.

Гўрўғли дер сенсан менинг давлатим,  
Кўнглим хоҳиши, айши-ишратим,  
Дилимнинг шодлиги ҳурмат, иззатим,  
Ким хурсандли-шодмонидан айрилса.

Эй, сарвари маҳбуб, таннбзим, менинг аввалги давлатим, ҳузурим, айш-нишотим, табъи хоҳишим сенсан, ундан сўнг бошқатар, у ҳам ўз жойида, агар сен бўлмасанг, менинг кўзимга дунёнинг ҳаммаси бир илондай, балки ундан ҳам совуқ, ёмон кўринади. Қанча ноз-неъмат бор, лаззат бор, кайф-ҳузур, хоҳиши табъ бор — бариси сенинг билан. Бирга ҳамроҳ бўлиб, билла кўрсак бўпти-да. Бўлмаса, сен бўлмасанг, менга бол заҳар бўлмасми, айш мотам бўлмасми?! Шундай бўлса, ҳар

кимнинг ўзиники ўзига яхши. Биров ундай, бундай де-моқ даркор эмас. Ҳар ким ҳам бўлса йиғитга ёр бўл-мадими, ҳеч нарсаи бўлмади. Ҳар қандай дилбарга эр бўлмадими, уники ҳам бўлмайди. Бунинг икковининг ҳам бири бўлмаса, бири қандай бўлади?! Гўрўғлибек улай-булай деб ёрининг кўнглини овлаб, парининг ҳам димоғи чоғ бўлди.

Гўрўғлибек ҳар ерда, ҳар мамлакатда ўйинчи бор-ми, дорбоз борми, наъмагар борми, оҳангар борми, сухангар борми, масҳарабоз борми, элда юрадиган, юртни хурсанд қиладиган одамлар бўлса, олиб кела бе-ринг,—деб жамъи элга хабар қилган эди. Ана одамлар гирас-гирас, тўда-тўда, бўлак-бўлак, аймоқ-аймоқ, эл-эл, ўрда-ўрда келаётири, келгани жой олиб саросита-сини олаётири, қанча бакавуллар, арбоблар, оқсоқол — бари жой боплаб келган-кетганини ўхшатиб бажариб юрибди.

Подшолик тўй, жамъи элдор, катталар чопқилла-шиб, югуриб юрибди. Ҳаммаси хизмат қилади, ҳеч ким қараб турмайди, ҳар ким ўзининг қўлидан келар ишини қилиб ётири: қассоб — мол сўймоқ, ошпаз — ош пишир-моқ, гўшт пиширгич — шўрвасини пишириб, нонвой, нонпазлар — нон қилиб, ҳар ким қўлидан келган ишига [уриниб] ётибди, катта тўй, тўй шоҳона, Гўрўғлибек шодмонлик тўй қилган, ҳар ким шу тўйга келган. Бир ёқда полвонлар кураш тутиб олишиб ётибди. Кўп эл-катта полвонларни ўртага чиқариб, биттани йиққанга катта сарполар бериб, полвонларнинг димоғини чоғ қилаётири. Ана кураш қизиган сайин қизийётир, ўйин-чилар ўйинни қизитаётир. Шў замонда, шў вақтда элга нима эътибор бўлса, қадри кўп бўлса, Гўрўғлибек элнинг кўнглини овламоққа, эли-юртни қойил қилмоқ-қа, шундан кўп қилдириб, тўй кун-кундан қизиб, вағир-вуғури, тақир-туқур, тарс-турс, пас-пус кўпаяётир. Ҳам-маёқ одам, ўзбак боласи, ўттиз икки уруғдан шу тўйда бор. Ҳар ким ўз жапси билан, ўз расми билан, ўзининг жамоаси билан тўп-тўп, эл-эл, уруғ-уруғи билан, ҳар ким суйган кўнгил хоҳишини кўриб, томоша қилиб, ав-валдан охир ўзбак боласига шу.

Туркистон ичида кўпкари деган бир нарса ҳамиша бор, ҳамма вақт қизиқ, доим эл-элат деган гап, уруш, гириш, тарафкашлик, бир-бирига тараф бўлиб тортиш-моқ шул кўпкардан чиқади. Агар бир ерда, бир элда,

уруғлашиб урушибди деса, шўл уруш боши — энаси — кўпкари. Кўпкари шундай урушга яқин баччағар бўлади. Тўйнинг шўл хонада оғир — зўр иши кўпкари бўлиб ётибди. Ана энди не бир бўз болалар, бир билак полвон йигитлар ҳа, деб тортишиб, жонининг борича бўйин қип-қизил бўлиб, хўп, деб тўдадан [улоқни] босиб, ҳай-ҳайни солиб: Тура бор-тура бор, — деб қайтар, ҳа баччағар, қайтар, ҳа, маҳкам бўл, ҳа, баччағар, совиб ол, отни бўшат, ҳа, баччағар, отни бўшат, ҳа, жиловидан олма, агар зўр бўлсанг, чилбир солма-да, ака, танти чоп, қайишра ўрама, эр бўлсанг, танти чоп, шундай қилиб босиб чиқсанг ҳисоб-да! Доим чатоқ қиласан, фирриб қиласан, сенинг солиминг ҳаром, ака. Сен ҳам бир қўллаб уриб чиқсанг экан, биз қойил бўлсак?! Ака, кўпкарини от чопади-да, бундай қизима, отингга ем бер-да, ем еса чиқади-да. У, ака, тўрва ярайди, тўрва ем от қилади-да, — деб вағир-вуғур чангиб, ётибди тутаб. Бакавулләр гаранг бўлиб қолибди, қанча баковул бўлса, байтал минган билан чўбир, чўнтоқ минганни ўртага олибди. «Ана унинг солимини, муновнинг солимини бер-да, ака», — деб жиловлаб юргизмайди. Ҳа деб бакавулләр бераётир. Жуда беримли тўй бўлди. Гўрўғлибек қўли улоққа тегса, бера беринг деб қўйган эди. Ўзбака расм шу. Агар бирови тўй қилса, бошқа эл-элати йиғилиб келса, кўпкарини ўхшатса, қизитиб беримли бўлса, ўзбак шул тўйнинг бари жуда бежой, қизик бўлди-да, деб ҳар ерда мақтаб, тўй бўлса шундай бўлса, деб мақтагани мақтаган. Шу сабабдан Гўрўғлибек Ёвмитнинг бир бўлак одамига кўпкарини алоҳида тайинлаган эди: «Сизларнинг бошқа ишга ишларинг бўлмасин, ҳар қандай қилинг, кўпкарини ўхшатиңг. Сизларнинг қиладиган ишларинг шул. Кўпкарининг нима камми бўлса, айби бўлса, биров ўпкалайдиган, араз урадиган айби бўлса, унинг гинаси, зиммони сизларнинг бўйинларингизга. Сизлар сира тўн кетади экан, улоқ-така кетади экан, ё пул кетади экан деманг. Асло-асло парво қилманг, ҳар қандай қилиб келган одамларнинг вақтини хуш қилиб, тўйдан шод бўлиб, хурсанд бўлиб кетса бўлади. Ҳай, аттанг, бу Гўрўғлибек бундай тўй қилиб, элни хурсанд қила олмаса, қилмаса бўлмасмикан<sup>1</sup> демасин», — деб Гўрўғли айтган эди.

<sup>1</sup> Қўлөзмада *бўймикан*.

Ана шу тўйда [ҳар нарса] бор, иш бир ёқ, тўй бир ёқ, бошқа ҳангамаси ҳам ҳаддидан ошган, борган эл ҳам дарёдай тошган, ана кундузги томоша: кўпқари, хураш, дорвозлар, масхарабоз, наъмагарлар ҳар хил ҳунар, нима бўлса барини кўриб ётир. Оқшом бўлса катта-катта олти қанот — юз ўн бошли, юз йигирма бошли<sup>1</sup> уйларга, катта чотирларга одамлар лиққа тўлган, катта созандалар созни созлаб, бўтадай бўзлаб, ҳар тусли ўтган кишилар сўзлаб, бир-биридан баланд келаман, деб ҳар тусли оҳанг, довушларга солиб айтиб ётибди. Бошқа бир хил уйларда бўз болалар мушглаб тиққандай жам бўлиб, не бир сулув барнолар — қоши ханжар, қадди санобар, тишлари гавҳар, ҳусни бир моҳи пайкар, лаблари қирмиз, сўзлари шакар, кўзлари жоду, ошиқ элига жодугар, сочлари сунбул, зулфлари мори сиёҳи аждар, уларнинг ишқида соб бўлиб, тоза ода бўлган чандон-чандон йигитлар, йигитликда ўтадида, нимасини айб дейик, кўзига қарамай чопқиллашибди. Не давур мўйсафидлар. Уйнинг бир ёғида қизғолдоқдай жайнаб турибди не бир оқ дозли, ширин сўзли парилар. Бировига қарасанг, униси бундан яхшидай, икковидан кейин турган булардан ҳам яхшидай. Дапларни қанқиллатиб ураётир, ўртада не бир ингичка нозик маҳвашлар ошиб тушиб ўйнаётир; бу ёғи қизил тоғ лоласидай жайнаётир. Одам шундай тиқилган, борганча жой тегмаётир, бу уйда жой йўқ экан, деб айтмоқдан ортиқ келаётганини қўймаётир, олти қанот уйларга одам сиғмаётир, ҳеч кимнинг кетгиси келмаётир. Ёш, қари — тўйдаги одамнинг бари шанқай маст, баригинаси тандирдай қизиган, базм тоза чирсиллаб кетган, ҳеч кимнинг одамда иши йўқ, ҳар ким ўз бошига, кўнгили хоҳишига, ўйинчи қизлар пиёла тутиб ҳеч кимни келтирмайди ҳушига. Бир хил йигитларни ўзидан айирмайди, оқшом олиб ётарми қошига; мен шуйтиб ҳайрон қолдим сулувларнинг ишига, илгари сира-сира қарамовчиди кишига. Тўйда уларга нима бало бўлди, чироқнинг ёриғида чиқаргудай бўлаётир тўшига; йигитлар ҳам тиклаб қопти жоду кўзи билан қалам қошига, баракалла, шу йигитларнинг сабр-бардошига; оғзи иржайиб, кулиб ўтирир шуларнинг имлашига!

Ана кўпқариси қизик деб эдик, базми ундан ҳам қи-

<sup>1</sup> Олти керагали, юз ўн, юз йигирма увуқли ўтов.

зиқ бўлди, не бир одамлар шў барноларнинг ўтига куйиб жизиқ бўлди. Бир хил одамлар бизларга шуниси бўлади-да, деб умиди узик бўлди. Шундай бўлса ҳам бир хил ростларининг кўнгли тузик бўлди. Уйинчиларнинг панжаси тўлагина тилла-кумуш юзук бўлди. Одамнинг кўпини йўлдан чиқарган ўртадаги ўйинчи кўзи сузик бўлди. Бўлмаса шу оқшомги базм жуда тузик бўлди.

Ана энди шундай талотўп, нари тур, бери тур йўқ, қиз-хотин аралаш, ўйин-кулги, талотўп, хоҳ оқшом, хоҳ кундуз шу тўйнинг охиригача ҳангама шул, кунига оқшом базм, кундуз кўпқари, кураш, дорбоз ўйини, бошқа масхарабоз, кундуз ҳам нағмага, ҳар тусли ўйинга шоирларнинг дostonлари, ҳикоятлари, ҳар хил-ҳар хил ширин гаплари, дотор, сетор, қўбиз, бошқа нағма, усуллар билан ҳар ким ўз олдига қўлидан келганича ҳа деяётир. Ҳар қайсисининг устида одамлар тўда-тўда, талотўп, тиқилинч, итариш, ҳа деб ётир. Уйинчи ўйини билан, нағмагар нағмаси билан, хушоҳанг-хушхон ингичка довушлари билан булбулдай сўйлаб ўқиб турур. Катта, атоқли созанда [лар чертиб турур]. Жувонлар кокилини тишлаб, ўртада диркиллаб ўйнаб юрур. Дорбозлар дорларни баланд қуриб ҳа деб ошиб-тушиб ўйнаб ётир. Кураш-бир ёқда, не зўрлар инқиллашиб олишаётир. Бир четда, кенг жойда, текисда кўпқари чопиб, нечовларнинг бетига қамчи тегиб оғзи-бурни қонаб юрур. Узоқдан, яқиндан ҳар ким келса, бу тўйнинг бир нарсаси кам экан, деб айтолмайди, нима деб изласа, бари бор, ҳеч ким бу ери бундай деёлмади, Гўрўғлибек жуда ҳам ҳимматлари келиб, ҳа деб чочаётир, ўзини талатаётир.

Бек Гўрўғли ғайрат қилди,  
Катта тоғдай ҳиммат қилди,  
Қримни об келганига  
Бир тўй, кўп жамоат қилди.

Бир тўй бўлди ҳаддан ошиб,  
Бакавуллар қолди шошиб,  
Бир талотўп қизиқ бўлди,  
Ота боладан адашиб.

Ўзи тўй, бир қўшин бўлди,  
Тутилган оташин бўлди,



Ҳеч ким бундай иш қилмас,  
Йиғин тўдалашин бўлди.

Уттиз икки уруғ келди,  
Ҳаддан ошган йиғин бўлди,  
Ўртага тушса бир ночор  
Чиқуви ҳам қийин бўлди.

Кўпқарисининг тўдаси —  
Кичиги ўн бўйин бўлди.

Кеч бўлди, совурми десанг,  
Қизув боргансайин бўлди.

Кундуз бўлди кўпқариси,  
Оқшом базм-ўйин бўлди.

Кун ботгандан хуфтонгача  
Мойли полов тўйин бўлди.

Бошқа тўйлардаги базм —  
Бир фасл, ҳар дойим бўлди.

Бунинг базми бузилмаси,  
Ҳар оқшом бир зайил бўлди.

Тўй деб юртга хабар солди,  
Яхши оти бор қолмай келди.  
Не бир билак полвонларни  
Тўда-тўда ўртага солди.

Сер ем отлар, чин бедовлар,  
Қанқиб чиқиб улоқ олди.  
Иқламалар, қоракашлар  
Чиқмайин тўдада қолди.

Келган одам ҳар уруғдан,  
Келгани суи-суридан,  
Емак, ичмак, айтиб бўлмас,  
Ками йўқ томоша кўрувдан.

Бўз болалар ҳе армонсиз,  
Жеримай, тинмай юрувдан.

Қайда борса безор бўлар  
Жой йўқ дейишиб итарувдан.

Тўрт-беш борса жой топилмас,  
Жой олади кўп борувдан.

Йиғилди, одам жам бўлди,  
Бормаган одам кам бўлди,  
Борган бари шоду хуррам,  
Бари кулиб беғам бўлди.

Ҳеч ерга тўйга сизмади,  
Бо келарини қўймади,  
Бек Гўрўғли Ҳотамтой-да,  
Бирор қобогин уймади.

Қанча кўп бўп от кетса ҳам,  
Ботирга қаттиқ тиймади.

Қайси ерга бориб кўрсанг,  
Одами уйма-туймади (р).

Бакавуллар шошиб ётир,  
Меҳмонларга жой тиймади.

Қайси бирига жой бўлсин,  
Меҳмон ҳам юртга сиймади<sup>1</sup>.

Тўйнинг қизиғи кўпқари,  
Шу деб келган одам бари,  
Кўпқарисини ўхшатинг,  
Тўйнинг жуда қизиқлари.

Гап шул дейишиб кўп баковул,  
Чортоқ қуриб хизматқори.  
Югуриб хизмат қип юрур  
Така-Евмитнинг беклари.

Майда-чуйдага иш тегмас,  
Қатта бекларда иш бари.

---

<sup>1</sup> Сизмади.

Одамлари бўлинсин деб,  
Ол энди чиқди кўпқари.

Ол кўпқари чиқди дейишиб,  
Чиқиб кетди элнинг бари.

Кун чиқмай улоқ ташлади,  
Боллар талаша бошлади.  
Ёш баччалар ёш отларин  
Тепинишиб киш-кишлади.

Бир хили олди ошириб,  
Баъзиси тағим ташлади.

Бир хиллари сўзилишиб  
Узоқроқдан ушлади.

Ҳар ким энди ўз олдига  
Такани торта бошлади.

Ўзи оғир катта така  
Салмоғин ерга ташлади.

Билаги зўр кучли улар  
Ҳа деб кўтара бошлади.

Бир хил зўрлар совуб олиб  
Бир боп ерин топиб олиб,  
Ҳамма бирдан от қўйибди,  
Бир-бир отин чолиб олиб.

Не бир отлар силтаб кетди,  
Тулпор отлар зўрлик этди,  
Бир хил эпчил, уста йигит  
Урай соп ҳа деб жўнатди.

Ўзи дилгир илдам отлар  
Қанқиб ёлғиз чиқиб кетди.

Танҳо бориб солим қилди,  
Қўрганлар офарин этди.  
Бир хил отлар иқилиб қолиб  
Устидагисин койитди.

Чиқа солиб отин бериб,  
Бошқа отга оғишиб ўтди.

Не бир уллар жонин сотди,  
Зўр йигит ҳунар кўрсатди.

Отига ҳам зўр келтирмай,  
Амал билан чиқиб кетди.

Қойил қилиб йигитларни  
Олиб бориб солим этди.

Олган шод бўлди, қолгани хафа,  
Олмаганлар уриб отларни чопа,  
Эгаси бақариб айтар ҷолвонга:  
«Жайрагурни чет оп чиқиб бир сава.

Қуруқ қоладиган бўлдик улоқдан,  
Терини қотириб бир ҳа деб чоп-а».

Қатта така босар сатта зўрабор,  
Қам кучи йўқ, зўрликлари баробар.  
Улоқ тегмай тирра бўлиб юрганлар,  
Қўли тегса шовқум солар:— Тура бор.

Улар ҳам айтади:— Чиқариб сол-да,  
Ҳалол қилиб улоқ ол-да, биродар.

Тўдада турганга улоқ не даркор,  
Тўдадан чиқмаса бекор ёронлар.

Улар ҳам келишар:— Тўхта, тура бор,  
Бу ёққа қара бўйни йўғон зўрабор.

Эса шунинг ушлагани бекорми,  
Унда сеники ҳалолми энағар?!

Сен бир-икки така олдинг шекили,  
Сен улоқдан тўйиб қолдинг шекили,  
Ҳаром дейсан, тоза ўнғай босганни,  
Ҳаромли ул ўзинг бўлдинг шекили.

Бизлар шуйтиб боссак улоқни оламиз,  
Биз ҳаром демаймиз, ҳалол қиламиз,

Сендан бизлар кам бўн юрган эл эмас,  
Камликка кўнмаймиз, биз тенг бўламиз.

Қани, ҳаром қил-чи, сени кўрайин,  
Сенинг билан бир шекилли бўлайин,  
Сен жуда ўзингдан ёмон кетибсан,  
Зўрлик қил-чи, сени кўра қолайин.

Отини тепиниб, этак ялпираб,  
Неча бир тентаклар юрур валдираб<sup>1</sup>,  
Қамчи тикка, қулоққа гап кирмайди,  
Бўкириб, сўкиниб юрур шалдираб.

Айрил,— дейди,— бизнинг элдан бўлганинг.  
Жонинг йўқми, баччағарлар, келганинг,  
Эл бўлсанг тенг бўл-да, камга кўнма-да,  
Қани бориб солимингни олганинг?!

Шуй деб келишади бари вағирлаб,  
Бари бирдан гап шўй, дейди жобирлаб,  
Ана энди икки уруғ қизийди,  
У ёғи ёпишиб ётир шабирлаб.

Не гўзаллар энди бўйни қизариб,  
Чирпиниб турибди ўртада бориб,  
Ҳа дегандан ургидай бўп турибди,  
Қамчисини тикка қилиб кўтариб.

Кўп одам ўртага тушиб қолибди,  
Далага чиқ, дейишиб кўплаб итариб,  
Унча-мунча сўзга қулоқ солмайди,  
Удирайиб, кўндаланг бўлиб юталиб.

Икки катта уруғ бўлгидай тараф,  
Одамлар айрилди гипсига қараб,  
Муновлар авзойи ёмон бўлди деб,  
Қочиб чиқди энди тожикман араб.

Ана ўзбак уруғиман тўп бўлиб,  
Вағирлайди, уруш катта гап бўлиб,

---

<sup>1</sup> Кўлёмзада болдираб.

Икки уруғ тарафкашлик қилади,  
Кўшқарида қолаёзди чап бўлиб.

Гўрўғлидан тайсаллашиб катталар,  
Бўлмаса ур-а, ур, шиппа-шип бўлиб.

Каттаконлар жонин сотаётири,  
Ёмонни етаклаб кетаётири,  
Гўрўғлидан уялади бир хили,  
Қўй энди деб сўкиб ўтаётири.

— Бузасанми валламатиңг тўйини,  
Билмайсизлар урушмоқниңг жойини,  
Икки уруғниңг ўз каттаси уришади,  
Сўкиниб қайтараётир раъйини.

Бўлмаса бир катта уруш бўлгудай,  
Не бир тентак қонга ботиб қолгудай,  
Гўрўғлидан қўрққанидан бариси,  
Ўз кичигин бир ошириб солгудай.

— Қўй дедим, индама, энди қўй энди,  
Зўр ҳангама, қизиқ бўлсин тўй энди,  
Бари сендан бўлаётир, гапирма,  
Гапирма, такани олдик-ку энди.

Эшитмасин бек Гўрўғли, гапирма,  
Қўяқол урушни бормаси энди.

Тарафкашлик шундай ёмон бўлади,  
Тараф бўлдик чалварингни кий энди.

Қўй дедим, қўй энди, гапирма,  
Бек эшитса ёмон уят-ку, энди.

Шуйтса бўлар кўпқарининг қизиги,  
Танҳо чиқиб илдам отниңг ўзиги,  
Зўр отлару, иши зўр йигит бўлса,  
Ярамай қолади бедов нозиги.  
Кўзига қарамай улоқ отади,  
Бирови илдириб чиқиб кетади,  
Қўли тегса жиловлайди, қўймайди,  
Тўхтатаиб ушлашиб тўда этади.

Яхши тулпор ушлатмайди ўзини,  
Асли илдам бўлса қандай етади.  
Ўзбакларнинг шу ерда ишқирмаси,  
Ўзбак кўтаради ундай шовқини.

Ундай ерда асл бедов ярайди,  
Қочса қутулади, қувса етади.

Бари ғунон, дўнон така отгани,  
Кучинг бўлса сен ҳам бориб торт қани.  
Об юролмас оғир така, йигит кўп,  
Ўзбак турсин, чолиб кўрсин сарт қани.

Ундайда бир қўллаб чиққан ўзбак-да,  
Кўпқари дегандан чаққон ўзбак-да...  
Югурук тулпор, илдам чопган ўзбак-да.

Кечга давр кўп такани ташлади,  
Чопқир уллар, зўр йигитлар ишлади,  
Икки уруғ тортиш бўлди кичикроқ,  
Не гўзаллар қамчисини тишлади.

Ул босса буниси бориб чалади,  
Беркит деб эгарга ўраб олади,  
Ҳа сени деб сира энди қўймайди,  
Ўзбак тараф бўлса катта балоди (р).

Кечга томон бир қизиди кўпқари,  
Тараф бўп тортишди йигитнинг бари,  
Шундай-да билинар полвоннинг зўри,  
Энди ангниб тортишади ҳар бири.

Йкки уруғнинг бўз боласи тишлашди,  
Тўда-тўда тараф бўп қаттиқ ушлашди,  
Тараф бўлса шундай бўлар кўпқари,  
Қўлининг устидан тақим ташлашди.

Торт-а, торт дер, бос-а, бос дер тўдада  
Не гўзаллар ўрталикда пешбошди (р).

Не бўз бола жуда бўлган дарқаҳар,  
Ундан баланд келаман деб йигитлар,  
У ёқ босса, олдин олиб юбормай,  
Қўштақим бўп тортиб турур баробар.

Бир-бирининг гўштин бўлиб егудай;  
Қўли тегса тўхтатади не уллар,  
Шундай бўп қизиди кечроқ кўпкари  
Пишнаб, чарчаб не бир югрук тулпорлар.

Иш кўрсатди, кўпкарини қизитди,  
Тортишади қарсиллашиб полвонлар.

Икки уруғ дуч бўлди,  
Ол-ҳа кеч-а, кеч бўлди,  
Ҳей-ҳей тортишди полвонлар,  
Энди кун ҳам кеч бўлди.  
Ичкилик ҳам жуда кўп,  
Оқшом ич-а, ич бўлди.

Ана кун кеч бўлди, кўпкарин қўйди,  
Тиқилишиб олди одамлар уйда,  
Кеч бўлди, одамлар келди жойига,  
Еди-ичди, очлар хўракка тўйди.

Қир одамга бир қора уй тикилган,  
Уйи йўқлар тузаб чотирлик жойди.  
Оқшомиман базм тағи қарсиллаб,  
Тонг отганча ҳа деб ичади майди.

Қарилар уйларда ағнаб ётибди,  
Ёшлари базмда ўйнаб ётибди,  
Қарининг хўракдан бошқа неси бор,  
Мойли полов ҳа деб чайнаб ётибди.

Хўрак зўрлик қилса тайёр аччиқ чой,  
Самовар тинмасдан қайнаб ётибди.

Қариган сўнғ унга ҳеч иш ярашмас,  
Қайтсин чоллар қорнин силаб ётибди.

Иигит алоқ бўлар, ҳеч не ўйламас,  
Қарилар шумликни ўйлаб ётибди.

Қорни тўйган одам кўпдир, ёронлар,  
Пасту баланд ҳа деб сўйлаб ётибди.

Гўрўғлининг тўйи яхши бўлди-да,  
Қариларни жуда сийлаб ётибди.



Тенг отганча тасир-тусир чопишиб,  
Жувонлар тинмасдан ўйнаб ётибди,

Не барнолар соҳибжамол, қалам қош  
Ўйнаб жонин фидо айлаб ётибди.

Не бир созандалар, наъмағар эли  
Булбулдай бўп ҳа деб сўйлаб ётибди

Тўй талотўп бўлиб ётир тинмасдан,  
Тобистон бозордай гувлаб ётибди.

Қўп сулув ўртада юрур диркиллаб,  
Ҳамма эл томоша айлаб ётибди.

Арақ ичиб ўзин билмай нечовлар  
Ўлдим деб йиғлаб вой-войлаб ётибди.

Шул тартиб талотўп бўлиб қирқ кунча  
Евмит-Така эли тўйлаб ётибди.

Ана энди шу зайилда ҳеч одам кўрмаган, қулоқ эшитмаган бўлиб, биёбон дала одамга лиққа тўлиб, кундуз ҳа деб кўпқари, ҳа деб кураш, оқшоми билан тинмасдан базм бўлиб, ...тўй ҳам бўла берсин, кўпқари, кураш, базм ҳам бўла берсин, қирқ кунгача шундай талотўп бўлиб ёта берсин.

Ана энди шу тўйда олисдан, яқиндан, ўйдан-қирдан, баланддан-пастандан, тоғдан-зовдан — элдан йиғилган одамлар бари маслаҳат қилиб, қирқ йиғитни ўртага олиб, ҳаммаси гапни бир ерга қўйиб иттифоқ билан тўп бўлиб, Гўрўғлибекнинг олдига бориб:— Тақсир подшоҳим, валламат, баримиз тўйингизга келдик, бизлар сизга меҳмон бўлдик. Илгари фуқаро бўлсак ҳам, ҳали сиздай валламатга меҳмонмиз. Бизлар сиздай улуғ валламатимиздан бир нарса тилаймиз. Берсангиз, ҳаммамиз хушнуд-хурсандмиз, бермасангиз, жуда қаттиқ араз урамиз. Тўйда араз урса ҳам дуруст. Бу Ўзбекистон юртида араз урмоқ тўйда бўлади-да! Энди, тақсир, бизларнинг тилагимизни берсангиз, сиздан жуда хушнудмиз. Бўлмаса, сиздан кўнглимиз қолади,— деб араз қилди. Ана Гўрўғлибек буларнинг кўнглида не борини билмай:— Хайр, сизлар йиғилиб нимами тиласанглар

ҳам бераман. Рост айтасизлар, биз сизларни тўйга айтдик, сизлар ҳали бизга меҳмон, сизлар кўнгилларингдан нима бўлса, тилаб олинглар, бераман. Ҳозир шу Чамбилда Фирқўк отимдан яхши кўрган нарсам йўқ. Икки ёримдан, икки ўғлимдан ҳам отимни яхши кўраман. Фиротимни сўрасанглар, берайин,— деб бекнинг ҳиммати жўш қилди.— Сўраб олинглар, бердим,— деди. Шунда жамъи [одамлар] бердингизми?— [деди].— Бердим!— деди. Ана шунда катта мўйсафидлар бариси аввал шул масал-нақлни айтади: «Хон берганин қайтарма. Хон ҳам ўтирик айтарма»,— деган экан. Энди тақсир бизларга бердингиз. Ана бизлар сиздан ҳам отангиз, ҳам тоғангиз Аҳмад Сардорни тилаймиз. Ҳар қандай ёмон ҳам бўлса сизнинг тоғангиз. [Нима қилса], сизга эркалаб қилади. Лекин бу сафар иши жуда ёмон, ёмон ҳам бўлса сиз ўтасиз, чўнгсиз, улугсиз,— деб бари бирдан қуллик деб тура борди.

Гўрўғли айтди:— У, ёронлар, мен аввалдан тушунмадим, мен сизларни Сардорни тилайди деб сира кўнгилмага келмади. Мен булар тўйдан бир лозима, бир нарса топибди-да, шунини шундай қилсак яхши бўлади, деб келибди-да деб эдим. Энди сизлар мендан Сардорни тиладинглар. Ҳамманг Сардорни биласан. Мен ҳаддан ташқари сийладим, гуноҳини ҳам армонсиз кўп ўтдим. Бу Сардор билмади, ёмонлигидан дим қолмади. Барингнинг хабаринг бор, мен шу Сардорга аввалдан охиригача ҳеч бир ёмонлик қилдимми?! Сардорни ҳам биласизлар, у менга ҳеч яхшилик қилдими?! У, йигитлар, ў, ёрон, қариндош, энди Сардорнинг ўлмаги дуруст эди. Эндиги асл ҳаққи шул! Нима қилайин, сизлар баринг бир бўлиб Аҳмад Сардорни тиласангизлар, бор бердим!— деб юборди. Турган эл бирдан туриб қуллик қилиб, Сардорни тилаб олдилар, элдорлик қилдилар. Одам юбориб Аҳмад Сардорни шу тўйга олиб бордилар. Гўрўғлибекнинг оёғига йиқдилар, бекни тоғаси билан яраштириб, тўйни гурсиллатиб қила бердилар. Доимгидай талотўп бўла берди. Энди сўзни бошқа ердан эшитинг.

Гўрўғлибек Қримни олди, ўртадан уруш йўқ бўлди. Ҳасан Кўлбар Авазхондан кўп хавотир қилиб, мабода баччалик қилиб урушгами, юришгами борса, шунда бир ҳодиса бўлса, мен оға Юнус парига шарманда бўламан,— деб бечора асло ухлаёлмай юрган эди. Ана энди

икки подшоҳ ярашди, уруш йўқ бўлди, Ҳасан Қўлбар бобонгизнинг кўнгли жойига келди, ўзига-ўзи кенгаш берди: «Ана энди иш яхши бўлди, уруш йўқ бўлди. Энди Холдорхон подшо Гўрўглибек билан созлашди, шоҳона тўй қилди, энди тўй ўтди. Гўрўглибек худой билди жўнайди. Мен энди Гўрўглибек жўнайман деганча бир соз жойни олиб ухлаб олайин, бўлмаса пиёда чарчаб ҳам юрмайин»,— деб тоққа бориб бир салқин ерни топиб: «Озгина бўлса ҳам бир кун мизғиб олмасам, мазам кетиб бораётир. Агар йигирма кун ухласам, уйқум қонар эди, ўн кун бўлса ҳам бир тарзи бўларман»,— деб ағнаб ухлаб қолди. Ана энди Қўлбар ухлаб ётсин, Қайсар шоҳнинг одамлари Холдорхондан ҳам қочиб, ўлмаб қолганлари ҳа деб Борса келмасга қараб бораётга бир ерда Ҳасан Қўлбар ухлаб ётибди. Бариси таниди: Ҳасан Қўлбар. Шунда ҳаммаси бир-бирига қараб: «Шул Ҳасан-ку, бизнинг элининг кўпини ўлдирган. Энди буни не қилар эканмиз, қандай қилиб ўлдирамиз»,— деб турганда, бир хиллари: — У, ёронлар, ўлдирмайик, буни уйқуда пўлат занжир билан жуда ўхшатиб бойлайик, ундан аравага солиб шаҳарга олиб борайик шаҳардаги одамлар ҳам кўрсин. Бизлар нимага қочиб борамиз. Бо яна шоҳимиз ҳам ўлди, катта-катта умаролар, амалдорлар, шундай улуғ одамлар ўлди. Бизлар борсак, ҳамма юзимизга ҳар нима деб айта берар. Агар шул Ҳасан Қўлбарни олиб борсак, одамлар кўзи билан кўрса, бизни шундай одамлар қирди десак, дуруст экан дейди, бўлмаса, сизларга нима бўпти одам бўп, Гўрўглининг оз одамидан қирғин еб қочиб келибсизлар,— деб ҳамма айта берар. Оғайин, шуни тирик олиб кетайик,— деб Ҳасан Қўлбар ухлаб ётган ерида ўн ботмон дорийи беҳушни бурнига қуйиб, жуда ўхшатиб, ҳар қўлига саксон ботмондан ўзига муносиб қилиб ҳафтжўш пўлат-темирдан қуйиб, қулфни қилиб, Ҳасан Қўлбарни кўплашиб аравага солиб, аравага беш-ўн отни бирдан қўшиб, судратиб Борса келмас олиб кетди.

Гўрўглибек Чамбилга келди, Ҳасан Қўлбар йўқ. Оға Юнус пари айтди:— Менинг акам Ҳасан Қўлбар қани?

Гўрўглибек:— Йўлда қорни оч қолиб, ов қиламан деб кейин қолгандир, келиб қолар,— деди. Авазхон ҳам эна-сига шу жавобни айтди.

Ана энди тўй ҳам ўтди, Ҳасан Қўлбар йўқ. У ёқ-бу ёқни ахтарди, Қўлбар йўқ. Охири Ҳасан Чопсонни

Қримга юборди. Ҳасан Чопсон Қримга давр кўриб кетди, Кўлбар йўқ. Ана энди Оға Юнус пари Авазхонга:— Баракалла, ўғлим, мен доим сиздан хабардор бўлсин деб юбориб эдим, сиз қандай қилиб ташлаб келдингиз, жўралиқ шундай бўларми,— деб кўп типирлади. Ахири қандай қилсин, ўйлаб-ўйлаб Оға Юнус пари:— Менинг акамни сизлар ишлатиб-ишлатиб, душманларингни қирдириб, ўзинга қарамай тўғри қочганларинг қандай?!— деб иложини топмай, Мисқол парини Кўҳи Қофга учирди. Кўҳи Қофда Ҳасан Кўлбарнинг бир ўғли бор эди, отини Самандар дер эди, у Ҳасан Кўлбардан ҳам баҳодирроқ дев эди. Ана энди Оға Юнус пари Самандарга хабар бер, отасининг дарағи йўқ»,— деб Мисқол [парини] учирди. Мисқол пари Кўҳи Қофга учиб келиб, жамъи парилар билан кўришиб-сўрашиб, ундаги парилар ҳам оға Юнус парини сўраб, эсон-омонлигини билиб, Мисқолни меҳмон қилиб, зиёфат қилиб ҳай сийлади. Оқшом ётди, эртан тонг отди. Мисқол пари Самандарни ахтариб, девлардан сўраб излади. Сўнг билса, Кўҳи Қофнинг нар ёғида Дашти Ҳайҳот деган бир катта жазира бор экан, шўл жазирада Самандар поданинг ошиғидан ёққа қилиб, девларнинг болалари билан сепой ўйнаб юрибди экан. Самандар Мисқол парини кўрди:— Бек Гўрўгли, Чамбилнинг соҳиби, бадавлат езнам омонми, жамъи париларнинг улуғи — тождори оға Юнус пари одам омонми, жиянимиз Авазхон полвон ўғлон омонми, у ҳам жиянимиз, Ҳасан марди даврон омонми? Энди сиздан сўрайин, Кўлбар отам омонми, яхши-ёмон шўл ёнадонда юрган Ҳасан Чопсон омонми, Ҳасан Якдаст омонми?— деб буларни бош-бошига сўраб, ундан сўнг, опа нимага келдинг, деб бир сўз деди:

Чамбил белнинг аввали бадавлати,  
Ҳамма подшолардан зиёд шавкати,  
Мен сўрайман, опа, Чамбил элати,  
Назаркарда, опа, езнам омонми?

Боғ Эрамда париларнинг сарвари,  
Шў ёқда бўлса ҳам шулар раҳбари,  
Жамъи пари, улуғларнинг тождори  
Оға Юнусдайин опам омонми?

Хиромон бўйлари, юзлари бўстон,  
Ҳар қилган ишлари оламга достон,

Хур масаллик ўғлон, тарафсиз полвон  
Жиянимиз Авазхонжон омонми?

У ҳам жиянимиз, Авазнинг бири,  
Сайланишиб юрган эрларнинг эри,  
Ҳозирда Чамбилнинг атоқли шери,  
Ҳасан марддай, опа, арслон омонми?

Омонми езнамнинг қирқ йигит шери,  
Саваш бўлса мингга теккан ҳар бири,  
Омонликми, опа, Чамбилнинг бари,  
Элатингда яхши-ёмон омонми?

Кўҳи Қофда жамъи девнинг сардори,  
Ундан хавф айлайди девларнинг бари,  
Оти Ҳасан лақаб бўлган Қўлбари,  
Сўрайман отамиз Қўлбар омонми?

Сени кўриб, опа, бўлдим бетоқат,  
Бу келганинг, опа, йўқ безарофат,  
Эли-юртинг борми, опа, саломат,  
Опажон манзилинг, жойинг омонми?

Мен юрибман дашти Ҳайҳот дашида,  
Самандар дев ўйнаб денги-дўшида,  
Опа, кепсан бир хизматнинг бошида,  
Кўрган кўзлар соғ-саломат, омонми?

Ҳасан Чопсон ер юзининг жуйруғи<sup>1</sup>,  
Қўлига илинган Фирнинг қуйруғи,  
Нима бўлди Юнус опам буйруғи,  
Отам жўралари, девлар омонми?

Ё Юнус опама бир гап бўлдими,  
Самандар дев даркор бўлиб қолдими,  
Опам соғми, ё бир хафа бўлдими,  
Нега келдинг, Мисқол, опам омонми?

---

<sup>1</sup> Бир куни Авазхон Фирқўни миниб қочганда тўрт оёқли ҳеч йилқининг боласи етолмаган. Ол энди қутулдим, деб бораётганда шу Ҳасан Чопсон қувган. Авазхон ҳам Фирга қамчини берган. Чопсон Фирқўннинг қуйруғидан қаййриб тўхтатган. Аваз кўрди, қочиб қутула олмайди, алдаб ташлаб кетган. Самандар шунини айтди (Шоирнинг ўз изоҳи).

Не сабабдан сен қўзғолдинг жойингдан  
Бундай вақтда чиқмас эдинг уйингдан,  
Менга билдир кўнглингдаги ўйингдан,  
Ўйнаб-ўсган денги-дўшлар омонми?

Жон опа, тез гапир, кетди мажолим,  
Сени кўриб ўзга бўлди аҳволим,  
Не зулми қилди бу фалак золим,  
Мисқол опа, отам, опам омонми?

Жон опа, келибсан сўзлагин қани,  
Сўзингдан хабардор айлагин мени,  
Бу ҳолда кўрмовчим<sup>1</sup>, жон опа, сени,  
Бизга яқин элман элат омонми?

Кўҳи Қофга келиб меҳмон бўлибсан,  
Турмабсан, ўтиб Ҳайҳотга келибсан,  
Менга кепсан, опа, бир гап қилибсан,  
Бошқани қўй, Юнус опам омонми?

Сенинг бу келганинг менинг учунди,  
Душмандан қўймай оларман ўчимди,  
Ғаним бўлса кўрсатарман кучимди,  
Менга кепсан, опа, уйинг омонми?

Сен келибсан, опа, бир иш бошида,  
Бўлмаса келмайсан Ҳайҳот дашига,  
Нега ўтирмай Юнус опа қошида,  
Бир ишга келибсан, опам омонми?

Сенга даркор бўпти полвон Самандар,  
Албатта бўлибсан, бир ишга музтар,  
Бўлмаса юрмайди сендай парилар,  
Сўйла, опа, ўйинг, фаҳминг омонми?

Юнус опам бўлса соғу саломат,  
Ўзгаси саҳалдир, меҳнати роҳат,  
Сени кўриб бағрим бўлди жароҳат,  
Ўзгани қўй, Юнус опам омонми?

Нега келдинг, опа, чопсён сўйлагин,  
Келганингнинг важин баён айлагин,

---

<sup>1</sup> Кўрмовчи эдим.

Яширма, жон опа, аён айлагин,  
Юнус опам соғ-саломат, омонми?

Самандарға қандай хизмат бўп қолди,  
Сабаб нима Мисқол пари кеп қолди,  
Баён қил келганинг, опа, не бўлди,  
Бари элат, юртинг, халқинг омонми?  
Омонми, омонми, омонми?

Ана энди Мисқол паризод гул-гул ёниб, кулиб:— Э, Самандар, хавотир қилма. Ҳамма кўз кўрган омон-эсон, соғ-саломат, вақти хушлик, айш-ишратлик, ўйин-кулги, димоғ чоғлик, хурсандлик. Оға Юнус пари сени жуда кўп сўраб юборди, сенга салом деди. Мени бориб кўриб кел, деди-да. Мен опамнинг хизмати, деб келдим-да. Кўҳи Қофга келсам, сен йўқ экансан. Парилардан сўрадим, у ер, бу ерни сўратдим, изладим. Дашти Ҳайхот-да девбаччалар билан ўйнашиб юрган эмиш деб эшитдим. Шуйтиб сени излаб кўриб кетаман, дедим. Келганлигимнинг важи езнанг лашкар қилиб, Қрим юрти — Холдорхон подшо қизилбошнинг устига борди. Уни сизлар ҳали эшитганларинг йўқ. Эшитсанг, ўзинг ҳам қутли бўлсинга бориб қолар эдинг... Ана езнанг қўшин билан қайтган. Булар Чамбилга келди, неча кунлар тўй қилиб элатига берди, ўртадан кўп кун ўтиб кетди, отангинг дараги йўқ. Ҳасан Чопсонни буюрди, Ҳасан Чопсон юзларни, хавотирли ернинг барини то Қримга давир кўриб, излаб, сўрабди. Холдорхон подшо элидан сўрата берибди, сўраштира, қримликлар айтибди, Кўлбар тоққа чиқиб ухлаб қолди: Борса келмас лашкари Кўлбарнинг устидан келиб, кўп дорийи беҳушни димоғига уриб, тоза ўликдай қилиб, ўзига лойиқлаб занжирлар, қулфлар қилиб, қўл-оёғини маҳкам боғлаб, аравага солиб, бу ердан тирик олиб кетди, дебди. Ҳасан Чопсон шўл хабарни билиб борди, бекка айтди. Буни опам эшитиб, мени сенга юборди. «Бориб Самандарни олиб кел, Самандар келсин, ундан сўнг бу ердан Ҳасан Чопсон, Ҳасан Якдастни қўшаман. Агар ўҳдасидан чиқа олмаса, ололмаймиз деса, лашкар қилиб бораман»,— деди. Мен шуйтиб келдим. Отанг Борса келмасда банди эмиш, асли душман-да, банди палласида ўлдириб қўймасин, деб опам жуда типирлаб юрибди. Кунда эри билан неча уришади. «Сен менинг акамни олиб бориб, ишнинг кў-

пини, қаттиғини унга қилдириб, ишинг битгандан сўнг унга қарамай, уриб ҳа деб кела бериш дурустми?! Акамни топиб бер»,— деб кунига уриш. Кунига Аваз-хонни неча уришади. Баракалла, полвон Аваз, мен сенга тоғангни қўшиб юбордим, сени тарбият қилади, ҳам қоровул бўлади, йўлда, жузда, душманнинг элида доим қараб юради дедим, баракалла, сиздай ўғлонга. Келарингизда тоғам қани демайсизми, изламайсизми»,— деб. Шундай қилиб, опанг кунда эри билан ҳам, ўғли билан ҳам неча уришади. Энди Самандар жур, олдимга туш, сени Чамбилга олиб бораман,— деди.

Ана энди Самандар полвон отасининг банди бўлганини эшитиб, билиб, ўйнаётган сепойни қўйиб, Мисқол пари билан Қўҳи Қофга келди. Мисқол парини меҳмон қилиб, бир оқшом сийлаб, эртан туриб парига айтди:— У, опа, эса сен Чамбилга кета бер, мен энди шу ердан Борса келмасга бораман. Агар отам тирик бўлса, иншоолло отамни айириб оларман. Агар ўлган бўлса, кўп-лаб ҳийла қилиб ўлдирган бўлса, уни биладман. Агар менинг ҳам кучим етмаса, отам тирик бўлиб, айириб ола олмасам, ундан чиқиб Чамбилга бораман. Бўлмаса, шу ердан борганим ўнғай,— деб Самандарнинг (Чамбилга) келгиси келмади. Мисқол парига ваъда бериб жўнатди. Узи Борса келмас бормоқчи бўлиб, тарадуд таҳликасини еб, анжом-яроғларини тайёрлаб, чоппа-чор бўлиб жўнади. Энди сўзни Ҳасан Қўлбардан эшитинг.

Қўлбарни неча кунлар Борса келмас олиб борди. Лекин Қўлбар сира-сира билган йўқ, жуда яхши ухлаб кетди. Бешикка солган боладай ирғаб қайта жуда ухлатиб кетди. Қўлбарни Борса келмасга олиб борди, жамъи одамлар, эл-элат, ҳаммаси хабардор бўлиб, подшосининг ўлганини эшитиб, қанча лашкарнинг ўлганини эшитиб, бари мотамдор бўлиб, дод-фарёд этиб, бирови ўтиб деб, бирови мўтиб деб, бирови отам деб, бирови акам деб, бирови ўғлим деб мотамдор бўлмаган ҳеч бир ҳовли қолмади. Шунда бариси йиғлаб-сиқтаб, сўнг билан кўнмаса иложи борми, бир-бирига тасалли бериб кўнди. Борса келмас лашкари айтди:— Бизларни қирди, кўп одамлар ўлди, кўпи шунинг қўлида ўлди. Вунинг отини Ҳасан Қўлбар дер экан. Гўрўғлибекнинг ҳамма саркорини тўғри қиладиган одами шул экан. Буни бизлар бир навъи билан уйқуда банди қилдик. Бўлмаса, бу одамга юз минг кишининг кучи етмайди. Бундай ба-



лони ҳеч ким билмайди,— деб кўп таъриф-тавсифлар қилди. Борса келмас одамлари:— Ҳдирмоқ даркор, бу бизларнинг хунхоримиз,— деб бари чувлай берди. Шунда Гўрўғлибекни кўриб, билиб, лашкарининг хурушини, урушини, юришини кўриб кетганлар Гўрўғлибекдан кўрқди, ўзлари элига маслаҳат берди:— У, ёронлар, бизлар шу одамни уйқуда банди қилиб олиб келдик. Аввали душман учун, иккиламчи сизларга кўрсатмоқ. Тағи айтмаглар, бу элнинг қўлидан иш келмайди экан, бари қирилибди, қочиб келибди, деб. Бу ҳали Гўрўғлибек деган кишининг одамларининг, полвонларининг булайроғи эмиш. Ҳали у ёқда ҳар бир катта балолари бор эмиш. Ёронлар, энди буни ўлдирсак, тағи у ёғи ҳам қўзғалиб кетмасин. Бу одам бўшайдиган балога йўлиққани йўқ. Буни шундай беркитганмиз: биздан айириб олиб, темирчиларнинг олдига олиб бориб чеч деса ҳам, ўн йилда бўшата олмайди. Энди, оғайнилар, бунинг ўлганига ошиқманг, қўлимиздаги одам-ку, ҳар пилла ўлдирамиз, энди бунинг давоси шул: ҳали<sup>1</sup> зиндон қилайик: эл ҳам бир ёқли бўлиб олсин, сариштасини тўғриласин, бир подшо бўлсин, ундан сўнг ўлдира берамиз-да, энди буни қўйинглар,— деб Кўлбарни бир катта томга солди. Томнинг тўрт бурчида туянинг белидай пўлатдан тўрт якка михни қоқди-да, Кўлбарнинг занжирларини шул якка михларга жуда қаттиқ қилиб маҳкам бойлади. Кўлбарнинг икки оёғини иккита катта кундадан ўтказиб, понани қаттиқ қоқиб қўйди, жуда беркитди. Ана энди ўзларининг ишининг сариштасига тушиб, кор-созларини тузай берди, энди Борса келмаснинг одамлари ҳам ўзларининг ғамини ей берсин, Чамбилбелда Гўрўғлибек айш-ишрат билан ўтира берсин, энди Кўҳи Қофида Ирамнинг боғида яшаб юрган Самандар девдан гап эшитмоқ керак.

Самандар дев Мисқол парини жўнатиб, узатиб [йўлга] солди, ваъдаси шул бўлди: ҳар пилла отам тирик бўлса, ажратиб ололмасам, Борса келмас лашкари билан урушаман, қириб, жазосини бериб, барини ошириб олдима солиб ҳайдаб, агар аччиғимни келтирса, Гўрўғлибек езнамнинг олдига ҳайдаб бормасам, Самандар дев полвон бўлмасам,— деб жуда оташин бўлиб қолди. Мисқолга айтган сўзи:

<sup>1</sup> Ҳозирча.

Бор, опа, юртингга соғу саломат,  
Юрт эгаси бек езнамга салом де.  
Илоҳи, давлати кўрмасин офат,  
Назаркарда валлакатга салом де.

Кўҳи Қофда париларнинг оғаси,  
Бошида қарқара олтин жиғаси,  
Асл зоти паризоднинг подшоси,  
Мисқол ой, Юнус опамга салом де.

Борғин, Мисқол, шоду хуррам бўлинглар,  
Давлатинг бор доим ўйнаб-кулинглар,  
Энди сизлар мендан беғам бўлинглар,  
Иккиданчи айт, опамга салом де.

Ой Мисқол, айтгайсан, саломим бориб,  
Узоқ йўлда юрманг ҳам койиб, ҳориб,  
Сизни менга билдиргин деб юбориб (ди),  
Меҳрибоним, бор, опамга салом де.

Узи тирик Чамбилбелнинг тўраси,  
Чамбилбелда йигитларнинг сараси,  
Узига муносиб йўлдош-жўраси,  
Жиянимиз Авазхонга салом де.

У ҳам тоза ўғлон, тарафсиз полвон,  
Олдида бекордир Жамшиди даврон,  
Катта жиянимиз шаҳзод Ҳасанхон,  
Тайин айтгин, Ҳасанхонга салом де.

Қулоқ солгин Самандарнинг зорига,  
Танҳо кетдим Борса келмас шаҳрига,  
Айт саломим қирқ йигитнинг барига,  
Хизматкори қирқ арслонга салом де.

Омон-эсон бориб киргин ватанга,  
Бу хизматни энди беринглар менга,  
Бизнинг элдан сўра Ҳасан Чопсонга,  
Бизнинг хешимиз Чопсонга салом де.

Ҳасан Якдаст мард отамнинг жўраси,  
Кўҳи Қофда Аҳриманлар сараси,  
Бир сабабман олис бўлган ораси,  
Мисқол опа, кўрганларга салом де.

Сўраб юборди де элнинг барини,  
Чамбилбелда ҳамма ёшу қарини,  
Хон езнамнинг оға-иниларини,  
Қабиласи, туққанига<sup>1</sup> салом де.

Энди мен ҳам Борса келмас бормасам;  
Олдима соп бир бошидан урмасам,  
Отамни ўлдирса, барин қирмасам;  
Боргин энди кўз кўрганга салом де.

Боргин энди, жоним опам, уйингга,  
Жоним қурбон сенинг қадди-бўйингга,  
Ҳеч гапни келтирма, опа, ўйингга,  
Мен билганим-билмаганга салом де.

Мисқол-опа, бориб айтгин сўзимни,  
Ғойибона дўст биламан ўзимни,  
Ўзим тирик душман босмас изимни,  
Чамбилнинг барига энди салом де.

Мен энди отамни излаб борарман,  
Отам тирик бўлса айриб оларман,  
Бошларига не кунларни соларман,  
Опа, кетдим, қадирдонга салом де.

Шу сўзларим айтиб боргин опамга,  
Танҳо ўзи кетди дегин отамга,  
Не кунларни солай бориб душманга,  
Мушфиқим Юнус опамга салом де.

Ана бу сўзларни айтиб, Мисқол парини учириб жўнатди. Самандар полвон чоқланди, ўзига оро бериб асбоби жангни орқасига кўтариб, урушда нима даркор бўлса қўймай, барини олиб келаётири.

Кўҳи Қофда зўр девларнинг бир зўри,  
Атанган зўрларнинг — девнинг машҳури,  
Йўлга тушди қаҳри билан Самандар,  
Тоза қонхўр, жаллодларнинг бадкири.

Кўҳи Қофнинг бир атанган полвони,  
Зўр девлар ичинда бир ёш арслони,

<sup>1</sup> Қўлэзмада туганига — туғишганига.

Излар бўлди отасини Самандар,  
Бандда ётган эр Қўлбарнинг ўғлини.

Булутга етади кийган кулоси,  
Ҳеч бормикан ширин жоннинг ҳиласи,  
Отасини излар бўлди Самандар,  
Банди бўлган эр Қўлбарнинг боласи.

Эр Самандар қобоғини уйибди,  
Ун минг ботмон пўлат совут кийибди,  
Отасини эшитиб бачча койибди,  
Энди полвон заҳарини ёйибди.

Талаб қилиб (чиқди) душман элига,  
Тўқсон ботмон чилвир бойлаб белига,  
Дарқаҳр бўп Самандардай Аҳриман,  
Ун минг ботмон калтак (олиб) қўлига.

Борса келмас эли энди қайда деб,  
Эр Самандар тушди шаҳар йўлига.

Қараб бўлмас чин ботирнинг бастига,  
Танҳо тушди Борса келмас қасдига,  
Эр Самандар келаётир ғазабман,  
Уч минг ботмон пўлат совут устида.

Келиб отасини айриб олмоққа,  
Борса келмас юртин вайрон қилмоққа,  
Эр Самандар ғазаб билан жўнади,  
Бир шаҳарга танҳо қирон солмоққа.

Ё ўлдирган бўлса кўплаб Қўлбарни,  
Бир бошидан барин яксон қилмоққа,

Қаҳриман жўнади Самандар полвон,  
Отасини энди айриб олмоққа.

Ғуруллаб ҳавога парвоз айлабди,  
Отасининг бори-йўқин билмоққа.

Оти Самандардир, ўзи ёш бачча,  
Кўҳи Қофда ҳеч дев зўр эмас мунча,

Қаҳри билан йўлга тушди Самандар,  
Ҳайбатига тоқат қилмас бир неча.

Йўлга тушди Аҳриманлар полвони,  
Ороми йўқ турур кундузман кеча.  
Эр Самандар келаётир майдон деб,  
Тоқати йўқ отасини кўрганча.

Самандар ҳам ёш ҳам бўлса эр эди,  
Кўҳи Қофда танҳо ўзим дер эди;  
Ёш ҳам бўлса эди девлар сардори,  
Зўр девнинг мингига баробар эди.

Эр Самандар Ҳасан Қўлбар боласи,  
Қаҳрланса кўп девлар қўрқар эди.  
Ҳар қаерда бир атоқли дев бўлса,  
Уни эшитса менча борми дер эди.

Бачча меҳри қандай бўлар отага,  
Одам-башар кўп кетади хатога.  
Эр Самандар отасига келади,  
«Ҳай аттанг-а осий бўпман худога.

Отама кўп жабр бўлган эканди,  
Кўп душман орага олган эканди,  
Полвон отам кўзга илмай одамни,  
Кенг далада ухлаб қолган эканди.

Отасига бола хизмат қилмасми,  
Эр Самандар даркор бўлган эканди,

Агар қабатингда ўғлинг бўлганда,  
Душман найлар эди тўп бўп келганда,  
Ҳай аттанг-а, мен бўлмапман шўл уни,  
Сиз уйқуда ғофил, бойлаб олганда.

Мен бўлганда келолмасди қошингга,  
Ёлғизликдан савдо тушиб бошингга,  
Уйғоқ<sup>1</sup> бўлса, ҳеч ким келолмас эди,  
Душман қойил эди қилган ишингга.

---

<sup>1</sup> Қўлёмзада ўёв.

Кўрмаганим армон бўлди найлайин,  
Тириклигинг гумон бўлди найлайин,  
Агар бўлсанг ҳеч гап бўлмас, отажон,  
Мард Самандар сарсон бўлди найлайин.

Тирама чалқийди ярқираб кўллар,  
Отам деб кезарман жазира чўллар,  
Сенсиз менга сабил макон-манзиллар,  
Кўзимга кўринмас бу туман эллар».

Бораётир аждарҳодай тўлганиб,  
Отасининг ўтига Самандар ёниб,  
Еш бачча-да, туrolмайди, уҳ дейди,  
Бачча кетган ёнар ўтга тутаниб.

Оҳ деди Самандар, наъра тортади,  
Еш бола-да, тоза ўтдай ўртаниб.

Борса келмас элин вайрон қилмасам,  
Бошига юртини зиндон қилмасам,  
Эр Самандар бораётир йўлларда  
Боргандан шовқумли майдон қилмасам.

Эр Самандар ҳаддан ошиб боради,  
Мавж уриб дарёдай тошиб боради,  
Отам деди полвон, Самандар аждар,  
Ёнар ўтларга тутатиб боради.

Кўрсам деди Борса келмас элини,  
Бачча тоза куйиб-пишиб боради.

Отасининг ўйи билан Самандар,  
Полвон ақлидан адашиб боради.

Эр Самандар булутдай бўп гулдираб,  
Кўздан ёши булоқдай бўп жилдираб,  
Жуда баланд парвоз қилган Самандар,  
Ер нимкала кўринади булдираб.

Бузаман деб Борса келмас шаҳрини,  
Чилладаги нордай бўлиб гулдираб.

Қаҳр билан келар, шундай ҳайбати,  
Тоғни отар Самандарнинг қуввати,

Дарқаҳр бўп келаётир Самандар,  
Девларнинг сайланган бир азамати.

Адир бўлар тоза тоғнинг адири,  
Уларга маконди Кўҳи Қоф ери,  
Қаҳр билан келаётир, ғазабман,  
Атанган девларнинг бир полвон шери.

Ота деб келади Самандар ўғлон,  
Кўҳи Қоф элинда тарафсиз полвон.  
Раббано деб келаётир Самандар,  
Отаси ғафлатда банди бўп қолган.

Агар отам ўлган бўлса нетарман,  
Борса келмас элин яксон этарман,  
Тири бўлса ҳеч гап бўлмас отама,  
Отамни кўрмасам армон этарман.

Ҳа аттанг-а, билмай қопман армонда,  
Билмай қопман, отамни энди нетарман.

Агар отам ўлган бўлса армонман,  
Нечовнинг бошига мен ҳам етарман.

Эр Самандар етсам дер оҳ уриб,  
Банда энди тақдирига тан бериб,  
Воҳ ота, деб бораётир Самандар,  
Булутдай гуркираб бачча чинқириб,

Ота, деди бачча, нола қилади,  
У ҳам ҳали бир ёш болади,  
Бир кўрсам деб отасини Самандар —  
Шамолдай бўп бачча учиб келади.

Борсам деди отасининг қошига,  
Савдо тушган Самандарнинг бошига,  
Полвон келаётир ҳа деб, ота деб,  
Тоғ чидамай Самандар нолишига.

Жудоликнинг ўти қурсин кўп ёмон,  
Айролиқ бир қаттиқ ҳасрат кишига.

Ғайрат билан парвоз айлаб ёш бачча;  
Келиб қолди Борса келмас тўшига.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,  
Худой иқбол берсин шошган қулига,  
Самандар хаёли Кўлбар отаси,  
Яқинлашди Борса келмас элига.

Эр Самандар кўп нарсани ўйлади,  
Ўзига хўп ўзи фикр айлади,  
Яқинлашиб қолди душман элига,  
Полвон энди белни маҳкам бойлади.

Томоша қинг Самандардай аждарни,  
Бир ўзи бир юртга талаб айлади.

Эр Самандар фикр қилди ўзига,  
Қулоқ солнинг суханварнинг сўзига,  
Яқинлашганини билиб Самандар,  
Осмондан қуйилди ернинг юзига.

Жуда келган эр ўғлоннинг ғайрати,  
Ҳеч бир нарса кўринмайди кўзига.

Ёв-яроғин чоқ қип ўзига осиб,  
Энди бачча берк бўп олди ўзига.

От чопилар баланд тоғнинг пастидан,  
Жон қутулмас азроилнинг қасдидан,  
Эр Самандар ғайрат қилиб, ёронлар,  
Бориб қолди элатининг устидан.

Бачча бўлган отасининг гадоёи,  
Ҳеч ким айрилмасин суйган дўстидан.

Эр Самандар дарёдай бўп тошди энди,  
Қайнаб-қайнаб бачча тоза жўшди энди,  
Энди борди шаҳарининг устидан,  
Элибойга полвон аралашди энди.

Эр Самандар бораётир моралаб,  
Қишлоқни, уйлини оралаб,  
Борди бачча отасини билмакка,  
Шаҳарга бориб қолди қоралаб.

Ана Борса келмас шаҳрини кўрди,  
Осмондай гулдираб бир наъра [урди].



Самандарнинг наърасига, ёронлар,  
Борса келмас шаҳри ларзонга кирди.

Қўлига калтак олди эр ўғлон,  
Раббанс деб шаҳрига югурди.

Шаҳарда тало тўп бўлди шул замон,  
Бари кўрди, кепти битта ёш ўғлон,

Ул ҳам бир катта эл, бир юрт, бир шаҳар,  
Унда ҳам бор неча яровли полвон.  
Самандарнинг наърасини эшитиб,  
Бари бирдан анг бўп қолди шул замон.

Бири ундай деди, бирави булай,  
Наъранинг довуши жуда ноқулай,  
Ҳайрон қолди эшитганлар наърани,  
Одам десанг, чиқиб қолди бир талай.

Шаҳари чувлади олабўжи келди деб,  
Бизларга энди бир бало бўлди деб,  
Бир-биридан сўраб юри бир хили,  
Ул нима, бир товуш қайдан келди деб.

Шаҳарнинг лашкари бари йиғилди,  
Бариси бир ерга тўп бўп уйилди,  
Ёлғиз йигит олп бўлса ҳам орти йўқ,  
Баччанинг бошига бирдан қуйилди.

Улар ҳам одамни ҳаммасин йиғди,  
Уйдаги ҳузурни, уйқини қўйди,  
Бари кўрди Самандарнинг бир ўзи,  
Қўйма деб югуриб бирдан от қўйди.

Адади йўқ жуда кўп одам келди,  
Самандарнинг танҳо эканини билди,  
Шовқум бериб бари бирдан югуриб,  
Бари бирдан мардни ўртага олди.

Уруш бўлса туриш борми, ёронлар,  
Ҳар ёғидан келиб ҳарбалар солди.  
Самандар ҳам ҳарба қилиб буларга,  
Эр полвон уришиб ўртада қолди.

Ҳайқир соп, қўйма, деб ўртага олади,  
Ҳар ёғидан ҳа деб ханжар солади,  
Самандар ҳам турди мард бўп илжайиб,  
Эр Самандар урганин рад қилади.

У ёқ ҳам уради, бу ҳам уради,  
Танҳо ўзи ўрталиқда туради,  
Йўлин очиб шаҳар қараб Самандар,  
Қириб-жўйиб шаҳар қараб боради.

Эр Самандар оч бўридай югуриб,  
Ҳамла қилар ернинг бағрин қидириб,  
Улар ҳам от қўйиб дап қип келади,  
Барин бирдан бул ҳам борар ишириб.

Эр Самандар калтагини сермайди,  
Улар кўп деб бачча ўзин бермайди,  
Полвон хез қип калтагини силтаса,  
Турган тўп қочади қўйдаи, турмайди.

Шамоли етса ҳам учиб кетади,  
Дуркираб тўпиман қочиб кетади,  
Итаришиб бораётир Самандар,  
Анча йўл қочганда учиб кетади.

Эр Самандар энди жуда ишлади,  
Неча бир полвонни санчиб ташлади.  
Қаёққа қараса полвоннинг иши,  
Олди энди гувлаб қоча бошлади...

Ўртага олиб қўшин битта полвонди,  
Битта полвон эмас, бул бир арслонди,  
Уруш бўлди ҳаддан ошиб шул уни,  
Ҳеч ким кўрган эмас бундай майдонди.

Армонсиз савашиб майдон ичинда,  
Ҳар ёққа оқизди сувдай қип қонни.  
Ҳа деб уруш бўлаётир далада,  
Самандар шоштириб қўйди душманни.

Шошмайин найласин одам тутмайди,  
Юзнинг, мингнинг бунга кучи етмайди

Улар ҳам жон сотиб ураётири,  
Одамлар ҳарбасин писанд этмайди.

Қандай полвон бўлса урса Самандар,  
Иков эмас, бир ургандан ўтмайди.

Ур-ҳа, ур деб ҳайкир солиб кўради,  
Ҳеч бир ерда, полвон-да, гапиртмайди.

Эр Самандар бўлди элга аралаш,  
Тўқайга ўт тушиб куйганга ўхшаш,  
Ҳа деб юри, паст-баландни билмайди,  
Тош ўрнига юмалади шу кун бош.

Эр Самандар аждарҳодай тўлғониб,  
Оҳ деганда дами ўтдай бўп ёниб,  
Уруш бўлди ҳаддан ошган шу кун,  
Ҳамма одам оч бўрини сўяй деб.

Мард Самандар ўйга, қирга чопади,  
Кўп лашкарни жундай қилиб савади,  
Ўрталиқда жавлон қилиб юрибди,  
Армонсиз шўр қўшин қиргин топади.

Ҳар қандай атоқли катта полвонни,  
Бир муштласа бориб ерни қопади.

Одамларга гурзиси унинг мушт бўлди,  
Уруш бўлди, қаттиқ киш-ҳа, киш бўлди.

Бориб солишиб қолди турган кўп одам,  
Барӣ келиб Самандарга дуч бўлди:

Қиргин ҳаддан ошди, майдон кўп қаттиқ,  
Ўлган ўлик бир фасилда чош бўлди.

Бир бошидан қириб, жўйиб боради,  
Кўп лашкар қирилди ёмон иш бўлди.

Ҳа деб қириб юри танҳо Самандар,  
Кел-ҳа деди полвон, вақти хуш бўлди.

Дарқаҳр бўп борган эди Самандар,  
Соп қилайин деди, ўлимкуш бўлди.

Борса Келмас одамлари шул куни,  
Тура келган бир ажалга дуч бўлди.

Қирилганнинг сони бўлмай ётири,  
Тошдай бўлиб юмалаган бош бўлди.

Бари ҳайрон қолар қандай бало деб,  
Уласанми ўтнинг олдин ол-а деб,  
Полвонларин қайраб юри қримлик  
Жонинг борми, бир бетма-бет бўл-а деб

Унинг ҳам бир хили келар ёнашиб,  
Самандар юрибди дарёдай тошиб,  
Не полвонлар удирайиб келади,  
Дош бермайди бирор дамга ушлашиб.

Уларнинг кўнгли айтар битта деб,  
Полвон чиқиб хаёллатса муштлашиб.

Ҳеч полвони унга сира дош бермас,  
Кўп сон деб буларга танҳо бош бермас,  
Танҳо ўзи қирғин қилиб юрибди,  
Сен кўпсан деб дим буларга иш бермас.

Кўп уришдилар, одам кўп ўлди,  
Ҳар тарафдан чопқилашиб кўп келди,  
«Бир одам ҳам элга зўрлик қилами»,  
Деди-да шаҳридан одам йиғилди.

Энди уруш бўлди ҳаддидан ошиб,  
Кўп одамлар йиглаб энди кўп шошиб,  
Бир тало тўп уруш бўлди, кўп қаттиқ,  
Чувлайди ота боладан адашиб.

Қараб турса ўлганларнинг сони йўқ,  
Самандарни олмоқнинг имкони йўқ,  
Ҳайрон қолиб, энди булар ўйлашиб,  
Шаҳарида бунга бир тенг тани йўқ.

Бариси йиғлайди: «Энди нетамиз,  
Бир одамдан қочиб қайда кетамиз,  
Қандай офат эди, келди бизларга,  
Энди бунга қандай фикр этамиз.

Бир-бир бўп бориб бўлмайди қошига,  
Баримиз бир йўла ҳамла этамиз.

Бир ҳийла қип ушлар жўни бор бўлса,  
Баримиз қирилиб, йўқ бўп кетамиз.

От қўйинг, ҳайқир соп ўртага олайик,  
Олайик, ё бирдан ўлиб қолайик.  
Битта-битта баримизни ўлдирар,  
Улар бўлсак жовлик бўлиб ўлайик.

Ёронлар, қаёқдан келди бул офат,  
Одам тухми эмас, бир дев қабоҳат.  
Сира одам бундай бўлмас, ёронлар,  
Бунга лашкар чидамайди бир соат.

Бул бизларга ажал, келган балоди,  
Кечгача ҳаммани ода қилади,  
Ҳеч ким бунга тенг бўлмас, қайтайик,  
Қандай одам бунга ҳариф бўлади.

Қалтакни бир сермаса, ёронлар,  
Қирқ, эллик одамни бежон қилади.  
Шуйтиб агар қира берса жувормак,  
Бир кунда шул шаҳар ода бўлади.

Ода қилмай бул ҳам қайтмас ўхшайди,  
Бунинг тилин қандай одам билади.

Бунга энди одам бориб бўлмаса,  
Ким борса қошига, тайин ўлади.

Бунга ҳеч ким тоқат қилиб бўлмаса,  
Бошимизга не кунларни солади.

Ҳар ким бўлса кўрса бунинг ишини,  
Рустам ҳам бўлса офарин қилади.

Энди бунинг иложини қайтамиз,  
Шул шаҳарга ўзи зўрлик қилади.

Бунга илож қандай қилиб топармиз,  
Қандай одам буни йўлга солади».

Эр Самандар келди калтагин отиб,  
Кимга текса қолар сасмайин қотиб.

Ҳар отганда Самандарнинг калтаги  
Йигирма, ўттизни бирдан йиқитиб.

Шаҳар, элнинг жони чиқиб қолибди,  
Барининг бирдайин қулоғи битиб.

Шуйтиб қизиқни солди Самандар,  
Қўлига илинса чимириб отиб.

Қирилди кўп қўшин шунда савашиб,  
Ҳар бир саваш бўлди, мардлар талашиб,  
Тобора қирғин ҳаддидан ошиб,  
Арвоҳ урди Борса келмас элини,  
Ўлигини ода қилолмас ташиб.

Ҳеч бир пөлвон келолмайди қошига,  
Қани бир зўр келса экан ёнашиб.

Қирғин топди Борса келмас одами,  
Танҳо қирди Самандар, йўқ ҳамдами,  
Шундай қирди кўп қўшинни бир ўзи,  
Қирмоқдан қолмади, ёронлар, ками.

Самандарда бирор ҳамроҳ бўлмаса,  
Отасин сўрарга маҳрам бўлмаса,  
Шаҳарнинг бор одами душмандир,  
Эр ботир-да, қирмоқдан кам бўлмаса.

Қўшин-чувлар: «Буни қандай қилармиз,  
Ҳаммамиз бунинг қўлида ўлармиз,  
Агар шуйтиб қира берса шул бачча,  
Бир одамдан ўлиб ода бўлармиз.

Энди бир маслаҳат беринг, ёронлар,  
Бунинг сирин бизлар қандай билармиз.

Энди гап шул, баринг ўртага олинглар,  
Яқинлашманг, бунга шакаман солинглар  
Беш юз, олти юз бўлиб ташланг,  
Қабат-қабат чоқлаб [камон] солинглар.

Минг, икки минг бўлиб, баринг жовлик бўп,  
Буни ҳам, ёронлар, қилиб кўринглар.

Иш қилинглар, ушлаб онглар, халойиқ,  
Энағарнинг жазосини беринглар.

Шакаманлар, тайёрла камонни,  
Тағи бир кўрайик, тўп бўп келинглар».

Бу гап билан турди-да уруш бошлади,  
Узоқдан силтади, камон ташлади.  
Камон келиб илинганда полвонга,  
Минг, икки минг камон учин ушлади.

Кўп илдириб Самандар шерни,  
Жовлик бўлиб энди торта бошлади.

Қанча камон келиб тушса бўйнига,  
Бир юлқиб, Самандар узиб ташлади.

Энди лашкар шул ҳунарни хушлади,  
Сўзилиб узоқдан камонни ташлади.

Беш минг, тўрт минг одам бир бўп — бариси  
Бирлашиб камонни торта бошлади.

Камон келиб илинса энди полвонга,  
Булам силкиб энди ура бошлади.

Бари чувлар, шул камонни қўйманглар,  
Энди камон солмоқликдан тойманглар,  
Ахир чарчар, кам-кам кетар мажоли,  
Камонга олармиз, бунга тегманглар.

Ана энди шаҳарнинг ичидан чиққан одамнинг адади,  
сони йўқ... Томнинг устидаги сатта хотин-қизлар томоша  
қилиб, бари чувлайди. «Бир одам бир шаҳарга, бир ша-  
ҳарнинг одамига зўрлик қилами, бу қандай гап. Бу  
одам эмас, бунга ҳеч нима дош бермайди. Бу бир бало  
бўлмаса, шунча элдан бир одам ҳам чиқмасми», — деб  
ҳамма ёқасини ушлаб, кўп одамлар кўзини ёшлаб, не-  
човлар қарғаб ер мушглаб ётганнинг сони йўқ. Ана эн-  
ди шаҳарни ҳай кўр энди, неча сафар ҳайқир солиб,

Ўртага олиб, ҳа деди, Самандар бир қалтак билан тўдасини бузиб тирқирата берди. Шунча тўп бўлиб, ҳа деб кўрди, асло гапирта олмади. Ахири қирилиб, юлиниб тоза ҳисоби кетди. Бари чувлаб, бари камондозларни олиб келиб, Самандар полвонга узоқдан сўзилиб камон ташлади. Камоннинг учини минг, икки минг йигит ушлади. Агар илинса, баримиз тортиб йиқитамиз, деди. Самандар ҳам бўйнига тушгандан бир юлиб узиб ташлади. Бу ҳам бўлмади, деб зориллаб қолди. «Бир узар, икки узар, ўн узар, ахири чарчайди, мажоли кетади, уза олмайди. Бўлмаса, бошқа ишдан бизга наф йўқ. Иш қилинг камондоз камон ташласин, сизлар учини жовлик тўп бўлиб ушланг, тортинг. Ахири йиқамиз, йигитлар, асло ваҳм қилманг. Бизлар ҳам ҳийламизни топдик. Шу камондан бошқа бизга илайим йўқ, ҳийлайим йўқ, ҳунар ҳам, асбоб ҳам бари шу пилла камонда бўлди бизларга, яхши яроқ. У, йигитлар, энди милтиқ, ханжар, асбоб бизга чоқ бермайди. Бизнинг яроғимиз камон бўлди, шундан айрилманг, қўйманг, камонни қўйманг»,— деб шовқум солиб, камондоз зўр бериб, уст-устига камон ташлай берди. Бир тушганда ўн қабат, ўн беш қабат камон полвонга тушиб қола берди. Ҳалиги камондозларни йиқитиб, судраб, бўй бермай келаётир. Ана шуйтиб судрай-судрай дарвозага яқин келди.

Ана энди Ҳасан Қўлбар бобонгиз дарвозахонанинг тубида, бир катта томда ётиб эди. Ҳасан бобонгиз ўзига келганига бир ўн кун бўлиб эди. Ўн кундан бери ўзининг бандилигини билиб, ўзига ўзи: «Булар мени мунча беркитибди, жуда катта қозиқлар қоқибди. Ундан сўнг мени нега буйтиб боғлабди, нега бундай қилади экан, буйтиб боғлаганига Ҳасан турармикан, полвонларнинг бошқа иши бормикан. Бўлмаса, мен кетгим келган кунни туриб кетаман. Буларнинг бу михини-ку-я,— деди-да.— Кел, энди тўрт-беш кун қорним оч қолганча ётайин, ундан сўнг қорним оч қолса, бу занжирларни узиб, томини бузиб чиқиб кетайин. Беш-олти кун Ҳасан Қўлбарни боғлаб қўйдик, деб қувониб юрсин»,— [деб]ётиб эди. Бир пилла қараса, эл чувлайди, жуда-жуда чувлашиб бораётир. Шунда Ҳасан Қўлбар ҳам бошини кўтариб қаради. Қараса, бир одамни кўп лашкар ўртага олибди, ҳайқирни солибди. Чир атрофида беш юз, олти юз камондозлар камон ташлаб ётири. Агар камон бўйнига тушса, шул бир одам узиб юбораётир. Буни Ҳасан Қўл-



бар бобонг кўриб: «Хў, булар нега ўйтади, шул ўртадаги бизнинг Самандарми, шунга ўхшайди»,— деди. Бир пилла яқинроқ бориб қолди. Ҳасан Кўлбар қараса, Самандар ўғли, ўрталикда кўп одам билан итаришиб келаётди. Ана баччағар камондознинг камонининг бировини узса, ўнга тушади. Бачча хийла шошибди. Ана энди Самандарни тоза таниб, бир пилла бир гижири келди Ҳасан Кўлбар бобонгнинг. Шул якка миҳ ғўладан, туянинг белидай бор, юз эллик ботмон занжир, бу ҳам ғўладан, ҳафтжўштан. Ана Ҳасан Кўлбар бобонгнинг ғайрати келиб, Самандар эканини билиб, шу ердан бақириб... ҳуйт, деб бирдан якка миҳ билан занжирларни суйраб, томни бузиб, шовқум солиб бориб қолди. Одамлар Ҳасан Кўлбарни кўриб қоча берди. «Бу баччағар қандай қилиб шу занжирни узди экан, шу якка миҳнинг тўртовини қандай суғириб олди, бу қандай бало»,— деб тўра-тура қоча берди.

Ана энди Самандар ўғлон отасини тирик кўрди, димоғи чоқ бўлди. Дарров отасига таъзим қилиб:— Эй ота, бечора, тирик кўрдим, бўлди! Мен отамни ўлдириб қўйдими, деб кўрқиб эдим. Ана энди тирик экансиз. Бор бу ёғини қирмайман. Лекин сизни ўлдирганда, шул шаҳарда бир одамни ҳам қўймас эдим, барин ўлдирмай дам олмас эдим. Эй ота, жуда яхши гап бўлди, сизни тирик кўрдим, димоғ чоғ бўлди,— деб отасини зиёрат қилиб, таъзим қилиб, отасининг қошига келиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, ундан сўнг отасининг бўйнидаги занжирдан қолганларини Самандар дев синдириб-синдириб, бўлак-бўлак қилди. Якка миҳни ҳам ушлаб отиб юборди. Иккови ота-бола кўчанинг у ёғига-бу ёғига бориб юрди.

Ана энди Ҳасан Кўлбарнинг Қримга бориб, шоҳ Қайсар билан аввалги жангини кўрганлар бор эди. Шулар айтди:— У, ёронлар, энди юрт қўлдан кетди, бизлар кўрганмиз, бу Ҳасанга ҳеч не тоб бермайди. Икки подшонинг одами икки кун бирдай ўртага олиб, қўшиннинг барини қирди. Этининг чарчаганини билмаймиз, қайта авж олади, аввалгидан зиёдароқ бўлади. Ахир Холдоршоҳ иложини топмай табилкаш урди. Бўлмаса, Гўрўғлибек тарафдан ҳеч кўмак келмади, бир ўзи икки подшоҳга зўрлик қилди. Энди, халқ Ҳасан бир қизиб, бир қўл олганча, қўли қизмай қолади. Энди бир бало бўлса бўлди, биттанг томга чиқманг, асло тегин-

манг, бировинг дим индаманг. Ажаб эмас чиқиб кетса. Бўлмаса, шул келган ҳам шунинг бир боласи экан-да, аввал билмабмиз, энди билдик, излаб келган экан-да, оббо баччағар! Бариси Ҳасан Кўлбардан қўрққанидан ҳовли-ҳовлисига кириб, эшик-тешигини беркитиб, боласини йиғлатмай тура борди.

Ана энди Ҳасан Кўлбар айтди:— У, Самандар, мана булар сендан не давр қўрқибди, энди бунинг бирови чиқмай қолди. Самандар айтди:— Қирғин ҳаддан ошиб кетди, беадад, беҳисоб одами ўлди. Энди сиз омон-эсон экансиз бўлади. Энди қирмоқни қўяйлик, сиз бўшадингиз, сизнинг тириклигингизга тўйдим бўлади. Мен тирик бўлмасангиз, қўймас эдим. Энди ота бу ердан кетайик, буларнинг кўп юрагини ёрмайик, энди кетайик,— деб ота-бола кун кеч бўлганда шаҳардан чиқиб кетди. Ана энди буни Борса келмас одамлари кўрди. Шаҳардаги одамлар омон қолганларига худойилар қилиб, садақа-эҳсон чиқариб, Ҳасан Кўлбар билан Самандарга офаринлар ўқиб: «Баракалла Гўрўғлининг давлатига, шундай кишиларни ўзига мутеъ, фармонбардор қилибди. Гўрўғлига офарин қилмоқ [керак]. Бўлмаса, булар одам эмас, минг, икки минг одам баробар келмас, балки ўн минг одамни одам демае. Шундай балоларни қандай қилиб ўзига қаратди экан, баракалла Гўрўғлига»,— деб Борса келмаснинг одамлари ғойибона қойил бўлиб, таҳсин-офаринлар қилди.

Ана энди Самандар билан Ҳасан Кўлбар иккови бир биёбонда оқшом ётди, эрта билан жойидан туриб, Самандар отасига арз қилди:— Э, ота, сенинг қадринг-қимматинг бўлса эди, Гўрўғли сира сенга қарамай кетармиди?! Улмаса, ундан зиёдароқ ўлсин деган-да: Бўлмаса, Қримнинг бариси билан уришиб-уришиб, барини қўрқитган сиз экансиз. Ҳеч бўлмаса, шўл хизматингизни ўйласа бўлмасми?! Агар сизда саҳал-пал иззат бўлса эди, сира душманларнинг ўртасига ташлаб кетмас эди. Энди сиз юринг Кўҳи Қофига, Ирамнинг боғига, Санамнинг чорбоғига. У, ота, сиз менинг билан Кўҳи Қофга бориб беш-олти кун юринг. Қани Гўрўғлибек қайтар экан. Сизни бир қаттиқ йўқлаб, чақириб қолармикан, ё бўлмаса, кетсанг кўр бўя, деб димоғи чоғ бўлармикан?! Агарда сизнинг қадрингизга етмаса, сиз ҳам юриб нима қиласиз. Ўз бошингизга юра берсангиз, кўнингиз ўтмайди, ё кун кечира олмасангиз унча эмас. Энди

Чамбилни ҳам қўйинг, сизни ўзим олиб кетаман. Ҳа, сиз ташланди бўлганингиз йўқ, сизни ҳали кўзимизга тўтиё қилиб, тирик қилиб бошимизга кўтарсак керак. Эй, ота. Чамбилни қўй, Кўҳи Қофга кетамиз,— деб ўғли Ҳасан Кўлбарга кўл дофларни аччиқ-чучук қилиб, қаттиқ гапирди. Шунда Ҳасан Кўлбар ўғли Самандга айтди:— У, ўғлим, сен ҳали ёшсан, боласан, сен ҳеч нимаки билмайсан. Нимага? Сенинг ҳали бошдан ҳеч нима ўтмаган, билмайсан-да, ўғлим. Мен Гўрўғли деган сипоҳини бир чоракка олмайман. Мен Гўрўғли учун шу Чамбилда юрсам, бир соатнинг унда бири турмайман. Мен Гўрўғлини одам ўрнига кўрмаман ва одам ҳам демайман. Гўрўғлидан гартак, пичигина, тирноқдай умидим ҳам йўқ, бир нарса беради ҳам демайман. Эй, ўғлим, мен энди ноилож, иложимни топпмай юрганим. Анов қурғур Оға Юнус парини ташлаб кета олмай[ман], агар мен кетсам, йиғлайди, мени одамларнинг ичига бир ўзимни ташлаб, танҳо қилиб, акам ҳам қарамай кетди, деб йиғлайди-да. Шуйтиб мен илож топа олмайман. Бўлмаса, Оға Юнус шу Чамбилда бўлмаса, мени Гўрўғли боғлаб тўхтата олмас. Эй, ўғлим, сен ҳали гапни билмайсан. Мен Гўрўғлида қачон ишим бор, Гўрўғлидан ҳеч умид ҳам қилмайман. Ҳатто Гўрўғли бир ёққа ёв бўлиб... чиқса, мен келмайман. Шу сафар келганим: Оға Юнус пари бир хат қилибди, хатида шундай дебди: «Шу сафарда Авазхон ҳам бораётир, Авазхон ҳали ёш. Мабода бир ерда ғайрат кўрсатиб, ё майдонда ўз тенгини билмай, бир зўрга талаб топчиб бир ҳодиса бўлмасин, шундан акам доим хабардор сиң»,— деб бир хат юборибди. Шуйтиб мен келган эдим. Бўлмаса, мен Гўрўғлининг олдига тушиб кета бераман [эмасман]. Бу сафар менинг келганимнинг сабаби шул. Оға Юнус парининг амри билан келдим. Бўлмасира-сира келмасман, бировга бўйин ҳам сунмасман батта-албатта. Мен ҳали Гўрўғлидан кўрқар киши эмасман, унга хушомад қилгичлардан ҳам эмасман. Энди айтиб эшитдинг, ўғлим,— деди.

Унда Самандар:— Э, ота, шундай бўлса ҳам мени билан Кўҳи Қофга юринг, Оға Юнус Гўрўғлини урибсин, ундан кейин одам юборса, қадрли бўлиб келасин ундан ҳам яхши бўлади,— деди. Шунда Ҳасан Кўлбар:— Эй ўғлим, унда Оға Юнус пари «У, ака, сен нима бало бўлди. Мени ташлаб Кўҳи Қофга кетибсан

н сира-сира ташлаб кетмайди деб эдим деса, тағи  
 ўлмайди-да. Қўй, ўғлим, сен Кўҳи Қофга кета бер, шу  
 ўрқисиламасин, агар йиғласа, отангнинг ҳам мазаси  
 ўлмайди. Агар мен кетсам, Оға Юнус пари йиғлайди,  
 бир фасл тура олмайди. Ундан сўнг уруш-кериш  
 ўп бўлади. Оға Юнус пари акам кетди, мен ҳам  
 ан-дер. Ундан сўнг Гўрўғли жўрам нима дер, ун-  
 да гапнинг мазаси кетади. Гўрўғлибек жўрамнинг  
 а пари қарамай кетади. Пари бежавоб буришиб  
 дан сўнг Мисқол ҳам кетади. Нимага? Агар Оға  
 пари бўлмаса, Мисқол пари бир фасл, бир сув  
 чча турмайди. Ана энди бу иккови кетгандан сўнг  
 тар тезликда келмайди, мен биламан. Дарқаҳр бўл-  
 Гўрўғлини алтанг-талтанг чиқариб юборса керак.  
 ўғлим, шуйтиб қаттиқ қоқишиб қолса, ул яхши бўл-  
 ас. Бу урушнинг боши кимдан бўлган деса, Ҳасан Кўл-  
 бардан бўлди, у аразлаб Кўҳи Қофга кетди, ундан араз-  
 аб парилар ҳам кетди, у Ҳасан Кўлбар қурисин ундай  
 улса. Шундай валлават бекнинг рўзгорининг уришини  
 диб ошиқтирибди деб етар ҳам айтар, етмас ҳам ай-  
 ар, ўғлим Самандар, сенинг ҳали болалигинг бор, қўй,  
 лим, отангни. Сен ўзинг [бор Кўҳи] Қофга, шу қур-  
 рнинг кўнгли қолмасин,— деб Ҳасан Кўлбар асло-  
 ло Кўҳи Қофга борувга кўнмади. Бўлмаса, ўғли Са-  
 андар отасини Кўҳи Қофга олиб кетаман, [деб] кўп  
 ўрмашди. Ул ҳам бўкирди, неча тусли гаплар гапирди.  
 асан Кўлбар пари Оға Юнусни дим ташлай олмади,  
 дига иярмади. Самандар дев-полвон отасидан фотиҳа  
 атасидан якдила бўлиб, ҳайт деб Кўҳи Қофга кет-  
 на энди Ҳасан Кўлбар неча кун чўлларда, одами  
 рларда ов овлаб, қулон, кийик қувлаб, булон, оқ-  
 тоғтака, олқор — шундай англари отиб олиб,  
 арда овқат қилиб, неча кун йўл юриб, озгина эмас,  
 юриб, неча тоғ ва чўл юриб, нима дейсиз, Ҳасан  
 р бобонг йўлда қўшигини айтиб, егани гўшт бў-  
 вақти хуш бўлиб, доим одамсиз ерларда катта-кат-  
 га дуч бўлиб кетиб боради.

Қанча девга тўради,  
 Жами девдан саради,  
 Сувсиз чўлда мавлон, деб  
 Ҳасан Кўлбар боради.

Чиққан оғини уради,  
Қанча бўлса қиради,  
Ҳасан Кўлбар худо, деб  
Йўлда кетиб боради.

Ҳасан борар йўлларда,  
Бир жазирама чўлларда,  
Элсиз, сувсиз ерларда,  
Ҳасан Кўлбар боради.

Полвон Ҳасан, Ҳасанди,  
Ҳасанга бер асонгни,  
Кўраётир дангсангни,  
Ҳасан Кўлбар боради.

Доим йўлга солади,  
Ул йўлни не қилади,  
Йўлдин йўлин билади,  
Ҳасан Кўлбар боради.

Қошида йўқ жўраси,  
Ўзи девлар сараси,  
Юртни бузиб наъраси,  
Ҳасан Кўлбар боради.

Қошида ҳамдами йўқ,  
Елғизман деб гами йўқ,  
Ботирликдан ками йўқ,  
Ҳасан Кўлбар боради.

Ўзи яёв-пиёда,  
Қирғий ётар қияда,  
Отлилардан зиёда,  
Ҳасан Кўлбар боради.

Кўп англарга дуч бўлиб,  
Овқатлари гўшт бўлиб,  
Овдан вақти хуш бўлиб,  
Ҳасан Кўлбар боради.

Гўрўғлининг полвони,  
Тоза девлар арслони,

Писанд қилмай ҳаммани,  
Ҳасан Қўлбар боради.

Елғиз қўрқмас кишидан,  
Тўйиб анғининг гўшидан,  
Топиб кўнгил ҳушидан,  
Ҳасан Қўлбар боради.

Ҳасан Қўлбар эр ўзи,  
Эрдан ўтган шер ўзи,  
Танҳо баҳодир ўзи,  
Ҳасан Қўлбар боради.

Йўлга солмай чўлга соп,  
Анг, қулони мўлга соп,  
Жуда сер ов ерга  
Ҳасан Қўлбар боради.

Жуда ови барор-да,  
Узи овга хумор-да,  
Ов кўп ерда Қўлбар-да,  
Шуйтиб Қўлбар жўнади.

Келаётир тусмоллаб,  
Таҳмин билан мўлжаллаб,  
Қулон гўштини мўллаб,  
Ҳа деб Қўлбар жўнади.

Айиқдай бўп, ақириб,  
Тентакдай бўп бақириб,  
Танҳо ўзи бўкириб,  
Ҳасан бобонг жўнади.

Отган ўқдай отилиб,  
У кета олмас қутулиб,  
Чанггига кун тутулиб,  
Шуйтиб Ҳасан жўнади.

Юрган ери тоза чўл,  
Суви йўқ бемаза чўл,  
Ҳар ким юрса аза чўл,  
Чўлман Ҳасан жўнади.

Ен-ёғига қарайди,  
Ул кимдан йўл сўрайди,  
Ангнинг олдин ўрайди,  
Ҳасан Қўлбар жўнади.

Қўшиқ айтиб болдираб,  
Тегирмондай ғолдираб,  
Довуши баланд солдираб,  
Воғирловман жўнади.

Асли Ҳасан эр ўзи,  
Эрдан ўзган шер ўзи,  
Ҳар на дейиб бир ўзи,  
Шундай Ҳасан жўнади.

Ҳасан полвон полвонди,  
Ҳарифи йўқ арслонди,  
Бир ҳарифсиз ўғлонди,  
Шуйтиб Ҳасан жўнади.

Минай деса оти йўқ,  
Учмоққа қаноти йўқ,  
Бундай полвон зоти йўқ,  
Бобонг Қўлбар жўнади.

Юрган йўли адир йўл,  
Чўл ҳам бўлса анги мўл,  
Гўшт кўп бўлса бунга шўл  
Шуйтиб Ҳасан жўнади.

От етолмас ўзига,  
Душман юрмас изига,  
Қуми келиб тизига,  
Ботиб Ҳасан жўнади.

Ҳасан жуда баҳодир,  
Бундай полвон кам-камдир,  
Шўл вақтда элга машҳур,  
Маълум Ҳасан жўнади.

Ҳасан асл дев зоти,  
Полвонларнинг устоди,  
Соҳибқирон зуриёти,  
Номдор Ҳасан жўнади.

Париларга хизматкор,  
Жами девларга сардор,  
Кўҳи Қофга машҳурдор,  
Ҳасан Кўлбар жўнади.

Тоза девнинг ҳайбари,  
Ҳайбарларнинг тождори,  
Аждарларнинг аждари,  
Ҳасан бобонг жўнади.

Душман кўрса мот қилар,  
Тоза қиёмат қилар,  
Шердай сиёсат қилар,  
Ҳасан Кўлбар жўнади.

Сувсиз чўлда боради,  
Тинмай наъра уради,  
Олди-ортин кўради,  
Ҳасан Кўлбар жўнади.

Овни кўрса хуш бўлар,  
Овқати йўлда гўшт бўлар,  
Ишлатгани тош бўлар,  
Ҳасан Кўлбар жўнади.

Олқор кўрса отади,  
Кийикка қувиб етади,  
Қулондан ўзи ўтади,  
Шуйтиб Ҳасан жўнади.

Така кўрса ҳуркитиб,  
Соқолини силкитиб,  
Ушлаганин беркитиб,  
Ҳасан Кўлбар жўнади.

Ҳасан бобонг ов деди,  
Овга яхши тов<sup>1</sup> деди,  
Ангнинг сутин сов<sup>2</sup> деди,  
Сўйлаб Ҳасан жўнади.

---

<sup>1</sup> Тоғ.

<sup>2</sup> Соғ.



Тўплаб ангни қўяди,  
Англарга [кун] тувади.  
Тўп-тўпини топади.  
Анг қувиб Ҳасан жўнади.

Қўшиғини айтади,  
Тўп қилиб ангни ҳайдади,  
Анг кейинига қайтади.  
Ҳай-ҳайлаб Ҳасан жўнади.

Ҳай-ҳайлайди қўйдаи қип,  
Қулонларни тойдай қип,  
Ўзини катта бойдай қип,  
Иргалиб Ҳасан жўнади.

Ўзиники бари деб,  
Молим тоғдан нари деб,  
Бунинг гўшти дори деб,  
Табиб бўп Ҳасан жўнади:

Барига эга ўзим деб,  
Бизга закот лозим деб,  
Шунча қўйман қўзим деб,  
Бой бўп Ҳасан жўнади.

Мол меники дейман деб,  
Семизини ейман деб,  
Бировига тейманг деб,  
Воғирлаб Ҳасан жўнади.

Менинг молим чўлда деб,  
Не қилади элда деб,  
Сигмади Чамбилда деб,  
Ғани бўлиб жўнади.

Қулон менинг отим деб,  
Бари хоназотим деб,  
Қайсин айтар итим деб,  
Бой бўлиб Ҳасан жўнади.

Қийик менинг эчким деб,  
Кичироқ туған кечким деб.

Соғиб сүтин ичким деб,  
Бой бўп Ҳасан жўнади.

Олқор менинг қўйим деб,  
Қўп ерларда ўйим деб,  
Ўзим олий файим<sup>1</sup> деб,  
Доно бўлиб жўнади.

Оқбўтан ул танам деб,  
Поодадан чиққан синам деб,  
Жуда асовгинам деб,  
Молли бўп Ҳасан жўнади.

Новвоз менинг подам деб,  
Мендай бой қайси одам деб,  
Мендай молли бой кам деб,  
Бой бўп Ҳасан жўнади.

Булон менинг туям деб,  
Қишда бўлар қиям деб,  
Менинг йўқ ҳамсоям деб,  
Танҳо Ҳасан жўнади.

Чамбил юрти элим деб,  
Шунинг бари молим деб,  
Яхши бўлсин ҳолим деб,  
Ол-ҳа Ҳасан жўнади.

Жуда молдор бойман деб,  
Обдон Ҳотамтойман деб,  
Ҳар на десам дейман деб  
Энди Ҳасан жўнади.

Бўриларни итим деб,  
Менинг кўп жой кетим деб,  
Тошбақани битим деб,  
Мақтаниб Ҳасан жўнади.

Тулкани пишагим деб,  
Қалонни қўшоғим деб,

---

<sup>1</sup> Фаҳм.

Хасларни тўшагим деб,  
Анжомдор Ҳасан жўнади.

Жами чўлни элим деб,  
Ҳаммага мен маълум деб,  
Жами асов молим деб,  
Ғани бўп Ҳасан жўнади.

Мендай молдор дим йўқ деб,  
Мендайин бой кам — йўқ деб,  
Мендай зўр одам йўқ деб,  
Мақтаниб Ҳасан жўнади.

Сувсиз чўлда мақтаниб,  
Кўринганга ўқталиб,  
Анг кўрганда тўхталиб,  
Шуйтиб Ҳасан жўнади.

Уз олдиға ишади,  
Йўлсиз чўлга тушади,  
Иссиқ кунга пишади.  
Куйиб Ҳасан жўнади.

Кўшиғининг тузи йўқ,  
Кумда келар изи йўқ,  
Чўлнинг кўпи-ози йўқ,  
Югуриб Ҳасан келади.

Гоҳда чўл, гоҳ тоғ бўлиб,  
Қилган иши ов бўлиб,  
Хўраги асов бўлиб,  
Маст бўп Ҳасан жўнади

Жўраси йўқ қошида,  
Тўйган асов гўшига,  
Жазирама чўл дашига,  
Қистаб Ҳасан жўнади.

Унта қулон энида,  
Эллик кийик қўйнида,  
Олтмиш олқор бўйнида,  
Кўтариб Ҳасан жўнади.

Юзга ангнинг гүштин еб,  
Бўлмаса олтмишин еб,  
Кунда юз анг бошин еб,  
Чимхўр Ҳасан жўнади.

Чўлнинг ангни оз экан,  
Ушламоғи соз экан,  
Текис ери бўз экан,  
Текисман Ҳасан жўнади.

У ёғиман бу ёғи,  
Йўлга сизмай оёғи,  
Шопилдай ҳасса таёғи,  
Суяниб Ҳасан жўнади.

Ҳайбатидан чўл титраб,  
Қувватидан йўл титраб,  
Довушидан эл титраб,  
Арқираб Ҳасан жўнади.

Ҳеч тинкадан қўрқмайин,  
Аждар, девдан ҳайиқмайин,  
Олдига ҳеч не чиқмайин,  
Шер бўлиб Ҳасан жўнади.

Ҳасан борар зўр бўлиб,  
Елғиз ўзи эр бўлиб,  
Чўлда юриб шер бўлиб,  
Арқираб Ҳасан жўнади.

Чамбилбелга етмакка,  
Кетганча ов қип кетмакка,  
Анг гүштин овқат этмакка,  
Гүштхўр Ҳасан жўнади.

Анг гүштига тўйсам деб,  
Бошқа овқатни қўйсам деб,  
Кунда юз анг сўйсам деб,  
Ов қилиб Ҳасан жўнади.

Тез етмакка иши йўқ,  
Тез юр деган киши йўқ,  
Тез бормоққа ҳуши йўқ  
Бир-бир босиб жўнади.

Бораётир аста-аста,  
Е дўнгда, гоҳ пастда,  
Свга жуда ҳам уста,  
Шикор қилиб жўнади.  
Еган гўшти кавобди,  
Кавоб-емак савобди,  
Кўлбарига кўп соп обди,  
Кўтариб Ҳасан жўнади.

Беш юзни кўтарай деб,  
Ой Юнусга берай деб,  
Солмоғини кўрай деб,  
Орқалаб Ҳасан жўнади.

Эл йиғилиб қолар деб,  
Мендан совға тилар деб,  
Шунда уят бўлар деб,  
Уйлаб Ҳасан жўнади.

Қури борсам бўлмас деб,  
Олдимга ҳеч ким келмас деб,  
Ишим яхши бўлмас деб,  
Сўйлаб Ҳасан жўнади.

Йўл юргандан йўл юрди,  
Озгина эмас, мўл юрди,  
Эллик кун бобонг йўл юрди,  
Имтилиб Ҳасан жўнади.

Олис элнинг орасин,  
Кўринг зўрнинг сарасин,  
Элни юриб эр Кўлбар,  
Олди Чамбил қорасин.

Чамбилга яқин борганда,  
Йўлда кўрди эр Кўлбар,  
Ҳасан Чопсон жўрасин  
Иккови энди кўришиб,  
Бир-бирин ҳолин сўрасин.  
Иккови борди Чамбилга  
Кўрди Гўрўғли тўрасин.

Салом берди эр Кўлбар,  
Кўрсатди ўзин қорасин.  
Кўришиб қолди қирқ йигит,  
Кўрди бари жўрасин.

Омон-эсон кўришди,  
Ҳол-аҳвол сўришди,  
Ҳорманг дейишиб Кўлбарга,  
Бари бир-бир кўришди.

Ана энди Ҳасан Кўлбар бобонгиз шошмай, суринамай, энтикмай, чарчамай, ҳормай аста-аста эллик кун йўл юриб, бир-бир босиб эллик кунда Чамбилбелга етиб борди. Йўлда Чамбилга яқинлаганда, Чамбилнинг йўлинда Ҳасан Чопсонни кўрди. Кела солиб кўришиб, ҳолаҳвол сўрашиб:— Эсон-омон келдингми, жўра, ўй-бўй, келиб қолдингми, нега бундай қилдинг. Мен сени излаб бормаган ерим қолмади. Аввал бизлар айтдик, бул овлаб кейин қолган дедик. Сен кела бермаган сўнг изладик. Мен чўлни изламаган ерим қолмади. Ахири Қримга бордим. У элдан сўрадим, улар ҳам у ёқ-бу ёқни сўраб қолди. Ахири менга айтган жавоб шул бўлди: Борса келмас лашкари Ҳасанни ухлаб ётганда бир нав қилиб дорийи беҳуш билан банди қилган. Бўлмаса, уйқусида ҳам кела олмаса керак, деб шуни эшитиб келиб, валламат билан Оға Юнус парига айтдим, деб сўрашиб иккови Чамбилга келди, Гўрўғлибекни кўрди.

Гўрўғлибекнинг ҳам димоғлари чоғ бўлди. Ҳамма: «Кўлбар, нима бўлди, буйтиб кейин қолдинг, бизларни жуда алоғ қилдинг, бизлар билмабмиз, Кўлбар қани демабмиз, Чамбилга келсак, сен йўқ, кўп сарсон бўлдик, келдингми»,— [деди]. Ана энди Ҳасан Кўлбар жияни Авазхон билан ва Ҳасанхон мард билан кўришиб, ундан сўнг қирқ йигит билан кўришиб, шу ердаги кўз кўрганнинг бари билан кўришиб, бари Ҳасанни хуш келибсиз қилиб сўрашиб қолди. Ҳасан Кўлбар бошидан ўтганнинг барисини бир-бир баён қилиб гапириб тамом қилди. Ана энди Гўрўғлибекнинг жами одамлари, бариси Кўлбарни кўриб, ҳаммасининг димоғи чоғ бўлиб, шоду шодмон, хушвақту хуррам бўлиб, қувонишиб, кулишиб-ўйнашиб, қизғолдоқдай жайнашиб, ҳар тарафдан сўйлашиб, ҳар қайси ҳар тусли, бирови нарт, бирови қирқ

човут ўйнашиб, жуда маст бўлиб, хурсанд бўлиб давру давронларни суриб яшай берди.

Ана энди Гўрўғлибекнинг тўйини ўтганига ўн кун бўлиб эди, тўйни тамом қилиб, узоқ-яқиндан келган одамларга жавоб бериб, шоду хуррам, кулиб-ўйнаб, димоғи чоғ бўлиб кетгани қанча одам — қайси тарафдан, қайси уруғдан келган бўлса, бирортаси шул тўйдан аччиғланиб, аразлаб кетган эмас. Келган одамларнинг бари шу ерда жам бўлиб, аралашиб чорганлари қувониб, хурсанд бўлиб, шоду шодмон бўлиб кетган эди. Ҳеч бир одам бу тўйдан мен бундай бўлдим, ё ундай бўлдим деган эмас. Қанча одам келган бўлса бари миннатдор бўлиб, хурсанд бўлиб, димоғи чоғ бўлиб, қувониб кетди. Бирор одам араз уриб; аччиғланиб кетган одам йўқ. Бари бекдан рози бўлиб кетган. Бир киши фалон бундай бўлди, мен ундан кам бўлдим демади. Ҳар ким ўзига муносиб нарсалар билан, ўзига лойиқ ишлар, асбоблар билан ўз қондасига тўғри қилиб жўнади. Ҳеч кимнинг ўз қондасидан сира, андаккина нарса кам қилмади. Қайси уруғнинг шундайлари мос бўлса, такаданми ё қўниқданми, ё от емиданми, бедаданми — ҳар нима бўлса шу келган меҳмонларга, бой бўлса, ўзининг хоҳишини қилди-да турди. Ҳар ким уйда қандай қилиб ўт берса, беда берса, ем берса, ўзи ҳам [шундай] тарқатиб, одамларнинг қандай хоҳиши бор, шуни қилдириб ётади-туради...

Ҳар уруғнинг, ҳар элнинг ўзидан баковул қўйган. Ҳар уруғга ўз уруғидан, кайвониларидан, иш кўрган арбобларидан одам қўйдилар. Сизлар ўз тўйларингда қандай қиларсизлар, нима қоидаларинг бор, нима расмларинг бор, ҳар тартиб, ҳар қоида ўз расм-русмларингни қилинглар. Анов буйтибди деманглар, нимага улар ҳам ўз расмини қилади, ўзининг элида бу тўйдан бошқа ўзларининг тўйида нима бўлса, шуни қилади, сизлар ҳам ўз тўйларингда нима қиладиган расмларинг бор, шуни қилинглар. Асло қараб турманг. Булар буйтади экан, бизлар уйтар эдик-ку деманглар. Сизлар ҳам ўз расмларингни қилиб кета беринг, менинг амрим шул. Ҳеч бир одам мунғайиб турмасин. Мен буйтдим деб юрмасин, хафа бўлиб ўтирмасин, шод бўлсин, — деб айтган эди.

Гўрўғлибек асли ўзлари мол топган, мардони ғойибнинг суҳбатига қўшилиб, кўп ўтириш қилган киши эди.

Улардан кўп файзи футуҳлар олган, дунёни назари илмас эди, писанд ҳам қилмас эди, кўнгиллари шул эди. «Бу дунёга келган кетади, кетмаса имкони йўқ. Биз ҳам келиб кетамиз. Лекин одамнинг зоти-зурриёти қолар экан, туҳими минг яшар экан, ҳар ким фарзанди бўлса, ўлса ҳам ўрни ўчмас экан, оти йўқолмас экан, дунёда кишига зот экан, бизнинг тақдиримизда фарзанд йўқ экан, бизнинг зотимиз бўлмаса, энди биздан от қолар бўлса, зот қолмаса, муддао шулки, бир одам хоҳ яши, хоҳ ёмон биздан кўнгли қолмасин, деб ахири биздан қолар от бўлса, ҳар ким бўлса бизникига келса, биздан асло кўнгли урмасин»,— дер эди. Нимага? Асли валламатнинг кўнгли ярим эмасми, «менинг зотим бўлмаса, мод билан хазина йиғиб, кимга йиғаман. Ўғил йўқки, ўз кўзим бор пиллада ўз топганимни ўзим йўқотиб, хайр-эҳсон, садақа қилиб, очга едириб, ялонғочга кийдириб кетсам бўлмайдими<sup>1</sup>,— деб валламат доим ўзларини талатиб, чочиб, элга бериб, даврини суриб, ўз вақтини ўзлари хушлаб, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмай, мен бундайман демай, ҳаво қилмай, доим ўзлари шикасталик билан ўзларини сиқ қилиб, кўп мен бундайман, деб, манманликни асло қилган эмас. Бўлмаса, Гўрўғлибекдек феъли кўп хислат, хосиятли киши шўл асрда йўқ эди. Агар Гўрўғлибек шўл вақтдаги подшолардай эл талаб, юрт талаб, дунё талаб бўлсалар, шўл вақт подшоларидай орзули дунёни севган киши бўлса эди, шўл вақтдаги шоҳларнинг барини олиб қўяр эди. Нимагаки... салобатлари, ҳайбатлари ҳаддан зиёда эди. Агар шўл вақтда, шўл замонда подшо қирқ ёқдан лашкар қилиб келса, Гўрўғлини ўртага олса, бирор хавотир қилмай, қўрқмай, довдирамай, бежавотир қирқи билан уриша берар эдики, асло тайсалламай, бирор ваҳм қилмас эди. Шў замонда, шўл вақт Гўрўғлибекка [тенг] келадиган ғайратли, ҳайбатли, шавкатли, сиёсатли, арвоҳли подшо шул Гўрўғлибекдан бошқа йўқ эди.

Агар шўл вақтда қайси подшога уруш қилиб бормоқчи бўлса, ҳеч қайси тоб бера олмас эди. Барига Гўрўғлибек ғолиб келиб, зўрлик қилар эди. Гўрўғлибек ўзлари: «Қўйчи, бизга Евмит билан Така бўлади-да,— дер эди.— Одамзоднинг кўзи сира тўями, асло тўймайди. Ахири бир сиқим тупроқ билан тўяди ҳам, тўлади ҳам»

<sup>1</sup> Кўлёмзада бўйла.



деб Гўрўғлибек... эл-юрт учун асло тарадди-таҳлика қилмас эди. Лекин ўзларига мардони ғойибдан фармон бўлса, ё бир-ёққа буюрсалар, энди сиз фалон ерга, ё фалон юртга боринг десалар, идож-ҳисобини топмай, амри лирни рад қилолмай, хайр эса, деб ундан сўнг айланиб борар эди. Бўлмаса, амри пир бўлмаса, ўзларининг кўнгиллари ҳеч нарсани хоҳламай, эли-юрт, шаҳар, мамлакат, дунё ишидан, подшолик, улуғлик, юрт катта-си бўлмоқлик, ё бир юртни олмоқлик[ни] асло-асло қабул қилмас эди. Айтар эди: «Дунёда кумуш, жавоҳир, дур, маржон, гавҳар, асбоб-яроқларни қанча кўп йиғилса, оз. Бир қанча юрт, элни олсанг, мулк кўпайса, мулкинг каттарса, оз, тағи агар шунча бўлса экан, деб бу нафс сира тўяма, бунинг тўяси йўқ. Қанча кўп бўлса ҳам оз»,— деб Гўрўғлибек нафснинг раъйига бормас эди. Кўп ишларни ўзлари хоҳламас эди. Нафсни асло ихтиёр қилмас эди. Бўлмаса, Гўрўғлибекдай ғайратли шўл вақтдаги валлакатларнинг ичида йўқ эди. Бул киши доим икки Чамбилнинг бирида мамлакатининг барини йиққан, доим тўй қилган эди. Чувлатиб, гувлатиб тўйни шундай қизиқ қилиб, жами нағмагарларни келтириб, мамлакатдан, узоқ-яқиндан одам айттириб, элни йиғдириб, отини тўйдириб, ялонғочни кийдириб, қўй-биялар сўйдириб, узоқдан пойга қўйдириб, ҳа деб томошани кўриб, яхши бедов отларни кўпқарига чоптириб, ишлари — ўйин-кулки қилиб, элини шоду хурсанд қилиб ўтирар эди. Гўрўғлибек инъомдор бек эди. Шў аср, шў замонда ҳеч ким Гўрўғлибекдай инъом-эҳсон қилгич бек йўқ эди. Бу кишидай инъомли, хотам, валиҳиммат йўқ. Доим ишлари хотамлик, мардонаворлик; Гўрўғлибекнинг замонларида Тақа-Ёвмитда ҳеч бир муҳтож одам йўқ эди. Доим алҳол элларидан сўраб, ҳожатманд кишиларни, муҳтожларни кўп излар эди. Жуда номурод кишиларни қарашмоққа ул кишидай одам ҳам шўл асрда йўқ эди. Бефазилат киши бўлса, мунча гап-сўз бўлиши қийин, жуда қийин-де.

Яхши от кўтармоқ осон эмас, яхши от кўтарган кишиларни то қиём-қиёматгача яхши [от билан] айтарлар. Ёмон от кўтариб ёмон бўп кетган кишиларни ҳам қиём-қиёматгача ёмон деб, ёмон от билан айтарлар. Унинг яхшилигига ҳамма гувоҳ бўлиб, унинг ҳажри зиёда бўлиб, арвоҳи яхшилик ҳузурин кўриб ётганди, албатта. Ёмонлик билан кетган бир ёмон деб айтганда,

ҳамма емон оу деб гувоҳ бўлиб, бул азобини кўпайтиб ётганди. Энди Гўрўғлибек оти то қиёматгача ўчмаса керак. Ҳар ким бўлса Гўрўғлибекни яхши от билан ёд қилар, яхши сўзлар билан анбият-байтларини айтиб, қанча шоирлар, созандалар, катта маъракаларда, йиғинларда байт қилиб, ғазал қилиб, ҳикоя қилиб ўқиб турибди. Тўйларда, катта маъракаларда айтади. Ҳар йиғинда Гўрўғлининг дostonлари жуда кўп, қанча дoston бўлган бўлса, ҳаммаси юртга борса, мардони ғойибдан башорат бўлган, ундан сўнг борган. Бўладиган гапни билиб, сўйлаб, ундан сўнг боргандир.

Ана энди Гўрўғлибек Қримдан келиб, элига шодиёна қирқ кун тўй қилиб берди. Ёвмитда, Такада қанча одам бўлса: амалдор, навкар — бул икки жамоа бўлса-да, ҳаққи бор. Буни амал қилмаймиз. Умаролар билан навкарларнинг сарпойини, сурсатини шу тўйда бердилар. Гўрўғлибекдан келган сарпой шундай бўлдики, ундан бошқа тўйлаб келган тўйчи кишиларни Чамбил одамлари ҳа деб ияртиб келиб сарпойни ёпа берди. Ола сарпой, бари адрас, беқасам, шойи, баҳмал, банот, мовут — ҳамма чакманлардан, бари қиммат баҳо, баҳодир тўнлардан Гўрўғлибек қишлоқ каттасими, овул каттасими, одам шунда, калон шунда меҳмонхона йиғит оғаси, эшон борми, хўжа борми, мударрис мулла, мулла имом, хатиб имом, шундай бўлса бўлди, сарпойни ёпа берди, элнинг кўнглин топа берди. Шундай тўн, сарпой пеш бўлди. Чамбилнинг эпчил йиғитлари ҳа деб ияртиб келиб ўн беш кун бирдай эртадан то кечга давр сарпой, тўн ёпди. Оқшоми билан базм, яна маслаҳат қилиб чиқадди. «Бу кун Найманни уздик, эртага Жалойирга тўн берамиз, сўнгги кун баҳринга тўн берамиз, ундан сўнг уйшинга тўн берамиз, ундан Қатағанга тўн берамиз, ундан қирғизга тўн берамиз, ундан саройга тўн берамиз, ундан қийқимга тўн берамиз, ундан сўнг сўгинжи, ундан сўнг жобига тўн берамиз, ундан сўнг қўшчига, ундан қанглига, ундан сўнг жодирга, ундан сўнг тамага, ундан сўнг уймаутга, ундан сўнг эрганақлига, ундан сўнг хитойга, қилчоққа, қорақалпоққа, қўнғиротга, юзга, мингга, қирққа, кенагасга, барлосга, муйтаиға!» Ана шўйтиб кунига бир элга тўн бериб, жами уругнинг одамман деганига яхши сарпой инъом қилди, бари кийиниб кетди...

Ана энди жовлик Ёвмит-Така, Туркман элининг те-

варагидаги жами бўлак-сўлак эл: қозоқ, қалмоқ, қора-қалпоқ, қирғиз, найман, баҳрин, жалойир, қўнғирот, дўрмон, жоби, сарой, манғит, сўғинжи, эрганакли, уймаут, улоқли, сўлоқли, қирқ, юз, минг, барлос, тўйин, тама, жодир, ёмон туркман, бурқут, кенагас, орлот, хитой, қипчоқ, қангли, уйшин, қийқим — шуларнинг барига — бек Гўрўгли тўйига келганига инъом қилиб, сарпой ёпди-да, шуйтиб тўйни жуда ўхшатди. Ана энди Гўрўгли тўйни тарқатиб, ҳаммани жўнатиб, сўнгги билан қолган баковулларга хизматига қараб, буларга ҳам яхши, қиммат баҳо жуда катта сарпойлардан ёпиб, буларнинг ҳам кўнглини топиб, тўйни тамом қилди, хотиржам бўлди. Ана энди Гўрўглибек шундай қилиб, дунёдан шикоят қилиб, сен шундай дунёсан [деб], ўз шаънига маст бўлиб бир сўз деб турибди.

Армоним йўқ хафа фалак,  
Сенда армоним қолмади,  
Ерда башар, кўкда малак,  
Сенда армоним қолмади.

Одамзоднинг кўп армони,  
Омонат банданинг жони,  
Армони кўп бу дунёни,  
Сенда армоним қолмади.

Аввал бу дунёга келдим,  
Мисли гулдай бўп очилдим,  
Гўр ичинда пайдо бўлдим,  
Бўлдим армоним қолмади.

Азизлардан назар топиб,  
Устимизга раҳмат ёғиб,  
Хизир ўзлари бия соғиб,  
Ичдим армоним қолмади.

Ҳаво эна тарбият қип,  
Кўп азизлар мен деб кеп,  
Бул назари ул<sup>1</sup> булар деб  
Келдим армоним қолмади.

<sup>1</sup> Уғил.

Шўйтиб тарбиятлар қилиб,  
Бул вақтларда осов бўлиб,  
Тўртда<sup>1</sup> Рустам ушлаб олиб,  
Келдим армоним қолмади.

Рустамнинг қўлига бордим,  
Болаларман ўйнаб юрдим,  
Бадкирни бешда ўлдирдим,  
Урдим армоним қолмади.

Олтида Бадкирни<sup>2</sup> йиқдим,  
Кўп душманни ерга тикдим,  
Ахир шу шаҳардан чиқдим,  
Чиқдим армоним қолмади.

Шўл эмган бияни олиб,  
Ўз элимга бўлдим толиб,  
Евмитнинг элига келиб,  
Келдим армоним қолмади.

Евмитнинг элига келдим,  
Нечовлардан сўраб билдим,  
Кўр отамни кўриб қолдим,  
Кўрдим армоним қолмади.

Отам ўлди етим қолдим,  
Аҳмаднинг қўлига келдим,  
Қанча вақт Аҳмадман бўлдим,  
Бўлдим армоним қолмади.

Энам биям бўғоз бўлди,  
Мени жуда хурсанд қилди,  
Кўлда туғиб тойни олди,  
Сўкдим армоним қолмади.

Тулпор кеп бияга чопди,  
Эркак қулунни у опти,  
Биям бўғоз бўп қопти,  
Қолди армоним қолмади.

<sup>1</sup> Тўрт ёшида маъносида.

Бу йил биям бия туғди,  
Катта кўлда катта суйди,  
Дунёдан кўдини ювди,  
Урдим армоним қолмади.

Бия тойим етим қолди,  
Менга катта ташвиш бўлди  
Дўнон бўп айғирга келди,  
Кўрдим армоним қолмади.

Райҳон араб Ширвон хони,  
Ул экан Аҳмад душмани,  
Унда мен билмайин ани,  
Билмай армоним қолмади.

Аҳмад бир кун орқа кетди,  
Уни Райҳон хон эшитди,  
Қасд қилиб Чамбилга етди,  
Кепти армоним қолмади.

Гиркўкни шундан тувлатиб,  
Райҳон янгамни оп кетиб,  
Неча вақт ўртадан ўтиб,  
Утди армоним қолмади.

Орқадан Аҳмад ҳам келди,  
Катта тоғам Бўғра ўлди,  
Эл келиб вадами қилди,  
Бўлдим армоним қолмади.

Евмит-Такага хон бўлиб,  
Биз ўлтирдик улкан бўлиб,  
Урлаб<sup>1</sup> тойни Хизир келиб,  
Олди армоним қолмади.

Излаб чиқдим етим тойни,  
Изладим жуда кўп жойни,  
Тоғда кўрдим Юнус ойни,  
Кўрдим армоним қолмади.

Ер юзини бир-бир кўрдим,  
Осмон остини қидирдим,

<sup>1</sup> Уғирлаб.

Тойимни излаб кўп юрдим,  
Юрдим армоним қолмади.

Ҳиндистон, Фаранг қолмади,  
Хитой, Хўтан, Чин қолмади,  
Етти иқлимдан дим қолмади,  
Кўрдим армоним қолмади.

Аввал излаб Туркистонни,  
Утиб кўрдим Ҳиндистонни,  
Эронман Фарангистонни,  
Кездим армоним қолмади.

Бордим Ирамнинг боғига,  
Чиқдим парияр тоғига,  
Обиҳаёт булоғига,  
Бордим армоним қолмади.

Етолмайин сарсон бўлиб,  
Бир той деб саргардон бўлиб,  
Сумбулнинг тоғига келиб,  
Топдим армоним қолмади.

Хизр экан тойни ўтлатиб,  
Бир дарада ушлаб ётиб,  
Кўргандан мен ола кетиб,  
Олдим армоним қолмади.

Олиб урди Хизр наби,  
Кўп бўлди бул тойнинг гапи,  
Уч йиқдилар — той матлаби,  
Турдим армоним қолмади.

Кучим етмай мен айланиб,  
Тойим деб тинмай айланиб,  
Пастга тушиб сўнгман таниб,  
Билдим армоним қолмади.

Эр Хизирни сўнгман билдим,  
Билиб катта умид қилдим,  
Шошиб ақлдан айрилдим,  
Шошдим армоним қолмади.

Хизр наби ғорга кирди,  
Чилтон келиб суҳбат қурди,  
Турди менга шароб берди,  
Ичдим армоним қолмади.

Назар топди етим тойим,  
Менда кўп қайғуман войим,  
Ақлимни олди худойим,  
Шунда армоним қолмади.

Хизр наби мени суйди,  
Ихтиёр ўзимга қўйди,  
Кўп нарсанинг барин уйди,  
Кўрдим армоним қолмади.

От билан зотни тенг қилди,  
Икковини ҳожат билди,  
Биттасини сен ол деди,  
Олдим армоним қолмади.

Зот тиламай отни олдим,  
Мен ўзимни ғамга солдим,  
Қайтиб сўзларга уялдим,  
Қолдим армоним қолмади.

Дуо қилди қўл кўтариб,  
Мен пойгага турдим бориб,  
Кўп сўзларни таълим бериб,  
Билдим армоним қолмади.

Миндирдилар Ғиркўк отни,  
Пирларим берди мақсадни,  
Ундан тиламай зотни  
Қолдим армоним қолмади.

Мен миндим Ғиркўк отима,  
Чидамайин ғайратима,  
Зайдинни солиб ортима,  
Келдим армоним қолмади.

Чамбилга қирқ йигит йиғиб,  
Олтин косага май қуйиб,  
Ҳа деганман мингга тегиб,  
Тегдим армоним қолмади.

Майдон-майдон Ғирни елдим,  
Бир ёр дедим, жоним бўлдим,  
Ой Юнусни олиб келдим,  
Келдим армоним қолмади.

Кўп майдонлар шўнда бўлди,  
Юнусда кўп девлар ўлди,  
Ирамдан олдим Мисқолди,  
Олдим армоним қолмади.

Доим бўлдим жангга толиб,  
Душман бўлса келдим ғолиб,  
Темирдан Ҳасанни олиб,  
Келдим армоним қолмади.

Ғиркўкман қилдим майдонни,  
Юрган ерим қизил қонди,  
Хунхор элидан Авазжонни,  
Олдим армоним қолмади.

Доим кирдим мен савашга,  
Қарши келдим қизилбошга,  
Ўн тўрт дуч бўлдим Бектошга,  
Юрдим армоним қолмади.

Майдон бўлса отим елдим,  
Ғаним бўлса саваш қилдим,  
Исфиҳоннинг подшосини  
Тахтй билан икки бўлдим,  
Бўлдим армоним қолмади.

Балонинг тоғидан ошдим,  
Оловдай бўлиб туташдим,  
Қора девман қон тўкишдим,  
Тўкдим армоним қолмади.

Эшитинг Ғурўғли сўзин,  
Ҳар ерда маълум қип ўзин,  
Ўйдим Тўхтамишнинг кўзин,  
Ўйдим армоним қолмади.

Қирқ йигитни йиғиб олдим.  
Оламга талотўп солдим,  
Қизилбошга қирғин қилдим,  
Қирдим армоним қолмади.



Доим юрдим, газа дедим,  
Пирим Имом Ризо дедим,  
Душман бўлсан изза дедим,  
Дедим армоним қолмади.

Добил туйдим таққа-таққа,  
Овозам кетди ҳар ёққа.  
Ун тўрт бордим Бало тоққа,  
Бордим армоним қолмади.

Эшитинг Гўрўғли тилин,  
Душманга маълум қип ҳолин,  
Бориб олдим Қрим элин,  
Олдим армоним қолмади.

Қрим элга бўлдим голиб,  
Бордим унга лашкар олиб,  
Холдор шоҳни динга солиб,  
Келдим армоним қолмади.

Бул дунё бир зайил шумди,  
Алдайди доим ҳар кимди,  
Бундан шоҳмақ одам кимди,  
Сендан армоним қолмади.

Бўл дунёнинг кўрдим барин,  
Мен билмадим эътиборин,  
Дунёди-да тортиб зорин,  
Асло армоним қолмади.

Полвон бўлиб умрим ўтди,  
Айролиқ мардни йиғлатди,  
Азалдан қисматим қатти,  
Кўрдим армоним қолмади.

Умрим кетди, шул армонам,  
Ғамга қолди ширин жоним,  
Кўхнариб даври-давроним,  
Кўрдим армоним қолмади.

Дунё деган бекор ишди,  
Ҳамма тортади койишди,  
Сендан кимнинг вақти хушди,  
Асло армоним қолмади.

Доим мард қон йиғлатар,  
Оққан сувдай умринг ўтар,

Гофил қолиб ўтар кетар,  
Сенда армоним қолмади.

Кўрдим дунё кирдорини,  
Ўткардим бошдан барини,  
Ўйдим кумушман зарини,  
Ўйдим армоним қолмади.

Чамбилбелда даврон сурдим,  
Майдон бўлса танги турдим,  
Қизилбошнинг додин бердим,  
Бердим армоним қолмади.

Туйдим добил таққа-таққа,  
Тўкилди ёшим жиққа-жиққа,  
Неча бордим Ирам боққа,  
Бордим армоним қолмади.

Эл қидирдим ҳадсиз юрдим,  
Қизилбошнинг додин бердим,  
Кўп қўшинни танҳо урдим,  
Урдим армоним қолмади.

Мен Чамбилнинг валламатини,  
Бул жаҳонда қолди оти,  
Башдан йўқ бўлганди зоти,  
Донгдан армоним қолмади.

Бўлдим Чамбилнинг сардори,  
Ғазода чилланинг нори,  
Кўрқди қизилбошнинг бари,  
Кўрқди армоним қолмади.  
Овозам кетди ҳар ёнга,  
Танҳо етдим кўп душманга  
Ҳомий бўлдим мусулмонга,  
Бўлдим армоним қолмади.

Қизилбошни қўйдаё қирдим,  
Қизилбошнинг додин бердим,  
Ҳар қўшинни танҳо урдим,  
Урдим армоним қолмади.

Неча ўзимни талатдим,  
Топган молим эҳсон этдим,

Олам элин қойил этдим,  
Бердим армоним қолмади.

Чамбилга қирқ йигит йиғдим,  
Ойдин кўлга добил туйдим,  
Сув ўрнига боллар қуйдим,  
Қуйдим армоним қолмади.

Ғиркўким отнинг тулпори,  
Тенг бўлмас тулпорнинг бари,  
Жонга роҳат юришлари  
Миндим армоним қолмади.

Менинг отим қушдан зиёд,  
Туёқлари тошдан зиёд,  
Минган эрга ғазо ният,  
Миндим армоним қолмади.

Ғиркўким отлар подшоси,  
Минганнинг кўпди ҳаваси,  
Минганнинг ортар ихлоси,  
Чопдим армоним қолмади.

Менинг отим учар қушдай,  
Қилиғи нозли бувишдай,  
Минган йигит тўлиб-тошгай,  
Отдан армоним қолмади.

Менинг отим мардга мурод,  
Шуйтиб бўлган оти Ғирот,  
Оламда йўқ мундай зўр от,  
Отдан армоним қолмади.

Отим югурук, ўзим ботир,  
Зарбим душманни титратир,  
Ғазода ғанимни қийратир,  
Қирдим армоним қолмади.

Ғиркўкимни ҳар ён чопдим,  
Доим излаб майдон топдим,  
Қирқ элга тилла тўн ёпдим,  
Ёпдим армоним қолмади.

Чамбилимни қилдим обод,  
Бердим доим қанду набот,  
Сарпой бердим қабат-қабат,  
Бердим армоним қолмади.

Арақман эрни маст қилдим,  
Қизилбош бўлса қасд қилдим,  
Қизилбошни шикаст қилдим,  
Қилдим армоним қолмади.

Зор йиғлади бўлса душман,  
Ғазо ишдан йўқди пушмон,  
Қанчаси бўлса тўқишган,  
Қирдим армоним қолмади.

Ғиротим менинг муродим,  
Ҳам давлатим, ҳам зурётим  
Ҳам Чамбилим вилоятим,  
Сенда армоним қолмади.

Қирқ азамат менинг жўрам  
Ўғлим Аваз, Ҳасан тўрам,  
Икки парим Боғи Ирам,  
Суйдим армоним қолмади

Оға Юнус тоза ҳурдай,  
Феъли-хели доим бирдай,  
Хулқи-хўйн, сўзи дурдай,  
Суйдим армоним қолмади.

Менинг ёрим тоза пари,  
Париларнинг барнолари,  
Тенги йўқ дунё ҳурлари,  
Ердан армоним қолмади.

Мисқол парилар барноси,  
Юнус Кўҳи Қоф подшоси,  
Буларнинг йўқдир кўтоси<sup>1</sup>,  
Ердан армоним қолмади.

Мисқолдай йўқ соҳибжамол,  
Доим ҳусни топган камол,

---

<sup>1</sup> Кўтоҳи; етишмовчилик маъносида.

Миннати йўқдир бемалол,  
Хушхўй, армоним қолмади.

Ҳеч айб тонмас ёримдан,  
Тоza ҳусни гулзоримдан,  
Бул икки париларимдан,  
Суйдим армоним қолмади.

Париларим жаннат қури,  
Тимсоли йўқ не бир пари,  
Боғи Ирамнинг барнолари,  
Суйдим армоним қолмади.

Менинг ёрим тоza-тоza,  
Оқ юзига бекор ғоза,  
Ким йўлиқса ундай ноza,  
Ноздан армоним қолмади.

Қоши қора, кўзи хумор,  
Борсанг йўлдан шарбат тутар,  
Сўзларидан боллар томар,  
Сўздан армоним қолмади.

Гўрўғли дер менинг отим,  
Шаҳаншо бўп ўтган зотим,  
Юрт сўраб неча авлодим,  
Найлай, армоним қолмади.  
Шуйтиб, дўстлар, мен ҳам ўтдим,  
Зарбим оламни дувлатдим,  
Донг кўтариб мен ҳам ўтдим,  
Ўтдим армоним қолмади.

Дўстлар, дунё ахири шул,  
Не улларни қилди малул,  
Дунёдан бўлдим беҳосил,  
Бўлдим армоним қолмади.

Дунё мисли кўҳна сарой,  
Келар-кетар шоҳу гадой,  
Биров бир хил, биров бир-ей  
Келдим армоним қолмади.

Отим қолар дунё борди,  
От кўтармоқ эътиборди,

Донм сўзлар яхшидарди,  
Энди армоним қолмади.

Мен Чамбилнинг валламатини,  
Гўрўглининг қолар оти,  
Энди биздан қолмай зоти,  
Энди армоним қолмади.

Мен дунёга келдим-кетдим,  
Элга кўп ишлар кўрсатдим,  
Яхши отман менам ўтдим,  
Ўтдим армоним қолмади.

Зор йиғлатдим қизилбошди,  
Мен бор жойда турмай қочди,  
Иркилмай қилдим савашди<sup>1</sup>,  
Қилдим армоним қолмади.

Мен ҳам ўтдим кўпнинг бири,  
Бўлиб Чамбил элнинг шери,  
Йигитлик ўтиб, бўп қари  
Ўтдим армоним қолмади.

Бўлдим Туркманнинг тождори,  
Мендан қўрқди шоҳлар бари,  
Бир тирноққа интизори,  
Бўлдим армоним қолмади.

Отим, донғим юртга тўлди,  
Ишим кўп овоза бўлди,  
Бир зот учун рангим сўлди,  
Сўлди, армоним қолмади.

Мен Чамбилнинг бўлиб шоҳи  
Дунёда касбим сипоҳи,  
Бир фарзанднинг бўп гадоғи  
Ўтдим армоним қолмади.

Бек Гўрўгли отим менинг,  
Чамбил вилоятим менинг,  
Дунёда йўқ зотим менинг,  
Ўтдим армоним қолмади.

---

<sup>1</sup> Урушди.

Бу сўз Гўрўглининг сўзи,  
Бир фарзандга гадоё ўзи,  
Ули тува йўқди қизи,  
Зоддан армоним қолмади.

Бир фарзанд деб доим йиғлаб,  
Азизлардан фарзанд тилаб,  
Бир тирноқни қилди талаб,  
Ўтдим армоним қолмади.

Ана энди Гўрўглибек дунёнинг иссиқ-совуқ, ранжу роҳатларини, шоду-ғамларини, жудолик-айрилиқ, ҳижрон, ситамзодаларни, маъюс, нотавонларни, бор ғурбатдан қаддилари эгилиб қолганларни, кўп йиғлаб койиши ошиб кўр бўлиб қолганларни, неча бир севганларидан айрилиб, доғига кўйиб, тентак сувдай бўлиб қолганларни — буларнинг ҳаммасини бир-бир кўриб, аҳволларини кўп сўраб билган киши эди. Шундай ситамзодалардан доим хабар олиб турар эди. Шундай бир ғамгин кўрсалар, дарҳол раҳмлари келиб, савол ранжини сўрар эдилар. Ул аҳволини айтгандан сўнг нима бўлса, билар эдилар. Агар айрилиқ бўлса, жудоликдан ета олмай ётган ожизларни шул айтган муддаосига етказар эди, кўп кўшишлик киши эди. Агар Гўрўглибек билсалар, бир киши толиб ва лекин матлубига етиши қийин, жуда қийин [бўлса], агар англасалар, дарҳол етказар, асло дунёга қарамас эди. Доим шундай ожизларни, айролик ўтига куйганларни, ета олмай иштиёқ кўзини уйганларни излаб, сўраб юрар эди. Бундай ишларга Бек Гўрўгли кўп тарадди, кўшиши жуда кўп киши эди. Ўзлари доим ўзидан пастларга қараб, элдан на муродлари бор деб сўраб, дод деб йиғлаб ётганларга қараб, кўп қарашган киши эди. Бек Гўрўглининг даврида, замонларида ҳеч вақт зулм деган нарса йўқ эди. Қўй билан бўри бир юриб, кичик болалар илон, чаёнлар билан ўйнаб юрар эди. Ул вақтларда бир киши бир кишига ёмонлик, душманлик деган шу иш асло йўқ эди. Доим элисозлик ва ҳамма шодмонлик ва ҳар ерда тўй-томоша бўлиб ётган, элини обод этган, шуйтиб мақсадига етган. Ана энди яхши сўз ҳаммага яхши. «Яхши сўз билан илон индан чиқар, ёмон сўз билан одам диндан чиқар». Яхши от кўтарган кишилар ўрнига яхшилигини қўйиб кетибди. Ўзи кетса ҳам, сўзи тўғри, яхши иши тўғри. Ана энди

шу яхши отнинг яхши сўзини бу вақтдаги одамлар эшитиб, кўрмаса ҳам яхши кўради. Яхши деб яхшилаб гапирди. Шу яхши оти, сўзи шу одамни доим яхши қилиб турибди. Жами одам уни яхши, деб яхшилаб, яхшилигига кўра ҳамма яхши деди. Кўрмаса, билмаса ҳам шул сабабдан яхши от одамга жуда даркор. У ёқда ҳам яхшилиқ кўп ярайди, албатта. Ёмонлик бир ёмон касалдай баччағар-да. Ҳамма ёмон касалдан менга юқмасин, деб жирканади, ҳамма безор, тура қочади, ҳеч ким ёқтирмайди. Мени шундай ҳеч ким суймаса, бундан ёмон нарса нима?! Ана энди ёмон от шундай. Ёмон от қолса, ортида қолган кишилар кўрмаса ҳам, ортидан ёмон, деб жирканиб, ёмон ёдлаб, ғойибонасига лаънат ўқиб, ҳамма сўкади, бу қандай гап?!

Тамом бўлди Гўрўғлининг қиссаси,  
Мулла Эргаш буни айтган устаси.  
Шу дostonни айтиб чиққан вақтида,  
Кўп экан бошида қайғу-ғуссаси.

Ҳар ким ўқитсалар, туриб эшитса,  
Гапга етар одамларнинг расоси.  
Гапни айирмоқлик дононинг иши,  
Нодонга индамай турмоқ жазоси.

Бирда билмаганлар ўн айтса билмас,  
Қайта-қайта айтсанг, кетар мазаси.

Тамом бўлди Гўрўғлининг достони,  
Ўқсанг шунда-да гапнинг тозаси<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Достон 1927 йилда Самарқандда ёзилган. Унинг бош қисмини Ҳоди Зариф ёзиб олган. Давомини шоирнинг ўзи ўз қўли билан ёзган.



## ҚИСКАЧА ЛУҒАТ<sup>1</sup>

- Алба-далбасина чиқармоқ* — энтак-тентагини чиқармоқ, довдиратиб қўймоқ.  
*Алжу-балжу сандирамоқ* — бўлар-бўлмас сандирамоқ.  
*Алак* — соддалик, гўллик.  
*Алтоқ-жалтоқ қилмоқ* — кўзни олайтирмоқ.  
*Андираймоқ* — шошмоқ, шошилмоқ, шошилтирмоқ.  
*Аразранғираб* — аразлаган бўлиб.  
*Арсиллашиб* — ҳарсиллашиб.  
*Бекарда* — бекорчи; кўч, уқувсиз.  
*Беқорув* — қорувсиз; нимжон.  
*Бехтар* — жуда яхши, энг яхши.  
*Биринж муштаҳид* — бронза маъбуда.  
*Борлаб сўзламоқ* — ўйлаб сўзламоқ, тил тортиб сўзламоқ.  
*Буғ* — урушда чалинадиган асбоблардан бири.  
*Бўридан чиққан* — қарғиш сўз; бўридан туғилган.  
*Бурчимоқ* — вайсамоқ.  
*Бўшанглаб* — бўшанглик қилиб.  
*Галжираб* — алжираб.  
*Гана* — гоҳ, гоҳо.  
*Гашт урмоқ* — тугатмоқ, охирлатмоқ.  
*Губурга* — урушда чалинадиган асбоб.  
*Гирибонгир* — бўйнидан бўғиб олувчи; *ғайрати гирибонгир бўлиб* — ғайрати жўшиб.  
*Гуппи* — ҳовлиқма; *гуп сўз* — беҳудага мақталиб айтилган сўз.  
*Даланг* — очиқ майдон.  
*Далбанглаб* — довдираб, гандираклаб.  
*Дап* — ҳужум, ҳамла.  
*Дангсанг* — катта тош.  
*Долбай* — қўймич билан бел ораси.  
*Донгғоза* — донг таратмоқ, донг чиқармоқ.  
*Дўрмамоқ* — ёпирилмоқ.  
*Ев чорак* — довюрак ботир.

<sup>1</sup> Сўзнинг дostonдаги маънолари изоҳланди.

- Жайрашиб** — кенгайишиб; яйрашиб.  
**Жалтангламоқ** — ҳушёр, зийрак, ўзидан хабардор бўлиб турмоқ.  
**Жамрашмоқ** — тартибсиз вағирлашмоқ.  
**Жийламоқ** — бир ҳамла билан бир неча кишини йиқмоқ.  
**Зиммон** — кафил бўлиш, кафиллик.  
**Зоил** — йўқ бўлувчи, йўқоладиган.  
**Идин кун** — байрам кун.  
**Идраймоқ** — ҳадиксирамоқ, чўчимоқ.  
**Ийик** — дук, ўрчуқ.  
**Ийир** — доривор ўсимлик.  
**Иргал** — илгари.  
**Иқилмоқ** — йиқилмоқ.  
**Иқлама** — зоти паст от.  
**Кўс** — катта ноғора.  
**Липопалаш** — бирор нарсани ўраб боғлаш.  
**Маълул** — носоғ, иллатли, қасал.  
**Мар қилмоқ** — бенасиб қилмоқ.  
**Музтар бўлмоқ** — ночор бўлмоқ, мажбур бўлмоқ.  
**Мураххас бўлмоқ** — хурсанд бўлмоқ.  
**Назрқаб турмоқ** — нозинқирамоқ, ноз қилмоқ.  
**Насак** — тарз, ҳол, ҳолат; иснод.  
**Оди** — араб қабилаларидан бирининг номи. Фольклорда мифология паҳлавон.  
**Оқбўта (оқбўтан)** — тоғда яшайдиган ёввойи ҳайвонлардан.  
**Полвона** — мардона.  
**Роғиб** — рағбатли, хоҳишли, мойил.  
**Рўйинтан** — «Шоҳнома» қаҳрамонларидан Исфандиёрнинг лақаби.  
**Санғи** — дайди.  
**Сарқакураш** — узоқдан чопиб келиб олишиш.  
**Сако** — сув сепувчи, сув ташувчи.  
**Солхўрда** — кекса, кўп йилни бошидан кечирган, даванг.  
**Суйри** — текис, ялтираган текис.  
**Сурсат** — инъом; солиқ.  
**Табл** — катта ноғора.  
**Таббол** — ноғорачи.  
**Тазбир** — алдаш, ҳийла, фириб.  
**Тирра** — фиром; изза.  
**Турмак** — шимармоқ. **Билакни туриш** — енгни шимариш.  
**Тумпанглашиб қочмоқ** — тумтарақайлашиб, бир-бирига қовушмақ ҳар тарафга қочиш.  
**Улапахўр амалдорлар** — хонга қарашли ҳамтовоқ амалдорлар.  
**Фақиҳ** — фикҳ илмининг олими, диний ҳуқуқ билимдон.  
**Шатта** — шаллақ, чапани.  
**Шовшамоқ** — зирқирамоқ.  
**Эмик сути** — ўғай онанинг болага берган тарбияси: «Эмчак бермай, эмик сути бердим».  
**Эранг** — аланг ўт.  
**Қирқ човут** — қадимги туркий ўйинларнинг бир тури.  
**Коракаш (харракаш)** — ярамас от.  
**Қўямақўлтиқ олмоқ** — қучоқлашиб курашмоқ.